

ЙЎЛДОШ ШАМШАРОВ

ИШҚ ЎТИ

ҲИКОЯЛАР
ОЧЕРКЛАР

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент — 1978

www.ziyouz.com kutubxonasi

УДК
1122

III $\frac{70303-57}{352 (06)-78}$ 136—78

Етмиш йиллик ҳаёт... Оддий бир меҳнаткаш оила боласи; етимлик натижасида бошга тушган изтиробли кунлар; суяги қотмаган бола бўлишига қарамасдан бойлар эшигидаги хизматлар... Йўлдош Шамшаров ҳаёти шундай бошланган.

Хайрият, бу кунлар узоқ давом қилмади. Янги ҳаёт шабадаси эсиб, ёш ўсмирнинг бошини силади. Ҳаётга юриш бошланди: интернетда ўқиш, ҳаётга мустақил қўйилган биринчи қадамлар — ўқитувчилик, комсомол сафида туриб янги жамият қурилишига фаол ара-лашиш, журналистлик ишларига қизиқиш...

Ҳаётга фаол муносабат уни мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ишларига тортди: ер ислоҳоти, босмачиларга қарши кураш, колхоз қурилиши, саводсизликни тугатишга юриш ва ҳоказолар...

Уларнинг ҳар бири Йўлдош Шамшаровнинг ҳаётида муҳим бос-қичларни ҳосил қилиб, қанчадан-қанча ўй ва фикрларни уйғотди. Биринчи гал бадий асар яратиш учун қўлга қалам олганда, Йўлдош Шамшаровнинг ҳали ижод тажрибаси йўқ эди. Газета ва журнал-ларга ёзилган хабарлар, лавҳалар бўлажак очеркчига машқ мактаби бўлиб хизмат қилди. Узоқ вақтлар давомида республика газета ва журналларида ҳар хил лавозимларда — адабий ходимдан тортиб редакторликкача ишлаш уни чиниқтирди. Унинг «очерк» деб эълон қилган дастлабки «асарлари» очеркдан кўра кўпроқ оддий хабарга ўхшаб кетарди. Уларда образли фикр юритиш, очеркчилик қопун-қондаларига амал қилиш ўрнига одамларнинг қилаётган ишлари, келажак қақидаги ўйлари тўғрисида хабар берилар эди холос.

Эллагинчи йилларга келиб, Йўлдош Шамшаров эълон қилган очеркларда газета хабарига нисбатан образли фикр юритиш аста-секин устун чиқа бошлади. «Пахтақайнар» тўпламига киритилган «Богбон» очеркида мана шундай бир эпизод бор: очерк қаҳрамони — колхоз богбони Жўравой ўтмишда бойлар эшигида хизмат қилиб юрар экан, бир йигит билан ҳамроҳ бўлади. Бу йигит Йўлдош Охун-бобоев эди. Суҳбатлардан бирида Йўлдош Охунбобоев: «Бизга ҳам битган яхши кунлар бордир»,— деса, Жўравой: «Сиз билан бизга битган яхши кун пўлат сандиқда, калити осмонда»,— дейди. Бу гапларни эшитиб Охунбобоев: «Бузиш керак ўша пўлат сандиқни!»— дейди. Революциядан кейин Жўравойни бой эшигидан олиб кетишди ва уни бир гуруҳ милтнқ таққанлар орасига олиб борадилар. Ёмон кунларда йўлдош бўлган йигит — Йўлдош Охунбобоев пешвоз чи-қиб, Жўравойга: «Ўша пўлат сандиқни бузишди, олниг энди яхши кунингизни унда»,— дейди.

«Богбон»да ҳаёт зиддиятлари кўпроқ ўтмишимиз билан ҳозирги кунимиз орасидаги қарама-қаршиликдан келиб чиқадиган бўлса, Йўлдош Шамшаров «Пахтақайнар»да ишлаб чиқаришни ривожланти-риш йўлидаги ҳар хил қарашлар орасидаги зиддиятни акс эттиради.

Янги ер очиш ҳисобига ҳосилни оширишни ўйлаган раис одамлар кучига ишончсизлик билан қарайдиган ҳосилотга зид туради ва ғолиб чиқади

Эллигинчи йилларда яратилган ва ёзувчининг «Пахтақайнар» тўпламига киритилган асарларининг бадий жиҳатдан энг жонлиси ва бақуввати «Қоравой полвон нима дейди?» номли асаридир.

Асарнинг қисмлари марказий бир образнинг ўзига хос ва ўзбек деҳқони учун тилик хислатларни тасвирлашга қаратилган. У «полвон» номини ўзининг табиатидаги индивидуал хислатларни туфайли олган. У бир оз ўжар. Лекин бу ўжарлик уни шиддаткор қилиб қўйган. Арзимаган бир нарса устида у уйдан чиқиб кетиб, асрлар бўйи қақраб ётган тепаликдан икки таноб ерни юлиб олади.

Қоравойдаги ўжарлик ўз кучига, ўзининг ҳалол меҳнатига ишончидан келиб чиқади. Колхоз қурилиши ҳаракати бошланиб кетиб, «колхозга кир» дейишганда ҳам у ўз куч-қувватига ишонганлигидан ўжарлиги тутади: «Бойнинг ўғли колхозга мირза бўлиб турганда мен колхозга кирмайман», деб туриб олади. Колхозга киргандан кейин ҳам у бойнинг ўғли Мираҳмадни сувга улоқтириб ташлаб тиңчийди.

Ёзувчи бу ерда ўз кучига ишонган, шу туфайли бир оз ўжар-табиат бўлиб қолган, бироқ иш деса дўндирадиган оддий ўзбек деҳқонининг образини яратиб берди.

Йўлдош Шамшаров олтининчи йилларнинг бошларида, аввало, газета ва журналларда, кейин алоҳида китоб шаклида «Ғурумсаройликлар» номли очерклар тўпламини эълон қилди.

Композиция жиҳатидан «Ғурумсаройликлар» ўзига хос хусусиятларга эга. У юзаки қараганда, алоҳида-алоҳида очеркларни ўз ичига олган тўпламга ўхшайди. Бироқ дурустроқ назар ташланса улар шаклан ҳам, мазмунан ҳам бир-бирини тўлдирадиган, бир-бирини изоҳлайдиган яхлит бир асар эканлиги яққол кўрина қолади.

Бу асар марказида икки авлод тарихи туради. Бирини, эски ҳаётни ағдариб ташлаб унинг ўрнинга янги ҳаёт тиклаган, бу ишда не-не азоб-уқубатларни бошидан кечирган собиқ раис Акбар Тошматов, колхознинг биринчи инженери Улмас бува, уста Николай Ефимовлар. Иккинчиси, техникани ишга солиб, дадил қадам билан олга бораётган Аҳмаджон. Парпи, Мелиқўзи, Салимлар.

Йўлдош Шамшаров ўтмишга мурожаат қилар экан, қисқа-қисқа эпизодлар, ҳаётини манзаралар яратади.

«...Улар (ғурумсаройликлар — М. Қ.), биринчи баҳор шабадаси эсини биланоқ қинғир-қийишқ тоғ сўқмоқларига турнақатор тизилиб, мажолни қуриб йиқилган шерикларининг қўлтиғидан кўтариб, бир-бирига суяниб довон ошиб кетарди. Отаси мардикор — қорандаларга қўшилиб тоғ ошиб кетганда Акбарали ёш бола эди. Пастгина гувала деворли ҳовлидаги бир туп хашаки тут тагида она-бола довон томонга кўз тутиб ётишарди. Эсдан ҳеч чиқмайди; шу тут барг ёзганидан бошлаб, унинг кўзи тепада бўларди: қачон оқараркин?»

Шу эпизоднинг ўзида қанчадан-қанча маъно бор: азим Сирдарё лабида жойлашган бўлишига қарамасдан, ғурумсаройликлар бир томчи сувга зор, ўз ерларини ишлашдан маҳрум, довон ошиб мардикорлик қилишга мажбур!

Бу эпизодда акс эттирилган ҳақиқат ўтмиш ҳаётимизнинг бир томони. Унда ўтмиш ҳаётимизнинг иккинчи бир томони ҳам акс эттирилган. Бу «Сайхўн бўйида кўкатсиз, кўримсиз» қишлоқда туриб, ўз меҳнати билан бахт ахтарувчилар ҳаётиндан келиб чиқади.

Қишлоқ ўртасидаги икки сада тагида бир устакхона бўларди. Довон ошиб бахт излайдиган кишиларнинг ўн қадоқлик кетмонлари шу устакхонада ясаларди. Колхознинг биринчи инженери уста Ҳамроқулнинг ўғли Улмас ёшлигида темирчиликни отасидан мерос олгану дарёнинг нариги бетидаги тўқайни куйдириб, янги ер очиб пахта экадиган бойнинг ёлланма насосчи устасига шогирд тушган. Шу-шу механизм тилини билиб олишга қунт қилган.

Улмас насосчи арман йигити Бағрат, рус кишиси Николай орқали англаб оладики, подшо — бу эртаклардаги энг зўр, уч бошли аждаҳо, бойлар эса, кичкина аждаҳолар. Яқинда уларнинг бошлари кесилади — аввало бош аждаҳонинг, кейин майда аждаҳоларнинг. Бу ишни ўзи, Бағрат ва Николайга ўхшаганлар қилади.

Ёш Улмаснинг бу ҳақиқатга ишонishi бир оз қийин эди. У ўша вақтда ёруғ жаҳоннинг ҳаммаси оқ подшо қўли остида, деб юрарди. Бироқ кунлардан бир кун бош аждаҳонинг қулаганини ва ўрнига буржуй деган аждаҳонинг чиққанини, кейинчалик унинг ҳам қулаганини билди. Ғурумсарой гоҳ қизил юлдуз таққанлар, гоҳ босмачилар томонга ўтиб турди. Насосдан сув чиқарилиб экилиб турган бойнинг ерига ҳам ҳеч ким келмай қўйди. Улмас шундан билдики, кичик аждаҳолар ҳам қулаган. Уста Улмас эса камбағал деҳқонлар учун сув чиқарадиган бўлди. Колхоз қурилгач, Уста Улмас колхознинг биринчи инженери номини олди.

Шундай қилиб, очеркчи кекса авлодга мансуб, ўзларининг ҳаёт йўли билан бир-бирига кам ўхшайдиган иккита образ яратади. Бири довод ошиб мардикорлик қилшни отадан мерос қилиб олган, кейинчалик колхозга раис даражасигача кўтарилган Акбарали, иккинчиси, темирчиликни отасидан мерос олиб, аста-секин янги техникани ўзлаштириб, халқ орасида инженер номини олган Улмас. Йўлдош Шамшаровнинг «Ғурумсаройликлар»ида, кекса авлод билан ёш авлод орасида кескин зиддият йўқ.

«— Кўзимни очиброқ қарасам колхоз менинг ақлимдан тез ўсибди», дейди Акбарали ўзининг ўрнига раис қилиб сайланган йигитнинг елкасига қўлини қўйиб. Янги раис ҳам... ўз елкасида Акбар ака қўлининг ҳароратини сезар, унинг бегараз, самимий сўзлари келажакка бўлган ишончини қаноатлантирар эди».

«Ғурумсаройликлар» очеркидаги алоҳида қисмларни бир-бири билан мустаҳкам боғлаб турадиган марказий образ янги раис Аҳмаджондир.

Аҳмаджон Акбарали таърифи билан айтганда, «қўлини узатса кўҳна тоғнинг чўққисига етадиган», бошқа бир персонаж тили билан айтганда, «юраги тоғдек» йигитлардан. Ғурумсаройликлар бир-бирларини «полвон», деб аташга одатланганлар, Аҳмаджон эса ҳақиқий полвонлардан. Ишлаб чиқаришни юқори кўтаришда у фақат «тоғқа етадиган узун қўли-ю, тоғдек юраги»нинггина эмас, балки полвонлик кучини ҳам ишга сола билди, зўравон деб пом чиқарган ўғри Салим билан олишиб, коллективга бўйсундиришдан ҳам қайтмаган у.

Республикамизда, ҳатто Иттифоқда донғи чиққан бу ёш раиснинг беш-ўн йил ичида қилган ишлари очеркда тасвирланганидан ҳам улуғроқ. Шундай экан, бу ёш раис иш услубининг сири нимада? Очеркчи шу масалани тадқиқот қилади. У қаламга олган объектни фақат тасвирламайди, балки очеркчи сифатида, Максим Горький айтганидек, тадқиқ қилади.

Сир шундаки, Аҳмаджон ташаббускор раҳбар. Тўғрироғи, паст-

дан, колхозчилардан келиб чиқадиган ташаббускорларни қувватлайдиган раҳбар, у бирор жойда «буйруқбоз» сифатида кўринмайди. Унинг топшириқ ва буйруқлари ҳам колхозчиларнинг ўзларидан келиб чиқади. колхозчилар ташаббуси асосида у буйруқ беради. Яна ҳам тўғрироғи — у ташаббускорлар раиси.

Аҳмаджон солиқ раис Акбарали ташаббусини қўллаб-қувватлаган эди, колхозда гектар-гектар боғ-роғлар яратилди; «қор тағид» оққан сувдай унсиз» юрадиган бригадари Парпийнинг ташаббусини қувватлаган эди, колхоз шўр ювиб, гектар-гектар янги ер очиб олди; тиниб-тинчимайдиган, ором деган нарсани билмайдиган Мелиқўзини қувватлаган эди, деҳқончиликнинг энг қийин ишлари машина зиммасига кўча бошлади; ўғирликдан таслим бўлиб колхозга қайтган Салимни қувватлаган эди, колхозда ҳашаматли Пунгон шийони пайдо бўлди, ниҳоят сигир соғувчи Норҳол ташаббусини қўллаб-қувватлаган эди ҳамки, илгарилари зарар келтириб турган чорвачилик янги изга тушиб кетди...

Бироқ бу гаплардан «яхши раҳбар бўлиш учун ҳар бир ташаббусга «ҳа, баракалла», деяверишнинг ўзи кифоя эканда», деган хулоса чиқмайди. Очеркчи ташаббусни ёқлаш ё рад қилиш учун раҳбар ўша ташаббускорга нисбатан кўпроқ мулоҳаза қилиши, ташаббус натижаси ҳақида фикр юртиши, уни ҳар томонлама ўрганиши, билиши зарур. Ёзувчи Аҳмаджонни шу ҳилда, ташаббусларни ташаббуслардан фарқ қила оладиган, тўғри ташаббусларнинг қадр-қимматига яхши тушунадиган раҳбар сифатида тасвирлайди. Бугина эмас, Аҳмаджон колхоз активларига ташаббускорлик учун имконият яратади. Бирор ишни ўз ақли, ўз идроки, ўз ташаббуси билан олға суриши мумкин бўлган чоғларда ҳам бир оғ ўзини тортиб туради, шу масалага бошқаларнинг эътиборини жалб қилади. Оқибат, масалани колхоз активларидан бири кўтариб чиқади. Натижада ташаббус эгаси шу ишни бажарадиган одамнинг ўзи бўлиб қолади. Ўзи ташаббускор бўлгандан кейин иш албатта аъло даражада амалга оширилади.

Шу тарзда очеркда раис Аҳмаджон билан бирга қатор ташаббускорлар образи яратилади. Улар фақат ташаббускорларгина эмас, балки ўз ташаббуслари билан олға сурилган катта ишларнинг ижрочилари ҳам.

Йўлдош Шамшаров учун очерк бошқа жанрлар орасида баъзан баъзан мурожат қиладиган жанрлардан эмас. Очерк унинг учун донмий ва ёзувчилик муҳаббатининг тортган жанр. Баъзан шундай бўладики, тузукроқ очерк яратиш учун у ойлаб-йиллаб вақтини сарф қилади. «Ғурумсаройликлар» шундай очерклардан. Ҳаҳо бир вақтлар қаламга олинган темага агар ёзувчи қониқмаган бўлса, иккинчи бор қайтади. Юқорида эслатганимиздек, қирқинчи йилларда Йўлдош Шамшаров Оҳангарон кўмири кони қаҳрамонлари ҳақида «Жигаристен» номли очерк яратган эди. Бироқ бу асар очеркчининг ҳали тажрибаси камроқ вақтда ёзилган бўлиб, авторнинг кўнгилини тўлдирмаган эди. Шу сабабдан, ёзувчи бу темани олтинчи йилларнинг бошларида яна бир марта қаламга олди ва «Қаҳрамонлик йўли» номли китобчага киритилган «Садоқат» очеркини яратди. «Жигаристен»даги баландпарвоз гаплар ўрнига жонли кишилар образи, ташландиқ тоғ бағрида шаҳар яратган қаҳрамонлар образи қад кўтарди, яхшигина очерк пайдо бўлди.

Йўлдош Шамшаровнинг «Дарёлар» дсб аталмиш очеркида республикамизда сув учун кураш темаси ва бу курашда ташкилотчилик

қилган одамлар қаламга олинди. Шу муносабат билан адабиётга Усмон Юсупов образи кириб келди.

«Дарёлар»да Йўлдош Шамшаров «Фурумсаройликлар»даги анъаналарини давом қилдирди. Воқеликни жонли ва жозибали қилиб очиб бериш йўлини излади. Бундан ўттиз йил олдинги воқеанинг жонли гувоҳини, фақат гувоҳинигина эмас, ўша воқеаларнинг фаол иштирокчиларини излаб топади. Шулардан бири Бузрукхўжа Усмон-хўжаев — Эшон ака.

Эшон ака ўша кезлари Катта Фарғона канали қурилишида қатнашган. Воқеалар Эшон аканинг хотиралари сифатида тақдим этилади. Бошқача қилиб айтганда, ёзувчи Эшон ака хотираси орқали ўттиз йиллик ўтмишга экскурсия қилади.

Усмон Юсупов образи ҳам очеркка Бузрукхўжа хотираси орқали киритилади. Халқнинг дилдагисини топиб, ўшанга яраша муомала қилишни ўзига муқаддас бурч қилиб олган бу йирик сиймо ҳаётидаги кичкина лавҳа яратилади. Бу лавҳада Усмон Юсуповнинг характерли томонларидан бири — катта-катта ишларга оддий халқни сафарбар қилабилиш қобилияти жонли гавдалантирилади.

Йўлдош Шамшаров танилган, маҳоратли очеркчи. У ўзи кузатган, ўрганган ҳаётий воқеаларни бошқа адабий жанрлардагидек ёзувчи-санъаткор тафаккуридан ўтказди, уни «қайта бичиб, қайта тикади», санъат асари талабларига мувофиқ, кам жойини тўлдиради, ортиқча жойини олиб ташлайди ва шу йўл билан, фақат шу йўл билан ҳаётнинг ҳаққоний манзарасини яратиб беради.

Мажозий маънода айтганда, Йўлдош Шамшаров очерклари ҳаётга саёҳат натижаси ўлароқ майдонга келади. Очерк жанрининг ўзи эса, адабиёт оламига, ундаги жанрлар водийсига, ундаги адабий тафаккур дунёсига, бадий услублар уфқига саёҳатдир. Ҳаётга, адабиёт оламига йўл тутган саёҳат натижаси сифатида катта полотнолар яратилиши мумкин. Шундай бўлди ҳам.

Йўлдош Шамшаров 1970 йилда «Чироқ» помли романини эълон қилди. Унинг очерклари, асосан, бугунги кун ҳаёт қаҳрамонлари — мамлакатини моддий бойликлар билан таъмин қилиб турган колхозчи-азаматлар бўлар эди. «Чироқ»да эса ёзувчи бу азаматларнинг ота-боболари ҳаётига бир назар ташлайди. Шу бугунги қаҳрамонликларнинг ўтмишдаги қаҳрамонликлар билан узвий боғланишига китобхон эътиборини жалб қилади. Асарни ўқиган киши бугунги ҳаётга юриш, бу юришда қўлга киритилаётган оламшумул ғалабаларнинг замини революция байроги баланд кўтарилиб, ҳаётда бирин-кетин инқилобий тадбирлар амалга оширилаётган вақтларда яратилганга яна бир марта ишонч ҳосил қилади. Ота-боболарнинг улўғвор ишлари билан танишиб, уларга таҳсинлар ўқиймиз, ҳали ҳам улар бизга ўрناк эканини англаб, руҳимиз кўтарилади — ақлимизга ақл, кучимизга куч қўшилади. Романда йигирманчи йиллар бошларида рўй берган ер-ислохотни воқеаси акс этади. Деҳқонлар ҳаётида рўй берган бу инқилобий бурилишда Йўлдош Шамшаровнинг ўзи комсомол активисти сифатида қатнашган. Эҳтимол, романдаги ёш активистлардан бирининг прототиپи ҳам ёзувчининг ўзидир.

Йўлдош Шамшаров йигирманчи йиллар ҳаёти картинасини китобхон олдига ёзиб қўйди ва қатор оригинал образлар яратди. Биз Носирбой типига моддий бойликни ўз қўлига киритган, тиш-тирноғи билан бу бойликни сақлайдиган, эски тартибни тиклашга уринган катта бир мулкдор образини кўрсак, Шаҳобиддин типига моддий бойликни халқдан қўриқлаб қолиш учун уринаётганларнинг мафку-

равий асосчиларидан бирини кўрамиз. Романда асл моҳияти билан булар иккаласи бир бўлиб, халқ зарби билан ҳаётдан кетиши керак бўлган кучлар сифатида акс эттирилади. Йўлдош Шамшаровнинг ютуқларидан бири шундаки, Носирбой ҳам, Шаҳобиддин эшон ҳам ҳаётдан маъмурий чоралар билан узоқлаштирилмайди. Янги ҳаёт тўлқини Носирбойнинг хонадонига кириб боради, унинг тadbирларини ичдан туриб емира бошлайди. Бойнинг ишонган кишилари — кизи Нозима, куёви Қурбонқул янги ҳаёт қурувчилар таъсирига ўтади, ер-мулкнинг бир қисмини хатлаб бермоқчи бўлган Исоқ ҳам қўлдан чиқади, ҳатто энг содиқ ҳисобланган қирғиз чўпон — Бозор оқсоқол ҳам бойнинг уринишлари фойдасиз эканини айтади. Бой яккаланади. Бундан кейин мол-мулкни қўлда сақлаш ҳаракатлари фойдасиз эканини тушунади. Носирбой даҳшатда: наҳотки «Большовойлар сўзи қулфлоглиқ, тамбалоғлиқ уйларга шунча тез кирса!»

Янги ҳаёт тўлқини тезлик билан Шаҳобиддин эшоннинг меҳробига ҳам кириб боради. Эшон тузоғига илиниб, унга ва бойларга бир умр содиқ хизмат қилиши керак бўлган нодонлар сони камая боради. Шундай қилиб, большевойлар сўзи фақат қулфлоглиқ, тамбалоғлиқ уйларгагина эмас, балки эски ҳаётнинг энг муқаддас қадамжоларига ҳам бориб етади. Янги ҳаёт тўлқини эшон ўйлаган ҳамма ҳийлаю найранглари чилпарчин қилади. Аммо бой ва эшонларнинг беҳузурлик билан бўлса ҳам нафас олиб туришларига сабаб бўладиган шахслар ҳам бор. Романда бу хилдаги бир қатор образлар ҳам яратилган. Булардан ҳасадгўй ўзидан, ўзгадан баланд келишга қасд қиладиган, бунга тўғри йўл билан эмас, балки ҳар хил эгри йўллар билан эришишни одат қилиб олган мирмаҳмудлар, ҳаётнинг қай тарафда кетаётгани билан ҳисоблашмасдан ҳамма нарсани ўзравонлик, пул билан битказишга ўрганган шодмонлардир. Булардан ташқари, бой ва эшонларга вақтинча ўнгит берадиган, ҳаётдаги ўзгаришларини дарров англаб ололмаган, эски ҳаётнинг тушунчаси билан келаётган, ҳаётдан жиддийроқ бир туртки олмагунча ўз ҳақ ва ҳуқуқларини таний олмаган «Қутлуғ қон»даги Ерматни эслагандиган шахслар ҳам йўқ эмас эди. Булар бойга содиқ қарол, эшонга мурид бўлган, кейинчалик хотини Мавлуда туфайли тўғри йўлни топиб олган Исоқ тоифасидаги кишилар эди.

Романда янги ҳаёт тўлқинининг яратувчилар тасвирига кўпроқ ўрни берилган. Йўлдош Шамшаров талқинидан шу англашилардики, инқилоб ва инқилобий шнорлар, қуруқ сўзлар йиғими бўлмаган, балки бу ғоялар, шнорларнинг моддий асоси бўлган. Инқилоб қатор инқилобий ислохотларни жорий қилди. Ер ислохоти шулардан бири эди. Бошқача қилиб айтганда, инқилоб ер ва сувни ўз эгасига қайтарди, меҳнаткашлар омаси ҳам шу вақтгача бойнинг деб ҳисоблаб юрган ер ва сувларини ўзиники эканини англаб етди. Шу сабабли, инқилобий ғоялар халқ ичида тез тарқалди. Инқилобнинг шу хислатларини англагандан кейингина эскича тарбия олган, мадрасаларда ўқиган Шароф домла ҳеч қийинчиликсиз инқилоб томонига ўтади. Бу ерда инқилоб ғояларининг ҳаққонийлигини исботлайдиган яна бир ҳақиқат бор: Шароф домла ёшлигидан бошлаб Шаҳобиддин эшон билан бирга таҳсил кўрган, бошланғич маълумотини Шаҳобиддиннинг отаси Баҳовиддиндан олганлар, кейин Қўқон мадрасасида ўқиганлар, аммо улар ҳар қайсиси бир қутб кишилари бўлиб чиқадилар. Бунинг сабаби шундаки, Шаҳобиддин ёшлигидан ўйлаш — фикр қилишга кам қобилиятли, ўзини мумтоз тутишга ўрганган ҳасадгўй бир шахс сифатида кўринади. Шароф эса ёшлигидан ўйчан,

ҳаётнинг яхши ва ёмон томонларини тарозига солиб ўлчаб кўришга уринадиган ҳақиқатгўй, санъатга қизиқувчан, янгиликка интиладиган бир шахс. Бу уларнинг илмдан фойдаланиш усулларидан ҳам маълум. Шаҳобиддин мадрасадан келиб шайхлик қила бошлайди. Унинг орзу-истаклари ҳам шу эди. Шароф эса ўқитувчиликка киришади. Ўз шахсий хусусиятлари билан ҳақгўй, янгиликка интилувчи шахс, қай тарзда тарбия олишига қарамасдан, инқилоб томонига ўтди. Ҳақ инқилоб ҳақгўйларни ўзига тортди. Ҳақгўйлар ҳақ инқилобний яратди. Ўзининг характер хусусиятлари билан ҳаёт ҳақиқатидан узоқда турган шахслар эса ҳақгўйлар яратган инқилобни тушунишлари у ёқда турсин, унга қарши кураш эълон қилдилар.

Романда инқилоб яратган ҳақгўйлар орасида фақат оқ-қорани таниган Шароф домла эмас, балки оддий меҳнаткаш вакиллари ҳам бор. Булардан энг ёрқинларидан бири Қарим полвон. У полвон деса дегудек гавдаси, гап-сўзларининг оҳанги, мард ва чўрткесарлиги билан китобхон кўз олдида тўла гавдаланади. Қарим полвон инқилобни кучоқ очиб қарши олган, бугина эмас, қўлида қурол билан инқилоб галабасига ўз ҳиссасини қўшган бир шахс. «Шўро ҳукумати — мен, сен, биз ҳаммамиз, тескари айланиб келган фалак гардишини ўз қўлимиз билан ўнг томонга ўзимиз айлантириб тузганмиз бунди. Энди муқим айланади...» — дейди у камбағалларга.

Шундай қилиб, романда, йигирманчи йиллар бошларидаги кескин ҳаётни характерлайдиган, ўз дунёқарашлари, ҳаёт ақидалари билан бир-бирларидан бутунлай фарқ қиладиган қатор образлар ёритилганки, бу образлар мажмуаси ўша давр ҳаётининг умум маънасида рўйиност акс эттиради, давр тарихий ҳақиқатини кўз олдимизда жонли гавдалантиради.

«Чироқ» йигирманчи йиллардаги синфий курашлар оловини ифода этадиган, ўша давр халқ ҳаёти, унинг истак ва интилишларини акс эттирадиган, катта маърифий, эстетик қимматга эга бўлган романдир.

Адабиёт олами кенг. Одатда санъаткорлар бу кенг оламнинг бир неча соҳасида ўз истеъдодларини намойиш этадилар. Бировлар ҳам шоир, ҳам драматург, иккинчи бировлар ҳам ёзувчи, ҳам шоир, бошқа бировлар ҳам ёзувчи, ҳам олим, яна бировлари эса ҳам ёзувчи, ҳам таржимон ва ҳоказо. Йўлдош Шамшаров кейинги гуруҳга мансуб санъаткорлардан. Очеркчиликка биринчи қадам ташлагандан бери у муттасил бадий таржима билан шугулланди. Тўғрироғи, у ўз истеъдодини таржимада синаб кўрди. Улуғ Ватан уруши йилларидаёқ у рус ва Ғарб адабиётидаги бир неча машҳур асарларни ўзбек китобхонларига ўз она тилларида тақдим этди. Булар ичида Даниэль Дефоннинг «Робинзон Крузо» асари ҳам бор. Улуғ Ватан уруши ва ундан кейинги биринчи йилларда у катта воқеалар акс эттирилган қатор асарларни таржима қилди: Л. Космодемьянскаянинг «Зоя ва Шура», С. Заречнаянинг «Лочин», С. Лоскутовнинг «Жанговар эпизодлар», «Партизанлар» китоблари шулар жумласидандир.

Йўлдош Шамшаров рус классиклари асарларини таржима қилишда ҳам актив фаолият кўрсатди. У атоқли рус ёзувчиси И. С. Тургеневнинг қатор роман ва повестларини таржима қилиб, бу улуғ санъаткорнинг гоёлар дунёси, эстетик олами билан ўзбек китобхонларини таништиришда жонбозлик кўрсатди.

Йўлдош Шамшаров таржима қилган ёзувчиларнинг рўйхати катта. Бу рўйхатга бир назар ташласангиз, у таржима қилган асарлар кўпроқ ўзларининг инсонпарварлик, ватанпарварлик гоёлари

билан бой эканини англаб оласиз. Зотан, Улуғ Ватан уруши йиллари она-юрт учун жонини фидо қилганлар, керак вақтида душман ўқиғи кўксини тутиб берганлар ҳақида ҳикоя қиладиган китоблар билан Йўлдош Шамшаров алоҳида муҳаббат билан таржима қилган Тургенев асарлари орасида муштарак бир умумийлик борга ўхшайди. И. С. Тургенев асарларидаги халқ кучи, қудрати, истеъдодини улуғлаш ақидалари Йўлдош Шамшаров очеркларига ҳам хос. У қайси бир ҳаёт материални олмасин, қайси бир қаҳрамон ҳаётига мурожаат қилмасин, ундаги потенциал кучга, унинг руҳий бойлигига, унинг истеъдодига кўз таштайди. У ҳар бир ҳаёт materialiда, ҳар бир персонажда ўз замондошида шу хислатларини кўради, улуғлайди.

Йўлдош Шамшаров, юқорида айтганимиздек, кўп воқеаларнинг гувоҳи бўлган ёзувчиларимиздан. Бундай ёзувчилар узоқ вақтлар ижодга ташна бўлиб юргандек бўлади. Умрининг маълум бир қисмида тўйиб-тўйиб ижод қилишга киришади. Ҳозир Йўлдош Шамшаров шундай пайтни бошидан кечирмоқда. Биз олдинги ёзган мақолаларимиздан бирида ёзувчининг очеркнавислигини, тиниб-тинчимаслигини, доимо ижтимоий ҳаётнинг қайноқ қучоғида бўлишини назарда тутиб, уни саёҳатчига ўхшатган эдик. Ҳамон ўша фикримизда собитмиз. Чунки у ҳамон ана шу руҳ, ана шу шуқуҳ, ана шу куч ва ғайрат билан ижод этмоқда. Замонамиз кишиларининг қалб оламига тобора чуқурроқ кириб бормоқда. Демакки, саёҳат давом этмоқда. Биз унга бу йўлда ҳаминша бардамлик ва муваффақиятлар тилаймиз!

МАТЕҚУВ ҚЎШЖОНОВ
Ҳамза мукофоти лауреати

Ёзнинг айни иссиқ кунларидан бирида Марғилонга чўл кесиб ўтдим.

Жазира, чўл гиёси қовжираган, жизғинак бўлган.

Яланғоч қумтепалар ва яйдоқ сахро кўксидан оппоқ юпқа ёлқин чиқиб, кўкка бўй чўзади, ипаксимон бу ҳарорат кўк билан ер ўртасига ҳалинчак солади; қумтепалар, бутун сахро тебранади, борлиқ ҳаво чайқалади; тикилиб бўлмайди, кўз қамашади.

Кўзимни маҳкам юмиб олдим.

Кабинага қайноқ ел ёпирилди. Юз-қўлимни, кўйлагимнинг калта енгидан кириб, баданларимни олов тили билан ялай бошлади. Нафасим қисди, кабинада ўтириш мушкуллашди. Назаримда, шу улкан самосвал аланга ичида ловиллаб ёнаётгандай, аланга ҳалп замон бизни ўз гирдобига оладигандай. Ҳамма ёқдан — шу сахрою ҳаводан куюк ҳиди келади. Кўнглим аллақандай лоҳас тортиб кетди, безовта чайқалдим.

— Кўзингиз тиниб кетдими дейман?— деди машинага чиққанымдан бери йўлдан кўз олмай келаётган шофер.— Илгари мен ҳам тикилолмасдим. Тоқат етса бора-бора ўрганиб, кўшикиб кетар экансиз...

Кўзимни очиб ёнимга қарадим. Чўл алангаси ялайвериб ҳабашдек қорайиб кетган шофер менга илжайиб қаради. Лабимнинг порсинлари кўчиб турибди. Оппоқ тишлари ялтиллайдн. Боя дарё бўйида қўл кўтариб машинасини тўхтатганимда нимагадир афтига разм солмаган эканман.

Машина бакидаги сув вақиллаб қайнарди. Бу овоз қулоғимга ғалати, мунгли эшитилди: фпгон чекниб йиғлаётгандай...

Чўл, шу қумтепалар гўё энтикар, ҳансирарди. Нариди, қумтепалар ортидаги ёйилмада гирдибодлар ўйнайди. Қатор-қатор тизилган, баъзилари жуда баланд, боши

тиниқ кўк тагидаги оппоқ булутга тегай-тегай деб юрибди, аста, жуда аста юраётгандай.

Бакдаги сув вақиллаб қайнар, юпқа оқиш ҳовур кўта-рилар, сув қайнаган, ҳовур кўтарилган сари менинг кўнглим беҳуд бўларди.

— Ҳа, одам кўникиб кетар экан, тоқати етса,— деди шофер гапиши давом эттириб.— Бу йигитни биров шу ерда қолишга мажбур қилган экан, деб ўйламанг. Йўқ, йигитлик орнати мажбур қилди. Бўлмаса, ўша келган йилимоқ бу ерларни тарк этган, Марғилонда, ота-она бағрида иссиқ ўрнимни совутмаган бўлардим. Хуллас калом, мана бу дулдулни миниб, қишлоқларга қурилиш материали ташийман; кузу қишда, баҳорда бульдозер миниб, аланга пуркаётган мана бу қумтепаларни суриб ётқизаман,— у йўлга тикилиб, хийла жим борди. Кейин яна давом этди:— Кўряписизки, чўлнинг чўғи оз қолди, уч барабар оз. Чўлнинг жазираси ҳам, изғирини ҳам энди бизни чўчитолмайди, йўқ, у биздан чўчийди, чакана қувламаяпмиз, қаттнқ қувлаяпмиз ўзини. Хуллас, чўл билан олишишга ўрганиб кетдик, шу ерда макон қурдик, бола-чақали бўлдик... дарахт экиб кўкартирдик. Ҳа, уруғ ташладик. Шундай қилиб денг, шу ерга кўнгил боғлаб қолдик...

Кўзим яна гирдибодларга тушди. Улар ҳамон ўз «ўйини» билан банд. Таги ер бетидан узилмай, тинч, осойишта, беозор сузиб юргандай. Боши эса ҳамон булутга қараб чўзилади. Бу малла ранг гирдибодлар ён-верига қайрилмайди.

Елнинг олов тили кабинага қаттиқроқ урилди. Бетимни қўлим билан беркитиб олдим.

— Бу ёқлардан энди ўтяписизми?— деб сўради шофер.

Ҳеч нима деёлмадим. Афтига довдираб тикилдим, мужмал бош иргатдим. Бу ишорадан «ҳа» ё «йўқ» деганимни тушунолмади шекилли, оппоқ тишларини кўрсатиб, илжайганича елка учирди-да, кўзини ҳароратнинг зар тангалари тўкилаётган йўлга қадади.

Шу кўйи қайноқ кабинада ўтириб мудраб кетибман. Бакдаги сув эмас, аллақандай улкан кўл қайнармиш. Шу кўл ҳарорат дастидан гўё фиғон тортиб йиғлармиш.

Машина силкиниб тўхтади. Мотор титрар, бакдаги сув қайнар эди. Кейин баданимга салқин шабада урилди. Кўзим очилиб кетди.

Машина икки бетида қалин мирзатераклар қад кўтарган кўча ёқасида, салқин жойда тўхтаган, кабина эшиги очиқ эди. Тушдим.

— Чўлнинг мана бу шабадасидан қиттак баҳра олнинг деб сизни безовта қилмадим, мулла ака,— деди шофер, бакдаги сувни янгилар экан.

Шофер машинасини ювиб олгунча мен юриб у ёқ-буёққа назар ташладим. Анчагина обод қишлоқ. Кўчалари кенг, тўғри, ҳовлилари мевазор. Баланд иморатлар кўзга ташланади: мактаб, клуб, идора бўлса керак. Катта йўлнинг бу ёқаси яхлит боғ. Гоҳ жазирага авж бераётган сахрога, гоҳ шундоққина дашт бўғизида унинг иссиқ нафасини кесиб қўйган экинзорлар, боғ, яшил қишлоққа разм соламан: инсон куч-заковатиининг меваси бу...

— Мана биз дулдулни ювиб-тараб олдик, энди бошимиздан муздек сув қуйиб, бу лаънати жазира заҳридан халос бўлсак, кейин сизни шу ерда қолдириб, мен тўғрига кетаман, сиз йўловчи машиналардан бирида бу ёққа, Марғилонга жўнайсиз...

У мени боғ кўчага бошлади. Сал бурилгач, сада олдида артезиан қудуғи сувига қурилган водопровод колонкаси кўринди. Шофер югурганича бориб, жўмракни буради-да, сувга бошнини суқди. Белигача ҳўл бўлди.

— Бу ернинг суви жонга ҳузур,— деди у соч ва юзидаги суви қўллари билан сидириб ташлар экан.

— Ҳа, айниқса, мана бундай иссиқда чўл ўтиб келингач, томчисини кўзга сургудай бўласиз!

Шофернинг ҳузур қилиб ювингани ва сув ичганига маҳлиё бўлиб, эътибор бермабман. Шундоққина сада биқини гулзор бўлиб, унинг четида қорачадан келган, жиккак, чайир, оппоқ соқоли қорамтир юзига ярашган мўйсафид жилмайиб турарди. Гулзор ўртасида каттагина ҳайкал, Йўлдош ота Охунбобоевнинг ҳайкали чўлга, олис-олисларга кўз тиккан, гўё: «шунчаликки бўлди, бу ёғи ҳам бўлади, тез бўлади, ишонаверинг» деяётгандай.

— Қани бу ёққа, чўл меваларидан ҳам татиб кўринглар, хурсанд бўламиз,— деди мўйсафид хушнуд жилмайиб.

Шофер кат олдига келиб, иккита шафтоли, бир бош чиллаки олди-да:

— Кечирасиз, отажон, мен йўл кишисиман, насибамни олдим, аммо меҳмонни сизга улфат қилиб қолдираман, бир оз салқинлаб, кейин Марғилонга жўнайдилар.

Хайр,— у бориб ҳайкал олдида тўхтади, унга тикилиб турди-да:— Бизнинг кўнглимизни бу ерга мана бу киши боғлаб кетганлар. Шунинг учун ҳам қўмтеналарни ётқизиб, шўрinni юйиб тозалаяпмиз, жой қилиб уруғ ташлаяпмиз. Шунинг учун ҳам бу ерлардан кўнгил узиб кетолмаймиз,— деди-ю, катта-катта қадам ташлаб машинаси томон кетди, у машинадаги юкни жойига тез, дарҳол ётказишга шошиларди.

Мўйсафид тик турган жойида шофер кетидан қараб қолди, унинг кўзларида, чеҳрасида зўр меҳр мавжланган эди:

— Шоввоз йигит! Бу ҳам бизнинг тоифадан, ошиқлар тоифасидан экан,— деди, гўё ўзига-ўзи гапиргандай, ҳамон юриб кетган машина кетидан кўз олмасди. Менинг сув томон юрганимга кўзи тушиб:— Йўқ, ҳозир сув ичманг, меҳмон, бир нафас сабр қилинг,— деди-да, тез юрганича паридан кўчага кириб кетди.

II

Сада тагидаги катга келиб ўтирар эканман, янги мезбонимнинг: «Ошиқлар тоифаси...» деган сўзларини беихтиёр дилимда такрорладим. «Бу чўлда ошиқлар тоифаси бормикин? Қанақа ошиқлар?..»

Шу сада тагидан, соядан гирдибодлар яна ҳам яққол кўринар, улар яна ҳам охишта сузишаётгандай, бошлари булутга етгандай эди. Уша ёқда кўзга фақат шу гирдибодлару шумшук қўмтеналар ташланади, улар гўё ҳамма ёққа фақат мунг таратади, олов пуркайди, шу бепоён бўшлиқ ҳаммаси бу ёлқиндан жимирлайди, кўз тинади... ҳатто шу яшил пахтазорларга, боғларга, салқини қуюқ шу сада тагига ҳам у ҳозир ҳукмини ўтказган, ҳатто шу ер ҳам дим, жим, сокин... гул шайдолари капалаклар шойи қанотларини қоқиб учмайди, асаларилар гулгуллашиб гулдан гулга қўнмайди. Улар ҳам жим, инларидан, панадан юрак ютиб чиқолмайди — ҳа, ҳамма ёқ жим, сокин. Фақат буюк устакор қуёш нуригина ана шу бўшлиқ оламида ўз жужунчасини жим, аммо тўхтовсиз тўқпир, яна ҳам кучлироқ жимирлар, ҳамма ёққа зар тигурарди.

«Ошиқлар...» сўзини яна беихтиёр такрорладим.

— Сув чанқовини босмайди, ичган сарингиз ташналик хуруж қилавсеради,— йўл-йўлакай гапириб келарди мез-

боним. Яқинроқ келгач, менинг кўзим бу ёқда, саҳро ҳукмронн бўлган гирдибодларда эканини кўриб:— Эй, фикр-хаёлингизни олиб қочибди-ку бу ўйинчилар, яна ихтиёрингизни йўқотиб, ошиқ бўлиб қолманг сиз ҳам! Ишқи тушганлар қайтиб кетолмайди бу ердан, мулла,— деди у худди ёшлардек чақчақлаб кулиб:

— Ошиқлар кўпми? Ихтиёр қилсам кифоями, аъзо бўлганим шуми, ё ариза ёзиб беришим керакми?— деб сўрадим мен ҳам мўйсафиднинг ҳазилига жавобан.

Мўйсафид маънодор жилмайди:

— Ошиқлар кўп, жуда кўп бу улкан чўлда. Кўрдингиз-ку бояги шоферни, азамат йигит!— деди у косадаги айронни сўрига, дастурхон четига қўйиб ва қошпқ билан шопириб,— аввал таом, баъдаз калом, дейдилар-ку. Мен сизга айтсам, қатиқ биринчидан, ташналикни босади, иккинчидан, ҳарорат заҳрини олади, касалга чалинишдан сақлайди. Қани, бир кўтариб юборинг, буни,— дея яна кулди. Мен муздек айронни ичиб, жуда енгил тортдим.— Мана энди аъзолик масаласига келсак, биз расмиятчиликдан тамом холимиз. Биз инобатга юрак сўзини оламиз. Бизнинг назаримизда, ошиқларнинг сўзи юракдан чиқади, юракдан чиққан сўз ёлгон бўлмайди; агар унинг вужудига қаллоблик, ҳаром аралашмаган бўлса, у сўзида доим собит бўлади. Собитдан мард чиқади. Демак, у одам ошиқ. Ҳа, мардларгина ошиқ бўлади. Сизга у кишининг, буюк ошиқнинг сўзларини такрорладим. Бу менинг сўзларим эмас. Буюк ошиқнинг,— деди у Отанинг ҳайкалини кўрсатиб,— Йўлдош ота Охунбобоевнинг сўзлари. Бу ошиқлар тоифасини шу ерда у киши уюштирганлар. Биз бу ерга чўл қувиш учун дастлаб у кишига эргашиб келганмиз.

Ҳа, айтмоқчи, аввал таом деган эдик. Қани, дастурхонга қаранг, меҳмон, мен чой олиб келай. Кейин бафуржа гаплашамиз.

III

Мен яна якка қолдим. Аммо бу хушчақчақ, тийрак мўйсафиднинг гапини эшитишга иштиёқим яна ортди. Чўл чиллакисидан бир шингил олдим-да, битта-битта еб, яна саҳро ўйинчиларининг томошасига берилдим. Гирдибодлар ҳамон ўша доирада айланар, ҳамон оҳишта сузаёт-

гандай кўринарди, аммо баъзилари йўқолган, кучсизларини кучлилари ютиб юборган, ўзига қўшиб олган эди.

Бу ердангина улар жуда оҳишта, беозор кўринади: аслида эса, улар тоғ дарёлари, энг баланд қоядан тушаётган катта шалоладан ҳам тез, даҳшатли, дамига бориб бўлмайди, анча нариданоқ ўз гирдобига тортади, занжирбанд қилгандек ўраб олади-ю, қайноқ қум тагига кўмиб ташлайди.

Мўйсафид чой олиб келди.

— Ҳа, айтмадимми, хаёлни олиб қочади деб, олиб қочганини ўзингиз сезмай қоласиз,— деди у, катнинг бу четига ўтириб чой қуяр экан.

— Улар ҳеч ўрнидан жилмагандай-а,— дедим.

— Ҳа, ўша ёйилмадан пари ҳам, бери ҳам жилмайди. Ҳозирча ўша ерни кирага олган, айланиб рақс тушаверади. Гирдибод обод жойни хоҳламайди, обод жойда қисилиб қолади, кўтариб кетгани қум, тўзон, хас-хус тополмайди бу ердан. Келмагани, ўрганмагани маъқул у лаънатининг...

У пиёлага икки қултум чой қуйиб ўзи ичди, кейин худди шунча қуйиб менга узатди-да, кафтини пешонасига соябон қилиб, хийлагача чўл қаърига тикилиб ўтирди. Мен чойни ичиб бўлдим, лекин пиёла узатиб унинг диққатини бўлгим келмади. Кўзим унинг рангида эди: суягига ёпишиб кетган ёноқ эти қорамтир, оч кўк, чўянга ўхшайди. Сийракланиб қолган оппоқ қошлари, кузаб қўйилгандай бир текис, оппоқ соқоли унинг чўл ёлқини ялаган пишиқ этига бегона эмас, аксинча жуда монанд. У қўлини пешонасидан олиб, менга қаради:

— Бу ўйинчи гирдибодларнинг шу доирасидан чиқолмай қолгани хусусидаги гап калта, мулла. Аммо нариги бошп Тожикистонга кириб кетадиган мана бу чўл одамларининг гапи, уларнинг курашлари, ёниқ ишқлари ҳар қанча ҳикоя қилинса арзийди. Бу шундай чўлки, йўлингиз тушган бўлса, у ёқларга ҳам боргандирсиз балки, бир томони қумлари олов пуркаса, бир томони тўқай, ботқоқлик, бир томони тиззага урадиган шўр эди...

— Мен сизга Йўлдош ота Охунбобоевни одамларни чўл, тўқай бузишга ўргатган буюк ошиқ, деб таъриф қилдим,— деди пиёлани ўгириб хаёлчан ҳолда ичар экан.— Дашту чўлларни наф берадиган боғ-роғ, инсон яшайдиган жой қилиш ишқида ёнган, одамларни шу йўлга бош-

лаган кишини ошиқ демай бўладими? Ҳа, у киши буюк ошиқ эди.

Муродингизнинг охирини аниқ кўриб турсангиз, унинг ишқи, жилоси сизни муттасил ёндирса, руҳингиз асти тушмайди, қаддингиз букилмайди. Ҳа, ошиқлик кишини кўтариб юради, ғурурини оширади.

— Севгиси ҳамма тўсиқ ва ҳижронлар синовидан ўтган, ғалаба қилган йигит ўз севгилиси ёнида бораётганда унга назар ташлаганмисиз?— деди у менга қараб, кўзлари қисилиб куларди. «Ёшлигида хўп шўх бўлса керак», деб ўйладим, чолнинг ёшлар сингари ёниб гапирishiга маҳлиё бўлиб, у мендан жавоб кутмай, фикрини давом эттирди:— Биласизми, йигит севгилисига зўр ғурур билан кўз қирини ташлаганча кўкракни кериб, қаддини ғоз тутиб ўтади. Оламда ундан кўра бахтиёр, ундан кўра шод, соғлом, бақувват одам йўқдай. Ҳа, бундай ифтихорга унинг тамом ҳаққи бор. Чунки у севгиси тантана қурган ошиқ. Айтиб қўяй, булар менинг сўзларим эмас, буюк ошиқнинг сўзларини такрорлаянман, холос...

IV

— Бу чўлга қадам қўйганимда,— деди у менга пиё-лани узатиб,— ушласам ерининг киндигини узиб оламан деб юрган кезларим эди. Ўттиз бешларда бўлсаммикин ўшанда. Шундан бу ёнига ҳам қирқ йил ўтибди.

Ўра ҳали қобиғини ташламаган, лола очилган вақт, савр эди чамамда. Охунбобоев келибди деб ҳамма Ўрда тагига юра бошлади. Жумҳурият тузилиб, у киши оқсоқолликка сайлангандан кейин биринчи келишлари эди, шекилли. Ўша вақтда Марғилонга келган бўлсангиз биласиз, Ўрда тагидаги чойхоналар, майдон одамга тўлиб кетди. Охунбобоев ҳамма билан худди илгаригидек очиқ чеҳра билан ҳазил-мutoйиба гап айтиб сўрашди, қўл узатишга ийманиб нарироқда турганлар олдига ўзи бориб қўл олди. Ўша учрашувда ёшлар ҳам, соқоли оппоқ чоллар ҳам: «Ота, омонмисиз...» деб сўрашди, илгаридан Йўлдош ака деб юрган мендақа йигитлар ҳам беихтиёр шу мўътабар сўзни такрорладик. Назаримда, «Ота» шушу у кишининг исми бўлиб қолди...

Ҳа, одам кўп йиғилди. Шунда Ота ваъз айтиб, Езёвонга ариқ қазиш масаласини тушунтирдилар.



— Қани, Умрзоқ, пешлатиб қўйилган кетмонни олиб чиқинг,— дедилар.

Ким борарди ҳозир чўлда ариқ қазишга, деб ўйлабман. Янглишган эканман. Ким кетмон, ким болта-ю теша, ким замбил кўтарган, хуллас, одамнинг саноғи йўқ. Қанал изига тизилган сафнинг бошида, Ота пешанани танғиб кетмон уриб, тупроқни қулочкашлаб отмоқда...

Бу чўлда қазилган ўша дастлабки капал Зелинский ариғи эди, янглишмасам. Яшириб нима, ўзим ариқ қази-япману теварак-атрофдаги қумтепаларни, тиззага урадиган шўрни кўриб юрагим орқамга тортиб кетяпти. Чой маҳалида Ота ўзи менга: «Қалай?» деб қолди. Мен боти-ниб-ботинмай:

— Ариқни-ку қазиймиз-а, аммо ер бўлармикин у? Меҳнат зое кетмасмикин?— дедим.

Отанинг қоши чимирилди, кулиб турган чеҳраси жиддийлашди, ҳаммага таниш меҳрибон кўзларига аллақандай ўй чўкди. У пешанасида бўртган дона-дона терни тез-тез артар, нимадандир безовталангандай эди. Билиб турибман, менинг саволим у кишига ёқмади. Нима қилай, кўнглимда туғилган шубҳани яширолмадим. Аммо ўзим ҳам бемаврид ва ноўрин жавобимдан пушаймон эдим; ҳозир Ота мени роса уришадилар, деб ўйладим. Йўқ, у киши ўшқирмади, одамга ўшқириниш у кишининг табиатига зид эди. Фаҳмимча, ўртага тушган нохуш сукутни аския билан бузиш, айна вақтда одамлардаги баланд руҳни сақлаб қолиш учун:

— Оббо сиз-эй, қуённинг инини ижарага олмоқчиман деми? Ҳа, қўрқоққа қўша кўринади,— дедилар.

Одамлар кулиб юборишди. Назаримда, у кишининг ҳам дили ёришди. Мен ҳам енгил тортдим. Кейин у фикрини ҳазиломиз давом эттирди:

— Ҳа, ҳали шунақа одамлар ҳам борки, жаннатни яратсангиз уни эшигидан киритиб қўйсангиз, у боғи-эрамларда ястаниб ётиб роҳат қилса! Йўқ, оғайнилар, биз ўзимизга, ҳаммага керак жаннатни мана шу ерда жонимизни қийнаб, ўз қўлимиз билан қурамиз, боғи-эрамида ҳаммамиз барабар роҳат қиламиз. Боболаримиз, меҳнат — таги роҳат, деб шуни айтганлар...

— Айтишларича, у жаннатда жонни қийнаш йўқ эмиш, нуқул ҳузурмиш-ку, Ота,— деди унинг қадрдопларидан бири — Абдулла ака.

— Чунки,— деди Ота, — қийналадиган жоннинг ўзи-

дан жудо бўлган бўласиз у ёққа тушганда. Жондан айрилгач, менга у ҳузур, у жаннат на даркор?

Қулоғим Отанинг гапида, чой ичиб ўтирибману кўзим нарида, қумтепалар олдидаги ёйилмада пирпираб учаётган гирдибодларда. Улардан бир-иккитаси йўлни биз томон солди. Одамлар қочди. Мен бепарвороқ қолиб ўрнимдан кейин турибман. Кўрдим: катта гирдибоднинг тағи ердан узилди, ердан узилса кучи кетади, худди шопирилган дон ерга тушгандай, нимаики кўтарган бўлса ҳаммасини ерга тўкади. Қўлимда пиёла билан чой тўла човгунни кўтариб энди югурган эдимки, устимдан худди жаладай қум ёғилди, афтимга аланга урилгандай бўлди, этим куйиб кетди назаримда. Гўё суви қайнаб турган дошқозон ичига тушиб кетдим. Кейин нима бўлди, билмайман.

Бир вақт ҳушимга келиб қарасам, наमत устида, кўрпачада ётибман. Кеч кирибди. Салқин чўл шабадаси эсиб, ётган жойимда юзларимни силайди. Аъзойи баданим бўшашиб кетган, ўрнимдан туришга мажолим келмайди, кўнглим аллақандаю, аммо шабада ҳузур берарди.

— Мана, Умрзоқ дўзахга тушиб бутун чиқди. Энди куймайди. Жаннатнинг эшиги унга очиқ,— деди Ота.

Одамлар гулдураб кулиб юборишди. Эҳтимол, бу чўлда, сокин оқшомда инсон қаҳқаҳаси биринчи марта шу қадар бардам янграгандир, у чўлнинг доимий сукунати-ни биринчи марта бузгандир? Бу қаҳқаҳа бу ерда инсон ҳаёти бошланганининг нишонасидир балки?

Кўнглимдан шулар ўтди-ю, чўл ҳавоси тагин ҳам мулойимлашгандай бўлди. Чиндан ҳам шабада елпиғич ушлаб, гўё мени елпирди. Таним ором топиб кўзим илинибди. Яна қаҳқаҳа кўтарилди. Қулоғимга Йўлдош отанинг қуйидаги сўзлари кирди:

— Ҳамманинг ташвишини қилиб, бош оғритиб сизга нима азоб, дедингиз, Райимбой. Ҳа, мен шу азобдан роҳат топаман, агар шуни азоб дейдиган бўлсак... Аммо,— деди у,— бошга келганда агар у бош бўлса оғрийди...

Одамлар яна гуркираб кулишди. Кулги олмас-олисларда акс-садо берди. Гурунг узоқ давом этди. Қаҳқаҳа чўл ичкарасида муттасил янграб турди, шабада аллақандай беҳол, лолалар ҳидига ўхшаш ширин ҳидларини кўтариб келиб димоққа уриб турди. Назаримда, ҳозир бу ер чўл эмас, кўпдан бери ўзимиз экиб келаётган даладай дилга яқин, гурунг қуриб ўтирган одамлар бу ерга бир-икки

кун олдин келган кишилар эмас, улар бу ерда муқим яшаб, муқим ишлаб юрган, шу ердан ҳеч кетмайдиган одамлардай эди...

Отанинг қуйидаги сўзлари яна қулоғимга кирди:

— Томир отиш керак бу ерларга, Абдулла ака, чуқурроқ томир ёяверинглар. Одам шўппайиб ўтиб кетиш учун келмайдн бу дунёга. Мана шуни тушунтиринг буларга. Ватаи-ватаи, деб кўкракка уравергандаи унинг бир таноб қақроқ даштини обод қилган, бир туп мевали дарахт кўкартирган минг аъло... Ҳа, бу ер чўл бўлиб қолмайди, чўли гулистон бўлади...

Мана шу гапларга қирқ йил бўлди, мулла. Чўл жуда қисқарди. Обод қишлоқлар кўпайди, ошиқлар сафи янгиланди. Эскилардан кам қолдик, ҳар қишлоқда тўрт-бештадан. Абдулла ака деганимиз ҳали бор. Чўлигулистонда туради.

V

— Ҳа, ошиқлар сафи янгиланди, кекса бўғин ўрнини янги бўғин олди, ғуборсиз, бидъатлардан пок, юраги кенг ёшлар,— деди Умрзоқ ота, мен узатган пиёлага чой қуйиб, кўк чойнинг соф сариқ рангига разм солиб.— Гоҳо қишлоқма-қишлоқ айланиб, уларни кўриб қайтаман. Кўзим қувонади, уларнинг ғайрат-шижоати ёқади менга.

Қоровой Бўронов деган полвон бор. «Лепин йўл» колхозида туради. Ўзи бульдозерчи. Бу йигитнинг таърифи шуки, бизлар йил бўйи ололмаган қумтепаларни бир неча кунда йўқотади. Чўлда Қоровойни кўрса тепа чўкади дейишади. Бу тўғри гап: бугун гердайнб турган тепалар эртага ўтсангиз текис ер бўлиб қолади. Одамлар ҳайрон: тепа қани?

— Қоровой полвон шериклари билан келиб йиқитиб кетибди.

Унинг измидаги машина бир томони билан суриб, бир томони билан зовур қазийверса, тепа чидаш берармиди!

Чўл гирдибодларини бу ёқларга йўлолмайдиган қилган ҳам ана шу бизнинг қоровойлар.

Чўл ошиқларидан яна бирининг ҳикоясини эшитинг:

— Ўша дастлабки тўдада келганлар орасида Эргаш деган бор эди. «Қизил ой» колхозидан эди. Ажойиб инсон эди у. Ҳо ишонинг, ҳо йўқ, эрта-ю кеч уйида ё чой қайна-

са, ё иссиқ пишса албатта бирон киши билан баҳам кўрарди. Ҳеч ким келмаса насиба олдириб қўярди. Уйда масаллиғи ошиб-тошиб ётганидан эмас, кўнгли кенглигидан, шунга ўрганганидан шундай қиларди. Аммо шу аҳил, меҳрибон онла фарзандсиз эди. Бундан Эргашнинг ўзи ҳам, хотини ҳам кўп эзиларди... Уруш йилларида Эргаш бир куни оқ сариқдан келган, қўй кўз бир болани олиб келди.

— Худо менга фарзанд, бунга ота-она берди,— деди у севинчи ичига сиғмай.— Шундай тарбия қилайки, ота-онанинг йўқотганининг сира ҳам сезмагин, болам!

Ҳа, бола ўқсизлик сезмади. Эргашнинг феъл-атворини, одамжонлиги, кенглигини ҳозир шу йигитда кўрасиз...

Мен Умрзоқ отага қарадим. Унинг қорача чеҳрасида ўйчанлик пайдо бўлди:

— Эргаш вафот этди. Хотини билан ўғли қолди. Лекин кампир умрининг сўпгги беш-олти йилини кўзи ожиз ётиб ўтказди.

Вояга етган йигит — Рудия Эргашев ҳам ўғил, ҳам қиз бўлиб она хизматида тик турди. Биласизми, бир ўринда ётиб қолган бемор ҳаётида шундай дамлар бўладики, бу ишларни адо этиш асраб олганинггагина эмас, ўз болангга ҳам малол келади. Аммо Рудия бу ишларнинг ҳеч биридан ирганмади, ўзининг асрабдигини кампирга бир лаҳза ҳам сездирмади. Аксинча, онанинг кўзи очилади, тўйимни кўради, ўғил уйлантираман деган орзуси ушалади, одамлар орасида пешанасдан ўпиб келин туширади, деб ишонди. Кампирдан кундузлари ҳам хабар олиб туриш учун тракторчиликдан бўшади, қишлоқдаги ремонт ишхонасига кириб ишлади. Ишдан келиши биланоқ, қозон-товоққа уринар, овқатни тезроқ пишириб онасига едиришга шошнларди. Кунлардан бир кун овқатдан кейин кампир:

— Қўлинг жуда ҳам ширин, шу гул қўлинг асло дард кўрмасин, жоним болам,— деди.

«Дадам ҳам «қўлинг дард кўрмасин, болам» деган эдилару, кўз юмган эдилар,— дейди Рудия,— ойим ҳам бугун шу сўзларни такрорладилар. Юрагим шув этиб кетди. Наҳотки, яна ёлғиз қоламан? Ойимнинг кенг, мусаффо қалбида ардоқлаб юрган орзулари кўзи очигида ушалмай қоладими?..»

— Биласизми,— деди Умурзоқ ота,— у ишхона дево-рига суянганича хомуш ўйларди. Ким билади дейсиз?

Ленинград қамалда қолган йиллари очликдан беҳол бўлиб қолганлар ҳолидан хабар олиб юрган, ярим тунда мурданинг совуқ кўксига бош қўйиб ётган болани уйдан кўтариб чиққап қиз Рудиянинг кўз олдида гавдалангандир ҳозир? Балки ўша чақалоқ Рудиянинг ўзидир: ким билсин?

Ҳар қалай, Эргаш болани ўғилликка олганда, умумий рўйхатда «Рудия» деган ном ёзилган эди, холос. Аммо унинг кўнглига жо бўлиб қолган бир ҳақиқат бор: Рудиянинг тили шу уйда «Ота» деб чиқди, ота меҳрига у шу уйда қонди. Она меҳри унинг мурғак қалбига шу уйда ҳарорат берди, «Она» деган ҳаммага мўътабар, азиз сўзини Рудия дастлаб шу уйда айтди. Ҳеч тутилмай, иккиланмай: «Ойи!» деди.

Рудия Эргашев ҳозир бола-чақали. Чўлдаги коммунистик меҳнат хўжалиги — Карл Маркс номли колхознинг пешқадам механизатори. Ўтган йили у мавсумда икки юз тонна пахта териб берди. Колхоз эллик тонна пахтасини қўлда терди, холос. Бу хўжаликда теримнинг бор оғирлиги машиналар елкасига ортилган.

Чўлдаги чин ошиқлардан Холматжон Марозиқов бошлиқ бу колхозда электр, газ, ҳаммом, сартарош, сут, даладаги иссиқ овқат колхозчиларга текин. Болалар яслиси билан боғчаси ҳам бепул.

Ҳамма нарса бориб-бориб ҳаммага текин бўлади дейишарди. Мана ўша гап бизнинг чўлда пишона берди, фахрланса арзийди-а, бизнинг чўл одамлари билан?..

VI

У чиройли кузалган оппоқ соқолини бармоқлари билан тараганича ниманидир ўйларди. Мен унинг хаёлига халақит бермадим. Биламан, у қирқ йилдан бери шу чўлда муқим яшаб турибди. У ер очади, мевазор боғлар барпо қилади, унинг касби-кори боғбонлик. У чўл одамлари билан, улар эса шу нуроний ота билан фахрланадилар. Шу қирқ йил ичида бу чўлда Умрзоқ ота неча-неча жойда боғ барпо қилди. Бу боғ мевага кирса Умрзоқ ота янги жойни кўзлайди.

— Мен ҳам бинокор усталарга ўхшаб қолдим бу чўлда. Биласизми, усталар шунақа: бу қишлоқнинг биткаса, паридан янгисини бошлайди.

Ҳа, шу чўлни тугатмагунча қўним тополмайман шекилли. Шундай,— деди бирданига ёшлардек руҳланиб.— Нимага? Дастлаб бунга ўзим ҳам ҳайрон эдим: нимага тинимимни бунчалик йўқотиб қўйдим қариганда? Биласизми, илгари бойлар бўларди: ери кўпайган сари сотиб олиб ёнига қўшаверарди, камбағал еридан ажраб бойнинг домига тушар, ё қишлоқдан чиқиб кетарди. Ўйлаб қарасам, мен ҳам ўша бойга ўхшаб ёнига қўшаверадиган дардга йўлиқибман шекилли. Янги қишлоққа янги боғ қилмасам уйқум келмайди. Буни ташқи мамлакатдан келган кишига айтсам ишонадими? Йўқ, ишонмайди!

Бир куни бизнинг даштга чет эллик бир меҳмон келди. Қани энди гапга ишонса! Йўқ ишонтиролмадим. Охири эргаштириб юриб кўрсатдим. Нима дейди денг-а? — «Сизга нима азоб?» эмиш.

Олдинига гашим келди. Кейин ўшанда, бу чўлда, дастлаб ариқ қазиганимизда ўзимизнинг одамлар Отага ҳам шундай савол беришгани эсимга тушди-ю, кулиб юбордим. Меҳмон ҳайрон бўлди. Кейин унга дедим:

— Боболаримиз апавн гулистонни бунёд қилиб дунёдан ўтишган, биз учун бунёд қилишган,— Марғилон томонни кўрсатдим.— Ҳўш, биз нима қолдирамиз? Бу дунёдан шўппайиб ўтиб кетаверамизми? Мен отамдан қарзимни узяпман, меҳмон, дедим. У кулди. Яна ўша савол: сизга нима азоб?

Йўқ, биз бир-биримизни тушунолмадик. Осон гап эмас экан.

У яна жим қолди. Бармоқлари яна соқолини тарай бошлади. Нариди, қумтепалар орқасида гирдибодлар ўйини анча сусайган, пастлаган, ҳарорат шаштидан қайтган, кун пурлари жужунча тўқини тўхтатган эди.

— Ўшанда денг, меҳмонни боғда эргаштириб юрибману, кўз олдимда Ота гавдаландилар, рўпарамда кулиб турибдилар. Ўша жилмайиш, ўша меҳрибон кўзлари, ўша хуш қомату, ўша чиройли соқол-мўйлов... «Аммо жавобни бопладингиз, Умрзоқвой», дейдилар. Меҳмон билан юрибману у киши ёнимда, гўё мени улар билан гаплашишга ўргатаётгандай... «Умрзоқ, хайрият ҳамки, ўшанда қўншиниң ишини ижарага олмаганингиз. Қани энди ўзингиз айтнинг: қўл билан қурилган жаннатда яшаш ҳузур эканми?» — дейдилар.

У пешанасини уқалади. Шу билан ўтган йиллар, машаққатлар тамғасини — ажинларли кеткиза оладигапдай.

— Мана, ҳозир иккимиз гаплашиб турибмизу у киши яна рўпарамда: «Ўтирасизми, Умрзоқ, ҳу анави тепалар орқасидаги ёйилмани боғ қилишга киришмайсизми? Ўшанда гирдибодлар барбод бўлади», деяптилар.

Борамиз у ёқларга ҳам.

Умрзоқ ота ёйилма томон қаради. Энди биттагина гирдибод суст айланар, гўё ўз ўрнини отанинг янги боғига бўшатиб бераётгандай эди.

— Ҳа, боғ қиламиз, бу йил кузда ниҳол ўтқазамиз у ерга. Бирам боғ бўлсинки...

1965

ҚОРАВОЙ ПОЛВОН НИМА ДЕЙДИ?

Қоравой полвонни қишлоқда ҳеч ким ўз номи билан атамайди. Кичиклар Полвон тоға, Полвон ота дейишса, кексалар, тенгқурлари ҳурмат юзасидан Полвон дейишади. Аммо уни нега, қачондан бери полвон дейдилар — ҳамқишлоқларидан ҳеч ким ҳозир эслай олмайди. У дуркун, шу баланд тепа бағрида ўсган чинордек бақувват бўлганиданми ёки кураш майдонида елкаси ерга тегмаганиданми? Йўқ. Ҳар қалай, олмосликлар шуни биладиларки, полвон дейилмаса, уларнинг кўз олдида Қоравой гавдаланмайди.

Қишлоқда Қоравой полвондан кўра машҳур, ундан кучлироқ полвонлар, масалан, қолхоз ҳосилоти Мавлон тоға, Юсуф темирчилар ҳам бор. Ҳамқишлоқлари Мавлон тоғанинг полвонлигини ҳикоя қилишади: куз кунларидан бири, роса лойгарчилик эди, картошка юклаган бир ярим тонналик машина дала йўлида ботиб қолди. Одамлар кўп уринишди, лекин машина ўрнidan қўзғалмади, бир томонига қийшайиб, ҳатто картошкalar тўкила бошлади. Ғилдиракларнинг бир ўринда пилдираб айланишини, йигитларнинг беҳудага уринишларини четда, йўл ёқасидаги бедапояда томоша қилиб турган Мавлон тоға этинини лой қилишни хоҳламаса ҳам, юраги қизиб тоқат қилиб туролмади. Пахталик тўнини ечди-да, буклаб-буклаб чамбарак қилиб елкасига ташлади, энгашиб машина тагига кирди, икки қўлини тиззаларига тираб олиб, кифтини машинанинг қийшайган ғилдирагига тиради:

— Чу де! — деб қичқирди шоферга.

Машина ғилдираклари бояғидай бир зум пилдираб айланди, лой отди-да, кейин юриб кетди.

Шу-шу ҳамқишлоқлари Мавлон тоғани бир ярим тонна юк ортган машинани елкасида кўтарган дейишадими-ю, аммо полвон деб аташмайди.

Мана Юсуф темирчи. У Мавлон тоғадан икки марта

ёш. Қишлоқдагилар уни билакдай темирни ҳеч кучанмай икки буклай олади, деб билишади. Ким бунга шубҳа қилса, Юсуф дарҳол, ке, гаров ўйнаймиз, дейди. Афтидан, Юсуф темирни икки буклаб синдира олади, деб ишонганиданми, шу ондаёқ у киши тисарилади.

Бироқ, полвон деган ҳурматли номга қишлоқда Мавлон тоға ҳам, Юсуф темирчи ҳам, бошқа бирор киши ҳам бунчалик муяссар эмас. Гарчи Қоровой полвон қишлоқда Мавлон тоға ёки Юсуф сингари баҳодирона ишлари билан мақтанмаса-да, ҳамқишлоқлари, ҳатто райондан ва областдан келувчилар ҳам бу ном унинг кучи билан боғлиқ деб биладилар.

Қоровой полвон бу номни фақат жисман бақувват бўлганидан олмаганлигини ҳамқишлоқлари яқиндагина бўлган бир воқеадан билиб қолдилар. Қишлоқда дув-дуз гап тарқалди: Полвон енгилганини тан олибди!

— Нега?.. Нима бўлиб?..

Бўлар гапнинг ҳалоллини айтган яхши: шу сифатлари билан бирга, Қоровой полвон баҳсни ва... ҳар тўқисда бир нуқсон деганларидек, ҳатто баъзан оз-моз мақтаниш-ни ҳам яхши кўрарди. Жисман бақувват кишилар оламда кўп, бироқ улар аксари камгап, индамас, халқ ибораси билан айтганда, вазмин бўладилар. Йўқ, Қоровой полвон улар қабилдан эмас, сиёсатдан ҳам оз-моз баҳслашар, оз-моз бўлганда қандай!—«Ука, биз бир-икки кўйлакни ортиқ йиртганмиз, ҳа, бир оз кўрганмиз» дер, мундоғроқ мухолифини эса танг аҳволга солиб қўярди. Гап пахтага, чигитни ундириш, ғўзани парваришlashга кўчдими, бас, у дарҳол ўз тажрибасидан, эшитган, кўрганларидан мисол келтириб суҳбатдошларнинг кўзи олдида ғўзаси яшнаган катта далани гавдалантириб қўярди. Унинг бу гапида ҳақиқат бор; колхозда ғўзани ҳеч ким Қоровой полвондек ардоқлаб парвариш қилолмас, бирор бригада Қоровой полвон бригадасидек кўп ҳосил ололмас эди.

Хуллас, уни бу ерда нега полвон деб юритганликлари энди аёндир. Қоровой полвон суҳбатда ҳам, ҳосил етиштиришда ҳам, куч синашда ҳам — ҳаммиша ва ҳар ерда ғолиб чиққанидан, худди шу сабабдан, бу сўз унинг қалди-бастига кўрк бўлиб қолган эди. Нима бўлди-ю, у енгилганини тан олди! Бунга сабаб бўлган воқеани Қоровой полвоннинг ўзи битта-иккита оқи аниқ кўриниб турадиган ўсиқ мўйловини бураб, шундай ҳикоя қиладди:

— Биринчидан.— деди у,— эрта баҳордан бошлаб мана шу ернинг ғўзаси шундай дуркуш, шундай бўлиқ эчки, кўриб кўз қувонарди, ҳар бир тупи авайлаб яганаланган текис қаторлар яшнаб турарди. Иигирма бешинчи апрелдаёқ менинг бригадам ғўзаларни культивация қилиб чопиқдан чиқарган эди. Бу дала шундай ям-яшил эдики, тикилиб кўнглингиз қувонарди.

— Ногаҳон,— дейди у рўпарадаги юксак қора тоққа тикилиб,— мана шунинг устида, аллақаерида тош кўчгандай бўлди. Бу ерда осмон тиниқ, кун чиқиб турибди-ю, у ерда тўс-тўполон, чақмоқ... Юрагим орқамга тортиб кетди. Бу бахтсизликнинг боши шу бўлди!.. Дам ўтмади, аллақаердан дўл келди. Ҳаш-паш дегунча, гуркираб турган ғўзаларимнинг қулоғи ер тишлади. Анча-мунчага кўзимдан ёш чиқмасди, аммо бу сафар ўзимни тутолмадим, ўпкам тўлиб кетди, ҳа, йиғладим. Нима ҳам қила олардинг! Кўз ёши тўкиб ўтирадиган фурсат эмас. Бошқатдан, ҳа, тамом бошқатдан экдик шу ерга. Чигитни ундириб, ғўзани сал ўтмай қатор қилиб олдик. Бироқ устма-устига қуйган жала ерни қатқалоқ қилиб ташлади, ҳали танаси қотмаган ғўзаларнинг бандидан маҳкам қисди. Жадал курашиб, қатқалоқни ҳам енгдик.

Устига-устак ҳавонинг кети ҳадеганда жўнаша бермади, ярим кун бўшашса, ярим кун қовоғидан қор ёғди, салқин шамол туриб, атрофдаги тоғларга дўл, қор уриб берди. Ғўза шундан касалга чалиндими? Кун совуқ, ёғингарчилик бўлганнанда шира босдими?.. Баҳор айланиш келди, шунданми?..

Қоровой полвон, бу шундан ёки бундан демаганидан ҳам унинг ўзи ҳали гумонда эканлиги, бош қотираётганлиги сезилиб турарди.

«Бунчалик бўлмаса-да, илгарилари ҳам совуқ, ёғин бўлар эди-ку!— деб ўйлади у.— Ғўза касалга бундақанги қаттиқ чалинмасди-ку! Нега бундай бўлди бу йил? Нега?»

Бу саволлар биринчи марта полвонни эсанкиратди. У қанча бош қотирмасин, қутулиш йўли битта: дарров олдини олмаса бўлмайди.

Дори пуркагич аппаратлар келтирилди: ширага ҳужум бошланди. Полвон эртасига тушда яна ғўза оралади, оралади-ю, таъби баттар хира тортиди. Чинбарглари юпқа, бўжмайган ғўзалар гўё полвонга термилиб турар, ундан ёрдам сўрарди. Полвоннинг юраги жижиллаб кет-

ди. У энгашиб гўзанинг баргини кўтарди, барглар орқаси гуж-гуж шира. Бунинг устига, яккам-дуккам ўргимчаккана ҳам ёпишибди. «Нега доридан ўлмабди булар?»

Қоровой полвоннинг жаҳли чиқди, битта-иккита оқ оралаган мўйлови тинмай уча бошлади. У, чарчаб-ҳориб, тут тагида салқинлаб ўтирган химизаторга ўшқирди:

— Шунча дорини осмонга учирибсиз-да, ука! Орқасига битта ҳам тегмабди-ку, ахир!

Ширага, ўргимчакканага қайта хужум бошланди. Химизаторлар аппаратлар билан, колхозчилар бўлса бир қўлларида товоқ, челақ, бир қўлларида супурги билан баргларни бамисоли ювдилар. Зараркунандалар қирилди.

Орадан бир неча кун ўтди. Бу ернинг гўзалари бир оз жонланибди-ю, бироқ ҳали ҳам авж олиб, гуркираб кетолмабди, онда-сонда баъзи туплар ўз ўрнида қуриб қолибди. Полвоннинг боши қотди. Наҳот, шунча меҳнат зое кетса! Наҳот, у колхозчилар қурултойида: гектаридан олтмиш центнердан ҳосил етиштираман, деб берган ваъдасини бажаролмай қолса! «Ҳа, ҳа,— деди у ўзига ўзи,— шу ҳолда қолаверса, олтмиш центнер қуруқ хаёл». Наҳот, ҳеч кимга сўзини бермаган, Хоразмга, ҳатто Озарбайжонгача бориб, ҳаммага тажриба ўргатиб юрган Қоровой полвон бу йил сўзининг устидан чиқолмаса?! Одамлар нима дейди? Кўклам огир келганда гўзасини сақлай олмабди, парвариш қилолмабди дейишди-да?!

— Ҳа-ҳа, шундай дейишади, шундай!— деди у яна ўзига-ўзи хитоб қилиб. Қаддини ростлади, қўлини пешанасига соябон қилиб, негадир узоқ-узоқларга, кенг пахтазорга, сойнинг нариги бетидаги тепалар бағрига тикилди.

* * *

Бир қирраси сойга энгашган ана шу малла тепа бағридаги навқирон чинорнинг бир-бирига мингашган шохлари шапалоқ-шапалоқ барглари тагидаги қўргонга кападек соя ташлаб турибди. Қоровой полвоннинг қўргони, унинг ўзи ўтқазган чинор. Танаси билакдай, узунлиги икки ярим қулоқ келадиған чинорча эди ўшанда. «Қачон эди?— фикран ўзига савол берди у.— Шундан бери дарров йигирма беш йил ўтибди-я!»— ўшанда Қоровой полвоннинг ўзи ҳам худди шу чинордек навқирон, бақувват

эди, тоғни ағдара оламан, деб юарди. Бўлмаса, якка ўзи ёзу қиш уриниб, шу тепа бағридан икки таноб ер тортиб олармиди?

Қаҳратон қиш эди. Катта акаси билан аччиглашиб қолди. «Сиз билан бирга турмаганим бўлсин» деди. У битта гапирарди. Бунини акалари ҳам, ёр-оғайнилари ҳам яхши биларди. «Мана, ҳукумат берган ер ҳам сизники» деди. Ислоҳотда бирга олган ерини ҳам даъво қилмади.

Қунлар бўшашганда якка ўзи шу жойга елиб тепа ён бағридан сойга тикилиб турди. Пастда, бир терак бўйи чуқурда зилол сой тошдан тошга сакраб, қирғоққа урилиб оқарди. «Анави қўлтиққа чархпалак қурсам, бир жўяк сув чиқариб ололмайманми? Тепа тагини ўйиб сув оқизаверсам, кетмонлаб тупроғини мана шу чуқурларга тўлдираверсам, бу тепадан ёз киргунча икки таноб ер тортиб ола олмаيمانми? Шу йилиёқ маккажўхори, картошка, қовун-тарвуз экиб кўчиб келсам бўлмайдами? Бўлади. Бўлганда қандай!— фикран тасдиқлади у.

Битта-битта юриб нари борди, сувсизликдан авж ололмай, чала қуруқ бўлиб қолган тут ёнида тўхтади. «Бу ҳам кўкаради. Кўкарганда қандай! Мана бу ерга қўрғонча қурсам бўлмайдами? Бўлади. Қоравой полвопнинг «қўрғони, уйи, боғи шу бўлади».

Чархпалак ҳам қурди, сув ҳам чиқарди. Эрта баҳордан тепа тагини ўйиб, тупроқ олди, чуқурларни тўлдира бошлади. Битта ўзига бу оғир машаққатли иш жуда қийин бўлди. Аммо унинг ўжарлиғи асрий тепани йиқитди. Одамлар, полвон, бундан кўра мардикорлик қилинг, меҳнатингиз зое кетади-ку, дейишса, майли, деди. Ёзда лой қориб девор олди, уй қурди. Шу-шу Қоравой полвон қишу ёз мана шу ерда, шу маҳалла тепа тагида шарқираб оқиб турадиган зилол сой бўйидаги шу қўрғончада умр ўтказди.

Қишлоқда колхоз ҳаракати бошланди. Ҳар маҳалла биттадан колхоз бўлди. Қоравой полвопнинг маҳалласи йўқ! Қишлоқдан, эл орасидан олти чақирим нарида, мана шу тепа тагида, шу қўрғонда яшайди. Полвон унисига ҳам, бунисига ҳам қўшилмади, якка хўжаликлар қаторида қолди. Ўша йили икки таноб ерга пахта экиб, кўп пахта берди, районда номи бот-бот тилга олинадиган бўлди.

Баҳор кира бошлаган эди. Бир кунини полтитотдел бошлиғи билан милицияда ишлайдиган ўртанча акаси Хол-

мат келиб қолди. Меҳмонларга полвон ана шу сой бўйидаги майдонга жой қилди.

— Тенгқурларингиз ҳаммаси колхозга кирди, улар орасида фақат сиз якка қолдингиз. Ёлғиз отнинг чанги чиқмас дейдилар, полвон. Кўзлик деҳқонсиз, ўйлаб кўринг,— деди меҳмон.

— Мен колхоз бўлмайман, ўртоқ Назаров!— деди полвон дабдурустан.

— Нимага? Колхоз ёмонми?

— Йўқ. Яхшидир балки. Уни ўзларингиз ёмон отлиқ қиляпсиз.

— Нима деганингиз бу?

— Бу шу деганимки, бизнинг ота-бабаларимиз шу Мирқодир бойларнинг мана шу ерларини экиб, ўшаларга обод қилиб берди. Қараб турсам, унинг бир ўғлини — Мираҳмадни колхозга мирза қилибсиз, биттасини омборчи, тагин биттасини яна бир нима... Илгариям мени шулар ишлатарди, энди ҳам шулар ишлатадими? Йўқ, мен ҳозирча якка хўжалик бўлиб тура турай, пахтани кам бераётганим йўқ,— деди полвон гапни чўрт кесиби.

Назаров мийиғида кулди. Лекин ўйланиб қолди. Бир оз сукутдан сўнг:

— Колхоз кўпчиликники. Битта-яримтаси аралашиб қолган, идорада секретарлик қилаётган бўлса, сиз уларни назорат қиласиз.

— Йўқ!— деди полвон,— назорат... у мени ишлатадими-ю, мен назорат қиламанми? Йўқ, мен унинг кўзига хотиржам тикилиб, айтганини қилайми энди?

— Тенг меҳнат қилсину есин, меҳнат қилмаса...

— Мен колхоз бўлмай тура турай, қийнаманг мени. Кўнглимдаги гапни айтсам, мен уларнинг рангига хотиржам қараб туролмайман. Қийнаманг мени, ўртоқ Назаров.

— Айтдим-ку ўжар деб, ўртоқ Назаров,— деди гапга аралашмай қовоқ солиб ўтирган Холмат.— Бу ўжарлигинг ўз бошингга етади,— деди укасига қараб.— Йўқ, бўйингга арқон солиб колхозга судраб кираман сени.

— Йўқ,— деди полвон овозини кўтариб,— қўлингиздан келса аввал арқонни ўшаларнинг бўйнига солинг, колхоздан судраб чиқаринг.

Шу куни гап очди бўлмади. Полвоннинг ўжарлиги иккисини ҳам енгди.

Бир куни кечаси, қоронғи, қаттиқ бўронда кимдир

полвоннинг эшигини тақиллатди. Эшикни очиш билан қорнига милтиқ сумбаси қадалди. Полвоннинг юраги шув этиб кетди. Кўз олдини қоронғилик босди. Ҳушини йиғиб қараса, Холмат.

— Отасизми? Нимага қараб турибсиз?!— деди Қоровой, ўзини тутиб олиб.

— Сен шармандани отган қўл ҳаром бўлади, билдингми?

— Нимага?

— Уша куни ер ёрилмади-ю, мен кириб кетмадим, якка мохов.

— Мен моховми?

— Элдан ажраган ким бўлади ахир? Моховдан баттар! Сенга гапирган оғиз ҳам ҳаром бўлади, билдингми?

Холмат уйга ҳам кирмай изига қайтди.

Қоровой полвонга ана шу гап қаттиқ таъсир қилди, суяк-суягидан ўтиб кетди. Тун бўйи кўз юммади. Юрса ҳам, турса ҳам кўз олдида Холмат қовоқ солиб тураверди: «Якка мохов»... Мен-а?!

Рухий азоб Қоровойни қийнаб юборди. Уйда болаларнинг шовқини ҳам, чарчаганда, диққати ошганда, айниқса тунда асабларини ёзадиган шу сойнинг ўйноқи оҳанги ҳам бу кунларда унинг қулоғига ёқмай қолди. Колхоз бўлай деса, юраги: «Сенинг меҳнатингни шу Мираҳмадбойвачча ҳисоб қилиб берадими?» дейди. Бўлмай деса, ёр-оғайнилари ҳам ундан узоқлашди, йўлиққанда илгаригидек қуюқ саломлашмайдиган, ҳатто ёнидан кўрмагандай ўтиб кетадиган бўлиб қолишди. Катта акаси Иноят билан-ку, ора узилди. Энди йўқлаб келадиган, яхши кўрган кичик акаси Холмат ҳам тўнини тескари кийиб олди. Полвоннинг боши қотди: нима қилмоқ керак?

«Қўшоғидап ажрагани бўри ер!»— Бу гапни ким, қачон айтувди?— Отаси.

Қоровой ҳали бола эди. Ана шу Яккақайрағочда отаси бугдой шопираётган, у янчиқ ҳайдаётган эди. Тепа бағрида ўтлаб юрган икки қўй биров қувлагандек шата-лоқ отиб қочиб келди. Қараса, тепа устида қўнғироғини жиринглашиб диканглаб юрган серкача йўқ. Янчиқни тўхтатиб югурганича тепага чиқди. Қорасини кўриб қолди: кул ранг бўри олисда, жар ичида елкасига опичлаб кетмоқда. Ота-бола ҳай-ҳайлаб югуришди. Лекин фурсат ўтган. Бўри серкачани аллақачон бўғизлаб қўйган, биқини гўштини узиб қочган эди. Қоровойга кичкина,

сариқ қўнғироғи қолди, холос, буни ҳам изма-из қувиб бораётганда жардан топиб олди. «Қўшоғидан ажраганни бўри ер!»— деб отаси шунда айтган эди. Холмат ўша кунни Қоровойга: «Элдан ажралган ким бўлади, ахир?» деганда шунини шама қилдими ё?

Полвон бўй тортиб, барглари ўсаётган чинорча тагида чўнқайиб, бошини икки қўли билан маҳкам ушлаб ўтирибди. Кечки енгил шабадада барглари аста шилдирар, бу майин сас сой шаршарасининг жўшқин, маъносиз оҳангига, ялқовланиб айланаётган чархпалакнинг ғирч-ғирчига қўшилиб кетарди, ботаётган қуёш ёғдуси барглари орасидан ўтиб, сой бетида олтин тангачалар ҳосил қилган, шаршара зарбига халқоб чайқалиб, тангачалар қалтирар, гоҳ йўқолиб, гоҳ яна ўз ўрнида пайдо бўларди. Полвон шу топда на унисини эшитди, на бунисини кўрди...

«Мана сен ҳам қўшоғингдан ажрадинг!— деди у, ўзига ўзи хитоб қилиб.— Эсингни йиғ, қўшоғингга қўшил. Кучингни анови кенг майдонда, эл орасида, эл билан бирга кўрсат, ўзингни бўри опичлаб кетмасин десанг, ўз қўшоғингда бўл! Мираҳмадбойваччаларнинг нураган уясини шунда бузиб йўқ қиласан, шунда мана бу тепалар ҳам йўлнингга ғов бўлмайди».

Аллақандай куч унинг қўлтигидан даст кўтарди. Тез юриб қишлоққа етиб келганини, ариза ёздириб раисга тутганини ҳам ўзи билмади. Ушанда мана шу ерни, янтоқзор, сувсиз ерни танлаб, звено бўлди.

* * *

Ўўзага сув етказишга ариқ қазилаётган пайт. Қоровой полвон хўп чарчаб, хуноб бўлиб, уйига қайтаётган эди. Кун иссиқ. Атроф жимжит, ҳамма ўзини салқинга тортган. Сой ёқасида Мираҳмад рўпара келди.

Мираҳмаднинг хипча гавдаси, оқ юзи, қирра бурни, чақноқ кўзи ҳам, бўғма ёқа оқ кўйлагп ҳам — шу қиёфаси Қоровойнинг таъбини баттар хира қилди, ўтмишни эсига туширди: «Отам, акаларим билан шулар оғилида умр ўтказдик. Олтимиш йил эшигида хизмат қилиб, отамнинг ямоқ тўни бутун бўлмай дунёдан ўтди... Зулук... Нима деб келди, нима деркин ҳозир?»

Кеча оқшомда правление мажлиси бўлиб, активлар бригада-ларга парчинланган, Мираҳмад шу бригадага юборилган. Қоровой бундан беҳабар эди. Кўриш била-

ноқ полвоннинг авзойи бузилганини у пайқади, унга бир нима дейин деса, феълини яхши билади, демайин деса вакил. Мираҳмад шуни ҳам яхши биладики, полвон унинг колхозда бўлишини сира хоҳламайди, илож топса бурнини ерга ишқайди. Йўлчи раис, яна беш-олти кишининг ўзига ҳомийлигини хориж қилганда, энди бу ерда ҳеч ким унинг жонига оро қирмайди, «ўз» қароллари ҳам уни «хўжайин» демайди, ундан, шу сўзнинг ўзидан жирканади. Мираҳмаднинг оёғи тагидаги замин ўпирилди. Лекин унинг бу ерда битта илинжи қолди: «Наҳот, замон шундай бўлиб қолаверса?— деб ўйларди у.— Йўқ, аслига қайтар». Улик тирилмайди. Мираҳмадларнинг ота-боболарига тиргак бўлган, умри тугаган замон энди аслига қайтмайди, ўқилдизи чириган гўзадек сўлиб қуриydi. Бунинг шундай эканлигини кейинги кунларда Мираҳмад сезарди-ю, аммо йўл, илож изларди.

Мана ҳозир иккиси рўпарама-рўпара турибди.

— Хўш, ке-син-лар,— деди полвон ижирганиб.

— Далангизни айланиб келдим.

— Пиёда-я! Тўриқ йўргани эгарлаб, узангини ушлаб, қўлтигингиздан кўтариб қўярдим-ку!

Мираҳмаднинг ранги қув ўчди, поилож деди:

— Ўтгани юзга солаверманг, полвон... энди тенгмиз... Айланиб қарасам, янтоқзордаги бўлтагингизни ўт босибди, гўза қаттиқ чанқабди...

Қоровой полвоннинг бошига чўқмор тушгандай бўлди: «Юмшоқ супурги, таъна кўтариб келибди-я, таъна!»

— Оббо хўжайин-э, ўт босибди денг, чанқабди денг, кўрмабман-а, шуни,— деди полвон титраб. Қўли Мираҳмаднинг икки қўлиғига етганини билади, холос. Улоқ-тирилган бир нима сувга шалоп этиб тушди. Шу...

Мираҳмад ҳушига келиб, сувдан зўрга чиқди. Оёғи тагидаги замин ўзини тортиб кетаётганини энди пайқади. Энди ўзини бу ерда сақлаб қолишнинг йўли ҳам, иложи ҳам қолмаганини билди.

Шу-шу Мираҳмад қишлоқдан ғойиб бўлди, Қоровой полвон уни қайтиб кўрмади. Уни шу йили қишда Тошкентда, колхозчилар қурултойида кўрди. У ҳам бригадир экан, эллик центнердан пахта берибди. Бу йил олтмишданга полвон билан қўл олишди. Уни қўярда-қўймай олиб кетди.

...Мираҳмад шу келганича Тошкент атрофини кўп айланибди. Кўктерақда уч-тўрт ой туриб, корандалар чай-

ласида меҳмон бўлибди, ундан Чивинтепага, Тўйтепага ўтибди. Хонободга бориб яна сизмабди, бир-икки ой Оқ-қўрғонда истиқомат қилибди, айланиб Шўралисойга келибди. Бу ерда ҳам оёғи заминда қаттиқ турмабди. Бир куни Мираҳмад отасининг эски корандаларидан бири, шу ерда ўрнашиб қолган ва ҳозир шу ерда «Ҳосилот» колхозининг бригадири бўлган Ҳайдар қорага ўз дардини айтибди: «Нима қилсамкиш, оёғим ерда турмай қолди, қаёққа боссам тортиб кетаётгандай?» дебди. Ҳайдар ўйлаб туриб, тўғри, бойвачча, дардингиз кучли, оёғингиз бир ерда турмай қолди, қаёққа боссангиз тортиб кетаверадилар, тўғри, дебди. Лекин, дебди, сиз йўлиққан дардингиз битта дориси бор, бу дорини оёғингиздан тортиб кетаётган заминнинг ўзидан изланг, ўзи беради. Бу дорининг оти меҳнат, қора терга ботиб меҳнат қилмагунингизча, бу ер энди сизни кўтармайди, дебди.

Бу гап бойваччага қаттиқ ботибди-ю, ноилож меҳнатга ётибди, қараса, замин тортмабди, оёғи маҳкам турибди. Роса йигирма йил меҳнат қилибди.

— Мана, қўл олинг, полвон, шартимиз гектарига олтинш центнер,— деди Мираҳмад.

Кичкина, лекин чайир қўл полвоннинг бақувват қўлини маҳкам қисди, чақноқ кўзлар хушнуд кулди.

— Бўпти,— деди полвон собиқ бойваччага разм солиб.— Мана энди асл деҳқон бўлибсиз.

Аммо ўша воқеа тўғрисида у ҳам, бу ҳам оғиз очмади.

«Йўқ, шармандалик бўлади бу!— дея ўзига хитоб қилди полвон.— Наҳотки сен, Қоровой полвон, ўз сўзининг устидан чиқмасанг! Шу Мираҳмадча, ота-боболари қўлига кетмон ушлашга ҳазар қилган собиқ бойваччалик бўлмасанг ўз касбингда! Йўқ, бунинг олдини олиш... Илож топиш керак, илож!.. Дарҳол, шу топдаёқ ўғитлаш керак, ўғитлаш...»

* * *

У яшил ғўзалар орасида ғоз турганича қўлини пешанасига соябон қилиб катта йўлда тўхтаган «Победа»га тикилиб қолди. Бугдой ранг, лўппи юз, пешанаси дўққирок, ўрта бўйли йигит машинадан тушди, ариқдан сакраб ўтди-да, эгат оралаб тикка полвон томон юрди.— «Ким экан бу?»— деб ўйлади у, намхуш эгат оралаб ўзи томон келаётган йигитга ҳамон кафти тагидан қараб.

— Ҳорманг, Қоровой ака!— деди нотаниш йигит унга яқин келгач, қўл узатиб:— Ҳидиров,— деди.

«Ҳидиров, Ҳидиров... ким бўлди экан бу?— дея ўзига савол берди Қоровой полвон, узатилган қўлни маҳкам қисиб.— Ҳа, билдим. Райондан. Бош агроном. Андижондан келган. Шу... Ҳалитданоқ отимни билиб олибди-я! Мен ҳам сенинг тўғрингда оз-моз биламан, йигит! Биламан йигит дейишувди», деди ўзига Қоровой полвон, Ҳидировдан кўз узмай. Ҳидиров сўрашиб бўлди-ю, эгат ичини қўли билан ковлаб, бир ҳовуч нам тупроқни олди-да, негадир Қоровой полвонга савол назари билан тикилди:

— Дўл урди, жала ёғаверди, ер без бўлиб кетди, ғўза дардчил бўлиб қолди,— деди бригадир шикоятмуз, шуни сўрамоқчи шекилли деб ўйлаб.

— Бу бир томони,— деди агроном. У хиёл бурилиб ва бригадирга энди пастдан тикилиб, давом этди,— мен бошқа нарсани сўрамоқчиман.

— Хўш, хўш?

— Кузда суғориб ҳайдалган-а, шу ер?

— Шундай.

— Нега ўғит солинмай шудгор қилинган?

«Билди-я, суғориб шудгорланганини, ҳатто ўғит солинмаганини ҳам билди-я, офарин-э, билимингга! Бошни гангитган «чигални» бундан бир сўрай: нега бу ғўза душмани бу йил барвақт пайдо бўлди, яна шу қадар кўп?»

Ҳидиров тупроқли қўлларини бир-бирига уриб қоқди, бир туп ғўзани суғуриб олди, эндигина битта-иккита чиқа бошлаган нимжон оқ илдиэларига диққат билан тикилди-да, бригадирдан яна сўради:

— Чигит суви ҳам ичган-а бу ғўза. Шундайми?

Қоровой полвон ҳайрон қолди: «Қойилман, ўз кўзи билан кўргандай билди-я ҳаммасини!» Бригадирнинг бошида бояги савол ҳамон айланарди, шундан кейин, албатта сўрайман, деган фикрни кўнглига тугди-да, жавоб берди:

— Ҳадеганда текис бўлавермади, қўрқиб чигит суви берган эдик.

— Мана энди равшан,— деди агроном.— Нега ғўзангиз дардчил, шунча курашсангиз ҳам авж олмабди, баъзилари қуриб қоляпти! Дўл, ёмғир, қатқалоқ — офат ғўзага. Офат. Бу тўғри. Лекин сизнинг хатонгиз шуки,— деди у бригадирга,— чигит суви ғўзанинг дарддан тез

аримаслигига сабаб бўлган, дардини кучайтирган. Ўсимлик нимжон бўлиб қолган, касалга бардош беролмаган. Мана буни кўрдингизми?— агроном бояги гўзанинг нимжон оқ илдизини кўрсатди.— Дўл, ёмғир, паст ҳаво, бунинг устига чигит суви қўшилиб, ҳаммаси гўзани ҳолдан кетказган, касал чақирган. «Ер без бўлиб кетди» деганингиз тўғри. Чигит суви, дўл, жаланинг оқибати бу. Тупроққа ҳаво кирмаган, гўза оқ томир ёя олмаган. Уқилдиз чирий бошлаган.

Ҳидиров кафтидаги ним яшил гўзага тикилиб бир нафас жим қолди. Қоровой полвон ҳам гоҳ Ҳидировга, гоҳ унинг кафтидаги гўзага қараб жим турарди. Шу топда колхозчилардан бирортаси Қоровой полвоннинг ломим деёлмай жим турганини кўrsa, ҳайрон қоларди. Агар бирор гурунгда пахтачилик тўғрисида гап бошланса, албатта ўз сўзини ўтказар, башарти, суҳбатдошларидан бири баҳсни давом эттирса, бригадир битта-иккита оқ оралаган қуюқ қора мўйловини бураб, виқор билан дона-дона гапириб дерди:

— Тишим чиқиб, эсимни танибманки, шу пахтани деб курашиб келяпман, укам! Мана шу ерда ишлаб йилдан-йилга ҳосилини кўтаряпман. Сен бўлсанг, ўз маслаҳатингни суқасан, баҳс очиб, тузоқ қўясан-а! Келиб-келиб энди шунга ақлимиз етмаса, ҳайф биздақа пахтакорга.

— Ҳали гапимнинг бердисини эшитганингиз йўқ-ку, ҳурматли полвон ака,— дерди суҳбатдошларидан баъзиси.— Нима демоқчилигини билдинг олдин.

— Биламан, айтмасанг ҳам биламан.

Мана ҳозир полвон жим турганини улар кўришса эди! Унинг мўйлови учиб, тобора қийшайётганини кўриб ҳайрон бўларди.

— Энди гўзани бу офатдан қутқазинш йўли битта,— яна давом этди Ҳидиров.— Дарҳол ўғитлаш.

Қоровой полвон, «Ҳа, ҳа. Ўзим ҳам худди шунини ўйловдим» демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаши билан Ҳидиров катта-катта қадам ташлаб ён пайкалга юрди. Бу пайкалнинг гўзалари ўсиқ, бақувват, барглари қалин, қийғос шоналаган. Барқ уриб турган ям-яшил гўза узоқданоқ кўзга яққол ташланарди.

Қоровой полвон ҳам истар-истамас Ҳидировнинг кетидап юрди.

— Бу сизнинг гўзанингиз эмасми дейман?— сўради Ҳидиров тўхтаб.

— Нега бизники бўлмас экан? Мана шулар ҳаммаси бизнинг колхозники.— У қулочини катта очиб кўрсатди.— Ҳо, кўряпсизми, оқ булут қўниб турган баланд тепадан бу ёғи ҳаммаси бизники. Мана булар ҳаммаси бизники. Мана буларнинг ҳаммаси қўшни бригада ерлари...— дея агрономга қаради-ю, полвон жим қолди.

Ҳидиров хиёл жилмайиб, кўзларини қисиб Қоровой полвонга тикилди-да:

— Ҳа, яъни сиз... булар бошқа бригаданики демоқчисиз-да,— деди.— Тўгри, тўгри. Шундайга ўхшайди. Тўгри.— У бошқа ҳеч нима демади. Чўнқайиб ўтирди-да, қўзилаб турган тупроқни ковлаб, бояғидек бир сиқим нам тупроқ олди,ғижимлади, бироқ бу тупроқ қисимда ува-ланиб турарди.

— Кўрдингизми?— деди агроном.— Сизнинг пайкалингизда тупроқни сиқимласанг лойга айланади.

Қоровой полвон яна жим қолди. Ҳидиров бу қартадан ҳам бир туп ғўзани суғуриб олди. Тупроқни қучиб олган оқ илдишларни кўриб, унинг чеҳраси очилди.

— Мана бу ғўза!— деди у.— Мана бу томирларни кўряпсизми? Бу ҳам дард тортган, уичалик бўлмаса ҳам дард тортган, полвон ака. Дард сизнинг ерингиздаги сингари буни енга олмаган, тупроқ ёрдам қилгану дардни бу енгган. Агар «чигит суви» ичган бўлса эди, дўл, жалалар қўшилиб бу ҳам ўша дардга йўлиқарди. Ҳа, сизнинг ғўзангиз ҳолига тушарди.

Иккиси ёнма-ён юриб, яна аввалги пайкалга қайтди. Агроном бояғидек, жиддий вазиятда сўзини давом эттирди:

— Шундоқ, полвон ака, бу ғўзангизга дарҳол ўғит бериш керак.

— Ўғитлаш...— деди бригадир тасдиқ ишораси билан бош ирғаб.

— Ҳа. Шундай ўғитлаш керакки,— деди агроном эгатга сепилган ўғитга тикилиб,— у ҳавога учиб кетмасин.

— Биз ҳавога учираётганимиз йўқ, дарҳол кетидан очар соляпмиз.

— Кўриб турибман, сиз ҳавони ўғитлабсиз. Ғўзанинг оғзига тушмабди бу, полвон ака. Оғзига...

— Оғзига...— дея секингина такрорлади полвон.

— Ҳа, оғзига,— деди агроном мийиғида кулиб,— сиз оғзидан эмас, биқинидан озиқ тикмоқчи бўлибсиз,— у

Қоровой полвоннинг каттакон, бақувват қўлидан ушладди, унинг томирлари бўртиб турган қўли устига ғўза баргини ағдариб қўйди-да, эътибор қилинг бунга, дегандек полвонга тикилди. Полвон ҳам қўлига тикилди. Ғўе у ўз қўлини биринчи марта кўрди: шунақа ҳам катта бўладими қўл! Йўғон кўк томирлар майда бутоқ отиб кетган. Усиқ, бақувват туклар тагидаги чуқурча-чуқурча хужайралар аниқ кўриниб турибди.

— Кўрдингизми?— деди агроном давом этиб,— мана бу томирлардан қон юриб туради, бу тешикчалар — хужайралар. Булардан тана нафас олади. Ўсимлик ҳам шундақа,— деди баргини кўрсатиб.— Чиндап ҳам шундақа. Қўл томирларидек бўртиб чиқмаган, ингичка, майда, кўз илгар-илғамас «томирлар» бир-бирига чатишиб кетган, майда тўқилган тўрнинг ўзи... Кўрдингизми? Тана орқали келган озуқа, сув ана шуларга югуради, мана бу хужайралардан нафас олади. Мана булар — ғўзанинг оғизлари,— Хидиров оқ илдизларни кўрсатди.— Ўғит бир йўла намга тушса, орқасидан қўйилган сув билан эриса, бу оғизлар уни дарров шимади, ўғит ғўза танига сингади.

Одатда ҳеч кимга сўзини бермаган пешқадам Қоровой полвон, бу сафар биринчи марта лол қолди, илм билан қўшилмаган тажрибанинг бир ўзи пахтачилик тараққийсига кифоя эмаслигига тан берди. Унинг бошида ҳамон ечилмаган ўша «чигал» айланарди. «Сўраб буни ҳам билиб олай ундан»— хаёлидан ўтказди полвон.

— Укам Хидиров,— деди у агрономга меҳр кўзлари билан тикилиб,— биз ечолмаган яна бир масала бор: шу бадбахт шира бу йил бунча эрта тушди, яна беҳад кўп. Нима илож қилсаккин бу офатга? Тўғри, мезинг хатоимдан ғўза дардчил бўлиб қолибди. Ахир, бу бир томони деб, ўзингиз айтдингиз-ку. Бошқасини қайдан топсаккин? Иложи борми, бунисининг тухумини қуритишни?

Агроном индамай йўлида давом этди. Қоровой полвон жим эргашди.

Пайкални йўлдан ажратиб турадиган уватга етганларидагина Хидиров тўхтади, қўлини бригадирнинг елкасига ташлаб:

— Эрта тушибди,— деди агроном,— аммо нега эрта, кўп тарқалди, қасердан чиқди? Сабаби мана булар.— У пайкал четдаги шира босиб ётган қизил тикан, какра ва хас-чўпларни кўрсатди,— тухуми мана шуларда, булар

йўқотилмаса, босаверади, сизни қийнайверади, ғўзани ривождан тўхтатиб, ҳосилини камайтираверади.

Қоровой полвон гоҳ Ҳидировга, гоҳ бу ўтларга тикилар, мўйлови эса пирпираб учарди. «Ўлат, алаф, сенми? Сен! Шошма...»

Ҳидиров келиб туришга ваъда бериб жўнаб кетди. Қоровой полвон бригада шийпониға юрди.

«Энди бу «без» ҳам эрийди. Чорасини кўрамиз. Ерни хоҳлатамиз...»

* * *

Оқшом. Қоронғилик кун тафти ҳали гупиллаб уриб турган ер бетига ёйила бошлаган. Кундуз шовқини тинган.

Қаердандир тракторнинг бўғиқ, тариллаган товуши эшитилади.

Водийнинг икки биқинида қатма-қат тизилган, кундузги жазирамадан қизиб қизғиш тусда кўринган тепалар совиб, тусини ўзгартираётибди. Энди улар малла, сарғиш, жигар ранг тусда эмас, қорайишиб, салобатли, тобора юксалаётгандай кўринади.

Фақат нишаб ариқда жадал оқаётган сув гоҳ баландроқ, гоҳ пастроқ товуш билан шилдирайди, тепалар тагидаги зилол сой эса шўхчан шовиллайди, чигирткаларнинг баравар чириллаб туриши сув оҳангига қўшилиб, аллақандай ғалати садога айланади.

Қоровой полвон шохариқ бошида эгатларга баравар тараб қўйилган сувнинг йилтирашига, ранго-ранг гуллаган ғўзаларга разм солиб, шу жўшқин оқшом нафасига мароқ билан қулоқ солиб турибди.

Оқ кўйлак, чуст дўппи кийган, иштонининг почасини тиззасидан юқори шимариб олган ўн саккиз ёшлардаги сувчи йигит — Жўра кумуш доналар ерга томаётган ялтироқ кетмонини елкага ташлаб, оҳиста юриб, бригадир томон келмоқда. Унинг қуёшда куйган ялангоч оёқлари шу ғира-ширада ҳам кўзга ташланарди. Жўра бригадир ёнига келиб, кетмонни елкасидан олди-да, авайлаб секингина ерга қўйди, кетмон дастасидан ушлаганича, қаддини фоз кўтариб, худди Қоровой полвондек чор атрофга, оқшомда қорайиброқ турган ғўзаларга, эгатлар оралаб симобдай йилтиллаб жилаётган сувга тикилиб қолди.

Иккиси ҳам бир нафас шу зайлда жим турди.

«Энди, ўғит ғўзанинг оғзига тушмабди, ҳавога учибди, демайди агроном,— деб ўйлади Қоровой полвон.— Энди худди оғзига тушади! Қониб, тўйиб ич. Дори вақтида даво, битта гулинг ҳам ҳайф кетмайди».

— Ҳосилот боя айтиб кетди: эртага Наманганга область слётига борар экансиз,— деди Жўра секингина, ғўё оқшом жимлигини бузишга ҳайиққандек.— Нима дейсиз, полвон тоға? Борасизми?

— Бориш керак, мулла Жўра. Бизни йўқлабдиларми, бориш керак.— Қоровой полвон енгил тортибми, афсус ебми, ух тортди. Жўра тушунмади.— Ҳақ гапни айтганда, мен бормаيمان, деб эдим. Ҳолимга қўймадилар. Бориб нима ҳам дея олардим, дедим. Улар эса: нима ҳам дея олардим, деганингиз нимаси? Ғўзангизни дарддан, офатдан қандай сақлаб қолдингиз, ҳозир ғўзанинг ҳоли қандай, ривож қандай? Шуларни гапириб беринг бориб, дейишди.

— Тўғри-да,— деди Жўра товушини хиёл кўтариб.— Гапириб беришга арзийди. Озмунча меҳнат сарф қилдикми ахир?

— Ғўза тарбиятни хоҳлайди, мулла Жўра. Шундоқ, ғўзанинг аҳволи чакки эмас. Аммо...— у яна ғўзаларига қараб қолди. Шу топда кўз олдда Мираҳмад гавдаланди, ўша бўғма ёқа қўйлак кийган оқбилак Мираҳмадбой-вачча эмас, йўқ, меҳнатда пишган, чақноқ кўзлари кулиб турган, полвоннинг ўз ибораси билан айтганда, асл деҳқон гавдаланди; кичкина, лекни чайир қўл унинг бақувват қўлини маҳкам ушлаган, хушнуд чеҳраси: «Бўпти, шартимиз олтмиш центнердан» деб турибди.

Жўранинг гапи унинг хаёлини бўлди:

— Аммоси нима?! Колхозда яхши ғўза бизники, деб дадил айтавериш керак.

— Йўқ, йўқ, мулла Жўра. Мақтанчоқлик... Йўқ... Ғўза тарбиятни хоҳлайди,— у яна шу гапни такрорлади.— Ейман деяпими — едиринг, тўйдилинг, ичаман деяпими — ичиринг, қондилинг; оғридим деяпими — даволанг, тарбиясини тобида жойига қўйинг, кузда ҳосил олай, ер чизиб ўтирмай десангиз ана шундай қилинг! Тажрибанингизга агроном илмини қўшинг!

Қоровой полвон ана шундай дейди.

1952

Яшил қишлоқ. Ундан нариси уфққача яйдоқ дашт. Майин шабада эсиб турибди. Тўрт-беш киши гурунглашиб келарди. Ўртада келаётган тик қомат, хушмўйлов киши ёнидаги қотма, жиккак, оқ соқол чолга бир нима деб тегишди. Ҳамма, айниқса чол қаҳ-қаҳ отиб кулди.

Улар кулиша-кулиша четга, тепа тагида оқаётган ариқ бўйига чиқишди. Тик қомат киши оёқларини ариқнинг икки лабига тираб, шабадаси майсаларни елиб, силкиб чопаётган зилол сувга тикилиб турди-да, кафтини тўлдириб икки ҳовуч сув ичди, кейин ариқ дамидаги барра ялпиздан чимдимлаб узди, кўксини тўлдириб ҳидлади: гўё бор ҳидини симириб олди. Бу ҳолатга разм солиб турган чол хушнуд кулди.

— Ҳануз ялпиз ёнидан бепарво ўтолмайсиз-а?— деди у кулгидан қисилган кичкина кўзларини йилтиллайтиб.— Ҳар замон буларга гапириб бераман ўша воқеани, ўша кунларни...

Барваста киши ариқ ёқасига ўтиб, қаддини ростлади, ўтмиш лавҳаларидан бири ҳозир эсига тушдими, шу пайт чолнинг тилидан қайта эшитгиси келиб, унга далда берди:

— Босиб ўтган йўлларингни эслаб туринг ёмон эмас, яхши.

Чол дилтортар кишиси олдида ечилди.

— ...Самоохранмиз денг,— деди давом этиб,— адир-ма-адир, тоғма-тоғ ошиб, босмачи қувамиз... Тинка-дармон қуриб, ярим тунда бирор жилғага қўнамиз. Тош — ястиқ, қиттак мизғиймиз. Чарчаганингда, уйқу элитганда тош ҳам пахта бўлиб кетар экан денг. Қани энди, шу ҳар куни, ҳар ерда насиб бўлаверса. Йўқ, қайда дейсиз!.. Кўзингни уқалаб яна ўрлайсан, доvon ошасан. Бирор тош орқасидан чиққан дайди ўқ биқиндан тешиб ўтмасин тагин, деб ўзингни эҳтиёт қиласан. Жон ширин-да...

Шундай баҳор эди. Сувсийраксойда эди чамамда. Боёстоннинг гирибонидан бўғамиз деб турибмиз. Ўзимиз ўлардек очмиз. Кунлаб туз тотмаганмиз. Яқин қишлоқда босмачи турибди. Теварак-атрофни аскар ўраган. Тирқишдек очиқ жой қолмади, чамамда. Лекин очмиз. Ич яланиб турибди. Қайси бир қишлоқдан овқат келтиришди. Бир сават янги ёшилган сомса, ялпиз ҳиди гупиллаб уриб гурибди денг. «Ялпиз саломатликка фойда, қани олинглар!»— Бу сўзни овозини хиёл ўзгартириб, хушмўйлов кишига кўзи билан имо қилиб гапирди.— Шу пайт денг, аллақаерда милтиқ варанглаб қолди-ку. Қаерда, ким отди? Пайқаш қийин. Тоғда шундақа бу жилғада отилган ўқ нариги жилғада янграйди. Сал ўтмай қасирқусурга айланди. Тишланган сомса ҳалқумимда қолибди, ерга ёпишиб кетибман денг. Ёнимдан, тепамдан, қулогим тагидан ўқ чийиллаб, ғувиллаб ўтиб турибди. Бундақанги олатўполонда биринчи қолишим эди ўзи. Судралаб бориб катта тош орқасига ўтдим. Қарасам денг, ўзимизнинг Маҳмуд самоохран билан яна бир солдат ётиб олиб гирқишдан отяпти. Тиззалаб турувдим, ҳалиги солдат қорни билан эмаклаб келди-да, биқинимга бир туртди, ёт, деди. Қорним билан ётиб олдим. Бирам отишма бўлдики, хаёлимда тоғу тош илма-тешик бўлиб кетди дедим. Ён бағирда бир гўрсўхтанинг боши кўринди. Менга ўхшаб калавасини йўқотиб қўйган экан шекилли. Маҳмуд кўзлаб туриб, тепкини босиши билан мукка тушди, думалаб-думалаб жарга ағдарилди. «Думалашига қара, итваччанинг» деб бош кўтарди у. Солдат аяланима деб сўкинди. Маҳмуд бошини паст қилишга ҳам улгурмади. Қарасам, оғзидан қон кетяпти. Солдат, менга бир нима деб шивирлади, англамадим. Ётибман, тепкини босаману калламда бир гап айланади: «Умринг бино бўлиб қўнадиган жой тополмовдинг, Жўра, мана топдинг, ётавер, муқим ётавер энди».

Бирдан «ура!» «ура!» бўлиб қолди-ку. Билиб турибман, босмачи қочди, бизникилар қуваётибди, қани энди, оёгим ва гавдам қимирласа! Бир маҳал қарасам денг, тепамда командир билан сиз кулиб турибсиз: «Яхши пистирма экансиз, билдик», деганингиз ҳеч эсимдан чиқмайди...

Ҳамма, ҳатто чолнинг ўзи ҳам ҳузур қилиб кулди. Лекин хушмўйлов киши кулмади, ёқимли, ўйчан кўзи унда, шу тийрак, хушчақчақ мўйсафидда; унинг қатлан-

ган ажинларидан, қисик кўзларидан оғир мусибат, ма-шаққат, жабру ситам, қаттиқ кураш лавҳаларини ўқирди.

— Нотинч замон эди,— деди у ҳикоясини якунлаб.

— Уша курашларнинг меваси бу кунлар, Жўрабой ака,— деди хушмўйлов киши аста, дона-дона гапириб. Ўйлаб турди-да, чолнинг елкасига қўл ташлаб давом этди:— Не-не йигитлар жон бермади бу кунларни деб. Аммо ҳаммамиз ҳам қадрига етяпмизми бу кунларнинг? Етсак, нима қилиб бердик?— У гир айлантирилган деворлари, томлари кўриниб турган янги қишлоққа тикилиб қолди. Чол эса ичида: «Ҳа, нима қилиб бердинг?» деб ўзидан сўради. Кейин у яна чолга ўгирилди:

— Неча йил қўнолмай йўл кездингиз, Жўрабой ака?

— Кўп, қирқ йилча...

— Ҳа, баракалла. Уша йўллар мапа бу тепадан яхши кўринади. Қани бу ёққа,— деди-да, чолнинг қўлтиғидан олиб, тепага ўрлади.

Тепанинг сатҳи катта том шаклида бўлиб, кўклам майсалари кўрпадек қоплаган, лолақизғалдоқлар чаман очилган эди.

— Эсингиздами, Жўрабой ака, ҳали ном қўйилмаган колхозга ер танлаган, чегара ажратган кунни шу тепадан томоша қилганимиз? Тўрт йил бўлдими шунга? Шабада-сини қаранг-а, баҳр очади...

Жўрабой ота шу йўллари кўрди: Ўзган, Қайқи, Пис-кент, Оққўрғон, Тўйтепа, Чивинтена, Шўралисой, Қалас...

Умид тўла кўзлари атрофга жовдираб, умидсиз тен-тираб бу йўлларни неча қайта кезишмади! Хушфезл, дилкаш бўз йигит билан бир-бирини суяб, пнёда довои ошганда ҳали сўнгги қор эрмаган эди.

Мирсайдбой кузакда ҳисоб-китоб қилиб, қарз юклаган йили Жўрабой терлама касалига йўлиқди. Хувиллаган дала. Қиш. Ҳамма ёқ оппоқ қор. Совуқ. Тун бўйи чиябўриллар увлайди. Жўрабой гоҳ ҳушига келиб, гоҳ ҳушидан кетиб узоқ ётди. Йигит ёнидан жилмади, кундузлари мардикор ишлади, бир бурда нонни у билан бирга тишлади.

Кечалари иккиси гулхан атрофида якка гаплашиб ўтирарди. Бедармон, энди оёққа турган, ҳали тан оғриқлари битмаган Жўрабой: «Бу лаънати дунёда яшашдан тўйдим», дерди.

— Нолиманг. Бизга ҳам битган яхши кун бордир, ахир,— дерди йигит.

— Сиз билан бизга битган яхши кун пўлат сандиқда, калити осмонда, Йўлдошбой. Ота-боболаримиз шу калитга кўз тутиб ўтди-ку, сиз билан бизга ҳам шу қисмат-да.

Йигит чирсиллаб ёнаётган гулханга қараб ўйлаб қоларди. Кейин кўзлари чўғдек ёниб кетарди:

— Бузиш керак ўша сандиқни!

Кеч куз эди. Бир куни Жўрабойни Умарали бойнинг эшигидан чақириб кетишди. Бой унинг кетидан ҳўрайиб қараб қолди. Жўрабой чақирилган жойга келса, э-ҳа, одамнинг саноғи йўқ! Ҳамма милтиқ таққан. Одамлар юзида аллақандай ҳаяжон, қувонч, шижоат кўрди у. Ҳеч эсидан чиқмайди: Йўлдошбой шу одамлар орасида кулиб унинг ёнига келди, худди ана шундай елкасига қоқиб:

— Ўша пўлат сандиқни бузишди, олинг, энди яхши кунингизни ундан,— деди.

Кейин унинг қўлига милтиқ беришди.

— Энди бунга мана шу милтиқ билан сақлайсиз, курашиб, урушиб сақлайсиз.

— Кимдан?

— Умаралибойдан, ҳамма бойлардан...

...Кейин Жўрабойга ер, қўш ҳўкиз беришди. У экин қилди, кўчат ўтқазди, хилма-хил мевалар етказди. Турмуш юришди. Бир куни қишлоққа шу киши, Ўзбекистон оқсоқоли Йўлдош Охунбобоевнинг ўзи келди. Жўрабойни чақирди.

— Қалай?— деб сўради у.

— Яхши.

У бармоқлари билан мўйловини силади, кулиб турган кўзлари Жўрабойга тикилиб қолди:

— Бундан ҳам яхши бўлишини хоҳлайсизми?

«Ким хоҳламайди,— нчида жавоб берди у.— Шунини деб тентирадик, шунини деб олишдик-ку, хоҳламайликми».

— Бўлмасам-чи. Қошки эди бундан ҳам яхши бўлса...

— Бўлмаса,— деди у аввал Жўрабойни, ўтирганларни бир-бир кузатиб,— катта деҳқончилик қиласиз: катта ерга пахта экаси, катта ерда боғ қиласиз... Шунда яхши бўлади. Аммо, катта деҳқончилик яқкаликни хоҳламайди,

кўпчиликни, бирликни хоҳлайди.— Кейин марзалари йўқ, яхлит далалар, сув тўла каналлар, янги қишлоқлар ҳақида гапирди.

— Қани ўша ер, ўша сув?— дейишди одамлар.

— Бирлашсангиз бас. Ер, сув кўп.

Фаргонанинг ҳар жойидан йиғилган деҳқонлар шу ерга кўчиб келишди. Колхоз бўлишди... Шунда, сизлар бу ерда намуна кўрсатасиз. Колхозингизнинг номи «Намуна» бўлсин, деди у.

Яланғоч саҳро. Қиши совуқ, шамол, баданга санчилувчи изғирин, ёзи — жазирама, тухум пишади. Мана шу ерда кўн. Обод қил... Тоб беролмай, қанча одам қочди-ю. Мана ҳозир ўша, обод қил, деган кундагидек шу ерда, шу тепа устида Жўрабойнинг елкасига қўл ташлаб у билан бирга яхши кунга яхши йўл излаяпти... «Қадрига етяпсанми шу куннинг?»— фикран ўзига савол берди, Жўрабой ота.

— Буни қаранг-а,— деди Охунбобоев. Унинг кучли қўли Жўрабой отани ўзига тортди.— Кўз қувонади. Яхши. Жуда яхши!— Унинг юзида мулоҳим табасум, севинч барқ урди. Чолни ўзига яна қаттиқроқ тортди...

Тепа устидан янги қишлоқ — Намуна кафтдагидек кўринади. Қишлоқ ўртасидан ўтган катта йўл тармоқлаб далаларга туташган. Ҳамма ёқ ҳовлп, боғча. Девор бўйи келган ўрик, шафтолилар қийғос гуллабди. Ҳовлиларга гўё қизғиш шойи тўшаб қўйилибди. Ҳар қайси ҳовли дамида том баравар сўрига ток кўтарилибди, эндигина кунгура шакл олган нозик барглар товланади. Жўрабой ота эрталаб ўз уйидан чиқиб, кечқурун, тунда қайтаверибли-ю, яйдоқ саҳрода ўзлари бино қилган қишлоқнинг кўркини шу ердан ҳеч томоша қилмабди.

— Яхши,— деди у қишлоқ доираси ёқасидаги ўтовларни, ўтов олдида гуллаб турган мева дарахтларини кўрсатиб.— Шуниси яхшики, ўзларингиз ҳам сезмай таомил мажбурияти остида қилган ишингизга мана булар эргашибди. Булар, биласизми, чорваси қаерда тўйса, ўша ерга ўтов тикиб кун ўтказарди. Шундай қилингки, чорва кетидан ҳаммаси юрмасин. Биласизми?— деди у Жўрабой отага жиддий боқиб,— буларни ичингизга кўпроқ тортинг, булар билан қон-қардош, уруғ-аймоқ бўлинг. Бир пай бўлинг. Шунда қўлингизни қаёққа узатсангиз етади.— Унинг кўзлари қишлоқни, олисда булутлар қат-

қат тизилиб қўнган жойгача узала ётган бепоён дала, адирларни кузатарди. Узоқ тикилиб турди, чуқур ўйга толди, пешанаси уч қатор қатланди:

— Бундан ҳам яхши бўлишини хоҳлайсизми?

Орадан шунча йил ўтиб, яна шу савол! Чолнинг ҳайратда қолган кўзлари унга қараб йилтиради.

— Ҳайрон бўлдингизми? Ҳайрон бўлманг. Мана бу ерга ўтирайлик-а. Толиқдингиз шекилли, қария,— деди у чолга тегишиб.

— Мана бу бошқа гап. Бундан ҳам яхши бўлсин десаңгиз боғни девор ичидан чиқарасиз. Ҳар кимнинг томорқаси боғ бўлгани яхши. Буни қилибсиз, жуда яхши. Аммо, жамоатники, ҳамманики қани? Ер қани, сув қани дерсиз тагин? Индамайсиз-а, қария. Индамай енгаман дейсиз-да.— У чолга яна тегишди. Ҳамма жим, бу гапнинг томири қаерга бориб тўхташини кутарди. Нариги четда битта-битта майса юлиб ўтирган қорача, порғул йигит суҳбатга тамом бепарво эди.

— Ана шу яхлит ер боғ қилинса... Яхши боғ бўлади-а? Ҳавасингиз келиб юрган Мирсайдбойнинг богидан ўн баравар катта бўладими?

Чол тикилиб қолди. У чипдан ҳам катта, охирини кўз илгамас боғни кўрди.

— Шу катта йўл узайтирилса,— деди Охунбобоев, қишлоқ ичидан ўтган йўлни кўрсатиб.— Ҳу, ўша ялангликкача олиб борилса, икки қанотига дарахт — чинор, мирзатерак экилса... катта боққа боради. Жамики мева хиллари шу ерда битса. Ўртада ҳовуз, атрофи арчазор... Кўчат тарқатасиз бу вилоятга, Жўрабой ака... Уруғ сочасиз...

Суҳбат қуюқлашди. Улар баҳслашиб, тортишиб, бўлғуси боғнинг планини муҳокама қилдилар. Лекин чеккада ўтирган қорача йигитгина суҳбатга аралашмади. У мийиғида кулиб, аллақандай истеҳзо билан деди:

— Эртак-ку бу, ота? Боғ қачон қилинди, қачон вояга етди-ю, Жўрабой дадам унинг мевасини қачон еди?

Чол ерга қаради. Утирганлардан ун чиқмади. Охунбобоев бу сукутнинг маъносини тушунди.

— Ҳа, шундай бир эртак ҳам бор,— деди у йигитга қарамай.— Шаҳзоданинг шикорга чиққани ҳақидаги эртани эшитганмисиз, Жўрабой ака?

Чол кўтариб, «айтинг, айтинг» дея унга кўз қисди. Охунбобоев далалар, адирларга разм солиб, ҳикоя

бошлади, суҳбатга ҳеч алоқаси йўқдек туюлган ҳикоя бора-бора ҳамманинг эътиборини қамраб олди:

— ...Шаҳзода бир кун шикорга чиқишни ихтиёр қилибди. Ёш, келишган, ғурурли йигит экан. Улар ов излаб кўп юришибди. Кун иссиқ. Отлар чарчабди, ўзлари чанқабди. Қани бу атрофда қиттак соя ташлаган бир туп дарахту жилдираб оққан сув! Бир қултум сувга зор бўлиб кўп юришибди, бир жойга боришса, мплтиллаб оқаётган сув кўринибди. Яқин боришибди. Боришса, соқоли оппоқ бир мўйсафид қўлида кетмон, ариқ қазиб сув етаклаётган эмиш,— у ҳикояни шу ерда узиб, Жўрабой отага қаради, Жўрабой ота унга. Бу кўзларнинг бири: «Сиз етаклаган ҳаёт суви-чи», деб сўрар, иккинчиси эса: «Амин бўлинг», дерди.

— Шаҳзода ҳайрон бўлибди, чолдан сўрабди: «Бу сувни қаёққа олиб борасан?»—«Ана ўша қақраган чўлга», дебди чол.—«Нима қилмоқчисан?»—«Шу ерда бир боғ бунёд қилсам, жазирама чўл яшнаса, шоядки, бу ерлардан ўтганлар унинг мевасини еса, соясидан баҳраманд бўлса». Йигит ҳайрон бўлибди. «Алжираяпсан-ку, мудраган чол», деб ўйлабди. «Бир оёғинг гўрда-ю, бу боғни қачон бунёд қилардинг, оёғингни узатиб ёт», дебди.—«Йўқ,— дебди чол,— ниятим шу. Боғ вояга етганда, одамлар мевасини узиб еганда ҳузур-ҳаловат кўраман». Йигитнинг жаҳли қистабди: «Кўкнори ҳаслингни қўй, умринг етмайди», дебди. Чол сўзидан қайтмабди. Йигит «Умринг етмайди», деб оғзига сўз олибди...

Орадан кўп йиллар ўтибди. Йигит подшоҳ бўлибди. Бир кун яна шикорга чиқишни ихтиёр қилибди. Бир саҳрога келиб, қарчиғай солибди. Қарчиғай қушни таппа босмай, чангалида кўтарганича учаверибди. Шоҳ кетидан от қўйиб, қорама-қора бораверибди. Борса, қарчиғай бир боққа тушибди. Кирса, бир боғ эмиш, анвойи хил мевалар пишиб, тагига тўкилиб ётганмиш. Қараса, қарчиғай салқин бир супада қушни босиб турибди. Ҳеч ким йўқ. Подшоҳ бу саҳродаги бўстонни кўриб, мўъжиза деб ўйлабди. Шунда дарахтлар орқасидан бир чол чиқиб, таъзим билан подшоҳни супага таклиф қилибди. Подшоҳ сўрабди: «Бу қандай сир, мевалар пишиб тагига тўкилиб ётибди, ҳеч ким қўл урмайди?..» Чол сирни бошдан-оёқ баён қилиб берибди: «...Ўша йигит оғзига сўз олган эди, шу сабабдан мевага қўл урмайман», дебди. Подшоҳ ҳайрат бармоқларини тишлаб қолибди...

— Мана бу эртақ, Жўрабой ака,— деди у ҳикоясини тугатиб.

— Эртагу, ҳақиқат,— деди Жўрабой ота.

Ҳамма жим эди. Жўрабой ота ер тагидан йигитни кузатди. Унинг юзида дона-дона тер, қўлидаги яшил майса бармоқлари орасида эзилиб кетган эди.

Шу маҳал ўроғлик баркаш кўтарган қизча пастдан Жўрабой отани чақирди. У кулиб дўстига тегишди.

— Боя кампирга ялпиз сомса буюриб қўювдим, тинч замонда бафуржа ейлик деб. Каримжон, ичимизда сен ёшсан, югуриб тушиб ола чиқ, ўғлим!

Яна кулги кўтарилди. Ўзини қаёққа қўйишни билмай турган йигит тез юриб пастга тушиб кетди. Икки дўст кўз уриштиришди.

— Ғўр-да, ғўр ҳали,— деди Жўрабой ота унинг кетидан тикилиб,— катта дарс бўлди унга бу.

Охунбобоев ўйланиб қолди. Кейин деди:

— Ғўр, шунинг учунки, ситам тортгани йўқ. Ғўр, шунинг учунки, ҳали отаси вояга етказган дарахнинг мевасини еяпти. Буларда — ёшларда эртақдаги чолнинг сабр-бардоши ва матонатини, садоқат ва муҳаббатини боғбон ниҳолчаларини қандай ардоқласа, шундай авайлаб ўстириш керак. Бу сиз билан бизнинг ишимиз. Шу ишни қилсак, йигит-қизларимиз бу дунёда яшашдан мурод нима эканини билса, бизнинг бахтимиз шу. Шундай қилсак, бир боғ бунёд қилиш экан-ку, каттароғи ҳам бизни чўчитмайди...

Йигит гапнинг маромига қулоқ солиб, баркашни кўтарганича тик турарди, чол уни қўлидан олиб ўртага қўйди.

Эндигина тандирдан узилган сомсанинг ҳиди гупиллаб димоққа урди. Жўрабой ота иштаҳа билан сомса еб ўтирган меҳмонга қараб маънодор жилмайди, унинг қисик кўзлари милтиллаб кулди. Уша серташвиш, жўшқин, хатарли баҳор кунларида ариқ ёқалаб ялпиз терганлари, сомса ёптирганлари ҳозир унинг кўз ўнгидан ўтди-ми, чол:

— Ушанда бир бурда нонни хотиржам чайнай олмабмиз-а,— деди.

— Уша нотинч, беоромлигингиз эвазига мана энди, кексайганда ҳамма кўрадиган, ҳамма ёқ кўринадиган жойда бемалол, хотиржам ўтириб гурунг қурадиган бўлдингиз — бу камми?— деди-да, меҳмон хайрлашини учун

қўзғалди ва Жўрабой отанинг қўлини маҳкам қисиб,—
кўз қўрқоқ, қўл ботир, бошлайверинг,— деди.

У кетди. Жўрабой ота унинг кетидан хийла қараб
турди-да:

— Ўзим ҳам ҳайрон қоламан,— деди ёнидагиларга,—
қачон келмасин, бундан ҳам яхши бўлишини хоҳлайсиз-
ми, дейди-ю, кўнгилга бир ташвиш солиб кетади, шундай
ташвишки, на тун, на кундуз сени тинч қўяди... Йўқ,
ташвиш эмас, юракка ўт ёқиб кетади...

* * *

Ҳар туп олмага қатор қўйилган нарвонларга чиқиб,
мева новдаларини авайлаб олма узаётган, уларни сара-
лаб яшикларга жойлаётган йигит-қизлар ашуласи ҳаво-
да янграйди:

Олмани отдим отганга,
Сим каравотда ётганга.

«Ҳой пучуқ, ҳой қоровой, ундоқ эмас, мана бундоқ»
деб ёшларга иш ўргатиб, тегишиб юрадиган чол ўзида
йўқ хурсанд. У ҳассасининг икки томонидан ушлаб бел-
га тираб олган, олма узаётган, челақ бўшатаётган, яшик-
ларга жойлаштираётганлардан кўзини узмайди.

Бог дарвозасидан бирин-кетин кириб келган машина-
лар катта айвон олдида тўхтади. Олдинги машина каби-
насидан ўрта бўйли, қушбурун йигит тушди. Унинг кўзи
олма шохларини ораларди.

— Ҳа, қоровой, кўзларинг булбулингга интизор,— де-
ди чол секингина, гўё бу сирни иккисигина билгандек ва
кўз қисиб нариги олмага имо қилди.

Қизнинг шахло кўзлари қип-қизил олмалар орасидан
мўраларди, у катта қизил олмани узиб отди, йигит илиб
олиб, ҳидлади, нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган
эди, қиз «жим» дегандек кафти билан ўз оғзини бекитди.
Бошқа олма дарахтларида кулги кўтарилди. Йигит ҳеч
нарсга кўрмагандек олмани отиб ўйнаб, яшиклар юклан-
ган машинаси томон бурилди.

Қизлар эҳтиётсизлик қилди шекилли, бир-икки олма
челақ тагига тақиллаб тушди. Чолнинг қовирғаси қа-
йишди.

— Ҳой пучуқлар, ҳой Қумри, авайлаб узинг, заҳала-
манг, бу олмалар узоққа, жуда узоқ жойларга боради!—

деди. Кейин кабинага ўтираётган йигитга яқин борди:— Ҳой, Насим қора, олмани қўйнингга солиб, индамай кетаверасанми?! Тўй қачон?

— Сиз бош қўшганда, Жўрабой дада.

— Бўпти Қоравой, ҳаракатингни қилавер.

Машиналар дарвозадан чиқиб, чипорзор катта йўлдан узоқлаб кетди. Чолнинг қисиқ кўзлари уларни кузатиб қолди. Кейин у айвонга териб қўйилган яшиқларга ёзилган хатни гўё узоқдан ўқигандек тикилиб турди-да, қаёққа қанча машина жўнатилганини, яна неча машина жўнатилиши кераклигини ҳисоблаб турган қуйма гавдали киши олдига келди:

— Бу хатларингда «Намуна» ҳам ёзилганми, Қаримжон,— деди Жавобдан қониққандан кейин яна сўради:— Тагин кўп жўнатасанми?

— Ҳа, ўн машина.

Чолнинг кўзи йилтиллаб кулди.

Занг урилди. Ҳамма овқатга чиқди. Қаримжон билан чол йўлка бўйлаб битта-битта юрди. Улар қатор-қатор ишқомлар, анорзор, анжирзорлар ёнидан ўтиб, боғ ўртасидаги шийпонга келди. Катта ҳовузнинг нариги ёнида, гулзор ўртасида баланд ҳайкал боғ оша олисларга назар солган эди.

Чол хушнуд. Қумрининг олмалар орасидан чақнаб турган қора кўзлари, Насимнинг парвоз қилаётган қушдек баландга толпинган қиёфаси унинг кўз олдидан кетмасди.

— Ҳа, тўйлар бўлади, тўйлар — деди у. Кейин ҳайкалга қараб турди-да, гўё унга жавоб бергандек:— Ҳа, бундан ҳам яхши бўлади, катта тўйлар бўлади,— деб қўйди.

1957.

Шу гапни эшитди-ю, Ҳамдам аканинг таъби тирриқ бўлди: оёғи куйган товукдек типирчилаб қолди. Ҳозир, шу топда раис билан яккама-якка гаплашса-ю, ука, бу ишинг хато деса, келаётган хатарнинг олдини олса! Шатак ариқдан қишлоққа, тўппа-тўғри правленнега от йўрттирди, устма-уст аччиқ-аччиқ қамчи босди. «Тавба, ана гапу,— деди ўзига ўзи.— Наҳот шунча гўр бу йигит, наҳот мен янглишдим!.. Кейинги кунларда гоҳ Тиктепа устида, гоҳ Сунбулжар ёқасида нега мунча тимирскиланиб қолди десам... Тавба!

Оғни правление олдидаги тутга боғладилар, қамчини қўлида асабий ўйнатиб, тез юрганча идорага кирди, ҳеч ёққа бурилмай тўппа-тўғри раис кабинетига ўтди. Ҳамдам аканинг авзойини ҳеч бу таҳлилда кўрмаган кекса бухгалтер чап қўлининг иккинчи бармоғи билан кўз ойнагини пешанасига кўтариб, унинг кетидан қараб қолди.

Раис йўқ эди. Столга ёпилган қора мовут устида иккита қоғоз халтача турибди. Ҳамдам ака улардан бирини очиб кўрди: қумоқроқ соз тупроқ. Халтача устига «Юз гектар: пахта ерига қўшилади» деб ёзилган. У иккинчи халтани очди: сап-сарик тупроқ товланиб турибди. Бунинг устига ёпиштирилган оқ қоғозга: «Тўрт юз гектар: албатта пахта экилади» деб ёзилибди.

«Ана холос!— деб юборди у гўё суҳбатдошининг фикридан кулгандай хитоб қилиб.— Наҳот янглишдим?!»

Шу ўтган йили кеч кузда мингбулоқликлар йиғилиб, катта мажлис қуришди. «Трактор» колхозини шу йиғилишда «Коммунизм» колхозига қўшилди: кексаларнинг таъбирича, мингбулоқликлар ҳаммаси бир пай бўлишди. Раисликка кимни сайлаймиз, катта рўзғорни ким тебрато олади?— дейилганда, Ҳамдам ака биринчи бўлиб сўз олди. «Шарифжон тебратади бу рўзғорни,— деди у

ишонч билан.— Агроном, уқувли, бамаъни йигит. Мушт-дайлигидан биламиз: раҳбарликни шу уддаламаса ким уддалайди!»

Ҳамдам аканинг кўзи ҳамон халтачалардаги тупроқда. У беш кундан бери ариқ тозалаётган, зовур қазнётган Шатак ариқ участкасига бу гапни боя Азим экскаваторчи етказди. Гурунгда раиснинг бу ҳаракатига ҳар ким ўзича баҳо берди: баъзилар раисимиз ўзини қўйгани жой тополмай қолди, унга кенг ер торлик қияпти шекилли, дейишса, баъзилар мазах қилди, Тиктепа тагидан олтин топганмиш, дейишди. Азим эса кўзлари чақнаб: «Топганда қандоқ... тугамас кон топди, ҳадемай қазпимиз», деди.

— Қазди, тугамас конни!— деб юборди Ҳамдам ака жаҳл билан. Азим ҳурматли ҳосилотнинг туйқусдан бунчалик дарғазаб бўлганини кўриб ҳайрон қолди. Нега, қаршимисиз?— дейишга ҳам тили бормай, тупугини қўлт этиб ютди.

«...Албатта пахта экпади,— Ҳамдам ака ёзувни яна ўқиди. Ҳозир у раисдан қаттиқ хафа бўлди. «Йўқдан бор қиламан деб уринару, нақдни бой бериб қўярмиз,— деб ўйлади у.— Негатанашмайди шуни!»

Шу топда алгебрадан берилган масалани қийналиб-қийналиб, ахири ечган ўқувчидай қувнаб раис келиб кирди. Унинг кўзлари: «Айтмовдимми, қани энди бу ерлар бизда бўлса!» дея чақнаб турарди. Ҳамдам ака ташвишли, норози кўзларини унга тикди.

— Тинчимай қолганингиз шунинг учун экан-да? Наҳот... наҳот бемаслаҳат!..

Шарифжон Содиқов ҳосилотнинг авзойи бузилганини тушунди.

— Ҳамдам ака,— деди у оҳиста товуш билан.— Нимани бемаслаҳат қилувдимки, бунини бемаслаҳат бошлайин? Қолхозлар яқинда бирлашди. Катта рўзгор. Пишмаган гапни қандай ўртага қўяй!— У бирдан руҳланиб кетди:— Чамалаб кўринг-а, тўрт юз гектар ерга пахта экамиз!

— Сиз ўйлаб кўринг, мен обдан ўйлаб кўрдим!— деди Ҳамдам ака ўз одатига хилоф қўрслик билан.— Кўклам пешанамизда... Орада икки ой... ҳаш-паш дегунча экиш... ўтган йилги колхоз эмас, ўтган йилги иш эмас. Бу йил ҳосилни ошириш... ундан кейин...

— Шундай... ўтган йилги колхоз эмас. Ўтган йилги

иш эмас, аммо одамлар ҳам ўшаларгина эмас,— деди раис ҳосилотга кесатиб.— Тўғри, ҳосилни ошириш — биринчи вазифа. Аммо буниси ҳам биринчи вазифа: иккисини бир қўлда баравар кўтариш керак...

— Мен қаршиман бунга. Гап шу!— деди-да, Ҳамдам ака зарда қилиб эшикка қараб юрди.

— Қарши бўлсангиз эртага правлениени чақирамиз, ипдинга умумий мажлис... ўртага соламиз,— деди Содиқов унинг кетидан.

«Унисини ҳам, бунисини ҳам дейди-ю, қисталанг вақт бошланиб қолади. Униси чала-чулпа қолади, буниси кечикади... ютқизамиз. Тушунмаяпти шуни,— деб ўйлади Ҳамдам ака йўл-йўлакай.— Ё мен тушунмаяпманми?— Уйга келиб ҳам узоқ ўйлади, унақасига ҳам, бунақасига ҳам ўйлаб кўрди, ҳисобини тополмади.— Йўқ, у тушунмаяпти...

«Нега суриштирмай тўннини тескари кийиб олди бу одам? Биз учун ҳозир ҳосилни ошириш, пахта ерини кенгайтириш — бир тананинг икки қўли-ку... мингап отингизни тўйдирасиз, унга дам берасизу, ерга дам бермайсизми?— дея Ҳамдам акага фикран савол берди Содиқов. Шу колхозни дастлаб тузганлардан бири, пахта ҳосилини йилма-йил оширишда жон куйдирган тажриба-кор Ҳамдам ака ҳозир унинг кўз олдида қовоғини солиб турарди.— Кучимиз икки баравар ошди, бу куч билан Мингбулоқда тақир ер қолдирмаймиз. Шуни тушунмаяпти...»

Содиқов ўтган кунги партия йиғилишини эслади. Йириклашган колхознинг юзга яқин коммунисти шу ҳақда раиснинг докладини эшитди. Йиғилиш янги ер очишни бир оғиздан маъқуллади.

У, хонада у ёқдан-бу ёққа юрди, дераза олдига келиб, пардани кўтарди. Худди ёз кундагидай деразанинг икки қанотини ланг очиб юборди: пастда қуюқ баргларини тўккан, яланғоч шохлари бир-бирига мингашиб кетган азим чинорлар, оқшом ғира-ширасида қорайиб кўринган ёш арчалар, боғ айлана қад кўтарган мирзатераклар бош қимирлатмасди. Лампочкалар бараварига ялт этиб ёнди, ёруғлик эндигина бошланган тун қоронғусини қувиб, атрофни чароғон қилди. Аллақанча жойни эгаллаб ётган Қўшбулоқнинг шишадек тиниқ юзи қайнар кўзларидан отилиб турган сув зарбига минг тарам бўлиб жимирлади...

Қишлоқда дув-дув гап; правленнеда раис билан Ҳамдам ака тортишиб қолибди, раис янги ер очамиз деса, у қарши чиқибди, эртага ҳамма катта клубга йиғилармиш...

Шу куни оқшомдан бошлаб бирам қор ташладик, еру кўкни ажратиб бўлмасди, элаб ёғаётганидан кўчада юрган кишининг кўзини очирмасди.

«Одам унча йиғилмас, олисдагилар келармиди шу қорда», деб ўйлади мажлисга кетаётган Ҳамдам ака. У клубга кирди-ю, ҳайрон бўлди: клуб лиқ тўла, олма ташласанг ерга тушмайди!..

У одамлар қаторини зўрға ёриб ўтди.

Олдинда, нариги четда Нор полвон ўтирибди. У ҳар галгидек ён-веригагиларга гап отмайди, гўё ҳеч кимни кўрмаган, сезмагандай. Пешана ажинлари бўртиб, қатланиб кетибди. «Мунча тумтаймаса? Кеча индамай ўтирди, индамай чнқиб кетди. Нега? Бугун нима деркин?» Унинг чап биқинида деворга суяниб Азим турарди. У полвоннинг гавдасидан бошини зўрға ошириб, кимнидир излагандай кўз югуртирарди. У Ҳамдам акани ўз отасидек биледи, Ҳамдам ака Азим экскаваторчини қишлоқ йигитларининг гули, «у келса зах қочади, тепа чўкади» деб юрарди.

«Бугун у нима деркин?— деб ўйлади Ҳамдам ака.— Иккис ҳам меникини маъқуллар».

Мажлис бўшланди. Залга жимлик чўкди. Раис минбарга келди. Унинг чеҳрасида на ҳаяжон, на иккиланиш бор. Ҳамдам ака тикилиб қолди: «Нима деркин? Қарши чиқяпти, тўққинлик қиляпти...»

— Ўртоқлар!— деди Содиқов, залдагиларга хитоб қилиб.— Биз бугун кечаги мингбулоқликлар эмасмиз, бугун кечагидан аҳилмиз, кечагидан кучлигимиз...

«Ғанининг тагига замин қўйяпти. Хўш, қани, яна нима деркин, эшитамиз» дея фикридан ўтказди Ҳамдам ака.

Содиқов битта-битта гапира бошлади. У, йирик колхознинг шу кунларда, баҳор киргунча қилиниши зарур бўлган ишларини бирма-бир санаб берди. Мингбулоқ икки томондан қора тоққача узала чўккан баланд тепалар ўртасидаги соя-салқин, мевазор яшил қишлоқ, ўртасидан булоқлар сувидан ҳосил бўлган сой оқарди. Аҳоли кўпу ер оз. Қишлоқ жанубида, сойнинг чап қирғоғида

эса узунасига йигирма чақиримдан ошиқ бўз ер, паст-баланд тепалар қўшни район чегарасига туташади. Мингбулоқликларнинг ота-боболари ҳам шу ерпи эгаллашни, ишга солишни орзу қилган: якка-якка уриниб ҳам кўрган; лекин уюшолмаган, уюшолмагандан кейин шу Тиктепанинг белини кесолмаган, ночор ташлаб кетаверган. Шарифжон ҳозир колхозчиларга шу тарихни гапириб берди.

— Зилол сой шарқираб оқиб турса-ю, наҳот унинг чап қирғоғидаги бўз ер ўтмиш аждодларнинг қудратли куч бўлиб уюшган неварачеваралари замонида, бизнинг замонамизда, техника замонида ҳам қақраб ётаверса! Ота-боболар орзусини рўёбга чиқаролмаймизми, шунга қурбимиз етмайдими?— У залдагиларга савол ташлади.

— Нега етмасин, етади!— Зал ичкарисидан бир неча кишининг барабар гулдураган овози эшитилди.

Ҳамдам ака сесканиб кетди. «Наҳот, булар ҳам чуқурроқ ўйлаб кўришмаса!» Унинг кўзи минбарга, Шарифжонга қадалди. У залга тикилиб турар, гўё Ҳамдам акага: «Кўрамиз, пишганми-йўқми шу гап, мана булар айтади» деётгандай эди: унинг қирра бурни, дўнгроқ пешанаси, ўткир кўзи, ҳозир минбардан залга хиёл эгилиб турган қадди Ҳамдам акага парвоз қилишга шайланган бургутни эслатди. «Тавба,— деди у ўзига ўзи минбардан кўзини узмай,— шунча ўзгарса-я бу!»

Ҳамдам ака уни қачондан бери билади-ю, қачондан бери билмайди?

Ҳамдам аканинг шу сой бўйида бирга тепишиб катта бўлган, кейин Эски Тошкентда бирга мардикор ишлаган, корандачилик қилган дўсти Содиқвойнинг бошига оғир мусибат тушди: унинг сеvimли хотини Ҳалима мусофирчиликда, чайлада ўн кун касал ётиб вафот этди. Бечора жувон қора герга ботиб иситма ичида алаҳлайди, ойижонининг нурсизланиб бораётган кўзлари гоҳ ёнида бепарво чопқиллаб юрган жигаргўшасига термилар, гоҳ бошига келаётган даҳшатли сезаётган, ҳозир тамом ожиз ҳолда қолган, ранги чўян тусига кирган эрига, гоҳ ёнида оғзига сув томизаётган Ҳамдам акага ёлвориб боқарди. Хотиннинг нафас олиши лаҳзама-лаҳза оғирлашди, Содиқвой эса ҳеч нима кўрмас, ҳеч нимани эшитмасди: у тахтадек қотиб қолган эди. Ҳамдам ака унинг оғзига сўнги марта сув томизди, бемор жувон кўзини катта очиб, энтикиб-энтикиб унга тикилди: «Ёшман... Шарифжонни...» деди.

Ҳамдам ака чўп суқиб тўрқовоқдаги беданаларни безовта қилаётган гўдакнинг қўлидан ушлаб даст кўтарди-да, онаси олдиға олиб келди. Бола юмшоқ қўлчаси билан унинг юзини силади, Ҳалима катта очилган кўзларини болага тикиб, сарғайиб кетган қонсиз қўлини унга узатди, қаддини кўтармоқчи бўлди-ю, мажоли етмади, боши шилқ этиб ёстиққа тушди... Ҳамон қотиб турган Содиқвой бор овози билан ўкириб юборди, бу даҳшатни, онанинг абадий кўз юмганини ҳам сезмаган гўдак қўрқиб кетди, у ҳам чинқириб йиғлади. Ҳамдам ака ун чиқармай юм-юм ёш тўкди...

Кунлар ўтди, ой ўтдики, Содиқвой юпанмади. Эрталаб тонг ёришмасдан, кечқурун эса қош қорайгунча ўғлини опичлаб олиб, хотинининг қабри устида йиғлади, бошини икки қўли билан маҳкам қисиб, ўкириб йиғлади. Кечалари эса чайла дамида, даланинг мусаффо ҳавосини шимиб, пишиллаб ухлаб ётган Шарифжонни бағрига босганича гоҳ ҳиқиллаб, гоҳ кўкси унсиз фиғон тортиб чиқди.

Овқат пишириш, кир ювиш Ҳамдам аканинг зиммасига тушди.

Мусибатни, огирлиқни инсон кўтара олади. Бора-бора Содиқвой йиғидан тинди; у энди индамас, қор тагида оқадиган сувдек жим юрадиган бўлиб қолди. Лекин чайлада сайратманинг овози ўчди: тонг отмасдан сайратма осадиган, кун чиққанда тузоқ оралайдиган Содиқвой, ҳатто киркирни ҳам сиғдириб ташлади; сайратмаларини бировга бергани йўқ, тўрқовоқдан чиқариб, ҳаммасини учириб юборди. Ҳамдам ака бунга ҳайрон бўлди-ю, аммо ҳеч нима демади...

Кузакда, экии-тикин олингандан кейин от-арава қилиб Самғор чўли орқали Аштан ўтиб қишлоққа қайтиб келишди. Жўнаш олдида Содиқвой яна хотинининг қабрига борди, бир ҳовуч тупроқ олиб, оппоқ рўмолчага ўраб тугди-да, яктагининг ичидан боғлаб олди. Аммо, қайтиб бошқа ёққа корандачиликка чиқмади. Шу-шу Ҳамдам ака ҳам бола-чақалари олдидан бошқа ёққа жилмади. Ушанда оқ подшонинг тахти қулаган, ўрнига Керенский ўтирган, юрт алғов-далғов бўлиб турган эди.

Иккиси шу қишлоқдаги Роҳат оқсоқол деган бойнинг ерини тўртдан бирга экиб юрди. Шарифжон ҳамиша отаси ёнида эди. Ёзда ота-бола далага кўчиб кетарди, кеч

кузгача чайлада умр ўтказарди. Орадан уч йил ўтгач, Содиқвой худди хотинидек чайлада бетоб бўлиб қолди, шу бетоблигича қайтиб турмади, у ҳам Ҳамдам аканинг қўлида жон берди. «Шарифжон энди сенинг ўғлинг», деган эди ўшанда Содиқвой.

Ҳамдам ака гоҳо болага тикилиб турарди-да, хотинига: «Бўладиган бола, пешанаси кенг, бургут кўз; яхши одам чиқади бундан», дер эди.

Шу-шу Ҳамдам ака унга ота, раҳнамо бўлиб қолди. Шарифжон қишлоқ мактабини тамомлаб, шаҳарга кетди. Қишлоқ хўжалик институтида ўқиди, агроном бўлиб келди, колхозда ишлади, беозорлиги, бамаънилигидан, қариялар таъбирича, «олтин йигит» бўлганидан қўшни колхоз аъзолари орасида ҳам эътибор топди.

Ҳамдам ака уни шундан буён билади. Шунинг учун ҳам колхозлар бирлашганда унинг номзодини биринчи бўлиб ёқлади.

Шу Шарифжон ҳозир рўпарасида парвоз қилай деб турибди-ю, уни таниёлмади. «Учишга учару, қаноти синмаса эди», деган фикр беихтиёр хаёлидан ўтди. Яна унга синчковлаб тикилди: «Йўқ, парвозинг бемаҳал! Нега ўзига бунчалик ишонади ёки биров қанотига сув пуркадимиз? Ким?»

Ҳамдам аканинг чама ва ҳисоблари шу топда яна бошида айланди. Унақасига ҳам, бунақасига ҳам ўз ҳисоби тўғри чиқаверди. «Бу иш озмунча куч, озмунча вақт талаб қилмайди: икки ойнинг эмас, кам дегапда икки йилнинг иши. Баҳор эшик қоқай деб турибди...— Қишлоқ билан бўз саҳро ўртасига ғов бўлган тоғдек тепа унинг кўз олдида гавдаланди.— Бе, ўлжангнинг нималигини билмай човут соляпсан, бургутчам!»

Ҳамдам ака уни шу гап бошланган кундан бери таниёлмай қолди. «Ҳа, унга ишондимиз, янглишдим!..» Шу орада кимдир:

— Қолган ишга қор ёғар... Ўтирадимиз қараб?— деди гуркурак овоз билан. Ҳамдам ака бир сесканиб тушди. Қаради: полвон унга тикилиб турибди...

«Мана, бу ҳам униқини деди, ё шу сув пуркадимиз унинг қанотига?»

Раис правление қарорини ўқиб берди. Қарорда, йириклашган колхознинг ерини икки минг гектарга етказиш, шу йилдаёқ бир ярим минг гектар ерга чигит экиш, Яккақайрағоч каналини кенгайтириб, уни Тиктепадан

олиб ўтиш масаласи колхозчилар муҳокамасига қўйилсин, деб ёзилган эди.

— ...Бу ишни кўклам киргунча битира олсак, полвон тоғанинг сўзи билан айтганда, ерни боқувга қўйиш мумкин бўлади, ер семиради. Аммо орамизда баъзи кишилар кучимизга ишонмаяпти, бунга қарши чиқяпти. Масалан, Ҳамдам ака,— деди раис. Бу сўз ҳозир Ҳамдам аканинг юрагини тилиб ўтгандай бўлди. У, у ёқ-бу ёққа қаради, ўрнидан турди:

— Қарши...— деб такрорлади у секингина.— Мен ер очишга эмас, хом гапга қаршиман!— У сал қизишди, овози кўтарилди,— хом гап бўлмаса, ҳисоб шундақа бўладими? Катта колхознинг пахтаси... Қарабсизки, кўклам, экиш... Бутун кучни каналга, тепани бузишга ташлаб қўясиз, бунинг оқибати нима бўлади?— У залли кўздан кечирди. Кўзи Аҳмадга тушди. У маъқуллагандай бош силкиди.— Қарши, қарши дейсиз. Ҳа, қаршиман. Куч бўлинади, ҳосилни кўтариб олайлик, келаси йил бафуржа, ҳисоб билан қилинсин, ер очиш... кичик ишми, ахир?

— Хом гап эмиш-а!— деди Нор полвон даст ўрнидан туриб,— қўйинг-э, шу «пишган» гапингизни, дўстим! Шў гапингиз билан хоҳласангиз ҳам, хоҳламасангиз ҳам катта ерга ўтадиган йўлимизга Тиктепа эмас, энди сиз кўндаланг бўлиб қоласиз! Ўйлаб кўринг, ахир!— Шундай деди-ю, полвон ўтириб олди.

Ўтирганлар орасидан Аҳмад қаддини кўтарди. Унинг катта боши бир елкасига қийшайди, қалин лаблари қимирлади.

— Ҳамдам акам ишнинг олди-кетини ўйлаб гапирдилар,— деди у гўё ҳаммага манзур гап айтгандай.— Тиктепанинг зарангига, катта тошига ишингиз тушмабди, қора тупроқ эмас бу...— Аҳмад яна нимадир айтмоқчи бўлиб, лабини чоғлаган эди, Азим унинг гапини бўғзида қолдирди:

— Омон бўл-э, йигит! Кўтарганинг қуённинг юраги-ю шеркинг калласи экан-да!..— Залда кулги кўтарилди.

— Ҳамма гапирса ҳам сен жим тур! Бир йил бригадир бўлиб, йигирма беш центнердан бериб келган ернинг ҳосилини ўн саккизга тушириб кетдинг!— деди залдагилардан биров.

— Энди ўзини сабзавотга урди!

Ҳали залдаги кулги босилмасдан, устма-уст тушган луқмадан гангиб, лаблари сал очилганча қолган Аҳмад ўтиришга ҳам улгуролмасдан эшик ёнидан биров қўл кўтарди. У ботишиб-ботикмай ўрнидан туриб:

— Икки оғиз гапим бор... мумкин бўлса,— деди.

— Мумкин, гапиринг,— деди мажлис раиси.

Ингичкадан келган, ранги заҳилроқ, эчки соқол, қисқ кўз Олимба майда қадам босиб минбарга чиқди.

— Канал қазиб, ер очиш — юрт ободонлиги...— гўё ажойиб гап айтгандай залга разм солди. Шундай катта йиғилишлардагина мажлис кўрадиган бу кишининг тиш орасидан авайлаб чиқарган сўзлари одамларни ҳайратда қолдирди.

«Тиниқ сувни лойқалатяпти бу юмшоқ супурги!» деб ўйлади Нор полвон.

— Аммо,— деди сўзини давом эттириб Олимба,— бу катта иш, колхозга оғирлик қилади. Бу кунги мажлисимиз, ҳукуматдан ёрдам сўраб қарор чиқарса дейман...

— Хўп маслаҳатгўй бўлибсизу,— деди Азим унинг гапини кесиб,— сиз арзон вақтда картошка олиб ўрага кўминг, ўрик олиб сандиққа солинг, баҳор кириши билан ҳали Наманганга, ҳали Қўқонга юкланг, фойдакашлик қилинг!..— У бир лаҳза жим қолди, кейин:— Ёрдам сўрамаймиз, кучимиз етади!— деди.

— Хатоми гапим? Хато бўлса қайтиб олдим,— деди Олимба санчиғи тутган одамдай хаста товуш билан.

Енимни олар, деб ўйлаган одамлари унга тескари қараб олганларидан Ҳамдам ака оғринди, аммо ҳозир бир ишёқмас, бир юлғич унга ён босгани учун ноқулай ҳолда қолди, ўзидан хафа бўлди. Раис унга: «Кўрдпигизми, сизнинг ашулангизни кимлар айтяпти!!» дегандай тикилди. «Қўлимиздан келмайди, дедимми, мунча ғазаб билан тикилади менга?.. Ановилар мени ўзларига тиргак қилиб олишди. Яхши бўлмади!»— У, зални кўздан кечирди, ҳамманинг юзида ишонч, қатъий қарор кўрди. Яна ўрнидан турди:

— Қанақа ҳисоби бор, айтинг бўлмасам,— деди раисга қараб.

— Ҳисобими?— деди раис.— Канал ўтказиш учун Тиктепадан ўн етти минг кубометр тулроқ қазиб, кичик жарни кўмиш, селхонани катта жарга буриб юбориш керак. Бу ишни экскаватор қилади. Тиктепагача ва ундан нари тўрт километр янги канал қазиш керак. Бу

канални, янги ернинг ариқларини каналкопателъ очиб беради. Эллик гектарча паст-баланд ер бор. Бунн бульдозер текислайди. Хўш, бизга нима иш қолади?— деди Содиқов, колхозчиларга мурожаат қилиб.— Эски канални кенгайтириш, янги каналнинг икки ёнини сошлаб, тагидан яна ярим метр тупроқни олиб ташлаш. Бу бизнинг ишимиз, тўғри, оғир иш. Бу ерда ўтирган катта-кичик айтсин, қўлимиздан келмайдими шу?— залга яна савол ташлади у.

— Келади!— деган овозлар чиқди залдан.

— Бе! Бу хом хаёл!— деди Аҳмад.

Азим экскаваторчи ғазабга келди: «Ялқов, қўрқоқ! Қўрқоқ мушт ейди. Қани тур, Азим!»

— Тиктепанинг белини биз кесамиз, катта ерга бизнинг полвонларимиз сув ўтказди!— деди у.

Залдагилар қарсак уриб юборди.

— Яша, Азим!— деди Нор полвон.

— Кам бўлма, ўғлим!— дейишди кексалар.

— Бизнинг бригада,— деди Собиржон Азимдан орқада қолмаслик учун,— янги ерни ҳайдаб экиш, ёз бўйи аъло сифатли култивация қилиш кафилини олади.

— Янги ерга, бешинчи участкага янги ҳосилот сайлансин, деган таклиф бор,— деди раис.

— Нор акам-да, тақирга жон киритадиган ҳосилот,— дейишди пастдагилар.

— Майли, ҳосилот бўлай. Эсон-омон бўлсак жон киритамиз бу тақирга,— деди ҳамманинг қарсаги остида ўрпидан туриб Нор полвон. У залда ғоз турганича, кўзлари аланглаб дўстини, эндигина кўзини бир нуқтага тикиб мушшайиб ўтирган ҳосилотни излади, унга: «Мана, беллашамиз» демоқчи эди-ю, лекин тополмади, Ҳамдам ака мажлисда йўқ эди.

III

Тонг энди ёришган, қулоқни жизиллатиб чақувчи аччиқ изғирин эсмоқда. Катта тўй-томошаларни авж олдирган Қўзибой Тиктепа устидан карнайни «тўй келди»га тортганда, мингбулоқликлар ясси тепалар устига қурилган ўтовлардан чиқиб, канал қазувчи машиналар, полвон экскаваторлар икки биқинига баланд тупроқ уйган канал бўйлаб тизилишди. Нор полвон белбоғи би-

лан пешанасини маҳкам танғиб олган. У гоҳ у тўдага, гоҳ бу тўдага борарди. Замбилғалтакда тупроқ ташиётганларга, нарироққа ағдаринглар, укаларим, ҳали кўп тупроқ чиқарамиз дерди; кейин канал бағрини созлаётганлар олдига келиб, қўлига кетмон олар, созлашни кўрсатиб берар, от сағридек силлиқ бўлсин, кўрар кўзга яхши, ҳа, дер: ўқтин-ўқтин йигит-қизларга тегишар, баланд кулги кўтарилар, ўзи ҳам гулдираб куларди. У нарироққа, канал тагини текислаётган йигитлар тўдасига борди. Ўйдим-чуқур, дўнғазаларни кўриб таъби олинди. «Йўқ, йўқ, орқанга қайрил, йигит,— деди хипчароқ ўспиринга.— Ариқ чопганмисан, деҳқон бола? Бу нима? Текисла, нишабини тўғри ол, сув қоқилмай ўтадиган бўлсин. Ҳа, ана шундоқ!..»

Тепадан разм солиб турган Шарифжон полвонга:

— Узингизам дейман, янги ернинг ҳосилоти, чакана устакор бўлмабсиз-да, — деди кулиб.

— Ҳа, канал қазиганда қўлга андава ушлаган уста сувоқчи бўлиш керак. Ахир, бундан сув оқади, сув! — деди полвон гўё ҳамон йигитларга гап уқтираётгандай ва битта-битта забардаст қадам босиб юқорига, ранс олдига чиқди.

Бу ердан бутун янги ер кафтдагидек кўринади. Кенг, охирини кўз илгамас сайхон — унда-бунда текис ернинг белидан кесиб сойгача тушган жарликлар, аҳён-аҳёнда маҳобатли туядек чўкка тушган малла тепалар ўркачини бир-бирига ўғириб ётибди. Бульдозерларнинг азамат тумшуғи олам-олам тупроқ суриб жарга ағдармоқда, самосваллар тепалар бағридан олиб юкланган тупроқни шу жарларга бирин-кетин тўкмоқда. Бу ер шунчалик шовқин-суронни, бу тинимсиз одамларнинг тоғни талқон қиладиган қудратини умрида биринчи марта кўрди: икки томонда тоққача бир-бирини қучиб кетган, пегадир бу ерликлар Чинчап деб ном берган баланд тепалар эса ўз этагида жўш урган қайноқ ҳаётга ҳайрон қолиб тикилишгандай эди. Полвон саҳрода пайдо бўлган, унинг тусини ўзгартаётган шу қайноқ ҳаётни кузатарди: тепалар ҳар лаҳзада чўкяпти, жарлар тўляпти, битта ҳам дўнг, ўнқир-чўнқир қолмай ер кафтдек текисланяпти. Бирдан у оғир гўладек қўлини Шарифжоннинг елкасига ташлади:

— Жоп кирди бу ерга, жон! — дея хитоб қилди у. Иккаласи битта-битта юриб, Тиктепага, Азим экскава-

торчи олдига боришди. У баландда, ўз хонасида рулни тутган, исиб кетганидан калта пахталигини, қулоқчинини ҳам ечиб ташлаган, сочлари ҳурпайиб кетган эди. Полвон унга хушвақт қўл силкиди:

— Ҳормасинлар энди, Азим полвон!

Азим эшитмади шекилли, ҳеч парво қилмай, экскаваторнинг ўн газлик бўйинини чўзиб, ҳавода лангарчўп ўйнатди, у бир-икки силкинди-да, учидаги баҳайбат чўмичини Тиктепаининг қаттиқ кўксига гурсиллатиб урди. Полвоннинг назарида азим чинор йиқилгандек бўлди. У алаңлаб қаради. Чўмичнинг чўян тирноқлари ярим тоннадан ортиқ шағал ва тупроқни тепа бағридан кўчириб олди-да, яна ярим терак бўйи ҳавода силкина-силкина уни тупроқтепа устидан ошириб отди. Полвон ҳайрон қолди. У экскаваторни кўп кўргану, лекин бунақасини кўрмаган эди. Азимнинг, шу «митти» йигитнинг, бу баҳайбат машинани уддалаганига, уни ўз измига солиб олганига қойил қолди. Чўмич кўтарилганда тепа бағрига унинг назари тушди: гердайган Тиктепа ўрта белидан катта, чуқур гордек ўпирилиб қолган эди.

— Қойил,— деб юборди у,— аждаҳо-ку, бунинг!

Азим тепада, ўз «тахтида» туриб қаҳ-қаҳ отиб кулди.

— Қойил бўлаверинг, ҳосилот, мана ҳадемай сув ўтади бундан,— деди раис.

Азим экскаваторни тўхтатди, қулоқчинини қўлида ўйнатиб, улар ёнига тушди.

— Ҳа, жон кирди бу ерга, жон!— деди полвон кимгадир хитоб қилгандек.— Азим полвон жон киритди, ота-боболар орзусини мана булар рўёбга чиқарди,— у бақувват қўлини бульдозерчилар, канал бағрини созлаётган, тупроқ чиқараётганлар томон чўзди.— Отам раҳматлик ҳикоя қилардилар: шу ерга сув олиб ўтиш учун неча марталаб уриниб кўрган экан эл. Ариқни Эскиравотгача зўрға етказиб келишгану, шу ердан қайтаверган экан. Икки оралиққа чўккан шу тепа уларнинг дамини кесаверган. Мана энди, унинг белини Азимлар кесди, баракалла!— деди у экскаваторчининг елкасига қоқиб.

— Мана энди тараддуингизни кўраверинг, ҳосилот,— деди раис унга.

— Ҳа, тараддуд... ҳақ гап,— деди ва ранги ўзгараётган кенг ерга яна тикилиб қолди.— Ҳа, бу йилоқ олаверинг ҳосилни, раис, чинакам пахтазор бўлади, Пахтақайнар бу ер!..

Шу аснода Қўзибой карнайни «Темоша қайтди»га тортди, чинчаплар «ҳа-ҳа, ҳу-ҳу» дея акс-садо берди. Одамлар гуруҳ-гуруҳ тизилиб, ўтовларга йўл олди. Бульдозерчиларга ишбошилиқ қилиб, тупроқни қайси жарга олдин ағдаришни, қайси бўлак дўғни шу топда «йиқитишни» кўрсатиб юрган Ҳамдам ака наstdан Нор полвонни чақириб, ниманидир уқтира-уқтира уни «ўғри жар» ёқасига бошлаб кетди.

Шарифжон билан Азим улар кетидан маънодор жилмайиб қолишди.

IV

Бугун кун ҳазилакам қизитмади. Шатак ариқдаги юз гектарлик қарта ўтинқираб қолибди; дарҳол «универсал» солинмаса, эртага ер тарашадек қотади, тарс-тарс ёрилади-ю, ғўзанинг тоби қочади. Оқ ернинг мижозини билган Ҳамдам ака безовта бўлиб қолди, боши қотди. Қани энди механик шу орада кўрина қолса! Тинмагур шу қис-талангда қаёққа зим бўла қолди экан?..

Катта йўлда йўлликкан Азим экскаваторчи, механик Пахтақайнарда, деди. Ҳамдам ака шу ёққа от йўрттирди.

«Пахтақайнар» — йўлакай такрорлади у, Азимнинг кулиб турган сурати кўз олдидан ўтди, юрагининг бир ери жиз этди, чеҳраси алланечук бўлиб кетди.

...Тепалар оралиғидаги кенг, ям-яшил водий, ғўзалар бир текис, баравар бўй тортган, чаман-чаман гуллаган: «Мана кўр, тўй ҳуснимга!» деб турибди. Ҳамдам ака янги йўл ёқасидаги ғўзалардан кўз узолмай қолди: болдирлари бақувват, пишнқ, сададек шохлабди. Ҳар қанча ҳосилни кўтаради бу тўплар! «Кўзлик деҳқон,— деб ўйлади у, Нор полвон ҳақида,— ҳар қапдай ернинг ҳам тилини билади!.. Ўзиям аввал баҳордан буён ётиб олди шу ерда.»

У қачон келувди бу ерга? Ҳосилотлар бир-бирларининг ғўзаларини текширишганда... ўн беш кун бўлдими шунга? Ҳа, пайшанба куни эди. Ўшанда бу ғўзалар кўримсиз эди, қилтиллаб турувди. Ҳамдам ака «юкини кўтарслармикин», деб кўнглидан ўтказгану, «қантаряп-сизми дейман?» дея полвонга шама қилиб қўя қолган эди.

— Ҳа... қантаряпмиз, қуруққа суғоряпмиз. Ҳозирча еган-ичгани культивация-ю, чопиқ. Ҳали кўрсатар ўзини,— деб жавоб берган эди полвон унинг шамасига.

«Мана, кўрсатибди ўзини... унинг ғўзалари...»

От жиловини тортиб пишқирди. Ҳамдам аканинг хаёли қочди. Унинг кўзи Эскиравотга тушди. Йўловчиларга ҳордиқ жой бўлсин, деб бир вақтлар кимдир Тиктепа этагида тўрт туп сада кўкартирган, шу ерга шийпон ҳам қурган экан. Шу-шу бу жой Равот аталган. Қоқ белидан икки бўлинган тепа ўртасидаги баланд терак бўйи чуқурдан ўтган сув унинг ўнг қанотига бурилиб, азим садалар ёнидан ўтган эди. Полвон катта шийпонни шу ерга қурганди, ҳозир ўзи бригадалар аригига сув тақсимланадиган кичкина «дарвоза» гумига оёғини солиб пахтазорга кўз тикиб, кайф сураётгандай ўтирибди. Шарифжон елкасини хиёл чиқариб, қирра бурнига монанд дўнғроқ пешанаси хиёл тиришиб, пастда тўрт бригада экинига бўлиниб оқаётган зилол сувга гўё човут солиб тургандай. Ҳамдам ака отини тушовлаб, кўкатга ҳайдаб юборди-да, улар ёнига келди, келди-ю, раиснинг туришини кўриб, ҳайрон бўлди: «Яна нимани ўйляпти?»

У ҳозир Шарифжонга: «Ҳордиқ вақтида фарз-да, ука, у ёқда ғўза жингиртоп бўляпти-ку ахир!» демоқчи, унинг дилини снёҳ қилмоқчи бўлди-ю, лекин бу кўриниш, кечаги саҳронинг бугунги беағи ўзининг диққат-эътиборини тортиб олди, у ҳам тикилиб қолди. Қиргоғини кўз илғамас майдондаги ғўзалар тепасигача гуллабди: пушти, қизил, олпоқ гуллар қуюқ яшил баргларга ўпич бериб турибди, шу катта ерга тўшалган яшил бахмалга уста санъаткор қўли анвойи хил гул солиб қўйгандай: жазираманинг олтин ҳалинчаги шу гулдор бахмал узра жимирлашиб, тебраниб учмоқда; кўз қамашади; эгатлар оралаб бири у ёққа, бири бу ёққа юраётган «универсал»лар сокин денгизда беҳатар сузаётган кемаларни эслади.

— Ҳа, жон кирди бу ерга, жон!— деб юборди полвон ва оёғини сувдан чиқариб, фоз туриб олди.— Қалай, дўстим, кўтара оладими юкини?— деди у Ҳамдам акага қараб.

Бу манзара ҳозир Ҳамдам аканинг кўнглини юмшатиб, тамом йдириб юборганиданми, ҳар қалай, индамади, бош ирғаб қўя қолди. Полвон дўстининг кўнглидан икки хил тушунди: биринчидан, ўша гапига ҳозир

уялди, изза бўлди деб, иккинчидан, ҳозир ҳаваси келди деб. «Нега дам урмайди бўлмаса?»

— Ҳа, дўстим, шундоқ, жон қийнамасанг, жонона қайда! Жон қийнадигу, мана ҳозир кўзимиз ҳузур қил-япти.

«Нима қиларкин эсга солиб, ўтган гапни қўйса-чи энди!» деб ўйлади Ҳамдам ака.

— Мана энди қулочингизни кенг ёзиб парвоз қила-веринг,— деди Шарифжон ва Ҳамдам ака унга ўгирилди. Унинг кўзи ҳозир сувда эмас, ҳарорат ҳалинчагида товланиб турган кенг яшиллик оламида эди, ўзи парвоз қилишга шайланган бургутга ўхшарди.

«Ҳа, парвоз қилади албатта!» деб кўнглидан ўтказди Ҳамдам ака ва Собиржонга қаради:

— Укам,— деди у,— Шатак ариқдаги ер ўтинқираб қолибди. Ҳозир «универсал» тушмаса бўлмайди. Куннинг бунчалик исиши ғўзага нафу, аммо оқ ер-да, бизни ҳисобдан адаштириб шошириб қўйди.

Собиржон соатига қаради.

— Иккита «универсал» кетди. Балки ҳозир тушгандир.

Ҳамдам аканинг кўзлари севинчга тўлди, яна раисга ўгирилди. Шарифжоннинг кўзлари пахтазорда, хаёлида куз гавдаланган эди.

...Пахталар чаман очилган. Ҳаво ранг машиналар пахтазор ичида сузади. Ясси тепалар устига қурилган шинам шийпонларнинг хирмон жойларга уйилган пахта тоғ чўққисига қўнган оқ булутдай қад кўтариб турибди, янги йўлдаги қатор грузовиклар пунктга қанор-қанор пахта ортиб кетяпти...

— Ана пахта!— деб юборди Шарифжон.

— Ҳа, қайнаб битибди ғўза!— деди Ҳамдам ака.

Содиқов Ҳамдам акага, Ҳамдам ака Содиқовга тикилди. Бу кўзлар ўшандан бери бир-бирига энди шу тахлитда рўбарў бўлди: ўсиқ туташ қошлар тагидан ўша бургут кўз мулоим кулиб турибди, аммо бу қарашда энди ўша ғазаб йўқ, ҳурмат ва хиёл таъна бор эди. Қовоқлари анча буришиб, киприклари сийраклашиб қолган иккинчиси ҳам шундай кулиб боқади, аммо бунда меҳр, миннатдорлик ва айни вақтда нимадандир хижолат, ўкинч бор эди.

...Қодир раис ўзи учун оилада тартиб ўрнатган эди: эрталаб таъби тирриқ бўлиб турса, юз-қўлини боғ ариқда юварди-да, шунақаси идорагами, далагами чиқиб кетарди. Қодирнинг ўзи буни «оила ороми» деб атарди. Бугун шу қоидани ўзи поймол қилди. У юз-қўлини бел-боғига артганча уйга қайрилди.

Азаматни уйғотиб мактабга жўнатиш билан овора бўлган хотини Зуҳра унинг кириб келганини пайқамади.

— Тура қол, қўзичоғим.

— Дадам кетдими?

— Ҳа,— деди Зуҳра жилмайиб.

Она-боланинг гапини эшитиб Қодирнинг эти увишди, ҳатто пишқириб юборди. Ўз ихтиёрига қарши дастурхон тепасига чўккалади. Уҳ тортди. Негадир: «Бе!» деди.

Зуҳра шошиб қолди. Ўчоқ дамида турган чойнакин тез олиб келди, бир пиёла қуйиб, эрига узатди. Қодир гўё кўрмади, сузадиган буқага ўхшаб ияги кўкрагига тиралганча ер тагидан хўмрайиб қаради.

Тарғил мушук ирғиб Қодирнинг тиззасига чиқди. Шу ерда кўз очибдики, одати шу: эрталабми-кечқурунми — Қодир дастурхон тепасига чўкка тушди дегунча, унинг тиззасига чиқиб узала ётади-да, кўзларини юмиб, бир маромда хуррак тортади. Хуррак наъмаси Қодирнинг асаб томирларини юмшатади, қўли мушук сиртига етганини ўзи сезмай қолади, тарғил юнгни сплаб-силаб ҳовурдан тушади, кейин агар таъби кўтарса, уйдагиларга бирон нима тайинлайди ёки индамай чиқиб кетади.

Бечора мушук бу сафар ҳам кундалик эркалигини қилмоқчи эди, лекин... туйқисдан миясига гуваладай мушт тушди, «зиг!» деди-ю, гандираклаб аранг остонага етди, ўзини ўнглаб олгач, ҳовлига отилди, кейин жон аччиғида молхона томига тирмашди.

— Махлуқининг гуноҳи нима?— деди Зуҳра.— Қово-

фингиз очилмаса... Сиз борингизда кулиб бўлмаса. Очиқ чеҳрангизга зор бўлди-ку болаларингиз!

— Ҳа, ҳа, ўшанинг гапи. Кулолмайди Қодир... Тўнг. Уйимга ҳам киритди шу гапини,— деди-да, тез-тез юриб чиқиб кетди.

Зуҳра кетидан анқайиб қолди: «Ҳа, нима қилайлик, дадаси, тўнг бўлиб қолдингиз»...

Зуҳранинг кўз олдига ўзининг Қодиржон акаси гавдаланди. Ўшанда Қодиржон бригадир, ҳазил-мутойибага уста, чеҳрасида табассум яйраган йигит эди. Зуҳра Қодиржонни кўрса киприк қоқмай тикилиб қоларди. Бир кунни ёнма-ён пахта тераётган шаддодроқ бир жувон: «Юрагингдан тегибди-ку, қиз» деди. Эртасигами, шу жувон Қодирга сўз қотди: «Баъзи қизларнинг кўзи қамашиб кетди, тўйда қачон ўйнаймиз?» Қодир Зуҳрага қараб жилмайди-ю, «Яқинда ўйнаб қоларсиз» деди ҳалиги жувонга ва бир куйни хиргойи қилганча хирмон томон кетди.

Тўй кузда эмас, баҳорда бўлди. Ёзда Зуҳра Қодирни урушга жўнатди. Қодир беш йил деганда хиёл оқсоқланиб, илгаригидай жилмайиб кириб келди. Кўкрагида қўш-қўш орден, Олтин юлдуз...

Қолхозчилар ўзларининг илгариги донгдор бригадирлари Қодир Ҳамроевни «Тоймас» колхозига раис қилиб сайлашди. Қолхоз уруш йиллари чўкиб абгор бўлиб қолган эди. Қодир жон куйдириб ишлади, қолхозчилар унинг атрофида жипслашдилар. Қолхоз қаддини кўтариб олди. Кейин қишлоқдаги бошқа қолхозлар бирин-кетин «Тоймас»га қўшилди.

«Тоймас» районда энг кўп пахта берадиган қолхозга айланди. Райкомда ҳам, райишрокомда ҳам Қодир раис биринчи ўринга ўтди. Докладларда унинг яхши сифатларигина таъкидланаверди: қолхозни ким пешқадам қилди? Қодир Ҳамроев. Кимдан ибрат олиш керак? Қодир Ҳамроевдан. Хуллас, ой туғсаям Қодир раисга туғсин, кун туғсаям Қодир Ҳамроевга...

Бундай мақтовлар Қодирга сингмас, у уялар, ўзини гўё айилсиз эгарланган от устида кўрар эди. Йўқ, бора-бора кўниди, ўрганиб қолди. Қолхоз мажлисларида: «Қодир раис бўлмаса арқада сув оқмас эди» дейилса, шу гапга ишонадиган, ҳатто хуш ёқадиган, бу гапни айтган одамга ўзи пишанг берадиган бўлди. Кейин «сиз» ундан юз ўгирди, ўрнини «сан» эгаллади.

Аввалги куни Зухра терган пахтасини хирмонга олиб чиқди. Мамажон ота Зухра эшитсин дебми, унинг ҳузурида:

— Раисимиз ҳўб йигит эди-ю, чакки ўзгарди, одамларни ўзидан бездириб қўйди,— деди.

Пахта торттираётган бир хотин унинг гапига қўшимча қилди:

— Ҳар нарсага бир нарса, ота. Бир нарсаси бордирки, ўша ўзгартиргандир.

— Ҳа,— деди яна бири,— аллаким алмаштириб кетди оаисимизни. Эсим!

II

Қодир шу чиққанича тўғри отхонага келди, тўриқни эгарлатиб минди. У дала йўлида отлиқ юришни афзал деб биларди. Тўриқ қаёққа юрай дегандай жипловни силтаб тортди. Қодир қалқиб кетди. Алам билан урилган қамчи отнинг қорнига чарсиллаб тегди, тўриқ устма-уст пишқириб Тиктепа участкаси томон йўртди.

«Ҳойнаҳой Мирзаев шу суюкли бригадири Назар ёнида бўлса керак, ўйлади Қодир.— Ўхшатмасдан учратмас, иккаласи бир-бирига ишшайишиб ўтиргандир. Эҳ, одам! Чақадиган илонни қўйнимга ўзим солибман-а!»

Ўтган йили Қодир партия ташкилоти секретарини янгилашни ихтиёр қилди. Райком секретари Рафиқовга масалани кўндаланг қўйди. Тошкентда партия мактабинн битириб келган, унғача райкомда ишлаган Ҳасан Мирзаевни талаб қилди. Мирзаев билан ёшлигида қадрдон эди.

— У сенга бўй бермас, ҳозиргининг ўзи дуруст,— деди Рафиқов.

— Буниси жуда майда гап чиқди, ишидан гапи кўп. Бизга бўлмайди.

— Мирзаев бўлмайди сенга, икки қўчқор тақашиб қоласизлар,— деди Рафиқов.— Ундан кейин шунн билиб қўйки, сенинг колхозингда партком тез ўзгаряпти...

— Буниси ўзгармайди,— деди Қодир.

Рафиқов билиб айтган экан: иккаласи тез тақалди. Гап шу Назар бригадаси хусусида қочди. Айни ёз, экин жизғанақ бўладиган кунлар эди. Назарнинг бригадаси

эса, нукул тошлоқ дашт ер. Оқ сув камайиб кетди. Экиннинг қуриши хавфи туғилди. Назар маслаҳатга келган эди:

— Нефть қидирувчи геологлар билан гаплашдим, қудуқ қазиб беришади...

— Нега сен гаплашасан энди?

— Сизнинг бригадирингизман, сизнинг номингиздан гаплашдим.

— Бир тийин тўламайман қудуғингга. Кафтингда сув олиб бориб суғорасан, аммо ғўзани ўлдирмайсан!

— Хўп бўлади, раис, тупуриб суғораман,— деди Назар, кейин дўпписини қўлига олиб, бир-икки чертди-да, қайта бошига кийиб: «Отим айилсиз қолди, гапим тайинсиз...» деганча чиқиб кетди.

Ҳамма кулиб юборди. Қодир чаён чаққаандай типирчилаб қолди. Рўпарасида Мирзаев илжайиб турибди. Қодир негадир: «Бе!» деб юборди.

— Гаплашиб олайлик, раис,— деди Мирзаев.— Яхши гап қилмадингиз. Назарнинг кўнглини чакки огритдингиз.

— Назар чизикдан чиқди: ўз бошига қудуқ қазитмоқчи.

Мирзаев энсасини қашиди:

— Билсам бўладими, қанақа чизик?

— Менинг чизигим, «Тоймас»ни улгайтган чизик!

— Эскирибди чизигингиз. Ташаббусга қанот бўладиган чизик тутинг...

Тўриқ от пишқириб жилов тортди. Қодир қаради: от кечувга туша ётибди. Жиловни бўшатди, от сув ичар эди. Қодир «бе!» деб хитоб қилди.

От сувлуқ чайнаб жилди.

...Орадан кўп ўтмай Мирзаев мажлисга раиснинг докладини қўйди. Қодир, нима қилсин, ғижиниб бўлса-да, коммунистларга ҳисоб берди. Мирзаев, раис ташаббусни бўғаяпти, демади-ю, лекин колхозда ҳар ким ташаббусчи бўлмаса, биз қанотсиз қушга ўхшаб қоламиз, деди.

Бу сўз Қодирнинг юрагига санчилди. «Эҳ, одам, муддаонг нима, раис бўлишми? Чақадиган илонни қўйнимга ўзим солибман-а!»

У Рафиқовга арз қилиб борай деди-ю, юзи чидамай юрди. Шу орада унинг ўзи келиб қолди.

— Қалай, иккалангиз хўп тақашаяпсизми?— кулди

Рафиқов. Қодирнинг рангига қараб турди-да сўради:—
Хўш, шохинг лат едими, боши-боши қилиб юрибсан?

Қодир унга кўзини лўқ қилиб туриб уҳ тортди, кейин деди:

— Янглишган эканман. Одамларни мендан айнитди. Раисликка човут соляпти, чамамда!

— Нуқсонга човут солаяпти, раисликка эмас. Шубҳанг чакки. Эсингдами, энди бунини ўзгармайди, деган эдинг. Айтмоқчи, мен кетяпман. Сен билан хайрлашай деб келдим.

— Бутунлайми?

— Ҳа, ўқишга. Ўрнимга Икромов келади: бамаъни, мулоим киши, аммо ишнинг қаттиқ талаб қилади.

Қодир Икромовни танимас эди. Олдинги кунини ўзи келди танишгани. Гапни бўштоброқ экан. Қодирга шуниси ёқинқирамади. Мирзаевга ўхшаб илжайиб гапираркан. Иккаласи роса хил тушди. Эзилиб гаплашишди. Қодир дам урмай ўтирди. Аммо Мирзаев планни аранг тўлдиролсак керак бу йил, деганида Қодир беихтиёр: «Бе!» деб юборди.

Икромов унга ялт этиб қаради, бироқ Қодир қовоқ уйиб, хурпайиб ўтирар эди, Икромов унга қараб жилмайди...

Тўриқ пишқириб жиллов тортди. Қодир гўё уйқудан кўз очди. Ариқ бўйига, Назарнинг шийпонига келиб қолибди. Мамажон ота паншаха билан пахта ёяётибди. Пайкалда ёшлар пахта теришяпти. Чол келиб жилловни ушламади-ю, чеҳраси кулиб: «Қани, тушиб дам олинг» деди. Шийпон орқасида сув шовулларди. Қодир отни боғлаб шу ёққа ўтди. Бир қулоқ сув отилиб чиқмоқда, тип-типинқ. Қодир икки ҳовуч ичди, жуда ширин.

Мамажон ота Қодирнинг дуо қилди: «Қам бўлманг, ўғлим. Шунини қазитдингиз, гўза койимади. План юз йигирма бўлибди. Назар бригада хурсанд. Икки гектар арпа пояга сабзи сепди, бирам бўлди».

Чолнинг бу гаплари унга: «Сен бўлмасанг ҳам иш юришаверади, бадқовоқ» дегандай туюлди.

III

Кичкина залда одамлар тиқилиб ўтиришибди. Колхозларнинг раислари, партия ташкилотларининг секретарлари, чорва мудирлари, район ташкилотларининг раҳбарлари...

Райкомнинг кенгайтирилган бюросини янги секретарь Исмаи Икромов олиб борапти. Қодирнинг ёнидаги «Ленинград» колхозининг раисини турғизди. У кунлик график колхозда қандай бажарилганини бир бошдан баён қилаётибди. Икромов жилмайганча жим эшитиб ўтирибди. Бажардик деса ҳам, бажармадик деса ҳам унга бари бир, на сўзини бўлади, на бирон гап қўшади: гўё бефарқ. Қани сиполик, қани савлат! Эҳ, ҳозир унинг ўрнида ўртоқ Рафиқов бўлса, илжайиб ўтирармиди, йўқ, ўтирмасди, тик турарди, гапираётганлар олдига ўзи келиб, қўлини арра қилганча ўзи гапириб кетарди, ҳам сипо, ҳам серзарда эди; бу киши бўлса, илжайиб ўтирибди, сиполик қани!..

Ёнидаги раис қайтиб жойига ўтирди. Сўз Қодирга берилди. Лекин у эшитмади. Икромов унга жилмайиб қараб турарди: — Қодир ака, сўз сизга,— деди яна. Қодир қалқиб турди, лекин оғзига калима келмади. У серрайиб қолган эди.

Райижроком раиси уни силкиб қўймоқчи бўлди:

— Ие, гапирмайсизми, Ҳамроев!

— Гапирамиз,— пешанасини эзгилади Қодир. «Тавба, бу ҳам илжайди-я. Буларга нима бўлган ўзи?..»

— График бажарилаяптими?

— Бажарилмаяпти. Пахта бор аммо...

— Нимага бажарилмаяпти?— сўради райижроком раиси.

— Пахта бор аммо... Бажарамиз... Аммо,— у гапини йўқотиб қўйди. Ҳамманинг кўзи Қодирда: нима бўлди унга, залли янгради гапирадиган одам гапини йўқотиб қўядиган бўлиб қолибди...

— Ҳайронман, жуда чўкиб борапсиз, Ҳамроев,— деди райижроком раиси.

— Чўкишга чўкидик. Аммо пахта бор...

«Бу одам носоғ»,— деб ўйлади ўзича Икромов.

— Ўтиринг, Қодир ака.

Қодир қўзғалмади. Мирзаев сўз олди:

— Раиснинг тили келишмаган гаппи мен айта қолай: график бажарилмайди, негаки даладаги пахтадан қўйилган норма ертинқ. Қайта кўриб чиқишни таклиф қиламан.

Қодир сесканиб кетди: «Ёнини олдимми ё оёғидан чалдимми? Эҳ, инсон. Муддаонг аён. Сизлаб жон оласан!

Қишлоққа етиб келгунча у иягини кўксидан кўтармади.

Эртасига колхозга Икромов келди. Бригадирлар билан бирга график тузишди. Шу ерда эълон қилди:

— Қодир акам қаттиқ чарчаган, бир оз носоғ, курортга жўнайдилар. ҳаммаларингдан илтимос: Қодир аканинг йўғи сезилмасин, Мирзаевга мададкор бўлинглар.— У Қодирга йўлланма узатди. Қодир раис путёвка қўлида, титраб кетди. Мирзаевга хўмрайиб қараб қўйди.

1972

Купеда икки киши эдик.

Ҳамроҳим, жиккаккина, бетлари ҳам кичкина, чўққи-соқол мўйсафид поездга чиққанидан бери ўқтин-ўқтин уҳ тортадию бош кўтармайди. У гўё пинакда эди. Ғам тагида қолган кўринади боёқиш.

Мен столчани тирсаклаганимча деразадан ташқарига қараб хийла ўтирдим. Кейин дераза пардасини ёпдим.

Йўлдошим ҳамон бояги ҳолатда: тумшуги кўксиди, нуқул уҳ тортади: бир вақтлари ҳўп баланд парвоз қилгану энди қаноти шалвираб қолган қари қушга ўхшайди.

Термосдан бир пиёла чой қуйиб узатдим:

— Чой ичинг, биродар.

У бошини аста кўтарди, бир-икки чой ҳўплади, яна бир уҳ тортди-да, нимагадир менга тикилиб қолди. У гўё ҳолсиз, ҳушсиз эди. Сийрак оқ соқоли рангини баттар қорайтириб кўрсатди.

— Уҳ деганда, кўнгил бўшайдими?

У маъюс жилмайди, тўғриси, жилмайишга ўзини мажбур қилди, ранги ғалати бўлиб кетди.

— Бўшагандай бўладию дарров тўлиб қолади,— деди ўзига-ўзи гапиргандай.— Кейин яна бетиним эзғилайверади... этимни еб бўлди.

— Эзғиласа ҳам ёрилмайсиз. Азоби ширинми?

У бош чайқади:

— Урганиб қолдимми...

— Урганмагансиз. Одамлардан яширасиз.

— Яширишимни қандай билдингиз?

Мен индамай, унга чой узатдим. У чойни ўгириб ҳўплар, аҳён-аҳёнда менга кўз қирини ташларди.

— Ичимдагини биласизми? Билмайсиз.

— Балки. Аммо нимадир сизни жуда қийнаяпти.

— Билмайсиз. Агар билсангиз...— у ёғини айтолмади. У тебранар эди.

- Сиз яширманг. Одамларга ишонинг.
- Айб ўзимда. Бировга айтсам: «Ўла!» дейди.
- Майли, десин. Сиз айтаверинг.

У яна гужанак бўлиб олди. Қари қуш жим мудрар эди.

«Айб ўзимда» дейди: жиноятни қувиб юрибдими уни, ё виждон азобиини тортаётибдими?

Ахирини у бошини кўтарди. Пардани очиб ташқарига қаради, ёниб бош чайқади.

— Менинг кўнглим каби зимистон,— деди ва менга қаради.

Мен ичини очишга йўл излаётганини сезиб, ҳалақит бермадим. У оғзи қуруқшагандай лабини ялади, тамшанди. Мен чой қуйиб узатдим. Бир ҳўпладию пиёлани кафтлари орасига олиб, чойга кўз тикиб қолди.

— Нафсим мани балодир,— деди у секингина, гўё нисладаги чойга гапирди.— Нафсни тиёлмадим... укинг гапига кирдим у шу балога йўлиқдим.

У менга қараб бир оз жим ўтирди. Кўзлари гўё сўрарди: гапириб берсам майлими?

— Давом этинг... гапиринг, қулоғим сизда.

— Бу машмаша катта ўғилни уйлантиришдан бошланган эди. Келин бўлмиш қиз ўзимизнинг тиктепалик, институтда ҳам бирга ўқиган, бир курс кейин эди чоғимда. Ўзингиздан қолар гап йўқ...

Бизнинг хотин қудамиз гапини ўзгартирмайдиган, оғзи кўп полвон чиқди. Нима дейди денг-а: «Мен катта кетмайман, аммо лекин ўзимни ҳам ерга урмайман. Биламанки, сиз ҳам ўзингизни эл орасида камситмайсиз. Икки томон бир бўлиб, иккаласининг бошпни бутун қилиб қўйсак, ўзимизнинг обрўйимиз». Хуллас, бўлгуси келгилемизга ўттизта сархил кўйлак қилар эмишмиз...

Гапининг бу ёғи қулоғимга кирмади. У оҳиста, мулоҳим гапирардию, нимагадир менинг қулоғим чип битиб қолди, назаримда, ўттиз кўйлак таърифи киргандаёқ пардаси йиртилиб кетган эди шекилли.

Кейин хотинни юбордим: қуш тилини қуш билади, бор-чи, дедим.

У ҳам оёғини зўрға судраб кечқурун қайтиб келди.

Кўчага чиқиб кетдим.

Кўчала денг, дув-дув гап: «Мулла Салоҳиддин ака, тўй қилармишсиз, мундоғ айтмайсиз ҳам. Ишқилиб, тўй

бўлсин, орзуингиз ушалсин» дейвериб баданимни қизит-воришди.

Кечаси уй тинчиганда эр-хотин бафуржа гаплашдик. Маълум бўлдики, қуда томоннинг тафти баланд экан: «Айтилган сўз битта бўлади, икки сўз орага дилхиралик солади, шундан қочиш керак, дейишибди».

— Айтинг, дадаси, энди нима қилдик?

— Ўғлинг нима дейди?

— Бошқанинг отини атамасмиш...

— А?!— деб юборибман беихтиёр. Мана бунинг отини бсшқотар дейдилар, Мулла Кичкина. Мана энди, дўппини ерга қўйиб, хаёлхонани чертиб кўрасиз, нима чиқаркин?

Ҳа, кечирасиз, мени нега Мулла Кичкина дейишларини айтмапман. Ўшанда, Ўзбекистон энди республика бўлган эди. Шу денг, саводсизлик ҳукумат ишларига тўғаноқ солди шекилли, уни йўқ қилишга қуроли бор ҳамма чиқсин, деб фармон бўлди. Уқиш-ёзишни билган ёш-қари бу душманга қарши юриш бошладик. Ўшанда мен денг, энди ўспирин бўлган эдим. Олдинги сафда ҳамлага шай турган эканман, дадам раҳматли ғурурга тўлибдиларми, ёнидагиларга мени кўрсатиб: «Кичкина деманг бизни, кўтариб урамиз сизни», дебдилар. Шу-шу Тиктепада менинг отим Мулла Кичкина бўлиб кетган.

У гап орасида менга қарадию тўхтаб қолди:

— Мана, кўрдингизми, ўзимнинг похуш ҳасратим билан сизнинг таъбингизни ҳам хира қилиб қўйдим шекилли.

— Йўқ, йўқ, гапираверинг, жуда яхши...— дедим шошиб. Бу одам ҳозир жимийдию ияги кўксига киради, қобиғига бурканиб олади, деб қўрқдим.

У жилмайди. Бу сафар маъюс эмас. Бу табний жилмайишдан юзи хиёл ёришди.

...Ҳа, айтмоқчи, ўша кечаси, хотинга дедим: «Демак, пул топиш керак, тўйга етадиган пул! Баҳор энди киради. Ҳали фурсат бор. Сафар жабдуқларимни ҳозирлаб қўй. Эрталаб ўғлингиз билан гаплашганимда, сизнинг қулоғингиз кар, эшитмайсиз, гапга аралашмайсиз, онаси», дедим. Хотин ҳанг-манг бўлиб қолди шекилли, на ҳа деди, на йўқ.

Эрталаб нонуштадан кейин ўғилни икки оғиз гапга ушладим:

— Мулла Қамариддин, кўнгилни тўқ қилинг, сизга

шу қизни олиб бераман. Сўрагани шоҳи-атласу зарбоф экаи-ку, устидан тилло сочасан десалар ҳам майли.

Йигит ерга қараб мулоҳаза қилиб турди.

— Бу ёғини эшитинг,— дедим товушимга буйруқ оҳангини бериб.— Мен бугун жўнаб кетаман, орадан бирон ой ўтар-ўтмас сиз етиб борасиз. Ёзда каникулда укангиз Ҳосилвой ҳам бирга бўлади...

Эсини танигандан бери биринчи бор шу оҳангда гап-лашганимданми, Қамариддин башарамга қараб бақрайиб қолди.

— Бирон нима демоқчи кўринасиз?

— Қаёққа борамиз, дада?

— Пулга тузоқ қўйгани,— дедим кулиб.— Ҳозирча бола ўқитмайсиз. Дипломни сандиққа солиб қўйинг. Хотин олволгунча сени авахта қилдим, денг!

Қамариддин бошини эгиб, норози ҳолда чиқиб кетди.

Онлада менинг айтганим қонун, уни қайириб бўлмайди. Қамариддин менда юз берган бу фавқулодда ўзгариш замирига етолмай ҳайрон эди.

Оқибатини ўзим ҳам ҳали дуруст ўйлаб олганим йўқ, аммо қизитиқ устида одам мард бўлиб кетади.

Мулла Кичкина ҳам одам. Бир тўй қилсин, бир келин туширсин!

Дастлабкиси ўрганиш, кўникиш ва сипов йили бўлди. Ўзимизни ҳам меҳнатда, ҳам абжирликда сынадик. Деҳқончилигимиз қовун-тарвуз, картошка — эртаги ва кечки.

Юкнинг огирини Қамариддин кўтарди. Ўзи денг авжи йигитлик шираси рангида гупуриб турган чоғи эди. Бир куни қарасам, кун иссиғида машинага қовун юклашаётган эди. Териси суякка етиб, бурни қолибди бола фақирнинг. Қулдим. У ҳайрон бўлди.

«Суяк бутун бўлса, эг битади, ўғлим, дедим. Жонни қийнамасанг жонона қайда... Хат-пат битишиб турибсизларми, ё...» деб қўшиб қўйдим. Ер тагидан афтига разм солдим. Қип-қизариб кетди. Ерга қараб илжайди-ю ўн килодан мўл келадиган қовунни машина устидаги Ҳосилвойга отди. Укаси ўмровлаб зўрға кўтариб қолди.

Мен кўрмагандай тескари қараб кетдим. «Демак, ишлари юришиб турибди, аҳддан қайтганлари йўқ. Ёнинг демай жон қийнапти...»

Димоғим чоғ, қадамларим бардам.

Сотиш, ҳисоб-китобни пухта қилиш Ҳосилвойнинг қўлида. Тонналаб туширади, килолаб сотади...

Ҳосилвой мединститут студенти эмасми денг, беш-олти кун ушланиб қолди. Бир кун кечиктиришга ҳам райим йўқ эдию қўл етишмасди. Бунинг устига у хари-дор таниб қолган эди. На чора, совға-салом билан уни жўнатдик.

Куз охирламай, қолганини Қамариддин иккаламиз жойладик. Умрингдан барака топгур, жонини жабборга бериб ишлади. Кечки картошкани сотмадик. Ўзимиз-нинг тегишимизни чўғини бузмай, кўмиб қўйдик. Баҳор-да яхши пул бўлади. Бу ишда ақл тиши биздан олдин чиққан кишилар маслаҳатини олиб шундай қилдик.

Ёз бўйи пул устида ётдим. Шунинг учун бўлса керак, белим огригани йўқ. Кузда ўғил иккаламиз яхшилаб тахлаб, белга боғладик. Бел бирам иссиқ, бирам бақувват.

Бу битта тўй экан-ку, шу пул билан уриб Тиктепани қулатиш мумкин, деб ўйладим.

Санамай саккиз деган эканмиз. Тўй кейинга қолди.

— Нимага? Пул етмадими?— деб сўрадим ҳамсуҳбатимдан. У бош чайқади:

— Боя айтдим-ку, қудачамизнинг оғзи полвон чиқди деб.

«Ҳовлилари жуда тор, уйлари кичкина, боз устига, икки хона холос. Қаерга келин туширадилар?» дебди.

Ўлганнинг устига кўмган деганларидек, хотиндан келган гапни эшитинг: «Жон дадаси, хўп дей қолинг, ўғлингиз уйлик бўлиб қолади...» — «Жойини ким беради, колхозда ишламаса, муаллимлик қилмаса?»—«У ёгидан хавотир олманг, тафтишқўм қариндошлари, ранс бува билан ўзи битишармиш».

Кўнглимдагини яширмай айтсам, гапининг кейинги қисми менга ёқди. Ўрикзордан олинса, бригадир билан тафтишқўмга қўшни бўлади. Азамат қандак ўриклардан олти-етти тупи ўтиб қолса, ёзда чойшабга қоқиб, бўйра-да қуригилса... бир килосини икки ярим сўмданга излаб келиб олади. Демак, бу ёгидан ҳам йилига икки-уч минг келиб туради. Буромад қайтади.

Ҳа, Мулла Кичкина, энди у ёгда ҳам, бу ёгда ҳам тузоғни яхшилаб қўясиз!

Мен ишни хаёлда битириб суюнган эканман. Тафтишқўмнинг эшигидан қуруқ кириб бўлмади. Совға-салом буромадни енгил кўчмади. Янги қариндош гап орасида: яхши ишга бел боғлабсиз, деб кўнглимни кўтарди. Мен

таплаган ердан жойлик олиш учун олдин енг ичида раисни, Ҳазратқул акани зиёрат қилиш зарурлигини таъкидлади.

— Умрингиздан барака топинг, бу ишни ўзингиз битиштиринг,— дедим.— Кўчада кўришганда бориб у кишининг қўлларини олишга ҳайиқаману эшикларидан кириб бораламанми? Шундай сиполарки, юзларидан нур ёғилиб туради. Умрлари узун, давлатлари зиёда бўлсин. Ишқилиб дуоларини қилиб турамиз.

— Мен гаплашиб қўяман, ўзингиз борасиз.

Ахирн қариндошни бирга боришга кўндирдим. Қоронғи тушиб кўча соявур тортганда кириб бордик. У киши хурсанд кутиб олдилар. Қариндошим гап очар деб, ерга қараганимча одоб сақлаб ўтирдим. Ниҳоят, у кишининг ўзлари гап охирини келтириб менинг зиёратимга боғладилар. Мен қўл қовуштириб:

— Умидимиз сиздаи, Ҳазратқул ака, қишлоқнинг отахони ўзингизсиз, дедиму жим бўлдим. Қариндош бўлса жим, чой қуйиб бериб ўтирибди. Қани, оғиз очиб гапирса.

Ҳазратқул аканинг ўзлари мийигларида кулиб гап бошладилар:

— Қонуний гапни айтганда, сизга жой солиш учун ер беришга правлениенинг ҳақи йўқ,— дедилар.— Колхозда сиз ҳам, болаларингиз ҳам ишламайди. Аммо,— дедилар тагин ва менга қараб мулойим илжайдилар. «Хайрият!» дедим ичимда.— Аммо биз правление аъзолари билан гаплашиб, сизнинг олдинги хизматларингизни инобатга олдик.

Ҳазратқул аканинг сиёсатларидан чўчиб юардим, лекин ҳамгап бўлмаган эдим. Билсам, дангалчи одам эканлар. Мард одам дангалчи бўлади. Бир ҳафта ўтар-ўтмас қарор ҳам чиқди.

Биз уй қуришга киришиб кетдик. Бош қашигани фурсат йўқ. Мунчалик гайрат отига минганимга баъзилар ҳайрон, баъзилар истеҳзо билан кулишади. Ўзлари ланж, эплашолмайди. Менга ҳасад қилишса керак!

Ана шундай қилиб денг, ўзингиздан қолар гап йўқ, Мулла Кичкина чўққига ўрладилар. Келаси йили келини туширдик, янги уйга.

— Тўй катта бўлгандир?

— Тўй қанақа бўлишини кўрсатдик; у ёғи Тошкент, бу ёғи Андижондан тортиб артист чақирдик. Бир йил

ўтгач, келин ўғил туғиб берди, юртга ош тортиб уч кун тўй қилдик.

Бу орада Ҳосилвой институтни битириб келди. Қўшни қишлоқда жарроҳлик қилади. Унга ҳам акаси ёнидан янги уй солиб, хотин олиб бердим. Тагида учар машина, бир этса етади. Ишлаб юрди.

Оиламиз тотув. Пешонамизда бахт ялтиллаб, қараган кўзни қамаштиради. Беш-ўн минг бели боғлиқ қоғоз кўрпа қатида туради. Белқуввати бирон минг доим белда юради. Егани олдида, емагани кетида. Инсонга худонинг ўзи берган бахт мана шу!

Аммо ўтган йили кўз тегди оилага. Айни саратон эди. Қовун-тарвуз эртаки эди. Қамариддин бу орада йўлини топиб Томскка бориб келди. Бир енгил машинани гаплашиб келган экан. Янги, яхши хили деб мақтади. Шунга Ҳосилвой бориб келсин. Машинага етиб, ортгулик юк қилиб бераман, танишлар пуллаб беришади. Машинани поездга юклайди, самолётда учиб келаверади, деди.

Ҳосилвой тирхишлик қилди, акаси қистади. Укаси, кеча бир қарияни операция қилиб қўйган, у чолнинг юраги заифлиги, ундан бохабар бўлиб туриши шартлигини айтди. Акаси хафа бўлди. Наридан шу касбдан ажрасан, деб укасини уришиб берди.

Қарангки мен, қўя қолинглар, болалар, шу ишни, машина пул бўлса, шу ерда ҳам топилар демабман. Аксинча, борсанг бора қол, ўғлим, уч-тўрт кун ҳеч нима эмас, ўйнаб келасан, дебман.

Бола касалхонага бориб чолга дори-дармон қилиб, эртасига қайтиб келди. Жума куни эди шекилли. Оёғи тортмай жўнаб кетди...

У ногоҳ бошини эгиб жим қолди.

— Хўш, кейин нима бўлди?— сўрадим.

— Кейинми?— деди у, менга хомуш қараб.— Машина қонунсиз сотилган экан. Хужжат қилдириб беролмабди. Қўлга тушибди... Бу ёқда бўлса, анави чол ўлиб қолди.

Ҳосилвойнинг иши терговга тушди...

У яна жим қолди. Тумшуғи кўксига, кичкина гавдаси аста тебранар эди.

Назира шу топда катта бувисидан, «ўзиниинг бувижонидан» жуда-жуда хафа. Ҳа, ҳаммаси шу бувиси дастидан бўлди. Бувиси: «Оппоқ қпзим, ойдин қизим, сени ёмон кўздан сақлайди бу»,— деб қулоғига тақиб қўймаганида, Назира ўртоқлари олдида бунақа изза бўлиб, қизариб ўтирмасди-да, ахир!..

Ҳа, Собира-чи? Жуда ғалати қиз-а. Аълочиман, яна синф бошиман деб, ҳар кимни тергайверади-я. Нима иши боркин-а, унинг? Насима Ғуломовна, Собира менга ёрдамчи, деганларига димоғи кўтарилиб кетди, ҳаммага катталик қиладиган бўлди қўйди дарров! У индамаса, балки бошқалар кўрмасди ҳам, ҳеч ким ҳеч нима демасди ҳам.

«Ўзим ҳам бетоқатман-да,— ўйлади Назира хафа бўлиб.— Нимага еча қолдим энди, ечмасам-ку, бунақа гапга қолмасдим-а...»

Зодий баҳорининг танга ором берадиган мулойим ҳавоси, майин шабадаси болаларни кўп алдайди. Ярим кечада бошлаган ёмғир эрталаб, болалар синфга кирганда, анча сийраклаб қолган, лекин ҳали тинмаган эди. Ғир-ғир эсган шабада осмонни қалин парда бўлиб қоплаган булутларни бир-биридан узиб, паға-паға қилиб ташлади, уларни жадал қувиб, кетма-кет юксалган тоғлар тепасидан ошириб юборди. Осмон болалар тепасида кўм-кўк шишадек ярақлади; боягина булутларнинг қалин пардаси орқасида беркиниб ётган қуёш қип-қизил каттакон гардишда, яллиғланиб ёнди, еру кўкка нур сочиб, болалар танини яйратди.

Майдон... Теварак-атроф ям-яшил. Барра майсалардан, теракларнинг кўз қувонадиган майин, юпқа, жажжи баргчаларидан ҳали тўкилиб тушмаган ёмғир доналари қуёш нурида кумушдай йилтирашди; ўрикларнинг чамаи очилган пушти ҳарир гулларига тикилиб тўймайсан...

Майдон гавжум. Катта танаффусда иккинчи синф болалари бир-бирини қувиб, яйраб ўйнаётган эди. Назира елиб-югуриб жуда иссиқлаб кетди. Костюмини, рўмолини ечиб, нам майса устига иргитди, енгил тортиб кетди, атрофга тўйиб-тўйиб тикилди, оромбахш шабада учуриб келган губорсиз, хушбўй ҳавони кўксини тўлдириб-тўлдириб шимди; болалар кетидан югуришга энди чоғланган эди, орқадан Собира чақириб қолди. Назира дарров ўгирилди: Собира қаддини хиёл эгиб, сап-сариқ очилган момақаймоқнинг яшил баргидан кўз узмай турибди.

— Буни кўр-а, ўзи ёмғир томчиси-ю, симобдай йилтиллайди-я!— деди у кўзлари чақнаб. Пастроқ энгашиб, барг устини гавдаси билан қоплаган эди, томчи йилтирмай қолди, қаддини кўтарган эди, яна йилтирай бошлади.— Ғалати-я!

Назира ҳам беихтиёр энгашди. Собира бирдан қичқириб юборди:

— Ҳой, Назира, бу ниманг-а, ўртоқжон!

Назиранинг қулоғи зинғиллаб кетди, ялт этиб дугонасига қаради; Собира туташ қора қошларини кериб, чарос кўзларини Назиранинг қулоғидаги оппоқ-оппоқ хелли кўзмунчоққа тикиб турарди.

— Кўзмунчоқ,— деди Назира секингина, узун-узун киприкларини пирпиратиб.

— Кўзмунчоқ! Нимага тақиб юрибсан буни?

— Кўз тегади бўлмасам. Катта бувим айтдилар...

—Вой! Кўз ҳам тегармиши?— деди-да, қаҳқаҳлаб кулди Собира.

— Унақа дема!— деди Назира зарда қилиб.— Хўпам билмаган бўпсану. Катта бувимлардан ҳам кўп биласанми сен? Катта бувим айтганларидан кейин рост бўлади-да.

Болалар буларнинг гапларини эшитишиб, яқинроқ келишди.

— Нима? Нимага мунча айтишиб қолдиларинг?

— Ҳой қизлар, болалар, буни қаранглар-а, қулоғига кўзмунчоқ тақиб олипти... Кўз тегармиш, бу пошшоҳонга?— деди Собира, яна қаҳқаҳлаб кулди.

Бу гапга ҳамма болалар ҳам кулишди.

— Қўй-э! Одамга одамнинг кўзи тегармиши!— деди қизлардан бири.

— Кечагина ваъда бериб, пионерга кирди-ю, ёлғонга

ишониб юрипти-я,— деди жажжигина, бўйи-басти келишган, оқ мағиздан келган қизча Салима.— Қайси китобда ёзишти кўз тегади деб. Китобга ишонгин-да, ўртоқ-жон!

Орага Аҳмад кирди. Тўладан келган бу шўх бола, бўлар-бўлмасга қизларнинг сочидан тортиб йиғлатиб юрарди. Утган йили Назира унинг дастидан кўп йиғларди. Бу сафар у Назирани туртмади ҳам, узун сочидан ҳам тортмади, аммо унга ўқрайиб тикилди:

— Бунақа пионерни газетага уриш керак, суратини солиш керак,— дея тўнғиллади-ю, бурилиб кетарди.

Назиранинг ҳозирги ҳолидан ҳам, болалар Аҳмаднинг важоҳатига, унинг Назирага ўқрайиб: «...суратини солиш керак» деган гапига қулишди.

Назиранинг кўзи тиниб кетди. У икки кафти билан қулоқларини беркитиб, панжаларининг учи билан чакагини маҳкам қисганича ҳеч кимга тикила олмай, ерга қараб ўтирарди. Катта бувиси нури кетган кичкина кўзларини унга ғамгин тикиб, сийрак киприкларини пирпиратиб унинг рўпарасида тургандай, ўртоқларинг сени хафа қилдим, қўй, хафа бўлма, сен ўзимнинг ширмон қизимсан, деяётгандай туюлди.

Саври буви илгари, Назира ҳали боғчани битирмасдан олдин, уларникига кам келарди, ҳар гал эшикдан кириши билан Назирани бағрига босар, икки юзидан чўлп-чўлп ўпиб: «Шу қизгинамни соғиниб келдим, Саврихон, шунинг деб келаман-да, сеникига», дерди. Назира ҳам уни яхши кўрарди, ойисидан ҳам яхши кўрарди, узоқ келмаса, жудаям соғиниб қоларди (катта бувиси уни ҳеч-ҳеч уришмасди-да, ахир), катта бувимла қачон келадилар, деявериб ойисининг қулоғини тинчитмасди. Саври кампир Назирага катта буви, ойисига буви бўларди; Назирага унинг ўзи шундай деб айтган. Бир куни Назира ундан:—«Катта буви, йўқсам, нимага сизнинг отингиз ҳам Саврихону, ойналарники ҳам-а?» деб сўраганда, катта бувиси, ойинг мендай қариб юрсин деб, унга ўз отининг ўзим қўйдирганман, яхши кўрганимдан, деган. Назира боғчани битириб, биринчи синфга энди кирганда, шунда у жуда суюниб:

— Энди бизникидан сира-сира кетмайсиз-а, катта буви, ўзимнинг бувижонимсиз-а... кетмасангиз-чи,— деди у бувисининг ажин босган юзларини силаб,— мактабим-

дан келиб, сизга китобимдан ўқиб бераман, суратларини кўрсатаман.

— Бўйингдан айлансин бувинг, мунча ақлли бўлмасанг-а,— деди кампир, эварасини бағрига босиб.— Ҳа, албатта, ўқиб берасан, қизим, мен эшитиб ўтираман. Туф-туф деб икки ёнига тупурди кампир, кейин Назиранинг икки юзидан ўпиб,— мунча ақлли бўлмасанг, ёмон кўздан сақласин,— деди.

Шу-шу катта бувиси Назираларникида қолди.

Бир кун, ойиси Назирага қизил шойи кўйлак, гулдор дўппи кийгизиб, қўғирчоқдай ясантириб қўйди. Шунда катта бувиси Назиранинг ойисини уришиб берди:

— Бундақа ясантirma болани, эски-туски кийинтириб ўстиравер. Кўз-пўз тегмасин тагин, болага,— деди.

Ўшанда Назира, йўқ, шунисини кияман, деб оёғини тираб олмаганда, ойиси бувисининг раъйини қайтаролмасди, унинг айтганини қиларди-да...

Қўнғироқ чалинди, болалар югуришиб синфга кириб кетишди. Бўм-бўш қолган яшил майдонда Назиранинг якка ўзи қолди. У бошини кўтариб, атрофга аланглади-да, нам майса устидаги кестюмини олиб кийди, рўмолни бошига ўради, уйга кетсинми, синфга кирсинми? Синфга кирай деса, болалар, айниқса, Аҳмад яна мазах қилади. Тўғри уйга кетарди-ю, портфели синфда-да... Ноилож синфга юрди, лекин коридорга кирди-ю, синф эшиги олдида тўхтаб қолди.

— Нимага синфга кирмай бу ерда турибсан, Назира?— деди ўқитувчилар хонасидан чиқиб келаётиб Насима Ғуломовна. Назира индамади. Дона-дона кўз ёшлари икки бетидан оқиб тушар эди.— Нима бўлди сенга? Қим хафа қилди?— деб сўради ўқитувчи. Назира яна индамади. Насима Ғуломовна унинг қўлидан стаклаб синфга олиб кирди.

— Болалар, қим хафа қилди Назирани? Сен урдингми, Аҳмад?— деб сўради у.

Аҳмад Назирага ер тагидан тумтайиб тикилди-ю, жим ўтираверди.

Собира ўридан турди:

— Унга ҳеч қим теккани йўқ. Ўзи кўзмунчоқ тақиб юрипти, кўз тегармиш унга...

— Утир, Собира,— деди ўқитувчи, болаларга қараб мийиғида кулиб қўйди-да,— энди Назира кўзмунчоқ

тақмайди,— деди. Кейин гўё ҳеч нима билмагандай дарс-ни давом эттирди.

Насима Ғуломовна мени уришиб берадилар, деб жу-да қўрққан эди, Назира. Лекин ўқитувчи унга ҳеч нима демади, энди Назира кўзмунчоқ тақмайди деди, холос.

Дарс тугади. Насима Ғуломовна Назирага, ойингга айтгин, эртага менинг олдимга келиб кетсин, деди.

Назира синфдан чиққанда, болалар кўчада кетаётган эди. Улар кетиб бўлгунча тўхтаб турди. Кейин уйга якка ўзи кетди. Унинг ўзи қўшилолмади-да уларга: «Мендан Насима Ғуломовна ҳам хафа бўлдилар,— деб ўйлади у йўлакай.— Хафа бўлмасалар, ойинг келиб кет-син, дермидилар! Нимагаям тақа қолдим шуни...»

Назиранинг кўнгли аллақандай бўлиб кетди. Бадан-лари увушиб, бошидан ўт чиқаётгандай бўлди. У уйга зўрга етиб келди.

Кечга яқин дадаси, ойиси ишдан қайтиб келганда, Назира каравотида ётарди. Кампир дарров неварасини уриша кетди:

— Айтмабмидим сенга, болани ювиб-тараб, ясанти-раверма деб, мана, болагинам кўзикипти...

— Энди тақмайман бунингизни. Болалар масхара қилишди мени. Насима Ғуломовна ҳам хафа бўлдилар, йўқсам, сизни келсин дермидилар?— деди ойисига:— Эртага борармишсиз. Энди-чи, катта буви, буни ҳеч-ҳеч тақмайман,— кўзмунчоқни қулоғидан ечиб, ойисига берди.

Ойиси бувисига, бувиси эварасига қаради.

Доктор чақпришди, Назиранинг бошини, қўлини ушлаб кўрди. Орқасига трубка қўйиб эшитди. Даража қўйиб, иссиғини ўлчади.

— Шамоллапти бола,— деди-да, Назирадан сўра-ди.— Терлаб совуқ сув ичувдингми, қизим?

— Йўқ,— деди Назира,— сув ичганим йўқ-ку... катта танаффусда югуриб ўйнадим. Терлаб кетдим, кейин костюмимни, рўмолимни ечиб қўйдим.

— Энди бунақа қилмагин,— деди у Назирага. Кейин ойисига қараб:— Бу дорини кунига уч марта ичирасиз, тузалиб қолади,— деб қўйди.

Назира доктор берган дорини ичиб, терлади. Оз ўт-май кўзи уйқуга кетди.

Назира энди сира-сира кўзмунчоқ тақмайди.

1954

Шерикларим билан шу ерда, қоя устида ўсган кўҳна тол тагида учрашмоқчи эдик. Келсам, кетиб қолишибди: кечикибман. Танасида ўзини кўтаргулик эту суяги қолмаган бу тол тошга иягини қўйганича букчайиб ётибди; рўпарада дарага туртиб чиққан қоя пастки жағи қоқиб олинган ўлик шер калласини эслатади — иккаласи ҳам бир-бирига нохуш тикилиб ётибди. Буларга қараб ўтириб, яккалигим жуда сезилди, ўзимни қўшоғидан ажраган қўзидай ғариб сездим, кўнглим аллақандай маъносиз тортди.

Шерикларимни суриштирай десам бу атрофда паўтов, на одам кўринади. Ўтираверсам кўнглим баттар чўкади. Гоҳ у жилға, гоҳ бу жилға оғзида ағрайиб юриб кунни ярим қилдим. Кейин баланд бир қояга чиқиб ўтирдим: ҳамма жилға шу тоғларнинг ҳалқумидан бошланадиган экан. Тоғлар бир тилими кесиб олинган улкан қора қовундек узала-узала ётибди. Ҳалқумлардан филтиллаб чиққан сув шу «тилимлар»га тушади-да, гоҳ тоғ кўксига сингиб, гоҳ қалқиб чиқиб сойга қўшилади. Шу ҳалқумлардан кенг дарага тушгунча яшил майдон, дарахтзор. Лекин менинг шерикларим қайси бирида? Менинг кўнглимни ҳозир бу манзара эмас, шерикларим, жонли кишилар кўтаради.

— Бизнинг жойлар шунақа, одамнинг хаёлини ўғирлаб қўяди,— деган товуш мени чўчитиб юборди, ялт этиб қарадим, шундоқ ёнгинамда қизил мағиз, пишиқ, тўладан келган йигит юзи-кўзи барабар кулиб турарди, мен ҳам беихтиёр илжайдим. У сўзида давом этди:— Қимки тоғда адашмабди, тоғни кўрмабди,— деди-да, худди эски қадрдонлардек кўришиб, мени жилғага бошлади.

Одатда бегона жойда, бегона одам билан энди кўришганда киши ўзини аллақандай ўнғайсиз сезади, қадамини тортиниб босади. Лекин ҳозир мен на бегонаси-

рар, на ийманар эдим, янги танишим гўё кўнглимни ўзига тамом оғдириб олган эди.

Жилға бағридаги илон изи сўқмоқ бизни ичкарига етаклар, энди бояги улкан тоғнинг ҳалқуми кўринмас, бу жилға тоғларининг ўз ҳалқумлари очилиб ўз жилғаларини ҳосил қилган эди. Тоғлар бағридаги арчалар худди улкан соябонларга ўхшарди. Йўлакай ҳамроҳимга ўз дардимни очдим. У бўлса чеҳраси ҳамон хандон кулиб, буни боя кўргандаёқ фаҳмлаганини, улар шу тоғда бўлса топиш маҳол гап эмаслигини айтди. Кўнглим ёришди.

Бир жойга келганда сўқмоқ бурилиб, жилға у ёнда қолиб кетди. Хийла юргач, кенг сайхон рўпарасидан чиқдик. Ҳамма ёқ кўм-кўк. Димоғимга тоғ гуллари, ўтларнинг ўткир-туруш, намхуш ҳиди урилди, муздек шабада вужудимга сингиб кетгандай бўлди. Бу яшиллик оламида сармаст бўлиб ағрайиб қолдим. Мезбоним: «Бизнинг дала ана шунақа, одамни маҳлиё қилиб қўяди» дегандай бош ирғадн-да, ҳамма ёқ барабар кўринадиган адир кўксидаги ўтовга бошлади.

— Сайилни ихтиёр қилибсизу бир келиб қопсиз-да бу ёқларга. Йўқса сиз қайда-ю, биз қайда эдик,— деди ўтов ёнидаги майсага шолча ва кўрпача тўшаб.— Мана энди адашмайсиз. Шу ерда Ҳосилвой ошнам бор, деб ёрдўстларингизни бошлаб келаверасиз.

Иккимиз у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик. Кейин Ҳосилвой, чарчагансиз, жиндек ҳордиқ чиқаринг, деди-да, туриб пастга тушиб кетди.

Мен чиндан ҳам чарчаган эдим, ёнбошладим. Ўркач-ўркач қорли чўққиларга оппоқ булутлар эниб турар, гўё қор шимар, пастга, биз томонга кўксини тўлдирадиган салқин шабада пуркарди. Уларнинг мишгашиб бир-биридан ўзиб «карвон-карвон» ўйнашини томонча қилиб ётиб кўзим хиёл илғинибди.

«Ҳо-ҳо-о!» деган товушининг аллақайси қояга урилиб қайтган акс-садоси, қандайдир бир нининг шер ўкиригига ўхшаш йўғон, лекин калта вовиллаши қўлоғимга кириб кўзим очилиб кетди. Кейин жимлик, чуқур сукунат чўкди. Ўнгирда отларнинг пишқиргани, кирт-кирт ўт узгани эшитилди. Қарадим: бир уюр от ёйилиб ўтлар, ён томондаги дўнг устида эса саман айгир узун бўйинини чўзганича қўлоқларини чимириб ҳушёр турарди. У бутун уюр ўз измидалигини гўё сезар ва шу билан фахрланарди. Шунинг учун бўлса керакки, уярдаги биронта бияни

назаридан қочирмас, ўз доирасидан чиқармасди. Унинг пешанасидаги қашқаси, тўрттала оёғи туёғининг устидаги оппоқ оласи шу сиполиғига жуда ярашарди. Ён томондан келаётган енгил қадам товуши эътиборимни отдан тортди.

— Ассалому алайкум!— дея лўппи юз, чарос кўз бир бола ёнимга келди.

— Ваалайкум ассалом!— деб алик олдим, кейин болани ёнимга ўтқазиб сўрадим.— Танишиб олайлик, отингиз нима, йигитча?

— Раҳимжон,— деди-ю, айни вақтда унинг кўзлари пастда, ўтлоқда ёйилиб юрган уюрга, кейин саман қашқага михланди. Унинг бу назарида: «Кўрдингизми, шу отларнинг ҳаммасини ўзим боқаман!» деган ғурур ва уюр бошлиғи саман айғирга зўр меҳр кўрдим. Бироқ энди болани гапга солмай туrolмадим:

— Отни жуда яхши кўрасиз дейман-а, Раҳимжон?— сўрадим, овозимга унинг бу ишини маъқуллаш ва ўзини хиёл эркалатиш оҳанги бериб.

— Ўзимнинг отим-да, ёмон кўрармидим бўлмаса.

Бу жуда содда, Раҳимжоннинг ўз кўнглидек беғубор жавобдан айни вақтда ҳам меҳримни товлади, ҳам кулгим, қаҳқаҳлаб кулгим келди, аммо кулгини босдим-да, Раҳимжоннинг жавобига монанд сўз излаб:

— Отингиз жудаям чиройли экан, мен ҳам яхши кўриб қолдим уни,— дедим.

Бола ялт этиб менга қаради. Унинг тим қора шаҳло кўзлари катта очилган эди. Нима, гайирона қарашми бу?— дарров пайқаб ололмадим. Йўқ, унинг кўзларида шундай суюнч, ғурур бор эдики, бу суюнч беихтиёр менга ҳам ўтди.

— Биласизми,— деди у бирданига руҳланиб ва менга ўгирилиб,— бу жудаям ақлли от-да! Ҳамма бияни тонг отгунча якка ўзи қўриқлайди. Битта бегона одам, бегона от келиб кўрсин-чи!.. Дадам билан менга индамайди, холос. Ҳар кимнинг ҳам шунақа оти бўлса, жон дейди!

Иккаламиз ҳам яйловга, арчазор тоғлар бағрига тикилиб хийла жим қолдик. Бир семиз тўриқ бия аста-аста тўдасидан ажралиб, ўзини четга торта бошладди. Саман қашқа унга хезланди. Раҳимжон унга безовта тикилди.

— Ҳозир қувласа ёмон бўлади. Бўғоз-да у.

Шу орада от бир иргишлаб тепадан тушди, тўриқ бияни қайирди, гўё Раҳимжонга: «буни мен ҳам била-

ман» дегандай, унинг бўйнидан аста тишлаб, тўдасига буриб қўйди.

— Раҳимжон, дадангиз қаёққа кетдилар?— деб сўрадим.

— Дадам от миниб кетдила, Ширинсойга бориб келармишла,— деди, кейин менга қандайдир ишонч билан тикилиб турди-да:— Шаҳардан келдингизми? Рассоммисиз?— деб сўради.

Туйқусдан берилган бу савол мени таажжубда қолдирди: «Буларникига бирон рассом келмоқчи бўлгану, Раҳимжон уни кутган» деб ўйладим.

— Нима, мен рассомга ўхшайманми, Раҳимжон?— дедим.

У икки бетдаги кулдиргичлари кулиб жуда чиройли илжайди, илжайдигина эмас, юзи-кўзи отасининг, Ҳосилвойининг юзи-кўзига ўхшаб барабар кулди.

— Унданмас,— деди Раҳимжон бир оз хижолат бўлиб.— Бизникига бир рассом келувди. Биласизми,— деди у руҳланиб,— жудаям уста, жудаям катта рассом экан. Мана шу ерга-чи, ёғоч тикиб, унга сурупни тортиб қўйди, кейин ҳамма яйловни, тоғларни, тепаларни, ўтлаб юрган отларни, менинг саман қашқамнинг ана шундай туришини чизиб чиқди-я! Бирам ўхшатдики! Расм чизаётганда жудаям галати, индамас бўлиб қолар экан. Дам яйловга, дам тепа ва тоғларга қараб олади, дам отларга қараб олади. Кейин дам битта чўтқасини, дам бошқасини бўёққа теккизиб олади, ҳадеб сурунга суйкайверади. Жуда галати! Мен олдига келиб ўтирсам ҳам кўрмади-я! Бўлмасам-чи, дам олганда, мен билан яланг оёқ югуриб юрдн ўзи, сойга бориб биз билан чўмилди.

— Чўмиладиган жой борми?

— Ҳа. Жуда яқин. Ҳозир-чи, болалар келади. Борасизми мен билан?

— Бўлмасам-чи, қани, кетдик!— дедим.

Раҳимжон бошлади. Мен ҳамроҳимга эргашдим. Биз пастга тушиб сой бўйлаб юқориладик, кейин сайхонни бўлиб турган адир ўнгиридаги сўқмоқдан бурилиб, чоғроқ иккинчи бир сайхонга келдик. Бу ерда сой ёйилиб оқарди. Болалар ана шу ёйилма четроғида, сув кун тафтида илиб қолган жойда чўмилишгаётган экан. Раҳимжон гоҳ қўлларини орқасига чалиштириб, гоҳ у ёқ-бу ёққа бепарво қараб, мени эргаштириб келаётганига мағрур, мен бўлсам ҳеч нимани ўйламай, жиловимни шу маъсум

бола қўлига топириб, унинг измида бораётганимдан мамнун эдим.

Раҳимжон кела солибоқ ечинди-ю, ўзини сувга отди, ўртоқлари томон сузиб кетди. Мен аввал ёйилмага разм солдим: баланд тоғ чўққисига чиқиб олган қуёш сувга ёғду сочар, бу нур ёйилманн ҳадсиз қилиб кўрсатар, тикилганда кўз қамашарди.

Анча нарида, сув ўртасида бир қоя қад кўтарибди. Қараб турдим: бешикнинг худди ўзи, ёнида эса онаси, гўё боласини тебратиб хомуш ўтирибди. Уйлаб-нетиб турмай, ечиниш шу ёққа суздим. Етай деб қолган эканман, бировнинг: «Қайтинг!»— деган товушини эшитдим. Бошимни ўгирдим: Раҳимжон қўлини оғзига қарнай қилиб: «Қайтинг!»— деб қичқирарди. Беихтиёр қайтдим. Бироқ қулоч отишга қўлларим келмай қолди. Сувда бир лаҳза тўхтаганда сезибман: совуқ суякларимга ўтиб кетган эди. Раҳимжон бўлса, жуда безовталаниб:

— У ёққа бориб бўлмайди, одам музлаб қолади ахир!— дерди.

Бунинг шундоққина қорли чўққидан эриб тушаётган сув эканлиги энди хаёлимга келибди. Ёйилма қирғоғидаги илиқ сувга келгандагина тишим-тишимга тегмай такирлай бошлади. Раҳимжон бўлса ҳамон:

— Муздай эканми сув? У ёққа ҳечам бориб бўлмайди!— дерди.

Кейин Раҳимжон иккимиз қорнимизни қумга бериб ўзимизни офтобга солиб ётдик. Баданимга аста-секин иссиқ ўта бошлади. Раҳимжон бунн рангимдан сездим, меҳрибон товуш билан:

— Маза-а?— деди.

— У нима?— деб сўрадим мен қояни кўрсатиб.

— Боласини тебратиб ўтирган хотинми? Бешик тошда,— деди Раҳимжон, шундай катта одамсизу, шуни ҳам билмайсизми, дегандай мийиғида кулиб қўйди.

Мен унга тикилиб ётардим. Унинг офтобда куйган, тоғ шамоли ялаган бадани қизғиш чўянга ўхшарди, ҳозир унга жуда-жуда ҳавасим келди. Раҳимжон эса энди тирсакларини қумга тираб, иягини муштлири орасига олганча чўққига тикилиб қолган, гоҳ кўзлари пирпирар, гоҳ учқун сочиб порлар, гоҳ юз-кўзида чуқур хаёл акс ётарди. Мен ҳам беихтиёр қарадим, қарадиму тикилиб қолдим: булутлар чўққида ғужғон ўйнарди. Булутлар олдинги оёқларини кўтариб, кейинги оёқларини қорли

чўққига тегиб-тегмай сузаётган қатор отларга ўхшарди. Хиёл ўтмай тўдадан бир «от» ажралиб чиқди-да, худди Раҳимжоннинг саман қашқасидек қўлоқларини чимириб, тўдага қараб қолди, кейин устида чавандоз пайдо бўлиб, баланд осмонга кўтарила бошлади.

— Ановининг оппоқлигига қаранг-а!— деди Раҳимжон аста, гўё қаттиқроқ гапирса «от» ҳуркиб кетадигандай.— Нимадан бўлганикин-а ўзи? Унинг орқасида нима боркин-а? Осмон узоқми-а? Ёки бу чиндан ҳам булут эмасмикин-а?.. Қаранг, унинг қанотлари ўсиб чиқяпти, чинакам қанотга ўхшайди-а? Ана шу отни миниб олиб роса учсанг, ўшоқларда қанақа болалар борикин-а, кўрардик!..

— Шер йиғит экансиз,— дедим, эркалатиб бошнинг силадим.— Сабр қилинг, катта бўласиз, катта мактабларда ўқийсиз. Ўшанда ҳаммасини билиб оласиз, ўзингизнинг қанотингиз ўсиб чиқади, баландга, ҳамма булутлардан ҳам баландга чиқасиз.

Раҳимжоннинг кўзлари чақнаб кетди.

— Ўшанда мен ҳам расм чизаман!— деди у.— Биласизми, ўша расм билан чўмилганимизда ҳам худди шунақа булутлар чиққан, бу ердан борганимизда шу булутларни ҳам, мени шундай тикилиб ётганимни ҳам расмига тушириб қўйган, жуда ҳам ўхшаган...

«Ўша расм юрагингга сўнмас ўт солиб кетибди, ўғлим. Бу ажойиб тоғ манзараларининг улкан расми ўзинг бўлсанг ажаб эмас» деб ўйладим.

Раҳимжон иккимиз адирларга чиқиб, югуришмачоқ ўйнаб, чарчаб-ҳориб ўтовга қайтиб келганимизда кун ботган, Ҳосилбой келиб бизни кутиб турган экан. У шерикларимдан хабар топиб келибди: улар Шириқсой жилғасининг уст томонига чиқиб кетишибди. Ҳосилбой эрталаб мени улар олдига етказиб қўймоқчи бўлди.

Пастда, ўтлоқда уюр бояги зайлда ёйилиб ўтлар, саман қашқа эса ўз тепалигида бояги зайлда бўйинини чўзганича қўлоқларини чимириб уюрни кузатарди, тўрпқ бия ҳамон тўдадан четда, суст ўтлар, безовтадай кўрпнарди. Аммо Раҳимжоннинг осмондаги «қанотли оти» жуда баландга чиқиб кетган, ҳамон ўша шаклда-ю, энди анча кичрайиб қолган, худди осмонда осилиб турган қипқизил алаңанинг ўзи эди.

Раҳимжон жуда чарчаган экан шекилли, овқатдан кейин дарров ухлаб қолди. Ҳосилбой билан у ёқ-бу ёқдан

гаплашиб ўтирдик. Тоғ оралиғида қоронғи тушишига ҳеч разм солмаган эканман. Жилғалар орасидан, дарахт-бу-талар тагидан бошланган қора бахмал жуда тез силжир, гўё ёруғлик устига тўшалиб келарди. Ҳосилбой болали-гида шу саман қашқанинг отасига ишқивоз бўлиб, кани-кулда уюр боққани чиққанини, кейин ўнинчи синфни битиргандан кейин йилқичи бўлиб қолганини, ҳозир эса колхоз зоотехниги эканлигини гапириб бўлгунча тун бах-мални ҳамма ёқни қоплаб олди.

Ҳосилбой жой қила туриб: «Шундай қилиб, денг, тоғ-тош кишиси бўлиб қолдик» деди-да, шу билан гўё суҳбатни аяқулади.

Кечаси тушимда яна бешик тошга қараб сузибман, чўкиб кетай деганимда Ҳосилбой етиб келиб, мени опич-лаб сувдан олиб чиқибди, кейин елкамга уриб: «У ёққа бориб бўлмайди!» дермиш. Кўзимни очиб қарасам дар-ҳақиқат Ҳосилбой елкамга аста ураётган экан. Саман қашқа билан тўриқ бия қаёққадир кетиб қолибди.

— Биринчи туғиши,— деди Ҳосилбой.

Раҳимжоннинг устига ўз чопонини аста ёпиб қўйди-да, иккимиз жилға ёқалаб кетдик. Анчагина юрдик. Тўриқ бия бурилишдан ўтгандан кейин, тепа орқасидаги майдонда, шундоққина сой лабида ётибди. Саман қашқа эса сой ичида, қирғоққа тиралиб олган, тез оқар сув ўмровига гуп-гуп урмоқда. Ҳа, бия худди шу ерда туғиб-ди. Саман қашқа эса ўмровига сув уриб, пардасидан эл-ди чиққан тойчани тумшуғи билан итариб турибди, бўл-маса у сойга тушиб кетади. Ҳосилбой югурганича келиб, тойчани берироқ олди, кейин айғирни сувнинг оқимига буриб соҳилга чиқарди. Лекин майдонга чиқарилгач, от қарийб юролмади, оёқлари қалтираб, эти уча бошлади. Шундоқ бўлса ҳам у той олдига келган одамга пишқи-рар, устига ташланмоқчи бўларди. Тойча, денг, худди отасидек саман қашқа, туёқчаларининг устида ҳам оппоқ олasi бор...

Мен Ширинсойга бир чўпон йигит билан ана шу ер-дан жўнаб кетдим.

Ўшандан бери кўп вақт ўтди. Раҳимжон ҳозир катта йигитдир: балки гўзал манзаралар рассомидир, балки дадасига ўхшаб зоотехник бўлгану уюр-уюр отлар зоти-ни яхшилаб юргандир. Ҳар қалай, Раҳимжон жуда яхши, одамнинг жонидек йигит бўлган — бунга имоним комил.

Поезд гўё учаётибди. Шеригим юқори полкада чалқанча ётиб ниманидир варақларди. Вагон ғилдиракларининг бир мақомда тиқирлаган оҳанги-ю, тахи бузилмаган қоғознинг аҳён-аҳён шилдираши эшитилади. Қўнгил аллақандай, тўлиб-тошаётган, қаёққадир ннтилаётгандай. Нега? Ўзим ҳам билмайман. Китоб ўқишга тутиндим, бўлмади. Полкага ўтириб олиб деразадан ташқарини кузатдим. Қуёш оғибди, ўнгирдаги қалин ўрмонлар, буғдойзорлар, яшил пичанзорлар узра зар ғилам ёйибди. Этаги уфқни қучган яшил ғилам юзидаги олтин ҳалини ялтилатиб гир айланади.

Ёнимга бир нима тушгандай бўлди. Ўнгирлиб қарадим. Расм дафтари. Олдим. Истаб-истамай варақлаб ўтирдим. Бир расм эътиборимни қамраб олди. Тикилиб қолдим. Шеригим Салим чизган, кечадан бери қайта-қайта кўрсатган қиз расми. Қўлида бир даста гул, кимнидир кутади, умидвор кўзлари олисларда; енгил шабада майини соч толасини ҳиллиратади; чўзинчоқ пияги пешанасига монанд, лаблари хиёл очилган, тиниқ чеҳрасида, кўз қарашларида қандайдир ҳаяжон, ички туғён...

— Менинг Мадоннам,— деди Салим ҳаяжонни ичига сиёмай.— Маъқулми?

— Яхши, дўстим. Соз.

— Ажаб одамсан-да, дўстим,— деди у ҳамон ҳаяжонлиниб. Сакраб пастга тушди-да, ёнимга ўтирди:— Қаерларда бўлдинг, нималар кўрддинг демайсан ҳам...

Салим ҳикоя қила бошлади.

— Германияда бўлдим. Санъаткормиз-да, дўстим, тип изтаймиз, тип...— Ўнинг кўзлари кулиб турарди.— Тирик мадоннани кўрдим. Ҳа, мадоннани! Кўр-а, бунини оғайним!

Бир кунни суратхонага — галереяга кирдим. Рўпарада буюк Рафаэлнинг машҳур «Сикстин мадоннаси», тўрт юз

йилдан бери авлодлар диққатини ўзидан узмай келаётган мадонна... Остонадан қадам қўясану, кўзинг унга михланади. Унинг яланг сёғининг учини булутларга тегиб-тегмай гўё сенга қараб келаверади. Тикилиб турасан: самовий, ҳаёлий эмас, сен билан биз унга ерда тугилган, шу ерда ўсган жонли, оддий жувон! Лекин... лекин тиниқ инсоний чеҳрасида, кўз қарашларида ғурур, чуқур ўй, ташвиш...

Шеригимга нимадир дегим келди. Ёнимга қарадим. Қарадимۇ ҳайрон қолдим! Ёнимда бир қиз турибди. Қўру-қўрма, ишону-ишонма, мадоннанинг ўзи!

Оёғидаги таг чарм қалин туфлиси, оч жигар ранг юпқа пальтоси демасанг, юз-кўзи, киприклари, бурни ҳам, кўз қарашлари ҳам унинг ўзи: мағрур, ўйчан. Лекин бу қизнинг нафис қовоқларида, мағрур кўзларида қандайдир алам, ғам асорати бор...

«Биздақа саёҳатчимиз? Қайси элдан келган?» кўнглимдан ўтди беихтиёр.— Йўқ! Ҳамманинг кўзи жаҳон санъат хазиналаридан бири шу нодир нусхаларда-ю, у буларга бефарво. Фақат бизнинг кетимизда ҳеч кимга сўз қотмай жим юради. Биз бирор расм ёнида узоқ тикилиб қоламиз, у эса кимнингдир юзидан бирор сирли белги топгандай бизга тикилади. Бирортамизни танидимиз? Бирор гапи борми? Йўқ, тикилсанг, шу мағрур ўйчан кўзлар суратга боқади.

Исонинг крест тортиб оёқ-қўлидан михлаб қўйилган сурати. Моҳир қўлда чизилган бу суратга тикилиб турардик. Ёнимга қарадим. Қиз йўқ. У ёқ-бу ёққа алангладим. Унинг қорасинигина кўриб қолдим: эшикдан тез чиқиб кетди. Унинг орқасидан югургим келди. Нега, нега чиқиб кетди, тагин бунча тез?..

Бу қизнинг қиёфаси кун бўйи кўз олдимдан кетмади. Бирортамизни танимаса, нега эргашиб юрди? Мени бировга ўхшатдимиз?

Хаёлим унда, бирор ишга тутинолмайман. Ўзимча тахмин қиламан, ўзимга ўзим саволлар бераман, лекин ҳаммасига жавоб битта: Йўқ!

Эрталабдан бери майдалаб ёққан июнь ёмғири кеч-қурун тинди. Осмон тиниқ. Юлдузлар чарақлаб турибди. Салқин, рўпарада авжи гуллаган арғувон дарахти оқшом гира-ширасида қорайиб савлат тўкиб турибди. Енгил шабада унинг хушбўй ҳидини димоққа урмоқда.

Тан-жони соғ одам каравотда оёқ узатиб ётолмайдиган сўлим оқшом.

Вайронаси ҳали тамом тикланиб бўлмаган меҳмонхона айвонида ҳаёл суриб ўтирдим.

Луиза чиқиб қолди. Ёқимтойгина, оппоққина, юз-кўзида табассум аримайдиган қувноқ жувон. У билан кўча айландик. Аста гаплашиб ёнма-ён борардик.

— Ҳа, инсон бошига келган вабо кўтарилди бу ерлардан,— деди ўз табиатига хилоф аллақандай жиддий тусга кириб,— биз ёруғликдан маҳрум эдик, даҳшатли бўронда, зимистонда яшардик. Ҳа, энди ўзгарди бу ерлар, ўнмиз ҳам.

Биз аста ён кўчага бурилдик.

— Мана шу паркда уларнинг қабри... Бизга ёруғлик келтирганлар. Кўп кишининг қабри шу ерда...— Унинг овози тобора секинлашиб, титрай бошлади. Кейин, баландроқ овоз билан деди:— Бошимиздан вабони шулар кўтарди. Сизлар... Сизларнинг кишиларингиз...— У, паркка тикма-тикила индамай жилди. Мен ҳам. Текис асфальт кўча. Атроф бўм-бўш. Аҳён-аҳёнда омон қолган уй, чироқ ёниб турибди. Баъзан аллақандай нохуш, даҳшатли манзарапи эслатувчи нураган, шумшайган деворлар...

Шу вайрона қолди, холос. Бошқатдан, тамом бошқатдан қуришяпти...

Нариоқда, томи ўпирилиб тушган, деворларигина қолган уй олдида бир хотин худди илтижо қилгандек деворга қўлларини чўзиб турибди. Яқинроқ бордик. Деворга ҳал билан хотира лавҳаси ёзилган. Хотин киши эса ҳамон ўша ҳолатда.

Ён томондан юзига назар ташладим: бояги қиз... Мадонна!

У бизни кўрди.

«Мана, ҳозир девор орқасига тез ўтиб кетади, яна гойиб бўлади», деб ўйладим.

Иўқ! Қайрилиб қаради-ю, ёш тўла кўзларини бизга тикиб тураверди...

У биз билан бир оз юпанди. У сўз танлаб немисча талаффуз билан русча гапирарди.

— Кечирасиз, мен йигилаяпман,— деди у,— бу кишини фашистлар ўлдирган...— Унинг юзидан маржон-маржон ёш оқар, узун киприкларида туриб қолган ёш доналари ой шуъласида йилтирарди.— Отиб эмас,

осиб эмас, сўйиб эмас, йўқ! Ҳушидан кетгунча калтаклашди, қўллариини қайириб синдиришди, қулоғини, бурнини, тилини ҳам кесиб олишди... Кейин... кейин оёқ-қўлидан шу деворга михлаб ташлашди.

— Кимлар, нима гуноҳ қилувди у одам?— деб сўрадим.

Қиз хийла вақт жим қолди. Биз қизни бирга эргаштириб бу ердан, бу даҳшатли жойдан нарига — кўча бўйлаб, чироқлар ёниб турган янги уйлар томон олиб кетдик.

— У кишими? Врач, хирург эди,— деди у аста ва хаста товуш билан,— уруш йиллари... оғир ярадор ҳарбий асирларни бу ердан кўп олиб ўтдилар. Бир куни... бир куни дадам,— деди-ю жим қолди, боши қуйи эгилди.

Битта-битта қадам босиб боряпмиз. У бирдан боши билкиб осмонга тикилди. Мағрур, аламли пазари ердаги манзарани томоша қилиб милтиллаб турган юлдузлар орасида сингиб кетди. Кейин ҳикоясини давом эттирди:

— Кечаси шу мажруҳлардан уйимизга олиб кирди. Подвалда даволади...

Улар олти киши эди. Ушанда мен ўн иккига ҳам кирмаган эдим. Уларга овқат олиб кирардим. Эсимда, Николай деган биттасини дадам операция қилди, мен унга хирурглик асбобларини узатиб турдим. Оёғидан кўн осколка олди. Яна Васька деган биттаси бор эди, қорача, эти суягига ёпишиб кетган йигит. Унинг боши жуذا ёмон оғир экан. Доим чаккасини икки қўли билан маҳкам ушлаб, каравотда ғужанак бўлиб ўтирарди. Мен кириб қолсам, кўзлари жиққа ёш, менга қараб жилмаярди. Мен латта ҳўллаб бошига босардим. Дадам унинг бошидан майда-майда осколкалар олди. Унинг оти Васька эмас, Воҳид экан. Ҳеч тўғри айтолмадим, Николай, бунинг оти Васька, Васька деявер деди...

Яқин кишиларини эслаб қизнинг қўнгли очилди. Териб қўйилгандек қуюқ кириқларни хиёл кўтарилди, нафис лабларига табассум югурди. Юзи тиниқ, бежирим, чизиқлари равон. Рассомнинг иши шу-да, дўстим: текшириш. Қараб турсанг, оппа-осондай, чўткачани бўёққа тегизиб тортсанг, ўзи битиб қўя қоладигандай. Йўқ, йўқ! Унинг шу бир табассумининг ўзида қанча ғурур, қанча ғурбат, қанча умид, ишонч бор, ахир!

— ...Эсимда,— деди гапни давом эттириб қиз,— ўша Васька мен кирганда, келдингми, Гул, ке, ке, бу ёққа ўтир, ёнимга, дерди. Юртида унинг жажжи синглиси бор экан, оти Гул экан. Сен ҳам синглимсан, унинг отини қўйдим сенга, дерди. Кейин юртидаги кишилар тўгрисида гапириб, улар ҳаммаси дадангга, сенга ўхшайди, деб қўярди. Пахтазорлар, боғлар, баланд тоғлар, тез оқар сойлар, қайнар булоқларни ҳикоя қиларди. Гул, албатта борасан, кўрасан шу одамларни, шу жойларни. Ишонаман, сенга жуда ёқиб қолади бизнинг кишиларимиз, жойларимиз, дерди. Юртини эслаб гапирганда унинг қора қошлари пирпираб учар, катта қора кўзлари ярақлаб кетарди, бошининг оғриғини ҳам унутиб қўярди...

...Николай новча, дуркун киши эди. Ҳа,— деди у мулойим жилмайиб,— жуда қизикчи эди. Бир гап айтиб ҳамманн кулдириб юборарди. Уртоқларида маъюслик, руҳий тушкунлик сездими, дарров бир қизик латифа айтарди. Ҳаммаси барабар куларди, Николайнинг ўзи кулмасди, шифтга қараб ётаверарди. Мен ҳайрон қолардим: бу одамлар касал, яраси оғрийди, азоб чекапти, жони таҳликада, хатарда турибди-ю, ҳам тортмайди, қўрқмайди, кулишадн...

...Ўша Николай жуда эртакчи эди. Менга кўп эртак айтиб берган. Шеър ўқиса анграйиб қараб қолардим, унга жуда ҳавасим келарди. Менга Пушкиннинг «Руслан ва Людмила»сини немисча ёд айтиб берарди. Рус тилини менга ўша Николай ўргатган. «Сенга яхши китоблар юбораман, йўғ-э, ўзим олиб келаман» дерди доим...

— ...Зулмат битади, ёруғлик келади,— дерди у. Мен бу гапга тушунмасдим, унинг кўзларига қараб тураверардим. У ўйланиб қолар, кейин чаккасини қашиб дерди: «Одамлар бир-бирини ўлдирмайдиган бўлади, ҳозир шунини деб қон тўқямиз». Яна тушунмасдим. У куларди. Кейин кенг пешанасини ушлаб, подвал деразасидан қараб қоларди. Шунда унинг менга қараб кулиб турадиган кўк кўзлари аллақандай маъюс бўлиб кетарди, қарчиғайининг тумшугига ўхшаш бурнининг катаклари титрарди. Менинг юрагим ҳовлиқиб кетарди. У яна менга қараб жилмаярди: «Тушунмадинг-а, оққуш, тушунасан» деб бошимни силаб қўярди.

Энди ҳаммасини тушунаман, биламан. Топсам, кўрсам эди уни.

Унинг қадамлари яна ҳам секинлади. Сокин тун побонидек қад кўтариб турган азим чннорга тикилиб бир лаҳза тўхтади. Ўз денгизда борлиққа ёғду сочиб секин, жим, равон сузаётган тўлин ой гўё шу чннор гумбази устида ўрнидан қўзгалмай турарди.

— Мард эди,— деди секин юриб,— бир кун менга жуда ваҳимали гапларни айтди. Фашистлар бизнинг одамларимизни саройларга қамаб ўт қўйдилар, дорга осдилар, гўдакларни оналари қўлидан юлқиб олиб нишонга қўйдилар, ёниб турган ўтга улоқтирдилар,— деди. Мен бундага гапларни ҳеч эшитмаган эдим. Титраб кетдим. У рангимга қараб турди-да қўрқдингми, қўрқма,— деди,— қўрқмасанг, Зояга ўхшайсан. Биласанми, у ким бўлган?— деб сўради. Мен қараб туравердим.— Билмайсанми? Партизан, у ўлимдан ҳам қўрқмаган. У жуда бахтли эди. Унинг бахтига зулмат чангал солди. У, шу бахтни деб жонини фидо қилди. Тушундингми?..

Ҳозир бунга ҳам тушунаман. Зоянинг бахтини ҳам, ўзини ҳам тушунаман.

— Николай жони қаттиқ, тош одам эди,— деди у ҳикоясини давом эттириб,— дадам унинг оёғини тилиб, осколка олганида тикилиб турдим. Билиб турибман, жон жуда оғриятти, тишлариғижирлагани эшитилиб турибди-ю, мен хирурглик асбоблари узатганимда адашсам, буни эмас, унисини дейди-я. Ҳеч эсимдан чиқмайди: оёқсиз қолмасам бас, доктор. Биласизми, оёқсизларга қизлар қарамайди, деб ҳазиллашган ўшанда.

Дадам уларнинг иродаси маҳкам, улардан ўлим қўрқади, дерди донм.

— ...Ун икки йилдан ошди шунга. Шундан бери уларни кўргим келади. Сизнинг юртингиздан келганлар орасидан уларни излайман. Кўрсам эди уларни, келади улар. Ўзлари айтган.

У соатига қаради.

«Мана ҳозир кетади, мен уларнинг тақдирини, бу қизнинг кимлигини билолмай қоламан».

— Нима бўлган ўша кишилар?— деб сўрадим.

— Уларми?.. Николай олдин тузалиб кетди. Йўқ, кетмади, шаҳарда юрди. Ўртоқларига овқат келтирарди, кечаси олиб келарди. Кейин Васька ҳам тағин иккитаси тузалди. Тўрттаси ўрмонга кириб кетган. Дадам айтувди, улар партизан бўлиб кетган, деб. Эсимда, Николай ме-

нинг бошимни силаб, бизни унутма, оққуш, келамиз, деган эди.

— Иккитаси-чи?

— Фашистлар олиб кетди...

Ён кўчадан йигит-қизларнинг қувноқ кулгиси эшитилди. Кейин ўзлари кўринди.

— Анна!— шодон қичқирди улардан бири.

— Дугоналарим,— деди у қизлар томон ўгирилиб.— Кинодан чиқишди. Заводда бирга ишлаймиз.

У мулойим жилмайди. Алам, нафрат учқунлари ўчмаган, умидвор кўзлари кулди:

— Хайр.

Шерикларига қўшилиб, улар билан қўлтиқлашиб кетди.

Мен ва Луиза турган ўрнимизда унинг кетидан қараб қолдик.

— Хайр, Анна!— дедим ўйга толиб.— Ишон! Улар келади, албатта келади!

* * *

Поезд гўё учаётибди. Вагон ғилдираklarининг бир оҳангдаги тақир-туқури-ю, тахн бузилмаган қоғознинг шилдираши, олис-олисдан эса музика садоси эшитилади.

Салим юқори полкага чалқанча ётиб олиб, йўл хотираларини, эскизларини аста варақларди.

1956

Дарё тинч, уни чиқмайди. Чайқалмайди, тўлқинлари кирғоққа урилмайди: оқмаётгандай. Жимжит. Босиб келаётган оқшом бахмали уни гўё оғушига олган, у уйкуга толган. Икки беткайдаги бўйдор тераклар бу сукунатни гўё кучайтиради, қўриқлайди. Ўхтин-ўхтин салқин, намхуш ел учади: тераклар титрайди, сув бети алланимадан сескангандай жимирлайди, ўз кўркига зеб беради. Ел тинади, сув бети яна жимийди, ёпирилиб келаётган тун бахмали тобора қуюқлашади.

Нарироқда алланима шалоп этди,— улкан балиқ сапчидими, тош отилиб тушдими,— англаёлмадик, сесканиб қарадик: ҳеч нима кўринмайди, сувнинг қорамтир сирти жимирлар, минг-минг жило бир-бирини қувиб ҳар ёнга чопарди. Бузрукхўжа ака аста кулди.

— Ишқ ўтида ёнган яна бирон тентак ўзини дарёга ташладими ё, а? — кулимсираб сўради у.— Юрак ўтини сувда ўчирмоқчи бўлдимиз?

Бу қадимий афсона нккимизга ҳам аён. Қорадарё бўйида қадим-қадимда бир қиз ўтган экан. Жуда сулув, жуда дилбар, кўзлари хумор, қовоқлари бодом, қошлари қалам экан; орқасини қоплаган сунбул сочлари сарв қоматига кўрку юзлари сутдек оқ, тиниқ экан. Унга навқирон бир йигит ошиқ бўлибди. Қиз фироқ қилавериб висолига етиштирмапти. Йигитнинг юраги ёнибди. Ривоятга кўра, у юрагини чангаллаганича ўзини Қорадарёнинг худди шу жойига ташлабди. Шу-шу — ким билади қачондан бери?— бу жойнинг номи Қуйганёр.

— Бу жойларнинг ўтмиш тарихи узун,— деди Бузрукхўжа ака бир оз жимликдан сўнг, аста бош чайқаб;— Ўзанини топиш қийин. Бу жойларда бунақа тарихий, афсонавий номлар кўп. Лекин ҳар қандай афсонанинг таги рўст дейдилар. Замонлар ўзгаради. Ўша ошиқ юрак

ўтини ўчириш учун ўзини дарёга отибди. Мен қатори йигитлар дарё лабига ўт ёқиш учун келган эдик...

Шу аснода ҳамма ёқ ялт этди. Гидростанция навбатчисп гўё кекса қурувчининг сўзларини эшитдию дарҳол чироқ ёқди. Теварак-атроф кундузгидай мунаввар бўлди. Минглаб фонарь сувда акс этди. Қоронғилик чўчиб икки қирғоқдаги тераклар, боғлар ортига қочди. Шу топда мен, ошиқлар энди ўзларини сувга отмайдилар, деб ўйладим. Ўша куйган ёр ҳозирги кунларда тирик бўлиб, бу ерга келган бўлса, ўзини сувга отмасди, севгилсин унга эргашар, унга қўл берарди. Иккаласи асов дарёни жиловлаган инсон ақли-заковатига маҳлиё бўлиб, секин дарё бўйида сайр қиларди.

Энди унсизлик бузилгандай эди. Нариди сувнинг пўлат дарвозаларга урилиб чиқарган бўғиқ овози келарди. Энди дарвозага урилиб нафаси қайтади, пишқирадию кучи етмайди. Одам бурган томонга — далалар, боғларни суғоришга йўл олади. Баҳор, ёз, кузу қишда ҳам тинмай оқади.

Дарё доимо тўлиб оқади. Энди унинг Қорадарё деган номи қолган, холос.

Бузрукхўжа ака эслайди:

— Қулоқни қоматга келтирадиган фасли бўларди илгарии. Яқинига жонли зот келолмасди, аждаҳодай ютарди. Саратон кирардию ўкириги бирданига пасаярди, соҳиллари ҳувиллаб, экинлар қовжираб қоларди. Ана шундоқ эди: тошқинда теварак-атрофини вайрон қиларди, қайтганда тагига тушиб кетарди. На қудратга минганда, на ожизланганда нафи тегарди: атрофдаги даштлар томоқ тақиллатиб, фурсат кутиб ётаверарди; савр бошидагига қишқи нам ва баҳор ёгинидан баҳра олган даштда лолалар, кўкатлар яшнарди, ер ясанарди, аммо бу бир ойлик ясан эди. Бу дарёнинг ўтмиши. Унинг бугуни бошқа. У энди сувини Катта Фарғона каналига қўшади.

Бузрукхўжа ака йўл-йўлакай менга ўгирилиб қарар экан.

— Эсингиздами, Катта Фарғона каналини қазиш қандай бошлангани? Эсланг-а! — деди.

Мен беихтиёр жилмайдим.

— Бўлмасам-чи, — Катта Фарғона каналининг қандай бошлангани ҳам, ўша вақтларда Бузрукхўжа аканинг қанақалиги ҳам эсимда. Мен ўшанда газета ходими

эдим, унинг участкасига бот-бот келар, у билан учрашиб турардим. Ўша вақтда ҳам у улкан эди, суҳбатдошига азамат гавдасини ўгириб, кўзига тик боқиб гаплашарди. Ушандан бери ўттиз йилча ўтди, унинг кўз қараши ўша-ўша — талабчан. Аммо одатида янгликлар пайдо бўлибди: фасони келишган, ўз наздида, бепанд стулда ўтиришни хоҳламайди у. Бошқармаларда унинг учун маҳкам, оғир, ўтирғичи, суянчиги кенг стуллар қилинган. Бу стулларга у худди эгарга мингандай, кўкрагини суянчиққа тираб ўтиради. Унинг назарида бундай ўтириш қулай ҳам яхши.

Биз бош тўғон бошқармасига етиб келдик. Бузрукхўжа ака стулни эгар қилиб, суянчигига кўкрагини тиради.

— Эсингизга тушдими, Катта Фарғона каналининг қандай бошлангани? — ўзига хос синчковлик билан сўради у.

Бузрукхўжа Усмонхўжаевга, тўғриси айтганда, ҳавасим келиб кетди — у етмиш учга кирди. Ажойиб ҳаёт йўлини босиб ўтди. Фарғона водийсида инқилоб моҳиятини дастлаб тушунган ва унинг ҳимоясига кўкрагини қалқон қилиб чиққанлардан бири. Биринчи коммунистлардан бири, Совет ҳокимиятининг ташкилотчиларидан, унинг қарор топиши учун, кейин калхаз тузиш ва уни оёққа бостириш курашчиларидан бири. Ажойиб ҳаёт кечирди бу киши... Шундай деб ёздим у ўз фикримга қарши чиқдим: нега кечирди? Ажойиб ҳаётини давом эттирмоқда. Унинг тўзими ва меҳнатсеварлигига ёшларнинг ҳаваси келади. У ўз мулкани айланиб юриб, бир неча кунлаб ухламайди. Катта Фарғона канали бошлиғи вазифаси жўн ишлардан эмас. Тўй-томошада ва улфатлар гурунгида эса бошқалар қатори ичиб, бошқалардан ҳушёр, хушчақчақ ўтиради. Бузрукхўжа Усмонхўжаев доимо ҳаракатда, доимо катта сув хўжалигининг ташвиши билан банд.

Бу хўжалик қурилиши мана бундай бошланган эди.

II

Афсонадагидай бошланган эди бу.

1939 йил 1 август тонги эди.

Карнайлар овози варанглаганда, дўмбиралар гум-

бирлаганда, сурнайлар садоси чинқириб таралганда ҳалитунги салқинлик шаштида эди. Байроқлар баравар кўтарилиб, шаббода ҳилпирата бошлади. Қурувчилар қўшиқ айтиб, қатор-қатор бўлгуси канал нзига тизилишди. Минг-минг кетмон ва лўм тонг қуёши пурида ялтираб кўтарилди.

Катта тўй, катта маърака эди. Музика ва қўшиқ садолари трасса бўйлаб муттасил жаранглаб туради. Театрларнинг артистлари келиб томоша қўяр, бадний ҳаваскорлар концерт берар, ёки кечқурун қурувчилар ўзлари гулхан атрофида қўшиқ айтар, рақсга тушарди. Бу билан заранг ер юмшаб қолмас, қўлларнинг қадоғи кетмасдию аммо байрам кайфияти авжидан тушмасди. Одамлар шавқ-завқ билан, чин кўнгилдан ишларди. Қолхозлардан сараларнинг сараси йигилиб келган эди қурилишга.

Ўша кунларда оз кишилар ранжиб қолганмиди? Қолхоз ва қишлоқ советларининг раислари шикоятларни текширишга оз вақт сарфлаганмидилар? «Нима, ман бошқалардан камманми? Нормамни бажарганим йўқмиди?» деганлар, ҳатто кўз ёши қилганлар оз эмас эди.

«Каналга ҳаммани баравар юбориб бўлмайди! Колхозда ҳам одам қолиб ишлаши керак-ку?»— дейилганда Сировлар рози бўлар, баъзилар бари бир қочиб каналга келардилар. Раислар ўз ихтиёри билан келганларни олиб кетишга келардилар. Ахир, колхозни одамсиз қолдириб бўлмайди-ку! Ҳозир колхозда ишлаш ҳам шарафли — ҳар бир одам уч ва тўрт киши учун ишлаши, канал қазишга кетганлар ўринни босишлари керак, деб тушунтирардилар.

— Мен бошлиқ бўлган участкада худди ана шундай бўлган эди,— Бузрукхўжа аканинг катта юзига мулоҳим табассум югурди.— Бошқа участкаларда ҳам шу ҳол эди. Норин сувини Қорадарёга қуядиган трассани қазиш бизнинг зиммамизга тушган эди. Биласизки, Норин донмий музликлардан сув олади, Қорадарё эса тоғ силқиндилари ва булоқлардан, унинг суви узилмас манбаи йўқ. Усмон Юсуповнинг шу сўзлари эсимда: «Қорадарёга Норин сувининг бир қисмини боғлаймиз, шундан кейин у экинларимизни ёз бўйи суғорадиган бўлади», деган эди. Мен Усмон Юсуповни ўшанда, канал қурилишида яқиндан таниб, унинг шоирсимон табиятига ҳайрон қолган эдим. Унинг тўғрисида ҳар хил гаплар

эшитардим. Кескин, ақлли, жасоратли. Билсам, у шоир-сифат одам ҳам экан. Бу воқеа мана бундай бўлган эди...

Бир кун Бузрукхўжанинг участкасига бир машина келиб тўхтади. Унинг эшиги очилиб, улкан, норғул киши тушди. У одамлар ишлаб турган тепаликка абжирлик билан кўтарилиб: «Ҳорманглар, Фарҳодлар!» деди гуркироқ ва қувноқ товуш билан. Юсуповни бундай тахлитда биринчи марта кўришим эди. Ҳорғинликдан унинг кўзлари қизаргану аммо хурсандлик учқуни ярқираб турарди. Одамларнинг шахд билан ишлашини кўриб кўнгли жуда кўтарилган эди. Участкадаги иш оғир эди: ер сершағал, заранг, лўмлар билан тахта-тахта кўчириб ташлашарди одамлар. Иш бир нафас тўхтади, қурувчилар Усмон Юсуповни қўшаб олишди, у эса қурувчиларга қараб:

— Алишер Навоий тоғ кесиб Шприн юртига сув чиқарган Фарҳоднинг қаҳрамонлигини мадҳ қилган, лекин у ҳам бўлса афсона эди,— деди.— Сизлар бўлса афсона яратяпсиз, сизлар чинакам Фарҳодларсиз. Гапимга ишонаверинг: сизларнинг бу қаҳрамонлигингиз шоирларнинг шеърлари, дostonлари, адибларнинг асарларида мадҳ қилинади, ҳофизлар қўшиғида куйланади. Қақроқ даштларга сизлар ҳаёт суви етказасиз, улар яшнаган боғ-роғларга айланади, бу ерларга макон қурган авлодлар умрбод сизларни эсда сақлайди. Ҳорманглар, қаҳрамонлар!

У участкани хийла вақт айланиб кўрди, участкадаги ишнинг ташкил қилиниши билан танишди, қурувчиларнинг турмушини, маишатини суриштирди. Кейин эса ё таклиф ё буйруқ оҳангида:

— Қани, Эшон ака, машинага чиқинг,— деди. У Бузрукхўжани шундай деб атарди. Машинага чиқиб ўтирганларидан кейин:— Норин бош тўғонини кўриб, у ерда ишлаётган кишилар билан танишиб келасиз,— деб қўйди.

Машина трасса бўйлаб аста борарди. Трассада одам кўп, жуда кўп. Бир юз олти миш минг одам икки юз эллик километрли трассага тизилган эди. Ҳозир эса техника кўп, ўша вақтда бутун иш қўл билан битарди. Машина йўл-йўлакай тўхтаб-тўхтаб борарди. Усмон Юсупов машинадан тушиб, трассадаги одамлар билан суҳбатлашарди. Қурувчилар уни қўшаб олишарди, у бўлса ишнинг боришини, одамлар шавқ-завқини кўриб, ҳорғинлик, уйқусизликдан қизарган кўзларида шод-хуррамлик балқиб қайтарди.

...Уша кулларда у Навонийнинг баҳодир Фарҳод билан малика Ширин тўғрисидаги достонини қайта-қайта ўқирди, шoirнинг бунчалик узоқни доҳиёна кўрганлигига қойил бўларди. Ахир, Навоний бу достонда тоза ва ёрқин севгини ҳикоя қилиб қолмай, халқнинг орзу умидини, сув учун курашини ҳам ифодалаган, шунинг учун ҳам бу асар беш асрдан буён халқ билан бирга яшайди.

— Мана буларга қаранг, Эшон ака, йўқ, ҳў анавн аёлларга!— Бузрукхўжа Юсуповнинг елкаси оша қаради — бўлғуси каналнинг баланд тупроқ уйилган қирғоғида икки аёл келарди. Иккаласининг бошида ранги офтобда ўнгган дурра, кенг кўйлагини шабодада ҳилпираб келарди. Бузрукхўжа уларни таниди: колхоз раиси Хайриниса Боқибоева билан бригадир Лутфи эди. Бузрукхўжа машинани деразасидан қўл чўзиб улар билан саломлашди. Усмон Юсупов эса фикрини жамлаб, давом этди:

— Мана буларга малика кийимини кийдириб қўйсангиз, ҳусн-жамолда Шириндан камми? Йўқ! Булар бугунги кушимизнинг чин ширинлари, чиннакам қаҳрамонлари, Эшон ака!

Улар иккаласи машинанинг орқасида ўтирар, иккаласи ҳам улкан, порғул, ёшига учинчи киши сизмайди. Иккаласи ҳам шод, ўхтин-ўхтин шофёрга: араванг тортолмай бўксалаб қолмайдими, ука? — деб тегиншар ва баралла кулишарди. Қулги тинардню, гаплари яна меҳнат, одамларга шавқ-завқ бахш этган шу меҳнат, оммавий қаҳрамонлик, ташаббус манбаига кўчарди. Бу манба эса иккилоб галабаларини сақлаб қолиш зарурлиги эди. Ниҳоят, улар суҳбатини ўша оғир, оловли кулларда Ленин ўтказган шанбаликларга уланди. Юсупов салмоқлаб ҳаёлчан гапирарди. Уша шанбаликларда Лениннинг ўзи қатнашган, елкасида гўла кўтарган, ниҳол ўтқазган, кўча сунурган эди. Уша шанбаликлар Ленинга халқ кўнглига яхшироқ кириш, унинг манфаатлари ва ҳаракатини яхшироқ тушунишга ёрдам берган эди. Уша куллари туғилган «Буюк ташаббус» асарида Ленин меҳнаткаш халқнинг оммавий қаҳрамонлигини бошланадиган вақт келганлигидан башорат берган эди.

— Биз Лениннинг волисларимиз, Эшон ака!— Юсупов қўлини унинг елкасига ташлади, уни маҳкам қучоқлаб давом этди:— Лениннинг олдиндан кўриб айтганларини биринчи бўлиб бажаримиз. Биринчи бўлиб! Ушанда Ленин мана шу дунёда қудратини Советлар дав-

латини, ана шу халқ тўлқини, шу халқ қаҳрамонлигини кўрган эди. Биз Лениннинг ворисларимиз!— Бу сўзни у суҳбатда кўп қайтарарди, қайтарардию ўзи ҳам тўлқинланар, суҳбатдошини ҳам тўлқинга келтирарди.

— Биз бахтиёр авлодмиз, Эшон ака!— деди Юсупов яна ҳам қайнаб, шеригининг елкасини маҳкам қисиб ўзига тортаркан, Бузрукхўжа беихтиёр унга қаттиқ ўгирилиб, тиззаси машинанинг олдинги ўтиргичи орқасига урилди, кейин тиззасининг кўзи қаерда, нимадан кўкарганини эслаёлмай юрди. Юсуповнинг қайнаб гапирishi уни шунчалик маҳлиё қилган эди.— Ҳа, Эшон ака, Ленин башоратини биринчи бўлиб амалга оширяпти ўзбек халқи. Мундоғ ўйлаб кўрини-а, қандай катта бахт бу!

Тўғри. Инсоният тарихи халқнинг бу сингари оммавий қаҳрамонлигини билмасди ҳали. Ҳатто Совет Иттифоқининг ўзида ҳам бунақангиси кўрилмаганди. Ўзбек колхозчилари, бутун халқ бошлаб берди бун.

Усмон Юсуповнинг қувончи ва фахри Бузрукхўжага аён эди. Юсупов иш жараёнида катта қатламга қўл урадиган дадил ходим эди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари вазифасига келгандан бери бу унинг бошлаган биринчи улкан иши эди. Бу ишга «йўл очиш», бунга рухсат олишга у оз куч сарф қилгани йўқ.

III

Бу улкан қурилиш бошланмасдан бир йил олдин, 1938 йил ёзида Йўлдош ота Охунбобоев Избосканга келди. Район Ижроқўм раиси Бузрукхўжа Усмонхўжаевга, ўз одатича, ҳазил-мутойиба билан:

— Хабарингиз борми, Бузрукхўжа?— деди қўл узатаркан.— Поликлар катта йиғин олдидан улоқни ўзлари бошлаб юборишибди. Отлари жуда учқур, чавандозлари жуда чапдаст экан. Пойганинг оёғида қолиб кетмасанглар тагин деб қўрқаман. Тебани қўйиб бедов боқинг бу улоққа, Бузрукхўжа, — деди-ю қаҳқаҳлаб кулди.

Йўлдош ота гапни ҳазил-аския билан бошлайдиган донишманд одам эди. Унинг шамаини райижроқўм раиси тушунди. У ҳам ҳазилга ҳазил билан жавоб қилди:

— Иккаламиз минган тулпорнинг зоти бир, тебалашиб борсак ҳам узоққа етармиз, Ота,— деди.

Йўлдош ота кула-кула воқеани баён қилди: попликлар ўз ташаббуслари билан тўққиз километр узунликда ариқ қазинибди, бу сувда олти юз гектар ер суғорармишлар.

— Биласизми, Бузрукхўжа, сув учун бошланаётган катта жангнинг, умумхалқ юришининг шаббодаси бу, ҳамир ундан патири. Юсунов улар тўдасида қолди. Кекса деҳқонлар билан кенгашиб, улар тажрибасини ўрганяпти, уйма-уй кириб юрибди. Ҳа, халқ юриши бошланди дейверинг.

Кейин орадан сал ўтмай, шу йилиёқ Фарғонада Лонгон каналини қазини бошланди. Тўғри, бунга областнинг бошқа районларидан ҳам кўп одам келган эди. Ўшанда Юсуновнинг одамлар орасида юрганни, улар билан суҳбат қуриб, ҳазил-мutoйиба гап айтиб уларнинг кўнглига ўт ёққанини кўриб Бузрукхўжа ҳайратда қолган эди.

1939 йил. Фарғонада катта кенгаш бўлди. Ҳамма районлардан одам келган — партия ва совет активлари, колхозларнинг раислари, колхоз қурилишининг саркардалари йиғилди. Йўлдош ота Бузрукхўжанинг ёнидан жой олди. Ўз одатича, ҳазил аралаш ўша гапни яна қайтарди:

— Қалай, отларингиз боқувдан чиқдими бу улоққа? Соврини катта, Эшон, бўшашманг аммо. Эсингиздами, айтувдим-ку, катта жангнинг шаббодаси бу деб? Бошланяпти!..

Шу орада минбарга Усмон Юсунов кўтарилди. Минбар қирчиллаб кетди. Бузрукхўжанинг назарида у ҳаяжонланаётгандай. Ҳаяжонини босиб учундир балки, секин, вазмин гап бошлади. Донмо ўзига ишонган, абжир, шахтли Юсуновга ўхшамас эди у ҳозир. Ногоҳон Бузрукхўжанинг ўзини ҳам ҳаяжон қамради: айтишга осон, ҳазил ишининг бошини тутаяптими улар! Бутун оламга доврўқ солишяпти, бирданига.

Лекин Усмон Юсунов Бузрукхўжанинг ҳам, ўз кўнглини ҳам иштибога солган шубҳани бирданига тарқатиб юборди. Ахир, халқнинг сув учун олиб борган кураш ва тажрибалари жамланган, таҳлил қилинган. Йигирманчи йилларда, Совет ҳокимияти, ҳали ёш ва тажрибасиз йилларда бошланган эди, ўшанда Йўлдош Охунбо-

боев батрак-камбағалларга бош бўлиб, Асакасойдан Марказий Фарғона чўлига канал қазитган эди.

Лекин у дастлабки қалдирғоч эди. Сувга ташналикни босиш, катта ерларни очиш, деҳқончиликни олға элтиш ишига киришмоқ зарур эди.

Сув, сув... ариқларда жилдираб деҳқон экинига етиб келолмасди сув. Экинлар қовжирар, ер тарс-тарс ёрилиб ётарди. Қулоқ бошларидаги қонли олишувлар, сувни деб бир-бирини ўлдирishлар... Бир кун, айни саратонда, Бузрукхўжаларнинг қишлоғидаги камбағаллар бойга қарши бош кўтардилар; бу жанжални текширишга Снявский келган, ўшанда у ёш инженер эди. Ўша киши, Клавдий Петрович, ҳозир катта кенгаш президиумида ўтирибди. Ўшанда, подшо замониди ёш инженерни адолатли бўлганлиги, деҳқонлар эҳтиёжини тушунгани учун халқ ҳурматларди. Деҳқонлар унинг олдига — Андижонга пиёдалаб тез-тез бориб турардилар. Аммо ўша замонда, сув хусусий мулк бўлган ўша ноҳақлик даврида унинг қўлидан нима келарди? Клавдий Петрович сира иккиланмай инқилобни ёқлади. Мана энди ҳам ҳеч иккиланмай, катта канал қурилишини ёқлади. У энг масъулиятли участка — Куйганёр бош тўғонига бош инженер.

Усмон Юсупов энди ишонч билан товушини баланд кўтариб гапирарди. Гўё залда момақалдироқ акс-садоси янграрди.

— Большевиклар партияси бизнинг зиммамизга буюк вазифани, кечиктириб бўлмайдиган вазифани, сув танқислигини йўқотиш вазифасини юкледи. Бу вазифани жуда қисқа муддатда ҳал қилишимиз зарур, ўртоқлар! Бунинг тез ҳал қилмас эканмиз, чўлларга ҳаёт сувини етакламас эканмиз, ҳосилини, айниқса пахтани кўпайтириб бўлмайди, икки оёқлаб оқсайверамиз. Партия ўзбек халқининг жасоратига ишонади. ВКП(б) Марказий Комитети Катта Фарғона канали лойиҳасини тасдиқлади...

Усмон Юсупов ВКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюросининг қарорини ўқиб берди. Унинг нутқини жим эшитаётган зал бирданига бошланган гулдурос қарсақлардан гўё титради. Юсуповнинг ўзи ҳам қаддини баланд кўтарганча қарсақ урарди.

Бу қарорни чиқарилган осонгина эришилгани йўқ. Москва, ҳатто Сиёсий бюро аъзолари орасида ҳам бу ишнинг муваффақиятли тугашига ишонқирамаган кишилар бўлди. Усмон Юсуповнинг секретарлик вазифасига

сайланганига ҳали кўп бўлгани йўқ, нима иш билан ўзини кўрсатибди. Тўғри, у ишчан, бироқ ишда тезоб. Фикри кенг, чуқур қатламга қўл уради. Аммо у таклиф қилган иш гўё хаёлий гапга ўхшарди. Икки ойдан оз вақт ичида икки юзу эллик километрни қазиб бўлиш, тагини қўл кучи билан! Чиндан ҳам бу Шарқда кўпроқ машҳур бўлган афсоналарга ўхшаб кетарди. Жаҳон суғориш тарихи ҳали бунақангисини билмайдн. Хўш, инсоният тарихи ишчи ва деҳқонлар, давлати барқарор бўлганини билармиди? Шундай экан, бизлар нимага жаҳон суғориш тарихида ҳам биринчи бўлмайлик?!

Нотиқ сўзнда давом этди:

— Ораминда канал қазилишигагина эмас, каналга ҳам ишонмайдиганлар бор, ўртоқлар. Уларга: «Хўш, айттинг, нимага ишонмайсиз, шубҳангиз нимада?» деймиз.— «Канал-ку қазилар, халқимизнинг қудрати етади бунга. Аммо сув оқармикин, тагига тортиб кетмасмикин?» дейишади.— «Ахир, ота-бобо замонидан бери оқаётган ариқ, анҳорлар оқиб турибди, тагига тортиб кетгани йўқ-ку? Ақалли Логон канали ҳам шубҳаларинингизни ёзмадими?» деймиз.— «Оқяпти, тўғри, бироқ Катта Фарғона канали катта, кўп қалтис жойлардан ўтади. Бетон қилинмаса кўпгина районлар ботқоқ бўлиб кетмасмикин? Шу шубҳа тўғри» дейдилар. Олимлар, мутахассислар, кекса деҳқонлар фикрига қулоқ солинг, деймиз уларга...

Усмон Юсупов минбарни қаттиқ муштлади-да, давом этди:

— Улар қўрқоқ, каналдагина эмас, ўз фикрларидан ҳам ҳадиксирайдилар. Чўчнймиз деб очиқ айтмайдилар, аммо шубҳа ёядилар. Улар жавобгарликдан қочадилар. Бу хил одамларга айтиб қўяйлик: шубҳалари тарқагунча халқ ҳаракатидан ўзларини четга олиб тураверсинлар. Аммо одамлар орасида бир гап юрибди. Бу руҳонийлар, қулоқларнинг қолдиқлари чиқарган гап. Нима денглар-а: сув қиблага оқмасмиш! Улар шу билан одамларни канал қазилишга чиқишдан қайтармоқчи. Бу эски ашула: уларни халқ орасида шармисор қилиш керак!

Залда яна қарсақлар янгради.

Колхоз раиси Полвон Қозоқов сўз олганда раислар жонланиб, бир-бири билан шивирлаша бошлади:

— Қиблага оқмаганига қўймаймиз! Йўлнинг топса тоққа ҳам чиқади сув!— деди у баланд товуш билан.—

Нориннинг Қорадарёга келиб қўшиладиган жойпдаги энг қийин шалолани бизнинг колхозимиз битказди. Семону сии берилса, инженер тепамизда турса бас!

Полвон аканинг сўнгги сўзлари гулдурас ва қийқириққа қўшнииб акс-садо берди. Колхоз ранслари шалолалар қурилишини, энг қийин участкаларни талаб қилишди.

Шу кенгашда канал трассаларининг участкалари ажратилди, уларнинг бошлиқлари, бош инженерлари тайинланди. Снявский бош тўғонга — Қуйганёрга бош инженер бўлди. Бузрукхўжа Усмонхўжаев Избоскан райони ҳиссасига тушган еттинчи участкага бошлиқ қилиб тайинланди.

Одамлар кўнглида зўр тўлқин мавж урар, чехраларида хушвақтлик, ҳаяжон кўринарди. Ҳа, улар қадимий афсонани ҳақиқатга айлантириш учун ғайрат отига минган эди.

— Айтмовдимми бошланади деб, Эшон. Сув учун буюк жанг бошланди!— деди Йўлдош ота Охунбобоев унинг елкасига қоқиб.— Мана энди Бузрукка дам беринг, тулпор мининг.

— Олға, ўртоқлар!— деб хитоб қилди Юсупов.— Сув учун улуг юриш бошлаймиз. Олға!

IV

... Бош тўғон. Усмон Юсупов билан Усмонхўжаев етиб келганда бу жой чумоли уясига ўхшарди. Одам, одам — саноғи йўқ одам. Худди саралаб олиб келингандай ҳаммаси навқирон, забардаст йиғитлар. Улар улкан-улкан харсангларни орқалаб пастликка турна қатор тизилишиб тушар, тўғон заминига улоқтирар, орқага жадал қайтарди-да, пешаналаридан маржондай оқаётган терни сидириб ташлаб, яна харсанг орқаларди.

Норин айқиради, муваққат изда тик қирғоққа сапчийди. Тўғончилар уни жиловлаб иш майдонидан нари буриб ташлаган. У эса ўкиради, кўпик сочиб пишқиради. Ҳеч кўрилмаган бу «ўзбошимчаликдан» жиғибийрон, қирғоқни ўпирмоқчи, дамига келганини ютмоқчи. Аммо асов дарё ўзига тайёрланаётган бетон кишанлардан хабарсиз.

Усмон Юсупов иш майдонини айланиб, одамлар би-

лан суҳбатлашиб чиқди-да, Бузрукхўжани боши дарёга энгашиган қояга эргаштириб келди, ўзи чўккалади, Усмонхўжаев унинг ёнига ўтирди.

Дарё тўлқинланиб гўё қутуриб қояга урилмоқда. Қизиқ, Қорадарё аллақачон жимиб, суви ўзанига тушиб кетгану Нориннинг ҳайқириги бўшашмайди. Ҳозирча асовланиб туради, аммо ҳадемай, ўз сувининг бир қисмини синглисига беради, шунда ёввошланади.

— Биласизми, Эшон ака?— деб сўради Усмон Юсупов, Норин шовқини халақит берганидан қаттиқ товуш билан.— Ленин халқимизнинг сув тўғрисидаги асрий орзусини тушунган ўша вақтдаёқ. Ҳайрон қоларлик-а? Эсланг-а, уруш боряпти, очарчилик, мамлакат вайрона, интервентлар бостириб келяпти... шундай оғир дамда у Мирзачўлни сугориш, ўзлаштириш тўғрисидаги декретга қўл қўйган. Бу ишга маблағ ажратган. Маблағ, ўйлаб кўринг-а! Ҳамма ёқ вайрона, очарчилик ҳукмрон бўлиб турган вақтда! Биз буни унутмаслигимиз керак. Биз Илчининг ворисларимиз. Ҳаёт олға, бетиним, жадал бормоқда: биров қутлуғ бир иш бошлаб беради, бошқаси давом эттиради. Сиз Дўнонни биларсиз?

Унинг катта бармоғи Бузрукхўжанинг кўкрагига тиралди. Усмон Юсупов ҳамсуҳбатининг эътиборини ўз фикрига жуда қаратгани келса, доимо шундай қиларди.

— Дўнонни ким билмайди? Унинг шуҳрати ва ташаббуси бутун трассага маълум.

— Ана шундоқ!— деди Юсупов суюниб.— Дўнон Дўсматов шу норинлик оддий бир колхозчи. Саводи ҳам йўқ, ҳали кўп нарсага тушунмайди. Аммо у энг асосий гапни — отаси, бувалари сувни, ерни сувга қондиришни орзу қилганларини, у ота-боболари орзусини ушатаётганини тушунди. У мусобақа ташаббускори бўлди. Алексей Стаханов сингари. Бу қонуний бир ҳол. Тушунгандирсиз?

Унинг бақувват бармоғи Бузрукхўжанинг кўкрагига яна тиралди.

— Ташаббус ташаббусни тугдиради. Унга, халқ ташаббусига мадад беринг, у қанот рўстлайди, парвоз қилади!— У чанг босган этини соғинада ўрмалаб юрган қўнғишчани бармоғи билан чертиб юборди, у қоядан парига, тупроққа бориб тушди. Унинг тупроқда эгрибугри из қолдириб қочишга қараб турди-да, сўзида давом этди:— Ҳайронман, баъзи ўртоқларимиз халқ

ташаббусининг қудратли кучини тушунмайдилар ёки тушунгилари келмайди. Даъволарига қаранг: «Бундай канални кетмон билан қазиб бўлармиди? Қазиганда ҳам, сув оқизиб бўпсан, тагига сингиб кетади. Тентаклар! Халқ меҳнати беҳудага кетади! Халқ маблағи ҳавога учади!» эмиш.

Бузрукхўжа беихтиёр кулиб юборди, Юсупов «баъзи ўртоқлар» деган сўзни киноя билан жуда ўхшатиб айтган эди.

— Ўз шубҳаларини Москвагача етказишди-я.

Шубҳачиларнинг даъволарини чиппакка чиқариш осон бўлмагани эсига тушди шекилли, Юсупов қошини бир чимпрди-ю, лекин дарҳол чеҳраси яна ёришди.

— Уларнинг ўзлари тентак, Эшон ака! Катта Фарона каналдан улар сув ичадилар. Аммо уларнинг болалари эса оталарининг шубҳаларини билмайдилар, билмаганлари яхши, улар канал сувидан тўла баҳраманд бўладилар.

Юсупов бир оз жим қолди. У ниманидир ўйлар, чўккалаб ўтирган жойида тебранарди.

V

— Биласизми, Эшон ака, бугун мен нега бунчалик ҳаяжонланиб, тўлиқиб гапирдим?— деб сўради у, ҳийла жимликдан сўнг.— Кеча бир ҳодисани кўриб, қаттиқ хафа бўлган эдим. Марғиловдан канал изи бўйлаб Қўқонга бордим. Ундан тўқай-қумтепаларни оралаб Ғурумсарой даштига ўтдим. Куйиб ётибди ер: ғўзаси бир қаричлигида қовжираб қолибди, буғдойи учиб кетибди. Жўр-тўрғайлар ҳам: «Сув! Сув!» деб нола қилади осмонда. Юрагим орқамга тортиб кетди. Дарё бўйига, қишлоққа тушиб келдим. Уйлар хароб, кўни эгасиз, деворлари қулаган, хувиллаб ётибди. Машинадан тушдим: раҳналардан ўтиб, ҳовлима-ҳовли боравердим. Ярим нураган бир пешайвон тагида чўзилиб ётган бир нимага кўзим тушди, этим жулжиб кетди: нима бу? Яқин бордим: одам, мўйсафид одам! Тагида эски якандоз, боши болишдан сирғалиб ияги ерга тиралиб ётибди. Ияги олдида бир коса суюқ ош. Афтидан, раҳимдил бир қўшни қўйиб кетган буни. Чол шу ошга энгашгану мадори етмаган, ҳушидан кетган бўлса керак.

Юсупов жим қолди. Бошини хиёл эгди, ё кўрганларини яна кўз олдига келтирди, ё шунчаки Нориннинг ҳайқирғига қулоқ солди. Бузрукхўжа у похуш ҳикоясини тугатди деб ўйлаганди, йўқ, Юсупов давом этди:

— У ёқ-бу ёққа қарадим: уйда ҳеч ким йўқ. Чолнинг бошини биллагимга олдим: тирик, рамақи жони бор. Кейин чақириб, машинадан термосдаги чойни олдириб келтирдим: чолнинг оғзига иссиққина чой томиздим. Хийладан кейин у кўзини очди. Яна чой ичирдим, хиёл ўзига келди: «Кимсиз, болам?» деб сўради. Ўзимни тапитдим. Мен сўрадим: ўзингиз кимсиз, нимага якка бу аҳволда этибсиз, ҳеч кимингиз йўқми? Улай агар, Эшон ака, у чол кўз олдимдан сира кетмайди!

— Чолнинг нурсиз кўзларини ёшланди,— деди у сонига муштлаб.— Кейин гулдираб-гулдираб гапириб берди: камшири шу баҳорда вафот этибди, биттагина ўгли, келини бор экан. Уларни ўз ҳолига қўймай Тошкентга жўнатибди: «У жойнинг суви сероб, мен тортган ташналикни сенлар тортма, куним битса, мени буving ёнига кўмишар», дебди...

У яна жим қолди, Бузрукхўжа яна, у ҳикоясини тугатди, деб ўйлади.

— Чолни, Эшон ака, Қўқон касалхонасига юбортирдим. Уни даволаб тузатишар балки. Шифо топиб қайтса, қишлоғидан суви тўла канал ўтганини ўз кўзи билан кўриб, ўгли ва келинини чақиртириб олар... Аммо Эшон ака, мен ярим нураган шу айвонда тик турганим ҳолда, халқимни албатта сувга сероб қиламан, деб қасам ичдим. Мени халқим всяга етказди, мени шунчалик масъул ишга халқим кўтарди. Унинг асрий орзусини энди мен ушатишим керак. Агар шу вазифанинг улдасидан чиқолмасанг. Усмон,— дедим ўзимга ўзим,— партия билетингни топиш, вазифангдан кет. Сенинг ўрнингни бу ишни уддалайдиган бошқа киши олсин!

Ҳикоя хотимасидан ҳайратда қолган, ҳаяжонга келган Усмонхўжаев жим ўтирарди. Бирон сабаб ё иш вазидан Усмон Юсупов билан кўп кишилар учрашган. У кескин, сўзида собит одам бўлиб, қўрқоқлик ва бачканаликни жуда ёмон кўрарди.— Икир-чикирга ўралашиб, ўзини айбсиз сақлашга урингандан кўра, катта ишнинг бошини тутиб хато қилган яхши. Ер очсанг бир йўла ҳали қўл урилмаган улгуржа қўриқ оч,— шу гапни у гўё шиор қилиб такрор-такрор айтарди. Бачкана одам-

лар унинг кескинлигидан нолирди, шижоатли кишилар унинг бу кескинлиги ва сўзида собитлигидан фахрланардилар. Аммо у ҳар кимга ҳам ана шу тарзда, юрак очиб гапиравермасди. Бировга ҳамдард бўлиш, омманинг манфаати билан яшаш ҳар кимга ҳам насиб бўлавермайди.

Усмонхўжаев Юсупов билан бош тўғонга қилган ўша сафарини, тагида Норин айқириб ирғишлаган қоя устидаги ўша суҳбатни кейинчалпк кўп эсларди. Буни Ўзбекистон коммунистларининг бошлиғи Усмон Юсупов қанақа одам бўлганлигини бошқаларга гапириб бергиси келганда эсларди. Эски қадрдонлари — каналчилар билан ўтиришиб қолганда эсларди. Бирон нимадан хафа бўлса, ишида чалкашлик туғилса Бўзрукхўжа ака, катта дўстим Усмон бу масалага қандай қараган бўларди, деб ўйлайди-да, жуда тўғри қарорга келади.

Булар орадан анча йиллар ўтгандан кейин эди. Аммо ўшанда жуда кўнгилли бошланган сафар охири ёмон фожиа билан тугаган эди.

Улар Хайринисо Боқибоева участкасига боришни жазм қилишди. Усмон Юсупов йўл-йўлакай, янги режалари, орзуларини ҳикоя қилди. Саҳродан шу сафар ўтганда ҳайратда қолганини айтди, охирини кўз илғамас янтоқзорлар, қумтепалар, бетини туздай шўр қоплаган чўл, бу қерда денг-а? Фаргонанинг киндигида!

— Ҳечқиси йўқ. Катта Фаргонани қазиб, сув оқизайлик, кетидан Шимолий Фарғона каналига киришамиз. Энди унча қийин бўлмайди, тажрибамиз бор, халқнинг истаги ва азим-қарори маҳкам. Шубҳачилар эса камаяди. Халқ қурилишларининг қудратли тўлқини уларни йўлдан олиб ташлайди.

Гапини аллакимдан сир тутгандай, шеригининг қулоғига қичқирди:— Тошкент атрофида, Чуст ва Косонсойда янги канал ва сув омборлари қуриш лойиҳаси тайёрланяпти. Кейин эса Зарафшон водийсига ўтамыз...

Бир оз жим қолиб, сўзига илова қилди:

— Бизнинг Йўлдош ака Охунбобоев сингари киши ёнингда бўлгандан кейин нималар қилгинг келмайди, Эшон ака. Оддий одам қалбига ҳеч қайсимиз у киши сингари йўл тополмаймиз. Мен ундан ўрганаман, Эшон ака. Халққа хизмат қилишни ундан ўрганиш керак... Сизга ҳам маслаҳат. Донишманд одам, қаёққа бормасин, одамлар юрагига ўт ёқади.

Машина туйқисдан қалқиди, Усмон Юсуповнинг биз қилиб бораётган бармоғи Бузрукхўжанинг кўкраги оша томоғига қадалди. Иккаласи ҳам қаҳқаҳлаб кулиб юборишди.

VI

Қуёш тоғ чўққисидан ошиб кетди, доимий қор бетига кўкимтир-қизғиш жило ёйди. Водийга қоронғилик туша бошлади. Улар Хайринисо участкасига етиб келганларида ҳамма ёқда қоронғи кеча ҳукмрон бўлган эди. Трасса бўйлаб машъалалар ёнарди. Ҳар куни бу маҳалда музика садолари ва қўшиқ янгради. Ҳозир эса на музика, на қувноқ қўшиқ эшитилади. Заранг ерга урилган кетмонлар уни чиқмайди. Одамлар ишламасди. Уларнинг ғазабнок, азали, саросимали юзлари машинадан кўриниб турарди. Баъзилари қўлларининг орқаси билан кўзларини артарди. Шофёр машинани тўхтатиб улгурмай Юсупов сирғилиб тушди-да, улар томон югурди. Бузрукхўжа ҳам кетидан чопди. Одамларнинг: «Қотилга ўлим!», «Ўлим!» деган қаҳрли товуши энди баралла эшитила бошлади.

— Нима гап, ўртоқлар?— деб сўради югуриб бораётган Юсупов.

Бир лаҳза жимлик чўкди, одамларнинг ўзларини зўрға босиб слаётган нафасигина эшитиларди. Биров жавоб қилди:

— Эндигина Лутфини эри сўйиб қўйди...

Ногоҳон гўё тугён кўтарилди. Юзлаб товуш барава-рига: «Ўлим, қотилга! Ўлим! Ўлим!» деб қичқирарди.

Юсуповнинг юзи қаҳр-ғазабдан оқариб кетди. У тугилган муштиги баланд кўтарди, шовқин пасайди.

— Қотил жазосини тортади, ўртоқлар! Партия номидан сизларни ишонтириб айтаман: бу қотилнинг ўзигина эмас, бошқалари ҳам жазоланади. Қотиллардан ҳам, уларни бу ишга йўллаганлардан ҳам қасос оламиз. Бурчак-бурчакда писиб ётган қора куч қонли қўлини чўза бошлади. Душман, худонинг қаҳрига учрайсанлар, деб ҳеч кимни қўрқитолмаслигини энди яққол кўрди. Қотилликка киришди. Ўлимга ўлим! Уларни халқ ҳукм қилади, сизлар ҳукм қиласиз, ўртоқлар. Бизни қўрқитолмайдилар! Душман хуружига меҳнат зафари билан, канални тез битказиш билан жавоб берамиз!

Юсупов одамлар кўнглига ўт ёқишни биларди: машъалалар ёруғида баланд кўтарилган кетмонлар ялтирай бошлади, лўмлар заранг ерга урилиб гумбурлади. Фожиялп хабардан юраги эзилган Бузрукхўжа бошини эгиб жим турарди, тўкилган бу қон унинг эсига йигирманчи йилларни туширган эди. Ушанда ҳам бойлар, руҳонийлар қон тўкишга уриниб кўрган эдилар. Босмачилар ҳаракатини ташкил қилиб инқилобни бўғиб ташлаёлмагач, улар бурчакларда писиб одам сўйган эдилар. Бузрукхўжанинг ўзи ҳам хатарда, пичоқ дамида юрарди. Бироқ унинг жонига қасд қилиш йўлини тополмадилар. Унинг халқ орасида обрўйи катталиги, абжирлиги ва ботирлиги уларни чўчитган эди. Аммо унинг боғдодлик дўсти Мадғозини қийнаб ўлдирдилар.

Мадғози қишлоқ шўросининг раиси, ўт-олов йигит эди. Биринчи шеркатни у тузганди. У чигит келтириб эктирди. Илгари пахтага бойларгина хўжайин эди, энди эса гўза ундириб, ҳосил етказган деҳқонларнинг ўзлари хўжайин бўлиб олдилар. Шунинг учун ҳам бойлар, мулла ва эшонлар деҳқонлар етакчиси бўлган бу йигитни йўқотишга қасд қилдилар.

Бир куни Мадғози даладан қайтиб келмади. У кечаси дала йўлида якка келаётганда қўлга туширилди. Эртаси кун унинг қиймаланган жасадини зовурдан топишди. Қотиллар Мадғозининг тилини кесиб олишибди — мурданинг тилидан қўрқишибди. Қотилни топиб бўлмади. Синфий курашнинг оғир йиллари эди. Деҳқонлар онги бунчалик эмасди ўшанда. Қотилларни айтишга билганлар ҳам ботинолмаганди. Мадғозининг ўлдирилганига жуда ҳам кўп йил бўлгани йўқ. Аммо ўша деҳқон ўзгарди. Лутфининг қотилига ҳамма барабар ўлим талаб қиляпти...

Улар участка чодир тиккан жойга келишди. Учоқ ёнида Лутфининг қонга беланган жасади ётарди. Дугонаси бошида Хайринисо бошини эгиб, йиғлаб ўтирибди.

«Оҳ менинг маликаларим!» — кўксини алам қисиб ўйлади Бузрукхўжа. Ҳали, кундузигина иккаласи трасса бўйлаб юрвди, — қувнаб, яйраб. Ёш ва гўзал. Шу бугун эрталаб Юсупов уларни маликага қиёс қилган эди. Мана энди бири ўлиб ётибди, иккинчиси ҳам эзиб унинг бошида ўтирибди.

Бу ерда ҳам кўп одамлар туйқис фожиядан саросимага тушган эди. Юсупов бу ерда ҳам халқни уюшти-

риш, бириктириш, улар қалбида ғазаб ўтини ёқиш йўлини топди. Душманга энг тўғри жавоб қилиш, ундан ўч олишнинг энг тўғри йўли — канални тез қазиш, тез битказиш; бу канал ҳалок бўлганлар ёдгорлиги бўлиб қолади. Одамлар ишга қайтишди.

Ўз-ўзидан бошланган бу мотам митингидан кейин Усмон Юсупов анча жим қолди. Унинг авзойи жуда ўзгарган, вужудига ғазаб тўлган, оғир тебранар, қаттиқ туғилган мушталарини бир-бирига урарди. Хийла шу ҳолатда жим турди, кейин бўғиқ, ғамгин товуш билан:

— Биласизми, Эшон ака, кеча Қўқонда бир артист жувонни ҳам пичоқлаб ўлдиришди... аблаҳлар! Разиллар!— деди у мушталарини бир-бирига яна ҳам қаттиқроқ уриб.— Улар разиллик йўлига тушган эканлар, жонга жон! Халқ ҳукми шу.

Яна жим қолди. Бир оздан кейин давом этди:

— Сиз, Эшон ака, Норинга одам юборинг. Мен бошқа участкаларга бораман. Ҳамма жойда митинг ўтказамиз. Қотил халқ қаҳрига учрайди. Қотилга ўлим!

VII

— Ҳа, ҳаёт оқими шундай,— деди Бузрукхўжа ака ўз хотирасини тўхтатиб.— Ҳаёт оқими дарё — вақт дарёси. Уша вақтдаги навқирон йигитлар энди ҳурматли оқсоқол. Ушанда энди тиши чиққанлар энди айни кучга тўлган навқирон. Ҳаёт оқими ана шундай, дарё каби оқади...

Равондан беқиёс гўзал манзара — тунги дарё, қирғоқлар манзараси кўринади, сувда чироқлар акси милтиллайди, гўё юлдузлар дарё тубига чўккан, кўз пирпиратади. Парвоналар ўзини чироққа уради: бири куйиб ерга тушса, минги ёпишади. Ҳаёт. Инсон унга парвона. Тўлқини сиртида қулоч отади, жон фидо қилади. Шу ҳаётни деб ўзини ўтга уради, ёлқинини қанот қилиб...

Дарёдан салқин шабода эсади. Усмонхўжаев хиёл қунишди — бу тунги салқин еллар куз дарақчиси.

— Менинг қизим канал қазилиб бўлган куни туғилган,— деди Бузрукхўжа ака фикрини давом эттириб.— Трассада умумхалқ байрами эди. Қурувчилар, уларнинг хотинлари, болалари байрами. Қолхозда қолиб уч кишининг ишини қилган колхозчилар байрами. Мамлакат-

нинг ҳамма ёгидан меҳмонлар келган. Артистлар... Ўша куни мен участкага кечикиб келдим. Келсам, Йўлдош ака Охунбобоев шу ерда. Ҳар галгидай ҳазиллашиб: «Ўзи нима гап, Эшон, биз Бузрукникига тўйга келдигу ўзлари йўқ, аллақерда ўйнаб юрибди?» дейди. «Суюнчига келдим, ота, суюнчига, қизалоқ кўрдик» дедим. «Яхши,— деди суюниб.— Жуда яхши. Номини нима қўйдиларинг?»— «Ҳали от қўйганимиз йўқ, Ота» дедим. «Ўндоғ бўлса, Бузрукхўжа, отини биз қўйиб берайлик, қиммат сўрамаймиз, жамбил солинган бир коса қайнатма шўрва кифоя» дейди кулиб. «Сиз от қўйиб берсангиз, жуда хурсанд бўламиз» дедим. Йўлдош аканинг юзи жиддийлашди: «Қизингизнинг номини улуғ канал номи билан атаймиз — Каналхон бўлсин!» деди.

Бузрукхўжа ака мулойим жилмайди.

— Ҳозир Каналхон йигирма тўққиз ёшда. Муаллима. Ундан икки набирамиз бор... Фақат у эмас, Фаргона водийсида шу ном билан аталувчи тенгдошлари кўп. Биз, уларнинг оталари учун бу қурилиш бебаҳо эди. Унга оз куч сарфланмаган. Халқ меҳнати, халқ қони кетган бунга. Шунинг учун ҳам болаларимиз отини шу энг қимматли, бебаҳо ном билан атаганмиз.

Ўшанда ҳаётимиз шу канал билан боғлиқ эди, суҳбатларимиз, фикри ҳаёлимиз, режаларимиз у билан боғлиқ эди. Фақат ўзимиз эмас, бутун республика қурган бун. Бутун мамлакат. Бу эсимдан чиқмайди. Ўшанда трассани кўп айланар, одамлар билан кўп учрашар, улар билан суҳбатлашардим...

— Ўша қурувчилар, ўша ажойиб кишилар ҳозир қарда, биласизми, Бузрукхўжа ака?— сўрадим ундан.

Усмонхўжаев ўрнидан даст турди, коридордан мени эргаштириб, хоналардан бирининг эшигини очди-да, чироқни ёқди.

— Бизнинг музейимиз,— деди у ҳаяжон билан.

Унинг ҳаяжони менга ҳам ўтди. Гўё орадан ўттиз йилча вақт ўтмаган, гўё бизга ўша ёшлик яна қайтиб келган — ўша таниш чеҳралар девордан қараб турибди. Бу ҳам Усмон Юсуповнинг ташаббуси — «Авлодларимиз, набира ва чевараларимиз дарёларни бир-бирига туташтириб уларга бу катта сувни олиб келган кишиларни, ўша қалби дарё кишиларни билиб олсинлар бундан».

Фотосуратлардан бири олдида тўхтадим — барваста, адилқомат бир йигит дарё лабидаги баланд қоя устида канал байроғи тикмоқда; у пешонасини маҳкам танғиб олган, ёзувини ўқимаёқ танидим: Дўнан Дўсматов. Ўшанда одамлар ҳаракатини дарёнинг таг оқимидек тезлатган девкор йигит. У ҳозир ҳамласи қояни йиқитган ўша йигит эмас, Ҳаққулободда ўз колхозининг муътабар кексаси, аммо ҳануз пешқадам пахтакор, ташаббусчиси ўзи бўлган халқ ҳаракати сероб қилган ерда пахта хирмонига барака қўшмоқда — у звено бошлиғи... Унинг бир ёнида — Полвон ака Қозоқов, иккинчи ёнида — Абдусамад ака Холиқов — колхоз йигитлари кучи билан қурилган ажойиб шалолаларнинг ўша бошлиқлари, ўша омилкор, ташкилотчи раислар. Улар ҳозир халқ иззатида, ўз колхозларида ёшларга маслаҳатчи. Катта Фаргонанинг йигирма беш йиллигида тўйхона тўрида ўтиришди...

— Ана шундай... Ҳаёт оқими ана шундай...

Бузрукхўжа ака яна ўша сўзини такрорлади. Аммо менинг фикри хаёлим бу ёқда, девордаги суратларда. Ҳа, музейдаги суратлардан мен кўп кишини танидим. Уларнинг кўпи билан ҳали йўлда учрашаман.

Мана, булардан бири: Топиболди Жўраев — қотма, чайир киши. Ўттиз йилча бурун у Бош тўғонда комсомол ёшлар етакчиси, уларнинг юрагини оловлантирган бригадир эди. Ҳозир олтимишдан ошган, бу кекса коммунист канал миробларидан, ҳали-ҳали ўзи келтирган катта сувни етаклайди, унинг етагида борган сув билан Ёзёвонда яшил қишлоқлар бунёд бўлди. У туғилиб ўсган Бесаран — Тақир қишлоқ — водийнинг қадимий боғ-роғларига туташган. Ўша собиқ тақир ерлар, қумтепа ва шўртепалардан қанча минг тонна пахта ундирилди, боғларидан қанча олма ва шафтоли узилди, полизларидан қанча тарвуз ва қовун йигиб олинди, — бунинг ҳисобини ким қилибди! Бу ҳисоб ўрнига Топиболди ака ўша сув келган кунни эслаб, кўзлари йилт-йилт кулиб деди: «Сув келди, сув эмас — Ҳаёт келди, кокилларин силкитиб қизил ёноқ қиз келди». — «Шонрона гап, шеър ҳам тўқир-сиз», дедим. Бу менинг сўзларим эмас, йўқ, Йўлдош ота Охунбобоевнинг сўзлари. Каналга дастлаб сув боғланганда, шу Бесаран далаларида ариқ-ариқ сув оққанда,

Ота раҳматлик унп шу сўзлар билан табриклаган эди... чўлнинг шу кунларига ишора экан бу гап.

Тақдир ва Инсон. Инсон ва тақдир. Оталари ишини болалари, набиралари давом эттиради. Ижодий ғайрат билан яшайди ўринбосарлар. Улар ўқиган. Оталари бошлаган ишни ривожлантиради, камолга етказди.

...Асака дукери — канал Асакасой тагидан ўтарди, кейин канал кенгайтирилганда дукерга сув сигмайдиган бўлиб қолди; канал бош инженери Михаил Иванович Кузьминнинг ақли бунга йўл топди: сой устига темирбетондан улкан нов қурилди, ҳозир Катта Фарғона дарёсининг суви ҳам сой устидан, ҳам тагидан ўтади.

Михаил Павлович Горбунов — катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. Бу кекса ирригатор участка гидротехниги. У канал қазилганда бешинчи участкада, кейин Шимолний Фарғона каналида прораблик қилди, кейин Норинда — Бош тўғонда катта техник бўлиб ишлади. Қирқ иккинчи йилнинг бошида урушга кетди, Белоруссия fronti ғолиб жангчилари қаторида фашистлар ини — Берлин кўчаларидаги жангларда қатнашди. Рейхстагга ғалаба байроғи тикилгандан кейин у яна ўз жойига — Катта Фарғона каналига қайтиб келди.

Халқ Фарғона янги дарёсини қазिश учун трасса бўйлаб тизилганда Тожиддин Ҳакимов энди еттинчи синфда ўқиётган ўсмир бола эди. У ҳам қурувчилар сафидан жой олди. Ер қазимоқчи, тош кўтармоқчи эди. Бригадир руҳсат бермади. Тожиддин кетмади. У ҳам хат ташиди, ҳам ҳордиқ дамларида каналчиларга газета-журнал ўқиб берди. Унинг бу ишига ҳеч ким қаршилиқ қилмади. Аксинча ҳамма унинг келишини орзиқиб кутадиган бўлди.

Унинг кўз олдида муъжиза — Навоий достонидаги афсона эмас, йўқ, чинакам ҳаёт муъжизаси юз берди... Янги дарё тўлиб оқди. Аммо Тожиддин унинг лабидан кетмади: сиртдан ўқиб, ишлади. Шу ерда севган қизини топди. Ҳозир беш боланинг отаси, Бош тўғон мудир.

Нуъмонжон Абдуазизов — ёш инженер, биринчи бўлим бошлиғи. Норин дарёсининг белига темир-бетон камарини боғлашни ихтиро қилди. Бунгача Норин суви каналга сепоялар, жуда кўп сепоя ташлаб чиқариларди. Машаққати қаттиқ, ҳаракати кўп эдию, каттароқ тошқин сепояни олиб кетаверарди. Энди дарё тошса шу остоналардан сакрайди, остоналар эса жилмайди. Нориннинг ўкириги кучаяди, холос. Шу камар бўлмаганда олт-

миш олтинчи йилги даҳшатли тошқин Бош тўғонни ҳам илиб кетарди. Қорадарё суви тагига тушиб, жилдираб қоларди, колхоз-совхоз далаларига сув етмас, экинлар эса қовжираб эди.

Бу гапларни менга Нуъмонжон эмас, йўқ, Бузрукхўжа Усмонхўжаев гапириб берди. Уларнинг ўзлари эса: ишлаб турибмиз, ҳаракат қиляпмиз, деб қўя қолишадди — одатда меҳнаткаш кишилар кам гап, камтар бўлишадди. Улар, мана бу ишни биз дўндирганмиз, демайди. Аммо Бузрукхўжа ака, талаб, зарурат туғилганда булар қаҳрамон бўлиб кетади, дейди. Бу ерда эса қаҳрамонлик кўрсатишга зарурат, талаб кўп туғилади.

Сувни кўпайтиришга йил сайин зарурат туғилади, канал ходимлари эса, канал сувини орттириш йўлини бетиним излайдилар. Норин суви Қорадарёга қўшилган эллик километрли канални кенгайтиришга зарурат туғилиб қолди, дастлабки каналга ёнма-ён янги канал қазидилар. Орада қолган майдонда эса боғ бунёд қилдилар. Чап қирғоғи кесилиб, Катта Фарғонанинг ўзи ҳам кенгайтирилди. Куйганёр тўғонни қайта қурилди... Зарурат тақозоси билан қилинган иш кўп, санаб адоғига етиш қийин. Рақамлар ёрдами билан айтиб қўя қолайлик. Қирқ-қирқ биринчи йилларда Катта Фарғона канали 218. 834 гектар ерни суғорган бўлса, эндиликда ундан сув ичаётган ер уч юзу ўн бир минг гектарга етди, шундан юз минг гектари Марказий Фарғона дашти.

Катта Фарғона канали кишиларининг иши ана шунақа. Афсуски, уларни бирма-бир кўрсатишга имконим йўқ, бутун бир китоб бўлади улар ҳаёти, иши. Мен бўлсам бир очерк ёзаяпман, холос.

IX

— Сувлар рақсини томоша қилганмисиз?— деди Бузрукхўжа ака, муғомбирона кулиб.

У хурсанд, эрталаб кун ҳали тиг урмасдан дарёнинг муздак сувида ювиниб келган, елкасида сочиқ, гоҳ мийиғига кулги югуради, гоҳ ниманидир хиргойи қилади. Қорадарё лабидаги катта хўжалигини кўрсатмоқчи, бу ерга оқшомда келган эдик. У деразадан атрофга боқади. Ташқарида оддий, аммо ўйлаб кўрилса, бу ерлар учун оддий бўлмаган манзара: пахтазор, олмазорлар, шинам уйлар.

Шу уйлардан бирида кекса ирригатор Умрзоқ ака билан танишдим. Бу ерда уни, сув ошиқларининг отаси, дейишади. Бунн ўзи ҳам тасдиқлайди: «Сувни, тўлиб, тошиб оққан сувни кўрсам кўзим қувонади, тўлқинида қулоч отсам кўнглим яйрайди». У Избосканда биринчи сув шеркатиини ташкил қилган, ўзи унга раис бўлган. Район сув хўжалиги бошлиғи бўлиб ишлаган. Кейинги умрини Катта Фарғона канали қурилиши, кейин эса унинг участка мироблиғи билан боғлаган. Кекса мироб ўн беш болаининг отаси. Етмишдан ошибди, тетик, бардам...

Умрзоқ акани, унинг сўзларини ўйлаб ўтирардим, Бузрукхўжа аканинг сувлар рақси ҳақидаги саволига дарҳол жавоб қилмадим.

— Сувларингиз, балки, музика ҳам чалар?

Бузрукхўжа ака қаҳқаҳлаб кулди.

— Ишонқирамаяписизми? Ҳозир кўрасиз.

...Тўғри, гўё рақс тушади сув: шалоланинг биринчи остонасига тушадию беқиёс кучга киради, иккинчи, учинчи остонага сакрайди, санчиб оппоқ кўпик сочади, шердек ўкиради — кечаю кундуз шу ҳол... Мен бу ажойиб манзарага тикилиб маҳлиё бўлиб қолибман.

— Бу олтинчи шалола,— деди Бузрукхўжа ака.— Эсингизда бўлса, Полвон ака Қозоқов қурдирган. Энди биз бешинчини бориб кўрамиз, униса яна ҳам ажойиб!

Бешинчининг олтинчидан нимаси ажойиблигини бир қарашда тушунолмадим — ўша сув, ҳайқирик, аммо бу ер гўзалроқ: гулзорлар, улкан электр станция биноси...

— Биз Чаёнтепа устида турибмиз... Эсингиздами?

Бу хунук ном. Эслай бошладим.

— Тўғри, — деди Усмонхўжаев, — бу ердаги қурилиш ишини Абдусамад ака ўз колхозчилари билан бошқарган эди.

— Тепа қани? Йўқ-ку ўрнида?

...Тепалик бор эди бир вақтлар. Ёнч-ёнч чаёну чумоли эди бу ер. Тепаликка ҳеч ким яқин йўламасди. Мол ҳам боқмас эдилар бу ерда. Қурувчилар ҳам ботинолмаган, кетмон уриб тепаликни бузишга журъат қиладиган азамат чиқмаган эди дастлаб.

Бир куни бу ерга Йўлдош Охунбобоев келиб қолди. Ингитларнинг тайсаллаб турганини кўриб, ҳазиллашди: «Омси бўлинглар-э, одамлар тоғ қўпоряптию, сизлар чаёндан кўрқяписизларми! Обод жойни чаёнинг таъби

қўтармайди. Гулбоғ, райҳонзор қилинлар, чаёндан нишон ҳам қолмайди. «Тинмағур ипсон қўли шу ерга ҳам етди, қани, зоти чаён бўлсанг қочавер!» дейдию, гумдон бўлади». «Қурувчилар хандон отиб кулишди. Отанинг ҳазили уларга шижоат бағишлади. Бирин-кетин чаён тепага кетмон урилди...

— Чаёнлар нима бўлди?

— Гумдон бўлди. Ростдан ҳам гулзорни хоҳламас экан улар.

Бузрукхўжа ака сув рақсини завқланиб томоша қиларди. Қўпикланиб сачраган сув қуёш ёғдусида қизариб учарди, шалола устини гўё қизғиш булут қоплаган эди.

Участка гидротехниги Саидумар Сайдахмедов чойга таклиф қилди. У бизни атрофи атиргул ва райҳонзор айвонга ўтқазди. Мезбонимиздан билдик: отаси эски Чаён-тепага биринчи бўлиб кетмон урган қурувчилардан бири экан. Узоқ йил шу ерда гидротехник бўлиб ишлабди. Пенсияга чиқиб, ишини ўғлига топширганига беш йил бўлибди. Саидумар ҳам умрини канал билан боғлаган — ўқишдан бўш вақтида болалигидан отасига боқишган, кейин мустақил ишлаган, кўп хил касб эгаси бўлиб олган — ҳозир эса гидротехник.

— Ҳаёт оқими ана шундай. Нима дедингиз? — Яна сўради Бузрукхўжа ака.

— Ҳаёт оқади,— деб унинг фикрини тасдиқладим.— Ҳаёт оқади, сув оқади, одамлар ерни ясантираверади, бирининг ўрнини иккинчиси босади. Ҳаёт оқими...

— Уринбосар...— деди Бузрукхўжа ака сўзимни олиб.— Ҳаёт оқими деганимда одамларнинг ўзгаргани— ўсганини, ернинг янгиланганини кўзда тутаман. Росткам чўл Балиқчидан кейин бошланади.

...Балиқчидан ўтиб кетдик. Манзара ўзгармади: ўша-ўша охирини кўз илғамас пахтазорлар, томорқаси боғ шинам уйлар. «Ахир, бу ерлар ҳақиқий саҳро, шўри тиззага урган яйдоқ ер, бўйсира бўлгандек қумтепалар эди, бу ерлардан илгари бир неча бор ўтган, кўриб кўнглим чўккан эди!».

Қайси бир йили бизга дўст мамлакатдан келган бир меҳмон бу ерларни кўриб: «Совет кишилари бу саҳрода янги ҳаётнинг муқаддас гиламини яратибдилар», деб ёзган эди.

— Бу ерлар тез ўзгаряпти,— деди Бузрукхўжа ака, машина деразасидан қараб.— Ташкил бўлган хўжаликка

бир-икки йилдан кейин келсанг, ҳайрон қоласан, пешқадамларга етиб олади.

Охунбобоев районидаги Карл Маркс номли, Бўз районидаги Тельман номли колхозларни мисол тарзида кўрсатса бўлади — ўттиз центнерчиларга етиб олди. Яна бир мисол. Андижон областининг пахта хирмони саккиз юз минг тоннадан ошди, Фарғона области беш юз минг тоннага чиқди. Қаналлар бўлмаганда шундай хирмон уйиб бўлармиди? Йўқ, бўлмасди!

Биз Езёвонга, Йўлдош Охунбобоев қирқ йил олдин, дастлабки чўлқуварларни кўчириб келган районга кирдик. Ўшанда улар ариқ қазиб, Асакасойдан бу ерларга сув келтирган, қишлоқларининг номини Чўл-Гулистон қўйган эдилар. Улар, бу ер гулистон бўлади, деб ишонган эдилар. Улар ёлгон сафсаталарга ишонмаган эдилар. Марғилонлик бир эшон ўшанда чўлқуварни шаштидан қайтармоқчи бўлган экан. Собиқ батрак Абдулла отанинг гапи эсимда. У айтган эди: «У бальшавой (Эшон Охунбобоевни кўзда тутган эди) сизларни лақиллатибди; чўлни худо ўзи яратиб Фарғонанинг ўртасига чўзиб қўйган, энг ёмон кўрган бандаларини шу ёққа юборади, уларни қумтепалар ютади». Аммо худонинг энг ёмон кўрган ўша «бандалари» Эшоннинг гапига ишонмабдилар, бальшавойнинг гапига ишонибдилар, бу ерда ўзларига макон яратибдилар. Улар қумтепанинг «томоғига» сиғмабдилар, аксинча, қумтепаларнинг ҳалқумидан сиқибдилар-да, кўтариб ерга урибдилар, қумтепалар ўрнида ўз қўллари билан ўзларига жаннат қурибдилар. Энди бу жаннатни келиб кўрган инсоннинг ҳаваси келади.

— Меванинг сарасини, қовун-тарвузнинг энг ширини шу «чўл» беряпти шаҳарларга,— деди Эшон ака.— Пахта ҳам, гўшт, ёғ, жун ҳам... Совет ҳаётининг қонуний оқими ана шундай.— У ногаҳон муғомбирона кулимсиради.— Ленин номли колхозга бир қўниб ўтайликми? Йўлдош отанинг ўгли Қаримберди Охунбобоев шу колхозга раис.

Мен рози бўлдим.

Қаримберди идорада экан. Бизни дарров пайқамади. Олдида қандайдир бир журнал ёзиғлиқ, гоҳ унга разм солиб қарайди, гоҳ бир тахта қоғозга нимадларнидир чизади. Бизга кўзи тушдию у кечирим сўради, хижолат аралаш изоҳ берди:

— Янги уйлар қурапмиз... Биласизларми, ўзимизга

ёқмаяпти қурган уйларимиз. Хоналари кичкина, паст-так — лойиҳаси эскирди бу уйларнинг. Одамларга ёқмаган уйларни нимага қуриш керак, ахир? Қимматроқ тушса нима қипти, — кенг, баланд, ёруғ уйлар қуриш керак. Унчалик камбағал эмасмиз-ку! Мана бу журналдаги лойиҳа бизга маъқул...

Биз ҳам Қаримберди топган лойиҳа муҳокамасига киришдик. Колхоз беш йилда янги қишлоқ қурмоқчи. Бу қишлоқни шундай қуриш керакки, уйлар шаҳардаги сингари қулайликлар билан бирга колхозчилар эҳтиёжига жавоб берадиган кенг-мўл бўлсин. Қишлоқда маданият саройи, мактаб, касалхона, маиший комбинат бўлсин.

Кейин йўлда, ҳамроҳимга дедим:

— Бу ҳам Катта Фарғона каналининг шарофати, Бузрукхўжа ака.

— Тўғри, — деди у, гапимни тасдиқлаб. — Канал тўла сув оқади — ҳаёт оқади. Илгари деҳқон турмуш маданиятини ўйлай олармиди?

Усмонхўжаев хаёлга, маънос хаёлга чўмди. Балки, болалиги, отасининг уйи эсига тушгандир. Бола-чақасини боқиш ташвишинигина ўйлаган юзлаб, минглаб камбағал деҳқонлар кўз олдидан ўтаётгандир. Энди ўшаларнинг болалари болаларининг ташвишнни: уларнинг қулай, кенг-мўл, маданий ҳаёт кечириши ғамини емоқда. Уларга китоб жавонлари, маиший комбинатлар қурмоқда.

Бузрукхўжа ака бирдан юзи ёришиб жилмайди. Булар унинг ҳаётида мужассам: бир ёғида — қашшоқлик, бир ёғида — кенг-мўлчилик.

Х

Яхшидан от қолади. Йўлдош ота Охунбобоев районида абадий «тирик». Усмон ака Юсупов ўз помидаги Катта Фарғона каналда барҳаёт. У умрининг охиригача бу ердаги ишлар билан қизиқди.

— Усмон Юсупов бу ерга кейинги вақтларда ҳам келармиди? — деб сўрадим Бузрукхўжа акадан.

— Эсимда. Кеч кузу ҳаво илиқ, майин эди. Бир кун ирталаб телефон жириглади, олдим, товушидан танидим: Усмон Юсупов. Ўшанда у Мирзачўлда, янги совхоз директори эди. Қўчатга келган экан.

— Канал бўйлаб бир сەҳат қилсак, Эшон ака, анча-

дан бери кўрганним йўқ шу ёқларни. Вақтим зиқу майли, Андижонгача борайлик, кўчатни ўша ердан олиб кетарман,— деди.

Иккаламиз ёнма-ён ўтирдик. Машина канал ёқалаб аста борарди. Унинг кўзи бу атрофда бунёд бўлган довдарахтлар, янги қишлоқ, биноларда, лим-лим тўлиб оқаётган сувда. У бирдан руҳланди, ўйчан, толғин чехраси шодон кулди. Кўз олдимда ўша норғул, навқирон Юсупов гавдаланди. У елкамга қўл ташлади:

— Ҳа, зое кетмади ўша курашлар, уйқусиз тунлар!— деди у илгаригидек жўшиб.— Ўзбек халқи сувни деб кўзғолувди-а, ўшанда? Эсланг-а, ўша ҳаракатни эсласам, кўз олдимга довул келади. Ўша қудрат водий ерларининг белига кумуш камарлар боғлади. Савлат тўкиб оқишини қаранг, қуёш нурида нуқрадай ялтирашини қаранг! Пахтачилик равнақиға, шу чиройлик қишлоқларға, водий саноатининг ривожига замин бу, қучли замин!— Унинг кўзлари яна манзараға қадалди, анча жим бордик. Кейин яна менга ўгирилди:— Асрлар ўтади, бу канал оқаверади, инсонға ҳузур-ҳаловат суви бераваради. Ҳа, қурувчи, бор қилувчи авлод бўлганимизға шукур. Биласизми, Мирзачўлда бир бог қилганимиз, у ернинг шароитида анча катта бог. Кўкартириб олиш қийин, аммо иложи бор. Ҳаракат қилаверсак, ҳадемай кўрганнинг баҳри очиладиган бог бўлади...

Кейин Янгийўлга кўчиб келганда учрашдик. Бу вақтда дард уни анча заифлаштирган эди. Бу сафар ҳам у янги режаларини гапириб берди.

— Бу ерда бир бог — комбинат ташкил қилганимиз. Эшон ака,— деди у.— Бу Иттифоқда энг катта давлат боғи бўлади. Консерва, вино-коньяк заводлари боғнинг ўзида бўлади. Назаримда, шундай бир богки, коммунизмнинг Шарқдаги кичкина жаннати, келганлар кўриб ибрат оладиган бир корхона... Юрак уришдан тўхтама-са, панд бериб қўймаса, шуни ҳам бунёд қилсак, кўрган умримдан рози бўлардим...

Хийла жимликдан кейин Бузрукхўжа ака яна ўша сўзларини такрорлади:

— Ҳаёт оқими ана шундай...

У кўп такрорлайдиган бу иборанинг тағи қаердалигини, унга кўп маъно юкланганини энди билдим.

Қимирлаган қир ошади.

Бу — Мамажон буванинг сўзлари. Санг қишлоғининг тарихидек узоқ умр кўрган азиз ота бу содда, ҳамма тушунадиган ҳикматни кези келганда жўялик қилиб такрорлайди: «Қимирлаган қир ошади, ўғлонларим. Ҳа, тўкинчилик баракати ҳам, умр баракати ҳам ҳаракатда».

Бу — унинг ҳам ёшидан, ҳам ишидан далолат беради.

Улкан каналдай панжалаб кетган асфальт йўлининг Санг қишлоғига очилган шохчаси ёпқинида яхлит, марзасиз пахтазорга, шийпонга кўзингиз тушади, ўтиб кетолмайсиз. Пайкалнинг ҳали ўзингизга аён бўлмаган аллақандай хислати, жозибаси сизни бир лаҳза тўхтатади. Пайкал ўртасида ғўзаларга сро бераётган ё эгатларга чекилган сув расамадини кўздан кечираётган мўйсафид хушнуд жилмайиб, сизга пешвоз юради, худди эски қадрдонлардек сўрашиб, сизни салқинга бошлайди, беихтиёр эргашасиз. Ота бир пиёла чой узатади. Оқдий, шинам, саришта шийпонга, мўътабар кексанинг ўзига тикилиб қоласиз. Ота ҳайрат назарингиз замирини фаҳмлайди, кексаларга хос мулойим табассум билан: «Қимирлаб ўрганган тек туролмайди. Бақудрати ҳол қимирлаб турибмиз» дейди. Бу сўзларда қандайдир ёқимли, камтарлиги табиий, жазб этувчи оҳанг эшитилади. Ўзингизни тобора унга таниш, яқин ҳис қиласиз, суҳбат оқими фикрингизни гоҳ узоқ тарихга олиб кетади, гоҳ яқин ўтмишга етаклайди, гоҳ шу кунги жўшқини ҳаёт дегизиде шўнгитади...

Бу ерларнинг тарихи деганда отанинг кўз олдига анави адирлардан тортиб, тўлқини қирғоқни юзиб, ўпириб, емириб оқувчи Сирдарёгача узала тушган яйдоқ, яланғоч дашт, қўрғонлар, настқам деворлар, юз-юз бўлтак ерлар, ҳатто оқава талашиб бир-бирини даҳнага босиб уриб ўлдиришлар гавдаланади. Ҳозирги ёшларнинг

тасаввурига сигмайди: ўшанда қаттароқ қўрғон кичкинасини ютиб юборар, уни ўз дамига тортарди... Отанинг мана шу йигирма беш гектарлик картаси неча-неча уват, марза, девор ва ариқлар билан бўлинган бўлтаклар эди, ахир!

Мамажон буванинг отаси Тошмат отанинг қўрғончаси шохлари сийракланиб қолган пастдаги ўрик ёнида эдп. Буванинг эсидан ҳеч чиқмайди: шу ерга ўтқазилганда у нимжон ниҳолча эди. Уни катта қилиб олгунча хуржуннинг икки кўзига солинган кўзани эшакка ортиб дарёдан озмунча сув ташиб тагига қуйдим: нидизи намга етиб олар, кейин ўз сувини ўзи топиб ичар! Шу ўрик дастлаб гуллаганда оила озмунча суюнганмиди! Кейин шу ўрик ёнида бошқа дарахтлар, бир неча тул ток кўкарди, йўқ. Мамажон буларни чуқур қудуқ қазиб, челакада сув тортиб кўкартирди. Рўзгорни шу тебратди...

Бароққош, оппоқ соқоли кўкрагини эгаллаган, нуруний юз бу мўтабар кексани, попликлар ибораси билан айтганда, район отахонини кўрган одам, бу мўйсафид тўрт қават кўрпачадан тушмаса керак деб ўйлайди. Йўқ, Мамажон бувани эрта баҳордан кеч кузгача далада: қўзиқулоқ ғўзага тикилиб, унга меҳр нури бераётганда, анвойи хил гуллаган пайкалда бўлиқ кўсақларни кўпайтираёзганда, ўз соқолидек оппоқ пахтани қувона-қувона чаноқдан узиб этакка солаётганда, трактор плуглари кетида хамирдек ҳимарилиб ағдарилаётган қорамтир тулроққа разм солиб турганда, одамлар гурунгида ўсиқ қешлари тагидаги кўзлари йилтиллаб кулаётганда учратасиз.

Ҳозирги Санг пахтакорларидан кўпининг уч-тўрт ёшили яшаган ота абжир, чаққон, серҳаракат, ижодкор ёшлар қаторида бардам юрибди, уларнинг югурик, ўткир ақлини пешлаб, уларга мадад бериб, ғайрат, ҳиммат бахш этиб, улар билан бирга ўз ота-боболари орзу ҳам қилолмаган катта хирмон кўтармоқда. Мамажон бува ҳам бир вақтлар ҳозирги «Ленинград» колхозининг раҳбарлари — Тожирайим Ҳасанов, Усмон Ҳошимов сингари пахтачиликда кетмондан машина афзаллигини исботлаган, катта майдоннинг ҳар гектаридан қирқ центнерга яқин ҳосил олган, ўзи машинада юз тоннадан ошиқ пахта терган азамат бригадир Фаттоҳ Ғаффоровлар сингари абжир, чаққон эди. Аммо у замонда, отанинг ўз таъбири билан айтганда, пахтакор деҳқон зеҳн булогининг

кўзи катта тош қўйиб беркитиб ташланган эди. Шунинг учун ҳам Мамажон бува умрининг тенг ярми, навқиронлик йилларидаги меҳнати эвазига роҳат, ҳурмат эмас, азоб, жабр-ситам, хўрлик кўрди...

Ота мавридини топса, жоизлигига кўзи етса, ёшларга пахтакор деҳқоннинг ўтмиш қисмати, кўргилигидан лавҳалар ҳикоя қилади: ҳа, деҳқон куни, бутун умри гурбатда ўтган замон эди, дейди.

Шунда унинг пешанасидаги ажинлар тилим-тилим бўлади, қовоғини чала ёпган қоши тагидаги кўзлари ўйчан, ғамгин милтирайди, ўзи бир неча лаҳза сукутда қолади. Демак, узоқ ўтмишнинг бирор парчаси хаёлини чулғаб олди.

...Тупроқни ёриб, чигит пўстини бошида кўтариб чиққан қўшалоқ баргча ривожга интилди, тепасида чўккалаб, уни меҳр нури билан суғораётган кашфиётчисидан гўё умр тилаб илтижо қилди. Ақл-идроки, ҳикмату ҳиммати билан унга ҳаёт берган инсон яна қайтиб келганда сан-сарик баргча қалпоқчасини ташлаган, ям-яшил барг бўлиб шериклари қаторида диккайиб турарди. Деҳқон йигит уни таниёлмади, кетмони билан атрофини юмшатиб, танаси бағрига нам, юмшоқ тупроқ уйиб қўйди. Тонгдан қора кечгача, гоҳо оч-наҳор, гоҳо яримта қотган нонни сувга ботириб еб, жазирама иссиқда ҳам ўзини салқинга тортмай, бел букиб кетмон чопди, ҳар бир тупғўзани ўт-алафдан асради, ўстирди. Кунига шона, гул санайди: саккизта бўлибди. Булардан унга фақат иккитаси тегади, олтитаси бойники, агар пахтачи бойдан кўтарган қарзига биттадан кетса, ўзига битта қолади. Йўқ, ҳаракат қилиш, гул-кўсакни кўпайтириш керак. Нажот шу! Ёнига қўшилган ҳар дона шона, ҳар дона гул унга мадор, қувонч, бахт келтиргандай бўларди...

Саратон аланга пуркаб келди. Соё суви камайди, навбат узоқлашди. Пахтакор ғўза тепасида: бошига қалпоқчасини илиб, тупроқ ёриб чиққан кўкламги беҳол ғўзадай нажот илтижо қилади. Кимдан, бойданми? Мироббошиданми? Йўқ, ҳаракат қил, илож изла! Хўш, қаердан?

Комилми, Толиб мироббошимиди, аниқ эслай олмайди: «Ичгинг келса, сув бўйла!» деди. У адирлардан ошиб, даралардан ўтиб ялангоёқ соё бўйлаб сув сурди. Э воҳ, қайтиб келса, «навбати ўтибди!» Мироббоши унга ақалли қиё боқмади. У ҳансираётган, жизгинак бўлган ғўза-

лари тепасида бош ушлаб қолди. Кечаси ариқ оқавасини гўё етаклаб келди, жўякларга бир қултумдан тақсимлади. Лекин ташна тупроқ сувни қаърига тортиб кетди... У икки томонлама қарзга ботди. Лекин умид келгусини унга ёруғроқ кўрсатди. Ёруғ кунга етиш орзуси ҳаракат келтираверди.

— Ана шундоқ бедаво замон эди, ўғилларим,— дейди Мамажон бува соқолини силаб.— Сув келтирган хору, кўза синдирган азиз эди. Бахтларингга у замон борса келмасга кетди...

Пахтакор умид кўзини тиккан ёруғ кун келди, заҳматкашга ҳуқуқ, эркинлик берган Ленин замони бошланди. Бу замон деҳқоннинг зеҳн булоғи кўзидаги ўша оғир тошни олиб ташлади, пахтакор ижодини, кашфини ардоқлади, улғайтирди: номини улуглади. Мамажон оталар қайта кучга тўлди. Бува зое кетган умрини, меҳнатини ачиниб эсласа-да, ҳозир умрига барака берган меҳнат—роҳат замонидан, меҳнатин бутун эл тақдирлаганидан олам-олам хурсанд. Унинг саксон ёшда ҳам ёш пахтакор авлод қаторида бардам турганининг бонси шу.

Хушнуд, доим хушчақчақ, бу табаррук пахтакорни кўрган киши, бошидан сира ғам-ғусса кечирмаган бўлса керак деб ўйлайди. Ҳа, отанинг катта давлати — доимо қаддини тик тутиб юрган икки навқирон ўғли бор эди: бири муаллим, бири колхоз раиси. Ватан бошига оғир мусибат тушганда ота ўғилларини бирин-кетин ёв йўлини тўсншга йўллади. Иккисига ҳам бир гапни айтди: «Биринчи сўзим, номард бўлмаиғ, жонингизни аяб, ўзингизни маърака майдонидан четга тортмаиғ. Ёвни кўрган-да қочиш қўрқоқнинг иши. Бу — бизга ёт. Иккинчи сўзим: дўстдан айрилманг, унга хиёнат қилманг. Жонингизни аяманг, жоини жонга суқинг — дард қолмайсиз. Сизни машаққат билан катта қилганман. Хижронингиз менга оғир, жуда оғир... Қариган чоғимда иснод гап эшитмайин. Ўзимиз узоқда бўлсак ҳам кўнглимиз сиз билан. Ҳа, кўнгил жаҳон кўради, ўғлим...»

Отанинг икки ўғли ҳам она юрт тупроғини ёвдан сақлаб, қаттиқ жангларда жон берди: ота бирин-кетин иккита таъзиянома олди. У гоҳ бўтадек бўзлади, гоҳ ун чиқармай фигон чекди. Орадан кўп ўтмай отанинг ёстиқдоши ҳам бу алам доғини кўтара олмай абадий кўз юмди. Ғам устига яна мусибат...

Ота келинлар, неваралари билан қолди. Уни қишлоқ

кексалари — Султонали, Тешаҳожӣ, Аминҷонлар, ўзи билан бирга меҳнат майдонида жавлон ураётган ёшлар юнатди: ҳа, шулар ва меҳнати юпатди. У даладан кам келадиган бўлиб қолди.

...Мамажон бувалар ҳовлисида тўй, катта тўй. Қизлар чилдирма чалиб ёр-ёр айтади, йигитлар ялласи Санг осмонида янграйди, дошқозонлар тепасида капгирлар чақиллайди. Гоҳ у йигитга, гоҳ бу қизга тегишиб, ёшлар кулгисига, ўйинига сайқал бериб, гоҳ шохидан пастлаган аскиячини бир сўз билан қайта жойига қўндириб юрган тўйбоши ногоҳон хомуш тортди, ҳолатини ҳеч кимга сездирмай, ўзини четга олди, катта тут тагидаги супа зийига ўтириб қолди.

Уни бу ерга Акбарали чақириб келди. Ота-бола холи гаплашарди. Мамажон бува ҳозир унинг қадди-бўйини, ранги-рўйини кўрди, ўз Акбарининг ўша таниш, азиз товушини аниқ эшитди: «Дадажон, кечиринг, сизни кўрпачага ўтқазиб, ўзимиз хизмат қилолмадик. Болаларимизни ҳам ўзимиздек вояга етказиб, ҳаётга йўллаш сизнинг зиммангизга тушди... Йўқ, йўқ, биз донмо ёдингизда, ёнингиздамыз...»

Ота унсиз, ўртаниб йиғлади.

Шунча қийқириқ, кулги, шовқини ичида буванинг ҳозир нега жимиб қолганини ўртоқлари орасида сино ўтирган йигит — Давлат фаҳмлади. У ҳам худди бувасидек ҳеч кимга сездирмай гурунган турди, шарпасиз юриб уни қидирди, ўзига таниш супадан уни яқка топди, ўзини унинг қучоғига олди. Ота энди кўз ёшини тислмади. Бароқ қошлар тагидаги йилтироқ кўзлардан чиққан ёш доналари мўйловларига тушиб набирасининг пенапасини куйдирди...

Ота шу супада уни худди ана шундай бағрига босиб, қачон унсиз йиғлаган эди? Ҳа, ҳали уруш олови ўчирилиб битмаган, алаганининг ёлқинли, ҳамма ёқни ўз забтига тортувчи, ёндирувчи тили уни ёққан малъунининг инига томон тўфондай тез бораётган чоғ эди. Ушанда бува ўзи танимаган, сира кўрмаган кишидан — қисм командиридан таъзиянома олувди. Ўша кун оқшомда эшикдан киргану шу супага худди шу зайлда беҳол ўтириб қолган эди. Азани ёмон кўрганиданми, машъум хабарни уйдагиларга билдиргани келмаганиданми ёки томоғига алланима тикилиб оғзи қуруқшаб, лаблари очилмай қол-

ганиданми, жим, эзиллиб йиглагапди. Буvasини ҳеч бундай маънос, ғамгин ҳолатда кўрмаган гўдак югуриб келган, индамай тиззасига чиқиб, жажжи бармоқлари билан унинг соқолини силаган, йўқ, беозор тараган, лекин кўз ёшларини кўриб, ҳайрат ичида юзига тикилиб қолган эди...

«Йўқ, йўқ! Йиғлама, йиғлатма. Бугун унинг япғи, ёруғ ҳаёти бошланади... Тўй. Уйнат, кулдир буни, чол».

Бува неварасининг пешанасидан ўпиб, ўртоқлари олдига йўллади, ўзи ҳам ҳеч нима юз бермагандай тўйнинг тепасида туриб ёшлар ялласини, ўйинини авж олдирган бўлди.

Ҳозирги ўтиришда кимдир Акбарали билан Рустамалини тилга олди. Эсга тушиб, яраси янгиланганиданми, ўтирган ўрнида бир чайқалиб қўйди, қаттиқ хўрсиниб, милтироқ кўзларига жиққа ёш келди...

У гурунг тўрида ўтирибди. Кўзим унда, мустаҳкам иродаси билан ҳамма оғирлик ва ғамни енгган шу сиймо-да! Мана унинг чеҳраси яна ёришди, бошини баланд кўтариб, Тешаҳожининг ялла айтиб тушаётган ўйинига хайдон кулиб боқди:

— Ёшликнинг кети, қариликнинг олди. Туш, ўйинга, шох ташлаб туш. Баландроқ айт, овозинг тоғларда янгарасин, ука!

Етти йилдан ошдимиз шунга, отанинг бир суҳбатда айтган гапи ҳозир эсимга тушди:

— Биласизми, пахтакорлик шундай касбки, йил — ўн икки ой қимирлайсиз: баланд тоғ чўққисига кунба-кун, нафасма-нафас тирмашасиз, чарчайсиз, толасиз лекин дам олиб, қувват йиғиб, яна тирмашасиз, ўрлайверасиз. Куз киради, хирмон уясиз, хирмонингиз тоғ тепасидаги булутдек оппоқ кўтарилса, ҳамма чарчоғингиз чиқиб кетади, ўзингизни тоғдан ҳам баланд сезасиз... Оламни кафтингизда кўрасиз...

Бу йил колхоз булутдек баланд оппоқ хирмон уйибди. Мамажон буванинг қадди яна кўтарилибди. У ёшларнинг жасоратига, ҳимматига офарин ўқиди-ю, ўзи бошлиқ звено қанча ҳосил олгани тўғрисида ҳеч нима демади. Тешаҳожидекингина айтди:

— Бувамининг ҳиссаси ҳамманикидан ортиқ.

Ҳа, Мамажон бува Улуғ Октябрь байрами кунини олтмиш беш центнердан пахта бериб қўтлабди.

У ясанган: эгнида беқасам тўп. Қўкрагидаги Қаҳрамонлик олтин юлдузи Илйич лампочкаси нурида порлайди, юрагига ёшлик бахш этади...

* * *

Мамажон бува мудом нахтазор тепасида. Оқ яктагининг икки бари белбоғига қистирилган. Қўзлари пайкал оралайди, гул, кўсак санайди: «Йўқ, яна кўпайтириш, салмоғини яна ошириш керак!» Ота бу сўзларни энди, кўсакнинг неча донаси менинг улушим бўлади деб эмас, йўқ, ҳаммаси меники, ҳаммаси элники, ҳамманики, ўзимизники, шу сабабдан кўпайтириш керак, деб кўнглидан ўтказди.

У йўлида давом этди. Икки-уч қадам босиб, чеҳраси жиддийлашди. Қайтиб келаётган универсалчини тўхтатди:

— Йигит, бу нимаси? Мана бу гўзаларнинг томоғига тупроқ уйиш у ёқда турсин, ақалли, эгатни қиртишламабди-я. Чала иш қиладиган одатнингиз йўқ эди-ку. Чалага одат қилманг, чала бир кунмас бир кун чалиб йиқитади. Ҳозир сиз тўплаган ҳар бир гул, кўсак — эл хазинасига қўшимча ҳисса. Ҳа, шундоқ, ўғлим, — деди.

Йигит қаради-ю, қизарди. Ота фаҳмлади, мийигида кулиб йўлида давом этди.

У бирдан тўхтади, гўзанинг дастлабки шохиди оппоқ тишини кўрсатиб, илжайиб турган баракани кўриб чеҳраси кулди: бу катта хирмондан, «оқ олтин» тоғидан дарак.

У қўлини пешанасига соябон қилганича текис асфальт йўлга тикилди: бу янги йўл Сангин атроф қишлоқ ва шаҳарлар билан, тоғлар оша Тошкент билан, ундан нари Москва билан туташтиради. Бу йўл отани Москвага, Кремлга олиб бориб келган. Ҳозир у хаёлан Кремль боғларида сайр қилиб юрибди.

Ҳа, кўйигил жаҳон кўради.

1960

Дарсхонада жимлик. Миқти гавдали мўйсафид секин у ёқдан-бу ёққа юради, гўё қадамини санайди. Оҳиста, дона-дона сўзлари математик формулага ўхшаб кетади: қисқа, кесик.

— Хирургия бамисоли жонон қиз,— дейди у. Студентлар сергакланидилар. У аста қадам босиб давом этади:— Бепарво бўлсангиз, сизни ташлаб кетади. Кейин, афсус, узатган қўлингиз ҳавода муаллақ қолади. Дил гавҳарини йўқотган ошиқ ҳолига тушасиз...

Унинг қадамлари яна ҳам секинлашади. Гўё ҳеч ёққа, ҳеч кимга қарамайди. Лекин бароқ қошлари тагида чақнаб турган кўзлари чеҳраларда ногаҳон балқиган табассуми илғайди, динг қулоғига қандайдир сирли хўрсиниш, юракларнинг безовта тегиши чалинади. Мийнига беихтиёр еигил кулги тепади. «Ёшлар, эҳ, ёшлар!..» — фикран хитоб қилади у. Бироқ мийиғидаги кулги дарҳол қочади, ўрнини жиддийлик эгаллайди, ҳеч нимани сезмагандай, узилиб қолган гапини улайди:

— У бепарволик, беғамликни ўзинга душман кўради, фақат эътибор, меҳр эгаларига, фидойиларга бўй эгадир...

У аудиторияга зимдан разм ташлайди. Эндигина хандон кулгига мойил турган чеҳралар жиддийлашган, паришон хаёллар жамланган эди. Сўзлари нишонга тегаётгани, тингловчилар қалбини ўз сеҳрига олаётганини кўриб домланинг кўнгли таскин топди шекилли, фикр қобиғини оз-оздан оча бориб, уларнинг диққат-назарини тиб илми сирларига, унинг эгри-бугри довларига қаратди. Тик, қалтис, аллақандай сирли сўқмоқлар... Бироқ оҳиста ва бир маромдаги сўзлар уларни шу сўқмоқларга тирмаштиради. Энди забт этиш машаққатлари ўзини сездиря бошлайди. Лекин чўққида йилтираб кўринган алланима уларни бетиним имлайди. Оёқлари

толса, кўзлари тинса ҳам тирмашишадн, аста-секин бир бекатдан иккинчисига ўтишадн, яна ўрлашадн. Улар йўлакай ўйлашадн: қизиқ, чўққиға чиқиб олгунча домланинг ўз оёқлари толмаган, кўзлари тинмаганмикин?

Ўзи узоқ йўл босди. Бу йўлдан эллик йилдан бери бетиним юрибди. Ҳали-ҳали янги сўқмоқлар сирини кашф этаётибди. Озмунча кўз нури тўкмади. Лекин юрагида ёшликда ўрнашган ишқ, ҳаким бўлиш ишқп юрак қўрини, кўз нурини камайтирмади. Студентларга шулар хулосасини сўзлайди. Юрак сўзлари, инсон ҳаётини таҳликали дард, ажал чангалидан ажратиб олиш, инсон умрини узайтириш йўлида бедор ўтказилган тунлар, чекилган заҳматлар, изланишлар хулосаси. Инсонга муҳаббат, эътиқод ифодаси.

Унинг охишта сўзлари аудиторияни яна забтига олади:

— Бу йўлда якка тояди. У бир-бирини кифтлаб интилганга бўй эгади.

Талабалар янги сир кашфини кўргандай бўладилар. Бу йўлда муқимликларини, ихлосларини изҳор қиладилар.

Ўсиқ қошлар домланинг қовоғини қоплайди. Туйқусдан қирғоққа сапчилган кичкина тўлқин эмасмикин бу? Шунчаки ёшлик ҳаваси, бир нафаслик шавқ тўлқини бўлса, сапчийди-ю сочилиб кетади, қирғоқда изи қолмайди. Аммо ёшлик — тошқин дарё. Унинг беғамлик, бепарволик тўлқинлари вақтида жиловланса, нималарга қодир эмас бу куч! Хўш, ўзи-чи, бу ёшда ўзи қандог эди? У тошқинни ким жиловлаган эди?

Тошкентда очилган биринчи университетнинг медицина факультетини студенти, дастлаб парвоз қилган қалдирғочларидан, ёшлик ғурури қайнаган совет врачларидан бири. Ўшанда бир мўътабар қўл, сеҳргар ақл унинг кучини жиловлаган, тўғри изга солган эди. У ҳаким бўлиш йўлида муқимлик, бу сирларни билишга ихлос баён қилганида, С. М. Слоним домла жиддий қиёфага кириб, хийла ўйлаб турган, охири: «Машаққати кўп оғир. Бардошининг яна бир синая кўр» демабмидилар? Ўшанда ўзи қай ҳолга тушган эди? Эсинда: у «бардошини синая кўрди», домласи ҳузурига яна келди. Бу сафар домла хурсанд эди. У сўз орасида худди ўзи билан ўзи гаплашгандай: «Акс тиниқ сувда аниқ кўрилади», деб қўйган эди. Ўшанда бу сўзлар унинг учун чақилмаган дапак

эди. Данакин у кейин чақди. Мағзини қобиғидан кейин ажратди: бу покизалик, ҳалоллик эди...

Унинг қоши аста кўтарилди. Жавдираб боққан кўзларга жиддий, синчков разм солди, қайси бирининг тўзими етаркин? Булардан қайси бири инсон дилининг муқим чарогбон бўлиб қоларкин?

— Азм-қарорларингни яна бир синаб кўринглар. Бу гапга кейинроқ қайтамиз.

У соатига қараб безовталанди. Афтидан, операцияга шошилар, кимнингдир азобдаги жони унга интиқ эди.

Бу кишининг ўзи ким, дейсизми? Танирсиз — профессор Содиқ Алиевич Маъсумов.

II

Бемор операция столдан икки-уч ҳафта бурун турган, тиг ўрни энди бита бошлаган, навқирон куч ўрнига энди қайтаётган эди. У касалхона богида битта-битта қадам босиб хаёл сурарди, хаёлининг учи янги иш майдонларини қамрар эди: Аму сувини тортиб келган каналнинг янги тармоқлари очилади, асрий саҳро белига яна бир неча кумуш камар бўлиб боғланади. Ўлик тупроққа жон киради. Тунд, мудроқ чўл ҳаёт сувини олиб келган инсонга кулиб боқади, унга кўксини очади: пиятнингга етинг, ма, ол, дейди.

Унинг назари боғ оралайди: шу олмазор, беҳи ва ўрикзорни, шу тоқзорни инсон заковати, қўли кўкартирган, буларга ўзи жон берган. Тасаввурида поёнини кўз илғамас яшил воҳа гавдаланади. Жаннат шу! Бунининг ўзи бунёд қилаётибди. Авлодлар учун!

Бу ердан боради-ю, шу ишга шўнғийди.

У кечираётган умридан мамнун, битта-битта юриб корпусга йўл олади. Бугун уни врач яна кўради... Шу топда унинг аллақасерида ногаҳон янги огриқ пайдо бўлди. Вужудини қақшатувчи бу огриқдан додлаб юбормаслик учун у пастки лабини тишлари орасига олиб, оғзини қаттиқ юмиб олди, яна бир қадам босса, жони ҳалқумидан чиқиб кетаётгандай эди. У букчайиб қолди.

Нима бўлди? Упи яна қандай дард ўз нсканжасига олди экан?

Тиб олимлари кенгаши аниқлади: уни бу дарддан ҳам фақат тиг халос қилади. Аммо нозик, қалтис операция.

Буни кесиб олишга профессор Маъсумовнинг шифобахш қўли даркор. Бироқ ҳозир домла қаерда, бу ерга дарҳол етиб кела оладими?

Телефон жириглаганда профессор оқ халати эгннда, қўлида пиёла, кабинетда тик турганича чой ҳўнларди.

Бугун у икки операция ўтказди, студентларга дарс берди. Кейин ётган беморларни бир-бир кўриб чиқди. Навбат кутганларни қабул қилди. Энди бир оз дам олиб, кенжа шогирдларидан бирининг илмий даража олиш учун ёзган асари қўлёзмасини ўқимоқчи бўлиб турган эди. Бу хабарни эшитиб, вужудини эгаллаган ҳорғинлик қандай қочганини ҳам, куч-қувват ўз ўрннга қандай қайтганини ҳам сезмай қолди. Пальтосини халат устидан кийди-ю, иккинчи қаватдан тез тушиб, машинага ўтирди...

Операция хийла узоқ чўзилди. Жарроҳнинг қўли қўлига тегмайди, қарамай асбоб сўрайди. Лекин зарра бепарволик билан бошқа асбоб узатилса, қўл бегонани сезади, улоқтириб юборади-да, шу заҳоти даҳисм беради: «Ҳўшингни йиғ, дақиқалар ортида инсон жонни турибди!»

Одам жонига қасд қилган ажални даф қилиш устида у қўрс, баджаҳл бўлиб кетади. Шунинг учунми, шогирдлар донмо ҳўшёр турадилар.

Ташқаридагилар, беморнинг яқинлари, ёр-дўстларининг кўзи шу хона деразасига миҳланганини, бу дақиқалар улар назарида нимлаб ўтаётганини у ҳис этади. Шунинг учунми, уларнинг тарағг тортилган асаблари жарроҳ асабига қўшилади, унга мадор беради, ҳаракатини тезлаштиради.

Ниҳоят, операция тугади. Беморни ўз хонасига олиб кетишди. Профессор ён хонада қўлини ювиб артди-да, дераза олдидаги стул суягиниғига орқасини тираганча ўтириб қолди. Унинг куч-қувватини, фикр-хаёлини бир нуқтага жамлаган асаб бирданига қўйиб юборган, вужудида ҳорғинлик, қандайдир ҳўзурбахш ҳорғинлик ҳукмрон, кўзларини юмиб олган эди. Тасаввурни хиёл тикланди. Операция столдан эндиғина олиб кетилган беморнинг чўзинчоқ қорача юзи, қуюқ сочи, бўлиқ гавдаси кўз олдига: «Юраги бутун экан, бўлмаса...»

У бошини аста кўтариб, рўнарасига қаради. Операциядан кейин уни камдан-кам бу ҳолатда кўрадиган

врачлар, шогирдлари жим, қандайдир саросималикда кузатиб турардилар.

— Яна бир жон омон олиб қолинди,— деди у, ўзига ўзи гапиргандай.— Парвариши, парҳези бузилмаса, ҳаётга, ишига қайтади.

Ҳозиргина ҳамманинг кўнгил кўзини беркитиб турган хира парда кўтарилган, ўрнини ёруғлик олган эди. Шогирдлар билишади, бундай дамларда у яна бир нима дейди:

— Хирург ўзини муттасил инсон ҳаётига илҳақ, сафарбар тутиши керак...

III

У яна жим қолди. Ҳамма унинг оғзини пойларди. Хийла сукутдан кейин, ўзи бошидан кечирган бир воқеани гапириб берди.

...Ёз охирлари, якшанба куни эди. Гира-шира қоронғи туша бошлаган, дарахтларнинг яшил барглари қорамтир кўринади. Қилт этмайди, бир нимани пойлаб тургандай. Профессор йўлкада вазмин қадам босади, гоҳо тўхтаб рўмолчасига пешонасини артади-ю, деразага қулоқ тутади: тинчидими, оғриқ қўзғалмадими?

Ичкарида жимлик, каравот ёнидаги столда оқ халатли ҳамшира ўтирибди. У йўлкани битта-битта қадамлайди. Бемор уч соат бурун олиб келинган, дарҳол операцияга ётқизилиб, йиринглаган кўричаги олиб ташлапган эди. Хайриятки, йўлда ёрилиб кетмабди.

Эшик очилиб, ташқарига навбатчи врач чиқди.

— Уйга кетсангиз бўларди, домла.

— Нима, аҳволи ёмонми?

— Йўқ, йўлдан келгансиз, бориб бемалол дам олинг, демоқчиман.

У кўриладиган тадбирларни врачга такрорлаб, хайрлашди. Бироқ дарвозахона олдида қоровул билан гаплашиб турган кишини кўриб, ҳайрон бўлди. У шаҳар партия комитетининг ўша вақтдаги секретари Фаҳмиддин Хўжаев эди. Илжайиб сўз қотди:

— Бугун уйга сизни мен элтиб қўйсам, домла.

Маъсумовнинг ҳайронлиги ошди: иш ва ташвиши бошидан ошиб ётган масъул бир киши нимага уни элтиб қўйиши керак? Йўқ, бошқа гапи бор. Аммо, гапини нима учун айтмаяпти? Сирми?

Улар индашмай машинага чиқишди. Сукутни Маъсумов бузди:

— Тинчликми?

— Самолётдан бугун тушганингизни биламан. Яна уча оласизми?

Ташриф сирй Маъсумовга аёйлаша бошлади.

— Қаёққа, қачон?

— Москвага, иложингиз бўлса, ҳозир.

— Нима гап ўзи, билсам бўладими?

— Сизни ўртоқ Юсупов йўқлатибдилар.

— Нима, ўртоқ Юсупов бетобмилар?!

— Ҳа. Аҳволлари анча оғирмиш... Касалхонадалар.

— Анчадан бери ётибдиларми?

— Бир ойча бўлди, чамамда. Операция қилишмоқчи экан. Усмон ака сизни иштирак этсин, касалим унга аён, дебдилар. Боя бу ёққа телефон қилишди.

Маъсумов Юсуповни ички буқоқ қийнаб юрганини биларди. Операция... Шу бўлса керак, деб ўйлади у.

...Уни Москва аэропортида кутиб олишди.

Буқоқнинг айни авж олган даври экан. Касаллик зарбдаст, матонагли кишининг руҳини анча кесган, товушини бўғиб қўйган эди.

Мураккаб операция беҳато, яхши ўтди...

Хонадагилар ҳикояни жим тингладилар. Ҳамшира унга бир пиёла лимон солинган чой узатди. У пиёлани ўгириб, чойдан бир-икки ҳўплади-да:

— Ўртоқ Юсупов шу-шу буқоқ касаллигидан халос бўлдилар. Яна ишга киришиб, бир бог барпо қилиш ҳаракатига тушдилар. Сира тиниб-тинчимасдилар, доимо ишнинг янги, ҳали қўл тегмаган қатламини кўтарар, шу билан таъблари хуш тортар эди.— деди доктор хаёлчан.— Кейин у кишига бошқа касаллик ёпишди. Охири юрак даш беролмади...

IV

У сукут оғушида. Ияги кўкрагига тушиб ўтирибди. Бир вақтлари тароққа бўй бермаган ўжар сочлари сийрак, оппоқ, беши узра ёнбошлаган. Булар ҳам гўё хаёл сурар эди.

Умр баҳори қулф урган кезларда ўзи ихтиёр қилиб танлаган соҳада у нималарга улгурди, нималар ҳали зиммасида турибди?

Қизиқ, одам бугун бир нимани яратади, шунга қуво-
нади. Эртага эса, ундан кўнгли қолади. Нимага? Ё кўн-
гли тўлса, мамнун бўлса, ҳаракатдан, ҳаётда из солишдан
тўхтаб қолармикан?.. Унда ёруғ дунёда яшашнинг нима
қизиғи бор?

— Медицинада ўз изинг бўлишини хоҳлармидинг?

Шу гапга қирқ йилча бўлди, шекилли. Ўлка медици-
на ходимларининг отахонларидан бири С. М. Слоним
домла гап орасида унга шу саволни берган эдилар. Из
қолдиришни ким истамайди? Аммо ҳали дуруст ўрга-
нилмаган, медицина ўз изини солмаган нима касаллик
экан бу?

Гап қобиғи ҳали очилмаган, Маъсумов нима жавоб
айтишини билмай, домласига қараб ўтирар эди. Слоним
гап қобиғини шошмай оча бошлади; ўлкада буқоқ каса-
лидан кўп одам азоб тортиб келади. Хотинлар туғишдан
маҳрум, эркакларнинг ярим кучи қирқилган. Улар оғир-
роқ меҳнатга, армия хизматига ярамайди. Шу касаллик-
ни аниқ ва чуқур ўрганиш, илдизини қуритиш зарур.
Эътиқоди маҳкам, уста хирург-врачлар унда қилади бу
ишни. Домланинг айтишича, бу уни ҳали учи топилма-
ган тугунни ечишга йўллади.

Тугуннинг учини топиш осон бўлмади. Бу касаллик
билан олдинроқ шуғулланган К. Шамигин ва О. Нико-
ласэ каби врачларнинг ёзмалари, маслаҳатлари ўрганил-
ди. Клиника ва касалхоналарда иш олиб борилди. Рес-
публиканинг шаҳар ва қишлоқларида юрилди: буқоқ-
нинг хусусиятлари, хиллари қисман анализ қилинди.
Ҳакимлар ва халқ тиббиёти «дори-дармон» деган ўтлар,
япроқларнинг хоссалари текширилди. Нима учун буқоқ
касалга чалинган одамга маржон тақилади? У денгиз
маҳсулоти, составида йод бор. Шунинг учунми?

Мукаммал бўлмаса-да, тажрибалар ўтказилди, опе-
рациялар қилинди. Эсида, катта миқёсдаги биринчи иш
ўттиз бешинчи йилда бошланган эди. Ушанда врачлар-
нинг илмий экспедицияси Фарғона водийсига борди. Экс-
педицияга Маъсумов бошчилик қилган эди.

Инсонга ёпишган бу хунук душман кўпроқ қаерларга
уя қурган?

Экспедиция Қўқон шаҳри ва унинг атрофидаги рай-
онларини таплади. Буқоққа ҳужум шу жойлардан бош-
ланди. Врачлар, клиника, касалхона ва ташкилотлар са-
фарбар қилинди. Текширишнинг дастлабки натижаси

даҳшатли: шаҳарда ҳар икки-уч одамдан биттасини шу дард азоблайди.

Айни вақтда лабораториялар бетиним ишлади: тупроқ, сув, ҳаво анализдан ўтказилди, аҳолининг турмуш шароити, емиши ҳам тадқиқ қилинди.

Одамлар ҳайрон: дўхтир дегани касалхонада ишлагувчи эди, булар бўлса уйма-уй юриб, одамлар билан гаплашади, каламуш сингари ер қазиб тупроқ кўтаради, сувни, унинг оқиш йўлларини текширади.

Буқоқ касаллини туғдирувчи сабаб охири ўзини кўрсатгандай бўлди: ичиладиган сувда йод жуда кам. Слоним домла Маъсумовни бу ишга йўллаганда: «Ҳали уч топилмаган тугун» деб шуни назарда тутганимкин-а? Шу бўлса, тугуннинг учи топилиди. Шу топда унинг кўз олдига бўйнига маржон таққан аёллар гавдаланди. Булар шунчаки безак учун эмас. Пайдо бўлган касаллиكنи улгайтирмаслик чораларидан бириндир, балки. Лекин буқоқ дардини туғилмайдиган қилишнинг чораси нима? Бу районлардаги оқар сувда зарур миқдордаги йодни муттасил ҳосил қилиб туриш маҳол. Емишга қўшилса-чи? Йўқ, бу яна ҳам мушкул. Ҳамма таомга туз солинади. Демак, касаллик илдинини сездирмай қуритиш калити топилиди. Аммо миқдори қанақа бўлади?

Анализ ва текширишлар яна давом этди. Охири аниқланди: тузнинг ҳар тоннасига эллик граммча йодли каллий қўшиб тарқатилди.

Буқоқ касаллигини туғилмайдиган қилиш иложи борга ўхшайди. Ҳарқалай, биринчи қадам қўйилди. Бироқ туғилган, улгайган касаллиكنи йўқотиш, одамлар бўйнидан бу зил юкни олиб ташлаш керак. Буниси яна ҳам нозик, қалтис иш. «Худонинг ўзи берган дард, ўзи олиб ташлайди. Дўхтир ҳам худонинг бандаси. Лекин яратганининг қудратига шак келтиради. Шаккок!» Гапни қаранг-а!.. Шу касофат бўйнидан олиб ташланса, тирик қолишига ишонмайди. Тавба, аёл кишига эркак дўхтирнинг қўли тегса, унинг охирати куярмиш! Қани энди ёнида мусулмон аёллардан врачлар, хирурглар бўлса, уйма-уй юриб, хотинларга ўзлари тушунтирса!.. Ҳа, нозик, қалтис вазифа... Аммо бунга йўл топиш коммунист-врачнинг халқ олдидаги бурчи, қарзи. Бу қарзни узади-ю, шу одамлар олдида юзи ёруғ бўлади.

Унинг миясини шу фикрлар алғов-далғов қилар, уни одамлар орасига етаклар эди.

У ҳар куни эрталаб барвақт туриб, чоркўча муюлишида, сой бўйидаги гавжум чойхонада нонушта қилади. Сўриларда одам зич. Маъсумов қўлида пиёла, сойнинг кулранг тусдаги бўтана сувига тикилиб ўтирибди. Сойда бир неча киши от суғорар, баъзилари тиззадан сув кечиб отини юварди. Олдиндаги икки отлиқнинг бири ёнидагидан сўради:

— Содиқвой, бизнинг от сув ичяптими? Малол келмаса, чилимқовоғингизни кўтариб қараворинг.

— Ошқовоқ энгаштирмадими, жўравоши?

Одамлар қийғос кулиб юборишди, отлиқларнинг ўзлари ҳам. Лекин бундан Маъсумовнинг эти сесканди: «Эҳ, одамлар! Ўз жисмоний нуқсонларидан кулишади-я! Ахир, «чилимқовоғи»ни ушлаб, селкиллаб кулаётган отлиқ ўттизга бормагандир ҳали. Шу хунук нарса бўйнидан олиб ташланса, у жуда келишган йигит. Тавба, нимага, нимадан қўрқаркин?»

Қўқонликлар аскиябоз, табнатар хушчақчақ халқ. Маъсумов бу атрофда юриб, уларнинг аскиялари, ҳазил-мутойибаларини кўп эшитди. Маъсумов ўгирилиб қаради: гўлабир одам ўтирибди. Аммо бўйни кўкрагига қўшилиб кетган. Хомуш. Маъсумов ундан кўз узолмас ва ўйларди: «Ёқасимон буқоқ деганлари шу, бешинчи даража...»

— Хунук бўлиб кетибманми?— ўкиниб сўради ўтирган киши. Унинг товуши ҳам ғайритабиий, йўғон, хириллоқ эди.

— Анча йил бўлдимми?— сўради Маъсумов.

— Анча йил. Қайдан билдингиз, табибмисиз?

— Топдингиз.

— Қийналиб кетдим. Шунақа бедаво экан бу...

— Кўриниб турибди, қийналибсиз. Қўқонликмисиз?

— Бувайдалик.

— Колхозда ишлайсизми?

Билиб туриб сўрайди-я, дегандай жавоб қилди у:

— Колхоз бошига урадими мани. Ишлаган тишлайди колхозда. Ҳолимни кўриб турибсиз-ку...— У индамай қолди. Кейин бир уҳ тортди-да, давом этди:— Илгари кучни қаерга қўйишни билмасдим. Ёз бўйи кетмон чопардим, кузда қиш тушгунча кундаков қилиб, тўнка ёрар, ўтин тахлардим. Бу фалокат катталашгандан бу

ёққа аҳволим шу. Илгари бекорчи кўзимга ёмон кўринарди, энди кўзимга ўзим ёмон кўринаман. Одам ожиз бўлиб қоларкан. Манавиларнинг кулгисига мени хўрлигим келди...

— Неча ёшга кирдингиз?

Алланима эсига тушгандай, у бирдан ҳушёр тортди. Кейин қаттиқ хўрсиди-да, хийла сукутдан сўнг:

— Қарига ўхшаб кетибманми? Рост, қари ҳам мендан тузук. Аммо ҳали қари эмасман, мулла. Шу мучал янгиланса, ўттиз учга кираман... Дадам раҳматли саксон ёшда қад букмай ўтдилар. Мен бўлсам...

— Ёш экансиз, умрингизни азобда ўтказманг...

— Иложим қанча,— деб юборди у асабийлашиб. Нотаниш одамга товуши кўтарилганидан изза тортдими, уэр сўрагандай, аста давом этди:— Умрим азобда ўтишини хоҳлармидим, мулла. Худо берган дард, иложим қанча. Пешонамга битган экан, кўтариб юрибман. Аммо уйдагиларга боқим бўлиб қолганингдан кейин алам қилар экан.

— Тўғри. Одамга алам қилади,— деди Маъсумов, ҳамсухбатига тасалли бергандай.— Аммо алам қилса-ю, илож изланмай юраверилса, одамнинг ожизлиги шу. Агар шу алам кишида шижоат пайдо қилса, дардга даво излайди, даво эса топилади. Мен айтмоқчи эдимки, қўрқманг, кестириб ташланг буни. Бир ой ҳам ётмайсиз. Илгаригидай бўлиб кетасиз. Тўнка ёриш ҳам гапми, ундан зўр ишларни қиласиз.

— Дўхтирнинг пичоғидан қўрқмайман — жонга тегди бу. Худодан қўрқаман.

— Худо қўрқоқни, ожиз бандани ёмон кўради.

— А!— У Маъсумовга қараб қолган, юзида на газаб, на қўрқинч аломати кўринади. Маъсумов эса ўсиқ, қуюқ қора қошларини чимирганча, йирик кўзларини ундан узмай ўтирар эди.— Бу гап тўғри,— деди у охир, ҳисл кулимсираб.— Дадам раҳматли ҳам доим шундай дердилар. Аммо қаёққа бораман, буни қайси жарроҳ кесиб ташлайди?

— Қидирмайсиз. Жарроҳ ўзим,— деди Маъсумов жилмайиб.— Хўп десангиз, касалхонага ҳозир олиб бораман.

— Олдин қишлоққа бориб келай. Ишонаверинг, келаман.

Хирургнинг пазарида, ундан хомушлик қочган эди.

Профессор ўша кунлардаги бир воқеани эслаб, оҳиста кулди.

— Ҳам кулгили, ҳам даҳшат. Аслида инсон фожиаси эди...

Аниқ эслаёлмадим: Риштонда ё Водилда бўлган эди. Врачлар колхоз далаларида, уйларда одамлар билан суҳбатлашар, ички ва ташқи буқоқ даражаларини аниқлаб, беморларга маслаҳат беришар, касалхонада операция қилишар эди. Врач Федоровамиди, бир кун шу ерлик хотин-қизлар вакиласи билан бирга бир аёлни бошлаб келишди. Буқогининг катталигига одамнинг ваҳми келади. Рангида қон қолмагандай. Чаросдек кўзлари маъюс боқар, гўё илтижо қиларди. Унинг айтишича, даво излаб кўп жойларни кезибди: Шоҳимардонга, Ўшбувага бориб сизинибди. Ким нима дори деса ебди, шайхлар дуо битган эзиб ичкиларни ютибди. Биттаси ҳам эм бўлмапти... Унинг ҳусн-жамолига завол бўлган бу бегона этни кўрар экан, Маъсумовнинг юраги ачишар, аини вақтда ўйларди: рози бўлса, дарҳол операция қилиш керак!..

Ногаҳон эшик тарақлаб очилди. Ҳамма қаради: новча, қотма бир киши эшик кесакисини ушлаганича ҳансираб турар, ранги бўзарган, нафаси бўғизига тикилганидан гапиролмас эди, у лабини ялаб-ялаб охир тилга кирди:

— Бировнинг заифасини йўлдан оздирдиларингми! Суратга олармиш! Хотин кишига номаҳрам қўл тегизгани худодан қўрқмайсизларми, бетавфиқлар!..

Вакила унга гап уқтирмақчи бўлган эди, икки қадам босиб келди-да, уни итариб юборди.

— Нариги тур, сан ҳам бормидинг ҳали! Дўхтирнинг каттаси ким?— ўшқириб сўради у.

Маъсумов стол орқасида ўтирган эди. Турди:

— Мен. Хўш, қулоғим сизда.

— Қулоғингни кесиб қўлингга берайми?— У пичоқ ўқталиб, Маъсумовга ташланди.— Чавақлаб ташлайман, ўлигинг кетади бу ердан!..

Ҳушёр турган икки йигит унинг қўлидан маҳкам тутиб, пичоқсизлантиришди.

Бу тасодифдан ҳамма қўрқиб кетган, ҳанг-манг бўлиб қолган эди. Маъсумов эса вужудида тугён кўтарган

титроқни зўрға босар ва ўйларди: «Оғу. Дин оғуси... Жаҳолат! Инсон танини, ақлини бетиним кемиради. Томирини кесиб ташлаш керак бунинг. Шунда инсонни бошқа дардлардан халос қилиш осонлашади...»

— Айтайлик, мени пичоқладингиз. Хўш, нима бўлади? — деди у, хонада юриб. — Ўзингиз омон қолмайсиз. Бемор хотинингиз жоҳиллигингиз жафосини кўтаролмайдди. Болаларингиз етим қолади. Хўш, шуми художўйлигингиз оқибати? Майли, бу жиноятингизни мен кечирман. Аммо бемор хотинингиз олдида гуноҳкорсиз. Бун ҳеч ким, болаларингиз ҳам кечирмайди. Туринг, кетаяринг.

Иигит ҳамон ҳансирар, ҳеч кимга қараёлмас, ўрнидан туролмас эди. Охир хотини хаста товуш билан деди:

— Сизга раҳмат, мулла ака. Ўзлари шунақароқлар. Жаҳлнинг ганига кириб, мани ҳам кўп қийнайдилар...

VII

Профессор ишдан бўш фурсатларда гоҳ хонада битта-битта юриб, гоҳо стулла тебраниб ўтириб шуларни ўйларди. Бу соҳада босиб ўтилган изга қарайди. Ўша воқеалар, ҳодисалар энди орқада, олисда қолиб кетди. Ўтмиш... Ўша вақтларда «ҳандалак буқоқ, чилимқовоқ» деб масҳараомуз таърифланган касалликдан нишон қолмади. Излар, коммунист-врач босиб ўтган излар. Булар республика шаҳарларида, қишлоқларида...

Ҳукумат буқоқ касаллигига қарши махсус диспансер ташкил қилди, уни яхши асбоблар, жиҳозлар билан таъминлади. Бу муассасага домланинг шогирдлари бошқош. Кераксиз эт бўйнидан тортган, қадди дол, хомуш, маъюс одам шифохонадан кўкрагини баланд кўтариб чиққанда, аввало врачга айтадиган миннатдорлик сўзи шу бўлади:

— Меҳнат ва ижодга иштиёқни, хушвақт яшаш умидини қайтардинг. Қўлинг дард кўрмасин!..

Содиқ Алиевичнинг фикрини яна тарихга қайтардим:

— Чойхонада учрашган ўша одам қайтиб келдим, домла?

У хушҳол жилмайди:

— Келди. Бир кундан кейин келди. Ўзим операция қилдим. Биласизми, бўйни ва гарданидан қанча бегона

эт олиб ташланди. Олти килограмм! Хушчақчақ, диловар йигит экан. Чиқиб кетаётганида, коридорда ойнага боқиб: «Тавба, сумбати келишгангина йигит эканман-ку, мулла ака,— дейди.— Уйдагилар сиздан от хуркарди, бошқа бўп кебсиз, деб танимай ўтирса-я. Бу ёғи қимматга тушмаса, денг ҳали...»

Бунн эслаб домланинг таъби хуш тортди шекилли, деразани очиб юборди-да, ташқарига қараб қолди. Касалхона ҳовлиси ям-яшил. Шохлари тарвақайлаган кекса ўрик чаман гуллаган. Домланинг назари олисда, бир-бирини етаклаб учаётган оппоқ булутларда эди.

VIII

Фарзандлари меҳнаткаш, одобли отани халқимиз «пир бадавлат» дейди. Бу — отага ҳавас, ҳурмат нфодаси.

Профессор Маъсумов республикадаги врач-хирурглардан бир авлодининг отахони, мураббийси. Шаҳар ва қишлоқ кезиб бирон касалхона хирург билан ҳамсуҳбат бўлсангиз, у аввало, домланинг номини тилга олади: бу касбга у кишининг сўзлари менда ҳавас уйғотган, ихлосимни маҳкамлаган дейди.

Домладан дарс олган таниш хирурглардан бири Носир Хўжаев бу соҳадаги тетапоя қадамларини эслайди.

...Эл бошига мусибат тушган йиллар, гитлерчи гавалар Ватан тупроғини поймол қиларди. Қаҳратон қини, ҳаммаёқ қор, ўқ ёмғири ёғилади, бомбалар портлайди. Ёртўлаларда ҳам операция қилинади. Шароит кутиб бўлмайди, уни ўзинг топишинг, тўғрроғи, ўқ ёғини ичнда ўзинг яратишинг керак. Шу огир кунлардан бирида бош хирург нобуд бўлди. Вазифа ёш хирург зиммасида қолди. Жарроҳлик асбоблари етишмайди. Устига-устак, жарроҳнинг ўзи ҳали гўр. Бироқ ярадор солдатнинг жонини сақлаб қолиш, уни жангга, душманни даф қилишга қайтариш зарур. Жарроҳнинг муқаддас бурчи шу. Бу дамларда Хўжаевнинг кўз олдида домласи гавдаланар, унинг қуюқ қошлари тагида ялтираган кўзлари жиддий боқар ва гўё дерди:

— Нега қўлинг титрайди? Билиб қўй, дақиқалар ортида ҳаёт, инсон умри турибди. Бу ҳаётни шу дақиқада сақлаб қолиш сенинг қўлингда. Тез, чаққон, бардам ҳаракат қил!..

Институтни битирганда унга домланинг шу сўзлари йўлланма бўлган эди. Ҳозир, жанг майдонида бу сўзлар унга солдат-хирург шижоатини, Маъсумовнинг мўъжизакор маҳоратини бахш этади. Урмонларга чодирлар тиклади, печкалар қурилади, ертўлалар қазиб ярадорлар ётқизилади, бетиним операциялар бошланади...

Эшик очилиб суҳбат бўлинди. Хонага оқ халат кийган, қорақош, шаҳло кўз бир қиз кириб келди.

Домла унга савол назарини тикди.

— Бемор операция хонасига олиб кирилди,— деди у.

— Ётқизинглар. Ҳозир.

У коридорда шахдам қадам босиб борар эди.

1973

Обиджон билан шийпонда у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик. Бригаданинг текис яхлит пахтазори нақ айвон дамидан ёстанган, оёғи тоғлар этагида. Ҳайбатли, мудроқ, сокин тоғлар. Ботиб кетаётган қуёш шуъласи энг баланд чўққини, унинг тепасида муаллақ туриб қолган булутни лахчалантириб юборган. Ҳар кунни чўққи устига лахча қўнганда тоғлар бағри, жылғалар қораяди, тун ўша ердан бошланади; тонг ёришганда эса кун қишлоққа шу чўққидан мўралайди.

Болаликдан одат бўлиб қолганми, ҳар қалай, Обиджон бу чўққига кўп тикилади. Ўзининг айтишича, унга қараб ўтириб, у сочилиб кетган фикрларини жамлаб олади, паришонлик чекинади, агар жаҳл оти олиб қочса, ҳовурдан тушади; гам-андух ғолиб келса, таскин топади, вужудида ҳаракатга ундовчи куч сезади.

У гоҳо бу чўққига қараб ўтириб,— айниқса кечқурун,— умр дафтарини варақлайди. Ўтган умрининг бир лаҳзаси ҳали-ҳали эсида, хотирасига битилиб қолган ўша лаҳзада унинг болалиги тугаган, болалик хаёллари тарқалиб кетган эди. Уни ўша лаҳза ҳаётга қадам бостирган, катталар хаёлини суришга мажбур қилган эди.

Ўшанда шу сингари гира-шира, шу сингари куз оқшоми, чўққига лахча қўнган дам эди. У кўчадан югуриб кириши билан онаси қўлига хат туттирди: дадангдан келибди, ўқиб бер, ўғлим.

Хатни очаётиб Обиднинг қўли титраб кетди. У хатга жадал кўз югуртирди: Акбар Мамадалиев Ўлуғ Ватан уруши фронтнда...

Хат Обиджоннинг қўлидан тушиб кетди. Онаси уввос солиб йиғлади, укалари, синглиси қий-чув кўтаришди. Йиғига қўшни аёллар чиқиб қўшилишди. Обиджон на ўкириб йиғлади, на бировга бирон нима деди: у ҳовли

ўртасида бошини чангаллаб сокин чўққига қараганча қотиб қолган эди.

Йиғи тинди. Қўшни аёллар уй-уйларига чиқиб кетишди. Укаларп ухлаб қолишди. Фақат онасининг оҳи, кўксидан юлиниб чиқаи оҳ ўқтин-ўқтин эшитилар, жимликни бузарди. Кейин ҳаммаёқ ҳувиллаб қолди.

— «Оила энди сенинг қўлингда бўлади, ўзингни тут, бошингни кўтар, Обиджон!» Дадасининг товуши қўлоғида аниқ такрорланди.

У тебраниб аланглади.

Онаси яна оҳ урди.

Обиджоннинг ҳалқумига энди алланима тикилиб кела бошлади. У қўли билан юзини маҳкам беркитди. Елкалари силкиниб-силкиниб тушди.

Ҳамма уйқуда эди.

Эрталаб онаси унга бир пиёла иссиқ чой тутди. У кўнглида ҳосил бўлган аҳдни онасига эълон қилди:

— Ая, бу йил еттинчидан кейин мактабга бормайман. Колхозда ишлайман.

Онаси йиғлади.

— Энди қайтиб келмайди. Кўриб турибсиз, отасиз қолганлар ёлғиз биз эмасмиз.

Онаси ялт этиб унга қаради: назарида ўғли шу кечада улғайиб қолгандай. Гапириши худди отаси: оҳиста, қатъий.

Таскин онасига, тўрт гўдак билан тул қолган аёлга ҳам ўтган эди.

Ҳа, Обиджон машъум хатни ўқиган дамда, даласи фронтга жўнаётиб ўғлининг иягидан кўтарганча айтган гаин қўлоғида такрорланган дамда улғайган эди. Обиджоннинг пешонасидаги ажинларнинг биринчиси балки ўша дамнинг ўзига хос улғайиш белгисидир...

У қиш бўйи мактабга қатнади. Баҳор кириб, далага қўш чиқиши билан раисга рўпара бўлди.

Правление раиси Раҳимжон Усмонов камгап, салмоқлаб гапирадиган киши эди. Ҳали-ҳали Обиджоннинг эсида: раис хийла вақт индамай, унга разм солиб ўтирди; гўё уни бошдан-оёқ кузатарди. Обиджон эса кўрнишда чоғ, бунинг устига этсиз, ерга қараганча турибди: раис бўлса ундан на кўз узади, на сўз қотади: ғамгин, синчков кўзларини унга тикиб ўтирибди.

— Кел, йигит, ишлар қалай?— сўради у ахири.

Обиджон бошини кўтарди:

— Ишласамми, деб, маслаҳатга келган эдим.

— Ўқишинг нима бўлади?

— Ўқишни тарк этиб тураман. Шундай қарорга келдим, раис бува.

Раис ўйланиб қолди. Орага жимлик чўкди. Бироқ Обиджоннинг гапидаги қатъият унга таскин берган эди.

— Яхши ўйлабсан, ўғлим,— деди. Кейин хат ёзиб боланинг қўлига берди. Омборчига олиб бор. Бир пуд ун беради. Тирикчиликка ишлатиб туринглар. Бўш қоп тик турмайди, йигит,— деб илова қилди у жилмайиб.

Бу жилмайиш Обиджоннинг кўнглига ёруғлик солди.

Обиджон ишга чиқди, дастлаб қўшчиларга кўмаклашди: от ва ҳўкиз етаклади. Кейин кетмон чопди, катта деҳқонлар сафида экин парваришлади. Ундан кейин сувчилик қилди.

Бир куни кеч кузакда раис уни идорага чақиртирди:

— Сенга бир маслаҳат бор, Обиджон,— деди йигитчага синчков тикилиб.

— Қулоғим сизда, нима маслаҳат экан?

Ўсмирнинг ўзини тутиб, катталарча айтган гапига раис ўзини кулгидан зўрга тўхтатиб қолди. Мийиғида қулиб давом этди:

— Маслаҳат шуки, оғайни,— деди у,— энди ҳунар ўргансанг, деб чақирдим. Сени тракторчиликни ўрганишга юборсак. Хўш, қалай, йўқ демассан-а? Қўшнинг Эминжон ўзим ўргатаман, деб юрибди.

Уни тракторчиликни ўрганишга юборишмоқчи, бунинг устига Эминжон акасининг ўзи ўргатади-ю, Обид йўқ дейдими? Бир миниб келишга велосипедини бериб турмаган ўртоқлари олдидан Обиджон баҳайбат тракторни тариллатганча ҳайдаб ўтади, ҳа, уларни ўтқазиб оладн, ҳатто талабгорларга ҳайдашни ўргатиб қўяди. Аммо шу топда унинг кўнглига бошқа бир нарсa гашлик солди, туғилган шашт ногоҳ қайтди. Обиджон бўшашиб ерга қаради.

— Ҳа, ер сузиб қолдинг?— раис ҳозир ҳатто унга дашном бермоқчи эди, лекин бирдан эсига тушиб, сўзини ютди.— Бошингни кўтар, йигит.

— Мен-ку жон дейман-а, уйдагилар нима тирикчилик қилишади? Учта қанот чиқармаган жўжа билан онам...

— Ўзим ҳам шу важни рўпара қиларсан, деб ўйлаган эдим. Уйингдагилардан кўнглинг тўқ бўлсин, йигит. Уларни ташвишини колхоз кўтариб туради.

Обиджон Марҳамат МТСига бориб, ремонтчилар қаторида бўлди, баҳоргача тракторларни ремонтдан чиқаришда қатнашди. Кейин ер ҳайдади.

Қишлоқ хўжалиги знёлилари сафига Обиджон қирқинчи йилларнинг сўнгида қўшилди. Бу соҳада тетапоялигидан уни етаклаган, зеҳинли томир ишига ўткирлаган устози Эминжон Мирзаев. Обиджон унинг номини зўр ҳурмат билан тилга олади:

— Эминжон акам яхши механик. Аввало, у киши жуда меҳрибон одам. Механизмни билиш, ўрганиш истагида келган одамни ҳеч ноумид қилмайди. Унинг юкини дарров елкасига олади. У ўз юкини бемалол кўтарадиган бўлгач, бошқанинг юкини елкасига олади. Бу йўлда у бошқалар юкини кўтариб умр ўтказяпти. Лекин ҳеч кимга миннати йўқ...

Тоғ томондан этни жунжитувчи шабода эсар, айвон дамидаги устунга боғлаб қўйилган байроқ ҳилпирар эди.

Обиджон чўққига тикилиб жим қолди. Чўққидаги лахча тамом хиралаган эди, устига қалин ёйилган қора рангга қориша-қориша, охири, бир-икки кўзга чалиндида, ўчди. Энди тун ҳаммаёққа танҳо ҳукмрон бўлиб олган эди. Чўққи тепасида, зулмат қаърида юлдузлар элас-элас мижжа қоқади. Обиджон қоронғилик ичига бурканган шу чўққига қараб гўё ҳаёлининг учини изларди.

Унинг ўз устози ҳақида юракдан чиқариб айтган сўзлари кўз олдида йигирманчи йилларнинг дастлабки механизаторларини гавдалантирди. Шаҳардан жўнатилган тракторларни қишлоқ кўчаларидан миниб ўтган ўша йигитларни халқ оломон-оломон бўлиб томоша қилган, кўп одамлар ёқаларини ушлаб қолган эдилар. Таъбир жоиз бўлса, қишлоққа техника йўлини ўша дастлабки механизаторлар солган эдилар. Ҳа, кимдир олдинда юради, йўлни олдинда юрган очади. Йўл — янгиллик, тараққиёт олиб келади. Аммо янгилликнинг йўли геп-текис эмас.

Ўша дастлабки механизаторлар ўзларига отилган маломат тошларини қайтарган, бурчаклардан отилган ўқларга кўкракларини қалқон қилган эдилар. Ахир, машинаси деҳқончилик ақлга сикмайдиган бўлиб қолди...

— Қараинг-а,— деб хитоб қилди Обиджон, бирдан руҳланиб ва енгил кулиб:— Кечагина, трактор зинасига

оёғи етмаган шўх болалар эдик, қарабсизки, бола-чақалик, ҳатто бебо бўлиб қолибмиз.

— Болалар нечта, Обиджон?— сўрадим ундан.

— Тўққизта,— деди у ҳамон кулиб. Аммо товушидан гурур, оталик гурури сезилиб турарди.— Қизларнинг каттасидан набирамиз бор; ўғилларнинг каттаси — Маҳаммаднури бу йил ўнинчи синфни битиради. Қарасам, улар орасида менгина илмдан бебаҳра қоладиганман. На чора, эзгуликнинг кечи йўқ дейдилар,— кечкида ўқиб ўрта маълумот олдим, кейин Андижон пахтачилик институтининг механизация факультетига сиртдан ўқишга кирдим.

— Обиджон, сиз бу йил мавсумда ҳаммадан кўп пахта тердингиз. Бу машинада пахта теришнинг бугунги жаҳон рекорди. Бу чўққини биринчи бўлиб сиз забт этдингиз. Бир саволга жавоб берсангиз, бунчалик кўп пахта териш фикри қачон, қандай вазиятда туғилган эди? Бу қарорга келишда нимага суяндингиз?

— Ижозат берсангиз, жавобни саволнинг охиридан бошласам,— деди Обиджон кулиб.— Майлими?

Мен бош иргитдим.

— Бу қарорга келишда йигирма йиллик тажрибага, ўзим издош бўлган механизаторларнинг бу йўлда ортирган маҳоратларига суяндим. Эсингиздами, бу борада эллагинчи йилларда юз берган ўзгариш?

Ўша йилларда пахтачиликни механизациялашнинг янги даври бошланган эди. Энди пахта теримидек мураккаб, юзик ишни ҳам механизмлар елкасига ортиш зарур эди. Бу давр ўз дарғаларини — комплекс механизациялашган бригадаларнинг миришкор бошлиқларини майдонга чиқарди. Булар: Мелиқўзи Умрзоқов, Турсуной Охунова, Валентин Тюпко, Мамажон Дадажоновлар каби юзлаб замон қаҳрамонлари, уларнинг минглаб издошлари эди. Обиджон Акбаров ўзини шу издошлар сафида ҳисоблайди.

Ушанда, эллик тўртинчи йил кузида «СХМ-48» машинасини биринчи марта юргизиб эгатга солган кундаги қувонч, ҳаяжон ва шубҳалари ҳали Обиджоннинг эсида. Ўша куни машина эгатда қалқиган, ҳаккалаган, пахтани тўккан бўлса ҳам, ҳар қалай терган, икки-уч бункерни олиб чиқиб бўшатган, ишончсиз кўз тикиб турганлар олдида шарманда бўлиб қолмаган эди. Ўша мавсумда икки ой тиришиб механик-ҳайдовчи Обиджон Акбаров ўттиз

тонна пахта терган, номи ҳатто Тошкентда машҳур механизаторлар рўйхатига ҳам кирган эди. Ушандан бери у ҳар йили мавсумда бир кунни ҳам канда қилмай, машқ расолади, малака, маҳорат орттирди. Машина теримида чўққини эгаллашга тиришди. Утган 1972 йили унинг бункердан тўккан пахтаси етти юз эллик тоннада тўхтаган эди.

Ёз нафаси ҳали бўшашмаган кунларининг бири эди, Асакада область пахтакорларининг кенгаши очилди. Гап ғўза парваришини кучайтириш, ҳосилни тез етилтириш, бу йил Ватанга ҳар йилгидан кўп пахта етиштириб бериш устида борди. Ўзбекистон Қомпартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шароф Рашидов андижонлик пахтакорларни бу жабҳада социалистик мусобақа байроғини баланд кўтаришга даъват қилди. Бу чақириқ кенгаш қатнашчилари юрагига ўт ёқди, кўнгилда етилиб келаётган фикрни жўштирди.

Колхоз тузумининг ажойиб ташкилотчилари: Тешабой Мирзаев, Иброҳим Бакиров, Шермат Юсуповлар билан пахта жабҳасида беллашган Абдусамад Тиллабоев шу даврада эди. Дастлабки колхозлардан бирини шу мўтабар одам йўрғаклаган, оёққа бостирган, қирқ йилдан бери ҳануз шу хўжаликка бош, уни йирик, бақувват, бой колхозга айлантиришда катта хизмат қилиб келмоқда. У айтдики, полвои гапнинг ўзи тош босмайди, тарози палласини пахта, кўп пахта босади, кўп пахтани эса жадал терадилар. Пахта устозлари бирин-кетин чиқа бошлашди. Қирқ центнердан, дейишди асакалик миришкорлар.

Дўмбира овозига улоқчи отнинг қулоғи динг бўлади, ўзини тўдага уради.

Бу гапларни эшнтиб туриб Обиджоннинг фикрлари бир-бирини босиб кела бошлади. У сўз сўраб қўйди-ю, назарида фикри тиниқ эмасди. Доимо шунақа, яхши гапларни айтишнинг кўнгилга тугиб олади-ю, лекин минбарга чиққанда йўқстади-қўяди. Хўш, мана ҳозир нима дейди?

— Ўртоқлар, биз эгатда эмаклаб йўлга кирдик. Бобомиз пахтакор, отамиз, ўзимиз пахтакор...— Бу гапидан Обиджоннинг ўзи кулиб қўйди. Бошқалар ҳам кулди. Баландпарвоз, пуч гаплар! Яхшиси Обиджон ўзининг гапини, лўнда, тарози босадиган гапини айтади:

— Бизнинг коммунистик меҳнат бригадамиз аъзола-

ри менга шуни айтишни топширишди: биз бу йил гектардан эллик центнердан пахта етиштирамиз. Биласизларки, ўртоқлар, мен механизаторман. Йигирма йил бўлай деб қолди. Машиналарнинг ҳаммасида ҳам пахта териб кўрдим. Ичида ёмони йўқ. Агар, мисолим тўғри бўлса, уларнинг дастлабкисини — «СХМ-8» ни ҳали суяги қотмаган бола деб фараз қилсак, тўрт қаторли «Ўзбекистон» чинакам полвон. Мен бу йил шу машинани минаман. Аҳдим 950 тонна! Пуч гап эмас бу. Коммунистлик сўзпм...

Ҳамма қарсак чалди. Марказком котиби ҳам. Демак, унинг гапига ишонишди.

Шу йиғиндан кейин Обиджон Акбаровнинг тиними тамом йўқолди. Механизаторлар билан гаплашганда, кечалари сувчилар билан бўлганда ҳам эгатларда жилдираган сувга тикилиб, тупроқнинг сув шимишига қулоқ солиб ўтириб, ҳисоб-китоб қиладди: ахир, бу рақам айтишга осон, ҳа, дейди Обиджон фикран, сўз айтилди, ўқ отилди. Тамом...

Марҳамат — тоғлик район, Обиджонларнинг жойи яна ҳам салқин, пахтаси яхши битади-ю, бошқалардан беш-ўн кун кейин етилади. Хўш, нима қилмоқ керак?

Обиджон гаплашиб, пахта теримини Бўз районидаги совхозлардан бирида бошлади. Ўзининг пахтаси қийғос очилгунча — уч юз ўттиз тонна териб қайтиб келди. Ўз еридан тера бошлаган кунларда у шерланиб кетган эди: у машинасини эгатга солганча соат бирларда тўхтайди, овқатланиб бир оз ором олади-да, «полвон» яна пахтазор оралайди, кечаси ҳам чироқлари рўпарасини ёритиб эгатларда сузиб бораётганини кўрасиз.

Эрталаб Обиджон «Ўзбекистон»ни яна юргизади. Машина пахта денгизида сузгандек хиёл-хиёл силкиниб боради, шпинделлар чаноқларда қайнаб тошган лўппи пахтани шип-шип тортиб оладилар-да, дарҳол бункер томон узатадилар, оппоқ момиқлар бункерда капалакларсимон қанот қоқадилар, чанг-ғубордан тозаланиб, беҳол чўкадилар. Обиджон чаноқларни бўшатаётган шпинделлар овозини эшитиб, яйраб теради. Ахир, бош терим гектаридан 25—30 центнердан. Пахта шунчалик бўлади-да!

Аkbаров икки машинада пахта теради: эрталаб минганининг шпинделлари кирланса ёки созлаш талаб қи-

линса, иккинчисини эгатга солади; слесарь ва механиклар унинг шпинделларини ювиб созлайдилар.

— Қизиқ, баъзи одамларга тушунолмаман,— дедн Обиджон,— кўп терсанг ишонмайди, қандайдир шубҳа билдиради, ишонтирсанг, яккам-дуккам рекорд-да бу, дейди. Хўш, рекорд бўлса нима қилибди? Аммо пахта жабҳасидаги бу мусобақа спорт пойгаси эмас. Аслида мен шу машинанинг куч-қудратини билишга аҳд қилган эдим. Бунн билдим. Натижа: рекорд. Ахир, ёш, тажрибасиз маханик-ҳайдовчиларни иштиратидаган бир нуқта, манзил бўлиши керак-ку.

Олтиншинчи йиллар бошида ҳамма механизаторларни ўзига иштиртган чўққи — 300 тонна эди. У забт этилди. Кейинча, олтиншинчи йилларнинг охирларига келиб бу чўққи — 500 тоннага кўтарилди. Бу ҳам забт этилди. Кейин 700 тоннага кўтарилди. Кўпчилик механизаторлар бу чўққини ҳам забт этдилар. Бу йил мусобақа ғолиби, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Обиджон Акбаров тиклаган 1000 тонналик янги чўққи пайдо бўлди.

Энди терим механик-ҳайдовчилари шу чўққини забт этиш учун беллашадилар.

1973

У мудом ер бошида: баҳору ёз — яктакчан, иштон почаси тиззасигача кўтарилган, чўян тусли оёқлари ерга маҳкам қадалган, иккала кафти кетмон дастага устма-уст қўйилган, ияги қўли устида; кўзлари эгатларда — жилдираб, қуёш нурида йилтиллаб, тупроққа сингиб оқаётган сувда: баравар оёқланияптимиз? Бирон жойи бўкиб қолмадимиз? Бўкиб ичса, тупроқ ўтиради, безга айланади, ғўза эзилади ё сувхўрак бўлиб қолади. Бирон эгатнинг суви чопқиллаб ўтиб кетмадимикан? Уқ илдизга нам етмайди, ер селгима йана сув талаб қилади.

У фикран сув, тупроқ билан, ғўзалари билан гаплашадиган; гул, кўсакни — ҳосилни кўпайтириш тадбирларини ахтаради...

Кузу қишда эғнида гуप्пи, яна ер бошида: бригада аъзолари билан ғўзапояси олипган ерда пол кўтариншадиган. Полларга сув қамалади: кўллар, охириги кўз илгамас кўл ва кўлчалар ҳосил бўлади — шишаранг осмон шу кўлларга эниб олгандай.

Кўллар баҳор киргунча ана шундай туради. Оқаваси пайкаллар эгатидаги зовурларга тушади. Бу ерларнинг шўри — нимжон ниҳолларни қовжиратадиган аччиқ тузи шу тарзда ювлади.

У полларнинг бирдан иккинчисига сув ўтадиган жойга босилган чимни маҳкамлади-да, бўйчан қоматини барала ростлаб, кафтларини пешанасига соябон қилганча атрофга разм ташлади: кенглик, поёни йўқдай кенглик — ҳаммаёқ бўм-бўш, чеккадаги ниҳоталар—ёз бўйи бўронларга ўзини қалқон қилган шовул толлар, шу ерларни очганда ўзи ўтказган, ярим оролча тусига кириб қолган мевазор бог яланғоч, қимир этмайди — уйқуда, куч йиғади, ўзини қалқонлик бурчинини ўташга чоғлайди; кўллар тагидаги тупроқ ҳам уйқуда, у ҳам ўзини янги ҳосилга шайлайди.

«Искра» колхозида тузилган янги бригадага бош бўлиб, Шайтонқўлда янги кўллар ҳосил қилганда — ерни шўр чангалидан ажратиб олишга киришганда куз оёқлаган, қиш нафасп этни чимчилай бошлаган эди. Ушанда бу ерлар йил ўн икки ой яйдоқ, яланғоч: на қақ-қайган бир дарахт, на бирон бостирма бор эди, шамоли одамни гандираклатарди, аччиқ шўрни бетга чаплар эди.

Бешариқда бу спёқ дашт мавзелари кўп эди. Уларнинг кўпи «чўл» номини йўқотди. Совет кишиларининг ҳиммати уларни унумдор ерларга, яшил қишлоқларга айлантирди. Аммо Шайтонқўл мавзеи ҳувиллаганича қолаверди.

Нимага, нима учун?

Дейдиларки, ўтган замонда бир овчи даштдаги буга-зорлар орасида кеза-кеза на бир парранда, на бир қуён урибди. Афсус-армон билан кечга яқин қайтаётса, шу жойда бир кўл, сув бетини тўлдириб гозу ўрдаклар сузиб юрганмиш, ҳаммаси оппоқ, яқин борса қочмасмиш. Мўлжалга олиб отса, гумбурлаган овоз аллақерда аксадо бериб янграганмиш, кейин мундоқ қараса, кўл бети бўм-бўш, ўрдагу гозлар гур кўтарилиб гирдобга айланганмиш — таги ердаю боши осмонда, пилдираб келиб уни ўз забтига олганмиш. Эрталаб овчинини йўловчилар кўрганмиш: усти боши, афти башараси оппоқ шўр, тупроқ қучиб, оғзи қийшайиб ётганмиш...

Булар миш-миш бўлган воқеани-йўқми, ҳеч ким билмайдн. Аммо халойиқ оғзида: «Шайтон васваса қилмаган одам Шайтонқўлга борадимн?» деган совуқ гап қолган.

Ўн тўрт йил бўлдимн шунга, у янги бригадасини тузиб, «Шайтонқўл»да пол кўтарганда, қишлоқда дув-дув гап қўзғалди: «Чолни шайтон васваса қилди шекилли. Нордек ўғли ишлаб турибди, кўрпача устида чордона қуриб ўтирса-чи, Бирон кор-ҳол чиқармаса эди!»

«Ўзи-ку ўзи, Ганивой мўйсафид билан Нурматни ҳам васвас қилибди тиззадан шўр кечиншга, тавба...»

«Э, девоиа, биласиз-ку уни, ўзи индамай юрса ҳам тутганини кесади. Бир иш чиқармоқчи шекилли. Ажаб эмас чиқарса».

«Бе!»

Бу гапларни у гўё эшитмасди, бригадасидагилар билан асрий шўрни ювишда давом этар, қишлоқдаги тол-

ларни каллаклаб, ходаларни гашиб келар, ер четига ўт-қазар эди.

Бир куни тушки овқат маҳали Ғанивой ака бригадирнинг кўнглига қўл солди:

— Қишлоқдаги гапларни сиз ҳам эшитяпсизми, бригадир? Баъзан гашинг келади, баъзан...

Бригадирнинг қошлари ногаҳон чимирилди, тақасимон мўйловининг учи хиёл пирпираб кетди, калта кузалгаи ияк соқоллини кўрсаткич бармоғининг қирраси билан бошмолдоғи орасига олиб, этини эзғилаганча шеригига тикилиб қолди. Ғанивой ака бригадирнинг авзойи ўзгарганини кўрди-ю, гапининг охирини ютди. Бригадир хийладан кейин аслига қайтди ва ўз одатича гўё унга тасалли берди:

— Ўкинманг, оғайни. Ҳар ким экканини олади: гап эккан — гап, экин эккан — ҳосил йиғади,— деди-да, ўрнидан турди.

Иш — шўрни бу ерлардан ҳайдаш, Шайтонкўлнинг янги истиқболлини кўзлаган меҳнат давом этди.

Улар, бора-бора, ўттиз кишидан ортди. Тинимсиз ҳарб-зарб уриб, икки йил мобайнида 63 гектар ерни шўр қамровидан ажратиб олишди, тупроқни созлашга киришишди. Лекин экинни ундириб олиш, илҳолни вояга етказиш азоби яна ҳам қаттиқ эди: чигитни эндигина қалпоқ қилиб чиққан, уни иргитиб ташлаб, эндигина икки қулоқ бўлган, эндигина ёругликка, офтобга иштилан ғўзаларни шўр қовжиратади, сийраклатиб қўяди, устига-устак, ўкириб келган шамол учуриб кетар эди. Одамлар кўзи ҳали вояга етмаган иҳоталарга боқар, гўё илтижо қилар эди. Бригадир эса, ичинини мушук таталаса ҳам, хотиржам кўринар, гўё ўзига ўзи гапирар эди:

— Булар ҳадемай улғаяди, унгача биз ҳам офат кушандаси бўлиб оламиз.

Дастлаб улар гектаридан ўн икки-ўн уч центнердап ҳосил ундиришди. Кейин бориб ўттизга чиқди. Бу Бешариқда пешқадамлар кўтарган ҳосил эди. Узоқ йилли ҳосил элликнинг бўсағасига етди.

Кўрмаган, билмаган кишининг ишонгиси келмасди. Наҳот шундай бўлса?

Ҳар ким бориб, кўзи билан кўришни истарди. Келдикетди кўпайди. Мухбирлар келиб бригадирни саволга тутишди:

— Отангизнинг исмлари?

— Икром,— дейди бригадир оҳистагина.

— Ўзингизнинг отингиз?

— Абдураззоқ.

Мухбир бир нимами аниқлаб олгиси келгандай, қаламиши ўйлаб, хаёли суради. Ғанивой ота, мухбирнинг сўрагани ийманганини фаҳмлабми, ҳар қалай, бригадир ўрнига изоҳ беради:

— Оталарин, худо раҳмат қилсин у кишини, ўғлим диёнатли, ризқ улашувчи бўлсин, деб умид қилганлар.

Мухбир изохин ёзиб олади-да, яна савол беради:

— Отангиз нима касб қилганлар?

— Деҳқон, пахтакор эдилар. Эсимда: оқ ва малла ғўза экардилар. Пахтасини кўсакдан чувиб олардик.

— Ўзингиз неча ёшдан пахта экасиз?

Абдураззоқ ота муйловининг учини бураб, жилмаяди.

— Қайдам. Онам раҳматли, эмаклашни жўякда ўргангансан, жўякда тетапоя бўлгансан, дердилар. Тишимиз чиқиб, эсимизни танибмизки, шу деҳқончилик, шу меҳнатдамиз — тирикчилигимиз пахтанинг кетидан...

Булар ўтмиш, анча узоқ ўтмиш ҳақидаги гап. Янгиси шуки, Абдураззоқ ота бригадаси шўр тақирда ҳосил кўтарди, катта ҳосил. Бу ернинг «Шайтонкўл» деган совуқ номи одамлар дилидан кўтарилди: ҳозир уни Пахтали кўл деб атайдилар. Ҳукуматимиз бригада аъзоларининг бу ҳимматини тақдирлади. Жумладан, бригада сувчиси Нурмат ака Ҳурматов кўкрагига Ленин ордени тақилган, Абдураззоқ ота Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган. Бу тақдир уларнинг ҳимматини яна оширди. Ҳосилдорлик яна оширилди: ўтган йилги гектарига эллик центнердан пахта етказилди. Энди Бешариқда бунга ишонмаган одам йўқ.

— Бизнинг ерлар ҳам обод жойлар тусига кириб қолди,— дейди ота.— Илгари бу ердан туриб қичқирсангиз овозингизни ўзингиздан бошқа ҳеч ким эшитмасди. Энди қўни-қўшнилар кўпаяётибди. Шукур.

Нурмат ака изох берди: бу ёқдан «Искра» колхозини, у ёқдан «Москва» колхозини янги ер очишга киришибди. Узоқ йилги Бешариқнинг қаҳрамон механизаторини Қурбон Қенжаев меҳаннизациялашган бригада тузиб иш бошлабди, отанинг ўғли — Исмоилжон бригадаси Қенжаевга қўшни бўлиб кўчиб борибди. Пахтали кўл меваси доврўқли кишилар маконига айланибди.

Абдураззоқ ота мудом ер бошида, меҳнатда, қомати тик, кирза этикни гурс-гурс босиб одимлайди, кексалик чекингандай... Ёшларнинг ишга бўй бермаганини кўрса, уларнинг бирортасидан: «Белим толди», деган гапни эшитса, мийиғида кулиб қўяди-да, индамайди, кейин мавридини топиб, бир-икки оғиз гаширади:

— Ёшлигимда,— дейди у,— баъзан ўйинқароқлик қилсам, дадам раҳматлик: «Одам боласи меҳнат билан тирик, ўғлим», дердилар. Бунинг маънисига кейин, ақлим тўхтаганда етдим. Ҳа, ёшлик ширмон ейди.—У бармоқлари билан этсиз иягини эзғилаб, даврадагиларга бир-бир кўз ташлаб, хийла индамай қолади. Кейин ногаҳон теран кўзлари йилтиллайди: — Шу ерга дастлаб қўл урганимизда ёнбошини болишдан узгисин келмаган баъзи қариялар биздан кулишган эди, булар шайтон васвасасига учди, деб. Шулардан баъзилари Ғани ака билан тенг, баъзилари ёшроқ. Бу киши етмиш иккига қадам қўйди-ю, кечаю кундуз сизлар билан бирга, тўғрироғи, сизларга серка — узоқни кўради, сизларни узоққа йўллайди — у сизларга ер мижозини, ҳосил ундириш йўлларини ўргатиб юрибди. Уларнинг эса, қаддилари бемаҳал дол бўлибди. Бу ҳолга одам ачинади,— деди-да, иягини қаттиқроқ эзғилай бошлади. У гўё йўқотиб қўйган гапининг учини изларди:— Аммо,— деди у иягидан қўлнинг олиб,— мақсад катта бўлса, ният зўр бўлса, одам чўкиб ўтиролмайди, манзилга интилади, яқинлашгани сари қадди ростлапаверади. Чўққига чиқиб олдим, кенгликни кўради, кўзи равшан тортади, кўнглида янги, улканроқ мақсад туғилади — ана ўшанга етишга интилади...

Ота колхоз эди тетаноя бўлган, қаддини ҳали ростлаб олмаган йилларни эслайди. Бир кун, киш энди кирган эди шекилли, ҳисобот мажлисида одамлар уни ҳосилот советининг раиси қилиб сайлашди. Ўз ибораси билан айтганда, у нилаб юрди — уни ҳосил учун жавобгарлик ҳисси тинч қўймасди. Бора-бора, номин Абдураззоқ ҳосилот бўлиб кетди. Колхозчилар: «Ҳосилот буюрди», «Мана бу ернинг ғўзаси сувдан қантариб турилсин, сув мана бу пайкалга таралсин — қўш эгат қилиб», деб тайинлади. «Ҳосилот», дейдиган бўлишди. Кейин унинг изнига раҳна туша бошлади. Ҳосилот сувдан тортилсин, деган ер ғўзасининг МТС агрономи суғортирибди, унинг таъби тирриқ бўлдию одамлар ҳузурида унга ҳеч нима демади, аммо ичиди: «Тағидаги сизот бетига тежай деб турибди,

шуни ҳам кўрмабди. Гап уқадими бу нодон,— деб гижинди.— Аммо энди ғўза ўнгламайди!»

Кейин ғўзани ялпи суғориш муддатлари аниқ кўрсатилган буйруқ келди. Амал қилмаган правление раиси, ҳосилот советининг раиси ғазабга олинди, ишдан бўшатилди. Уша йили план бажарилмади...

Ер ғўзапоядан тозаланиб, шўрини ювишга тайёрланаётган пайт эди. Агроном яна келиб, сув қамаш учун кўтариб қўйилган полларни буздирибди, ҳайдатибди. Абдураззоқ ота: «Шудгор кўтарилмайдиган ерларни пол қиляпмиз, бу ерларни баҳорда ҳайдаймиз» деса, «Сен нима билардинг», дебди. Қани энди гап уқса! Отанинг жигибийрони чиқибди. Демак, келгуси йили аҳвол баттар бўлади!

— Ушанда,— дейди Абдураззоқ ота,— ҳосилотликдан ўзимни-ўзим четлатдим. Бу иш ана шундай даврларни кўрди.

— Дўхтир,— дейди у давом этиб,— олдин касалликни нималигини аниқлайди, кейин муолажа қилади. Ерни ҳам шунга ўхшатса бўлади, менимча. Ҳамма ер бир хил эмас— талаб-эҳтиёж, дарди бошқа-бошқа. Олдин шуларнинг нималигини аниқлаш керак. Масалан, бизнинг Бешариқ ерлари айниқса ҳар хил. Кўпи шўр-қумлоқ. Бу ерлар азалдан кузда шудгор қилинмасди, ғўзапояси олиниб, дарҳол шўри ювилади. Хўш, нима учун? Шунинг учунки, чуқур шудгор қилинганда, беткайдаги шўр тупроқ тагига тушиб олади, баҳорда яна лоп этиб бетга тепаверади, экиннинг офати... Пахтачиликда чўкиб қолганимизнинг асосий сабабларидан бири шу эди. Ҳар ишда ҳам ўзбошимчалик ёмон. Бу колхозларга ҳам, давлатга ҳам жуда қимматга тушди... Ўн йилча бўлди, шекилли,— дейди Абдураззоқ ота,— деҳқон тажрибаси бизнинг ерларимизда ҳам инобат кўрди, илмга шерик бўлди. Районимиз пахтачиликда пешқадам бўлиб олди. Шукур.

Абдураззоқ ота бригадасидаги ишларни индамай юриб адо этади, мажлисларда ҳам кўпинча жим ўтириб, индамай чиқиб кетади. Аммо қанча қанча фикр ва муаммоларни ўйлаб, кўнглига тугиб юради. Масалан, кузда, теримнинг долзарб кунларида қисти-қафас бошланади. Райондан ҳам, областдан ҳам вакил келади. Ҳаммаси: «Тез, тез бўл!» дейди. Аммо ҳеч ким: «Ҳо деҳқон, нега буни хом аралаш тердинг! Нимага ифлос теряпсан?» демайди. Ана шунда ота бўғилади, индамаслиги сиртига

тепади: «Пишган пахтани тез териб олиш керак, бу тўғри. Бунда сусткашлик қилганни қанча койиса арзийди. Аммо бур қўшилса, чанг-тўзон аралашса ёмон! (Бизнинг Киров райониға ўхшаган шамоли қаттиқ жойларда бунга катта эътибор қилиш керак!) Заводни қийнайди, ишчини кўп овора қилади. Хом аралаш терилса — баттар ёмон. Ипи узилогич бўлади, тола қисқа. Фабрикани қийнайди, ишчини қийнайди. Устига-устак, пункт намлиги, ифлослиги учун деб кўп чегиради. Демак, колхозга ҳам, давлатга ҳам зиён. Энг ёмони деҳқоннинг шаънига путур етади. Нега буни эътиборга олишмайди! Раислар ҳам шунга кўникиб қолишди. Тавба! Шундай ҳам бўладики, мана бу пайкалнинг пахтаси ҳали хомроқ, уч-тўрт кун сабр қилайлик, деб кўр-чи? Йўқ, унашмайди, сўз беҳуда кетади. Аммо хом, ифлос терса ҳам, фонзи ортиқ бўлса, ўша колхоз, ўша совхоз бошлиқларини мақташади. Яхшими шу! Ҳозир шунга, менинг назаримда, шунга ўхшаш камчиликларимиз бор. Аммо,— дейди енгил кулиб,— менга қолса, пахтани хом, ифлос тердирган раис ва директорни жавобгар қилардим. Илло бошқаларга сабоқ бўлсин, бу ишда улар бир-бирини назорат қилсин. Шунга ҳайронманки, мусобақа шартида шулар йўқ. Нимага?»

У мудом ер бошида шу ташвишлар билан ишлайди, яшайди. Ташвиши кўпайган, улғайган сари, кексалик гўё чекинади, ота бардам тартади.

1972

Күй айтар булутлар ичидан инсон,
Күй керак мардона, жузюн ҳаётга.
Күй айтар лочинлар ўлкаси — осмон,
Ота, қўшиқ айтган егар муродга!

Ҳамид Олимов

I

Ёз эди: деҳқон эндигина оқ ятак бўлган, ғўза кў-
саклари ҳали садаф тишларини кўрсатмаган фасл...

Бир кун колхоз идораси олдидаги майдонга одам
сигмай кетди: араваларга дошқозон, кўрна-ёстиқ, кетмо-
ну лўм ортилган. Қишлоқдаги эркеклар гўё аллақаяққа
кўчаётган эди.

Бирданига қўшиқ жаранглади, карнай-сурнай ча-
линди, кўчаларни қийқириққа тўлдириб болалар йи-
ғилди.

Шу орада колхоз бригадирларидан бири қизил бай-
роқни кўтариб қатор олдига ўтди: одамлар жилди, худди
пионерлар марш қилиб чиққандай. Эргаш ўртоқлари қа-
торидан отилиб чиқди-ю, шу одам оқини кетидан югурди.
Қишлоқ, боғлар, кейин пахтазорлар ҳам орқада қолди.
Эргаш аравалардан бирига ирғиб чиқиб олди. Ҳозир
ушнинг ҳеч ким, ҳеч нима билан иши йўқ. У қўшиқ тинг-
ларди, холос.

Йўл-йўлакай уларга тўда-тўда одам қўшилди: ҳар тў-
данинг ўз байроқдори, ўз ҳофизлари бор: энди олдинги
қаторда ашула тинса, ўртада бошланар, охирига оёқдаги
ҳофизлар овози уланарди. Эргаш ҳамқишлоқларига қў-
шилиб кетаётганидан хурсанд: у тўйларда ҳам бунақаси-
ни кўрмаган, ҳофизларнинг бунақа басма-бас ашуласини
эшитмаган...

Одам тўдалари чўлга тизилганда оқшом қора тўшаги-
ни ёйди, кун бўйи жазира ҳанспратган қумтепалар қовоқ
уйиб турарди. Қўшиқ садолари эса тинган, ҳамма жим
борарди, ёлғиз Эргашнинг қайноқ қалби дук-дук урар,
қўшиқдан тинмас, эшитганларини қайтарарди. Шу орада
унинг равои оқаётган кўнгил қўшиғини аравакашининг
тўнғиллаган товуши бузди:

— Ҳо зумраша, булар-ку бориб канал қазийди, томо-

ғи тақиллаб ётган мана бу сахрога катта дарёдан сув чиқаради, билдингми? Хўш, санга нима у ёқда?! Ҳали аянғ қишлоқни бошига кўтаради-ку.

— Ажаб одам экансиз-да, карвон, бола кўнгли подшо, борса борибди-да, бир корга ярар ахир,— деди арава ёнида кетаётган бир одам.

Эргаш ҳеч нима демади.

— Елкасп ер искамаган полвонларни қолдиришди-ю қишлоқда, нимага ярарди бу бола. Отларга ортиқча юк бўлади, холос.

— Ақалли чўллаганингизда сув олиб келар, ўтин териб, чой қайнатар...

Эргаш гапнинг бу ёғини эшитмади. Орқада келаётган қаторлардан бирида икки ҳофиз катта ашула кўтарди. У ашула айтилаётган томонга қараб, қоп устига ўтириб олди. Қўшиқ қумтепалар орқасида акс-садо берар, чўл осмонида янграб учар, юлдузлар, осмон тўла юлдузлар чўл уйқусини бузган бу одамзод дарёсига ҳайрат кўзларини тикиб милтиллашарди. Ҳофизлардан бирининг овози калтароқ экан, авжини охирига етказолмади, садо биринчи қатор қумтепага бормаёқ ўчди... Эҳ, югургилаб бориб, авжини ўзи олиб берсамикин-а! Ҳозир ёнида Содиқжон бўлармиди, иккаласи пардасини кўтариб берарди. Мана бу тўнғ аравакаш унинг нимага ярашини шу топда, шу йўлдаёқ билиб қўярди!

Текис келаётган арава бирдапига қаттиқ қалқиди, Эргаш қоп устига ётиб қолди. Ё ғилдираги ботдимиди? Нимага ботади бу яйдоқ ерда?

Аравакаш сўкиниб отни қамчилади, бўлмади. Эргаш ирғиб тушиб, отнинг жиловидан тортди, аравакаш: «Ҳа, торт, сўқир!» деганича арава кетидан итарди. Улар иккаласи ғилдиракни шўр босган чуқурдан чиқариб, арава-ни йўлга солгунча кейинги туркум одамлар, аравалар ўтиб, олислаб кетган эди. Аравакаш унга яна ўдағайлади:

— Айтмадимми, отга ортиқча юксан деб! Энди зумраша, тахтиравонда борганинг бас, оёгингни қўлингга ол, каналчилар кетидан уч!

Бу ачитқи сўзлар унинг қалбига тикан бўлиб ботмади, йўқ, аксинча, у суюнди; ўша ҳофизларга етиб олиш иштиёқида югурди. Қизик, у ёқда Оқчада ҳам дашт-тепалар бор, аммо юрсанг тоши товон тешади. Бу ер бўлса, бўрсиллайди, илигингача ботади, аммо оёқни ачиштиради:

нукул тузми ўзи! Оёқлари ачишса, тиззаларидан мадор кетса ҳам, кўнгли шод, қўшиқ айтади: «Ёшлигим, шошқин, тошқин ёшлигим!..»

Оёғи тагидан алланима патиллаб учди: нима бу? Жўрми? Осмон оқаришини кутиб ётган бўлса керак. Юлдузлар сўниши билан у парвоз қилади-ю, осмонда хониши бошлайди. У ёқда, Оқча даштида жўр жуда кўп. Содиқжон иккаласи молни ўтлоқ жилғага ёйиб қўяди-да, ясси қояга ўтириб олиб, жўрнинг ўз овозига сел бўлиб сайрашига жим қулоқ солишади: овози жуда ширин... Кейин Содиқжон дадаси ясаб берган дуторни филофдан чиқаради, «Тўрғай» куйи бошланади, баланд-баландда парвоз қилаётган қушча уларнинг нақ тенасида қанот силкиб ўз хонишини созининг сеҳргар садоларига қўшади: кейин куйга қўшиқ уланади, икки ўспириннинг ёш, аммо тиниқ овози дашт осмонда, баланд тепалар оралиғида янграйди.

Эҳ, ҳозир ёнида йўқ-да Содиқжон!..

Улар одамларнинг канал қазинишга жўнашини олдиндан билишган, Эргаш кўнглидагини Содиққа айтган эди:

— Юр, оғайни, бирга борамиз, дадам ўшоқда, каналчиларга жой тайёрлаб туриш учун олдин кетган. Биласанми, Тошкентдан катта артистлар келармиш; иккаламиз қўшиқ айтамиз, зора бизни ҳам олиб кетингса. Йўқ, дема энди, юра қол!

Олдиниға Содиқжоннинг тимқора кўзлари чақнаб кетди-ю бирданиға сўнди, шодлик ҳаяжони ўрнини йилтирлаган ғам ёши эгаллади.

— Йўқ, боролмайман, — деди секингина.

Эргашнинг ҳам юраги эзилди, ноқўя таклифига ўзи пушаймон бўлди: Содиқнинг дадаси йўқ — ўлган: рўзгорга Содиқ қарайди:

Эргашнинг кўз олдида барваста, қуюқ соқоли калта тарашланган, бошида кичкина сатла, қорақош, қора кўз киши гавдалади... Ў, Содиқнинг дадаси Муҳаммад домла Эргашларнинг яқин қариндоши эди. Танбур, дутор, фижжакни унинг ўзи ясарди: улфатларидан холи қолганда у Содиқ билан Эргашни чақириб оларди-да, ўзи танбур чалар, иккаласини қўшиққа соларди. Улар куйдан сат чиқса, дарров тўхтарди:

— Э, баракалла, музика бонда-ю, сизларнинг товушингиз тоғда. Ҳасфизнинг қулоғи динг бўлиши керак. Танбур садоси олдин сизнинг кўнглингизга қуйилсин, овози-

нгизни шу садо олиб чиқсин. Мана бундоқ,—дерди-ю, танбурни сайратарди, унинг бурро тили, ўйноқи садолари болаларнинг мурғак қалбида ҳаяжон, аллақандай тугён қўзғар, уларнинг маъсум хаёлини ўзининг фусункор қанотида учирарди-да, олис-олисларга олиб кетарди. Кейин домланинг жуда ёқимли, ширали товуши гулдирадди, соз садолари шу овозга сингиб кетарди. Эргашнинг назарида, қишлоқдагина эмас, бутун депарада Муҳаммад домладан ўтадиган хушовоз ҳофиз, уста танбурчи йўқ эди.

Ҳозир шу чўлда танбур садоси, домла Муҳаммаднинг бармоқларини учираётган садолар янгради, чўлининг тунги ҳавосида титраб учди, Эргашнинг юраги орзиниб, кўзларига жиққа ёш келди: ҳа, бу куйини у яхши билади: Чўли проқ.

Шу куй унинг одимларини тезлатди. У одамлар тўдасига қараб югурди. Эргашнинг назарида бу одамларнинг ҳаммасини ҳам шу ёққа куй-қўлини олиб кетаётгандай эди.

II

Уни бу ёққа куй олиб келди.

Эргаш канал ёқасидаги тупроқ тенага чиқиб аланглади: соннинг одам: аёғига кўз етмайди, бирини-кетин кўтарилган кетмонлар тиги қуёш нурида ялтирайди; қирғоқларда эса, жуфт-жуфт ашулачи: бири қўйиб бири кўтаради. У дадасини шу ерда, шу одамлар орасида, қоп тўла тупроқни тешалikka орқалаб чиқаётганда кўрди.

— Келдингми, Эргашвой,— деди Йўлдош ака, елкасидаги тупроқни ағдариб.— Баракалла, азамат! Дадам яккалик қип қолмасин депсан-да. Битта эдик, иккита бўлдик бу маъракада. Баракалла! Мана энди, ўғлим ашулани вараңглантиб, мана шу тоғаларнингизга яхна чой элтиб туринг. Сизга хизмат шу.

Эргашнинг кўнгли ўсди. У қўлида човгуну пиёла тутган куйи каналчиларнинг ташналигини қондириб юрди, унинг ҳам нозикроқ, болача овози ана шу буюк меҳнат тўйида жараңлади.

Бир кунни Қаттаболта қўлга Охунбобоев келди. У ка-

наачилар билан сўрашди, ҳатто Эргашга ҳам қўл берди: унинг қаердан келганини сўради, кейин ашуласини эшитди. Эргаш шу ерда ўрганган «Яйраб каналимга келинг» қўшиғини биринчи марта республика оқсоқолига айтиб берди. Ота: «Баракалла, йигит, ҳўп ширин овозингиз бор экан, зўр ашулачи бўласиз» деб елкасига қоқиб қўйди. Эргаш жуда-жуда суюниб кетди; қишлоқда Мухаммад домла ўргатган «Дугоҳ»ни ҳам айтиб бергиси бор эди-ю, бироқ район катталари Отани ўраб олишди, у ноилож човгунини кўтариб, нари жилди.

Охунбобоев райком секретарига бир нимани уқтирди, Эргаш уларга қараб турган эди.

Эртасига уни колхоз-совхоз театрига артист қилиб олишди.

Канал қазилиб бўлгунча у Охунбобоевни тез-тез кўриб турди. Кейин канал битган кун, трассада жуда катта тўй бўлди. Кечқурун концертга Тошкент театрларининг артистлари ҳам келишди. Каналчилар катта давра қуриб олишган эди. Ҳофизлар даврани айланиш учун олти ашула айтишни керак эди. Шундай кенг даврага Эргашни киритишди. Унинг кўзи Охунбобоевга тушди. У Эргашга қараб: «Бўш келма, йигитчам» дегандай кулиб турарди. Бу сафар ёнида Усмон Юсупов бор эди. Унинг қулоғига алланима деб пичирлади: Эргашнинг кимлигини тушунтирди шекилли.

Эргаш ашулани «Дугоҳ»дан бошлади, «Сегоҳ»ни ҳам айтди, яна, яна айтди, кейин «Ёшлигим-ёшлигим» қўшиғини улади, охирида «Яйраб каналимга келинг»ни кўтарди, бу ашулани овозини яна баланд кўтариб, яйраб айтди. Одамлар баравар қарсак чалди, Усмон Юсупов айниқса қаттиқ қарсак урди. Бу қарсак, бу халқ олқисидан Эргаш довдираб қолди. Ўн бешга энди кирган ўспириннинг кўзи одамларга қараб жовдирарди. Шунда у Юсуповнинг «Қазбек» қутиси орқасига бир нима ёзаётганини кўриб қолди.

Эргашни кўрганда энди одамлар чиройи яна ҳам очилиб кетарди, ҳатто ўша тўйг аравakash ҳам Эргашга: «Оббо, сен-эй, қўшиқни жа қотиривординг-а» деб жилмаядиган бўлди.

Эргаш ўзбек халқи дарёларни бир-бирига улаб, Катта Фарғона каналини қазиб бўлган зўр тантана кунда биринчи имтиҳондан ўтди, шу кун у санъат қасрининг остонасига қадам қўйди.

Уни тоғлар этагидаги дашт бир қишлоқдан катта дав-
рага қўшиқ етаклаб келди.

Уша имтиҳондан кейин Эргашнинг ҳаётида яна ҳам катта, ҳеч унутилмас воқеа рўй берди: ўшанда Шимолий Фарғона канали, Косонсойдаги сув омбори қуриб бўлинган, қақраган даштлар сувга қонган, Эргаш бу қурилишларда ҳам одамлар кўнгилни хуш қилиб қайтган эди. Бир кун ушунинг район партия комитетига чақириб қолишди. У бориб, тортиниб, ийманиб райком секретари кабинети эшигини қия очди:

— Майлими?— деб сўради секингина.

— Майли,— деди райком секретари мийиғида кулиб, унга стул кўрсатди:— ўтир.

У стул четига омонатгина ўтирди. Шу орада телефон жиринглади, секретарь трубкани олиб, қулоғига қўйди. Яхши бўлди: Эргаш дук-дук ураётган юрагини бир оз босиб олди. Телефонда гап янги канал, Чуст капалини қазिश тўғрисида борарди, Эргаш: «Мени шунга чақирганмикин?— деб ўйлади.— Нимага театр директорини эмасу уни чақиради?»

Секретарь телефондан бўшаб, яна бояғидай мийиғида кулиб, Эргашнинг ёнига келди.

— Сан хийла писмиқ экансанку-а. Овозинг Тошкентга етибди-я,— деди у.— Қачон ариза юбуровдинг?

Эргаш ҳайрон бўлди:

— Ариза юборганим йўқ...

Секретарь столдан бир қоғоз олди:

— Ҳа, нчидан пишган,— деди у энди барала кулиб.— Бизга телеграмма келди. Сени Тошкентга командировка қилармишмиз. Хўш, борасанми?

— Бораман,— деди у.

Унинг кўнглида улгайган, доимо тўлқинлантириб келган орзуси ушаладиган кун келди. У атоқли режиссёр Етим Бобожоновдан актёрлик таълимини олди. Тошсовет номидаги театрда одам характерини яратди; Филармонияда етук хонандалар қаторида қўшиқ айтди: музика билим юртида ўқиди: консерваторияда санъат хазинасидан баҳраманд бўлди.

Ўшандан бери чорак асрдан кўпроқ вақт ўтди. У ҳамон янги куй-қўшиқ излайди, ёрқин куй ва қўшиқни у, инсон кўнглининг сўнмас чироғи деб билади.

«Э сарвиравоним...» ашуласигача у санъатнинг кўп

машаққатли сўқмоқларини босиб ўтди. Шу машаққатли йўлда адашса, қўнгли қайтса, устоз санъаткорлар унинг қўлидан етаклашди, у улғайиш, камолот йўлида излана-верди. Мана энди унинг ўзи санъатнинг муҳташам, мунаввар қасрида, Алишер Навоий номидаги Катта опера ва балет театрининг солисти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист—шу қаср нақшларига жило ва сайқал бериш йўлида меҳнат қилмоқда.

У болалигида қўнглини банд қилган шеър сатрини ҳалли-ҳали такрорлайди:

Ота, қўшиқ айтган етар муродга!

1966

Тонг эди...

Шу кунни эрта-эрталабдан ҳаво беғубор ёришди. Лахчадай кунгура қиррасини уфқ доирасидан кўтариб чиққан қуёш дастлаб ариқ бўйидаги мирзатеракларнинг тепа шохларига нур ташлади, ундан оша тераклар ортидаги тепаликнинг яшил бағрини қучди. Ярим доира лахча кўтарила-кўтарила улкан гардишга айланди, кенг пахтазорга, бутун яшиллик оламига ўзининг олтин сепини текис ёйди. Баравар унган ғўзалар гўё маст уйқудан уйғонди, намхуш тупроққа тафт ўтиб, ўсимлик танасига қон югурдими, қулоқлари диккайди, майсалар бетига қўнган дона-дона шудринг симобдай бир зум йилтиради-ю, ўчди.

Боягина қуёш ҳали тиг урмасдан бу ерлар бошқача тусда эди: кечаги яланғоч шудгорга кўрк бўлиб турган ғўзалар ҳам, тепаликлар бағрига бахмал кўрпа бўлиб ёйилган майсалар ҳам, кўкка қад кўтарган тераклар ҳам, довуччаларини ардоқлаб улғайтираётган ўриклар ҳам, пушти ранг-ҳарир олма гуллари, шода-шода нок гуллари ҳам ўзини сипо тутгандай, савлат тўкиб тургандай. Ўсимлик барглари ҳозиргидай ям-яшил эмас, қорамтирроқ эди. Қуёш серфайз нури билан улар бетини ювди, чиройини очди...

Юқорида, шийпон ёнида иссиқ овқатга сабзавот экиш учун жой тайёрлаётган ўрта бўйли, хипчагина, қуёшда пишган юзлари қорамтир жувон кетмонини қўйди-да, пастга тушиб, ғўзалар бароқдай унган қартага ўтди. У бир чети тўққизинчи бригада ерига бориб туташган катта пайкалга разм солди: меҳри ҳар бир туп ғўзани ардоқлагандай. Унишдан кейин қолган уч-тўрт дона чигит оёғи ёнида юпқа қасмоқни кўтариб турибди. У энгашди, бармоқларининг учи билан қасмоқни эзиб туширди. Сапсариқ нимжон кўкат пкки қулоғини ёзиб бош кўтарди. У

Ўсимликнинг ён-верига нам тупроқ уйиб, болдиришни кўмиб қўйди. Унинг ён қўшниси, ҳозир кўзга яшиллик ёғдусини сочиб турган қўшалок ғўза ҳам кеча оқшомда кулоқ кўрсатган, худди шундай сан-сарик эди.

— Бир кунда-я!— Жувоиннинг юзида севиш барқ урди. У, оқшом ўрнини тун, тун ўрнини тонг, тонг ўрнини кундуз олаётганда — ҳар кун шу яшиллик оламида юз берган ўзгаришларни кўради, кузатади, кўкартирган экиннинг гўдаклигидан умрини, ёшини санайди. Шохариқ, ўқариқ тортаётган, улар кетидап ариқларнинг икки бетидаги нам тупроққа чигит экиб бораётган йигитлар, қиз-жувоилар олдига бориб, уларга ниманидир уқтирди.

— Илғор бригаданинг бошлиғи Хатира Мирзаева,— деди колхоз правлениесининг раиси Олим Қўчқоров,— Тиниб-тинчимас, тийрак жуvon.

Мирзаева янги бригадир, бундай масъул ишга бу йил кўтарилган. Ҳосил белгилашда янги бригадир гектарига 30 центнердан шартнома қилиб, 35 центнердан мажбурият олибди. Қўшниси 9-бригада бошлиғи Йўлчи Қўчқоров билан мусобақалашибди.

— Иккаласи ҳам ҳозир ғўзани текис ундириб олиш, парваришни кучайтириш пайида,— дейди ранс.

Бригадаларга ишчи кучлари бўлишганда, Хатиранинг бригадасига йигирма аъзо берилган эди. Хатиранинг фикри ўзгача бўлди: йигирма аъзо эмас, 40 гектар ердаги ғўзанинг парваришига ўн беш киши kifоя.

— Мана бунн кўринг, Олимбой ака,— деди Хатира, яшил ғўзалар қатор бўлиб турган қарта тепасига келганда.— Кеча шу ғўзага «универсал» солишди. Универсалчи меъёрни тўғри тута олмади. Бир юришда қанча ғўзани nobуд қилди! Йўқ, культивацияга ҳам эккан универсалчи келсин, бошқасини киритмайман.— Унинг юзида ғўзаларига ачиниш, ишуд универсалчидан хафалик аломати бор эди. Кейин чеҳраси яна ёришиб деди:— Об-ҳаво йўл бермай, экиншга кечикиб киришган бўлсак ҳам, ҳар қалай ғўзамиз текис унди, биринчи парваришни ўтган йилдагидан олдин тугаллаймиз. Кўнглингиз тўқ бўлаверсин.

Тўрт бригада колхознинг шу участкасида жойлашган. Колхозчилар бу участка йўлларига: «Яшил кўчалар» деб ном беришибди.

— Шу икки йиллик тажриба,— деди ранс,— пахтачилигимизга кирган янгиликнинг афзаллигини тасдиқлаб берди. Энди колхозчилар орасида, босиб ўтилмаган,

синаб кўрилмаган йўлда, қалтис эмасмики, панд еб қолмасмикинмиз, деб иккиланиш йўқ.

Ён қартада «универсал» юрарди. Катта ариқдан даст сакраб ўтган раис узоқлаб кетган трактор изидан қараб қолди. Универсалчи рулни адил тутиб борар, механизм қиттак ҳам пари-бери силжимас, эгасининг измидан чиқмас эди.

— Мана, бирпасда оламжаҳон ернинг ғўзасини культивациялабди, азамат,— деди раис қувониб.— Тўққизинчи бригаданинг ғўзаси.

У нарида ўқариқ тортаётган қотма йигитни имлаб ёнига чақирди. Йигит оҳиста келиб раис рўпарасида тўхтади. Раиснинг ҳар дала айланганда бир нуқсон топиб, ҳазилсимон учуриқ, шама қилишига ёки мусобақадош бригададаги бирор янгиликдан хабардор қилиб, бу ердагилар юрагини қиздириб кетишига одатланиб қолган бригадир унга ўжар кўзларини тикиб турарди.

— Ариқдан ўтдингми бугун, Йўлчивой? Ўтмаганга ўхшайсан-а. Ғўзанг текис унмабди, ола. Ишимиз шатакка қолмасин яна, укам,— деди кулиб.

— Ўтсам-ўтмасам, хавотир эмасман. Биласиз-ку, раис, шатакка олиб юрган йигитмиз.

— Полвон оғиз полвон иш талаб қилади,— деди раис яна кулиб.

Олим Қўчқоров бу кулгининг боисини йўлакай ҳикоя қилиб берди. Хатира Йўлчинини социалистик мусобақага чақирганда, у Хатирани писанд қилмабди: «Қўллиғ-э ишимиз шатак экан-да» дебди.

— Шу гап оғзидан чиқишга чқиб кетди-ю, ўзи ҳам хурсанд эмас бундан,— деди у.— Хатира тиршқоқ жувон. Бу курашда енгил қолмас. Ҳар бир туп ғўзанинг қўлоғидан тортиб ўстиргудай... Буларгина эмас, ҳамма бригадалар орасида ҳам кураш қаттиқ бу йил. Икки минг бир юз гектар ернинг ҳар гектарида ўттиз уч центнердан ҳосил олиш — аҳдимиз шу.

* * *

Тонг эди...

Хипчагина, ширмон юз жувон катта пайкал бошида, суви эндигина ташланган, қорамтир тупроқларидан нам ҳиди анқиб турган яшил манзарага кўз қадаб турарди. Қаердадир шу орада гул ишқида жониш қилаётган бул-

булнинг таронаси, кўк чироқлари ўчмасдан осмонга чиқиб олган бедор тўрғайнинг нағмаси, ён ариқда шилдираётган зилол сувнинг киши англамас, лекин дилни қитиқлайдиган, қулоққа ором берадиган куйи балки бу жувонни мафтун қилган, хаёлини олиб қочгандир?

У борлиқни юрак билан қучаётгандек кўкрагини ярим гардиш қуёш томон кериб турарди, нигоҳи эса ғўзалар оралаб боқар, уларга қуёш билан барабар тафт, ҳарорат берар, ҳар бир туп ғўзани алоҳида ардоқлар, дили эса қисталаб қиларди:

— Тезроқ бўй чўза қолмиса-чи!

«Ёшсан, уқувинг етармикин, кишиларга бош бўла олармикинсан, Хатира!— ўзинга хитоб қилар, кўзларини яна ҳам олисларга тикарди. Йўқ, уқув осмондан тушмайди. Тириш, бил. Нишонбой ака, Дилоромлар ҳам сендақа бўлган-да, босиқликда, бардошда Дилором ибратку сенга».

У хаёлини жамғариб олар, назари олис-олисларни кезарди. Хатира катта, ранго-ранг манзарани суратга олай, деб табиатнинг ўзидан бўёқ излаган рассомдек гоҳо ғўзалар рангига тикилиб қоларди. Шунда унга:

— Ҳа, яшил олам бошлиғи, нима излаб қолдингиз?!— деб тегнишишарди.

— Тадбир,— деб бир сўз билан жавоб берар, лекин бутун ўжудни билан яна изланарди. Ҳа, у тадбирни ишнинг ўзидан, ғўзалар ҳолидан изларди.

Шу топда мусобақадор Йўлчибойнинг ўша мажлисдаги кесатиғи яна эсга тушиб кетди. Нима девди ўшанда? «Қўллинг-э, ишимиз шатак экан-да», деган эди у. Шуни эсладию, Хатира ичдан тўлғанди, юпқа, кичкина лаблари хиёл титради: «Менсиммагани-да шу... Фурсат кўрсатар».

Баъзан ички титроқ юрагини қисар, бўшаштирарди. Йўқ, буниси юрагини сиқмади, аксинча, фикрини, хаёлини олға, олға йўллади. Ҳа, фурсат ўтаверди, фикр жўшқин, қизғин меҳнатда, гоҳ ўйин-кулгида олға чопаверди. Баъзан унинг кўз олдида яшил пайкаллар жилоланиб турган поёни йўқ тинч оқ кўлга айланади, у ўзини шу кўлда сузаётгандек сезади...

2. ОЛТИН КУЗ

Тонг оша кун, кун оша тун ўтди. Мур сочиб, ноз-неъмат билан ёз ўтди, тўкин дастурхон ёзиб, тигнз, қисталаб кунларини етаклаб куз кирди. Нишонбойлар, Дило-

ром ва Хатиралар шу қисталанг кунларда баланд-баланд оқ олтин уйдилар

Тонг эди...

Тун тумани кўрпасини энди кўтарган. Тупроғи ағдариб қўйилган қора шудгорларнинг ўпгирларига, орасира ғўзапоядан тозаланмаган пайкаллардаги яккам-дуккам кўракларга, пахтаеи олинган чаноқларга қўнган қиров кунгурасини кўрсатган қуёш шуъласида йилтиллашади, изғирин этии жунжнтади. Колхоз қишлоғининг кишилари ўша баҳор тонгидагидан ҳам бедор, серташвиш. Тракторларнинг тариллаган, гувиллаган шовқини, пунктга пахта юклаган, далага ўғит ортган машиналар, арава гилдиракларининг гичирлаши яқин орада кимнингдир жаҳл билан «Ағдар, шамоллат, қизиб кетди-ку!» деган қичқирғи — ҳаммаси аралашиб чала уйқу қишлоқ устида учарди.

Сушилкалар гавжум. Катта-катта сеткаларга ёйиб ташланган нам кўсаклардан кўтарилаётган тумандек қуюқ ҳовур ичида кезаётган одамлар кўзга ғира-шира чалинади. Чигити пишмаган нам пахтанинг гупиллаб ураётган аллақандай чучмал, тахир таъми нафасни бўғайди.

Бир неча киши сетка устида паншаха билан дам-бадам кўсак ағдаради, бировлар шамоллаган куруқ кўсакни ғарамга уяди, бировлар ворохочистителдан чиққан пахтани қанорлаб машинага ортади—бунда қўл қовуштириб ўтирган одам йўқ.

Бир чеккада жуводизга шовун ўтказиб қанор тикаётган мўйсафидлардан бири қулоқчинини бостириб, пахталигининг калта ёқасини юзига тарагн тортиб девор ёнида мудраётган йигитчага бақирди.

— Ҳой, фаҳмламаяпсанми, қайишинг бўшаб кетди, шалопплаб айланишини қара. Исменинггача чида-да!

Йигитча сесканиб кетди, аланглади, оғзини катта очиб эснаб керишди-да, сапчиб турди.

Шу орада ғўлабурдан келган, юз-кўзи кулиб турадиган раис Олим Қўчқоров тракторчилар ёниданми, бошқа сушилкаданми, келиб қолди. У кела солиб қайишнинг улоғларини тирнаб кўраётган йигитга гап отди:

— Қачон келсам қайиш тирнаганингиз тирнаган-а, миришкор,— деди ярим ҳазил, ярим киноя қилиб,— чўзилиб кетибди, бошқасини қўйинг.— Йигитча қулоқчинини қиттак кўтарди-да, сўз қотмай янги қайиш олиб чиқиб

қўйди, токни уладн, сушилка яна гуриллай бошлади.— Долзарб куннинг иши мана бундай бўпти, миришкор,— деди раис йигитнинг елкасига қоқиб.

Баҳорда ҳам, ёзда ҳам, кузда ҳам, мана ҳозир ҳам раисдан шу «долзарб кун»ни эшитадиган йигит чехраси очилиб раисга қаради. Унинг чақлоқ кўзлари: «Хўш, раис, иккинчи ваъдани ҳам ошнгн билан ўринладик, хўш, долзарб кун қачон тугайди, хўш, тўй қачон?» деб турарди. Раис унинг сўзсиз қарашидан тунов кунги гапни эслаётганини пайқаб, селкиллаб кулди.

— Оббо миришкор-э, чакана эмассан,— деди-да, салмоқ билан давом этди:— Шуни билки, катта элмиз. Катта элнинг катта, кичик тўйи бўлади, тўйимизини шу катта тўйга қўшиб ўтказамиз. Икки-уч кундан кейин район, яна бир-икки кундан кейин республика плани тўлади. Бизнинг тўйимиз ҳам шу куни. Шу тўйга ярашиқ тўёна қўшамиз десанг, қисталанг қил, миришкор... ҳа, қисталанг. — У қўлларини бир-бирига ишқалаб, Анорқулнинг ёнига келиб ён ташлади. Оқ-сарик, қовоқлари кенг Анорқул ҳозир, шу қисталангда барабани синган ворохочистителдан жаҳли чиқиб, том бўйи уйилган кўсакнинг қия бағрига ёнбошлаб, ясси пешонасини ушлаб ётарди.

— Ҳозир янги барабан олиб келади, оғайним. Юргизади,— деди Қўчқоров унга.— Хўш, уч соатда чиқариб бўласанми?.. Йўқми? Бўлмаса ворохони иккита қиламиз. Бугун етти тонна берсанг сеники ўттиз бешданга етар...

У негадир сўзини тугатмай жим қолди. Аъзойи бада-ни сал бўшашгандай, асаблари қўйиб юборгандай бўлди. Ана шундай пайтда кишини бирдан хаёл чўлғаб олади. Кейинги уч ой қандай ўтди? Кун бўйи далада, идора ишларида, кечқурунлари бригадаларнинг хирмони бошида, пахта пунктида... Қайси бригадада пунктга етказиб улгурмаган қанча пахта қолди? Яна шу хирмонлар бошида. Чарчаб-ҳорнб, катта рўзгорнинг катта ҳаёт денгизида бир-бирини қўллаб, суяб бирга сузишган аҳил фидокор шу дўстлар қаторида худди шундай ён ташлаб хиёл мизғиб олишади.

Фронтида худди шундай эди. Кишиларнинг идроки, фикри хаёли, асаблари қисм олдига қўйилган мақсадга етишга қаратилган, бундай вақтларда шахспй ҳаёт, майшат ҳам ўз-ўзидан тарк этилган эди...

Мана ҳозир Ленин номли колхоз аъзолари ўз олди-

ларига қўйган мақсадларини рўёбга чиқардилар. Икки минг бир юз гектар майдоннинг гектаридан ўттиз тўрт ярим центнердан пахта олишди, Ватанга етти минг уч юз тоннадан ошқ пахта беришди...

Илгари Нишбошда тўртта колхоз бор эди. Буларнинг олдингиси «Қизил Октябрь» колхози 250 гектар ерга чигит экиб, энг юқори ҳосил олинган йили 500 тонна пахта берган эди. Бу йил колхознинг Фозил Қўчқоров бошлиқ бригадаси ундан кўп ҳосил олди. Тунов кун хомчўт қилиб кўришса, бу йил 4 минг сўмга яқин пул, 5 тоннадан ошқ дон оладиган Абил Боймирзаев каби колхозчи онламар оз эмас экан. Шу оила бошлиқларидан бири Абдумавлон Муҳамматиллаев:

— Ош тахтада, иш пахтада, деганлари шу, оғайнилар. «Қизил Октябрь» колхозида Чўтан подачи пахтага бригада бўлганда ҳаммаёққа доврўқ бўлган эди. Китоб чиқарамиз, деб қишлоғимизга ёзувчи келувди. Мана энди келишса-чи,— деб фахрланди.

«Ҳақ, ҳақ гап шу,— деди фикран Олим Қўчқоров,— ҳа, мана энди келиб кўришсин!»

Шу пайтда унинг сдамлар билан ечилиб гаплашгиси келди. Қўчқоров кафтларини бир-бирига ишқалаб қарсак чалди, бу ердагилар, раиснинг дилкашлиги қистаб кетди, дейишарди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. У гарамга чалқанча ястаниб олди, бу ерда ўз иши билан банд бўлган ҳаммаки—қуйма гавдали Ўктам бригадирни, Нишсибой ва Акрамни, Дилором ва Хатирани, қанор тикиб ўтирган мўйсафидларни, нариги чеккада, ҳеч кимга сўз қотмай, қарамай ворохо трубасига кўсак сураётган Қўчқор Йўлчиевни ҳам, қаншари қора мойга беланган ҳозир турқи кишининг кулгисини қистатадиган бир ҳолатда нимадир дейишга чоғланиб турган монтёр—«миришкор»ни ҳам, гоҳ ворохо атрсида, гоҳ «универсал» ёнида парвона бўлиб юрган Деҳқонбойни ҳам—ҳаммасини севинч, меҳр тўла кўзлари билан бир-бир қучиб чиқди.

— Бундай ўйлаб қарасам,— деди у кўнглидаги фикрини ошкор қилиб,—терим бошидан бу ёққа озмунча иш қилинмабди. Давлатга топширилган пахта мана шу бугунги ҳисобда ўтган йилдагидан 840 тонна ошибди. Ай-тейша осон! Чоғроқ бир колхознинг пахтаси бу. Нима дейсиз бунга, миришкор,— деди-да унинг афтига қараб, ўзини тутолмай қаҳ-қаҳ отиб кулди. Ҳамма, ҳатто ҳозир пешонаси тиришиб турган Анорқул ҳам оғзини катта

очиб кулди.— Мушук ҳам бет ювади, мпришкор, чопинг, афти-ангорингизни тозаланг...

— Сувни кир қиламан деб қўрқади!— деди биров ҳазиллашиб.

Йигитча ариқ бўйига чопди.

— Лекин осон бўлмади, бу ҳосил етишгунча чакана кураш бўлмади!— Қўчқоров ниманидир ўйлаб, пешонасини бир ишқалади.— Баҳор серёғин келди, лекин чигит вақтида ташланди, текис ундирилди. Ёз-чи, ёз! Жазира-мани қаранг-а! Қиёмда пайкал пичга кирсанг экинини ҳансирагани барала эшитилади-я, офтобда туҳум пишадидеса, шунчаки афсона деб юрардим...

— Ташвиш машаққати, тўқин-сочин билан аса, ёз, шарбат тўккан ёз бўлди,— деди рансининг гапига қўшимча қилиб, қовоқлари салқи ташлаб қатланган, чучала соқол қиспқ кўз чол.— Айтнинг-чи, ранс, ким ўзди-ю, ким тутнинг каллагидан тушолмай қолди?— Чолнинг кичкина, бир ёз нурсизланган кўз қорачиқлари йилтираб рансга тикилди.

— Тутнинг каллагидан тушолмай қолган бўлмади. Йигирма олти бригаданинг ҳаммаси пиланин ошириб бажарди, бир юз йигирма беш процентдан оширганлар ҳам бор. Лекин лабзининг устидан чиқолмаган бир-икки оғайниларимиз ҳам йўқ эмас. Улар сувдан ютқизди. Қўсакни олдириб қўйди.

— Пойга кимда кетди?

— Ким лабзининг устидан чиқмади?

— Пойгани Ўктамбой олиб кетди деса бўлади, қирқдан оширди, ундан кейин Нишонбой, Дилором, Хатира-лар. Икки бригада—Йўлдошбой билан Муҳиддиннинг лабзи тўқсон еттида қолди. Аммо Йўлчибойни билмадим. Тўқсон тўққиз ярим бўлдими, Йўлчибой? Бунга чиқарса... Йўқ, шунда ҳам илиниб қолар.

— Ишимиз шатак экан-да?— деди бирдан Нишонбой.

Ҳамма кулиб юборди. Сушилка устунига орқа тираб кўсак сураётган Йўлчибой билан гурунгнинг нариги четидо охириги пахтани юклатаётган Хатирагина кулгига қўшилмади.

— Қуллуқ дедик-ку,— деди Йўлчибой, чапгалидаги кўсакни гижимлаб.

Йигитнинг изза бўлганиданми Хатира ўгирилиб олисларга, туя карвонларидек кўк юзини бўшатиб биринкетин сузаётган булутларга қараб қолди. Кун ярқираб чиққан, аммо нури баданни куйдирмас, танга хуш ёқа-

диган илиқлик берарди. Осмон тиниғу, лекин баҳордагидек баланд эмас, анча паст тушиб қолганга ўхшайди. Эҳтимол, шу топда бўлғуси катта ишлар, келгуси қисталанг, оромбахш кунлар, янаги курашлар Хатиранинг кўз ўнгидан бир-бир ўтаётгандир.

— Нафсиламрнинг айтганда, олтин куз, тилло куз бўлди бу.— Оғир чўккан жимликни раиснинг шу гапи, мирзатеракларнинг олтиндай тўқ-сарик сийрак барглари-нинг шабадада шилдираши бузди.— Анорқул буни қара-я,— деди у, барабани келтира қолса-чи, дегандек кўзлари йўлга миҳланган шеригини туртиб.— Бу вақтларда бу барглар ё музлаб тушарди, ё қор тагида қоларди. Қўздан бир кун қопти-ю, ҳавони қара-я...

— Ҳақ қолмади кузда, раис,— деди секингина Анорқул.

Нариги шудгорда гўнг титаётган олақарға чўзиб-чўзиб уч марта: қағ, қа-ағ, қа-ағ, деди.

— Ҳу лаънати!— деб қичқирди чол. Унинг кўзлари ўша томонга ўқталиб қолди. «Қанча ернинг ҳали ғўза-пояси олинмаган, шудгор қилинмаган қанча ариқ-зовур ҳали тозаланмаган!»— Чолнинг фикридан шу ўтди.

— Деҳқоннинг долзарб, қисталанг кунлари шу кунлар,— деди Қўчқоров.

Юзидаги қора мойни ювиб, икки бетп қип-қизариб келастган «Миришкор» тиззаларига уриб, қаҳ-қаҳ отиб кулди.

— Яна қисталанг, яна долзарбми? Оббо раис-э!

— Куласиз-да, куласиз, текин гапга, миришкор,— деди раис чеҳраси очилиб.

— Ҳа, ҳаққимиз қолмади, олтин куз хизматини ўғадди,— деди чол.

1956

Булутлар... Парча-парча, узун, лахтак, оппоқ булутлар кўк гумбазида суза-суза ҳоришдими, ҳар қалай, аста-секин пастлаб осмон бариға тушди, зум ўтмай бирин-кетин тоғ ўрқачларига минди: булут эмас, гўё кимнингдир моҳир қўли битта-битта боғлаб, қатор тизиб қўйган оқ-ҳарир гулдасталар...

Пастда, ўтлоққа ёйилган пода эринибгина кирт-кирт ўт кемиради. Пода олдида юлғун таёғининг учини чориғи тумшугига тираб турган елкадор, юмалоқ юз, қорача йнгитининг кўзи мол оралайди; пода кетидаги новчароқ, буғдой ранг, чўзинчоқ юзи ва иягида малла тук сабза урган навқирон йнгит таёғини елкасига ташлаб олган, аҳён-аҳёнда бир қадам босади. Подадан хийла кейинда, ясси тспа устида бир боланинг қораси кўринади. Унинг на тўдасидан кейинда қолганлиги, на қўй-қўзиларнинг маъраши, на бузоғига интизор сигирининг маъраши билан иши бор. Унинг чарос кўзи тоғ чўққисида, болалик фикри хаёлини бир нуқтага тўплаган шу оқ булутларда: оқ-ҳарир гулдаста ўрта белидан узилди, турли тусга кира бошлади: мана бу ён ўрқач устида қатор турналар учаётибди, бунисида эса ваҳимали оқ айиқ оёқлари қиррага тегиб-тегмай қаёққадир шошिलाётибди, нариги чўққнда шохдор кийик олдинги оёқларини қоя лабига тираб, пастга сакрай деб турибди: турналар бир зумда бир-бирини етаклаган туя карвонига айланди, олдинги туялардан бир нечаси қўшоғидан ажралиб келди-да, кийикни ўзига қўшиб олди, бир лаҳзада осмон зиҳи билан барабар оқ пахта ғарами бўлиб тикланди...

Боланинг кузатувчан кўзи шошди, қоп-қора киприкларни пирпиради, қўлчадек лўппи юзида ҳаяжон, шу чўққига, бир зумда бир неча бор турланган, лекин нималигини ҳали ўзи англаб етмаган шу булутларга интилиш туйғуси порладн.

Қуёш водийнинг бу беткай чўққисидан ошди. Чўққидаги оқ булуғлар қаёққадир ғойиб бўлди. Осмон кўк шишадек тиниб, салқин шабада эса бошлади. Тоғлар бирдан қорайиб, алланечук улуғвор, ваҳимали, сирли тус олди. Тоғ кўксидagi ғуппак арчалар эса қорайиб, ўзини сино тутаетгандай, тоғлар, тепалар бағридаги киши ҳали очмаган сирни сақлаб тургандай...

Боланинг юзидаги ҳаяжон, шу булутларга парвоз қилишга интилиш туйғуси ўрнини унинг ўзига ҳам аён бўлмаган аллақандай ўй, жиддият қоплаб олди. Нимага бунақа? Мунча ваҳимадор? Арчаларнинг туришини қара! Тоғлар, тепалар, адирлар—ҳаммаси ҳали varaқланмаган, сирлари ўқувчига аён бўлмаган китобдай эди.

— Ҳўв, Ма-жид-ҳой!

Жилгадан акс садо қайтди.

— Оҳо-ҳо-ҳо!

Пода олислаб кетган эди. Бола овоз бермади. Йигитнинг ёнидаги таргил ит — Бўрибосар кесик қулогини динг қилиб тепага қараб турди-да, шу ёққа югурди.

Мажид Бўрибосарнинг ҳарсиллаганини эшитганидан кейингина сесканиб ёнига қаради.

Бола билан Бўрибосар дарё бўйига келганда пода қўраларга жойланган, қорачадан келган қуйма гавдали йигит Чўнжар Роҳ ўғли билан буғдой ранг йигит Бекмирза Раззоқ ўғли хайрлашиб, уй-уйига кириб кетган эди.

Боланинг чарос кўзлари энди баланд қоялар елкасига, қирғоққа сапчиб жадал оқаётган сувга михланди. Оҳангарон тошларни бир-бирига қалдиратиб уради, маст шердек ўкиради, бўшроқ жой тополса ўпириб ўзига янги йўл солади-да, яна боягидек шовқин солиб оқаверади. Шу оқшом пайтларида, атрофга жимлик чўққанда Оҳангарон ҳайқириғининг акс садоси тоғларда янграйди. Нимагадир Мажиднинг болалик руҳига шу ёқади, шу акс садо унинг хаёлини қамраб олади, тоғлар оралиғига, ўзи етишни жуда орзу қиладиган ўша булутли чўққиларга етаклайди; сокин тоғлар бағрида, сершовқин дарё тагида бу ердагилар билмайдиган қандайдир сирли хазина бору, калити унинг қўлида, шундоқ бураса очилади, ҳамма бунга ҳайрон қолади.

Туйқисдан алланима гумбурлади—тоғ тепасидаги қоя узилиб тушгандай бўлди. Мажид сесканиб аланглади, тумшугини олдинги оёқлари орасига олиб, эгаси ёнида ётган Бўрибосар сапчиб турди-да, вовиллай бошлади.

Дарё ҳайқириғи бирдан пасайди. Қараса, сув қоя тумшугига хиёл тегиб оқаётибди. Ҳалиги гумбурлаган овоз яна эшитилди... Нариги соҳилдаги оч жигар ранг тепа тагига сув ўпириб кетган, тепанинг сувга энгашган қисми узилиб дарёга қулаган экан...

Қизиқ, Оҳангарон йилига икки ой ана шундай ҳайқириб оқади-да, кейин оз-оз камайиб, ўкиришлари тинади, беозор бўлиб қолади... ёйилиб, бўлиниб оқади. У соҳилдаги одамни бу ёққа, бу соҳилдагиларни у ёққа ўтказмай қўядиган асов дарёдан энди катталаргина эмас, болалар ҳам кечиб ўтадиган бўлиб қолади.

Шу йили кузда бекинмачоқ ўйнаб, сув ўпириб кетган ўша ғорга яширинган болаларнинг афти-башараси қопқора бўлиб чиқди. Кейин ғорга ўспиринлар киришди, киришди-ю ҳайрон қолишди; ғор шиғти ҳам, таги ва ёнлари ҳам қора тош: битта бола йўталса, қирқ кишининг йўтали янграйди; ичкарироқ киришди, яна ҳайрон бўлишди; қоп-қора бир нима эмаклаб юрибди. Тўғриси, баъзи болалар кўрқиб орқага эмаклади. Кейин танишди: Раззоқ отанинг ўғли Мажид экан, ҳар бир қора харсангни бир-бир ушлаб кўради, майдаларини териб этагига солади. Мактабдаги болалар ҳам, уйдагилар ҳам кўп вақтгача тегишиб, буни Мажид ғори деб юришди.

Бу гап қариялар қулоғига етди. Улар дарё лабига бориб, ғорни кўриб кўмир борлигига ишонишди.

— Илгари текшириб-текшириб кетишган олимлар янглишган экан, кўриниб турибдики, дуруст излашмаган экан. Бу ерларда тошкўмир бор, жуда кўп,— дейишди.

Орадан икки йил ўтди. Бу ернинг қиёфасини ўзгартириб юборган йил, бир минг тўққиз юз қирқинчи йил баҳори бошланди. Бу ерга Мажиднинг назарида, аллақандай тинимсиз, ҳормас одамлар келишди. Улар адирларда, жилға ва телаларда гуруҳ-гуруҳ бўлиб, бу ерликлар кўрмаган аллақандай машиналар билан ер теша бошладилар. Улар чодирларда туришар, ншдан кеч қайтишарди, кечалари темирдан ясалган сенояга осиблик декча тагига ўт ёқиб, овқат пиширишарди. Мажид уларга қараб ҳайрон бўларди: нега ўчоқ қуриб, қозон осибмайдилар? Лекин сўрашга ботиномасди, бу нотаниш кишилардан уяларди.

Бу кишилар ўзларининг ажойиб машиналари билан ер ва тоғ бағрини теша бошлаганларида қишлоқ болала-

ри четда қололмади. Уқишдан кейин уларга сув, сут-қатиқ келтириб берадиган бўлишди, болалар бир куни ҳатто уларнинг бошлиғига ёрдаги «қора тошлар» ни ҳам кўрсатишди. Шу бошлиқ жуда хушмуомала, ёқимли одам экан, У Мажидга ва унинг ўртоқларига:

— Баракалла, азаматлар! Ҳаммангиз катта бўласиз, шахтёр, кон инженерлари бўласиз. Ҳа, инженер. Сизлар мактабни битиргунча бу ерда катта шаҳар қурамиз. Ҳа,— деди, ҳатто Мажиднинг елкасига қоқиб эркалатди. Кейин муаллим уларга:

— Биласизларми, болалар, бу киши ким?— деди.— Инженер Чикризев шу. Бу ердан жуда катта кон топди. Ҳадемай, бу ерлар каттакон шаҳар бўлиб кетади.

Муаллим тўғри айтган экан. Ёғоч, тахта юклаган турна қатор машиналар кечаю кундуз келиб-кетиб турди. Бу орада тўда-тўда комсомоллар—йигит ва қизлар келишди. Қишлоқ атрофига: адирлар, тепалар ва ҳатто Мажидлар уйи ёнидаги жилғага ҳам чодирлар тикишди, тепаликлар бағрини ўйиб, ертўлалар қуриб олишди. Шундай қувноқ, чаққон, шундай миришкор одамларки, қани бир нафас тиниб-тинчиса! Орадан сал ўтмай қатор уйлар, катта корпуслар қад кўтариб қолди. Ажойиб одамлар: ишдан чарчаб-ҳориб чиқишади-ю, тўда-тўда бўлиб, гармон чалишади, ўйинга тушишади, тоғларни янгратиб турли тилда ашула айтишади.

«Эҳ-ҳа!— деб ўйларди Мажид.— Бу қурилиш шовқин-сурони, ёшлар қаҳқаҳаси олдида Оҳангароннинг ҳайқирлиқлари нима бўпти».

Бирдан бошланган шиддатли, зарбдор иш, шу қайноқ ҳаёт бу ердаги асрий мудроқ тинчликни бузганиданми, водийнинг икки томонида кўкка бўй чўзган Қурама ва Чотқол чўққилари ҳайратда телмуриб тургандай. Қишлоқ йигитлари Бекмирза ва Чўнжарлар ҳам шу серташвиш, қувноқ йигитларга қўшилиб, шу янги, жўшқин ҳаёт ичида сингиб кетдилар.

Бир куни қурилиш майдонлари бўйлаб одамлар орасида хабар тарқалди:

— Ўзбекистон оқсоқоли Йўлдош ота Охунбобоев келибди!

Хушқомад, дилкаш киши қурувчилар орасида юриб, улар билан узоқ суҳбатлашди. Кейин одамлар орасидан донбасслик шахтёр қорақош, қоракўз йигит Степан Иванович Богомазовни топиб олди. У билан бирга қурилади-

ган шахталар ўрнини белгилади. Улар қишлоқ рўнарасидаги малла тепа этагида тўхташди. Халқ шу ерга йиғилди. Мўътабар отанинг сўзларини Чўнжар ва Бекмирзалар, ҳатто акаси ёнида ҳайрон бўлиб турган Мажид ҳам ҳали-ҳали эслайди.

— Ўртоқлар, жигар гўшаларимиз — йиғит ва қизлар!— дея хитоб қилди Йўлдош ота, ҳамма ушнинг дондона сўзларини нафас олмай тингларди. У давом этди:

— Биз кўмирга ташна эдик. Уни топдик, мана шу ердан. Бу қора олтиннинг сиртини биринчи марта сиз очасиз, дастлаб ер тагини ўйиб кириб, саноатимизга, халқ рўзғорига эшелон-эшелон кўмирни сиз жўнатасиз. Саноатнинг ривожини бундан буён сиз қазиб чиқарган кўмирнинг ҳароратига боғлиқ. Биз амнимиз, сизнинг, республикамиз тўнғич кўмир конини қураётган баҳодирлар юрагининг ҳарорати шу тоғларни ўпиради... Сизларга,— деди Охунбобоев Чўнжар ва Бекмирзаларга хушнуд жилмайиб,— кончилик ҳунарини мана бу донбасслик Степан ва Велюк оғаларнингиз ўргатади... Орадан кўп ўтмай ўзбек халқи сизларни Оҳангарон шахтёрлари деб атайдди. Шундай ҳурматли номингиз бўлади... Ҳар бир ном ўз ерининг тарихини айтади. Биласизларки,— деди Йўлдош ота Қурама тоғларини қўл билан кўрсатиб,— оҳангарлик — темирчилик дегани. Ўтмиш замонларда бу ерда катта темирчилик, қурол-аслаҳачилик маркази бўлган экап. Биласизларки, маъдан бўлмаса, темирчилик бўлмайди, кўмир бўлмаса маъданни эритиб бўлмайди. Хуллас, бу гап афсона эмас, сизлар бу ерни катта, қудратли саноат марказига, ҳамма келиб ҳавас билан томоша қиладиган кўмирчилар шаҳрига айлантирасиз...

Эсини танигандан буён шу ерда мол боқиб катта бўлган, шу ўтлоқ ўрнини ўйиб, энди шағал билан қум қориб, янги биноларга пойдевор солаётган Чўнжар Роҳ ўғли ҳозир қанча ўйласа ҳам бўлғуси шаҳарнинг қиёфасини кўз олдида аниқ гавдалантира олмади. У шунча ёшга кириб, кичкиналигида Тошкентни бир бориб кўрган, холос. Шаҳар, кўмирчилар шаҳри қанақа бўлади? Шахтага ерни ўйиб тушиб кетар эканлар, кўмир босиб қолмасмикин? У шахтёрни кўз олдида келтиришга тиришди, лекин ҳеч келтира олмади. Кўмирни-ку қазир, хўш, қанақа қилиб олиб чиқаркин? У чочиқ, хира, бир-бирига боғланмаган фикрларини ҳеч йиғиштира олмади. Пешанаси тиришиб, кўзлари жавдиради, юзида қотиб қолган қум ара-

лаш лойни уқалаб ташлади-да, рўнарасида, Охунбобоев ёнида турган Богомазовга телмурди, ҳозир ундан сўрагиси келди: «Қанақа бўлади, Степан ака?»

Йўлдош ота сўзида давом этди:

— Кончилар шаҳарини сизлар ўз қўлингиз билан қурасиз. Тоғ йиқитай десаиш, тоғдан кучли юрагинг бўлсин. Меҳнатнинг оғир ва қийинидан қўрқманг. Шунда тоғ йиқилади. Шу ерга жам бўлган ҳамма миллат фарзандлари аҳил турмуш қуришг. Шундай турмушки, авлодлар сизга ҳавас қилсин, сиздан ибрат олсин. Қани, ишга, азаматлар!

Тўнғич шахта ўрнини қазишни дастлаб Охунбобоевнинг ўзи бошлаб берди. Ҳамма ишга, шахтани тезроқ қуриб, тезроқ кўмир қазиб чиқаришга ёпишди.

Ўтмишдан фақат номи қолгану, аммо Тошкентда эмас, ҳатто Тўйтепада ҳам камдан-кам одам биланган Жигаристонга йўл олганларнинг ҳисоби йўқ эди.

— Қаёққа?

— Жигаристонга.

— Қаёқдан?

— Жигаристондан.

Роҳ отанинг ўтмиш аجدодлари, катта боболари, мол ёйиб келиб, бир жигар, бир уруғ-аймоқ шу ерни истиқомат маконига айлантирганларида, балки Оҳангаронга ўтган қадимий карвон йўлидан келгандир, ёки улар шу ердаги қадимий ҳунармандлар ва кончилар авлодидир? Ҳозирча бу ҳеч кимга аён эмас. Аммо оҳангаронлик кексаларнинг айтишича, юз йиллардан бу ёққа аҳолиси бир неча ўн кишидан ошмаган тоғлар ораллигидаги хилват Жигаристон тарихида янги, тенгги йўқ давр бошланди.

Ҳа, бошланди...

2. ҚАРДОШЛИК ШАҲРИ

Автобус шаҳар марказидаги майдонда тўхтади. Катта, текис асфальтланган майдон, атроф кўкаламзор, дарахтлар барги шабадада енгилгина шилдирайди. Ҳар бир шаҳардагидек бу ерда ҳам бола етаклаган, корзинка кўтарган аёллар, кампирлар қаёққадир шошилади; қўлтиқлашиб олган йигит-қизлар йўлкаларда, хиёбонларда сайр қилиб юрибди.

Кечга яқин бу ерда машиналар қатор тизилиб қолди. шоферлар эса тартиб сақловчи милиционер ижозатини

олган ҳамона машинасини физиллатганича кўчани гур-силлатиб ўтади. Ҳа, одам, машиналар кети узилмайди...

Шаҳар худди баланд тоғлар биқинига тирмашиб чиққандай. Ботаётган қуёш ёғдуси чўққилардаги доимий қор устига ёйилди. Ҳа, шаҳар Чотқол ва Қурама тоғлари оралиги ва ўнгирларига ёйилган...

Майдонга туташган баландликда кончиларнинг муҳташам клуби — бутун шаҳар кўрки. Баланд оқ устунлар пешайвонни кўтариб турибди. Бу ердан ҳамма ёқ кафтдагидек кўринади. Шахта қизил юлдузчаси, кўмирни ер тагида газга айлантирадиган станция, қудратли ГРЭС—нур биноси, чап томонда эса разрез—оламжаҳон жойини эгаллаган баҳайбат чуқурлик—кўмир хазинаси...

Дастлабки қурувчилар белкураги, киркаси ва кетмонлари, кон қидирувчиларнинг ажойиб машиналари бу водийда ҳукмрон бўлган асрий жимликни бузиб ер, тоғ бағрини тешганига неча йил бўлди? Ун беш йил ёки сал ошдими шунга. Лекин Оҳангарондаги қурилишнинг куни йилларга, йили ўн йилларга тенг бўлди. Йўлдош ота Охунбобоевнинг олдиндан айтганлари тўғри чиқди: тоғлар чекини, хилватгоҳ қишлоқ—Жигаристон ўрнида ўзбек шахтёрларининг ҳозир эллик беш минг аҳоли яшаб турган социалистик шаҳри бунёд бўлди. Бу кон мамлакатга ўтган йилнинг ўзида—етти йилликнинг биринчи йилида салкам уч миллион тонна кўмир берди. Етти йиллик охирида бу рақам беш миллионга етди. Давримиз суръати ана шундай! Бу, коммунизм қураётган совет кишиларининг жасоратига ҳос суръатдир.

Кончилар клуби зиналаридан чиқаётиб хаёлимдан шулар ўтди.

Вестибюлда одам кўп эди. Шахтёрлар афиша ва эълон ўқишмоқда.

«Владимир Маяковскийнинг ижоди ва ҳаёти ҳақида фильм-лекция», «Сешанба ва жума кунлари бадний ҳаваскорлар тўгараги, тикиш тўгараги иш бошлайди. Секцияларга кирадиганлар ёзилсин» деган ёзувларни ўқидим. Кинотеатр кассасида «Севги афсонаси» фильмига билет сотилмоқда. Навбатда турганлар кетида ёнма-ён гаплашиб турганлардан бири кўзимга иссиқ кўринди. У қўл силкиб, ҳамсуҳбатига ниманидир уқтирарди. Яқин бордим. Ҳа, танидим: шу жигаристонлик дастлабки шахтёрлардан бири — Чўнжар Роҳов. Ҳа, ўша! Унинг соқолига оқ оралабди, чеҳраси улғуллашибди. Аммо полвен-

ларга хос гавдаси букилмабди. Биз ҳали куч-ғайратдан қолганимиз йўқ, деб турибди.

Ёнидаги бугдой ранг киши ким? Ие, Бекмирза Раззоқов-ку!..

Омонлашдик. Кинога билет олгунча у ёқ-бу ёқдан гаплашдик.

Эски қадрдоним Бекмирзанинг айтишича, Чўнжар ўтган йили пенсияга чиқибди, лекин шахтадан алоқасини узмабди, уни илгаригидек ҳамма ҳурмат қилар экан. Бекмирза бўлса ҳали ишдан қолмабди. Бугун унинг ҳордиқ куни экан, Чўнжарни ҳам бу яхши томошага — Фарҳод билан Шириннинг муҳаббатини тараппум қилган фильмни кўришга у етаклабди. Бўлмаса, Чўнжар бугун клубга келмаган бўларди, чунки унинг кечиктириб бўлмайдиган иши доимо чиқиб туради, деди тегишлиб шериги.

— Шундоқликка-ку шундоғ-а,— деди Чўнжар хаёлчап вазиятда. Ғурур билан шундай дедими ёки юрагида бошқа бир армон бориданми, ҳолатидан буни англаб бўлмади. Бир лаҳза жимликдан кейин давом этди: — Иш билан куйманган одам бекор қолса ҳалати бўлар экан, уйга сизмас экан... Уйда якка ўтиришдан зерикдим, қийналдим. юрагим сиқилиб кетди...

— Қачон уйда якка ўтирганинг бор?— деди Бекмирза унинг гапини дарҳол бўлиб.— Қў-е, йўқ гапини, ёш қончиларни ким ўргатапти? Степан Иванович билан бирга ёшларга тўп тепадиган стадионни ким қуриб берди? Хўш?

— Шундоқликка-ку шундоғ-а,— деди Чўнжар аввалгидек камтарлик билан.— Ҳа, юрагим қизиб гоҳ лавага тушаман, ҳа, лава ҳали ҳам ўзига тортади... Бироқ узоқ кўмир ташлашга бел бардош бермайди, кексалик ўзини сездириб қўяди. Ингитларнинг куч-қувватига, ҳунарига тап бериб, қайтиб чиқаман,— деди у кексаликдан шикоят қилгандай.

Низомий ва Жомий, Навоий ва Фузулийлар қуйлаган Фарҳод ва Шириннинг вафо ва садоқати, жўшқин муҳаббатини замондошимиз Нозим Ҳикмат қаламида яна ҳам тирак мазмун олган. Экранда инсон жасорати ва садоқати, макр ва зулм, одамийлик ва инсофсизлик, гўзаллик яратиш ва бузиш ҳақидаги ҳаяжонли дoston янграйди.

Ёнимга қарадим. Чўнжар бор вужуди билан экранга

шўнғиб кетгандай: чехраси гоҳ ёришади, гоҳ ғазабга тўлади, гоҳ кўзлари чақнаб учқун сочади, гоҳ мўйлови пирпираб учадн.

Фильм тугадн. Чиқдик. Водий тепасида тўлини ой оҳиста сузарди. Унинг шуъласи дарахтлар баргига кумуш ранг берган. Ҳамма ёқ жим, салқин шабада эсади.

Чўнжар ҳорғин кўринар, нидамас, ўзинча ниманидир ўйларди.

Бекмирза иккимиз фильм ҳақидаги таассуротларимизни орада баҳам кўрдик, фильм иккимизга жуда ёқди.

Чўнжар бирдан чуқур нафас олди, кўкрагини баланд кўтариб керишди-да, аллақандай ҳаяжон билан гап бошлади:

— Эҳ, кўҳна дунё!.. Не-не ақли югурик одамлар ўтмаган... келишган, меҳнаткаш, доно... Афсуски, улар яқка бўлган!.. Шунинг учун ҳам уларнинг орзу хаёллари ўзлари билан бирга ҳалок бўлиб кетган... Афсус...

Эътиборимизни кекса шахтёрининг ҳаяжон билан айтган сўзлари банд қилди, биз тўхтаб, унга қарадик. Лекин у туйқисдан кўксини ёриб чиққан бу тўлқиндан уялгандай жим бўлиб қолган эди.

Бир неча дақиқа жим юрдик. Бу сокипликни фақат қадам тозушлари, наридаги истироҳат паркидан келаётган музика садоларигина бузарди. Икки бетидagi яшил дарахтлар дезордай қад кўтарган Пушкин кўчаси бизни Оҳангарон соҳилига бошлади.

— Ҳа, ўтмишда халқ орзуси шу эди. Яхши ёзибди. Мана, яхши, одамни ўйлатадиган фильм, яхши, жуда,— деди Чўнжар яна ўшандай жўшқин, лекин оҳистароқ овоз билан.— Аммо томоша қилиб ўтирдиму, бир фикр хаёлимдан кетмади: Фарҳодлар орзусини бор қилган, рўёбга чиқарган бизнинг қаҳрамонларимиз ҳақида ёзувчилар нега кам ёзишаркин? Нега, айтинг-чи? Шунн айтийкин, менинг ота-боболарим шу ерда, тоғлар оралиғидаги мана шу хилватгоҳда умр ўтказишган. Менинг киндигимнинг қони ҳам шу ерга томган, мен шу ерда улғайдим. Аммо бир ўспириннинг умрича вақт ничида бу ерда янги олам, ўтмишдаги доно одамларнинг хаёлига ҳам сиғмаган шаҳар барпо қилинди. Ўз кўзи билан кўрмаган одам бунга ишона қолмайди. Бу хаёл эмас, ҳақиқий Фарҳодлар бино қилди. Мана бу-

ларни қанча китоб қилса арзимайдими, ахир! Улар шунга лойиқ эмасми, ахир? Мана бир қаранг-а,— деди у, рўнарага, кўркини тоғларга кўз-кўз қилиб турган биноларга томон қўл чўзиб.

Шу баландликдан кўз олдимда Қрим Ялтаси гавдаланди, фақат денгизни йўғу, лекин ундан катта. Водий ичيني, тоғ бағирларини асфальт кўчалар у ёқдан-бу ёққа кесиб ўтган. Завод ва нишоотлар қадди-қомати бутун шаҳар савлатини улуғлагандай...

— Қани жилдик,— деди Чўнжар.

Кўча ва хиёбонларни айланиб хийла юрдик. У бизни Пушкин кўчасидан олиб ўтиб, дарё бўйлаб бошлади. Бирдан катта жар олдида чўкиб қолдик. Бир неча гектар ер яхлит чуқур. Пастда қатор составларни тортиб бораётган паровозлар гудогни эшитилади. Экскаваторлар лампаси ялтиради, улар узун бўйинларини ҳавода лангар чўпдай чўзиб, улкан чўмичларини ён бағирдаги кўмирга гурсиллатиб уради-да, яна салмоқланиб кўтарилади, юкини вагонларга ағдариб, яна кўмир чаңгаллайди...

— Фарҳодларимиз кўмирни мана бунақасига ҳам олиш йўлини ўрганди. Арзон, тез, кўп,— деди Чўнжар, гўё бу мўъжизани ўзи очгандек шу қоронғи, ваҳимали жарга аллақандай мағрур بازار ташлаб. Кейин оҳиста давом этди:— Ер тагида, лавада-чи? Бунақа эмас. Транспортёрга кўмирни ҳали ҳам кураклаб ташлашади. Меҳнати кўп, огир...

— Бу йил комбайн туширишмоқчи,— деб изоҳ берди Бекмирза,— механиклар, анигини билмадим, нимадир қилишмоқчи.

— Тезроқ!— деди Чўнжар,— бу иш Бекмирзага боғлиқ бўлгандай унга хитоб қилди. Кейин кўзи яна экскаваторга тушиб, кулди.— Биласизми, бу машиналарни бошқараётган Фарҳодлар ким? Ҳў, наригиси — Ҳўжа Алиқулов, тожик боласи. Мана буниси — Алексей Кленовой, украин йигити. Ҳў, нариги муюлишдаги полвон Одил Абламетов, татар йигити. Булар кўп, ҳаммаси ҳам шу ерда ҳунар орттирган. Қаранг-а, қайси бир афсонавий паҳлавон мана шу йигитлар ишини қилибди? Ишонгим келмайди. Буларнинг юрагига киришг-а, олам-олам гап бор. Қани, китобга сиғдириб кўринг-чи...

Чўнжар шу ажойиботга жим тикилиб қолди. Ҳамма ёқ — кўмир хазинаси бўлган шу катта чуқур ҳам, бутун

шаҳар бирдан ялт этди: осмон билан ерни ажратолмай қолдим, юксак тоғ тепаларида ҳам нур балқиди.

— Дили ёруғнинг туни ҳам ёруғ,— деди Чўнжар.— Чироқларимиз осмон юлдузлари билан ўпишди.

Жилдик. Бекмирза хайрлашиб, уйига кетди. Чўнжар билан иккимиз шаҳар кўчаларида сайр қилдик. Мени нур эмган Оҳангарон туни мафтун этган, хаёлимни бу ернинг ўтмиши, ҳозиргиси, эртаги истиқболи қамраб олган эди...

1929—30 йиллар. Қолхоз қурилиши, қаттиқ синфий кураш, қулоқлар хуружи, ҳувиллаган жылғалар орасидаги оғишмалар, бу курашда қурбон бўлган ўқитувчилар, қишлоқ активлари...

Дарё лабидаги дўнг устида настқам уйча ер қучиб турибди. Райижроком ранси — қулча юз, кичкина, чайир, соқолини қирдириб, узун қора мўйловини икки томонга бураб қўйган йиғит — Аҳмедов шу уйда батраклар ва камбағалларни йиғиб мажлис ўтказган, уларни колхоз бўлишга чақирган эди. Кейин, шахта қуриш бошлаганда, бу бино қурилиш бошлиғининг кабинетини, ётоқхонасини эди. Ўшанда қишлоқнинг энг кўркем уйи шу эди. мана энди у эски Жигаристондан тарихий ёдгорлик, бу ерда юз берган ўзгаришларга, теварак-атрофдаги баланд, гўзал биноларга маҳлиё...

Ҳамроҳимнинг гапи хаёлимни бўлди:

— Биласизми,— деди кекса Чўнжар,— бугун лекция эшитдим. Ажойиб лекция. Ун йил ичида очиқ усулда кўмир қазишни олти ярим марта кўпайтирибмиз. Оз эмас-а. Биласизми, бизнинг битта разрезимиз бор. Ўтган йили шундан 2 миллион 600 минг тонна кўмир олдик. Биласизми, етти йиллик охирига бориб бундан йилга қанча кўмир оламиз? Салкам беш миллион тонна. Оз эмас-а!

У битта-битта юриб гапирар, бу ернинг бойликларини, буларни очиб, қуриш тарихини аллақандай гурур билан айтарди. Ҳа, унинг гапи ҳақ, оз эмас, замонамизга хос суръат!

Бирин-кетин келаётган машиналар фарн қўзини олди шекилли, Чўнжар йўлкада тескари ўғрилди.

— Тиқилинчга ҳушим йўқроқ, бу ёққа...— деди ва Ленин хиёбониغا олиб чиқди. Ёлма-ёп юриб хиёбон айландик. Скамейкада жуфт-жуфт ўтирган ёшларнинг гурунги, қиқир-қиқир кулгиси фикрнинг жамланга хала-

қит бердим ёки ёшлар тортинмасин дедими, ҳар қалай, холи скамейкага бошлади.

— Қўшнимиз Степаннинг қизи, уялмасин, уларнинг ҳам ўз гаплари бордир... Мана шу ерга ўтирайлик-а.— Ўтирдик. Ўтган-кетганга хийла тикилиб тургач, давом этди:— Бу ерда иш бошланганда шу қиз онасининг қўлида келган эди. Шундоқ Бу қиз ўн тўққизда бўлса, бизнинг шаҳримиз ўн саккизга кирибди...

У ниманидир ўйлаб, бир нафас жим қолди. Кейин босиқ товуш билан:

— Ҳа, оғир, қийин йиллар эди,— деди ва атрофига бир қараб олди-да, давом этди:— Душман юртимиз дарвозасини бузиб кириб, тупроғимизни ҳаром қила бошлаган, бутун эл ёвузни даф қилишга отланган ўша йилларда шаҳар қурдик. Якка бўлсак, бундай катта ишга қўл уриб бўлармиди? Йўқ. Биласизми, ўшанда, ўзбек йигитлари ҳам рус, украин, белорус қардошларимиз ерини душмандан озод қилиш учун биргалликда жон олиб жон бераётганда, рус, украин, белорус фарзандлари, бошқа қон-қардош халқларнинг вакиллари бу ерда биз билан бирга шаҳар бунёд қилди, кўмир қазиб санитарни юргизди, халқни иситди. Биласизми,— деди у рўнарасидаги зараг дарахтининг нурда товланган шапалоқ баргларига мамнун тикилиб,— тўққизинчи шахтамининг ўзида ўттиз миллатнинг вакили ишлайди. Хитой, корейс, румин, поляк фарзандлари ҳам, Ватанимиз шимолий ўлкаси — Ёқутистон йигити ҳам бор.

— Эсингиздами,— деди у бир оз сукутдан кейин,— ўша уруш йилларида ўзбек халқининг ўз жангчиларига ёзган хати? Мана бу жойи: «Ойла кичик, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи улугдир. Ҳар бир совет оиласи денгизга нисбатан бир қатра сувга ўхшайди. Бир қатра сувда эса ер, кўк ва қуёш аён бўлганидек, бир оиланинг ўзида ҳам улуг Советлар оиласига хос хислат ва муносабатлар акс этгандир...»

...Ҳа, биз бир-биримиз билан чатишиб, бир пай бўлиб кетганмиз... Ҳа, яхши дўст — жон озиғи. Биз қардошгина эмасмиз, йўқ, бу кам. Биз жондошмиз...

Худди кечагидай эсимда: илгари бу ерда ўзга миллат эмас, бир қориндан талашиб тушган ака-ука ҳам бир уйга сиғмасди. Нимага дейсизми? Ойла кичик, уй тор эди, юрак чирогимизнинг нури ўз деворимиздан на-

рнии кўрсатмасди.— У мийигида кулди, кейин давом этди:— Шу Жигаристонда бир уруғ, бир жигардан тарқалган етти-саккиз хонадон бор эди. Лекин шу оғал-инилар бир-бирининг пайини қирқиб, қишлоқдан дарбадар қиларди.. Энди-чи? Энди бу ерда ҳамма миллат болалари аҳил, ипоқ сила... кўмир, иур шаҳрини барпо қилди... Қани турдик.

Чўнжар билан эртага шахтада учрашадиган бўлдик. Хайрлашдик. Қўшхонамга қайтиб келгандан кейин хийла вақтгача уйқусиз ётдим. Хаёл Оҳангаронни кесар, бу ерда бир оила бўлиб, коммунизм деб аталган янги олам қураётган янги танишлар билан фикрлар суҳбат қилардим. Халқ оқини Абдулла шоирнинг шу сатрларини беихтиёр такрорладим:

Қуйларимни айтиб қилайин дoston,
Ёшликда чўл кезиб бўлганман сарсон.
Энди эллар озод, чўл бўлди бўстон,
Дўстликнинг қудратин билган отангман!

3. ЮРАК АМРИ

Чўнжар билан шахтёрлар посёлкасида, тоғ бағрига тушган икки қаватли нарядхонада яна учрашдик.

Навбати келган смена ишга топшириқ — наряд олаётган эди.

Ёш шахтёрлар Чўнжарнинг атрофини ўраб олган эдилар. У ёшларга ўз тажрибасини, кўп йиллар давомида ер тагида ишлаб ҳосил қилинган шахтёрлик санъатини ҳикоя қиларди. Суҳбат ҳозир ҳамманинг фикр-хаёлини банд қилган мавзуга — етти йиллик планининг улуғвор рақамларига кўчди.

Мен яқинроқ бордим, деворий газетани диққат билан ўқиётгандек бўлиб қулоқ солдим.

— Етти йиллигимизнинг улкан қадамини нимада кўрамиз?— деди Чўнжар.— Оҳангарон кўмирини олайлик... Планга кўра биз... яъни сизлар йиллик кўмир чиқаришни икки миллион тонна кўпайтиришингиз керак. Айтишга осон — икки миллион! Ҳазилакам гап эмас-а, Воҳид?— У қўлини ёш шахтёр Воҳид Раззоқовнинг елкасига ташлади. У устозига қараб бош ирғадди ва жипмайиб унинг гапини маъқуллади.— Бу икки миллион тоннадан ортиқ кўмирни биз янгисини қурмасдан

битта шу шахта-ю, шу битта разрезнинг ўзидан оламиз. Катта, қийин вазифа-а? Ҳа, ҳа... шундоқми, Оллоберди?— У елкадор, кулча юз, ёш шахтёр Оллоберди Эргашевга қаради. Чўнжарнинг кўзлари ёшлигидагидай чақнади. Жавоб кутиб турмай, овозини баландроқ кўтариб ўзи айтди:— Ҳа, осон эмас, қийин. Лекин ихтиёр қилиш керак. Ихтиёр кучли бўлса, ушчалик қийин эмас. Фақат техникани эгарлаб миниб олсангиз, йўлингизга юргизсангиз бас. Лекин бунга катта, бардам уриб турадиган юрак керак, юрак...

Бу сўз ва рақамларни қаердадир эшитгандим шекилли. Ҳа, эсимга тушди,— кекса Чўнжар кеча эшитган лекциясини шахтёрларга ўзига хос оҳангда ҳикоя қиларди:

— Бир вақтлар мана шу ерда ажойиб сўз эшитган эдим,— деди Чўнжар давом этиб.— Бу сўзлар менга ҳаётимда катта мадад бўлди. Ҳа, мадад... Тоғ йиқитай десанг — тоғдан кучли юрагинг бўлсин, қўлниң қалтирамасин. Ихтиёр кучли бўлса, ҳар қандай қийинчилик, ҳатто тоғ ҳам юрагингиз тафтидан чекинади... Бу гапни дастлаб мана шу ерда марҳум Йўлдош ота Оқунбобоев оғзидан эшитган эдим. Замирига етмасанг, шунчаки, маҳоват бир гапдай. Аммо бунинг шунчаки чиройли сўз эмас, чин эканини, инсон юрагининг кучини мана шу ерда ўз кўзим билан кўрдим. Одам юраги тоғни титратмаса, унинг қоринини ёриб, ичига кира оладими киши?! Осон эмас, қийин, жуда қийин бўлди-ю, лекин мана шу ерда ўзимиз унинг ичига кирдик. Гапимга ишонаверинг, жиянларим...

Ўшанда мана шу туйнукдан дастлаб тушган эдик,— у бекитилган шахтанинг оғзини кўрсатди.— Тушдим, ҳайрон қолдим. Устидан мол ҳайдаб ўтаверибмиз, оёғимиз тагидаги зарни кўрмабмиз. Қаёққа йўл очманг, қаёққа боқманг, қоп-қора ялтираган кўмир кўрасиз, кўмир кесасиз. Қалинлиги ўттиз метргача борадиган қатлам-қатлам кўмир. Кесиб пастга тушаверасиз... Тўтамайди. Ўн саккиз йилдан бери қазиймиз шун, тагига етганимиз йўқ ҳали. Ҳа, шундоқ...— Чўнжар бир зум жим қолди. Кейин бирданига пиқ этиб кулиб юборди-да, гапида давом этди:— Айбга қўшмайсизлар, жиянлар. Эсимга тушса, ўша ҳолимдан ўзим ҳали-ҳали куламан. Важоҳатимга карасангиз чинакам шахтёрман, гавда ҳам чакки эмас: эғнимда комбинезон,

оёғимда резинка этик, пешанамда фонарь ёниб турибди! Лекин қани энди турган ўрнимдан жилолсам! Оёғим қалтирайди. Энди тетаноя бўлган болага ўхшайман. Ҳолинига во-е, шахтёр, дейман ичимда.— У яна кулиб қўйди.— Степан акам — Степан Иванович Богомазов бор-ку, ўша менинг устозим. У ҳолиمنى дарров пайқади: «Оёғингни қаттиқроқ бос, ерини аяма, шахтёр! Қўрқма!» деб менга далда берди. Кейин ота ўғилчасини етаклагандай қўлимдан маҳкам ушлаб юргизди. Минг раҳмат, унга... Шундоқ жиянлар, шундоқ... Қийналиб, йиқилиб, яна туриб, шахтёр бўлиб олди. Осон бўлмади. Мана шу конда мен икки марта эндиғина порталиб кетилган кўмир тагида қолганман. Агар ёнимда уста шахтёрлар бўлмаганда кўмир тагида қолиб кетардим. Бизни опичлаб, қўлимиздан етаклаб ўлғайтирдилар. Дастлаб оздан кўмир қазиб, ҳунар орттирдик, тетаноя бола бора-бора навқирон йигит бўлди... Ҳа, бугунги қазиб чиқарган кўмиримиз эртага кўзимизга оз кўринадиган бўлиб қолди. Ҳа, шундоқ, жиянлар,— деди у ганини тугатлаб.

Смена алмашинди. Бригада паряд олди. Йигитлар қатор тизилиб, шахтага тушиб кетишди.

— Оқ йўл, Фарҳодларим!— деди Чўнжар оҳиста овоз билан улар кетидан мамнун тикилиб. Унинг қўли баланд кўтарилди, гўё етти йиллик баҳодирларига зафар йўлланмасини туттирди.

4. КЕЧАГИ ЧУПОН

Қайноқ лавада транспортёр лентасига бетўхтон кўмир ташлашга, смена тугагунча уни ўн икки-ўн уч тоннага етказишга ҳар кимнинг ҳам бардоши ставермайди. Юрагида ўти бор, иродаси маҳкам йигитларгина бу касбнинг эгаси бўлиб қола олади.

Бир куни павалоотбойчилар бригадаси қаторида жуссаси кичкина, қора мағиз, чайир ўспирин пайдо бўлди. Унинг ҳали мўрт билаги тез толар, мушак гўштлири, бели зирқираб огрир, лекин сир бой бермасликка уринар, қора терга ботиб кўмир ортарди. Унинг бу ҳолига ачинган баъзи шахтёрлар:

— Пачаққина экансан, чақилиб қоласан, увол бўласан-ку, йигитча,— дейишди.

— Майли, амаки. Мен шахтёр бўламан,— деди Мажид.

Ҳамма кулиб юборди.

Тог чўққиларига қўйиб учган булутларни кўз узмай кузатган, Ўнжарнинг ёрдамчиси — ўша чўпон бола, кўмир ғорини топганда, Чикризов бўлғуси кон инженер-и, деб мақтаган ўша чарос кўз Мажид шу.

Тиришқоқ бу боланинг ҳаракати, кўнглидан чиқариб айтган гапи Василий Иванович Марьясовга ёқиб қолди. У Мажиднинг елкасига қоқиб:

— Ҳа, баракалла,— деди. Кейин шерикларига қараб,— мана бундан чинакам шахтёр чиқади. Ёшинг нечада, йигитча?— деб сўради у Мажиддан.

— Ўн еттида.

— Ҳа, баракалла, азамат.— У Мажиднинг қўлидан катта темир куракни олди. Уни кўмирга ботириб ва транспортёрга ташлаб кўрсатди.— Ножўя уринма, ўғлим, тез чарчайсан... Мана бундоқ. Ҳа, баракалла...

Мажид ҳамма имтиҳондан ўтди. Кон устаси Марьясов ҳам, бошқа шахтёрлар ҳам унинг ўжар эътиқодига тан бердилар. Улар Мажид жигаристонлик миришкор навалоотбойчи Бекмирза Раззоқовнинг укаси эканини билдилару, лекин кончи бўлиш иштиёқи болалар билан бекинмачоқ ўйнаб юганида юрагидан маҳкам жой олганлиги уларга сир бўлиб қолаверди.

Чикризов ҳам, Марьясов ҳам янглишмаган экан.

Мажид тунларни бедор ўтказди, ўқиди, ўнинчи синфни тугатди: ишлаб туриб кон мастерлари курсини тамомлади, кончилик техникумини сиртдан ўқиб битирди.

Кончи бўлиш асосий касбларни билиб олишни талаб қилади. Мажид ҳозир навалоотбойчи, кўмир портлатувчи, кон слесари, кон мастери! Ўз юрагига қулоқ солмаса, «увол бўлар эканман, чақилиб қолар эканман» деб ўзини авайласа, ўн икки йил ичида шунча касб эгаси бўла олардими? Мажид ҳозир бу ерда каттанинг ўғли ўртанчанинг укаси, энг кичикнинг акаси: катта-кичикнинг жонкуяр маслаҳатчиларидан. У участка бошлиғининг ёрдамчиси бўлгани учунгина эмас, кон ишини яхши билгани, билганини бошқалардан қизганмагани учун ҳам бу ерда ундан маслаҳат оладилар.

Ўтган йил октябрда шахта олти соатлик иш кунига ўтди. Ҳақ тўлаш тартиби ўзгарди. Малакали, кон ишида

икки-уч касб эгаси бўлган навалоотбойчиларга кўпроқ ҳақ тўлападиган бўлди. Жисмоний кучига маҳлиё бўлиб, билим-ҳунарни эламаган баъзи полвон навалоотбойчиларга бошда бутартиб ёқмади. Улар оғриндилар, нолидилар, айримлари эса ҳатто ўзларини шахтада омонат сеза бошладилар.

— Хўш, мулла Мажид, айт-чи, энди бу ёғи нима бўлади?— дейишди Ҳакимов, Анекин, Аширбеков сингари шахтёрлар.

Мажид шу топда уларга, энди кўмир кесишга жисмоний кучнинг ўзи кифоя эмас, демабмидим дегуси келди-ю, демади. «Юзга солма, дилозорлик бўлади, қаттиқ ботиши мумкин, ўз пушаймонлари ҳам етар» деб ўйлади.

— Нима бўларди, ҳеч нима бўлмайди,— деди Мажид. Аммо у тоғни чўктирган яқин кишиларининг ҳозирги ожиз, маъюс ҳолатига ачинди. У нарядхона деразаси олдида борди. Кеккайган азм тоғларга, оқшом ғира-ширасида қорайишиб турган сокин арчаларга тикилиб қолди. Шахтёрлар Мажиднинг одатини яхши билишади: у фикрнинг учини ҳали тополмаганда, мушкулдан чиқиш йўлини излаганда ҳамиша, ҳатто киприклари ҳам қимирламай, ана шундай ўй суради. У келиб жойига ўтирди, тирсакларини стол зиҳига қўйиб, икки муштини иягига тираб, шерикларига бир зум тикилиб турди-да:

— Энди бу ёғи шундай бўладики, ҳунар орттирамиз, касб ўрганамиз,— деди.

— Ҳунар ўрганамиз? Қачон? Осонми?!— дейишди улар.

— Йўқ, осон эмас. Аммо қийин ҳам эмас. Ўрганиш керак,— деди Мажид гапни калта қилиб.

Шахтада яна мана бундай бир ҳодиса юз берди.

Лавада кўмир қатлами тиккасига ҳам, энига ҳам 2,20 метр қилиб кесилади. Шу чизиқдан хиёл тойилсан ш чатоқлашади. 4-участкада шу кунларда шундай ноҳуш ҳол юз берди. Эътиборсизлик, шошқалоқлик қилинди-ю, чизиқдан чиқилди, лава муюлишида паст-баландлик, бир метр келадиган қийшиқ тирсак пайдо бўлиб қолди. Транспортёр занжирининг бош ҳалқаси тўсиққа бардош беролмади: букилиб кетди, силжиши сусайди, кўмир оқими бирдан озайди.

Участка бошлиғи Ткаченко ҳам, унинг ёрдамчиси

Мажид ҳам, кон мастерлари ҳам бу чигалнинг учини топиш устида бош қотирдилар. Кўп ҳаракат, машаққат билан тирсак йўқотилди. Лекин, барибир, иш унуми асли ҳолига қайтмади: занжир носоз, янгилаш ёки дарҳол ремонт қилиш керак.

Қизгин баҳс, тортишув бошланди. Бир-бирларига аччиқ-тирзиқ гап ҳам айтишди, ҳатто ўшқиритишди. Ўшанда, олти соатлик иш кунига кўчилганда юз берган қийинчилик кунлари ҳамма участкада аҳвол бир хил эди. Лекин ҳозир-чи? Йўқ! Ҳозир бошқа участкалар етти йилликнинг биринчи йили топшириқларини муваффақият билан адо этиб, шахтани кун сайин олга элтмоқда. Уларда ҳар бир навалоотбойчи кунига нормадан икки ярим, ҳатто уч тонна ортиқ кўмир чиқараётибди. Хўш, булар-чи? Булар нормага ҳам етказа олмай, кун сайин кўпроқ қарздор бўлиб қолаётибди. Бундай ҳолда қизишмай, ҳатто ўшқиритмай бўладими ахир? Бунга ким бефарқ қарай олади? Хўш, нима қилмоқ керак?

Хонада шовқин. Улар пастдан, лавадан чиқибоқ, коржомаларини ҳам ечмай, ювинмай, шу ерда стол теvaraгига ўтириб муҳокама бошлашган эди. Ткаченко олдида турган наряд қогозини беихтиёр гижимлаб юборади. Мажид ўзини осуда тутса ҳам ички ҳаяжони спиртига тепаётгани кўмир қуруми босган юзипинг тез-тез учишидан билинади. Мана у турди. Одатича, дераза олдида борди, кўзи гоҳ кўк юзини беркитиб, гоҳ тоғ ўрқачларига миниб қувлашмачоқ ўйнаётган булутларга, оппоқ қор босган баланд тоғларга михланди, наряд-хонадаги шовқин ҳам қулоғига кирмади.

«Хўш, транспортёр занжирини тўла ҳаракатга келтириш учун нима қилмоқ керак?» — у шуни ўйларди.

Мажид ҳозир фикран лавага тушди. Кўмири энди гина портлатилган лава қоп-қоронғи баҳайбат тоғга ўхшайди. Муваққат устунлар улкан қора қояларни омонат кўтариб тургандай. Шахтёрлар отбойка билан кўмир қўпормоқда. Бехосдан алланима қарс этди. Транспортёр занжирининг бош ҳалқаси тирсакка иллиниб, букилиб кетди. Бир маромда айланаётган механизм бирдан тўхтади.

— Аввало янглишма,— деди Мажид одатига хилоф баланд овоз билан, шовқин бирданига тинди.— Янглишдингми, дод-фарёд кўтарма, бир-бирингга ўшқирма.

Нафи йўқ!.. Айтинг-чи, транспортёрни шу иш жойида, лавада ремонт қилиб бўлмайдими?— У орага савол ташлади-да, ўзи дадил жавоб айтди:— бўлади! Бошқа иложимиз йўқ!

— Бўлади!— деди Ткаченко ҳам енгил тортиб.

Ҳамма шахтёрлар шу фикрни қувватлашди.

5. КОН МАСТЕРИ

Тешиктошдан ўтиб, катта йўлга чиққанда қош қорайган, орқада посёлка чироқлари тоғ багрини чароғон қилган эди. Гармоннинг шўх садоси, кимнингдир таниш, қўнғироқ овози янгради. Юрагининг бир чети шу ерда қолаётгандай бир нафас шу ёққа тикилиб турди. Кейин жаҳл билан қўл силтади-да йўлида давом этди...

Теварак-атроф жимжит: икки томонидаги тоғлар унга ҳўмрайиб тургандек, Оҳангароннинг тошларни бири-бирига уриб, ҳайқирқ солиб оқиши унга ўшқирқ бўлиб эшитилди, юрагини заҳм босди: қадамларини тезлатди, ҳатто югурди, гўё кетидан биров пайдарпай қуварди. Кимдир унинг отини айтиб чақирди:

— Ваня!

У тўхтади, аламлиди, қайрилиб орқасига қаради. Атроф жим.

Ваҳм кучайди. У яна югурди. Бояги товуш қаттиқроқ такрорланди:

— Ваня! Қўрқоқ, қочоқ!

Оёқлари жилмай қолди. Қаради: яна ўша ҳол. Дарёнинг тунги шовқини гоҳ кўтарилиб, гоҳ пастлаб тоғлар оралиғида, жилгаларда акс садо берарди... Қоронғилик пардасини ёриб, рўнарасида Аня гавдаланди. У Вера билан ёнма-ён турар, жиққа ёш кўзлари: «Наҳотки, сен...» дерди. Улар кетида эса Федя, Паша, Эгамберди, Миша... бир мақсад, бир ният билан бу ерга келган дўстлари қовоқ солиб турибди. Улар овозини аниқ эшитди:

«Юрагим қўрқиб ва шубҳадан холи. Комсомол қаерга йўлласа мен ўша ерда бўламан». Бу сенинг сўзларинг эмасмиди?! Оталаримиз, тенгдошларимиз Ватаниннг ҳар бир қарич тупроғи учун жон олиб жон бераётган, саноат ёқилғига муҳтож бўлиб қолганда комсомол сени шу ерда шахта қуриш, кўмир қазишга йўллади. Айт-чи, ҳаётингда биринчи марта йўлиққан

қийинчиликка юрагинг тоб беролмадимн? Писиб қоч-
япсанми? Қоч, шарманда, қоч!»

Унинг қулоги шанғиллади, кўз олди зимистон бўлиб
кетди. Дамқовоқ тоғдан қоя кўчгандай олисда алла-
нима гумбурлади. У серрайиб қолди. Қовоқларини қат-
тиқ ишқалаб, кўзини катта очди: ҳеч ким йўқ...

Нарида, қайрағоч тагидаги пастқам уйнинг дераза-
сидаш милтиллаган чироқ кўринди. У шу ёққа юрди.
Кечаси чойхонада, сўри устига ёйилган кир полос усти-
да тунади. Эрталаб на йўлида давом этолди, на орқа-
сига қайтолди. Шу қишлоқдаги Ленин номли колхозда
упга-бунга боқишиб юрди. Лекин: «наҳотки сен...»
«қўрқоқ, қочоқ!» деган сўзлар юрса ҳам, турса ҳам
қулоғида жаранглайверди. Аянинг жикқа ёш мовий
кўзлари, ғамгин чеҳраси кўз ўнгидан кетмади.

Колхозда иш кондагидан енгил, бу ердаги одамлар
унга таниш, анча яқин бўлиб қолишди. Лекин у зерикиб
қолди, шахтадаги жўшқип ҳаётини, бадаплари чўяндай
қорайиб, харсанг-харсанг кўмир қўпораётган ўртоқла-
рини, кечқурунлари йигит-қизлар тўда-тўда бўлишиб
гармон чалиб, қўшиқ айтишларини, клубдаги танцалар-
ни кўмсади. У бир неча марта отланди. Аммо ҳар сафар
йўлга чиққанда ўртоқларининг таъна-тааддиси, муҳока-
малар кўз олдига келиб, изига қайтаверди.

«Номус...— деди у. Қўлини кўксига маҳкам босди.—
Қайтиб боришга номус қилар экансан, нега қочдинг?»

У ярим кечада ётоқхонага кириб келди. Ҳамма ухла-
ган, фақат Федя шифтга тикилиб, каравотда чалқанча
ётган эди. У ёнига ўгирилиб олди.

Эрталаб ҳам унга ҳеч ким ҳеч нима демади. Ҳатто
қаерда йўқолиб юрувдинг ҳам дейишмади. Федя кор-
жомасини кияркан, унга бир нафас тикилиб турди-ю,
сўз қотмай чиқиб кетди. Фақат кекса шахтёр, кон мас-
тери Степан Тимофеевич:

«— Келдингми, дайди, ке,— дедн, уйдан қочиб кетган
ўғлига ўпкаланган отадай.— Келганинг муқимми, ё...—
деди-ю, унинг бош эгиб туришидан: «Таъзирингни еп-
сан, етар» деди ичида. Бир зум жим қолиб, кейин давом
этди:— бор, тўдангга қўшил. Тавба қил, узр сўра улар-
дан.

У кўмир қўпорадиган отбойкани елкасига ташлаб,
шахтага тушиб кетди.

... Улар ер бетига чиққанда тун бошланган, тиниқ

кўк юзида тўлин ой оҳиста сузарди. Ваня шерикларидан кейин қолиб, қизлар ётоқхонаси томон бурилди. Муюлишга келганда бошига қизил дурра танғиган хипча қиз ошхонадан чиқди, ён-верига қарамай кетаверди. Ваня таниди:

— Аня!

Қиз орқасига бир қаради-ю, тўхтамади, қадамини тезлатди.

— Аня!

Қиз тўхтади, Ваня яқин борди, Аня гўё беҳуш эди.

— Энди ҳеч ёққа кетмайман. Кечир... кечиринглар,— Степан Тимофеевичнинг сўзини такрорлади:— Муқим қайтиб келдим.

Қиз ҳеч нима демади. Унинг кўкраги гоҳ кўтарилиб, гоҳ паст тушарди: мовий кўзларидан оқ юзига ўрмалаб тушаётган дона-дона ёш ой шуъласида йилтирарди. Ниҳоят у:

— Наҳотки сен...— деди-да, ўгирилиб тез юриб кетди.

Иван унинг қораси ўчгунча кўча ўртасида серрайиб турди. Кейин аста ётоқхонасига йўл олди. Қўнглида аллақандай ғашлик, яккалик уни қийнади.

Ётоқда яна ўша ҳол: ҳеч ким унга ҳеч нима демади. Баъзи шериклари дамка, шахмат ўйнарди. Улар ҳатто бош кўтариб қарамади. Федя ва бошқа бир неча йигит кийиниб чиқиб кетишди.

«У Веранинг олдига боради,— деб кўнглидан ўтказди у, Федянинг кетидан термулиб қолди.— Кинога боришади. Аня ким билан бораркин?»

Уйда ҳам, ишда ҳам ўртоқларининг индамагани, сукут сақлагани Иван Братерскийга таъна-тааддидан, «сен бизнинг тўдамизга муносиб эмассан!» дегандан ҳам қаттиқ ботди. «Қаттиқ дашном берсалар, ҳатто юзимга шапати туширсалар ҳам майли эди-я,— деб ўйлади Иван алам ичида.— Кейин ишонардилар. Хўш, улар менга нега ишонишсин? Қўксимни ёриб, юрагимни кўрсата оламанми? Сўзингнинг ростлигини, аҳдингнинг маҳкам ва муқимлигини кўмир қўпориб кўрсат. Унгача чида, Ваня!»

Иван аламини лавада ишдан, кечқурунлари якка қолиб уйда ўқишдан олди-ю, ўша кунлари якка-ёлғизликни енгди.

Ойлар ўтди. Навалоотбойчи Иван Братерскийнинг

номи шахтада тез-тез тилга олинadиган бўлди. Бригада аъзолари ҳам унинг гуноҳидан ўтдилар. Мусобақадош бригада ва участкалар булар тажрибасини ўрганишга кела бошлади. Лавада иш қайнаган пайт. Ваня отбойка — парма дастасини маҳкам тутиб, улкан харсангни кўмирга суқиб турар, электр қуввати зўрайган сари парма тариллар, қалтирар, харсангга чуқурроқ ботар, уни ўпириб борарди. Йигитнинг маҳоратини кузатиб турган Степан Иванович Богомазов:

— Камол топ, укам,— деди қойил қолиб.— Асабинг шунга кўникибди, буни енгибсан, ҳақиқий шахтёр бўлибсан!

Октябрь байрами куни эди. Шу куни тантанали мажлисда ёшлар бригадасининг ютуғи алоҳида айтиб ўтилди. Уша Ванянинг, Иван Дмитриевич Братерскийнинг номи тилга олинганда уни ҳамма олқишлади. Айниқса Аня, Вера ва Федя қаттиқ қарсак чалди...

Клубдан чиқишганда Вера билан Федя қўлтиқлашиб, олдинга ўтиб кетди. Иван билан Аня эса хиёбонга бурилиб, садача тагидаги скамейкага ўтирди. Узоқ айрилиқдан кейин биринчи марта учрашгандай хийла жим қолишди, Ванянинг унга айтиш учун ўйлаб қўйган сўзларидан биттаси ҳам ҳозир тилига келмас, шошқин юраги эса дук-дук урар, толпинарди. Ниҳоят унинг тили сўзга кирди:

— Аня!

Қиз бошини кўтарди.

Ваня ҳайрон қолди: Аня яна йиғлаяпти. Нега? Энди билди: шодликдан, бахтиёрликдан ҳам йиғлар экан...

Улар шу зайилда хийла жим ўтиришди. Ниҳоят, Аня:

— Қочоқ бола,— деди унинг юзига бармоқларининг учи билан секингина уриб.

Шахтёрлар шу куни Вера билан Федянинг тўйида, орадан кўп ўтмай Ваня билан Анянинг тўйида ўйнадилар.

* * *

Шахтёрлик осон эмас. Шахтага тушган, ўз кўзи билан кўрган кишигина буни тасаввур қила олади. Ер тагида қоя-қоя кўмирни кесиб тунеллар очиш учун, уни босиб қолмайдиган, бехатар қилиш учун, янги лаваларда кўмир портлатиш, ер тагига туширилган техникани

ишга солиб уни юзага олиб чиқиш учун, аввало, баҳодирона юрак, катта ҳунар, билим керак.

Қўмир ер бетига транспортёр лентасида оқиб чиқади. Лавада эса транспортёрнинг азамат занжири айланади: у доим бир ўринда айланавермайди, вақт-вақти билан янги жойга кўчириб туриш керак.

Занжир бўғинларидаги винтларни чиқариб, уни бўлакларга ажратиш, улкан темир ҳалқаларини янги жойга битталаб кўтариб бориш, ўрнига қатор қўйиш, ўрнатиш — пухта жойлашдимми-йўқми, қайта-қайта кўздан кечириш учун бутун бригада бир смена — саккиз соат вақт сарфлайди.

«Шунга камроқ вақт сарфлаш иложи йўқми? — деб ўзига савол берди кон мастери Иван Братерский. — Шундай қила олсак, кўпроқ қўмир чиқарамиз. Вақт унумли ўтади. Ўйлаб кўриш, бош қотириш керак. Иложин бордир».

Братерский китоб ўқишга тутинди: ҳамма шахталар учун белгиланган умумий қондани бўзаман дейиш ҳақини таъмин ахир!

Кейинги кунларда эрининг жуда кам гап бўлиб қолганлигини, сменадан кейин уйқудан турибоқ қизчаларни Шура билан Таняни етаклаб сайр қилишни ҳам тарк этганлигини, ўз сменаси бўлмаса ҳам конга тушиб кетаверишни Анна Васильевнани ташвишга солиб қўйди. «Чарчаб ҳориб келганда ҳам болаларини севгувчи, эркалатгувчи эди-ку! Менга кулиб боқишларини, ҳазил-мутойиба гап айтиб суйишларини қани? Нимага уйга индамай кириб, индамай чиқиб кетадиган бўлиб қолди?»

... Мана унинг Ваняси рўпарасида ўтирибди. Тун оғиб кетса ҳам китобдан кўз ўзмайди... Қўлидаги китоб ёнига тушиб кетди. Ўзи диванга сўянганича қолди. Ая оёқ учидан келди-да, китобини олиб ёпди. Иванининг эндигина ғафлатга кетган кўзи очилди: иккиси бир-бирига тикилиб қолишди. Ниҳоят, Ая ёрилди:

— Ваня, сенга нима бўлди? Бирор нарсанинг хаёли-дамисан? Айт.

Хотинининг ташвишли, мовий кўзларига тикилиб, у ҳайратда қолди. Кейин мийиғида кулди-да:

— Калаванинг учини йўқотдим, — деди унинг ўзига эгилган бошини силаб, — бор ухла.

... Калаванинг учини топгандан, ўзича қатъий қарорга келгандан кейин, бир кунини кечки пайтда у бошқар-

мага, кон бош инженери олдиға кирди. Унга ўз фикрини батафсил тушунтирди, чертёжларини кўрсатди. Кейин қатъий ишонч билан деди:

— Михаил Романович, шу усулни бир синаб кўрайлик-а. Имоним комил, йўқ деганда уч соат вақт тежаймиз.

— Ишонаман,— деди бош инженер хушнуд табасум билан.— Ишонаман, усулинг жуда соз, бунга шубҳа қилаётганим йўқ. Лекин,— деди у мийиғида кулиб,— сен Франко Михайлович билан бир гаплашиб кўргин. У ҳам шундай фикрни айтган эди. Оз-моз фарқи бўлса ҳам, иккинғиз битта чигални ечаётганга ўхшайсиз.

Братерский ҳайрон бўлди. «У ҳам шуни ўйлаб юрган экан, нега айтмади? Хўш, сен-чи?— дея ўзинга савол берди у.— Ўзинг қатъий қарорга келмагунча, Аняндан, сени деб тувларини бедор ўтказувчи ҳамнафас, ҳамдард хотишингдан ҳам сир тутдинг-ку, ахир! Энди Федядан нега ўпкалайсан?»

Шу ердан чиқибоқ у Федянинг уйига борди. Вера билан Федя уни севишиб қарши олишди. Иккиси узоқ гаплашди. Федянинг топган усули ўзиникидан кам эмаслигига Братерский ишонди. Икки дўст кенгашиб, бир фикрга келишди: транспортёр занжирлари бундан буён конвейер усулида бўлакларга ажратилади. Айни вақтда янги жойга бир бошдан ўрнатилаверади...

Янги усул, транспортёрни янги иш жойига кўчириб ўрнатишнинг Братерский — Пискорский усули синондан ўтди. Энди бригада бу ишни саккиз соатда эмас, балки уч ва уч ярим соатда бажарадиган бўлди. Қолган соатларда шахтёрлар бемалол кўмир чиқарадилар.

Иван Братерский билан бу сафар март ойининг серёгин кунларидан бирида учрашдик. Бу — оддий кончи йигитнинг ҳаётида яна катта воқеа юз берган кунлар эди. Оҳангарон шахтёрлари уни Ўзбекистон ССР Олий Советига иккинчи бор депутат қилиб сайладилар. Бу катта ишонч, Олий Советда давлат масалалари ҳал қилинаётганда шахтёрлар сўзини айтишдек шараф уни анча ҳаяжонлантирган... унинг яна ҳам ўйчан, кам гап бўлиб қолганлиги балки шундандир, ёки кон мастери яна бирор янгиликнинг учини топгандир. Ҳар қалай унинг ҳаёлидаги ҳозирча бизга сир. У ишга шошиларди. Смена бошланганди. Нарядхонада менга Франко Пискорскийни рўпара қилиб:

— Танишдирсизлар балки, йўқса, танишинглар,— деди-да, хайрлашиб шахтага тушиб кетди.

6. ПАРТОРГ

Қотмадан келган, чўзинчоқ юзидан мулойим табасум аримайдиган бу йигитни қаердадир кўргандайман. Лекин қаерда, қачон? Эслай олмадим. Хийла жим ўтирдик.

Эшиги қия очиқ ён хонадан диспетчернинг бақирган овози жаранглаб эшитиларди:

— Алло! Алло!.. Учинчи, учинчи... ҳа, ёздим: 18, 80, 96... нажми друг... Алло, алло!.. Иккинчи, ҳа, ёздим: 20, 95, 98, 86... Қойил!

Пискорский ялт этиб шу ёққа қаради. Чехраси ёришди. Эсладим: қирқ иккинчи йилнинг қиш кунлари. Бўрон. Шахтёрлар шахри ҳали қад кўтармаган, республиканинг тўнгич кўмир конини қуришга комсомол йўллаган ёшлардан кўпининг ётоқхонаси палатка эди. Тунги шамол палатка «эшигини» кўтариб, поход койкаларни ярим белгача қор босарди. Бунинг устига кийим юпун, емишнинг мазаси йўқ.

Ёшлардан бир тўдаси қурилиш бопқармаси бошлигининг кабинетига ёпирилиб кирди. «Ё бино топ, ё бизнинг жавобимизни бер», деб икки оёқларини бир этикка тикиб туриб олишди. Бошлиқ танг ҳолда қолди: на ваъда ва на жавоб беришини биларди. Шунда малла соч, қотма ўспиринга шерикларининг «ультиматуми» ёқмади.

— Йўқ!— деди ғазаби қайнаб,— бино топсанг топдинг, бўлмаса, жавобимизни бер! Биз шунинг учун келдикми бу ерга? Сен уйни битказ, биз ичига кириб ётамиз, сен овқат пишириб бер, биз еймиз. Шунга келдикми?! Қанча бўш вақтимиз бекор ўтяпти! Шу иморатнинг эшик-деразасини ўзимиз қуролмаймизми, шувогини ўзимиз қилолмаймизми! Ишчи кучи танқис бўлиб турган шу қийин кунларда шундай талаб қўйсақ уят бўлмайdimи? Амурдаги Комсомольск шахрини қурган акаларимиз, сен битказ, мен кириб ётаман, деб қўл қовуштириб ўтирмаган эдилар-ку! Улар уйни ўзларни қуриб кирган эдилар-ку!

У етакчи бўлган ёшлар бир ҳафта ўтмай, бинони битказиб, кирган эдилар.

Шунга ўн саккиз йил бўлибди. Уша Франко ҳозир донғи кетган шахтёр, кон устаси, кўп ёшларнинг усто-зи. Суҳбатимиз шахтадаги бугунги ишдан бошланди.

— Шахтёрнинг иши битта: кўмир чиқариш, кўп чиқариш...— деди у.— Яхши йигитларимиз кўп. Ҳозир сменадан чиқаётган бригада киши бошига ўн икки тоннадан кўмир қазиди. Оз эмас, а?

Кекса шахтёр Чўнжарнинг тунги гапи эсимга тушиб ўйладим: «Буларнинг гап йўсини ҳам бир...»

— Оз эмас, жуда яхши!— дедим.

— Эккан ниҳоли вояга етиб, шигил мева қилганда богбоннинг кўнгли қанчалик яйрашини кўз олдингизга келтиринг-а,— деди ўрнидан туриб Пискорскпй. Хонани бир айланиб келди-да, стул суянчигига тирсақларини қўйиб, бемалол ўтириб олди.— Мени кон мастерлигига ўтказишганда ёшлар бригадасига бошлиқ қилиб Жўра Боймановни қолдиришни таклиф қилдим. Ушанда баъзи ўртоқлар ёш-ку, дейишган эди. Энди шахтамызда олдинги бригадалардан бири шу... Бирсўз, аҳил йигитлар.

Кейин маълум бўлдики, у Жўрани шахтанинг кўп хунарига ўргатибди, ишдан бўш вақтларида кон мастерлигига ўқитибди. Жўра ўтган йил декабрда Тошкентга келиб, кончилик техникумида аъло баҳога имтиҳон топширибди. Ҳозир Жўра бошлиқ бригада сменада киши бошига чиқариладиган кўмирни ҳозирги даражасидан камайтирмаслик, аксинча, ошириб бориш учун курашмоқда. Уч-тўрт касб эгаси бўлиш — бригада аъзоларининг шиори.

Хонага бир неча йигит кирди. Ғўлабирроқ, бўртнқ қо-воқ йигит бугунги иш якунини баён қилди:

— Ўртоқ парторг... Франко Михайлович,— деди у шаҳдам товуш билан,— бугун икки юз эллик тоннадан ошди...

Пискорский рўпарасида севинчидан чарос кўзлари ёниб турган елкадор бригадирни — Жўра Боймановни қучоқлаб олгуси, сменадан эндигина чиқншган бўлса ҳам, юзларида ҳорғинлик аломати сезилмаган хушчақчақ йигитларига: «Азаматлар» дегиси келди-ю, негадир ҳозир ўз ҳиссиётини босди. Жўрага томон интилган гавдасини тиклади. Унинг кўз олдида ярим йил олдин, бригада қийин аҳволда қолган кунларда сменадан нохуш, ҳорғин, маъюс чиқиб келган Жўра ва шу йигитлар гавдаланди. Ушанда участка трансформатори ишдан чиқ-

қан, бошқа участкадан ўтказилган электр қуввати суспензия қилган, сменада аранг 35—40 тонна кўмир чиқарилган, бригада тўрт кун ичида беш юз тоннача қарздор бўлиб қолган эди. Ўшанда Франко буларга: «Руҳларингизни туширманг, иложи топилади» деган, улар билан биргалашиб иложини топган эди. У ҳозир:

— Биламан, оғайнилар, биламан,— деди,— жуда яхши. Лекин чўққига етай деганимизда мағрурланиб кетмайлик, тойиб кетиш мумкин.

Улар кейинги сменанинг режасини, иш расамадини муҳокама қилиб, яна хийла ўтиришди. Шогирдлар: Жўра, Анорбой, Али, Энад, Дўснат, Миша, Исмоиллар устоз атрофини қуршаб олган, ҳар ким ўз фикрини қатъият, пишонч билан баён қиларди.

— Энди дам олишга!— деб буюрди Пискорский суҳбат тугагач йигитларга.

— Ойлик планини бажариб олайлик, ундан кейин дам оламиз. Ҳозирги ҳордиқдан роҳат сезмайман,— деди Жўра,— планини тиришиб, қийналиб бажарсанг, ана шунда хумордан чиқасан!..

— Шундоқ, оғайним, шундоқ,— деди Франко:— осон ишда лаззат йўқ! Аммо,— деди парторг,— ишнингиз қийин ва шарафли. Дам олмоқ шарт. Боринг, боринг дам олишг: эртага жанговар кун...

7. ШАХТАНИНГ ЖОНИ

— Абдулла акани кўрмадингизми?

— Ҳозиргина шу ерда эди. Учинчига тушиб кетдимикни?

— Алло, диспетчер, Абдулла Мирсоатов борми? А? Участкаларга телефон қилинг, иккинчига тушсин...

У бир жойда тиниб-тинчиб ўтирмайди. Лавада кўмир қазийётган навалоотбойчилар ҳам, ер тагини ўпириб уларга янги йўл очиб бораётган проходчилар ҳам, йўлкаларга устун тиклаб, шифтига тўсин, васса териб, шахтани беҳатар қилаётган усталар ҳам, слесарлар ҳам уни йўқлайди. Трансформаторнинг тоби қочдими, уни Мирсоатов тузатади; транспортёр қайсарлик қилдими, уни Мирсоатов йўлга солади; бирор винти ўрнидан бежо бўлди, уни ўрнига Мирсоатов қўяди: хуллас, шахтани гурилла-

тиб турган механизм ҳаммаси унинг измида, унинг амри билан ҳаракатга келади. Шунинг учун уни бу ерда, шахтамизнинг жони, дейишади.

Бу хушфееъ йигитга жуда ўрганиб қолганлариданми, кўз олдиларида тез-тез намоён бўлиб турмаса, шахтёрларга бир нима етишмаётгандай, механизм бир бўғинидан чирт узилиб кетаётгандай туюлади. У кўриниб турса, кўнгиллари тўқ, ишга барака қўшилаётгандай.

...Биринчи смена йигитлари чиқиб кетишди, иккинчи смена иш қабул қилди.

— Абдулла ака, биз билан ҳам бир оз бирга бўлинг,— деди дўстлари.

Шахта бош механигининг ёрдамчиси Абдулла Мирсоатов йўқ демади, қолди.

Биров термосда чой, биров нон, қанд, биров яна бир таом кўтариб тушган. Улар толиққанда шу ерда, электрурида йилтиллаб турган қора олтин ғорида доира тортиб ўтиришади. Абдулла шу доирада ўтириб ором олади, эндигина тушгандай енгил тортади.

...Транспортёр гуриллаб айланыпти. Эпп бир метр келадиган лента тўла кўмир, гўё тутилмай, гумланмай оқаётган қора анҳор.

Абдулла ҳар бир валикни кўздан кечириб битта-битта қадам босади: дуруст мойланганми, бўғини ейилиб кетмадимикин? У лавага яқинлашди. Лавадан лентача икки юз метр жойда полвон занжир ҳалқалари шарақлаб сурилмоқда. Транспортёрнинг икки томонида учтадан одам курак билан кетган кўмирни қайтариб солаётибди. Кўмир тикилиб келганда буларнинг ҳоли айниқса танг бўлади: катта-катта кўмир механизм тагига кириб, йўлига ғов бўлади, юришини сусайтиради, тинч оқаётган кўмирни озайтиради. Устига-устак, у тез-тез бузилади, тузатиб йўлга солгунча павалоотбойчилар бригадаси бекор қолади. Шунда шахтёрлар ўз таъбирларича, «темир жарроҳини» излатади, миришкор, тезкор механик шу ерда ҳозир бўлмаса, простой узокқа чўзилади. Уни излашади, диспетчерга телефон қоқишади, уни топиб операция талаб машина ёнига етказгунча вақт ўтади!

Ҳозир ҳам шундай бўлди. Бригаданинг толеига Абдулла шу ерда эди. У хаял ўтмай беморнинг нобоп «ичагини» кесиб ташлаб, янги «ичак» улади. Шахта яна гуриллай бошлади.

Қўлида курак ушлаган биров унга нимадир деди, у эшитолмади шекилли, энгашиб қулоғини тутди:

— Хуноб қилди-ку, бу!

— Нима?

— Бу иш хуноб қилди-ку деяпман...

Бу гап Мирсоатовга туртки бўлди, у хаёлидагини рўёбга чиқаришга аҳд қилди.

Орадан икки-уч ой ўтгач, мутахассислар йиғилиб, Абдулла қилган ихтирони муҳокама қилишди. Унинг далил-асосларини тинглаб, ихтирони маъқулладилар. Абдулла занжирнинг эллик метрлик уч бўлагини олиб ташлашни, ўрнига валик устида айланадиган лента қўйишни таклиф қилди. Шунда,—деди у,—тўкилган кўмирни қайтариб солиш учун махсус одам қўйишга эҳтиёж қолмайди, электр қуввати тежалади, мой кам кетади.

Ихтиро аввал иккинчи участкада синаб кўрилди. Кейин ҳамма участкага жорий қилинди. Ҳар сменадаги олти киши янги касбга ўтди. Фақат шу ҳисобга бир йилда эллик минг сўм тежалибди. Ўз касбига меҳр қўйган битта оддий механикнинг иши бу!

8. НУРДА ЮВИЛГАН ДОҒ

Бригада аъзолари — дурадгор йигитлар ншга тушиш олдидан қурилиш майдонига, котлованда қад кўтарган баҳайбат бетон қўйилма ёнига тўпланишди. Ҳамма чўккалаб ўтирдн-ю, фақат Ёлқин тик қолди. Унинг ўнг қўли панжаларигача дока билан маҳкам боғланган, қаншари чақалашган; оёқлари эса бегона танани омонат кўтариб тургандай. Гурунгда ҳаммани оғзига қаратадиган бу йигит нимага ҳозир гунг, шериклари олдида айбдор ҳолатда турибди?

Ўнинг киприклари пирпиради, ёноқлари учди, ҳалқумида алланима қулт этди. Аммо буни ҳеч ким кўрмади ва эшитмади: ҳамма чуқур сукутда эди, гўё унинг бу ерда бор-йўғини унутганди. Кўзи Абдулла Сайназаровга, кечаги яқин дўст, меҳрибон бригадирга тушди. Уни ҳеч қачон бу тахлитда кўрмаган эди: чакка томирлари бўртиб турибди; кўзида аллақандай газаб ўти ёнарди. Бутун бригада, Ёлқиннинг дўстлари — Нурбой, Талъат, Турғун, Миржалил, Борислар — ҳаммаси жим, ҳозир уни ўз юракларидан узиб ташлагандай туюлди. Жимлик хийла узоқ чўзилди, ҳозир бу ерда чўл шамолигина ҳукмрон

бўлиб, атрофда гувиллар, телефон симларини чийиллатар, улкан бетон қувурлар ичига кириб ўкирарди.

Ёлқиннинг қўлтиғидаги қулоқчини тушиб кетди, ҳатто ўзи бунни сезмади, кўзидан қуйилган ёш бетини ювди, си-дириб ташламоқчи бўлди-ю, бироқ дока билан боғланган ўнг қўлини бетига етказолмади.

Энди бутун бригада унга ғазаб ва нафрат билан тикилди.

— Гаппр!— деди Абдулла Сайназаров.— Ёки юзинг-даги доғни кўз ёшларинг билан ювмоқчимисан? Йўқ, юволмайсан!

Туннелсимон бетон қуйилмалар орасидан гулдуроқ акс садо қайтди:

— Йў-қ, юв-вол-майсан!

Ёлқин гавдаси бўронда силкинган теракдек тебраниб, у ёқ-бу ёққа аланглади.

Электростанциянинг иккита бўйдор мўрисидан буралиб-буралиб чиқаётган тутун кул ранг осмонда ғойиб бўлади; темир каркаслар тепасида — ҳар жой-ҳар жойда оқиш-зангори аланга чақнайди. Булар резинка этик, резинка қўлқоп кийган, бетларига учқундан сақлайдиган қалқон тутиб олган электр пайвандчилар... Улар металл тешиб, конструкцияларни бир-бирига уламоқда. ГРЭС биносининг иккинчи навбати тобора баланд қад кўтармоқда.

Анави энг яхши электр пайвандчи Анатолий Кучумов. Чақмоқдай тез учаётган алангалар унинг моҳир қўли амрига итоат қилади. Бу ерда Анатолий электр токидан чиққан шу аланга билан темирга энг чиройли нақш сола олади, ҳатто кўз илғамас тешик оча олади, дейишади. Ёлқиннинг бу қилмишини эшитиб, Анатолий ҳам, ҳамма монтажчилар ҳам ундан юз ўгиришмасмикин?

Ёлқин пастга, оламжаҳон ерни эгаллаган чуқурга қаради. Экскаваторларнинг катта чўмичлари тонна-тонна шағални кўтариб самосвалларга юкламоқда. Наҳотки, экскаваторчилар ҳам уни ана шундай — ўз бригадаси аъзоларидек қораласалар?

Мана бу бетон қуйилмалар шунча тез қад кўтарибди-я! Уч кунгина олдин дурадгорлар бригадаси биринчи қуйилма каркасларини ўрнатиб берган эди, энди эса кар-кас суягини белгилаб берадиган шу ихота тахталари икки баравар баланд кўтарилибди. Лекин бунисида Ёлқиннинг хизмати, ҳиссаси йўқ.

Қурилиш иши бир-бирига боғланиб, чирмашиб кетган. Дурадгорлар ихота тахта тайёрламаса, бетончилар бекор қолади, котлован ўпирилиб ётаверади, темир каркаслар юксалмайди, станциянинг битиши орқага сурилаверади.

«Қимки Оҳангарон нури республикага ёғилсин, шаҳар ва қишлоқларни, хонадонларни чароғон қилсин, корхоналар ҳаракатини авжга келтирсин деса, ўз ҳушарининг тезкор устаси бўлади!» Бу таниш сўзлар Ёлқиннинг қулоғида жаранглади.

Қачон, қаерда, ким айтувди бу сўзларни?

...Икки ой олдин қурувчи ёшлар катта клубга тўпланишган эди. Шу йиғинда ГРЭС партия ташкилотининг секретари Леонид Иванович Мокринский улуг мамлакатимиз ёшлари партия ХХІ съездини, коммунизм қурувчилар съездини муносиб кутиб олиш учун буюк ҳаракат бошлаб юборганларини — коммунистик меҳнат бригадалари тузаётганларини гапириб берган, қурилиш ёшларини бу ҳаракатнинг олдинги сафида бўлишга чақирган эди: «Сизлар Оҳангарон водийсида электр станция барпо қилиб, коммунизмни ўз қўлингиз билан қурасиз» деган эди Леонид Иванович. Шунда Оҳангарон комсомоллари — бетончилар ва дурадгорлар, монтажчилар ва пайвандчилар, инженерлар ва техниклар — коммунистча яшаб, коммунистча ишлаш ҳақида мажбурият олиб сўзлаган, Ёлқин ҳам ҳамманинг эътиборини ўзига қаратиб гапирган эди: «Мен қурилишда қуришга туғилганман. Бу нур биноси битмагунча, Оҳангарон электростанциясидан бутун Ўзбекистонга ёруғлик таралмагунча бу ердан жилмайман. Коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси деган фахрли номни олиш, ишда, яшашда ибрат бўлиш учун курашаман. Менинг аҳдим шу...»

Бу Ёлқиннинг сўзлари эмасмиди? Мана энди Ёлқин ўз аҳдига вафо қилолмаганини ҳамма кўриб турибди. Нима сабаб бўлди-ю, у йўлдан озди? Нимага?

Ёлқин ҳозир ўзини жуда оғир сезди: гўё бошида ёрма тош айланарди. Боя уйидан чиққанда ҳам, бу ерга ҳамкасб дўстлари ҳузурига бош эгиб келганда ҳам у ўз қилмишининг бунчалик хунук, бунчалик оғир эканини сезмаган эди. Хўш, нима бўлиб Ёлқин бу аҳволга тушиб қолди?

Бригаданинг ойлик ишига яқингинада яқин ясалган эди шекилли. Ёш дурадгорлар ишда, ахлоқ ва одобда,

ўқишда ҳаммага ибрат бўлган эдилар. Бригада планини ошириб бажариш билан учинчи туннельни битказишга етадиган мих, тахта ва ғўлани тежаган эди. ГРЭС комсомол комитети, қурилиш касаба союзи дурадгорлар бригадасига коммунистик меҳнат бригадаси номи бериш масаласини муҳокама қиладиган бўлган эди.

Шу кунни кечқурун, қуёш қорли чўққидан ошиб кетганда, Ёлқин конторадан чиқиб йўлакай магазинга кирди. Хотинига нимадир совға олмоқчи бўлиб ўйлаб турганда, кетида маст кишининг овозини эшитди:

— Коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоси сўфи бўлади дейишади. Хўш, тўғри гапми, айт-чи? Уларга ҳатто ароқни ҳидлаш ҳам тақиқланган дейишади, тўғрими?

Бу нотаниш йигит гапи Ёлқиннинг ғашини келтирди. У қулоқ солмай қутулмоқчи бўлди-ю, лекин бу маст уни ўз ҳолига қўймади:

— Гапимга хафа бўлдинг-а? Кўриб турибман... Сен мендақа ишчисан... Ишдан ҳориб чиққансан. Ке, кўтар мана бунни, оғайни... Қўрқма, меҳмон қиламан,— ароқ тўла стаканни тутди у.

Ёлқин жаҳл билан стаканни бир симиришда бўшатди. Чиқиб кетмоқчи бўлди. Қайда! Унинг ҳам ҳотамлиги қўзиди. Бирин-кетин ёнидан пул чиқариб, янги «улфатини» меҳмон қилди...

Шундан кейин нима бўлганини яхши билмайди. Эрта-лаб бошини ёстиқдан кўтаролмади. Аллаким хўп эзғилаб ургандай аъзойи бадани зирқираб оғритар эди. У қаери нимага оғриётганини дарров билолмади. Кейин қараса, ўнг қўли доқа билан боғлаб ташланган. Қаншарига қўл тегизувди, қаттиқ ачишди. Шалаббо иш кийими, қўнжигача лойга ботган этиги бурчакка уйиб қўйилган. Стол устида ва полда чинни идишлар синиги сочилиб ётибди.

Мастлик жиноятнинг айрилмас йўлдоши. Ичкилик ҳаё ўғриси. Иродаси заиф кишилар унинг тузоғига илинади, жиноят кўчасига кирганини сезмай қолади. Бўлмаса, Ёлқин шу ҳолга тушай дептими?

У мустақил турмуш кечириш йўлига энди қадам қўйганда кекса отаси айтувди:

— Одам билан ишлайсан, ўғлим, одам бўл. Ўзинг ҳам ерга қарама, дўстларингни ҳам ерга қаратма. Ҳалол бўл, шармандаликка йўлиқмайсан, ўғлим...

Елқин йўлдан озди-ю, отасининг насиҳатларини унутди. Мана энди дўстлари олдиди шима дейишни билмай, бош эгиб турибди. Ўртоқларининг сукутли таъна-тааддиси, ғазабли назаридан қочсинми? Қаёққа? Шармандалик йўлигами?

Бўлиб ўтган воқеа Елқиннинг хаёлидан лип этиб ўтди. У ҳамон индамай, бош эгиб турарди. Абдулла Сайназаров чидаб туrolмади.

— Йўқ!— деди бригадир.— Кўз ёшларинг гуноҳингни юволмади. Биласанми, сен ўз шаънинг, оиланг шаънинигина эмас, бутун бригадамиз шаънини топтадинг, Ароққа сотдинг. Ҳолинг шу бўлса сен биз билан бирга барабар қадам ташлай олмайсан!

Елқиннинг оёғи тагидаги замин ёрилгандай, у таги йўқ жарга қулаётгандай, қаддини ростлади.

— Йўқ, бошқа йўлим йўқ, ўртоқлар... Ишонинглар,— дея олди у.

— Бошқа йўли йўқ одамнинг лабзи ҳалол бўлади,— деди участка прораби Баликов.— Хўш, сенинг лабзингчи? Биласанми, бебурднинг сўзи ҳам бетайин. Ишонинглар эмиш-а!

Бригада аъзолари ғазаб билан гапиришди. Айниқса Турғун билан Миржалил қаттиқ қизишди, ҳатто, у бизнинг оёғимиздан чалди, қаторимизда унга ўрин йўқ, дейишди. Баҳс авж олди. Баъзилар, биз энди унга ишонмаймиз, ишончимизни ерга урди деса, баъзилари, йўқ, биз ўзимизга ишонмасак, унга ҳам ишонмаймиз, ўзимизга ишонсак, уни бу йўлдан қайтариб, гуноҳдан пок қиламиз, дейишди.

Бу ерга эндигина келиб йигитлар орасидаги баҳсни кузатиб бир чеккада индамай ўтирган Леонид Иванович Мокринский секин ўрнидан турди.

— Меҳнатда сизга тан бермоқ мумкин, коммунистча ишляяпсиз,— деди у дурадгорларга.— Аммо коммунистча юриш-туришда, онгда ҳали бир хил эмассиз. Бунини шу бугунги муҳокамада ўзингиз тасдиқладингиз. Елқиннинг қилмишинини қаттиқ қораладингиз, тўғри иш қилдингиз, ана шунинг ўзини коммунистча яшаш учун кураш. Аммо, мен Елқинни бригадада қолдиришни тўғри деб биламан. Партия ташкилотининг секретари нимага жиноятчининг ёнини оляпти, деб ўйларсиз? Йўқ, мен уни тўдангизда қолдиришни ёқлаб сизнинг ёнингизни оляпман...

— Битта ўзининг бутун бригадага касофати тегавер-
еа-чи?— деб луқма ташлади Нурбой.

— Ҳа, сиз йигирма олти киши, у бир киши. Ҳамман-
гиз бир кишини юриш-туришда шатакка ололмайсизми?
Сиз ўзингизнигина эмас, ўз ибратингиз билан бошқалар-
ни ҳам тарбиялайсиз. Бунга ишонаман.

Бригада Леонид Ивановичнинг фикрини маъқулла-
ди. Дурадгорлар ишга тушди. Ёлқин ҳам улар изидан
юрди.

* * *

Оҳангаронга бу сафарги боришда яна ГРЭСга туш-
дим. Леонид Ивановични топдим. Кечки пайт эди. Май
қуёши тоғ чўққисига кўтарилган, адирлар бахмал либос
кийган, танга ором бериб, майин шабада эсади.

Леонид Иванович жуда хушнуд эди. У дурадгорлар
бригадаси ишини қувониб йўлакай ҳикоя қилди. Кеча
уларга коммунистик меҳнат бригадаси номи берилибди.
Кейинги ойларда бригаданинг ҳар бир аъзоси плаини
муттасил 140—150 процентдан бажаришибди, бригада
интизомда бошқаларга ибрат бўлибди, коллективнинг
ҳамма аъзолари ўқийди. Улар қурилишда катта обрў
қозониб шуҳрат таратибди...

Тонги изғириндаги қизғин муҳокама эсимга тушди.
Ёлқиннинг эгилган боши, ўртоқларининг ташвишли, ға-
забли сўзлари кўз олдимда гавдаланди. Ҳамроҳимдан
уни сўрадим.

Леонид Иванович тўхтади:

— Ёлқинми?— деб сўради у хурсанд ҳолда.— Тузал-
ди. Гуноҳини ювди... Қани, юрдик! Ҳозир кўрасиз.

Юрдик.

...Котлован яна ҳам чўзилибди, яна кенгайибди, бетон
қуйилмалар устида темир каркаслар юксалибди.

Дурадгорлар саф тартиб бизга қарши чиқишди. Аф-
суски, биз кечикибмиз; бригада сменадан қайтар эди.
Сайназаров олдинда шахдам қадам ташларди. Унинг
кетида Ёлқин келарди — иш камзулини елкасига ташлаб
олган. Дўнг устига чиққанда у қадинини баланд ростлаб,
кўкрагини дашт шабадасига тутди. Қўлини пешонасига
соябон қилиб тикилиб қолди. Чўққи тепасида зангори
осмонда парча-парча олтин ранг булутлар сузар, гўё ти-
нимсиз баландларди. У аллақандай хушвақт ҳаёл ичди

шаҳар ва қурилишга хийла разм солиб турди. Кейин шериклари эсига тушдимн, ўзича: Эҳ!» деди-да, чопганича бригада кетидан югурди.

Леонид Иванович унинг орқасидан жилмайиб қолди.— У асл одам, ажойиб мутахассис. Бизда Ёлқиндакалар битта-иккига эмас! Азизов, Борисов, Лебедев, Ивашченколар бригадаларидаги кишиларни олиб кўринг. Улар ГРЭСнинг фахри! Етти йиллик биринчи баҳорининг тўрт ойлик планини 110 процент бажардик. Ҳам ишлаб, ҳам ўқиётган ишчилар оз дейсизми! Йигит кишига етмиш ҳунаро аз дейдилар. Оҳангаронликлар шу ҳикматли сўзга амал қилмоқда... Ўзинг орқада қолма, кейинда қолганини етакла, билим-ихтисосингни муттасил ошир, ўртоғингга ёрдамлаш — бизнинг шноримиз шу. Қурувчилар бу шнорга яхши амал қилмоқда. Икки-уч йилдан кейин ГРЭС тўла қувват билан ишлайди. Оҳангарондан ҳамма ёққа коммунизм пури ёғилади!

9. Х О Т И М А

Оҳангарон кўмир кони янги даврга кияпти. Кончилар бу йил биринчи марта ер тагига комбайн туширишмоқчи. Механизациянинг янги, юқори босқинчига қадам қўйилади.

Жўра, Миша, Анорбойлар, Воҳид ва Оллобердилар комбайнни чиқарган кўмир тоғ-тоғ ўйилади. Абдулла ва унинг «темир жарроҳлари» деб ном олган шериклари янги ихтиролар тўғрисидаги янги фикр билан банд. Улар шахтадаги бутун меҳаннзмни юқоридан, битта хонадан туриб бошқариш йўлини излаяптилар! Ҳа! Улар аҳд қилибдимн, рўёбга чиқади!

Уларни, коммунизмнинг мунаввар биносига битталаб ёшит қўяётган шу оддий, камтар, камсухан йигитларни ўйлаганингда Алексей Максимович Горькийнинг буюк сўзлари эсга тушади. Киши руҳининг улғу инженерни, инсоннинг кўнгли ҳеч тўлмайди, бу — унинг энг яхши хислатидир, деган эди.

Бугунги катта ишидан кўнгли тўлмаслик совет кишиларининг ўзига хос характери, ўзига хос хислатидир. Улар меҳнат унумдорлигини йилдан-йилга оширмоқдалар. Улар бир янгиликни кашф этиб, дарҳол уни мукам-

маллаштириб, яна ҳам баркамол янгилик топмоқдалар, улар техникани тўхтовсиз тараққий эттирмоқдалар. Улар буни асло қаҳрамонлик, жасорат демай, кундалик оддий иш, ўзларининг кундалик бурчлари деб биладилар. Иван Братерский билан Франко Пискорскийга ҳам, Абдулла Мирсоатов, Мажид, Жўра ва Сайназаровларга ҳам: «Сизнинг бу ишингиз қаҳрамонлик» дейилса, улар уялади, балки таажжубланади.

Лекин Оҳангаронга борган киши уларга дейди:

— Сиз бу ернинг асрий жимлигини буздингиз, ҳувиллаган жойда жўшқин ҳаёт қурдингиз. Сизнинг қудратингиз тоғларни тиз чўктирди. Сиз бу ерда мамлакатимизнинг, инсон бахт-саодатининг янги хазинасини очдингиз. Сиз — қаҳрамонсиз!

1959

Майин шабада тинмай эсиб, кўкат-майсалар, гуллар ҳиди анқиб туради: кўнгил енгил тортади, бадандаги ғубор ювилгандай бўлади; пастда сой айқиради, малла тўлқинлар бир-бирини қувиб сапчийди: фикр-хаёл шу баҳор мавжидай жўш уради, қудратли оқимга айланади...

— «Инсоннинг сиҳатига худди шу керак,— деб ўйлади Аҳмад Саидалиев, намхуш, сарин ҳавони кўксига тортиб.— Ҳа, дард эзғилаган асабга аввало шу керак. Бемор ваннадан чиққанда унинг мучалари гўё оғриқ исканжасидан халос бўлади, бу ҳаво эса унга ором бахш этади».

Область партия комитетида Саидалиевга:

— Бу Совет Ўзбекистонининг тўнғич санаторийси бўлади, шу минерал сувлар курортини барпо қилиш, очиш маъсулиятини сизга ишониб топширяпмиз, доктор,— дейишган эди.

Ушанда бу ишонч унга гўё қанот берган эди. У деярли ҳар куни эрталаб шу тепалар устига чиқар, манзарани томоша қилар, Кавказ курортларидай обод, кўркем санаторийни, чехраларида севинч, миннатдорлик балқиб турган одамларни кўз олдига келтирарди. Аммо бу тоғлик водийнинг икки биқинидаги кўкатсиз тепаларнинг малла ранги кўзига жуда хунук кўринар, буларни яшил либосга буркаб, манзарани ўзгартиш режасини ўйлар эди.

Шунга ҳам ўн икки йил бўлай деб қоллибди. Ушанда пастқам уйдаги тўрт-беш ваннадан бошқа бу ерда ҳеч нима йўқ эди. Даволанувчилар ваннадан чиқиш билан дарҳол автобусга югуришар, тезроқ Чортоққа етиб олишга шошиларди. Аммо Саидалиев баланд руҳ билан бўлғуси курорт ва бу мўъжизакор сувнинг таъриф-тавсифи-

¹ Бу очерк А. Ўразаев ва М. Докторовлар билан биргаликда ёзилган.

ни қилар, ажойиб бир курорт бўлади, ҳали кўрасизлар, буни ўзимиз қуриб битказамиз, деб одамларни ишонтиришга уринарди. Агар тингловчилари рўйхуш берса, бу оддий суҳбат кўпинча лекцияга айланиб кетарди.

Саидалиевни, беҳуда овора бўлиб юрибди, кўриб турасиз, ҳадемай ҳовридан тушиб, жуфтагини ростлайди, дегувчилар ҳам бор эди. Булар: врач Авагов, яна аллакимлар эди. Бироқ, уларнинг ўзлари жуфтаklarини ростлаб қолишди. Бу ерда инсон кўзини қувонтирадиган кўрк, юрагига мадор бериш ишқи билан ёнганлар беморга қараш, унинг кўнглини кўтаришдан бўшасалар, даров қурилиш участкасига бориб, қурувчиларга қарашдилар, уларнинг бошлиги Саидалиев эса, шу йиллар мобайнида Чортоқ сувининг янги хосиятларини кашф этди, тузалишига умид узилиб, кесишга ҳукм қилинган оёқлар шу ерда шифо топди. Бу ердаги корпуслар, ваннахоналар унинг ташаббуси ва иштироки билан қад кўтарди; гулзорлардаги гуллар, хиёбонларга кўрк бўлиб турган соябон садалар, шапалоқбарг чинорлар, мевазорларни шу меҳрибон врачлар, ҳамширалар коллективи авайлаб ўстирди.

Шинам, гўзал курорт шаҳарчасини кўриб кўзингиз қувонади.

Чортоқ тепаликлари Аҳмад Саидалиевнинг кўнглидаги планда янги либос кияди; яшил тусга кириб, даволанувчилар кўзига нур беради, уларнинг асабини маҳкамлайди. Йўлка ва хиёбонларда сайр қилаётган, фонтанлар олдида дам олаётган даволанувчилар бош врачнинг кўз ўнгидан ўтади.

— Албатта шундай бўлади, доктор, — дейди у муовини Тошбоевнинг елкасига қўл ташлаб. Кейин унга Фаргона водийсининг шифобахш сувлари, ҳавоси ҳақида, бу ерда бино бўладиган курортларнинг турлари ҳақида ўз кузатиш ва режаларини сўзлайди. Фаргона минерал сувларининг хили, иқлим шароити жиҳатидан Советлар мамлакатининг яна бир Кавкази бўлади. Бу ҳаво, бу сувларни инсон саломатлигига хизмат қилдиришга ҳисса қўша олсак, бурчимизни оз бўлса-да, адо этган бўламиз, доктор. — У чўққиларига оқ чойшаб тўшалган тоғларга, яшил дараларга тикилиб хийла жим қолади.

Фаргона сувларининг истиқбол режаси врачлар хаёлида етила турсин, биз «Чортоқ»нинг бино бўлиш тарихига бир назар ташлайлик.

Бу дарада илгари ҳеч кўринмаган бегона одамлар пайдо бўлиб қолди. Улар тез орада тепалар устига, йўл ёқасидаги жигар ранг тепага вишкалар қурнб, ерга парма солишди. Уша пармачилар орасидаги мовий кўз бир қиз шу Қорабоғ қишлоғидаги хонадонлардан ичимлик сув, идиш-товоқ, мева-чева олиб юрди. Орадан сал кун ўтмай вишкаларнинг чироғи тун бўйи ёниб турадиган бўлди. Ҳар нарсадан хабардор болалар уйларида гап тарқатишди: пармачилар ер тағни тешиб қудуқ қилармиш, кейин, шу қудуқлардан қора мой олармиш!

Қорабоғнинг энг кекса фуқароларидан бири Тугалбой ота неварасп топиб келган гапни эшитиб, сийрак соқолини ҳимарганича хаёлга чўмиб, анчадан кейин:

— Қорабоғнинг, бутун Чортоқнинг обод бўлиш дараги,— деди-да, полнздан пармачиларга қовун-тарвуз юборди,— кун иссиғида юракнинг тафтини олади, дарров элиб бер, болам!

Ҳа, куннинг иссиғи бу тепаларни тандирдай қизитиб, атрофда ҳароратдан ер усти жимирлаб турарди. Кўпни кўрган пармачи уста Дмитрий Чумак иссиқдан нолиб:

— Оббо, куйдирпшини қара-я!— дерди.

Уста бошидаги шляпасини қўлига олди-да, ҳар хил эритма ва лойға буланган камзул кийган қиз Таня Мушелёванинг бошига кийгизиб қўйиб:

— Бошингни эҳтиёт қил, қизим,— деди.

— Ўзингиз-чи?

— Чўнтагимда шапкам бор.

Теракдан баланд вишка насослари лойни пармалаб чиқармоқда. Металл бурғи ерга тобора чуқур ботмоқда. 200... 400... 600... метрдан ҳам ўтди. Яна қанча пармалаш керак экан? Шу жазирамада бригада бекор овора бўлаётгани йўқмикан? Тажрибали кекса пармачилар хийла хотиржам. Улар муваффақиятни ҳам, муваффақиятсизликни ҳам кўп кўрган, ернинг бемеҳнат бирон нарса бермаслигини яхши биладилар.

Аммо ёш пармачилар бетоқат. Улар ҳар нафасда нефтнинг баланд-баланд фонтан бўлиб отилишини кутади. Худди шу ернинг ўзидан жаҳонда энг кўп запаси бўлган нефть чиқишини истади... бурғи яна ҳам чуқур ботиб, ер қаърига тушиб кетмоқда-ю, натижа ҳамон ўша!

Ахир, нега шундай?.. Ёшлар орасида умидсизлик бошланди.

— Тиришиб қазиган билан бефойда экан-да! Бошқа жойни пармалаб кўриш керак.

Ана шундай пайтларда бурғини Чумак доим ўз қўлига олиб:

— Ҳа, йигитлар, бўшашманглар, нафасини эшитиб турибман... ҳадемай юзага тепади,— дейди.

Бригада ишни бетиним давом эттирмоқда. Етти юз от кучига эга дизеллар варанглаб турибди. Насосларнинг нафаси барабар эшитилмоқда. Чуқурлик 700... 900... 1000... Насосларнинг нафаси негадир бирданига оғирлашиб қолди. Ротор узук ҳуштак чалиб, таққа тўхтади.

— Бир парса сиқиб қолдимми яна, аблаҳни!— деб жаҳли чиқиб ерга тушурди Чумак. Дарҳақиқат, искана қувурларини нимадир сиқиб олганди. Дизелларнинг юриб туриши ва чилангар Алайдиннинг насослар атрофида гир айланиб юришидан нима фойда?

— Искана сиибди,— деди авария устига келиб етган инженер Панков.— Қудуқни бекитиб ташлашдан бошқа чора йўқ.

Пармачиларнинг ҳорғин кўзлари қоп-қора қувур сиртига тикилган. Шу қувур учига уланган парма, одамларнинг шунчалик меҳнати неча юз метр ер қаърида кўмилиб қолса-я?! Ер ҳам одамлар ғамига гўё ҳамдардлик изҳор қилди: тиниқ, иссиқ кўз ёшларини сиртга отди. Сувнинг отилиши секундга ўн литргача етди.

— Хўш, нима дейсан, Дима?— деб тикилди инженер устага.

— Яна уриниб кўрайлик-чи. Бекитиб ташлаш қийин иш эмас.

— Техниканинг кучи етмайди,— деди гапини маъқуллаб Панков.— Бунақасини эндигина кўраётганимиз йўқ.

Мунозарага жим қулоқ солиб турган Таня инженер ёнига келиб, деди:

— Сиз «Бекитиб ташлаш керак» дейсиз. Ахир, ўйлаб кўринг, биз озмунча куч сарф қилдикми бунга?

Панков мийиғида кулиб қизга тикилиб:

— Ахир, менинг қўлимдан нима келади, қизча?— деди.

— Яна уриниб кўрайлик, натижа чиқмаса, бунга тавом ишонмайлик-да... шунча умидвор бўлиб, меҳнат қилда, ташлаб кетавер эмиш-а!

— Бўпти. Қани, бу ёғини ҳам кўрайлик бўлмаса.

Насос пистонларини олиб келишди. Белги солувчи ушлаш асбоблари ишга туширилди. Хуллас, яна қизғин иш бошланди.

Парма ерни тобора ўйиб кираверди. 1100... 1200... 1500... 1560... Бирданига гумбурлаган овоз чиқди: гўё ер ўқирди. Осмонга фонтан кўтарилди.

— Ниҳоят!— деди уста юзидаги терни артиб. Ҳаммаёқни шовқин-сурон тутиб кетди.— Шошманглар-чи, нима бу? Нефть одатда қора бўларди-ку?!

Дарҳақиқат, отилиб чиққан фонтан қизғиш, лой аралаш қайноқ сув эди. Чумак билан Алайдин фонтанни сусайтиришга ҳаракат қилиб кўрсалар-да, сув кўтарилиб отилар ва тобора кучайиб борарди.

Табийй, нефть қидирувчиларга бу ёқмади. Ҳафсала-лари пир бўлди. Чумак хуноб бўлиб:

— Бизга нефть керак, нефть. Бу сувни бошимизга урамизми!— деди.

Кейин қизғиш лойқа тиниди. Бироқ фонтан қайтиб тушган ерни гўё куйдирди: тупроқ бирпасда жигар ранг тусга кирди.

Одамлар фонтандан ҳосил бўлган, анча совиб илиқ ҳолига келган ҳовузчадаги сувда ювинар, ҳатто ярим белларидан тушиб чўмилардилар. Оёқ-қўлдаги яра-чақа қотиб, темиратки тўкила бошлади. Шу орада «шифо сув» деган гап тарқалди.

Чумак ҳамон хуноб, шу ердан қачон ўтмасин диққати ошадди. Ахир, инженернинг гапига кириб «ернинг кўз ёш» тирқираб чиқиши биланоқ кўмиб ташлаганида бу шўрхонага кўзи тушмас эди. Мана ҳозир кечки пайтда, нариги тепага қурилган вишкада иш тугади. Чумак бригадасининг аъзолари барибир шу ерга келади, бу атрофдагилар йиғилиб кўнгил очадиган, чойхўрлик қиладиган жой битта — шу ўрик тагидаги чойхона. Улар чойхонага шўр сув отилиб чиққан биринчи вишка ёнидан ўтадилар.

— Мана буни кўрдингми,— деди Чумак ўзи билан ёнма-ён келаётган Таняга пишиқ гишт тусидаги тупроқни кўрсатиб.— Бу сув теккан ерда гиёҳ унмайди. Бизга нефть керак, нефть!— У жуда куйиниб гапирар, ёнидаги ҳовузчада буги бурқираб кўтарилаётган сувга белигача тушиб таажжуб билан ўзига қараб турган кишиларни, ўнг қўлдаги тут тагидаги одамлар орасидан чиқиб ўзи томон юзи, кўзи кулиб келаётган похол шляпали, ўрта

бўйли йигитни ҳам пайқамасди.— Шундоқ, Таненька, бу нефтнинг йўлдоши эмас. Бу жилгадан умидни узаверсакми деб турибман. Шунинг учун ҳам Таненька, дов-дастгоҳни тезроқ йиғиштирсак...

— Йўқ, йиғиштирмайсиз ҳали,— деди похол шляпакийган йигит ҳамон хушвақт жилмайиб. У ўзини танитди.

— Область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудирини Саид Маҳмудов.

— Дмитрий Чумак.

— Назаримда, топган сувингиздан мамнун эмассиз дейман, ўртоқ Чумак...

— Ахир, бизга нефть топиш керак, мамлакатга бу шўр сув эмас, олтинга тенг нефть керак, ўртоқ доктор, нимага хафа бўлмайин ахир.

— Топганингиз олтиндан қиммат бўлса-чи?

— Олтиндан қиммат дейсизми?— деди Чумак истехзо билан мийиғида кулиб.— Тушган жойини куйдирипти-ю, сиз бўлсангиз...

— Ҳа, ернинг инсон сихати учун ўз бағрида сақлаб ётган саховати бу, ўртоқ Чумак. Агар бизнинг ҳозирги тахминимиз тўғри чиқса, нефть эмас, шу сувни топганингиз учун халқ сиздан миннатдор бўлади, Дмитрий Чумакнинг нефть қидирувчи пармачилари номини халқ унутмайди. Гапимга амин бўлинг.

Саид Маҳмудов Чумакни, бригада аъзоларини колхоз шийпониға, врачлар гурунгиға бошлади. Улар хийла суҳбат қуриб ўтиришди. Маҳмудов Чумакдан сувнинг қанча чуқурликдан, қандай ҳолатда отилиб чиққанини сўраб, баъзи маълумотларни ёзиб олди, кейин сувда чўмилаётганлар билан гаплашди.

Эртасига райондан врач ва яна бир-икки киши келиб, вишка атрофини чий билан ўраб, ванналар қуришди. Шукундан бошлаб «ихтиёрий ванна» тугади, сувга тушим ванналарда, врач ҳамда ҳамширалар назоратида бўлди.

Орадан кўп ўтмай Тошкентдан, Семашко номидаги илмий текшириш институтидан профессор Евсеев бошлиқ олимлар келиб сувнинг составини аниқлашга, унинг қайси хил касалликларга шифо бўла олишини текширишга киришди.

Чортоқнинг Қорабоғ қишлоғи областнинг гавжум жойига айланди. Бу ерга водийдангина эмас, республиканинг кўп жойларидан ҳасса таянган, қўлтиқтаёқ тутган-

лар, бод, бел оғриғи, қўл оғриғи, тери касалликларига йўлиққанлар, яра-чақа тошганлар кела бошлади.

Энди нима қилиб бўлса ҳам, бу ерда бир стационар очиш зарурати туғилди. Бўлмаса врачлар назоратидан ташқари сувга тушиб, кўп одам зарар кўриши мумкин. Аммо касаллар қаерда ётади? Чортоқдан жой топиш мумкин. Хўш, ўн километрча масофага улар нимада бориб келади?

Уша кунлари Маҳмудовнинг фикри-хаёли ана шулар билан банд эди. Тўғри, у Чортоқда ўттиз каравотли жой ҳам тайёрлатди, автобус олишга ҳам муваффақ бўлди. Бироқ энди вақтинча бўлса ҳам ваннахона керак. Бу атрофда биронта бостирма ҳам йўқ. Агар тез чора кўрилмаса, ҳадемай куз совуқлари бошланади, чўмилувчилар учун хатар яна ҳам кучаяди. Хўш, нима қилмоқ керак?

Бунда одамларнинг ўзлари ёрдамга келди. Жамоатчилик асосида иш бошланиб кетди. Дурадгорлар, чилангарлар, ғишт терувчилар, механиклар асбоб-ускуналари билан келди; ҳатто қаердандир рассом ҳам пайдо бўлиб, хизматга тайёр эканлигини билдирди. Бир ярим ой ўтар-ўтмас ваннахона қад кўтарди.

Медицина ходимлари орасидан ҳам кўнгиллилар чиқиб қолди; улар келган касалларни кўрар, лаборатория анализларини қилар, касалларнинг ваннага тушиш олди-дан ва тушиб чиққандан кейинги ҳолатларини текширадилар.

Шу тариқа, жуда қисқа вақт ичида, эллик кишилик стационар вужудга келди.

Кейинги ойларида Санд Маҳмудовнинг хаёлини банд қилган буюк орзу амалга ошди. У машинада республикада биринчи больнеологик стационарнинг очилиш маросимига Чортоққа келаётган эди. У тантана тартибини ўйлаб, курортга асос солишда фаол ёрдам берган оддий кишиларни эслаб, хурсандлик билан келарди. Бирданига машина нимагадир қаттиқ урилиб, эшиги тарақлаб очилиб кетдида, Маҳмудов ерга учиб тушди... Шофер уни ҳўшсиз ҳолида район касалхонасига олиб келди. Икки ой ажал билан олишиб, кислород ҳидлаб ётди. Сўнгра беш йил гипсда ётишга мажбур бўлди. Ана шу йиллар ичида Санд Маҳмудов «Ўзбекистоннинг тўнгич больнеологик санаторийси» деган илмий асар ёзди.

Орзуси рўёбга чиққанида, меҳнати самара берганида киши нақадар хурсанд бўлади, руҳан ўсади. Касал ўтиб

кетди. Карсетнинг ғижирлаган хунук овози ҳам ўчди. Дор:-дармондан кўра ҳам уни бу оғир дарддан одамларнинг меҳр-муҳаббати, ғамхўрлиги сақлаб қолди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиқлари, унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач» деган фахрий унвон, орден, медаллар берилиши, шу меҳр-муҳаббатнинг ёрқин далилидир. Наманган болалар уйида тарбияланиб илм ва меҳнатга муҳаббати билан ҳаётга мустаҳкам қадам қўйган бу совет врачси ўз фаолиятини кишиларнинг узоқ умр кўришига ва оғриқсиз яшашига бағпшлади.

Яқиндагина битта ваннахонадан пборат якка иморат диккайиб турган кенг дара ҳозир шифо шаҳарчасига айланиб, Бутун иттифоққа донги кетган Чортоқ курортига айланди.

ИЗЛАНИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Энди кўтарилаётган қуёш нури тоғ орқасидан мўралаб, дарага тарқала бошлади. Қияликларни оралаб оқиб келаётган сой бетини жилва қоплади. Қуёш нури билан бирга Семашко номидаги институтнинг илмий экспедицияси чодирига майини шабада кирди. Олимлар биринкетин туриб сой бўйига ювингани тушдилар.

Доцент Телешевский кеча Тошкентдан тажриба учун келтирилган денгиз свинкалари солинган қафас олдига келди. Улар бир-бирларининг пинжларига кириб, ғуж бўлиб ётибди. Доцент чўнтагидан сабзи олди. Свинкалар тилларини чиқариб лабларини ялай бошладилар.

— Яхши ухлаб турдингларми?— деб сўради олим, гўё свинкалар унинг ҳазилига тушунадигандай.

Худди шу вақт доцент олдига экспедиция раҳбари доктор Ёқуб Мўминов келди. У ҳам тонг ёриши биланоқ уйғониб, тажрибалар натижасини билгани келганди. У қафасга кўз ташлаб:

— Свинкалар камайиб қолибдими?— деди.

— Ҳа, тўрттаси самолётда нобуд бўлибди,— деди Телешевский.

— Бирон янгилик борми?— деди Ёқуб ака, янгиликлар унга кечқурун айтилган бўлса ҳам. Гап Чортоқ минерал сувининг ҳайвонлар организмга таъсири устида борарди.

— Бугун яна ваннага соламиз. Балки бирон янгилик бўлиб қолар.

Иккови кўча лабораторияга қараб кетишди. Ассистент аллақачоноқ ишга тушганди. Олимлар лабораториядаги энг тетик свинкани ушлаб олдилар. Бу навбатдаги тажриба учун эди. Операция хийла вақтга чўзилди...

Экспедиция янгидан-янги тажрибалар қиларди. Ватан уруши йилларида ҳарбий касалхоналар ташкил этишга раҳбарлик қилган олимнинг орттирган тажрибалари бу соҳада ҳам иш берди.

Сувнинг хусусиятлари устида қизгин мунозаралар бўлиб турар, баъзан ярим кечгача чўзиларди.

— Тропик яраларни Чортоқ суви билан даволаш мумкин дейиш бўлмаган гап!— дерди қизишиб хирург Виктор Васильевич Белобородов.

— Кўриб турибсиз, доктор, текшириш ва ўрганишга энди киришдик, номаълум нарса устида қатъий ҳукм чиқариб бўлмайди. Ўрганишлар кўрсатар.

Ҳар қандай мунозарани ҳам вақт ҳал қилади. Вақт ўтиши билан ёш врач Саидалиевнинг меҳнати самара берди. Чортоқ сувида тропик яралар тузалди. Бу сув кўп хил тери касалликларига ҳам даво бўлди.

Доцент Телешевскийнинг «Тери касалликларини Ўзбекистон ССР даги Чортоқ сувида даволаш» деган асари муҳим асардир. Автор бу асарида умумий больнеологияга доир муҳим кашфиётлар қилди.

Профессор Евсеев, доцент Ёқуб Мўминов, медицина фанлари кандидати Т. В. Толкачев, Содиқов, Ф. М. Штейнер, М. И. Кетко, А. П. Дбинкин ва бошқаларнинг асарлари ҳам машҳурдир.

Олимларнинг коллектив ақл-идроки ажойиб самаралар берди. Илгари, қўл-оёқлар ва устки асаб томирларигача шикаст берган тери касалларини даволашнинг мунтазам схемаси ҳам йўқ эди, ҳозир эса бу касални даволашнинг хийла мукаммал ишланган кўрсаткич методлари бор.

Ўзбек олимларининг бу соҳада қилган ишларига Иттифоқимизнинг медицина арбоблари, чунинчи биология ва медицина фанлари доктори профессор Владимир Иванович Сухарев, профессор Владимир Александрович Миллицин ва бошқа машҳур олимлар юксак баҳо бердилар. Аммо шунга қарамай, ҳали маълум бўлмаган, аниқ-

ланмаган нарсалар анча бор. Чортоқ минерал сувининг организмга таъсири, айниқса, синчиклаб ўрганилиши керак масаладир.

Изланиш давом этмоқда.

БОШ ВРАЧ

Мураккаб операция анча узоққа чўзилди. Хирургнинг юзига йирик-йирик тер доналари бўртиб чиққан, мамнун кўзлари ҳорғин, ҳўл киприклари ялтираб пирпирайди. Ҳа, яна бир жон ўлим чангалидан қутқариб олинди. Хайриятки, бемор етказиб келинган ҳамоно операция столга олинди, сал бепарволик ёки журъатсизлик қилинса нобуд бўларди. Эрталабдан бери, шу байрам куни, учта мураккаб операция қилинса-я. Ҳар қалай, уч жон ажал ёқасидан қайтди. Саидалиев шунга мамнун, жуда мамнун.

Девордаги катта соат уч яримга занг урди. Хўш, у энди нима қилсин, уйига кириб ухласинми? Бефойда! Бирор гап бўлса, барибир, яна чақиривади. Яхшини шу ерда, кабинетда мизғиб ола қолади...

Мана бир ярим йилдирки, Аҳмад Саидалиев Янгиқўрғонда. Шу вақт ичида катта-кичик, енгил ва мураккаб операциялар йўли билан юздан ортиқ касални дарддан қутқазди. Касаллар медицинанинг ажойиб кучига пшонадиган, колхозчилар «операция» сўзидан қўрқмайдиган бўлиб қолишди...

Янгиқўрғон маст уйқуга толганда ҳам бош врачнинг уйида чироқ ўчмайди. У оғриқ тутмасдан бўладиган эски кўричак касалининг диагностикаси устида илмий иш олиб борар, оғриғи тутиб қолганида жуда хавфли бўладиган бу касалнинг олдини олиш чораларини изларди. У китоб мутолааси, қилган тажрибаларининг таҳлили устида кўпинча тонг оттирар ва ойнадан тушган ёруғ дам олиши зарурлигини эслатгач ором олар, шунда ҳам ҳаммадан олдин иш жойида касалларни қабул қила бошларди...

Касалхона биноси тор, енгилроқ касалларни кўпинча қатнашиб муолажа қилишга тўғри келарди. Аммо бунда жиддий ноқулайликлар ҳам бўлиб турарди. Нима қилиб бўлса ҳам касалхонани кенгайтириш зарур эди.

Бош врач бир куни Чортоқ станциясига учта стандарт

уй келганлиги тўғрисидаги хабарни эшитиб, ҳаракатга тушди. Саидалиев район идораларига жуда кўп қатнашга мажбур бўлди. У ҳали МТСга югурар, ҳали колхозга қараб чопар, ҳали район ижрокомига борарди. Бу сафар ҳам масала, ниҳоят, район партия комитетида ҳал бўлди...

Учта алоҳида уйни ҳар жой-ҳар жойга қуриш мувофиқ эмас, уларни эски бинога ёпиштириб, битта уй қилиб қуриш зарур эди. Бош врач умрида қўлига ушлаб кўрмаган қурилиш чертёжлари устида бош қотирди. Қурилиш мутахассисларининг ёрдамида бу уйларни ҳам қурдириб бўлди, касалхона кенгайиб, 35 каравот қўйиладиган бўлди.

Касалхона кенгайиши билан иш ҳам кўпайиб, врачлар сони ҳам ошди.

Бир куни эрталаб телефон жиринглаб қолди.

— Наманган область партия комитетидан гапиряпмиз. Иложи бўлса бугуноқ келиб учрашсангиз!

— Хўп бўлади.

Обкомда у билан узоқ суҳбатлашдилар. Обком секретари шундай қисқа вақт ичида районда қандай қилиб намунали касалхона вужудга келганлигига қизиқди. Саидалиев буни бошдан оёқ гапириб берди. Кейин секретарь мақсадга кўчди: уни обком Чортоқ больнеологик касалхонасига бош врач қилиб тайинлаш ниятида эканлигини айтди.

— Эплаёлмасман, бунақа ишда тажрибам йўқ,— деб эътироз билдирди Саидалиев.

— Тўғри, сизни осон ишга эмас, курорт қуриш, уни очишга тайёрлашга бошлиқ қилиб юбормоқчимиз. Уйлаймизки, бу қийин ишнинг уддасидан чиқасиз. Ўзингиз кўрган нообод бўшлиқ ўрнида, Ўзбекистоннинг тўнғич больнеологик курортини вужудга келтиришингиз керак.

Секретарь бўлажак курортнинг, ундаги турар-жой, даволаш корпуслари, фонтанлар, хиёбонлар, кўл ва бошқаларнинг макетини кўрсатди.

— Кўрдингиз, мана бу макетда кўрсатилганларнинг ҳаммаси қисқа муддатда рўёбга чиқиши керак.

Март қуёши ёрқин нурларини ерга сепа бошлади. Қор эриган жойлардан суюқ булутдай буғ кўтарилмоқда. Саидалиев далада лой кечиб юрибди. Қотмадан келган дадаси ёнида бормоқда.

— Санаторнянг қани?— деб сўради охири дадаси.

— Мана шу!— деди Аҳмад, ҳар ер-ҳар ердаги гишт уюмлари ва ёғоч-тахталарни кўрсатиб.— Худди мана шу ерда бўлади.

— Шу ерда?!— деди дадаси кўзини катта очиб.— Бу ерда на бир туп дарахт, на пана жой бор. Қашқирлар макони-ку, ўғлим! Қўлингдан келмайдиган ишга бош урибсан. Нима, Янгиқўрғондаги ишинг ёмонмиди? Энди касалхонани кенгайтириб, ишни тартибга солиб қўювдинг. Обру кетмай, баҳридан ўт бун.

Аҳмад узун киприкларини пирпиратиб, жилмайганича дадасининг гапларини эшитиб турди. У гапириб бўлгач:

— Мана шу ерда, худди мана шу ерда шу қадар гўзал курорт барпо бўладики, одам бир кўргани ҳавас қилади, дада! Муваффақият тиланг. Санаторий албатта бўлади. Кўриб турибсиз, ўзингиз ҳам келиб даволанасиз.

Ота ўғлига боқди. Унинг юз, кўзларида зўр куч, сўпмас ғайрат ўти ёнарди. Барибир уни кўндириб бўлмайди. Ноилож бош иргатди. Чурқ этмай сойга томон юрди. Улар энди индамай борар, фақат лойнинг шилчиллагани эшитиларди.

БИРИНЧИ ҚАДАМЛАР

Қирқ кишилик коллектив ваннахонанинг тор коридорига тўпланди. Биринчи қаторда медсестралар ўтирибди. Мажлисдагилар орасида врачлар битта-иккита. Кўпчилик врачлар қўшни касалхонадан келиб ишлар, асосий ишлари ўша ёқда эди. Район соғлиқни сақлаш бўлимининг раҳбарлари мажлисда ҳозир. Аммо улар негадир орқада шивирлашиб ўтирибдилар. Собиқ бош врач аллақандай ишни баҳона қилиб, кетиб қолган эди.

— Бизнинг биринчи вазифамиз касалхонада тартиб ўрнатиш, даволанувчиларга қулайлик яратишдан иборат,— деб бошлади сўзини янги бош врач.— Сир эмас, қийинчилик, қиладиган иш ошиб-тошиб ётибди. Чидаш керак. Ҳозирда эллик кишилик шу касалхона ўрнида неча минглаб совет кишилари даволанадиган, Иттифоқ миқёсидаги катта ва гўзал курорт бунёд қилишимиз керак. Буни бизга биров қилиб бермайди, мана шу коллектив қилади.

Район соғлиқни сақлаш бўлимининг ходимлари: Бу

нималар деб жавраяпти?» дегандай бир-бирларига қарадилар. Сандалиев эса уларга жавоб бергандай, сўзида давом этди:

— Иккинчи вазифа: район бюджетидан область бюджетига, яқин вақт ичиди эса таъминотни тамоман республика бюджетига кўчириш. Бусиз ҳозирги ҳолатдан чиқолмаймиз. Район доираси дастлабки қадам эди. Бундан буён берсанг ейман, деб қараб ўтираверсак ўрни-миздан жилолмаймиз. Ахир уч йил мобайнида энди битта корпуснинг пойдевори қўйилибди, шу билан иш битар эканми?

Район ходимларидан бири чндаётмай:

— Иштаҳа жойида, масштаб катта-ку,— деди истеҳ-зо билан кулиб.

— Кулманг, ўртоқ, районнинг истиқболини озгина бўлса-да, ўйлаганингизда ана шу ўзингиз айтган «катта» масштабда иш тутардингиз... Давлат қурилиш учун ажратган маблағ уч йилдан буён фойдаланилмай ётмасди. Бу суръат билан курорт қачон битади? Шунинг бир ўйлаб кўрдигизми? Районимизда бу қурилишни энглай оладиган қурилиш ташкилоти ҳам, мутахассислар ҳам, техника ҳам йўқ. Яна икки-уч йилдан кейин қурилиш ҳажми уч-тўрт барабар кенгайди. Буни район эмас, область ҳам кўтаролмай қолади. Биз йилдан йил каравотлар со-нини ошира боришимиз керак. Давлат шунча пул бера-ди-ю, касаллар чуқурларда, балчиқда чўмиладими? Агар фикрим нотўғри бўлса, очиқ айтинглар. Бу мажлис-ни қақиритдан мурод маслаҳатлашиш.

— Тўғри гапиряпти янги бош врач,— деди санитар-ка Полина.

— Ҳозиргача бу ерда ҳеч ким биз билан бунақа гап-лашмаган эди. Бизнинг дилимиздаги гап шу. Қўлимиз-дан келадиган ёрдамни аямаймиз, ўртоқ бош врач,— деди медсестра Шура Павлова.

Коридорнинг турли томонидан:

— Ёрдам берамиз, албатта ёрдамлашамиз,— деган овозлар эшитилди.

Сўнгра Сандалиев мажлисдагиларга санаторийнинг келгусида қанақа бўлишини муфассал гапириб берди.

Коллектив мажлисдан кейинноқ ишга киришди. Саида-лиев бошлиқ касалхона ходимлари дастлаб ёппасига ку-рак, замбил кўтариб касалхона, ваннахона территорияси-ни тозаладилар, ахлат замбилларда ташқарига чиқариб

ташланди. Қўшни қурилиш ташкilotидан илтимос қилиб олинган самосвалда қум, шағал ташиб келтирилди ва касалхона территориясига ётқизилди. Биринчи кунёқ ҳовли тозаланиб, кўлмак қурилди. Кўлмак ўрнига қум солинди. Одамлар иш натижасини кўриб хурсанд бўлдилар.

Саидалиев шофёр Турсунбой билан бирга бузуқ га-
зикни тузатишга ҳаракат қилди. Текшириб кўрганларида
машинанинг мотори, юритадиган қисмлари ҳали ишдан
чиқмаганлиги аниқланди, аккумулятор ишдан чиққан
экан.

— Машинани юргизса бўлади,— деди Саидалиев шо-
фёрга.— Автобуснинг аккумуляторини олиб келинг, улаб
кўрайлик-чи.

Шофёр бош врачнинг бу қадар ишонч билан гапири-
шига ҳайрон бўлиб, «машина ҳам ҳайдаганмикан?» деб
ўйлади. Дарҳақиқат, шофёрлик қилмаса ҳам Саидалиев
Тошкент медицина институтида ўқиганида кечки авто-
мактабни ҳам тамомлаган ва шофёр-механик гувоҳнома-
сини олган эди.

Турсунбой аккумуляторни олиб келди ва уни улаб,
ручкани пкки-уч марта айлантириш билан мотор юриб
кетди.

— Эртага Наманганга борамиз, машинани созлама-
са бўлмайди, ремонтга пул топамиз, иложи бўлса запас
қисмлар ҳам олиб келамиз. Ҳозир бориб дамингизни
олинг, бугунча шу иш бас,— деди бош врач.

Аҳмад эр талаб касалхонага келиши билан унга шу
кечаси ваннахонанинг томи ўпирилиб тушганини айтди-
лар. Дарҳол усталар топиб ремонт қилдиришди.

«Газик» бир ярим йилдан бери касалхона дарвозаси-
дан биринчи бор чиқиб кетди.

Область соғлиқни сақлаш бўлим мудир Саидалиев-
ни очиқ чеҳра билан кутиб олмади, унинг илтимосларини
хоҳлар-хоҳламас эшитиб:

— Пулимиз йўқ, бир тийин ҳам беролмаймиз,— деб
қўй қолди.

Янги бош врачнинг ваннахона томининг ўпирилиб
тушганлиги, кўрпа-ёстиқнинг эскирганлиги, стол-стул-
ларнинг йўқлиги, машинани ремонт қилиш кераклиги,
умуман касалхонанинг ачинарли аҳволда эканлиги тўғ-
рисидаги гаплари раҳбарга заррача таъсир этмади. Саи-
далиев кабинетдан чиқавермагандан кейин раҳбар:

— Ўзларнинг иложини қилаверинглар, биздан ёрдам кутманглар,— деб жойидан турди. Бу суҳбат тамом бўлганлигига ишора эди.

Бош врач ҳам ўрнидан турди-да, тўғри область ижрокомининг раиси олдига борди.

— Пул масаласи қийин,— деди раис.

— Биламан, қийин. Аммо бизнинг аҳволимиз шундайки, ёрдам бўлмаса бугуноқ касалхонани беркиртиш керак,— деди Саидалиев.

— Ваҳима қилманг!

Бош врачнинг қизғин эътирозларини эшитиб, раис ўйланиб қолди. Ниҳоят, Саидалиевнинг тазйиқига бардош беролмай:

— Хўп, бир озроқ пул топиб берармиз,— деди.

Тез орада вапнахонанинг томи шифр билан ёпилди. Бетон вапналар олиниб ташлаб, ўрнига ўн тўққизта оппоқ сирланган чўян ванна ўрилатилди. Территория девор билан айлантириб олинди. Анчагина жойга олма, ноқ, анжир кўчатлари ва ток ўтқазилди. Касаллар тушиб юрган «пихтиёрый вапналар» кўмиб ташланди. Аммо касалхонага бевосита мурожаат қилувчи беморлар кундан-кун кўпайиб, касалхона торлик қилиб қолди. Шунинг учун ҳам Саидалиев касалхонани кенгайтириш, каравотлар сонини ошириш тўғрисида бош қотирди.

Бу ҳақда республика Соғлиқни сақлаш министрлиги ва Министрлар Советига хатлар ёзилиб, қатнай бошланди, ахир каравотлар сонини уч баравар кўпайтиришга рухсат олинди. Аммо энди врачлар топиш зарур эди. Касалхонанинг ҳозирги шароитда ишлашга рози бўлиб келадиган тажрибали врачларни топиш осон эмас эди. Ўзп ташаббускор бўлиб келадиган ишқивозларнигина донимий ишга жалб этиш мумкин бўлар холос.

Саидалиев яқинда институтни битириб чиққан тажрибасиз ёш врачларни ишга тортиб кўрмоқчи бўлди ва синаш учун Тошкент медицина институтини шу йил тамомлаган ёш врач Султоновни ишга олди. Аммо унинг бу иши область соғлиқни сақлаш бўлими раҳбарларига ёқмади. «Ўзбошимчалиги учун» деб унга махсус буйруқ билан вивор эълон қилинди. Саидалиев буйруқни ўқиб, бошлиққа телефон қоқиб:

— Яна битта шундай ёш врач топилса иккинчи виворга ҳам розиман,— деди.

Геодезистлар икки кун ичида кеча-кундуз ишлаб даволаш корпуси, касалларнинг ётоқхоналари ва ошхонага тушадиган жойларни ўлчаб, белгилар қўйиб, қозиқлар қоқиб бўлдилар. Энди қурувчилар ишга тушиши керак эди.

Лекин тонг ёриша бошлаганида бўлажак санаторий территориясида тракторлар ҳайқириги эшитилиб қолди. Санаторий қурилишига ажратилган ерлар хаш-паш де-гунча ҳайдалиб, шудгор қилинди. Геодезистларнинг икки кунлик меҳнати чиппакка чиқиб кетди, қурилиш ишлари тўхтаб қоладиган бўлди. Тракторнинг сўнгги айланиш пайтида етиб келган бинокор ишчилар билан тракторчи ўртасида жанжал бошланди. Жанжал устига бош врач етиб келди.

Жанжал Чортоққа, район ижроия комитети раиси Ҳошимовнинг кабинетига кўчди, у киши ғайри қонуний иш тутаетган колхоз раиси томонини олган эди.

— Биз маҳаллий ҳукуматмиз, бизнинг ҳақиётиримиздан ташқари бирон иш қилолмайсиз, ука!— деди Ҳошимов.

— Ахир бу участка колхозчиларнинг умумий мажлис қарори билан бизга берилган бўлса, бу қарорни бузишга кимнинг ҳақи бор?!— деди Саидалиев хиёл қизишиб.

— Бизнинг ҳақимиз бор, у ерга чигит экилади, вас-салом!— деди колхоз раиси Умрзоқов.

— Бўш ётган ерингиз кўн-ку, экаверинглар...— исбот қилишга қанча урунмасин Саидалиевнинг гани райижро-комда инобатга ўтмади. Жанжалга область аралашиб, колхоз раиси Умрзоқовга санаторий қурилишига хала-қит берганлиги учун вивовор берилди.

Аламзада раис аламини ютди-ю, қасдини олиш учун пайт пойлаб юрди. Қурилиш ишлари қизиб кетган эди, бир кун кечаси Умрзоқовнинг буйруғи билан санаторий паркидаги уч минг туп ёнғоқ кўчати юлиб ташланди. Жаҳлдан қип-қизариб, терга ботган Саидалиев синди-риб ташланган ёнғоқ кўчатларини ушлаб райком секре-тари олдига борди:

— Ахир, бу расвогарчилик қачон тугайди, токайгача можаро қилишади?!— деди.

Райкомнинг бюро мажлиси бўлаётган эди, мажлисда колхоз раиси Умрзоқов ҳам бор эди.

— Қасалларни боқиш ўрнига кўчат ўтқазиш билан

оворасиз, доктор. Ўз ишингизни қилсангиз бўлмайdimи? Шунн гап деб, бюрого кўтариб келдингизми?— деди Умрзоқов, ҳужум бошлаб.

— Ҳа, кўтариб келдим,— деди Сандалнев бўш келмай.— Чунки даволанувчиларга дарахт, соя, мева ҳам керак. Бу ҳаракатингиз билан санаторийдаги ишни тўхтата олмайсиз, зиёнингиз шу бўладики, қурилишни кечиктирасиз, холос, раис...

Райком секретари ёнида ўтирган Аҳмадга таниш барваста савлатли одам жойидан турди:

— Кечирасиз ўртоқлар, бир минутга мажлисимизни тўхтатамиз,— деди у. Бу одам республика Министрлар Советининг раиси Усмон Юсупов эди, у Умрзоқовга қаради:— Қанақа коммунистсиз? Сизни суд қилиш керак!— деди-да, райком секретарига бурилди.— Райкомнинг кўз олдида бўлаётган бу тартибсизликка қандай чидайсиз?

Райком секретари жавоб бермай қизариб бошини эгди. Министрлар Советининг раиси Сандалневга мурожаат қилиб:

— Кечқурун Наманганга боринг. Бу масалани ҳам, умуман санаторий қурилиши масаласини ҳам обком бюросида кўрамиз. Санаторий қурилишининг икки йилдан буён тўхтаб турганлигининг сабаби менга энди аён бўлди,— деди.

Обком бюро мажлиси санаторийнинг поймол қилинган боғини тиклашни талаб қилди ва колхоз раисини сўнгги марта огоҳлантириб қаттиқ виговор берди.

Ер можароси ҳам, қурилишни тезлатиш, икки баравар кўп одамнинг даволанишини таъминлаш сингари анча масалалар ҳал бўлди.

ДАВИДОВНИНГ «АЛОҲИДА ФИКРИ»

Корпуслар қад кўтариб, гулхоналар жойи тайёрланди, хнёбонлар аниқланиб, атрофига чинор, сада, ток ўтқазиш бошланди. Республика Соғлиқни Сақлаш Министрлиги касалхонани ўз бюджетига олгач, санаторий қурилиши, кўкаламзорлаш ишлари анча жонланди, коллектив баланд руҳ билан ишлай бошлади, даволанувчиларда ҳам республиканинг тўнғич курортни тез орада очилишига ишонч туғилди.

Ана шу қизғин иш кунларининг бирида бўлгуси санаторий территориясида чарм папка кўтарган, ранги заҳилроқ бир киши пайдо бўлди. Бош врач айна вақтда қурилиш бошлиғи бўлса ҳам, у идорага кириб Саидалиевга учрашмади, гоҳ у корпус олдида, гоҳ бу корпус олдида юрар, гулхона учун тайёрланган, хиёбон ва йўллар учун текисланган жойга разм солар, кўпинча прораб Зотовга алланималарни уқдираётган бўларди. Бу одам республика курортлар бошқармасининг бош инженери Давидов эди. Кунларнинг бирида у бош врач идорасига кириб келди, папкасини столга қўйиб, елкасини учирганича бош врачга қараб:

— Менинг кимлигим сизга аёндир?— деди заҳарханда жилмайиб.

— Аён, сиз Бошқарма бош инженери ўртоқ Давидов бўласиз,— деди Саидалиев.

— Сизга учрашмай, олдин қилинган ишларни кўриб чиқдим, шундай қилмоғим керак эди.

— Жуда яхши қилибсиз. Қалай, ишлар сизни қаноатлантирдими?

— Сира-сира қаноатлантирмайди!— деди Давидов.

— Ундай бўлса,— деди Саидалиев таажжубланиб,— чуқурроқ текширинг, камчиликларни яхшироқ аниқласангиз, қурилишга фойдаси тегар...

— Камчилик дейсиз-а! Камчиликкина бўлса, майли эди, ўртоқ врач. Қилинган ишлардан жиноятнинг ҳиди бурқсиб турибди. Бу сизнинг докторлик ишингиз эмаски, беморнинг юрак уришини эшитсангиз, томирини кўрсангизу дори ёзиб бера қолсангиз, йўқ буни қурилиш дейдилар.

— Шундоқми?!— деди Саидалиев ҳам овозини хиёл кўтариб, бироқ дарров ўзини босди.— Агар жиноят бўлса ҳам аниқлаш сизнинг давлат олдидаги бурчингиз. Хўп, аниқланг, кейин муҳокама қиламиз. Менда бошқа гапингиз йўқ бўлса, ҳозирча хайр, мени корпусда беморлар кутяпти.

Эртасига одамлар ишдан чиқа бошлаган пайтда Давидов имлаб Зотовни чақирди:

— Пулинг борми, Зотов?

— Ун-ўн беш сўмим бор.

— Кўпроқ, масалан, беш-олти юз сўм.

— Йўқ, ҳозир ой охирида менда бунча пул нима қилсин.

— Эҳ, Зотов, Зотов, нодон экансан. Сенинг қўлингда доимо пул ўйнаши керак. Билдингми? Пул ичиди юрибсану бир тийинга зорсан-а?! Эҳ, Зотов, Зотов...

— Сиз каттасиз, очиқроқ айтинг-чи, қаердан унади пул?

— Масалан,— деди Давидов,— эски фундаментни Саидалиев брак қилди-а? Шу ўн метрми, юз метрмиди? Буни ким суриштиради? Сойнинг курорт территориясига бошдан-оёқ шағал-тупроқ тўкиб, бетонладиларинг-а? Шунга минг машина шағал-тупроқ кетдими, тўрт минг машинами? Гулхона ва йўлакларни планлаш, созлаш, даракт ва гул ўтқазишга юз иш куни кетдими, минг иш куни кетдими? Хўш, ким қаердан суриштиради? Ана пул, нодон.

— Ким тасдиқлайди буни?

— Мен.

— Саидалиев қўл қўймаса битта ҳам ҳужжат ўтмайди, у кўриб, текшириб қўл қўяди. Йўқ, бу одам унақалардан эмас.

— Қўл қўяди, тасдиқлайди. Унинг юрагига гулгула солиб чиқдим. Ҳозир оёғи куйган товукдай питиллаб юрибди. Дадил бўлавер, Зотов.

Прорабнинг ранги оқариб кетган, бадани дир-дир титради.

— Ҳа, қўрқиб кетдингми?— деди Давидов.

— Айтайми, Давидов,— деди Зотов ўзини зўрга босиб.— Сен одам эмас, аллақандай аблах, аблахдан баттар экансан, энди билдим...

Давидов шу ерда қолди, Зотов эса катта-катта қадам ташлаб уйига жўнади.

Кунлардан бир кун Давидов Саидалиевнинг олдига яна кирди. Энди Зотовни ёмонлай бошлади. Гўё Зотов ташилган шағал-тупроқни, гулхоналарда қилинган ишларни ошириб кўрсатган, хуллас, у, Зотов давлатга хиёнат қилган, Саидалиевнинг қурилиш ишларидан беҳабарлигидан фойдаланиб қалбаки ҳужжатларга қўл қўйдириб олган, уни дарҳол ишдан ҳайдамоқ, ҳатто жавобгар қилмоқ керак.

Саидалиев унинг гапларини мийиғида қулиб эшитди-да:

— Қурилиш соҳасида мутахассис бўлмасам ҳам, озмоз тушунаман, бундай ишларга энди бош бўлаётганим йўқ, ўртоқ инженер,— деди.— Зотов хусусига келганда у

қинғирликка юрмайди, бунга аминман, шунинг учун ҳам бу ерда ишлаб турибди, ўйлайманки, қурилиш тамом битгунча, соғ-саломат бўлса, курортнинг учинчи навбат қурилишида ҳам ўзи ишлайди. Шунга амин бўлинг...

— Биламан, ҳаммангизнинг тилингиз бир. Ҳаммангизни жавобгарликка тортаман, ўшанда кўрарсиз.

— Бўпти, ўшанда кўрамиз. Шу фикрингиздан қайтманг, хайр,— деди Саидалиев.

«Болта келгунча кунда дам олар» деб ўтирмай Зотовнинг ўзи билан гаплашай-чи, нима гап. Нега бу аблаҳ унга бунчалик оспилиб олди. Ҳар қалай тагида бир гап бор» деб ўйлади Саидалиев.

Зотов Наманганда экан, ҳали келмабди. Саидалиев хийла вақтгача қурилиш ҳужжатларини кўриб кабинетда ўтирди. Кейин ҳовлига чиқди.

Осмон тиниқ, юлдузлар чарақлаб турибди, тўлтин ой аста сузаяди, аммо сойнинг тунги ҳайқирғи ҳар кунгидан кучли. Салқин шабада далаkning намхуш ҳавосини гуллар ҳидига қўшиб димоққа уради. Янги изга, бетон каналга солинган сой бўйлаб битта-битта қадам босиб юрди. Лекин кўз олдида Давидовнинг заҳил турқи-ю, қулоғида унинг сўзлари шангиллайди: «Ҳаммангизни жавобгарликка тортдираман...»

Нимани истайди бу одам, нима ниятда юрибди ўзи. Ғаним десам, бирда-иккида гаплашган ҳам эмасман. Хўш, кимда нима қасди бор унинг. Ёки Зотов билан уришиб қолдимиз? Нимага? Нимани талашди булар?

Юқорида, Заркент томонда осмоннинг бари қорайиб кўринди. Шу қора булут тўдаси бу томонга қараб тез сузар, гўё учарди. Саидалиев ўша ёққа тикилиб қолди. Бир оздан кейин шу қора булут тўдаси бир-бири билан тўқнашиб чақмоқ чақди, гўё қайсидир тоғнинг бели узилиб кетгандай гумбурлади. Бу селдан дарак эди. Саидалиев идорага югурди, муовини Мўминовга телефон қилди, навбатчи врачлар, медицина ходимларига даволанувчилар хавотир бўлмасликларини тайинлади.

«Янги бетон канал синовдан ўтадиган бўлди. Синовдан ўтармикан ёки шунча меҳнат сувга оқиб кетармикан?»

Орадан ярим соат ўтмай, қаттиқ бўрон турди, бироқ дарров ўтиб кетди, кетидан жала, унинг кетидан эса тапира-тупир дўл ёғди. Ҳамма ёқни ҳайқирик босиб кетди. Ташқарига чиқиш мумкин бўлмай қолди. Шу кўйи тоғ-

дан келган сел муттасил айқириб турди. Янги канал сп-новдан ўтди. Бетоннинг бир-икки жойини сел юшиб кетди.

Ана шундан кейин Давидов ўз «текшириш» натижа-ларининг бир нусхасини Наманган қурилиш банкига юбориб, санаторияга берилаётган пулни вақтинча тўхта-тиб туришни илтимос қилди. Ишни текшириш учун Анди-жондан, банкдан комиссия келди, контроль ўлчов ўтка-зилди, қилинган ишдан қалбакилик топилмади. Аммо Давидов текширишдан рози бўлмади, актга ўзининг «алоҳида фикри»ни ёзиб қўйди. Бу сафар Давидов ко-миссияларни ҳам айблаб, Ўзбекистон Қасаба Союзлари советига маълумот ёзди. Республика курорт бошқармаси бошлиғи Андрианов бошлиқ комиссия қайта текширди, бу сафар бошда илгогарнинг қутқусига учиб, кейин кўзи очилиб қолган одамлар Зотов ёнига қўшилиб Давидов-нинг асл ниятларини очиб ташладилар. Аммо Давидов бу сафар ҳам актга ўзининг «алоҳида фикри»ни ёзиб қўйди. Энди Москвага ариза жўнатди. Шағал-тупроқни экскаватор қазиб, самосваллар ташимаган, бульдозер сурган деб даъво қилди. Саидалиев қаваскор фотограф бўлганидан шағал кавлаётган экскаваторлар, ташиётган самосвалларни суратга олган эди. СССР Қурилиш Банки Бош ревизори бошчилигида келган махсус комиссия «Да-видовнинг алоҳида фикрлари асоссиз, деб ҳисоблансин, шу «алоҳида фикрлар» муносабати билан келтирилган зарарларни илгогар тўласин» деган қарор чиқарди.

Санаториянинг секретари Дина Челикина бундай дейди:

— Мен комиссиянинг протоколини машинкада боса-ётганимда шошилиб Давидов кириб келди. Унинг жағи қалтирарди. «Бир нусхасини менга беринг» деб ҳали бо-сиб тамом қилинмаган протоколни машинкадан юлқиб олмоқчи бўлди, мен машинкани қўлим билан тўсдим. Ке-йин у стол устида турган кўк папкани олиб қўлтигига қистирганича югуриб чиқиб кетди. Унинг «алоҳида фикр-лари» ҳам текшириш ҳужжатлари шу папкада эди. Мен қичқириб унинг кетидан чоңдим. Шовқинни эшитиб ка-бинетдап бош врач, комиссия аъзоларидан Андижон об-ласть қурилиш банкнинг бош инженери Алиев чиқди. Чаққонроқ Алиев Давидовга етиб олди, папкани қўлидан олиб, ўзини кабинетга етаклаб келди. Шунда ҳам у:

— Шошманглар ҳали, мен устларингдан шикоят қи-ламан,— деб кабинетнинг у бошидан бу бошига юрарди.

Бош врач уни кабинетидан ҳайдаб чиқарди.

Дарҳақиқат, у яна Москвага шикоят ёзган экан, ВЦСПСдан яна махсус комиссия келиб текширди ва ниҳоят ифвогарни ишдан олиб ташлади.

Давидов туфайли ташвишлар, комиссия ва текширишлар бир йилдан ортиқча чўзилди. Санатория ходимларининг тинч ишига халақит берди, сўроқ беравериб бош врач Аҳмад Саидалиевнинг чакка сочи оқара бошлади.

Бошқармада Давидовнинг аблахлигининг ҳамма билар, қаерга бормасин, у иғво қўзғар, одамлар кўнглини ишдан совутарди. Шунга қарамасдан узоқ вақтларгача курортлар бошқармасида масъул вазифада турди. Бейхтиёр: «Нега шундай?» деган савол туғилади.

— Дарҳақиқат, нега шундай?— дейди Саидалиев.

ҚУРUVЧИЛАР

Ғишт, ёғоч, тахта ва бошқа ҳар хил қурилиш материаллари ортган машиналар кетма-кет қурилиш майдонига келиб турибди. Мана эритма ортган самосвал солинаётган ётоқ биноси олдига келиб тўхтади. Майдон чанг ичида. Техника ҳали етишмайди. Шунинг учун ҳам ғишларни ишчилар замбилда ташимоқда. Юзлари қуёш тафтида қорайган бақувват йигитлар ғишт термоқда, биноларнинг деворлари соат сайин қад кўтармоқда. Қурилиш майдонидан чеккароқда қудуқ пармаланмоқда. Қазиб бўлинган кенг ариқлар устига бетон кўприклар солинмоқда.

Санаторияга келинадиган йўл-йўлкаларга асфальт ётқизилмоқда, йўл-йўлкалар ёқасига дарахтлар ўтказилмоқда. Моторлар санатория хизматчилари учун қурилган биринчи бинога сим тортмоқда, алоқачилар телефон сими тортиш учун устунлар ўтқазмоқдалар...

Ётоқ биноси олдида Саидалиев санатория лойиҳасининг авторни архитектор Глеб Андреевич Жуковни учратди. Қотмадан келган, новча бу кишини бош врач жуда ҳурмат қилар, кўп масалаларни у билан маслаҳатлашарди.

— Глеб Андреевич, бир чигал масала чиқиб қолди. Сизнинг лойиҳангизга кўра, қурилиш икки навбатга бўлинган. Биринчи навбатда қуриладиган биноларни сиз

қозонхона, ваннахона, иситиш линияси, канализация ва водопроводни қурмасдан ишга солишга мўлжаллагансиз, шундайми?— деди Саидалиев.

Жуков ўйланиб қолди.

— Ҳа, шундай. Аммо, нотўғри иш бўпти,— дея архитектор хатони очиқдан-очиқ эътироф қилди.— Дарҳақиқат, биринчи навбатда қурилган бинолар иккинчи навбатга мўлжалланган бинолар қурилиб бўлмагунча, яъни беш йил давомида табиий қулайликлардан маҳрум бўлиш керак.

Бамаслаҳат чигал ечилди. Вақтинча фойдаланиб туриш учун кичикроқ қозонхона ва ваннахона қурилди. Улар дастлаб қурилган тўрт корпусни бемалол таъмин этадиган бўлди. Кейинчалик бошқа бинолар қурила бошган сари қозонхона ҳам кенгайтириб борилди. Архитектура жиҳатидан лойиҳада кўрсатилган баъзи ортиқча, зарурати бўлмаган нарсалар олиб ташланиб ўттиз беш минг сўм иқтисод қилинди, тежалган шу маблағ ҳисобига лойиҳада кўрсатилмай қолган зарур объектларни қуришга имкон туғилди.

Санаторияни сув билан таъминлаш ҳам кўп ташвишли масала бўлди. Лойиҳа санаторияни Чортоқ сой суви билан таъмин этиш, бунинг учун ҳар хил гидрогеологик иншоотлар, чунинчи: водазабор қуриш, унга канал қазиниш, сув тиниладиган ҳовузлар, филтрлар, дезинфекция учун клоратор будкалар, насос станцияси билан бирга сув минораси қуриш кўзда тутилган эди. Бу қурилишлар давлатга жуда қимматга тушар ва кўп вақт талаб қиларди. Шунда ҳам санаторияни сув билан муттасил таъмин этиш масаласи тўла ҳал бўлмасди. Чунки кучли сел келганида қурилган иншоотлар бузилиши, сойда сув озайган чоғларда сув етишмай қолиши аниқ эди.

— Ичини учун ер тагидан сув олиб бўлмасмикин?— деб ўйларди бош врач. У пармаланган қудуқларнинг геологик қатламни ўрганди. Фаргона гидрогеологик партиясининг раҳбарлари билан маслаҳатлашди, Ўрта Осиё нефть бирлашмасининг бошлиғи билан суҳбатлашди. Ниҳоят, Ўзбекистон ҳукумати: «Ўзбекистон Гидрогеология трестига Чортоқ санаторияси территориясида ичинига яроқли сув чиқариш учун 350—400 метр чуқурликда қудуқ қазини топширилсин...» деб қарор чиқарди.

Сув масаласи тез ва жуда қисқа муддатда ҳал этилди. Қувурлардан тоза артезиан суви кела бошлади.

Қурилиш давом этар, аммо талаб кундан-кун кучайиб борарди. Янгидан янги объектларни қуриб ишга солиш керак эди. Дўппи тор келиб қолди. Санатория ёрдамга муҳтож эди. Қурилиш бошлиғи бош врач Саидалиев Наманган ва Фарғонага бориб бир қанча ташкилотларга мурожаат қилди. Раҳбарлар унинг узундан-узоқ гапини ва илтимосларини сабр-тоқат билан эшитарди-ю, аммо:

— Ёрдам берардигу, ўзимизнинг ишимиз бошимиздан ошиб ётибди, материаллар ўзимизга ҳам етишмаяпти,— дердилар.

Қурилиш суръати мутлақо талабга жавоб бермас, кўп нарса етишмас, айрим участкаларда иш тўхтаб қоларди. Саидалиев почор аҳволга тушди. Бир кун кекса нефтчи ошналаридан бирига ҳасрат қилиб қолганида, у киши Андижон нефть комбинатининг бошлиғи Акрам Хўжаевга мурожаат қилишни маслаҳат берди. У вазифасига нисбатан жуда ёш, хушбинчм, дилкаш ва фаросатли бир киши эди. Саидалиев нефтчи ошнасида Хўжаевнинг таърифини эшитган бўлса-да, бирон натижа чиқишига ишонмай, унинг олдига борди. Санаториянинг эҳтиёжларини сўстгина гапириб берди.

— Сизга нима керак?— деб Хўжаев унинг сўзини бўлди.

Саидалиев бирпас индамай туриб, паст овоз билан:

— Менга труба керак, қудуқни ремонт қилиш учун ёрдам керак,— деди.

Хўжаев жойидан туриб у ёқ-бу ёққа юрди.

— Геологлар, ўртоқ Саидалиев, сизни менга бошқача таъриф қилишган эди. Шў тиним билмас, чангалнига тушганини узиб олмай қўймайдиган докторни бир кўрсам деб юрардим. Ё улар таърифдан адашган ёки сиз жуда ўзгаргансиз,— деди Хўжаев.

— Нима қилай? Қудуқлар нурай деб турибди, қувурлар тутқи бермай кетма-кет ёрилмоқда, аллақанча касални даволаш керак. Бироқ ҳозир аҳвол шундайки, санаторияни бугуноқ ёпиб қўйиш лозим.

— Гапларингиз жуда тўғри, аммо эҳтиёжларингизни мунча ҳадиксираб гапиряпсиз? Ахир, сиз ўз уйингизга сўраётганингиз йўқ-ку буларни?!

— Бу эҳтиёж тўғрисида ташкилотма-ташкилот юравериб чарчадим...

— Нима?— деди Хўжаев жаҳл билан,— чарчадим?

Бу ишда чарчамайман десагиз, аввало: синиқ товуш билан шикоят қилманг, эҳтиёжингизни, талабингизни исбот қилинг. Партия сизга ҳаят катта ишни: юзлаб, минглаб медицина ёрдамига муҳтож совет кишиларини соғайтириш вазифасини юклаган. Сиз ана шу одамлар номидан дадил гапиринг. Ўзини таниган ҳар қандай одам бу ишда сизга ёрдам бериши лозим.

— Бўпти,— деди кулиб Саидалпиев,— сиздан қатъий талаб қиламан, аслини айтганда шифобахш Чортоқ сувининг пайдо бўлишига ҳам, меннинг бу ерга келиб рўпарангизда туришимга ҳам сиз нефтчилар айблисиз. Шундай экан, энди бу ёнига ёрдам беринг.

— Мана бу бошқа гап. Нима, қанча кераклигини ёзиб ташлаб кетинг. Биз... комбинатимиз ёрдам беради.

Хўжаев катта ёрдам берди. Эртасигаёқ санаторияга қувноқ, шўх ёш йигитлардан иборат ишчилар машиналарга қувур ортиб келишди. Улар бир ишни тугатибоқ:

— Яна нима хизмат?— деб турдилар.

Бир кун нефть комбинатидан ёрдамга келган ишчилар дам олаётган вақтда, бош врач улар ёнига келганида, ишчилардан бири:

— Қурилиш жуда ҳам кенгайиб кетибди, янги шаҳар қураясизларми дейман,— деб қолди.

— Ҳа,— деди бош врач,— бу жойлар Қисловодск ёки Есентукпга ўхшаган курорт шаҳрига айланади, республиканинг энг катта санаторияси бўлади. Тез кун ичида мана шу территорияда бир йўла қирқ кишини ўтказадиган лой шифохонаси, унинг ходимлари учун турар жой, 600 киши овқатланадиган ошхона, касаллар учун янги ётоқ бинолари, чўмилиш учун денгиз сувидай шўр сув тўлдирилган катта ҳовуз ва бошқа ишшоотлар барпо бўлади.

Бизнинг курортимиз Пашхарансой водийсига жойлашган бўлиб, денгиздан 630 метр баландликда. Чортоқ станцияси курортдан 8 километр, Наманган 25 километр келади. Курорт, кўриб турибсизки, икки тоғ ўртасида, Чортоқ сой бўйига қурилган. Атрофига кўз ташланг, қандай чиройли манзара. Бу водий чўққилари абадий қор билан қопланиб ётган Чотқол тоғларигача чўзилиб боради. Бу ер Ўзбекистоннинг энг баҳаво жойларидан биридир. Чортоқда қиш совиғи даслаб ноябрь ўрталарида тушади. Бу ернинг ҳавоси эпидемиология жиҳатидан ҳам энг тезда, соғлом ҳаво!

— Сувларнингиз ажойиб экан,— деди ишчилардан бири.— Касал одамни соғайтириб, чўян қувурни чиритиб юборар экан. Ана уларни кўринг,— деб ердан қазиб олинган ва занглаб илма тешик бўлиб кетган эски қувурларни кўрсатди.

— Тўғри айтярсиз, жуда ажойиб сув,— деди бош врач.— Унинг илмий номини айтиб бўлгунча киши чарчаб қолади, ўзига хос газли гипотермал минерал тузларга бой — хлорли натрий-кальцийли сувдир. Чортоқ суви деб қисқача ном олган бу сув кўҳна оқсил касали, радикулит, мибзит, хотин-қизлар касали, теридаги эски ва тузалиш қийин яралар, эски гастрит, баъзи юрак касаллари, шунингдек, болаларда бўладиган полиомиелит каби оғир касалликларга даводир. Бу сувнинг составида ичимли сода, йод, бром ва фойдали газлар бор. Биз ҳозир Чортоқда ошқозон ва ичак касалликларини даволайдиган санаторий қуриш масаласини қўймоқдамиз. Хуллас, бу ер катта бир шифо комбинати бўлади. У ҳозироқ бутун республикагагина эмас. Бутун иттифоққа машҳур бўлиб қолди. Бизнинг санаториямизга Иттифоқнинг ҳамма республикаларидан, жуда узоқ жойлардан ҳам касаллар келиб даволанади.

Кундузги дам олиш соати тугади, ишчилар яхши ахборот учун бош врачга ташаккур билдириб иш жойларига жўнадилар.

КОЛЛЕКТИВ

Андижон медицина институтини тугатган, яқинда турмуш қурган ёш врачлар — терапевт Файзулла Абдуллаев билан гинеколог Турсунхон Абдуллаева санаторияга ишга келди.

— Илмий иш билан шуғулланиш мумкин бўларми-кан?

— Бизда илмий иш олиб боришни нстаган одамга майдон кенг,— деди Саидалиев бир оз ўйлап туриб.— Аммо ҳозирча ҳар хил иш билан машғул бўлишга тўғри келар.

Эрта билан беш минутли «летучка»нинг бошланиш олдидан чамадон кўтариб бир ёш йигит кирди.

— Мен Абдулхай Тошбоевман. Сизнинг ихтиёрингизга келдим.

Саидалиев кўринишдан серғайрат, қадди-қомати ҳарбийча бу йигитга қараб жилмайди.

— Институтни тамом қилгач, сизга юборишларини ўзим илтимос қилдим... Сиз билан бирга ишлашни хоҳладим... Эшитганман...

— Санаторияда врачларнинг иши...

— Иш оғир эмас, дам олишдай бир гап, у ерда нима ўрганардинг, нима тажриба орттирардинг, деган гапларни эшитганману, аммо мен бошқача фикрдаман. Булар беҳуда гаплар.

— Бўпти, равшан... душга тушинг, жойлашиб дам олинг. Бизда ҳозир «летучка» бўлади.

— Мен ўзим ҳам «летучка»га шошилиб келувдим, иш-ни шундан бошласам деб...

Саидалиев санаторияга ёшларнинг келишидан, бу ерга енг шимариб қаттиқ меҳнат қилишга тўғри келишини билганларидан хурсанд эди. Медицина ходимларидан қимдир касалларга орому шифо, врачларга беором елмоқ, деб байт ҳам тўқиган эди.

Санаториядаги медицина ходимларининг ҳаммаси ёшлардан, кўпчилиги Абдуллаев, Тошбосевлар сингари институтни тамомлаши билан бу ерга келган, ҳушас, санатория янги, ёш бўлгани каби коллектив ҳам янги, ёш. Шу сабабдан ишда тез-тез хатолар ҳам бўлиб турарди. Касалларнинг шикоятни қулоққа ёқмайди. Ёш врачлар баъзан нима дейишини билмай шошиб қотар, баъзан қизишиб кетиб қўполлик ҳам қилиб қўярди.

Бир кун касаллар овқатнинг сифатидан нолишди. Абдуллаев эса қизишиб, бош врачга:

— Айб бизда эмас, горторг сифатли озиқ-овқатни, сабзавот, мевани вақтида етказиб бериши керак, ахир бу ер санатория-ку,— деб жавоб берди.

— Тўғри, горторгдан талаб қилиш керак, аммо ўзимизда ҳам камчилик кўп,— деди Саидалиев.— Қотлет куйиб кетган бўлса, шўрва шўр бўлиб қолса, столга хом мева қўйилса, бунга горторг айблими? Ошқозонни касал кишига қовурма берсангиз бунга ҳам горторг айблими? Бизда парҳез врач бўлиши керак. Еримиз кенг, йил бўйи, қишда ҳам иссиқхонада помидорлар, бодринг ва ҳар хил кўкатлар ўсиб туриши керак. Ҳали буни қилганимиз йўқ, ўртоқ доктор.

— Иссиқхона учун қозонхонанинг сувидан фойдаланса бўлмайдами?

Бош врач кулиб қўйиб:

— Шунақа, Файзулла, ҳозирча илмий иш тўғрисида эмас, энг оддий кундалик нарсалар устида ҳам анча бош қотиришга тўғри келяпти,— деди.

— Ижозат берсангиз, санаториянинг овқати масаласи билан мен шуғуллансам.

— Бўпти, ижозат.

Садалиев санаториянинг бош ошпази Сотникова билан Абдуллаевни «Чинобод» санаториясининг тажрибаларини ўрганиш учун Тошкентга юборди. Улар бир ой шу санаторияда ишладилар. Санаториянинг тажрибали парҳез врачлари Ҳалил Маҳмудов Абдуллаевга катта ёрдам берди, унга парҳезларнинг турлари, қандай касалларга қандай парҳез тайинлаш ва ошпазликнинг врач биллиши лозим бўлган хусусиятларини ўргатди. Абдуллаев кўп вақт Маҳмудов билан бўлиб, унинг ишини диққат билан кузатиб борди. Шу билан бирга санаториянинг тажрибали ошпазидан айрим овқатларни тайёрлашни ҳам ўрганди. Сотникова билан иккаласи қирқдан ортиқроқ ҳар хил овқат тайёрлашни ўрганиб келдилар. Энди Абдуллаев бунгача бўлган тажрибаси, ҳаётини биллими билан санаториянинг овқатланиш ишларига қандай раҳбарлик қилганига ўзи ҳам ҳайрон.

Улар баланд руҳ билан қайтиб келиб, гайрат билан ишга тушдилар. Парҳездеги даволанувчилар учун алоҳида жой ажратилди, ошхона парҳездагиларга хос овқатларни тайёрлайдиган бўлди.

— Камдан-кам учрайдиган касаллик бу,— деди бош врач ўринбосари Мўминов Тошбоевга.— Бизнинг санаториямизга шу пайтгача бунақанги касал келмаган, бу касалликни даволаб кўрмаган эдик. Сув фойда берармикан.

Тошбоевда ҳар қалай синаб кўрмоқ керак, деган фикр тугилган эди.

— Касални иккимиз бир кўрсак,— деди у Мўминовга.

Кексароқ Елизавета Борисовна Форемляк шифобахш Чортоқ сувига катта умид боғлаб келган эди. Қирқ йил бурун, ҳали қизча эканида унинг бўйнида қўнғир доғ пайдо бўлди. Бу доғ аста-секин баданига ёйила бошлади. Бора-бора шу доғлар кўҳна қайрағоч пўстлогига ўхшаш ғадир-будир бўлиб ёрилди, унинг этини қоплаб

олди. Яра бўлиб яра эмас, сўгал бўлиб сўгал эмас, нима ахир? Елизаветани кўп врачлар кўрди. Шу қирқ йил мобайнида Елизавета не-не врачларга боқтирмади, не-не курортларнинг минерал сувида даволабмади, бироқ шифо топмади. Энди касаллик унинг оёғи тагига ҳам тарқалиб, у оёғини ерга босолмайдиган бўлиб қолган, овози ҳазин, чеҳраси маъюс, аммо дард азобини тортавериб нури пасайган кўзлари нажот сўраб врачга илтижо қиларди.

— Тоқатим тоқ бўлди. Нима бўлсам ҳам майли, доктор, шу сувда даволайвернинг, қайтариб юборманг,— деди у.

Тошбоев ҳарна қилиб бўлса ҳам бу аёлни ана шу дард исканжасидан халос қилиш йўлини топишга, сувининг мўъжизакор кучини синаб кўришга аҳд қилди. Шу кунни уйдаги тибб дарслиги китобларини варақлади, лекин булардан ўзи нэлаган жавобни ололмади. У Мўминовникига бориб, унинг китобларини кўрди. Дерматология хусусидаги справочникни олиб варақлади. Шу китобда Дарье касаллиги ҳақида қисқача маълумот ўқиди.

«Олтин гугурт ванналари бу касалга оз-моз фойда бераркану, унга зиён етказмас экан. Демак, бу сувда даволаб кўрса бўлади» деб ўйлади врач.

Ярим тун бўлиб қолган эди. У ўз фикрларини бош врачга айтмоқчи, унинг маслаҳатини олмақчи бўлди, Саидалиев ўз илмий ишнинг анализларини текшириш билан банд эди.

— Санаторияга Форемляк деган бир аёл келди. Дарье касаллигига йўлиққан. Шунини даволаб кўрмоқчиман.

Бош врач қизарган кўзларини ишқалади-да, Тошбоевга сўзсиз хийла тикилиб турди. Унинг кўз олдида олтинетти йил олдин Волгограддан келган бир командир гавдаланди. Ушанда Саидалиев ҳам ана шу ёш врачга ўхшаб «жумбоқ»ни ечишга аҳд қилган эди. Ватан урушининг қатнашчиси ўша капитан ҳам шу аёл сингари нажот сўраб врачга илтижо қиларди. Унинг ўқ еган оёғи оқма бўлиб, хирурглар кесиб ташлашдан ўзга чора йўқ дейишган эди. Саидалиев, илмида осколка қолган бўлса, бир печа ваннадан кейинги шиш пайдо бўлади, кейин операция қилиш мумкин, деган фикрга келди. Олтин ваннадан кейинги шиш пайдо бўлди, осколкани олиб ташлади.

кейин даволаш давом этди. Бемор учинчи марта келишда тузалиб кетди, оёғи сақланиб қолди. Ҳозир унинг кўз олдиди ўзи билан хайрлашаётган ўша қувноқ капитан гавдаланганди. Саидалневлнинг ҳорғин чеҳрасига табасум югурди. Тошбоев унинг ҳолатини тушунмади:

— Ишонмаяпсизми дейман?— деди у.

— Нимага? Ўша аёлнинг даво топишигами?

— Ҳа, уни мен даволашимга?

— Шу касаллиكنинг ўзини яхши биласизми? Диагност қўйдингизми?

— Ўрганияпман. Ҳозирча ванна бераверсакмикан, дейман?

— Мен қайдан билай?— деди Саидалнев кулиб.

Тошбоевнинг гаши келди. «Бу одам мунча лоқайд?» деб ўйлади.

— Мунча суст, хотиржамсиз, Аҳмаджон ака?

— Ҳа, доктор, шундоқ. Бу хил чигалнинг учини топай десангиз ҳовлиқманг. Агар кўнглингизда ишонч туғилган бўлса, шу масъулиятни устингизга олишдан қўрқмасангиз, муваффақият тилайман.

Форемляк врачнинг айтганларини бузмай бажарди. Унинг кўзларида умид учқунлари кўринди. Олти ваннадан кейин унинг кўкраги ва оёқларидаги яралар тўкилиб, ўнг оёқ тўпиғидаги ёриқлар ҳам тузала бошлади. Бундан Тошбоев беҳад хурсанд, аёл эса севинчини ичига сиғдиrolмасди.

Даволанишнинг биринчи давраси тамом бўлди. Елизавета Борисовна ҳазиллашиб:

— Мен яшардим шекилли,— деди.

Тошбоев уни станцияга кузатиб борди.

— Тошкентда сизга ўхшаб қийналган касални кўрсангиз албатта менга хабар қилинг,— деди у хайрлашаётиб.

Абдулхай тез кунда Форемлякдан хат олди.

«Салом, ўртоқ доктор! Ўзимни яхши ҳис қиляпман,— деган эди хатида — товонимдаги чўкир яра тамомила битай деб қолди, бемалол юряпман. Ҳеч бир даво кор қилмай қийналган бир беморни учратдим. Фёдоров деган киши, мен ётган касалхонада экан, махсус бориб кўрдим. Гапириб берганимдан кейин шўрлик қувониб, ҳатто йиғлаб юборди. Унга яқинда путёвка тўғрилаб бермоқчилар. Докторлар аҳволимни кўриб ҳайрон қолдилар ва Фёдоровни ҳам юборадиган бўлдилар...»

Тошбоев Тошкентга, терп-таносил касалликлари институтига бориб Фёдоровни кўрди, профессор Дьяковга учраб у билан маслаҳатлашди.

Бош врачнинг ўринбосари Мўминов малака ошприш учун ўқишга кетадиган бўлди. Унинг ўрнига одам тайинлаш масаласини ўзаро муҳокама қилганда Мўминов бош врачга:

— Менмича энг мувофиқ номзод Абдулхай,— дедн.

Тошбоев ҳозир бош врач ўринбосари.

БАЛЕРИНА

Алла мактабдан боши оғриб, исптмасн кўтарилиб қайтиб келди ва ётиб қолди. Оёқлари қаттиқ оғрирди, врач кўриб: «Қизингизда полиомелит» дегач, она бирданнига ҳўнграб йиғлаб юборди. Қизн балетга қизиқар, кичкинналигиданоқ «балерина бўламан» деб юрар, кечалари кўн вақт суратлар альбомини қўлига олиб машҳур балерина Уланованинг расмига узоқ вақт қараб ётарди.

— Боламнинг ҳолн энди нима кечади?— дедн она ноумид бўлиб.

Бола эса ҳали ўз фожиасини сезмас, ҳали ҳам севган суратлар альбомини олиб варақларди. У врачларининг «тузалиб қоласан» деган сўзларига ишонар, опаси ҳам унга: «Тез тузаласан, оппоқ қизим» деб, қайта-қайта айтарди.

Алла балериналарнинг ҳаёти ва иши тўғрисида онаси-га кўп саволлар берар, онасининг улар тўғрисидаги ҳикоясини завқ билан тингларди. Касал бўлганидан кейин Алла бундай саволларни яна ҳам кўпроқ берадиган бўлди. Алла улар ҳақида гапирганида она баъзан йиғлаб юбориб, кўзини бекитиб хонадан чиқиб кетарди.

Йиллар ўтди. Алланинг оёқлари ҳамон ҳаракатсиз эди. У суратлар альбомини энди кўпдан бери очмай қўйган. У катталарга:

— Қачон юра оларкинман?— деб савол берарди. Катталар эса аввалгича:

— Тузалиб кетасан,— деб овутишарди. Аммо Алла энди уларнинг сўзларига ишонмасди.

У ўн беш йилдан буён шифтга қараб гипсда ётибди. Ўн беш йил-а!

Бир куни онаси «Известия» газетасида босилган «Чортоқ сувининг мўъжизалари» сарлавҳали мақолани ўқиди.

Бир неча кун ўтиши билан Алла Амосова Пермдан Чортоққа келди.

Алла биринчи кунлариёқ санаторий медсестраси, мулойим ва дилкаш Зоя Жафарова билан дўст бўлиб олди: Дастлабки кунлари у ваннага тушганида Зоя ёрдамлашар эди. Сал вақт ўтиши билан биттагина қўлтиқтаёқ билан юрадиган бўлиб қолди. Яқинда унга ҳам эҳтиёж қолмаса керак.

Алла даволаниш муддати ўтгандан кейин Пермга қайтиб кетмади, санаторийнинг ўзида қолишга рози бўлди. Уни кутубхонага ишга олдилар.

ЯШИЛ ТЕПАЛАР

Ривоятларга кўра Чортоқ асли тожикча «Чортахт» дегани эмиш. Бир замонлар тўрт тепаликда тўрт подшо яшар экан. Улар бир-бирлариникига тепаларни бир-бири билан улаган тўртта ёғоч кўприкдан бориб келар эканлар. Ҳозир ҳам Мучум ариғига солинган кўприклар бор. Аммо булар афсонавий кўприклар эмас, чинакам бетон кўприклар. Бу кўприклардан тўртта эмас, ўз тақдирининг эгаси бўлган совет кишилари, яъни санаторийда ҳар ойда даволанадиган 600 киши юради. Яқин орада яна иккита янги корпус қурилиб ишга туширилгач, ҳар ойда 800 киши даволанадиган бўлади.

Санатория атрофидаги гўзал тепаликлар, тоғлар баҳорда шойи ва бахмалга бурканади, бироқ июль кирмасиданоқ, ўт-ўлан ва гуллар куйиб хизгинак бўлади, тепаликлар қип-ялонғоч бўлиб қолади. Ахир, бу ерда Иттифоқ миқёсидаги катта курорт шаҳри бунёд бўлади-ку. Атрофдаги хунук манзара — сарғайиб ётган ўтлар касаллар кўнглига ёқмайди.

Саидалиев бу ернинг табиатини ўзгартириш тўғрисида анчадан буён ўйлайди, ҳар хил планлар чизади.

Тажиба ўрганиш учун уни мамлакат жанубидаги Иттифоқ курортларига юборишган эди. Сочи, Железноводск, Кисловодск шаҳарларига бориб, у ердаги ўрмонлар, гўзал сарвзорлар, қарағайзорлар, гулзорларни кўрди, уларга мафтун бўлиб қайтиб келди. Кисловодскнинг «Храм воздуха» деган жойи айниқса ёқиб қолган эди. Аҳмад ям-яшил тепаликда туриб шаҳарга назар ташлаганида, кўзига Кисловодск эмас, гўё Чортоқ сана-

торияси кўринган, ботиб бораётган қуёшнинг қизил нурлари тепасида порлаб турган Эльбрусга назар ташлаганида, бошига оқ чойшаб илган Чатқол тоғи кўз олдига келган эди.

— Худди бизнинг жойимизга ўхшайди, ярим доира шаклида тоғлар ўраб олган,— деб пичирлади ўзича. Аммо бу ер кўм-кўк гўзал либосда, Чортоқ эса қип-яланғоч.

«Храм воздуха», яъни «Ҳаво қасри» — нега бундай ном беришган экан? Ҳа, дарахтзор ва гулзорлар билан қопланган бу тепаликда доим шабада эсади, тоғ чўққиларидан муттасил соф ҳаво келиб туради. Одам енгил нафас олади, роҳат қилади.

— Хўш, хўш,— деди у ўз-ўзига, ҳатто бармоғи билан пешонасига чертиб ҳам қўйди,— худди шунақа жой, ўзимизнинг ҳаво қасримиз Чортоқда ҳам бор-ку, фақат меҳнат ва маблағ керак, холос. Агар бизнинг Чортоғимиз кўкаламзор қилинса, Кисловодскдан сира қолишмайди.

Қайтиб келиши билан қурувчиларни, ёрдамчи хўжаликдаги агроном ва бригадирларни тўплади. Улар Чортоқни табиий манзараси жиҳатидан Кисловодскийга айлантириш ланини узоқ ва қизгин муҳокама қилдилар. Тахминий ҳисоблаб смета туздилар, курорт атрофидаги тепаликларга дарахтлар ўтказиш, уларни кўкартириш ва «Ҳаво қасри» буйёд қилишни лойиҳага киритиш учун «Ўзгоспроектга» таклиф-тавсиялар ёздилар.

Саидалиев лойиҳачиларни икки марта бўлғуси «Ҳаво қасри»га олиб чиқиб теварак-атрофни кўрсатди, бу ишларнинг зарурлигини исбот қилди, уларни бунга ишонтиришга ҳаракат қилди. Аммо иш тезда амалга ошмаслигини, дарровгина маблағ чиқарилмаслигини у биларди. Шунинг учун ҳам:

— Ўзимизда бор имкониятларни ишга солайлик, раҳбарларнинг диққатини жалб этиш, уларни қизиқтириш учун аввало ўзимиз озгина жойни кўкартириб кўрайлик,— деди.

Эртасига ходимларни санаториянинг сув резервуари атрофига олиб чиқди.

— Мана кўрипглар, бу ерлар сувсизликдан куйиб, қип-яланғоч бўлиб ётибди. Сув оқиб чиқиб кетадиган жойдан сувни тепага олиб чиқиб, 4—5 гектар ерни суғорсагу, дарахт ичига эса қовун-тарвуз эксак, нима дейсизлар?

Бу таклифга ҳамма рози бўлди. Ҳашар бошланиб кетди. Бир ҳафтадан кейин траншеялар қурилди. Тепага сув олиш учун ташламага қувур уланди.

Ердан катта-катта тошлар териб олинди. Ер кетмоп билан чопилди. Бу ишга бутун коллектив иштирок қилди. Ҳатто Холмирза ота билан Жабборали ота ҳам хийла кексайиб қолганликларига қарамай: «Биздан ҳам ёдгорлик қолсин», деб кетмоп кўтариб ҳашарга чиқдилар. Бутун тепаликни суғориш учун қувурлар дўнгликлардан қандай қилиб олиб ўтилади? Бу иш осон бўлмади. Сув тепага чиқмади. Бу масала олдиндан пухта ўйланилмаганлиги маълум бўлди. Аммо иш бўлган жойда хато бўлади, хато тўғри ишга ўргатади, иложи топилди. Сув тепага ўрлаб кетди.

Тепаликдан очилган беш гектар янги ер ям-яшил бўлди. Қовун-тарвузнинг биринчи ҳосили ҳам пишди. Олма, нок, анжир, шафтоли кўчатлари барг ёзиб бўй чўзди.

— Энди ҳам маблағ чиқаришмасмикин?— деди санатория бош врач. — Шу ерда пишган қовундан олиб ўзим Тошкентга, курортлар бошқармасига бораман.

Чортоқда «Ҳаво қасри»ни бунёд қилиш орзуси доим унинг тилида.

— Юринглар, мен сизларга бизнинг «Ҳаво қасри»мизни кўрсатаман,— деб бош врач бизни тепаликка олиб чиқди. Бизга кўтарилаётган сўқмоқни кўрсатиб,— шифо йўллари мана шу сўқмоқдан бошланади. Бу биринчи йўл бўлади. Нарироқда, қизғинроқ бўлиб кўриниб турган ёнбагирдан иккинчи шифо йўли бошланади. Ундан тепароқда, анов кўкат билан қопланган қияликни кўряпсизларми, учинчи шифо йўли ана шундан бошланади. Биз врачлар касалнинг ҳолатига қараб шу йўллар бўйича пиёда юришни иқлимий даволаш комплексининг зарурий бир қисми деб биламиз. Шифо йўлларида сайр қилиш моддалар алмашинувини яхшилайдн, организмга қувват беради, асабларни мустаҳкамлайди, иштаҳани очади, ошқозон ва ичакларнинг яхшироқ ишлашига ёрдам беради.

Тепаликнинг чўққисига чиқиб олдик. Пастда «оқ олтин» водийси яшил денгиздай чайқалади. Охирини кўз илғамайди. Водийда шабада эсиб туради. Ана шу водий шабадаси тепаликда тоғ шабадаси билан қўшилиб, ажойиб ҳузурбахш бўлади. Тоғ шабадаси тинмай ғириллаб туради.

— Мана бу ерга чойхона, унинг ёнига ресторани қурмоқчимиз. Мана бу томонда ҳар хил сувлар, ширинлик ва бошқа нарсалар сотадиган киоскалар бўлади. Нариги дўнгликда қироатхона, кичкина спорт майдончаси, кинопункти, буфет-киоска бўлади. Шу дўнгликнинг нариги томонида катта кўл қилиш учун мувофиқ жой бор. Вақти келиб, қайиқларга тушиб сайр қилиш учун кўл ҳам бунёд бўлар. Хуллас, бу дўнг-теналиклар курортчилар ва Чортоқ курортни аҳолисининг дам олиш жойига — гулзору ўрмонзорларга айлантирилади. Энди бир тасаввур қилинг-а, ҳа, бизнинг бурчимиз шунини бунёд қилиш.

Бош врач ўйланиб қолди ва чуқур нафас олиб, деди:

— Кеча Тошкентга курортлар бошқармасига телефон қилувдим. «Ҳаво қасри» қуриш планлари нима бўлди?— деб сўрадим. «Қанақа «Ҳаво қасри»? Жуда ҳам хаёлпараст одам экансан-ку, у ерда ҳеч қандай «Ҳаво қасри» қуриб бўлмайди, биз Чортоқни яхши биламиз» деб жавоб беришди. Тўшунмайдилар. Хаёлнинг зарурлигини тушунмайдилар. Хаёлсиз тараққиёт бўлар эканми?

Ҳозирча ишни бошлаб юбориш учун бизга эллик минг сўм керак. Планимиз каттаку-я, санаториямиз водий бўйлаб шимолга томон ўсиб бораверади. Бунда шаҳар пайдо бўлади, санаториягача келган асфальт йўл тоғ ичига кириб кетади,— у санатория территориясида сал шимолроқда қурилган уйлارни кўрсатиб,— кўриб турганингиз бу уйлارни бизнинг ходимларимиз қурган. Бутун бир посёлка пайдо бўлди. Унинг шарқидаги дарахтзор — колхоз боғи. Шу боғни «Ҳаво қасри»гача давом эттирамиз. У бир неча юз гектар келаётган катта мевазор боғ бўлади.

Кеч кира бошлади. Биз санаторияга қайтдик. Йўлда кета туриб, Саидалиев «Ҳаво қасри»нинг майда-чуйда тафсилотлари, қаерда қанақа ҳайкаллар, қанақа скамейкалар, паркда қандай дарахтлар бўлиши, уларнинг кўчатлари қаерлардан олиб келиниши ва бошқалар тўғрисида гапириб келди.

УИ-ХАЕЛЛАР

Аҳмад табиат ва ҳаётни кузатиб бориб, таассуротларини, ўз пазарида муҳим бўлган воқеа ва ҳодисаларни, уларга қарашини ва фикрларини хотира дафтарига ёзиб боради.

«Бутун Фаргона водийсининг курортлогиясини жиддий ўрганиш ва унга боғлиқ бўлган ғоят муҳим проблемаларни ҳал этиш пайти келди,— деб ёзган хотира дафтариди. Бупинг учун ишни шу ернинг ўзида территориялар курортлар бошқармаси тузишдан бошлаш керак. Ана шунда кундалик ишларни, туғиладиган янги, фойдали фикрларни амалга ошириш осонлашади. Курортлар ҳам тез ривожланади. Водийда ҳозироқ курортга айлантириш мумкин бўлган анчагина жойлар бор: Ўзбекистон Маестаси — Чимён, Ўзбекистон Цхалтубаси — Жанубий Оламушук. Хўш, Ванновский-чи? Унинг суви Железпоевскдаги Смирновск сувининг худди ўзи. Водининг иқлими Иттифоқимиздаги энг яхши тоғ-иқлимий курортларидан қолишмайди. Чодак қишлоғи атрофида, Чодаксой бўйларида ажойиб тоғ-иқлимий санаторияларни қуриш мумкин. Чотқол тоғлари ичкарисига қараб борадиган бўлсангиз, эҳе-й-й, қандай курортбоп гўзал жойлар бору...»

...«Заркент дам олиш уйини қуриш плани устида уч кун ўтирдик. Зарур маълумотлар ва материалларнинг ҳаммасини тўплаб тайёрлаб юбордик. Ё «ҳа» ё «йўқ» дейилиши керак, холос, аммо республика бошқармасидан ҳануз садо чиқмаяпти. Бу ҳақда 1962 йилдан бери гапирляпти. Тайёр жой денг. Данғиллама бпно. Битта қозонхона қурилса бас. Ҳозирча территориядаги булоқдан фойдаланиш мумкин».

...«Курортология илмий текшириш институтининг директори Ёқуб Мўминов билан «Чимён» больнеологик касалхонасини кўриб келдик. Бу Чортоқ санаториясидан аввал қурила бошлаган эди, ҳозиргача санаторий фақат қоғозда. Ташкилотчи керак, ташкилотчи».

...«Чортоқ сувини қайнатиб туз ҳосил қилиш масаласи билан шуғулландик. Сувни қайнатишни ошпазмиз Ҳошимовга буюрдик. Катта кастрюлни тўлдириб қайнатиш натижасида 8 килограмм туз олинди. Тузни анализ қилиш учун Тошкентга Семашко институтига юбордик.

Бизни даволаниш учун Чортоққа келолмайдиган касаллар шу туздан фойдаланиб даволаниши мумкинми, деган масала қизиқтиради. Агар туздан фойдаланиб даволаниш мумкин бўлса хоҳлаган одам аптекадан олиб фойдаланаверади. Ахир, агар касалларни сувдан олинган туз билан даволаш мумкин бўлса, буни Иттифоқдаги истаган ҳар бир касалхона қилиши мумкин.

Яна бир масала. Бизда содали сув ҳам чиқади. Ошқозон ва ичак касалларига даво бўладиган ширин сув. Шу сувга газ бериб, уни шишаларда сотиш масаласи ҳам муҳим. Тошкент, Фарғона сувлари машҳур бўлиб кетди. Яхши. Аммо бу сув ҳам фойдали, шифобахш хусусиятлари жиҳатидан Тошкент сувидан қолишмаса керак. Бироқ бу сувга ҳеч ким қизиқмайди. Ҳолбуки, унга 1960 йилдаёқ газ бериб, ичиб кўришган ва мақташган эдилар...

...«Ёқуб Мўминов билан Фарғона водийсидаги курортларни ва курорт барпо қилиш мумкин бўлган жойларни ҳам айланиб кўрдик. Дастлаб Заркентга чиқиб кетдик. Дарага келдик. Баланд-баланд тоғларнинг қор билан қопланган оппоқ чўққилари кўкни тешиб киргандай кўринарди...

Биз дам олиш уйи қурамыз деган жойга ҳам етиб келдик. Жойнинг гўзаллигини кўринг: боғ, токзор, асалари-лар гулдан гулга қўниб юрнбди. Утлардан асал ҳиди келяпти.

— Қалай,— дедим Ёқуб акага. Бинолар ҳам тайёр. Дам олиш учун кам топиладиган жой-а?

Жой Ёқуб акага маъқул тушди.

Кейин қурилаётган Чимён курортига йўл олдик. Йўлакай Ванновский булоқлариши ҳам кўриб кетдик.

— Бунга Фарғона суви деб ном беришди,— деди Ёқуб ака. Ғавғоси кўп бўлди, бу сувнинг. Шикоят хати олдик. Унда: «Врачлар сувни дорига ўхшатиб оз-оздан беришадди, магазинларда эса газли сув сифатида сотишяпти. Нега шундай?» деб ёзишибди. Сувда минераллар кўп эмас, шунинг учун ҳам газ бериб ичса бўлаверади.

Яна йўлга тушдик. Мен кўнглимдаги гапларни, планларимни айтиб бердим.

— Ҳозир биз шифоли сув булоқларига борамиз. Бу сувларнинг ҳаммасининг анализи сизга юборилган. Бу минерал сувларнинг составини аниқлаш юзасидан сизнинг институтингиз кўп иш қилди. Ўзингиз ҳам бу ҳақда кўп ёздингиз. Қанчалик яхши ва ажойиб фикрлар билдирдингиз. Қани энди шулар амалга ошса.

— Мен директор сифатида кўп ҳаракат қилдим,— деди Ёқуб ака.— Ҳозир санаториялар касаба союзларига ўтиб кетганлиги учун Соғлиқни сақлаш мионистрлиги бу иш билан шуғулланмай қўйди.

Чимёнга келдик. Бундан ўн йил бурун бу ерга келган эдим, ўшанда курортни қандай ҳолда кўрган бўлсам, ҳо-

зир ҳам шундай дейиш мумкин. Ўша-ўша кичик бинолар. Бир неча котедж солинибди, йўлга асфальт ётқизиблиди. Лойиҳага кўра 500 кишилиқ курорт бўлиши керак эди. Ҳали бунинг на водопроводи ва на канализацияси бор.

Иш таққа тўхтаб қолибди. Ташкилотчи раҳбар бўлганида бирон йўлни қидирар ва топиб олар эди-ку!

Биз Водилга қараб кетдик, «Москвич» ёғоч кўприкдан ўтиб, кўм-кўк тепаликка томон чиқди.

— Бу ерда дам олиш уйи қуришни қандай қилиб тезлатса бўлади?— деган саволни бердим.— Водийнинг энг гўзал, баҳаво жойларидан бири. Фарғона яқин. Унда нефть саноати ўсяпти, тўқимачилик комбинати, заводлар, Марғилон ипак комбинати, фабрикалар бор, бошқа бир қанча корхоналар қурилмоқда, ишчилар синфи кун сайин ўсяпти. Дам олиш уйларига путёвка топиш йилдан-йил қийинлашиб бормоқда. Тройницкий ёки бошқа дам олиш уйлари ҳаммани таъмин эта олади дейсизми?

Наманган районида ҳам меҳнаткашларнинг оммавий дам олиши учун жуда мувофиқ жойлар бор. Одамларнинг дам олиши тўғрисида ҳозирдан бош қотириш керак.

— Курортларни кўпайтириш ва борларини кенгайтириш устида кўпдан бери ўйлашиб, яхши-яхши планлар тузиб келяпмиз,— деди Ёқуб ака.— Аммо уларни амалга оширишга ташкилий ва молиявий қийинчиликлар ҳалақит бериб турибди. Қурилаётган ва қурилган корхоналар бу ишга бош қўшишлари керак. Улар маблағ ажратиб берсалар молиявий масала ҳал бўлади, ВЦСПС-нинг бу ҳақдаги қарорларини тезроқ амалга ошириш учун йўл очилади.

— Ташкилий қийинчиликлар-чи? — Улар пулга боғлиқ эмасми?

— Биласизми, ўртоқ Саидалиев,— деди саволимга жавобан Ёқуб ака,— Фарғона водийсида курортлар, дам олиш уйлари ҳамда оммавий дам олиш жойлари барпо қилиш иши билан жиддий шуғулланиш керак.— Бу фикр менда ҳам туғилган эди. Ёқуб ака гўё шу фикрни юзимдан ўқигандай қулиб савол берди:— Сизнингча, жамъи курортларда неча ўрин бўлар экан?

Мен чўнтагимдан водийда қурилиши мўлжалланган курортлар схемасини олиб, Ёқуб акага бердим. Схеманинг четидаги стунда рақамлар чиқарилган, пастда, чизик тагида «жамъи 4600» деб ёзилган эди. Мен ҳар қайси курорт ҳақида муфассал гапириб бердим.

— Шунча кишига мўлжалланган курортлар Фарғона водийсини тўла таъмин этади, ҳатто бошқа область ва республикалардан келган касалларни ҳам бемалол жойлаштира олади,— деди Ёқуб ака.

Ҳурматли профессорнинг хулосасидан ғоят мамнун бўлдим...

ШУ КҮНЛАРДА

Поездимиз эрта билан Чортоқ станциясига келиб тўхтади. Вагонлардан тушган пассажирлар вокзал саҳнига қараб шошилмоқда. Йўловчилар орасида қўлтиқтаёқ, ҳатта ушлаган кишилар ҳам анча бор. Оппоқ халат кийган нажмат қиз йўловчиларга қараб шошилди келмоқда:

— Чортоқ санаториясига борадиганлар шу ерда тўхтабди,— дейишди улар баланд овоз билан.

Санатория машинаси вокзал майдончасига келиб поезднинг келишини кутиб турибди. Пассажирлар билан танишамиз. Шофёр ёнида бир чол ўтирибди. Унинг қорғин юзини ажин қоплаган. Қўлларида қўлтиқтаёқ. Бу киши — Собир Ҳайдаров, бинокор. Унинг ёнида Муяссар Содиқова деган аёл ўтирибди. Тожикистондан келаётган бу аёл кўп йиллардан буён радикулит касалидан қийналмоқда. Бошга кўк биретка кийган ёшгина қиз Хабаровскдан келаётган экан. Автобусдаги 22 пассажирнинг ҳаммасини таърифлаб ўтиришнинг ҳождати йўқ. Уларнинг ҳаммаси бу ерга шифо топиш, кейин жўшқин ҳаётга қайтиш ниятида келаётган беморлардир. Санаториянинг оппоқ бинолари узоқданоқ кўриниб қолди. Машина кенг хиёбондан ўтиб қабулхона олдига келиб тўхтади. Қабулхона олдидаги шинам саҳна касалларни навбатчи врач кутиб олди.

— Хуш келибсизлар, ўртоқлар,— деб саломлашди-да, санаториядаги тартиб-қоидаларни, Чортоқ минерал суви-нинг асосий хусусиятларини қисқача гапириб берди. Унинг гапидан касаллар мамнун бўлишди шекилли, қорғин юзларига табассум югурди.

Санатория ҳаёти бошланди.

Майин шабада дераза пардаларини ҳилпиллатмоқда. Радио карнайларига музика садоси, касаллар секин қадам ташлаб ошхонага бормоқдалар.

Территория ўртасида махсус даволаниш корпуси солинган. Бундаги лаборатория, рентген кабинети, функционал диагностика, электр, парафин, массаж, юқори босимли ток кабинетлари ва физкультура заллари энг замонавий аппаратлар ва ускуналар билан қурулланган.

Ваннахонага келдик. Вақтинча ваннахона талабга жавоб беролмайдиган бўлиб қолган. Бино торлик қилади, ванналар кам.

— Яқинда янги ваннахонамиз ишга тушади. У Қисловскдаги Октябрь ваннахонаси лойиҳаси асосида ишланган,— деди бўлим бошлиғи ўртоқ Шафиқова.

Визиллаб бирин-кетин самосваллар, юк машиналари ўтиб турибди. Улар тинмай ғишт, шағал ва бошқа қурилиш материаллари ташияпти. Бир бино қурилиб тамом бўлиши билан иккинчиси бошланади. Ҳозирги янги корпуслар қурилмоқда. Ҳар йили 200 тадан ўрин ошиб бориши, ниҳоят, 3—4 йил ичида санатория 1200 ўринли комбинатга айланиши керак.

Тўртинчи корпусда врачлар комиссияси мажлис қилмоқда. Мажлисда Янгиқўрғон районида келган уста Раҳимовни даволаш масаласи муҳокама қилинмоқда. Унинг юрак асаблари зарарланган. Чортоқ суви шифо бўлиш эмас, аксинча уни хароб қилиб қўйиши мумкин. Муҳокама натижасида яна бир марта электрокардиограммасини олиб кўриш керак, деган қарорга келинди.

Даволаш корпусида бугун бош врач касалларни қабул қилмоқда.

— Кимнинг навбати?— деб сўради бош врач кабинетидан чиққан медсестра.

Бир эр киши жойидан турди ва қўлтиқтаёқларига таянганича лапанглаб кабинетга кириб кетди. Бу киши даволаниш учун келган Дерглазов эди.

Бош врач касалнинг яраси ва организмнинг бутун ҳолатини диққат билан текшириб кўрди. Саидалиев аҳволнинг мушкуллигини билса ҳам касалга далда берди. У Дерглазовни ўз назоратига олди. Икки-уч кун ярани дорилаб боғлади. Аммо бу даволаш эмас эди, буни оддий амбулатория ҳам қила оларди. Саидалиев ярани даволаш йўллари қидирар, ҳар хил тиб китоблари, справочникларни varaқларди. Олимлар радон ваннаси ва яхши газлар тери касалликларининг тузалишига ёрдам беради,

дейди. «Ваннага газ тўплаб даволаб кўрсак-чи. Одатдаги ваннада газ қолмайди, учиб кетади. Эҳтимол шу кор қилса» деб ўйлади бош врач.

У Дерглазовга оқиб турадиган сувда ванна қилишни тайинлади. Ваннада тўпланган газлар минерал суздаги бошқа элементлар билан қўшилиб ажойиб натижа берди. Шу тариқа беш ванна қабул қилгандан кейин парда битиб, эт сеза бошлади, шиши қайтди, яра кичрайиб қолди.

Бир йилдан кейин яра тамомла битиб кетди. Дерглазов ҳозир протездан бемалол фойдаланяпти. Садалиев Дерглазовга ўхшаган касаллардан қирқ беш кишини санаторияда тузатиб юборди. Врач бу ҳақда Семашко номидаги Курортология, физиология ва физиотерапия институтининг илмий кенгашида доклад қилган эди. Бу институт нашр қиладиган илмий мақолалар тўпламининг 6 томида Садалиевнинг «Тропик яралар ва эски остеомиэлитни Чортоқ минерал сувида даволаш» деган катта мақоласи босилиб чиқди. Бу мақоланинг илмий аҳамияти катта.

Врач Абдуллаев ҳам илмий иш билан машғул. У Чортоқ минерал суви билан эски гастрит касалини даволаш проблемаси устида илмий иш олиб борапти.

Врач Тошбоев эса периферик нерв системасидаги касалларни даволаш масаласи юзасидан анча самарали ишлар қилиб қўйди.

Чортоқ санаториясининг додруғи ошиб бормоқда. У Иттифоқ шифохонасига айланиб бормоқда. Бу ерга даволаниш учун Ўрта Осиё республикаларидан, Москва, Ленинград, Харьков, Рига, Красноярск, Свердловск шаҳарлари ва Иттифоқимизнинг бошқа кўпгина шаҳар ва областларидан, шунингдек Чехословакия, Германия Демократик Республикаси, Польшадан ҳам касаллар келмоқда. Бундан ҳамма шифо топиб, йиллар бўйи азоб берган касалдан қутулиб, чин кўпгилдан миннатдор бўлиб кетмоқда. Яқинда қўлтиқтаёқларга таяниб келган Тошкент ёшият заводининг ишчиси Маматқул Искандаров санаторияда даволаниб қўлтиқтаёқларини ташлаб кетди.

— Кечаси ҳатто танца тушишни ҳам ўргандим,— деди у хайрлашгани врач олдида кирганида.

«Мен сизнинг санаториянгизда дам олдим ва даволандим,— деб ёзди Сирдарё областидаги Қарл Маркс ном-

ли совхознинг агрономи Лесних.— Санаториядан кетаётганимда фикрлар дафтарингизга ўз таассуротимни ёзишга тўғри келмади, энди буни ушбу хатимда изҳор қиляпман. Ўзимни жуда яхши ҳис қиляпман. Ура! Касал енгилди. Ташаккур сизларга, ташаккур ва минг қара ташаккур!..»

Целиноград областидан ёзилган хатда бундай дейилган:

«...Кўп йиллардан бери ревматизм касалндан қаттиқ азоб чекапман, кўп даволандим, шифо тополмадим. «Охрана труда и социальное страхование» журналыда Чоротқ сувининг бу хил касалга яхши таъсир этиши ҳақидаги мақолани кўриб қолдим, одамлардан ҳам сизнинг курортингиз ҳақида, ходимларингизнинг касалларга жуда самимий эътибори ҳақида яхши фикрларни кўп эшитгайман. Қандай қилиб мен сизнинг санаториянгизга боришим ва даволанишим мумкин? Менга бу ҳақда маслаҳат беришингизни илтимос қиламан...»

Бош врач номига ҳар кунни жуда кўп хатлар келади. Бу хатларда совет кишилари маслаҳатлар сўрайдилар, ёрдам истайдилар, санаторияга келиб тузалиб кетганлар раҳматлар ўқийдилар, ташаккур баён қиладилар.

Инсон ташаккури ва миннатдорчилигидан ҳам баланд мукофот борми?

Бундай катта бир шифо комбинатини идора қилиш осон эмас, албатта. Иш бир зайлда силлиққина ўтиб турмайди, муваффақиятсизликлар ҳам бўлади, хато ҳам бўлади, қутилмаганда кўнгилсиз воқеалар ҳам юз бериб қолади. Баъзан шундай кунлар ҳам бўладики, устма-уст кўнгилсизлик келаверади. Ана шунда раҳбар ҳамма ишни ташлаб кетгиси келади. Ана шундай кўнгил қаттиқ хижил бўлганида, қийинчилик, оғир вазият босиб қолганида бош врач Саидалиев санаторияда даволаниб уйларига қайтаётганларни кузатгани чиқади-да, тузалиб ҳассасини, қўлтиқтаёғини ташлаган, баданидаги неча йиллик яраларни битиб кетган, ҳали яқиндагина қаддини букиб қўйган қаттиқ бел оғриғидан асар ҳам қолмаган, хуллас, кўп йиллар азоб бериб келган оғир касалликлардан халос бўлган кишиларнинг шод-хуррам юзига қарайди, бир-бирлари билан қилаётган ҳазил, аскияларига қулоқ солади, уларнинг хурсандчилигини кўриб, кўнгли ором топади, уларнинг аския ва ҳазилларига ўзи ҳам қўшилиб кетганини сезмаям қолади.

Кечалари клуб биноси гавжум, юқори қаватда баян овози, ўйинга тушганларнинг дукур-дукури эшитилади. Ҳаваскорлар кечасига тайёргарлик кўриляпти. Тўрдаги кенг хонада бильярд ўйнашяптилар. Чеккароқда кичик-кичик столлар орқасида ўтирган одамлар шахмат, шашка, дамино ўйнашяпти. Қуйи қаватдаги залда касаллар врачнинг медицина мавзuidaги лекциясини эшитмоқдалар. Ҳар куни кино бўлиб туради.

— Яқинда театр биноси тушади ва кенг экранли кинотеатримиз бўлади,— деди бизга ҳамроҳ бўлиб юрган санатория партия ташкилоти секретари врач Файзулла Абдуллаев.

Врачлар билан, шу кунларда дўстлашиб қолган бошқа ходимлар билан хайрлашмоқдамиз. Ҳаммаси ёшлар. Энг қариси ҳали қирққа борган эмас, кўпи ўттизга ҳам кирмаган. Санатория ҳам ёш, коллектив ҳам ёш. Куч-ғайрат, журъат, жасорат, ирода ва идрок ёшликнинг ажралмас йўлдоши.

1964

Хуш келибсиз, азиз меҳмонларим! Қадамларингизга ҳасанот. Ували-жували бўлинг, камол топинг шу ерда. Биз ҳамиша, умрбод биргамиз!..

Утган йили, баҳор билан шу ерда учрашганимизда, йўр-э, баҳор йўлимизга пешвоз чиқиб, бизни шу сўзлар билан кутиб олганда, кўз олдимни қоронғи босдим. мен унинг ширин овозини эшитдим дилбар қоматини, гулгун юзини кўролмадим. Биз бир-биримизга азалий ошиқмиз...

Мана шу ерда худди шундай туриб, хийла тикилиб қолдим. Тикиламан-тикиламан, қанн энди бу атрофда қаққайган бир туп дарахтга, қанот қоқиб учган қушга ёки бирон жондорга кўзим тушса! Йўқ! Кўз илғаган атроф нуқул қумтепа: бир-бирига мингашиб ётибди. Яшириб нима қиламан, гапнинг ҳалоли, юрагим шув этиб кетди. «Эҳ бизни бу ерга чорлаган баҳор, қанисан ўзинг!» деб хитоб қилдим унга.

Қаёққа қарамайин қумтепаю яйдоқ саҳро. Олисда, осмон зийини ўпиб ётган қорли тоғлар этагида яшил қишлоқлар кўркини кўз-кўз қилиб турибди. Яланғоч қумтепалар бўлса, гулистон ўртасидаги ўлик эт, гўзал юзга тушган ҳуснбузар.

Ростини айтсам, кўнглим қайтди, ўзимдан қаттиқ хафа бўлдим: «Нимагаям кўкрак кериб отилиб чнқа қолдим. Тинчимни, фароғатимни бузмасам, менга биров бир нима дермиди?»

— Биз ҳамиша, умрбод биргамиз. Қўрқма, дадил бўл!— қулоғимда яна шу сўзлар янгради.

Ватан учун жон олиб, жон берганимизда, оламни босиб келаётган сариқ вабони инсоният бошидан кўтариб ташлаш, одамларнинг осойишта ҳаётини қўлларига қайтариб олиб бериш учун ажални изма-из қувганимизда, беш йил муттасил давом этган ўша даҳшатли уруш тў-

фонларида ҳам қулоғимда шу сўзлар янграган эди: «...Дадил бўл! Биз ҳамиша, умрбод биргамиз!»

Салкам ўн тўрт йил олдин, худди шу кунлардан бирида, Прагани озод қилганимизда, қардошимиз чехословакларни фашизм сиртмогидан халос қилганимизда, сариқ иблисни ўз инига қувиб бориб, Берлин рейхстагига Ғалаба байроғи тикилган шодиёна кунимизда у менга жамол кўрсатди, юзимдан ўпди, мен ҳам...

Ўтган йили, ҳали қиш чиққанича йўқ эди, дастурхон тепасида катта бир анорни тўрт бўлиб, ҳақиқ доналарига қараб турувдим. У келиб бетимни спйпади:

— Капитан,—деди,—фароғатингни бир оз бузаман. Биласанми, гўзал Фарғонангнинг чор атрофи бўстону ўрта бели қумтепа, тўқай, унга ҳануз инсои қўли теккани йўқ. «Оқ олтин», шу анор, таърифли узум, олмалар ўша ерда яхши битади. Борганмисан? Бор, сени кутяпти. Биз ҳамиша, умрбод биргамиз!—деди-ю, юрагимга яна ишқ ўтпти ёқди.

Бу сафар у менни ажал қувиш жангига эмас, йўқ, «ўлик этга» жон киритиш жангига йўллади.

Мана, «жанг» майдонида қароргоҳ қуряпман: аскарларимни қаердан қаёққа қараб тизсам, қаердан қаёққа қараб ҳужум бошласамкин? Аммо, юрак бетламай турибди. Тикилиб турибман: қумтепалар гўё тоғу мен улар устига қўнган читтак. Юрак бетламаса одам ўзини шунақа ожиз сезар экан. Йўқ, бу ҳужумга мен ярамайман, ожизман, дейинми бориб? Ҳақ гапни айтсам, номус кучлилиқ қилди: «Уялмайсаими, капитан Исмоил Сармонов?—дедим ўзимга ўзим.—Армия сени йигирма йилдан ортиқ тарбиялади, командир бўлдинг. Ҳеч қачон, ажал билан олишганингда ҳам чўчимадинг, шў тупроқ, унинг оромини қўриқлаш ишқи сени ҳамма ўлимлардан сақлади. Энди бу ишқ, шу қумтепаларни қув, бу ерни бола-чақанг учун, келажак авлод учун гулистон қил, деганда орқангга тисариласанми? Номард демайдими сени? Унинг юзига қайси кўз билан тикиласан?...»

Шунда денг, ўз қишлоғимиз эсимга тушди. Унинг оти Тошлоқ. Бу номни эшитган одамнинг кўз олдида яланғоч тошлоқ—чўл гавдаланади. Келиб кўрсангиз унақа эмас—бўстон. Номини тескари қўйишган экан, деб биздан хафа бўласиз. Шу қумтепаларга тикилиб туриб ўйлаб кетдим: «Бир замонларда Тошлоққа қапа

тикиб, қадамба-қадам тош суриб, сув чиқариб ер очган, шу ерда дарахт кўкартириб мевазор, узумзор боғлар бунёд қилган катта боболаринг фақат ўз фароғатини ўйлаганда, сенга шу бўстон қолармиди? Қани айт-чи, капитан Сармонов, сен бу дунёга нимани деб келдинг, нима қолдирасан? Обод қил бу ерни. Бўстон бўлади».

— Ҳа, бўстон бўлади. Ҳамиша, умрбод биргамиз.

Шундай қилиб денг, изланиб, кўнгил қайтиб, дадил тортиб, хуллас, ҳужум режаси тузилди.

Мана энди бўлар гапни бир бошдан гапирай: ўтган йили плк баҳорда қаҳрамонлар Қремлда Партия ва Ҳукумат раҳбарлари билан учрашиб қайтиб келгандан кейин, бир кун кеч оқшомда мени райкомга чақирди.

Бордим.

— Ўртоқ Сармонов, сизни муҳим маслаҳат билан чақирдик. Чўлда колхоз тузсак, сиз шунга раис бўлсангиз деймиз. Талабгорлар сизни шунга муносиб кўришди,— деди секретарь.—Хўш, нима дейсиз? Ватан биздан пахтани кўпайтиришни талаб қиляпти,—деди у сўзини якунлаб.

— Нима дердим, ўртоқ секретарь,—мен солдатман, Ватан нимани буюрса, шунга тайёрман.

Иш шундан бошланди. «Тайёрман» дедиму лекин осон бўлмади. «Талабгорлар» мен билан тўрт киши, бола-чақаларимиз билан ҳаммаси бўлиб ўн тўрт киши бўлдик. Шу «аскар» билан «полк» дастлабки ҳужумга кирди. Ҳужумда техника бизга мададга келди. Бульдозерлар қумтепаларни сура бошлади, азамат экскаваторлар хандак қазиб, ихота қурди. Қумни селдай оқизиб келувчи шамолнинг йўли тўсилди. Бир жойни олиб, иккинчисига ҳужум қилавердик, қумтепалар бирин-кетин кўчиб қочаверди.

Ҳа, дарвоқе, бу орада сафимизни тўлдиравердик, мадад кетма-кет келиб турди. Лекин биз чертиб-чертиб, жуссаси чоғ бўлса ҳам, чайирини, юрагида ишқ ўти кўпроғини танлаб олдик. Ишқсиз юракнинг кесакдан нима фарқи бор, алангаси бўлмаса бир парча эт-да, у! Ана шу юрагида ишқ ўти ёнганлар қўл келди бу курашда бизга.

Бир куни чошгоҳда денг, «полк»имизнинг мард «танкчи»ларидан Мелибой билан Ҳошимжон чигит экишга ер ҳайдаётган эди. Бирдан ҳай-ҳайлаб чақириб қолишди.

Борсам, иккаласи трактордан тушмай, кўча қумдан ихота учун кўтарилган тупроқтепа тагида чўзилиб ётган бир нимага тикилиб туришибди. Қарасам, лўлаболишдек баҳайбат бир махлуқ — эчкемар; хунук тумшугини нам тупроққа тираб, ҳансираб ётибди. Қумтепалар ҳукмронни, сахро махлуқларининг «шоҳи» ўз «ўрдаси» билан қочолмапти. Ростини айтсам, эшитган эдим у аммо, эчкемарнинг бунақанги каттасини, бадбурчишини кўрмаган эдим.

— Бостир! — дедим.

Мелибой устига трактор солди. Ўлигини чуқур қилиб кўмиб ташладик. Бу ерда биз кўрган охириги йиртқиш махлуқ шу бўлди.

Энди «полк»имиз йигитларидан баъзилари билан таништирай: Жўрабой Юнусов — «рота» командири. Шу зор учмаган қумлоқ сахрога ўтган йили ҳаёт суви бериб, йигирма тўққиз гектар ерда гўза кўкартирди. Ватанга ҳар гектаридан йигирма саккиз центнердан «оқ олтин» олиб берди. Ҳозир у колхозимизда ҳосилот советининг раиси. Эски замонларда «тоғни талқон қилган» афсонавий қаҳрамонлар бизнинг Жўрабойча қаҳрамонлик қилганмикин?! Ишонгим келмайди!

Ўринбой Омонов, Ғафуржон Ҳалиловлар чўл қувлаётган, сахрога жон бағишлаётган, шу даштга умрбод баҳор олиб келган довурақларимиздан. Ҳу, ана улар: яшил гўзаларини ардоқлашапти. Кўрдингизми?

Мелибой Раҳмонов, Ҳошпмжон Юсуповларни танийсиз: булар иккиси ҳам юрагида ишқ ўти ёнган ҳақиқий ошиқ; гўзал қизларимиз — икки дугона — Қориялар уларнинг севгилиси. Чўлда бино бўлган шу қишлоқда туннов куни тўйларини ўтказдик. Қўша қаришсин, ували жували бўлишсин!

Олам бино бўлгандан бери бу жойнинг номини ҳеч ким билмаган. Мана энди колхозимизнинг номи «Янги ҳаёт», қишлоғимизнинг номи ҳам.

Катта асфальт йўл ёқасидаги ошхона — чойхонамизни бугун 1 Майга очамиз. Икки ёни бор. Намангандан, Андижондан, Қўқондан, Марғилону Фарғонадан ўтувчиларга бекат — истироҳат жойи. Анвойи хил гулларимиз ҳадемай очилади, гул ҳидлаб, тоқзор, олмазорларда сайр қиласиз.

Ишқ-муҳаббатимизнинг бир йиллик ҳисоби шу.

Ишқ ҳамиша биз билан.

Фарғона деганда бу ерни кўрган-билган кишилар кўз олдида теварак-атрофини булутлар билан ўпишган азм тоғлар ўраб олган экинзорлар, боғ-роғлар, шарқираб оққан сойлар, асов дарёлар, кўкаламзор қишлоқ ва шаҳарлар гавдаланади. Гўзал Фарғона деб ном қўйганларининг бонси шудир балки. Пахтага кон, ипакка кон, мевага кон, роҳатижон Фарғона. Ҳа, шоирларимиз таърифини дoston қилиб озмунча шеър ёзмаганлар! Шу гўзал Фарғонанинг қоқ ўртасида, марказида олам жаҳон ерини банд қилиб ётган қумтепалар, ботқоқ ва тўқайлар унинг ҳуснига тушган доғ эди.

Ҳа, шунақа эди. Эҳтимол, этни кабоб қиладиган, тухум қўйсангиз қовурадиган бу қумтепалар неча юз йиллардан бери шу тахлитда жазиллаб ётгандир. Бу номаълум. Бунинг бизга аҳамияти ҳам йўқ. Аммо гап гўзаллик нуқсони бўлган бу саҳрога қачон, кимлар ҳужум бошлади? Ким бу ерга дастлаб ниҳол ўтқазди? Кимлар бу ерда ҳақиқий ҳаёт қурди? Мана бунисининг аҳамияти бор.

...Янги замон, фуқарони ер-сувли қилган улуғ ҳужум замони бошланганда мен ҳали ёш бола эдим. Отам Сармон арабмозорлик бўлиб, фақир деҳқон эди. У вафот этди. Ҳали номини топиб ейишга қурбим етмай етим қолдим. Фарғонадаги қизил аскарлар командиринга отбоқар бўлдим. Кейин солдат.

Эсимда: илк баҳор кунларидан бирида Марғилонда катта йиғин бўлди. Одми беқасам тўн, тулки телпак кийган хушқомат киши, Ўзбекистон Марказий Ижроия Комитетининг раиси Йўлдош Охунбобоев минбарга чиққанда ҳамма гулдурас қарсак чалиб борди.

— Биз — пахтакорлармиз. Энди марзасиз катта майдонга пахта экмоғимиз керак. Бизнинг бурчимиз Советлар мамлакатини пахтага бой қилиш, яхлит ерларда мева дарахтлари кўкартиришдир,— деди у.

— Еримиз тор-да, Йўлдошбой,— деди бир мўйсафид.

— Сизлар уюшсаларинг, бирлашсаларинг бас. Семиз, бўз ер кўп,— деди у. Батрак ва камбағалларга Ёзёвонни кўрсатди. Ўзи бош бўлиб, ботқоқ қуритди, шўр қувлади. Мана энди Фарғона районлари қаторида пахтакор, боғдор Охунбобоев райони бор.

Сал кейин Қўқон билан Поп, Чуст, Тўрақўрғон рай-

онлари ўртасидаги қамишзор тўқайга ҳужум бошланди. Қамиш қийратилди, ботқоқ қуритилди. Охунбобоев канили қазилиб, Сирдарёдан сув олиб чиқилди. Мана энди Наманган области районлари қаторида пахтакор, богдор Задарё райони бор.

Марказий Фарғона саҳроси икки томондан сиқила борди. Буларни халқ ишқининг ўти бунёд қилди. Янги дунё одамлари бошлаган иш азм дарё бўлса, булар унинг бир томчиси эди. Бироқ бизнинг бу шер қадами-миз империалистларга ёқмади. Улар талвасага тушиб қолишди. Гитлерни бизга қайраб солишди. Ўзимиз қурган янги дунёни сақлаб қолиш учун ҳаммамиз ёвга қарши отландик. Уруш муттасил беш йил вулқондек отилиб ёниб турди. Биз енгдик. Капитализм ардоқлаган йиртқични ўзининга қувиб бориб мажақладик.

Ғалаба байрамини биз Чехословакиянинг қадимий шаҳри Прагани гитлерчилар панжасидан халос қилиб кутиб олдик. Чех дўстларимизнинг халоскорлари қаторида гвардия капитани Исмоил Сармоновнинг аскарлари ҳам бор эди. Чех қизлари бизни даста-даста сирень гуллари, дўстлик, тинчлик гуллари бериб табриклади... Биз уларни қутладик.

Элга қайтиб келдим.

...Мана, уч йилдирки, Марказий Фарғонада гўзаллик яратяпмиз. Гўзаллик осонгина ўзи яралмайди. Бунинг учун табиат офатлари билан муттасил олишасиз, жанг қиласиз. Ўз тажрибамиздан мисол келтириб шуни айтиб қўяйки, ҳақиқий жангдагидек бу кураш ҳам тактикани, иш кўзини билиб тузилган режани талаб қилади. Тепаларни йиқитиб текислайверган билан муродга етмайсиз. Баҳор пайтлари бир бўрон кўтарилиб берса, қум лойқа сувдек оқиб келади. Қарабсизки, сиз текислаган ерни босибди, сиз йиқитган бир тепа ўрнида икки бархан қад кўтарибди. Меҳнатингиз зое кетибди. Ана шунда табиат олдида ожиз қолиб, бошингизни чангаллаб ўтирасиз.

Дарвоқе чўл билан чўлнинг фарқи бор. Баъзи чўллар нуқул бўз ер, тупроғини кўтарсангиз бас: буни ер қилиш унча қийин эмас. Уларда, ҳар қалай ўсимлик ўсади, нам бўлса бас. Бизники ўзгача: бўз ер кам, кўпи қумлик, қип-яланғоч бархан, ўсимлиги юлғун.

Бу чиройни қандай яратдиларинг дейсизми? Ҳа, ишқ-муҳаббатимизнинг бир йиллик ҳисобини ҳикоя қилганимда айтганимдек, биз адашиб, қийналиб, кўнгил қайтиб,

яна ҳамла қилиб, бу ернинг бўронига ҳам, жазирама-сига ҳам қарши турадиган йўл топдик: қумтепаларни йиқитиб, текисладиг-у, айни вақтда очилган ер чегарасига дарахт экиб, тагидан сув оқиздик, иқлимни ўзгартирдик. Шамол йўлини тўсадиган ихота—дарахтлар бунёд қилдик. Оқиб келган қум ўтолмайди.

Келган йилimiz эккан узум, ўрик, шафтоли мевасига бу йил сўзимиз тегди. Мана бу ҳусайиннинг боши ва допасини қаранг: шираси томоқни олади. Марҳамат. Ўтган йили қирқ олти гектар ерга боғ қилдик: узум, анор, анжир, олма, гилос, олча, ўрик, шафтоли, гайноли—ҳаммасидан бор. Ишқ-муҳаббат меваси тез етилади!

Энди халқимизнинг асосий касби, ифтихори бўлган пахтадан гапирай: еримиз 650 гектарга етди. Ўтган йили областда биринчи бўлиб планни бажардик. Буларнинг қўлидан нима келарди, ғўзасини қум куйдириб юборади, деганлар тилини тишлаб қолди.

Тўғри, осон эмас. Баҳорги бўронда оқиб келадиган қум чегарангдан ўтганда, осмондан ёғиб турганда, ёзги жазирама левикдеганда асраб қолиш жуда қийин. Бунга ҳам йўл топдик: кузда ерни чуқур ағдариб ҳайдадик, бетидаги қумни тагидаги тупроқ билан аралаштириб қўйдик. Қиш бўйи кўпчиб ётди.

Нимага дейсизми? Шундай қилмасангиз, ишнинг пачаваси чиқади. Чигит ташладингизми, ер илиши билан беҳато униб чиқади. Яхши. Кўриб терингизга сиғмайсиз. Аммо куннинг бир даража иссиғи қумда ўн даражага айланади. Эртасига қарабсизки, кеча яшнаб турган ғўзаларингиз бугун қиёмда жизғинак бўлибди. Фигонингиз чиқиб тепасида тураверасиз. Қумни тупроққа аралаштириб юборганимизнинг боиси шу.

Қумтепалар ўртасидаги мана бу яшил гиламни кўрдингизми? Ҳаммаси пахта —«Янги ҳаёт» пахтаси. Ҳозир олти-еттидан тўқ кўсаги бор. Булар август охирида, сентябрь бошида очилиб беради.

Булар қийинчиликдан қутулибди дерсиз? Йўқ, қутулганимиз йўқ ҳали... Ишқ бизга ҳаминша ёр, бу ерда ҳамма келиб хурсанд бўладиган яшил гилам бор.

...Май ойининг охирилари эди. Қаттиқ бўрон кўтарилди. Энди ердан чиққан ниҳол нима, одамни ҳам гандираклатади. Еру кўк қум—кўз очиб бўлмайди. Нариди, анави тепалар орқасида қатор-қатор сап-сариг гирдибод осмон бўйи кўтарилиб айланиб юрибди. Қўқон йўлидан

янги ўзлаштирилган икки юз гектардан ортиқ ихтосасиз ердаги ғўзамизни офат қийратди. Юрагим орқамга тортиб кетди. Энди тамом деб ўйладим. Янги ернинг баҳодирларини—Карим Ғойибов, Обид Тақибоевларнинг руҳи тушиб кетди. Яшириб нима, бригадирларгина эмас, ўзимнинг ҳам умидим узилди. Қачон экамизу ғўза қачон яна шундай бўлади?

Шунда ишқ-муҳаббатимиз бизга яна ёр бўлди. Яна баҳор индосини эшитдик.

Ноумидлик йўқолди, ерни қайта ҳайдаб эдик. Мана энди гулу кўсагини кўринг—кўнгил ўсади!

Қовуш, тарвузининг ҳамма хили бор. Бу ерда ҳар қовун, ҳар тарвуз битадикли, шакар дейсиз. Ҳа, оқжўхори, маккажўхорини айтмайсизми, чакана битмайди. Чўлда шоли бўлади деса, бекорчи гап, дейишарди. Мана, кўкин кўринг.

Чўл қувлаган, юрагининг ўти қумтепаларни ётқизган қаҳрамонларимиздан баъзиларининг номини айтай. Муҳаммаджон, Мелибой, Исроил, Орифжон, Эмиржон, Машраббойлар дашт юзини ўзгартиришди, юзадаги қумни кўмиб, ер тагида димқиб ётган тупроқни кун таптига олиб чиқди—унумдор қилишди. Шоввозларимиз, таъбир жоиз бўлса, чўлга дастлаб ҳужум бошлаган тапкчиларимиз шулар. Мана бу яшил пайкалларга қаранг-а, универсал бўйига, энига бориб келяпти. Кетмон ораламайди, букчайиб чопиқ қилишдан колхозчиларимиз халос бўлган.

Чўл меҳнати кўп кишиларга мактаб бўлди. Яшириб нима, Тўхтаназар қўрс, тўнг, ичкиликка ружу қўйган, тўғриси айтсам, саёқроқ йигит эди, меҳнатга бўйин бермасди. Колхозимизда ичкиликбозликни кўпчилик маънаётган. Ҳамма ичмагандан кейин Тўхтаназарнинг якка ўзи шумшайиб қолди, ёнига қўшиладиган топилмади. Ичкилик ичмайдиганлар уни ўзларига бошлиқ қилиб сайладилар. Мана энди у яхши бригадир, тиниб-тинчимас раҳбар, партия аъзоси!

Салкам уч йил бурун, бу ерга колхоз бўлиб келганимизда ўн тўрт киши—тўрт хўжалик эдик. Мана энди 191 хўжаликмиз, одам ҳисобига 720 кишидан ошдик. Чўлга одам келармиди? Йўқ! Бўйнига арқон солиб судрасангиз ҳам келмасди. Буларни ишқ ўти олиб келди. Шу ишқ ўти «Янги ҳаёт» колхозини бино қилди.

Ўтган йили кузда, бу йил қишда 12 йигитимиз уйлан-

ди. Уларнинг юрагидаги оташга Андижон, Марғилон, Тошлоқдаги қизлар хуштор бўлибди. Қарнай-сурнай чалдириб, «Янги ҳаёт»да катта тўй-томошалар қилдик, узоқ-яқиндан одам чақирдик.

Ўсдик, яна ўсамиз. Шинамгина клубимиз бор. Шаҳардан чиққан артистлар шунда ўйин кўрсатади. Тез-тез кино-картина қўйиб турилади.

...«Янги ҳаёт» партия ташкилотининг секретари Худойберди Мўминов—чўлга дастлаб ҳужум бошлаганлардан бири. Шу ишларнинг ҳаммасига, ҳаммамизга сиёсий раҳбар. Қелганимизда коммунистлар иккимиз эдик. Худойберди менга тикилди, мен унга. Иккимиз ўтириб кенгашдик, яъни «Янги ҳаёт» партия ташкилотининг биринчи мажлисини бошладик.

— Партия номидан айтаман, орқага қайтиш йўқ!— деди Худойберди.

— Орқага қайтиш йўқ!

Партиянинг улуғ фикрини, чўлни қандай қувиш кераклиги ҳақидаги режасини ҳаммага эълон қилдик.

Гапни чўзмайин, мевасини ўзингиз кўриб турибсиз. Ушанда коммунистлар 2 киши эдик, ҳозир—18 кишимиз.

Ўсдик, ўсяпмиз.

Чўлга ҳужум бошлаганлар буларнинг ўзи экан-да, деманг тагин. Неча-неча колхозлар бор бу атрофда. Ҳар томондан ҳужум бошланган. Мен фақат ўз ишқ-муҳаббатимиз бизга ҳамиша ёр бўлиб қурган ҳаётимизни гапирдим. Йиллар ўтар, Марказий Фаргона деб ном олган бу ерда сариқ доғ қолмас, бу ер бутун водийнинг кўрки бўлиб қолар. Бунга ишонаверинг.

Бизнинг чўлда яратган бўстонимизни чет эллардан кўп кишилар келиб кўрди: қойил қолишди.

Ишқимиз ўти ҳамнша биз билан, бизга ёрдир!

1958—1959

Попликлар Тожибой акани тежамли, омплкор деҳ-
қону аммо, гапда йўқ, дейишади. Тўғри, у район йиғи-
лишларида ҳам пешанасини уқалаб бир чеккада индамай
ўтиради, индамай чиқиб кетади. Агар бирор гап сўраб
қолгудек бўлсалар, у барваста қоматини аста кўтаради,
қисқа жавоб қилади-ю, ўрнига чўкади, яна ўз хаёлига
берилади.

Райондагилар, унинг одати шу, дейишади хиёл киноя
билан. Аслида эса, Тожибой аканнинг кўнглида Поп ер-
ларининг қачон, қандай ясантирилганига боғлиқ ҳикоя
етилган эди. У баъзан қулай фурсат, қулайроқ жой то-
либ ўз ҳикоясини фикран пишитарди.

Бугун тонг тиниқ ёришди. Куз офтоби эрталабдан
оқшомги ёмғир заҳрини сўра бошлади. Ранс далаларни
бирма-бир отанқ айланди. У гоҳ отин пайкал чеккасида-
ги тутга боғлаб қўйиб, теримчилар қаторида эгат орала-
ди, гоҳ Тўхтасин ва Таслимларнинг машиналари бун-
керида капалак бўлиб айланаётган момиқни кўриб завқ-
ланди. Худди ёшлигидагидек отдан сакраб тушди-да,
йўл ёқасида турган болани миндириб саройга жўнатди.

Капал суви ёздагидек малла, безовта эмас, жим, жи-
мирлаб оқарди. Сувнинг ҳар жилоси гўё уни имлайди,
қулоғига алланималар деб шивирлайди. Қизик, қачон шу
ерга келса хаёли бойингандай, шу улкан анҳор сувининг
ҳар жилосида бу ерларнинг ўтмиши, ҳозиргиси ва кела-
жаги варақлангандай бўлаверади, кўнгли жўшиб, ҳикоя-
си сайқал топаверади.

— Эсингдами, бу ерларни ясантиришга келган куним-
даги тўй?—дея шивирларди сув гўё.—Қирғоғимда мен
билан баравар югурганларнинг, ўша қийқириқ, ўша ялла-
лар эсингдами?

Ҳа, эсида... Эсдан чиқармиди ўша унутилмас кунлар?
Эсдан чиқсинми, дарёдек тўлқинга келган ўша улуғ халқ
ҳаракати?

Ўшанда Тожибой Поп ерларининг этагида, Сирдарё лабидаги Келачи деб аталган қишлоқда ташкил топган кичкина бир колхознинг раиси эди. Унинг ўзи шу қишлоқлик. Нимага номи Келачи, бунга ҳануз ўзи ҳам ҳайрон. Қишлоқнинг ҳар уйида кели бўлар, буларда жўхори туйишарди. Шунданми ёки одамлар ва от-аравани дарёдан у ёқ-бу ёққа ўтказиб турадиган ёғоч кема шу ерда эди, балки шунданми—қандай сўздан чиққан бўлса-да—Келачи. Шуниси равшанки, ўша вақт ҳисобида келачиликлар колхоз районининг пешқадам хўжаликларидан эди. Унинг раиси Тожибой район гурунгида Маъруфхон, Ҳакимбой, Анбар акалар қаторида эътибор топган эди.

Эсида: ғўзани кўқартиршга кўқартирдилару саратон кирганда навбат сув тортиларди, қовжираган экин қуруқшаган тупроқ «сув!» деб илтижо қиларди. Янги, ҳали қаддини ростлаб олмаган хўжаликларнинг раислари орасида сув талашиб не-не жанжаллар бўлмасди. Ўшанда қанча-қанча хонадон уй-жойини ташлаб, суви сероб жойга кўчиб кетди.

Эсида: айни жазирама иссиқ, бўрсилдоқ тупроқ оёқни куйдиради, Тожибой кўҳна толлар тагида қумлоқ ариқ ёқалаб сув бўйлайди; танасининг ярми ўпирилган шу толлар баҳайбат огизларини очиб унинг сувини ҳўплаб қўяётгандай, қум сувни тортиб кетаётгандай... унинг юрагини ваҳм босади: жилдираб бораётган шу сувни экинга етказа олармикин? Поп ўртасидан ўтган сой ўшанда ойинга икки марта сув кўрар, ёз бўйи шагалтоши қизиб ётарди.

Канал лимиллаб, жим оқади, жилваси, алланималар деб шивирлайди.

...Кейин Поп даштларида аллақандай одамлар пайдо бўлишди. Даштнинг қоқ ўртасидан худди йўл тортгандек белги қўйиб кетишди. Кейин бу ердан Катта Фарғона дарёсига ўхшаш канал ўтармиш, суви дарё бошидан олинармиш, сувининг оқиш йўлини мутахассисларга ўзимизнинг поплик Мамадалнҳожп Эрмат боласи кўрсатиб берганмиш, деган гап тарқалди. Орадан сал ўтмай попликлар, атроф район ва қишлоқ аҳолиси, этакдан тожиклар ўша кишилар тортиб кетган чизик бўйлаб гўё кўчиб чиқишди. Унда ҳозиргидек экскаваторлар, тупроқсувар бульдозерлар йўқ эди. Шундай катта канални одамлар кетмон билан қазиб, тупроқини замбил ва қопларда кўтариб чиқдилар. Ҳар колхозга кучига қараб алоҳида

участка бўлиб берилган эди. Тожибой ўшанда қирққа қадам қўйган бўлса-да, ернинг қандагини суғуриб олмади, деб юрадиган вақти эди. Ўн қадоқли кетмонни гурсиллатиб урганда кетмон заранг ерга зўғатасигача ботар эди, кечалари машъала ёқиб ишлар эдилар. Қўлига кетмон, лўм ушламаган ким қолувди дейсиз! Маъруфхон ака канал кўксини созлаган, худди меъмор иморат пештоқини нақшлагандек меҳр билан силлиқлаган эди...

Канал лимнлаб, жимирлаб оқади, шивирлайди:

— Кейин-чи, кейин нима бўлувди, эсингдами?

Ҳа, эсдан чиқармиди ўша тантаналар...

Тилинг неча мақомга буралиб, атрофингга салқин шабада пуркаб, дашт ўтинни ўчириб сен оқиб келувдин; сени интизор кутган юз-юз одам йўлингга этагини поёндоз қилган, ҳаёт нафасингни кўзига суртган, севинчдан кўзлари намланган; раққоса Мукаррам Уста Олим чирмандасининг оҳангига олдинда ўйин тушиб юрган, қирғоқнингда Ҳалима қўшиғи янграган эди. Қирғоқларнинг тўлиб кетингдан югурган одамлар, ўша қувноқ кулгилар, ялла, қийқирнқлар, шарафингга чалинган гулдурос қарсақлар, ушалган асрий орзунинг ўша шоду хуррамлик тўйи — ҳаммаси кўнгилда.

— Ҳа, ўлик тупроқни тирилтирадиган жон бошлаб келдингиз,—деган эди Йўлдош Охунбобоев.— Энди деҳқонлик санъатингизни юзага чиқаринг, ерингизни шундай ясантирингки, ғўзаларингиз ёз бўйи қулоқларинда исиргаларини селкилатиб турсин, кузда эса, тўлиқ кўсақлари хандон кулиб, кумуш пиёлачаларини қўлингизга тутсин...

Тожибой аканнинг назарида ўша йиллар Понгина эмас, бутун республика ерлари белига каналлардан кумуш камар боғлаш учун, сув омборлари қуриш учун умумхалқ зафарли юрнш қилган йиллар бўлган эди. Ўшандан бери у ер ясантиради, ғўзалари қулоғига исирға тақади, ўшандан бери пахта тутган чаноқларни — улкан деҳқон Йўлдош ота таъбирича—кумуш пиёлачаларни кўнайтириш ишқиде ёнади.

Канал чайқалгандай бўлди. Тожибой ака қаради, жилловлар бир-бирини қувиб ўйнади.

— Басми, ҳикоянг тугадими?

— Йўқ, тўхтаб тур бир оз...

Кейин юрт осмонини қора булут босди—уруш бошланди. Тожибойнинг тadbиркорлиги, тежамлилиги ана

шунда иш берди. Пахта билан бир қаторда дон етказишга эътибор берилди. Ер оз, аммо емишга дон кўп талаб қилинади. Оқ жўхори экилди, жўхори ҳам гўжа, ҳам нон...

Лекин катта оилада ношуд фарзандлар ҳам бўлади. Районда, тўдаликлар оғир вақтда ерини ясантиришни уйдалаёлмабди, деган гап тарқалди. Бир кун, қирқ олтинчи йил эди шекилли, уни райкомга чақиринди.

— Сизни бир маслаҳатга чақирдик,— деди райком секретари.— «Правда» колхозни чўкиб қолди. Раиси ношудлик қилди, ўз нафсини тийлмади. Халқ ишдан ҳайдаб юборди. Эшитгандирсиз?

— Эшитдик.

— Сизни талаб қилишяпти. Нима дейсиз?

— Нима ҳам дердим, қўшнинг талабини қайтариб бўлмайди. Майли, бораман.

Тўдада чиндан ҳам аҳвол оғир эди. Омбор қуп-қуруқ. Дала иши бошланадиган пайт. Емишга ҳеч нима йўқ, от-улов ҳам абгор. Идорада Абдуллажон Худойберганов Тожибой аканинг кўзига тикилди:

— Нимадан бошламоқчисиз? Дон бўлмаса одамларни далага чиқариб бўлмайди,— деди у.

Янги раис одамлар билан идорада, кўчадагина эмас, уйма-уй қириб танишиди: ишни шундан бошлади.

Бухгалтер тўғри айтган эди, дон керак: бўш қоп тик турмайди. Аммо донни қаердан олади, шу оғир пайтда ким беради унга?

Шу кун оқшомда у ҳеч кимга ҳеч нима демай Келачиқа қайтиб кетди. Бундан воқиф бўлган Абдуллажон ҳайрон бўлди; нима бало, айниб кетдимикин раис? Йўқ, раис айниб кетмаган эди. Эрталаб тўрт-беш машина тўла юк билан қайтиб келди. Бу, Абдуллажон айтган дон эди. Тожибой ака ўз рўзгорида тежаган жўхорини, колхоздан ўзига, оиласига ҳисоботда чиққан галлани ҳам машиналарга ортиди, бунинг устига ўз колхозидан қарз кўтарди. Ҳаммаси ўн икки тонна дон бўлди. Абдуллажон янги раиснинг ҳимматига қойил: албатта қовуштиради одамларни!

Тожибой аканинг ўз ибораси билан айтганда, у тўдаликлар билан салкам беш йил нон-қатиқ бўлди, оғаниндек ҳамжиҳат ишлади. Ўшанда пахта ери уч юзу эллик гектар бўлиб, ҳар гектаридан ўн бир центнердан

ҳосил олинарди. Шу йиллар ичида пахта майдони салкам уч барабар, ҳосил икки ярим барабар ошди, тўдалик йиғитлар машиналарни ўз измида юргизди. Ер ясанди, омбор тўлди, янги қишлоқнинг пойдевори қўйилди. Ўша оғирчиликда бошқа ёққа кўчиб кетган хўжаликлар қайтиб кела бошлади. Хўжаликни бошқаришнинг моҳир усталари етишди.

Бир кун, ҳисобот-сайлов йиғилишидан олдин эди шекилли, уни яна райкомга чақирди.

— Сизни бир маслаҳат билан чақирдик, Тожибой ака.

У секретарга ҳайрат назарини тикди.

— Ҳайрон бўляисизми?

— Яна ўша гапга ўхшайди.

— Ҳа, топдингиз. Сизни попниклар талаб қилиш-япти...

Орқадан эшитилган қадам товуши Тожибой аканинг хаёлини бўлди. У истар-истамас ўгирилди. Қўлида конверт ушлаган бола ҳаллослаб келарди.

— Бир йиғит бериб кетди, ранс ота, сизгамш, дарров топиб ўз қўлига бер, деб кетди. Мана бу ёққа югурди,— деди бола ҳансираб.

— Балли, азамат, балли,— деди ранс конвертни олар экан.

Бола, ранс отасидан мукофот олгандай суюниб, келган изига ғизиллади.

Тожибой ака конвертни очди, канал бўйида тик турганича хатни ўқиб чиқди. Аввал мийиғида аллақандай истеҳзоли кўлги кўринди, кейин бирданга ўчди, ҳатто сийрак, кўнғир мўйлови бир-икки силкиниб учди, бақувват бармоқлари пешанасини уқалай бошлади. Хатни ғижимлаб сувга улоқтирмоқчи бўлди-ю, қандайдир куч тўхтатиб қолди. «Йўқ, Тожибой, ўзингни бос, жаҳл чиқса ақл қоцади, жаҳлни жиловла,—дея ўзига ўғит бера бошлади.—Ахир бу хат шахсан ўзингга ёзилган эмас, бутун правленега, партия ташкилотига, ҳамма коммунистларга қаратилган. Буни ҳаммага эшиттир».

У битта-битта қадам босиб, қарама-қарши фикрлар қуршовида идора томон жилди. Орқада эса канал лимиллаб оқар, жилолар бир-бирини қувиб ўйнардди. Кўрганда юрагини тўлқинлатадиган шу жилолар ҳам ҳозир унинг хаёлидан кўтарилган эди.

У хатни яна очди, йўл-йўлакай яна кўз югуртирди:

«ХХII партсъезд» колхози правлениесининг ҳамма аъзоларига.

«Ленинград» колхозининг правлениесидан очик хат.

«...Қадамнингиз бизга ёқмаяпти, ўртоқлар. Олдинда боришнинг уддасидан чиқолсаларингиз тезроқ юринглар, бўлмаса йўлни банд қилманглар, биз ўтиб олайлик...»

Тожибой ака хатнинг шу ерини ўқиди-ю, ўзича заҳар-ханда билан кўлди: «Ҳеч бўлмаса, олдин етиб ол, ўзиб кет, ундан кейин: «Қадамнинг суст, бизга ёқмаяпти» деб таъна қил-да, ўғил болалар... Етиб келгунларингча биз жим ўтирармикинмиз? Йўқ, хомтама бўласиз! Ё менга шама қилишяптимикин: «Қаридинг, энди йўлни бўшат» деб. Йўқ, бўшатмаймиз ҳали, хомтама бўласиз!.. Қўлингиздан келса етиб ола қолнинг: етказмаймиз!»

Унинг кўз олдида ҳар маҳалла алоҳида уюшиб ташкил топган ўша тетапоя хўжаликлар заминнда улғайган ҳозирги қудратли колхозлар, кетмонларнинг елкага ташлаб, белларига биттадан нон боглаб далага чиқадиган, кечқурунлари чойхонада муаллимдан ҳарф ўрганадиган камбағал-батраклару ҳозирги ҳисоб-китоб илмига моҳир, тупроқшунос раислар, даланинг оғир ишларини машина елкасига ортган оқил йигит-қизлар гавдаланди. Кўнгли хуш тортгандай, жаҳли тарқагандай бўлди. Ахир, шу йигитлар орасида ҳамон тажрибадан дарс бериб юрибди-ку!

Йигитлари тушмагурлар-э, ҳар замон-ҳар замон Тожибой акага, гўжахўр, деб тегнади-я. Тўғри, у уйдан жўхорини узмайди, гўжа ош ичмайди эмас, ичди, ҳеч кимдан сир тутмайди. Аммо бунинг на камбағалликка, на тежаб-тергашини яхши кўришига, на зикналикка дахли бор. Ахир, у ўзининг ҳеч нимасини ҳеч кимдан қизганмайди, бу ҳаммага аён. Энди гўжа ош ичиш хусусига келганда, унинг ўз таърифи бор. Масалан, дейди у, ошқозоним бузилмасин, доним соз ишласин десангиз кучли таомлар орасида, ҳафтада бир-икки бор сутликми, қатиқлабми гўжа ичинг. Бундан ташқари, қиш ва илк баҳор кунлари гўжанинг ёвғонини оқшомда хумчага қўйинг-да, ўраб ташлаб, эрталаб наҳорга ачитқисини тўйиб ичинг-чи, танангиз яйрайди, аъзойи баданингиз губордан тозаланади.

«Эҳ, йигитлар, манга қарангу кейин ойнага қараб ўз афгингизни кўринг,— деб ўйлади у, гўё улар билан баҳс-

лашгандай,— ҳали кўпингиз билан бел олишади Тожибой акангиз бу майдонда. Шу Турдиевми, бу пойгада биздан ўтиб бўпти!»— У барваста қоматининг ростлади йўлакай. Аммо юрагида бошқа бир ҳис бу фикрга қарши гулу кўтарди: «Хўш, ўтиб кетса-чи, унда нима бўлади? Хўш, нима бўларди, ўзиб кетишса, эл ютқизармиди? Мунча худбин бўла қолдинг ҳозир? Бу ўртоқлик кураши, дўстлик пойгаси. Уларнинг ҳам иззат-нафси бор, ҳар йили эл орасида қизариб қолаверармиди! Ҳисобини топган бўлса, гўза шохидаги «кумуш пиёла»ларининг тезроқ бўшатиш пложини қилса, ўтиб кетиши турган гап. Ахир, сангликларининг устози машҳур эди-ку».

Бароқ қошлари тагидан кўзлари йилтиллаб боқувчи марҳум Мамажон буза худди рўпарасида кулиб турар, гўё: «Хўш, бу ёшлар силкитяптими сизни? Силкитгани маъқул, енгил тортасиз»,— дерди. Ҳозир Тожибой ака бузанинг бир суҳбатдаги сўзларини эслади: «Кўзим равшан бўлсин десанг, олисни кўзла, ниятинг улкан бўлади, улкан ният сени бир ўринда тиндирмайди, олга ундайверади, лекин юриб чарчаганингни билмайсан», деган эди у.

«Йўқ, ҳар қалай, маррага биз олдин етишимиз керак. Бизнинг иззат-нафсимиз шунинг талаб қилади»— деди у фикран.

Идорада партия комитетининг секретари Ҳомидов билан учрашди. Хатни унинг қўлига бериб:

— Сизга, ўқинг,— деди.

Ҳомидов хатни ўқиди-ю, мийиғида кулиб рансга қаради.

— Ҳозиргина буни ўқиб, мен ҳам сизга ўхшаб мийиғимда кулган эдим. Аммо ўйлаб магизини чаққандан кейин бошимни ушлаб қолдим. Назаримда, бу шунчаки, хат эмас, ўртоқ секретарь, каллани ишлатиб кўринг-а, улар бизни қистаяпти. Мен ўйлаб ўйимнинг тагига ҳали етолганим йўқ. Қани, бугун оқшомда ҳаммамиз йиғилиб бирга ўйлайлик-чи, бир қарорга келармиз,— деди ранс.

Правление секретарига бригадирларни, механик-ҳайдовчиларни чақиришни тайинлаб эшикдан чиқди-ю, яна қайтди. Рансинг ҳеч маҳал бу ҳолатда кўрмаган жувон унга ҳайрон бўлиб тикилди: қаттиқ қисталанг кунларда ҳам жуда осойишта кўринадиган, бошқалар жи-

ғибийрон бўлганда гоҳ илжайиб, гоҳ қўй кўзларини ўйчан қисиб: «Асабни беҳудага йўқотманг, тадбирини тополмай қоласиз» дейдиган бу босиқ одам нимага ҳозир бунча безовта, ҳаяжони табиатига хилоф тарзда сиртига тепиб турибди?..

— Ҳа, айтмоқчи,— деди раис,— Башоратни ҳам чакиртиринг.—Кейин Ҳомидовга қаради:—Мен этак томонга, пунктгача бориб қайтаман, сиз юқоридаги хирмонларни тезлатарсиз.

Башоратнинг номини тилга олди-ю, ҳозир ўзи бир тўлганди. Ахир, ўтган йиллари бутун районга довруқ таратган бу механик-ҳайдовчи бу йил теримга аралашмабди, уйда ўтириб қолибди. Ёш боласи бўлса, унга шаронт туғдириш, масалан, боласига қарашга бирор кампирни ажратиш, вақт-вақти билан машинада олиб бориб боласини эмиздириш мумкин эмасмиди? Мумкин эди! У тўрт тоннадан терганда ҳам кунига олтиш теримчининг ишини қилмасмиди? Қиларди, терган пахта-си камда олтиш тонна бўларди! Бепарволикни қарангки, шу кунгача на ўзининг, на Ҳомидовнинг эсига келибди. Агар сангликлар: «Йўлдан чиқиб туринг!» демаганда, балки бугун ҳам ўйламасди-да...

У хирмонлардаги қуруқ пахтани жўнаттириб пунктдан хабар олиб, бугун орқада қолиш хавфидан кўнгли тинчигандай бўлиб келганда жамоат жам эди. У Башорат билан сўрашди:

— Қизим, эртадан бошлаб машинангни минмасанг бўлмайди, болангга яслини иш тепасига кўчириб берсак ҳам майли. Тўғри, қисталангда ўзимиз ҳам сендан беҳабар бўлдик,—деди гўё узр сўрагандек.

— Майли, йўқ деганим бормиди, раис ота,— деди унга жавобан кулимсираб.

Муҳокама бошланди. Ҳомидов ўтирганларни қўшнининг хати билан таништирди. Қирқ центнерчи бригадирлар—Малика, Аломат, Олимбойлар, ҳали ҳам дашт деб аталувчи тошлоқ ердан йигирма беш центнердан ошириб пахта олувчи Мирсултон теримни тезлатишда ўз бригадаларида кўрилган янги тадбирларни айтиб, судралаётган бригадаларни, хирмонларда пахта қуритиш, жўнатиш сустлиги, масалан, ҳозир ҳаво ҳар кун гоҳ ёғиб, гоҳ тумтайиб туришига қарамай, сушилкалар тайёр эмаслиги учун Тожибой аканинг ўзини танқид қилишди. Раис бундан мамнун бўлди, чунки, бу

омилкор ёшлар унинг қанотида ўсди. Демак, у буларга ҳар ишда таяна олади. Шуларни ўйлаб, у яна канал бўйида бўлиниб қолган ҳикоясига қайтди.

— Пой марказидаги икки колхоз анча чўкиб қолди,—деган эди райком секретари гапини давом этдириб.— Йўқ, демайсиз деб номингиздан ваъда бериб қўйдик.

— Талаб бўлган экан, йўқ дермидик. Майли,—деди сафарбар раис.

Шу кунги мажлисга уч колхознинг вакиллари—келачиликлар ҳам келишди. Уч колхоз қўшилиб, бирлашган колхоз правлениесининг раислигига Тожибой ака сайланди. Мана шунга ҳам ўн икки йил бўлибди.

Шундан бери канал тўлиб кўп сув оқиб ўтди. Колхоз ҳаётида катта бурилиш бўлди, техниканинг тилини билган ёш пахтакор авлод вояга етди. Тожибой аканинг ён дафтарида бу бурилиш мана шу рақамларда ифодаланган:

Бирлашган уч колхознинг пахта майдони 960 гектар, ҳосил гектар бошига 21 центнер эди. Бу йилга келиб пахта ери—1186 гектарга, ҳосилдорлик—33 центнерданга етди.

— Нимага шу долзарбда тўхтаб ётган терим машиналари бор бизда? Ёки механик-ҳайдовчи етишмайдими? Бекор юрганлари ҳам бор-ку, ахир!—деди биров.

Тожибой ака сесканиб кетди. Қаради, ўртада Тўхтасин ғоз турарди.

«Башоратга ишора қияпти,—деб ўйлади раис.—Демак, сангликлар хати ҳаммани барабар ўйлантирди, ташвишчи кучайтирди. Демак, ҳамма ишга барабар ёпишадди. Ҳа, чапоқда дур қолмайдди».

Мажлисдан кейин ҳам Тожибой ака ўзининг босиб ўтган йўлини узоқ ўйлади. Кейин туриб хирмонларда қанча пахта қолган, эртага кундузи қанча жўнатиш мумкинлигинини ўз кўзи билан кўриш учун йўлга чиқди. Кўприкдан ўтаётиб каналга қаради. Сув ойдинда лимиллаб жим оқар, жиловлари бир-бирини қувиб ўйнарди.

Уста Мустақим йигилнш ва суҳбатларда сўз олгудек бўлса, гап учини албатта ўз устасига боғлайди, «қийнаб-қийнаб ҳунар ўргатганлигини» таърифлайди. «Ўша дастлабки усталаримиз Лукьяненко ва Ивановлар бизни қийнашдан қўрқсалар, аясалар, бир детални қайта-қайта ишлатмасалар биз уста ишчи бўла олармидик? Хўш, айтинг-чи?— деб сўрайди-ю, ҳамсуҳбатидан олдин ўзп жавоб беради:— Йўқ, уста бўлиш қайда, бу заводда ҳозир бизнинг отимиз ҳам бўлмас эди... Ҳа, улар от қолдирдилар...»

Шунинг учунми, бирон ишдан нуқсон топгудай бўлса, уста аввало: «Жонни қийнамасанг, жонона қайда»,— дейди, кейин кўз қирини қўл учида иш қилган айбдорга ташлайди:

— Қани, ўзинг иссоф билан айт-чи, энди сен билан қанақасига гаплашай?— дейди.

Шу бас. Деталь тузатилади.

Уста бугун ҳам ҳар кунги одатича, жўнатилганга тайёрлаб қўйилган шпинделларни битта-битта қўлга олиб, ҳар қайси шпинделни қўлида айлантирганича, унинг майда тишларини кўздан бир-бир ўтказиб турган эди. «Жонни қийнамасанг, жонона қайда» деган таниш сўзлар яна эштилди, аммо бу сафар устанинг товуши ҳар галгидек осойишта, беозор эмас, титраб-қалтирар эди.

Одамлар ялт этиб унга қарашди, унинг қорачадан келган ранги оқариб кетган, ориқ юзининг ёноғи пир-пир учарди.

— Кўзи бор одам ўтказадими шунин?!— деди у қўлидаги шпинделни кўрсатиб. — Ахир мана буларнинг кўп тишлари йўғу! Бу шпинделлар бизнинг қўлимиздан ўтиб кетди, машина барабанига ўрнатилди, бу машина бирон колхозга борди, деб фараз қилайлик. Хўш, оқибати нима бўлади? Механик машинани миннатдорлик

ва зўр ғурур билан минади, эгатга солади, шпинделлар ғўза тупларини барабар қучиб, чаноқлардаги пахтани тоза олганда, мана бу тишсизлари якка чаноқ қилади, устига-устак пахтани чайнайди-ю, бункерга узатмайди, ҳамма шпинделнинг ишини ана шу иккитаси бузади. Хўш, пахтакор деҳқон олдида ким уятга қолади? Бунинг маломати кимга тегади? Бутун заводга, бизнинг ҳаммамизга!

Уста техника контроли бўлимига бориб, у ердагилар билан ҳам дурустроқ гаплашиб қўйиш ниятида завод ҳовлисига чиқди, назари цех биқинидаги майдончага тушди. Бу ерда жойларга жўнатиш учун эндигина қўйилган, бир йўла икки ва тўрт эгатнинг пахтасини терадиган машиналар тпзилиб турарди. Ҳали бўёқнинг ҳиди кетмаган кўркам, ҳаво ранг бу машиналар энди кириб келган илк куз офтобида товланар, устани ғўё ўз ёнига имлар эди. Буларга қарар экан, устанинг чехраси ёришди, кўнгли юмшади, қалбининг тўрида яшириниб ётган ғурур, ифтихор қад кўтарди. Бу навқирон, муҳташам заводи—тиймай изланувчи, ижод қилувчи коллективининг ифтихори эди.

Унинг оёқлари шу машиналардан бири ёнида беихтиёр тўхтади. Уста унинг сиртини сылади, илгарн бунақа машинани ҳеч кўрмаган, қисм ва деталларини ўзи ҳеч ясамаган, ийғмагандай, бошдан-оёқ унга разм солиб чиқди, ҳозиргина юз берган нохушлик кўнглидан тамом кўтарилди, ижодкор ёшлик шаънига нимадир яхши бир гап айтгиси келди-ю, бироқ ҳозир ўз кўнглига ёқадиган чиройли, маънодор ибора тилига кела қолмади.

— Дард кўрмагур қўлларингиз гул, яратувчи шогирдларим!—деб хитоб қилди у.—Ахир шу машиналарни кўрганда кимнинг кўзи қувонмайди, унинг ижодкорларига ким «балли» демайди! Устакори Мустақим Юсупов бўлган «Ташсельмаш» заводи чиқарган мана шу машиналар пахта етиштирадиган ҳамма республикаларнинг далаларида кемадай сузиб юрибди, ҳатто Америка қитъасидаги қаҳрамонлик ороли—Куба механизаторлари ҳам шу машиналарни миниб фахрланмоқда, завқ билан пахта термоқда.

— Бу ҳали ҳамир учидан патир,—деди у ўз-ўзига.—Бу машиналар энди кўпаяди, унинг мукамал хиллари энди чиқади. Куз фаслида механизатор минган шу ма-

шиналар теримнинг бутун машаққатини ўз елкасида кўтарадиган, даланинг ягона ҳукмрони бўлиб қоладиган фурсат яқин, жуда яқин қолди. Не-не машаққатлар билан, неча-неча босқичлардан ўтиб орттирилди бу ҳунар!

Устанинг хаёлида яна ўша Лукьяненко гавдаланди. У зўр завқ ва ифтихор туйғуси билан тўрт қаторли машинага қараб турарди. Жуда хушнуд жилмайганича: «Балли! Оталарингга раҳмат! Қасбнинг камолоти деб мана бунини айтадилар!»—деди. Мустақим бирор детални унинг кўнглидагидек ясаганда, устаси унга ҳар доим шундай дерди. Шу сўзлар ҳозир Мустақимнинг қулоғида яна баралла янгради. У ҳам устакорига:

— Ўзингизга раҳмат, устам!—деб такрорлади эски одатича.

Ҳа, ана шундай дамларда уста билан шогирд шу дўнг устида ўтириб аста суҳбатлашар, ошхонага ҳам бормай, уйдан олиб келганларини шу ерда баҳам кўришарди, уста суҳбат охирида ўзбекчалаб: «Қасбни камол топтираман, ҳунаримни ошираман десагиниз, Мустақим, асти эринманг,—дерди.—Ҳа, ана шу эринчоқлик вақтининг сфати, ёшликнинг душмани».

...Ўшанда шу дўнг завод чегараси эди. У ёғни боғ—олмазор, узумзор. Куз фаслида Мустақим хазанакни жуда яхши кўрарди: ишком ичига кирарди-да, энгашганича разм солиб қарарди, кўзи бирдан барглار панаида яшириниб қолган олтин ранг ҳусайинга тушарди. У дарров узиб ўртоғи Нишонбойнинг олдига олиб чиқарди. Иккиси қарсилдоқ, ширадор узумни нонга қўшиб ердилар.

Завод ўшанда ҳозирги ўрнининг ярмини ҳам эгалламас, Мустақимнинг назарида, жуда кичкина эди. Кейин боғ ўрнида ҳам янги цехлар, кўп қаватли бинолар қад кўтарди.

Мустақим қасб-ҳунар эгаллашни механика цехидаги энг оддий, қора ишдан бошлади. Завод ишлаб чиқарадиган маҳсулот—қишлоқ хўжалик асбобларининг хили аста-секин кўнаё борди. Аммо, Мустақим тиришиб-тирмашишга мажбур эди: унинг русча биладиган сўзлари ўн-ўн бешдан ошмасди, ўқиш-ёзишдан эса, тамом беҳабар, ўзбекча саводи ҳам чала эди. У ҳунар эгаллашда олдинги қаторга ўтиб олишни ўқиш билан қўшиб олиб борди. Русча муаллими яна Лукьяненконинг ўзи

бўлди. Кундалик нормани бажаришда ҳам, касб эгаллашда ҳам, ўқишда ҳам, ҳар бир деталь ва асбоб-ускунани бенуқсон, мукаммал ясашда ҳам олдинида юриш Мустақим учун зарурат бўлиб қолди.

Мустақим ишчилик ҳунарини буюк эҳтирос билан ўрганиб юрган, уни камолотга етказётган кунлари эди. Ногаҳон Ватан уруши бошланди. Кишилар чехрасидан табассум қочди, болаларнинг хандон кулгиси ўчди, уруш буларнинг ҳаммасини бир зумда ўз заптига тортиб олди. Одамлар Ватанни ҳимоя қилиш, ёв йўлини тўсиш учун ҳаёт-мамот урушига жўнадилар. Бутун мамлакат ҳарбий изга тушди. Мустақимларнинг заводи ҳам ўз маҳсулотини ўзгартирди, Мустақим эса янги касбини—қуролсозликни тез ўрганиш учун кечаю кундуз заводдан чиқмади. Унинг атрофидаги дастгоҳларда хотинлар пайдо бўлди, улар ўз эрлари ўринини эгаллаган аёллар эди.

Энди Мустақим бу аёллар кўзига тикилолмай қолди. Гўё улар Мустақимга, сен бу ерда нима қилиб юрибсан, дегандай бўлардилар. Шунинг учун ҳам у нима қилиб бўлса ҳам фронтга жўнаш пайида бўлди. Ҳарбий комиссарликка қайта-қайта борди. Аммо ҳеч ким унга, сизни олмаймиз, демади, балки, сабр қилинг, ўзимиз чақирамиз, албатта келасиз, дейишарди.

Шу кунларининг бирида кечқурун Мустақимни партия комитетига чақирди.

— Эртага фронтга жўнайсиз,— деди секретарь миёнида кулиб,— ҳозир уйингизга боринг, ҳозирлигингизни кўриб келинг.

У ҳайрон бўлиб қолди. Урушга бўлса, нега уни ҳарбий ташкилот чақиргани, қўлига повестка бергани йўқ? Агар бу ердан жўнатишадиган бўлса, нега якка ўзи? У савол назари билан секретарга қаради. У Мустақимнинг унсиз саволини фаҳмлаб:

— Фронтга республика совга-саломини олиб борасиз, ўртоқ Охунбобоев бошлиқ делегация билан. Мана илтимосингизни бажо келтирдик. Энди фронтни ҳам кўриб келадиган бўлдингиз.

Қадди-қомати келишган, аммо нимагадир камгап бу йингитни Йўлдош ота Охунбобоев жуда хуш кўриб қолди. Кўпинча уни вагонда ўз хонасига таклиф қилиб,

ундан ишчиларнинг туриш-турмушини сўради. Мустақим Йўлдош отани кўрган у билан ҳамгап бўлмаган эди. Ахир у ҳали ёш бўлса ҳам заводда номи чиққан, анча-мунча одам танийди. Баъзи амалдорлар борки, улар билан эркинроқ гаплашиш қайда, рўпара бўлиш ҳам маҳол. Улар ўшқирмасалар ҳам гапларидан буйруқ сезилиб туради, сен билан ўзини тенг кўриш қаёқда, кўзингга қараб юзи кулиб гапирганини кўрмайсан, кулиб боқса, амали камайиб қоладигандай. Афсуски, бундай одамлар ҳатто заводда, Мустақим яхши танийдиган одамлар орасида ҳам бор. Аммо, мана бу хушчақчақ киши бутун Ўзбекистон оқсоқоли бўлса ҳамки, ўзини мен ишчи-ю, анави беқасам тўнли колхозчидан ортиқ кўрмайди. Бу одам билан эркин гаплашасан, ҳатто у билан аския айтишиб ҳузурда овозинг борича куласан. Қизиқ, бу одам дарров юрагингга кириб олади, кўнглингдаги бор гапингни, сир-асрорингни ҳам унга бемалол ишониб айтасан. Ҳа, бир гаплашган одам уни умрбод кўнглидан чиқармайди.

Ана шу суҳбатлардан бирида Йўлдош ота Мустақимдан унинг ўз касбига иштиёқини, устакорининг кимлигини сўраб қолди. Мустақим ҳеч тортинмай устаси Лукьяненконинг сифатларини таърифлаб берди, унинг жуда одампарвар, меҳрибон одамлигини, ҳунар ўргатиш билан бирга, ўзи муаллим бўлиб русча саводини ҳам чиқарганини бажону дил гапириб берди. Ота унинг гапларини мўйловининг учини ҳимариб, юзи-кўзи кулиб эшитди. Кейин сазмоқдор, оҳиста товуш билан:

— Кўп яхши устакорингиз бор экан, унинг этагини маҳкам ушланг, унинг қўлида ажойиб уста бўлишингиз мумкин. Аммо шунга ҳам айтиб қўяйки, тутни каллак уролмайдиган одамгина бундай устакор қўлидан сўппайиб чиқади,— деди у хушвақт жилмайиб, айни вақтда: «Кўнглингда бир безовталиқ бор-ку, нега яшир-япсан?» дегандай Мустақимга разм солиб турди. Кейин:— Ҳа, шундоқ, укам, бу касбини улуғланг, поёнига етинг. Сиз ишчи билан деҳқон бирлигини мустаҳкамлайдиган, тўғрироғи, ана шу бирлик ўртасидаги олтин кўприкда, ажойиб корхонада ишляяпсиз. Сиз ясаб берган ҳар бир машина колхозда деҳқоннинг оғирини снгил қилади, қишлоқни шаҳарга яқинлаштираверади. Ҳозир пахтачиликнинг экиш ва чопиқ қилишгача бўлган ишларини ишчилар қўли ясаган тракторлар бажарадиган

бўлди. Энди унинг энг оғир иши—терим бор. Икки ойлик шу машаққат хотин-қизларимизни бевақт қаритади, чиройини ўғирлайди. Энди бизнинг конструкторларимиз яна шу теримни ҳам машиналар елкасига ортиш устида ишламоқда. Агар Ватан бошига ана шу мусибат тушмаганда бу машинани тез орада ўз қўлингиз билан ясардингиз. Бу иш энди бир оз кечикади,—деди Йўлдош ота. У чуқур ўйга толди, кўзининг қорачиқларида ғам ифодаси кўринди.

— Ҳа, шундоқ, уста Мустақим. Бир оз кечроқ бўлса ҳам бу ишни сиз билан биз албатта бажарамиз. Бу бизнинг қарзимиз. Биласизми,—деди у яна юзи ёришиб,—худди ана шунинг учун ҳам Ленин деҳқонни трактор ва машиналарга миндиришни орзу қилган эди. Ўзингиз биласизки, ҳар қанақа жамият моддий бойлигини ҳам икки тонфа одамлар—ишчилар билан деҳқонлар яратади. Илгари бизда ҳам моддий бойлиқни яратадиган шу икки куч бир-биридан узук эди, буларни бир-бирига қўшмасдилар, мабодо ўзлари қўшилгудек бўлса, балоқазодан кўрққандай дарров ажратардилар. Бу икки кучни Ленин бирлаштирди, бу бирлик Октябрь инқилобида тобланди. Бу бирлик граждан уруши йилларида капиталистларнинг бирлашган кучи бизнинг ёш Совет давлатимизга ҳужум қилганда синовдан ўтди. Гап ана шундай, ўртоқ машинасоз,—деди Йўлдош ота, вагон деразаси пардасини кўтариб. У нуқул оппоқ қордан иборат бўшлиққа хўйла тикилиб турди, ғилдирақлар эса бир оҳангда тақиллар, гўё: «Тез-тез, тез-тез» дерди. Йўлдош ота пардани ёпиб, Мустақимга ўғирилди.

— Ҳа, бу бирлик кучи яна синовга тушди,—деди у хаёлчан, аммо осойишта товуш билан.—Бу қаттиқ синов, ҳаёт-мамот синов.

— Ана шу ҳаёт-мамот синовда жангдап четда бўлганлигим алам қиларди, уяламан. Агар ижозат берсангиз...—деди у.

Отанинг қоши чимирилди, чеҳраси жиддийлашди.

— Хўш, обдан ўйлаб гапиряпсизми шу гапни? Мамлакат ичкарасида ишлаб, фронтчиларга қувват бериб турган кишилар ҳам бир жангчи. Ёки улар қўлларига қурол олиб душманга қарши жанг қилолмайдиларми? Бу, жони бор ҳар бир кишининг, ҳатто аёлларнинг ҳам қўлидан келади. Сиз бўлсангиз, уяламан дейсиз, қўйнинг бунақа гапни. Қаерда бўлманг душманга қарши кура-

шасиз. Ҳозиргина фронтда сиз билан бизнинг — ишчи билан деҳқоннинг бирлашган кучи саноьдан ўтяти де-дим-ку! Душман шу куч тифига урилиб тезроқ чилпар-чин бўлсин десангиз, ўз ўрнингизда маҳкам тулинг, сиз-нинг ўрнингизни, айниқса, ҳозир бир лаҳза ҳам бўш қўйиб бўлмайди. Гапим тушунарлими, устаси паранг?

Немис-фашистларнинг ҳоли Москва бўсағаларида танглаша бошлаганини, ишчи-деҳқон бирлигининг аза-мат қоясига урилиб, Ота айтгандек, чилпарчин бўлаётга-нини Мустақим жанг майдонида ўз кўзи билан кўрди. У ўз ўрнида маҳкам турди.

Урушдан кейинги йилларда Мустақимларнинг кас-би—қишлоқ хўжалик машинасозлигининг янги соҳаси айниқса равнақ топди. Пахта терадиган дастлабки ма-шиналардан тортиб, ҳозирги мукаммалгача, кўсак чу-вийдиган машиналаргача ҳаммаси уста Мустақим ва унинг дўстлари Икромов, Тоиров, Очилов, Судаков, Аравецкийлар, шу усталар шогирдларининг ижоди-дир.

Уста Мустақим сўнгги ўн беш йил мобайнида қиш-лоқдан кўп дўстлар орттирди. Улар билан пахтакорлар-нинг республика кенгашларида, партия съездлари, кон-ференциялари ва Олий Совет сессияларида шахсан танишиб, хат олишиб турди. Шулардан бири полик машҳур механизатор Мелиқўзи Умурзоқов. Ўша йили ок-тябрь ўрталарида Мелиқўзи уста Мустақимга мана бундай хат юборган эди:

«— Хурматли Мустақим ака!

Районимиз пахтакорлари, теримчилари номидан шу «ХВС» машинасини яратган машинасозларни катта ға-лаба билан жон-дилдан табриклайман. Сизга бир се-винчли воқеани хабар қилайин, деб шу хатни ёздим: ҳозир бизнинг қишлоғимизда ҳамма байрамдагидек хур-санд, чунки аввали куни менинг терган бир кунлик пах-там 14 тоннага етди. Ўзимнинг нақадар севинганим-ни, бу ақлли машинани яратган қўлларни ғойибона қи-сиб кўришганимни, юрагимдан чиққан раҳматларимни билсангиз эди.

Ахир, бу ўз кўзи билан кўрмаган одам ишона қола-диган гап эмас. Фараз қилиб кўринг, кунига юз кило-граммдан бўлганида 140 теримчининг бир кунда терган пахтаси бу.

Сизни тўрт йил олдин, биринчи бор танишганимизда табриклашим керак эди. Эсингизда бўлса керак, кен-

гашда сўзга чиқиб, пахтакорларни машинасозлар номидан табриклаганингизда, мен ўша кенгаш қатнашчиси эдим. Сиз ўша муътабар минбарга чиқиб, бизнинг қишлоққа юбораётган машиналаримиз ишчи-деҳқон бирлигининг гарови, бу машиналарнинг такомиллашган янги хилларини чиқараверамиз, деганингизда, югуриб саҳнага чиқиб, деҳқонларнинг миннатдорлиги, хурсандлиги айтгим келди-ю, тўғри гап, уялдим. Ҳа, ўшанда ҳали кўпчилик ўртасида гапиролмасдим, гапим оғзимдан тушиб кетаверарди. Аммо сизга айтолмаган гапим эса, вақт ўтган сари кўнглимда улғаяверди.

Мен ўша йили «СХС» машинасида 83 тонна пахта териб кенгашга делегат бўлган эдим. Ўша кенгашда мени «Москвич» билан мукёфотладилар, қишлоғимга шу машинани миниб келдим.

Сиздан яширмайман, ўша вақтларда терганимда пахта кўп тўкиларди. Ўзим ҳам, бошқалар ҳам айбни машинага қўйиб юардик. Ўша кенгашдан кейин машиналар кўргазмасида сиздан:

— Бу машина пахтадан нимага ўқтин-ўқтин тўкади?—деб сўрадим, сизга «СХС»ни кўрсатиб.

Сиз жилмайиб менга тикилиб турдингиз. Мен бу қарашингизга бардош беролмадим, терлаб кетдим. Кейин сиз ҳамон ўшандай жилмайиб туриб:

— Шошилмаган киши манзилига бехатар етади. Биласизки, шпиделларнинг тишлари жуда майда. Нормдагидан хиёл тез юрилса чаноқдаги пахтани ололмайди, тўкиб юборади,—дедингиз.

Шу гап менга катта сабоқ бўлди. Бўлмаса терганимда пахта тўкилаверарди. Оқибатда ўзимни ҳам, машинани ҳам, ясаган ишчиларни ҳам деҳқонлар олдида бебурд қилиб қўярдим.

Қишлоқда бизнинг у ёқ-бу ёққа боришимизга ҳам, барча деҳқончилик ишларимизга ҳам ҳозир фақат машина ярамоқда. Илгариги от-уловни кўрмайсиз. Ҳозир бизнинг колхозимизда машиналарнинг ҳамма хили бор. Районимиздаги собиқ МТС паркидаги ҳамма машиналардан кўп ва мукамал. Биз бу техника билан фахрланамиз. Сизга яна бир хушхабарни айтай: қишлоғимизда машина ҳайдашни, ремонт қилишни билмайдиган йигит камдан-кам қолди.

Қишлоғимизнинг мўйсафидлари, шу ақлли машинани ясаган уста ўртоғингга биздан салом айт, дейишди.

Раҳмат, минг раҳмат, сизларга!»

Шундан бери яна тўрт йил ўтди. Завод ўтган йили бир йўла тўрт қаторнинг пахтасини терадиган яна ҳам мукаммал машина яратди. Бу пахтазор кемаси деҳқонларни яна ҳам хурсанд қилди. Бундан уста Мустақимнинг ўзи ҳам мамнун.

Уста ҳозир заводда янги шогирдлар етиштириш, машинани яна ҳам такомиллаштириш йўллари излайди. У эрталаб заводга келаётганда ҳам, кечқурун уйига кетаётганда ҳам хаёлида ишчи-деҳқон бирлигининг тасвирини яратади. Шу қўш ҳайкалнинг бир томонида Охунбобоев ва иккинчи томонида Лукьяненко туради. Унинг назарида, бу энг мукаммал, энг муҳташам ҳайкал, келажак авлод учун ота-боболардан энг азиз ёдгорлик бўлади.

1965

Дала йиғиштирилган, пахтакорнинг тиним-ором фасли, қишлоқда тўй-томоша кунлари бошланган. Кундузги ўйин-кулгидан, рўзгор икир-чикирларидан кейин, қиз-жувонлар бригадирлари Тўтихоннинг уйига йиғилишди. Бу уйда уларнинг кўнгил дафтарлари варақланади, улар Тўтихоннинг оҳиста бошланиб кўнгилни ўстирувчи, ҳаяжонга, тугёнга келтирувчи ҳикояларини жим эшитиб ўтиришни яхши кўрадилар. Бу ҳикояларни эшитиб, улар меҳр-муҳаббат, вафо ва садоқатдан янги дарс ўқигандай бўладилар.

Тўтихон кенг, бўртиқ қовоғини силаб, чеҳрасида аллақандай майин табассум билан кўнгил дафтарини варақлайди:

I

— Мен пишган бошлари кесиб олинган жўхоризор ичида оламга келган эканман, Шўро билан бир кунда. Уша куни янги туғилган замон эгалари билан эскилик эгалари ўртасида олатасир отишма бўлибди. Бировга айтсам ишонқирамайдн бу гапга — қўрққанлари шунча бўптики, эндигина туғилган чақалоқни дадамларнинг тўнига ўрабдилару қапага ташлаб қочибдилар. Отишма уч кун деганда тинибди, келиб қарасалар меннинг рамақи жоним қолганмиш... жоним ҳам тошдан эканми дейман, ўлиб қолмабман-а, тавба!..

Бу гапларни қайдан билсин Тўтихон? У ҳам эшитган. Унинг ажойиб бўвиси бор эди, Тўхтабн кампир. Бу гапларни Тўтихонга ўша бўвиси айтиб берган. Қизик, у ҳар қанақа даҳшатли эртани ҳам оҳиста, осойиш товуш билан ҳикоя қилар, чуқур косалари ичидаги кўзлари йилтирарди. Кампир етим қизча тўғрисидаги эртани товушини наслатиб айтарди, Тўтихоннинг кўнгли тўлиб кетар, бўғзига алланима тиқилар, товушини чи-

қармаслик учун бошини кўрпага маҳкам буркаб жим йиғларди. Бир кун у сўради:

— Уша қизча энди очдан ўлиб қолмайдими, буви-жон?

— Йўқ, қизгинам, йўқ, илгари очдан кўп ўлган, энди ўлмайди. Одамга раҳмдил ҳозирги ҳукумат. Уларни йиғиб мактабда ўқитади, қизим,— деди кампир.

Тўтихон суюниб кетарди. Назарида, ўша қиз мактабда ўқир, ўзи у билан ёнма-ён ўтирар, ҳар куни уйдан нон, анор ва олма олиб бориб уни меҳмон қиларди. Бу хаёлини бувисига айтарди, у неварасини ўпиб:

— Албатта, ўқийсан, энагинанг айлансин, юрагинг шунча кенг, ёруғ бўлса,— дерди.— Ҳа, аягинангга ўхшайсан. Юраги ўшанда бежо бўлган эканми, чақалоқлигингда кўз юмди, сани менга ташлаб кетди. Илоё умринг ўхшамасми.

Уни мактабга ҳам бувиси етаклаб борди. Сифга кiritиб юборар экан: «Бўйгинангдан айланай, ўқийсан энди» деб бетларидан ўпди.

Тўтихон бир куни мактабдан қизил галстук тақиб келди. Кампир унинг бўйнидаги олов рангли бўйинбоғига тикилиб қолди: неварасига жудаям ярашган эди, юзи ҳам анордай қизариб кетибди қизчанинг!

Тўтихон еттинчи синфни битирганда, мактабга кечроқ борган эканми, кўзга кўриниб, бўйи анча чўзилиб қолган эди. Афсуски, мактабда бундан юқори синф йўқ, қишлоқдан ҳалигача биттаям қиз бошқа ёққа ўқишга бормаган. Тўтихон колхозда ишлай бошлади.

Шу йил кузда бирам пахта терди, бирам терди, унинг эгатда қолдирган пахта тўла қоқларини ташиб чиқишга йигитлар шошди.

— Шунчалик қизиқиб кетибманки, тонгдан қоронғи тушгунча пайкал ичидан чиқмай терардим, биров мендан кўп териб қўймасин, деб шошардим, кўп терса нима экан-а?— дейди Тўтихон кулиб.

Унинг юрак тўлқинлари, нималигини ҳали ўзи билмай оҳ уришлари, тонг ёришгунча мусаффо кўкка кўз тикиб юлдуз санаб бедор ётган тунлари ўшанда бошланган эди шекилли. У кўчадан ўтаётганида йигитлар кетидан қараб қолишарди, у қадамини тезлатса, «хуркак товусга ўхшайди-я!» деб кулишарди. Уларнинг қараб қолишлари, учниқлари уни ҳам чўчитар, ҳам унинг кўнглида қандайдир гурур пайдо қиларди.

Ўшандан кейинги йил Тўтихонни эвсено бошлиғи қилиб тайинлашди. Энди у ғўзани чопиқ қилиш, пахтасини теришгагина эмас, ердан кўп, жуда кўп пахта ундиришга жавобгар. Ранс ҳам шунча одам ўртасида: «Чўчима, бардам бўл, Тўти, Қува ерларидан қанақа ҳосил олиш мумкинлигини буларгагина эмас, бутун районга бир кўрсат!» деди-я. Ҳа, Тўти қанақа тупроқнинг қанча ҳосил беришини, ғўзага қачон, қай тарзда сув тарашни, унинг емишдан қачон тўхташини дадасидан ўшанда ўрганган эди.

— Мана шунга ҳам ўттиз йил бўйи,— дейди Тўтихон.— Ўша йил бирам ғўза бўлди, бирам гуллади, қарасанг, кўз қамашади.

Ҳа, ғўза шигил гуллади: ошпоқ-ҳарир, тўқ, оч қизил, ҳаво ранг, сарғиш, тўқ сариқ гуллар — анвойи хил гуллар. Қун кўрпасига ёнбош қўйган, эгатларга тараб қўйилган сув жимирлаб, йилтираб, буралиб оқадн, ташна тупроқ сув шимиради. Ана шу манзара соҳиби зебоқомат қизнинг диққат назари ғўза гулларида, гўё шу гулларга барака қўшади; шу оромбахш оқшом нафаси унинг кўксини даланинг намхуш, ипор бўйига тўлдирганди, жуда-жуда тинч, осойиш эди. Ана шу дамда орқасида аллакимнинг:

— Оҳо, анвойи хил шойидан сеп ёйиб, жилвасига ўзингиз маҳлиё бўлиб турибсизми, сўхсур қиз?— деди.

Тўтихон сесканиб тушди. Ким пойлаб келган экан унинг ёлғизлигида? У қайрилиб қаради-ю, кўзлари катта очилгапича бир лаҳза тикилиб қолди. Норбой тракторчи жуда мулоим жилмайиб турарди. Тўтихон дарров хаёлини йиғиштириб олди, нимага, ўзи ҳам билмайди, юраги дукплаб уриб кетди; шу топдаёқ дуррасининг бир учини тишлаб олганича югурди, шийпон олдида ҳам тўхтамай, уйгача югуриб келди. Унинг ранги оқариб кетган эди. У юраги қафасидан чиқиб кетадигандай кўксини маҳкам чангаллаганича айвон дамида энтикиб-энтикиб, жим ўтирарди. Кампир келиб юзига сув селди-да, нимага қўрққанини суриштирди.

— Анови Норбой йигит гап қотиб чўчитиворди,— деди Тўтихон.

Кампир маънодор жилмайди. Унинг серажин юзида, йилтираган кўзларида неварасидан мамнунлик порларди.

Шу-шу Норбой унинг шийпонни олдида тез-тез ўта-

диган, бирои нимани баҳона қилиб, Тўтихонни гапга тутадиган бўлди. Тўтихон ҳам бора-бора уни кўргиси келадиган, унинг хаёли, орзуси билан яшайдиган бўлиб қолди.

— Уша йили кузда тўйимиз бўлди,— дейди Тўтихон мулоҳим жилмайиб. Унинг чехрасида зўр ифтихор аломати порлади.— Дунёда одам беозор, оқ кўнгил бўлса, меннинг Норбойимча бўлади. Умрбод хотирдан ўчмайдиган бахтиёр давримиз эди ўша йиллар — ёшлиқ, беғамлик, маъсумлик ва шошқинлик чоғларимизнинг олтин дамлари эди.

Уруш деган даҳшат бутун мамлакатни чақмоқ тезлигида оёққа турғизди. Бахтимиз таҳликада қолди. Бахт қўриқчилари кўчаларни тўлдириб душманини даф қилишга кетди.

II

— Ушанда қишлоқдан кўп, жуда кўп эркак кетди... кўп уйлар эркаксиз қолди, бизники ҳам.

Ў тракторини ташлаб, танк миниб кетди.

Лабида илк бўсаннинг таъми, лаззатигина қолган зебо қизлар ҳам звенода ҳижрон доғини Тўтихон билан бирга тортмоқда, бирга қанор-қанор пахта термоқда. Наҳотки, Тўтихон бошлиқ бўла туриб шулар олдидаPRODASIZLIK қилса?— Йўқ!

Уша йили қиш жуда эрта тушди, октябрь ўрталарида — тизза бўйи ёққан қор шу куйи эримай туриб қолди. Ғўзани босиб қолган қорни силкиб туширдилар, тиззадан қор кечиб пахта тердилар, кўсак уздилар.

Тўтихон шу кунни даладан кеч келди. Эшик зулфинига қиетириб қўйилган хатни олди, уйга кириб ўчоқ тоқчасидаги чироқни ёқди: «Сизларни қаттиқ соғинганман,— деб ёзган эди Норбой,— мана икки йилдан ошдики, мизғиб олиш имкони бўлса сизларни кўраман... меннинг жигар бандим Арслоним катта йигит бўлиб қолгандир-а? Қизик, туш кўрсам, нуқул менга тескари ўгирилиб ўтиради. Эҳтиёт қил уни. Мен бурчимни ўтаб турибман. Ҳисоби ёзиллик, омон-эсон борсам биласан. Аммо сизлар ҳам қарздор бўлиб қолманглар...».

— Ушанда,— дейди Тўтихон,— тунларни бедор ўтказар, кундузни мижжа қоқмай кутиб олардик. **Ҳа,**

Ўшанда ҳамманинг ҳам қўли ишда эди-ю, қалбни, кўзи олисда, тақдиримиз, мана шу кунларимиз ҳал бўлаётган фронтларда эди.

Тўтихон қосоқларни ўчоққа ташлаб, ўчоқ тоқчасида милтиллаб ёнаётган қора чироқ пилигини чиқариб қўяди-да, бармоқлари тез пахта суғуради. ёнида пишиллаб ухлаётган ўғилчаси алланима деб уйқусирайди. Тўтихон унга кўз учини ташлаб жилмаяди: дадасининг ўзгинаси, бетини кафтига қўйиб ётиши ҳам унинг ўзи.

Кетганига уч йил тўлиб, тўртинчи йилга ўтганда, қиш кунларининг бирида Тўтихон хат олди. Бу узоқ жимликдан кейин эди. У ҳали конвертни очмай туриб хаёлан ўқийди: «Сизларни қаттиқ соғинганман...» Аммо... бу унинг қўли эмас эди, очиб кўз югуртирди-ю, олам қоронғи бўлиб кетди, у қотиб қолган эди... Энди у Норбой билан дийдор кўриша олмайди, унинг васлига етолмайди... Ақалли, ўғилчасини сақлаб қололмайди, уни қизамик олиб кетди...

— Мен ҳаётимда кўнглига ўзидан бошқа ҳеч нима, ҳеч ким сиғмайдиган одамларни ҳам кўп кўрдим,— дейди Тўтихон,— аммо юзлари кулиб турса, сиртлари қанча ялтираб кўз қамаштирса ҳам мен улардан йироқ юргандим. Норбой оддий бир тракторчи эди-ю, менинг назаримда, кўнглига олам сиғарди. Бундай одамлар ўзларини ўйламайдилар, донмо бошқалар ғамини ейдилар, бошқалар ташвишини тартадилар. Ҳа, улар бу юкни самимий, беминнат кўтарадилар, бу билан улар ўз турмушларини қийнлаштирадилар, жонларини қийнайдилару шундан ҳаловат тонадилар. Бахтимизга ораимизда шунақа одамлар кўп, жуда кўп. Уларни эслаганимда шонраимиз Зулфиянинг шу сатрлари беихтиёр кўнглимдан ўтади:

Қалбда қўргошиндай ётиб ҳасратим,
Кўзларим жаҳонга бахтиёр боқар.

III

Тўтихон Султонова ўн беш йил илғор звенога бош бўлиб, меҳнатда, жасорат ва тўзимда ҳаммани қойил қилди; мана ўн беш йилдан ошдики, колхоздагина эмас, Қува районида пешқадам бригадир.

«Коммунизм» колхози экаётган ерларнинг кўп қисми қақроқ дашт эди.

— Яқиндагинада ҳам бу ерларда мол боқишга қўрқарди одам,— дейди.

Тўтихон бошлиқ бригаданинг ерлари, унинг ўз ибораси билан айтганда, шу собиқ даштда. Бригада аъзолари шу ерлар ҳосилини йилма-йил ошириб, ўттиз тўққиз центнерга етказибдилар.

— Бу йилги мўлжал қанча, опа?— деб сўради Мақсуда.

— Мўлжалим?— деди Тўтихон хушҳол жилмайиб.— Қирқ бешини кўзлайвер, синглим, ундан пастга тушма.

— Оҳо, бир ўринда туриш йўқ денг?— деди Солия ҳайрат билан.— Мунча тез, қирқ денг ҳеч бўлмаса? Катта кетвориб тагин....

Дугоналар кулиб юборишди. Тўтихон кулгига қўшилмади.

«Эр-хотин ўртасига ақли калта аралашади» деган гап, менимча, нотўғри, баъзан аралашиниш керак, лекин, билиб, ақл билан аралашиниш керак. Бир кунги бир аёл (номини айтмайлик, ўтган воқеа энди) далага кеч чиқди, чиройи ҳар кунгидек очиқ эмас, қовоқлари шишган.

Тўтихон аста унинг ёнига борди, ёнма-ён ягана қилатуриб, шунчаки эсига тушгандай, сўради:

— Бугун кечроқ келдинг-а, ё бирон гап бўлдимн?

Меҳрибонлик билан қилинган бу осойишта муомала жувоннинг кўнглини юмшатди, унинг тараф тортилиб турган асаблари қўйиб юборди. Ёрилиб опасига дардини айтди: эри билан уришибди, иккаласи жаҳл устида ншн «қўйдим», «чиқдим»га етказишибди. Тўтихон унинг гапларига жим қулоқ соларкан: «А!» дедн-ю, бошқа сўз қотмади.

Эртаси кун оқшомда Тўтихон уларнинг уйига, ҳеч гап эшитмагандай хушҳол кириб борди. Тумтайнишиб ўтирган эри хотин меҳмон олдида гаплашинишга мажбур бўлишди. Улар у ёқ-бу ёқдан узоқ суҳбатлашиб ўтиришди. Сўз ўз-ўзидан меҳр-муҳаббат, садоқат тўғрисида борди. Тўтихон бу сўзларни онланинг барқарор бўлиш шартларидан деб таърифлади. Бошқа ҳеч нима демади, фақат: «Жаҳл чиқса, ақл қочади» деди холос. Улар ҳам уришлик эканларини Тўтихонга айтмадилар.

Шу-шу эр билан хотиннинг онлави иши судга бормадн. Шу жувон ҳар замонда: «Опамнинг сўзларида сеҳр бор» дейди қизларга.

Шу бригадада сувчи бўлиб ишловчи Маҳмуджоннинг

онаси вафот этди. Унинг отаси йўқ эди. Йигитча чин етим бўлиб қолди. Энди уйда уни кутадиган бирон одам бўлмаса, унинг истиқболи ёмон бўларди. Тўтихон шуни ўйлади. Бригада аъзолари билан маслаҳатлашди. Улар йигитга қиз топиб, тўй харажатларини ҳам бригададан қилдилар, Маҳмуджонни ўйлаб қўйдилар.

Тўтихон бирон киши орасига тушса, арзи-ҳолга ҳакамлик қилса, ўзини бригадир ёки республика Олий Советининг депутаты сифатида эмас, шу оиланинг яқин кишиси, дўсти сифатида тутадиган оҳиста, самимий гаплашади.

— Демак, бу йил гектарига беш-олти центнер оширамиз, шундоқми?— деб сўради Тўтихон аёллардан.

— Албатта!— дейишди ҳаммалари бир оғиздан.

Тўтихон бригадасининг аъзолари: мақсад улуг, ният зўр бўлмаса, ҳаётда нашъа йўқ, кайф йўқ, деб билади. Тўғри, жуда тўғри!

1967

Тонг қоронғиси. Уйқу қочди. Ҳамма ёқ жимжит. Қушлар қанотлари тагидан ҳали бош чиқарганларича йўқ. Тун бўйи чирқиллашган чигирткаларнинг жағи толди шекилли, ҳозир улар ҳам жим. Чор атрофга шох отган азим қайрағочлар, бақатераклар, баҳайбат зонтларга ўхшаш ғупнак садалар жимжит тунга аллақандай ваҳима ва улугворлик бахш этиб, кўкка бўй чўзиб турибди. Ялангликдаги катта сўрида илк тонг нафасини шимиб, маст уйқуда ётган учқўрғонлик меҳмонларнинг пишиллаши, кимнингдир ўқтин-ўқтин отган хурраги, ён ариқчадаги сувнинг шилдиррашигина бу жимликни бузарди...

Ёнимга қарадим. Раис ҳам, дилкаш колхоз боғбони Ҳабибжон ака ҳам ўрнида йўқ. Каравотга ўтириб, тун бағрига тикилиб қолдим. Бирдан ҳавода алланима қаттиқ шовиллади-ю, жим бўлди. Учувчи осмонда самолёт моторини ўчириб, пастга тикка қуйилганда, ёки сокин денгизда қайиқ сувни зарб билан кесиб ўтганда худди шундай овоз чиқади. Шамол турдими? Йўқ. Дарахтлар боши бояғидай қимир этмайди. Ҳайрон бўлдим. Хаёл қочди. Туриб, йўлкага тушдим, бог айландим. Йўлакнинг икки ёқаси олмазор. Банди бўшроқ олмалар аҳён-аҳён тап-тап тагига тушади. Шу олмазор — хиёбон яқинда қазилган ҳовузга олиб чиқади. Чорқирра кўлга ўхшаган ҳовузнинг тиниқ суви, таги цемент билан кўтарилиб, ҳовуз ўртасига солинган шийпон, шу шийпонга ўтадиган панжарали кўприк қоронғида жуда салобатли кўринади. Дам олувчи колхозчилар шу шийпонда ўтириб шахмат, шашка уйнайди, баҳр очади.

Мана, токлари баланд кўтарилган, шагал, қум ётқизилган хиёбон. Фарқ пишган, доналари ширага тўлиб ёрилай-ёрилай деб турган ҳусайни, чарос, шивирғонилар электр лампочкалар нурида товланади. Токзор — хиё-

боғнинг икки томонида кўркам корпуслар қад кўтариб турибди. Дам олувчи хотин-қизлар ва эркак қолхозчилар кечаси шу сиркорли уйларда ухлашади. Уртада ошхона, катта биллиардхона. Хиббон сизни тўппа-тўғри зонт шаклида ишланган катта, баланд шийпонга етаклайди. Бу ерда, шийпон дамида узунасига солинган нақшли бинолар. Буларда врачлар туради, дам олувчилар кундузи роҳат қилади.

Шу муҳташам бинолардан, қуюқ соя ташлаган мевазор боғдан ташқариси бағри кенг пахтазор. Қоронғида пахтазорга разм соласиз. Гоҳ у пайкалда, гоҳ бу пайкалда тошчироқлар силкинади, кўк юлдузларидай йилтирашади... Оқшом тараган сувлари баравар жилдираяптими: бир эгатники озайиб, ён эгатники ортиб кетмадимикин? Баравар оёқландимикин? Ғўзалар қониб сув ичдимикин? Тошчироқларнинг гоҳ ўқарик бўйлаб, гоҳ пайкал оралаб йилтираши, гоҳ қарта этагида пайдо бўлиб қолишидан долзарб кунларда тунларни бедор ўтказаётган сувчиларнинг ташвишинин бор вужуднинг билан сезасан.

— «...Қўлимиз кўнглимиздагига етадиган бўлиб қолди. Уйқусиз ўтган тунларимизнинг меваси бу...» — қорачадан келган, қотма, чехраси доим кулиб турадиган кекса соҳибкор Ҳабибжон аканинг оқшомда бўлиниб қолган суҳбатда айтган шу сўзлари хаёлни қучиб олди.

Минчуриндан ўрганиб янги-янги боғлар барпо қилаётган, Вильямснни ўқиб тупроқ ҳолатини ўзгартираётган, илғор совет фанига ўз тажрибасини қўшиб, йил сайин пахта ҳосилини ошираётган, кўҳна қишлоқ ўрнида шаҳар тиклаётган, қишлоқни Илчи нурига чароғон қилаётган оддий кишилар шулар эмасми!

Ўнг ёндаги қовун пайкали ўртасида бир нима чиқ этди. Кетмоннинг дами кичик тошга тегди шекилли. Биров пуштадан ариқ ичига тупроқ отарди. Яқин бордим. Тинимсиз боғбон Ҳабибжон ака терга пишиб қовунга сув бўғаётган экан.

— Дуруст ухлаёлмадингиз дейман? Ҳаво хўп димлади-да, мулла,— деди у, қаддини гоз кўтарганича пайкал ариғига ташланган тупроқни кетмон орқаси билан шиб-балаб.— Мен ҳам ухлаёлмадим. Уйғоқ ётавериб юрагим қизиб кетди. Сувчилар олдида бордим. Улар билан бир оз чақчақлашдим. Азаматлар роса жонбозлик қилишяпти. Ҳа, бу йил ғўза кечалаб суғорилмаса, кундузи сув

илиб ҳосилга зарар бўляпти. Ана шу ерга ўтирайлик-а, тонг отарда полизда ўтиришнинг ҳам гашти яхши бўлади,— деди у пуштанинг яланг бир жойини кўрсатиб.

Ёнма-ён ўтирдик. Энди эътибор қилибман: пушталар дамида қатор ниҳоллар қорайишиб турарди. Эрта тонгда бўйилган муздек сувни ташна тупроқ ҳузур қилиб шимали — нафаси барала эшитилиб турибди.

— Илк баҳорда шу ерга пайванд гилос кўчати ўтқаздик. Ерни бўш қолдиришга кўз қиймади. Қовун экдик. Баъзи экинлар борки, кўчатнинг авжини бўғиб қўяди — ниҳол қора ўзак бўлиб қолади. Қовун, биласизми, кўчатни яйратади.

Эндигина сув эмган палаклардан бирининг қовуни тарс ёрилди. Ҳабибжон ака даст туриб, шу томон юрди.

— Қовуннинг палагида банд бермай ёрилгани ширинда. Ярми кўкча, ярми шакарпалак шу полизнинг...— У қовунни узиб чиқди. Худди айтганидай, оқ қантдек карсиллайди: шираси томоғни олади. Ҳабибжон ака ёз неъматларининг хилларини бирма-бир санаб чиқди.— Буларга эътибор пасайиб кетган эди. Шу йилдан полиз экинларига, боғдорликка аҳамият ортди. Ҳа, тўкинчилик бўлгани яхши-да, мулла,— деди у, гўё путқига якун ясаган нотиқдай. Унинг кўзлари пайкал ва анорзор оша муҳташам бинога тикилиб қолди. Кўпни кўрган, кўпни билган бу соҳибкорнинг кўлиб турган чехраси ёришаётган тонгда яна ҳам нуроний, ёқимли кўринарди.

— Қайси қасрдан кам! Йўқ, қасрлар бунақанги бўлмаган. Бунда ўзимиз дам оламиз,— деди. Ундаги фахр туйғуси чехрасида барқ урарди.— Шу боғ ота-боболар замонидан бери «Сайилгоҳ» эди. Ҳа, мингбоши, оқсоқоллар йилига бир марта «сайил» чақириб, халқдан пул йиғиб оларди. боғ меваси ҳам ўшаларники эди. Бу боғ мана энди сайилгоҳ бўлди: меҳнатини қилган халқ йилига бир марта эмас, пул тўкиб эмас, йўқ, ҳар куни, исталган вақтида баҳр очади, мевасини ҳам ўзи ейди — ўзиники-да, мулла.

У бир нафас жим қолди. Негадир бошидан дўпписини олиб қоқди, жиякларини чертиб-чертиб яна кийди. Биринини босиб келаётган фикрларини энди жамлаб олди шекилли, пешанасида бўртган тугунча ёзилди.

— Қишлоқ марказидаги клубимизни кўргандирсиз,— давом этди у боягидай фахр билан,— раис Тошкентга борганда Тикувчилар саройини кўриб ишқибоз бўлибди.

Ушанинг нухасини олиб кебди, барака топкур. Мингдан ортиқ одам сиғади. Танаффусда айланиб юрадиган, ўтириб суҳбат қиладиган жойларини айтнинг. Фойе дер эканлар-ку. Уша, қурган инженер айтувди.

— Катта идора, магазинлар,— деб давом этди Ҳабибжон ака,— икки қаватли мактаб, шаҳарниқидан қолишмайдиган ҳаммом... Сигирхонани айтмайсизми: юзта сигирга алоҳида-алоҳида хона. Суви ёнида тумшуғи билан босса бас, гир этиб келади, ичаверади. Сигирлар электр билан соғилади... Ҳаммасининг таги тахта-пол денг. Анча-мунча уйдан яхши. Ингирма кунда нариги боққа ўттиз каравотли касалхона қуриб чиқдик. Ишонасизми, шулар ҳаммаси бир ярим йилда битди: тўкинчиликдан-да, шулар! Қўлимиз калталигида шаҳарча турмуш бир ҳавас эди, ҳа, кўнглимизда эди: бундай ишлар бўлишини хаёл ҳам қилмасдик...

Ҳаво боягидек шовиллади. Ҳабибжон ака теракзор тепасига тикилди, мен ҳам. Қул ранг катта бир қуш осмондан тикка теракзор ичига тушди.

— Ажойиб қуш,— деди у.— Ўзи иккита. Ҳар кунни тун оққанда, тонг ёришганда ҳавони ана шундай кесиб, худди самолётдай настига қуюлиб тушади. Кундузи кўринмайди. Отини билолмадим ҳеч. Самолёт-қуш қўйиб олганмиз отини...

— Гапимизни бўлди, бу самолёт,— деб давом этди у.— Йўлларимиз ёзда чанг, ёнингарчиликда ботқоқ эди. Лойгарчиликда машина, арава юриш қайда, салт от ҳам оёғини балчиқдан зўрга тортиб босарди. Қоронғида гузардан қайтганда этигимизнинг кўнжигача лой бўларди. Бошимиз қовишиб йўлимизга тўрт арава шағал тўқолмасдик. Мана энди, Тўрақўргондан дарё бўйигача печа чақирим йўлимиз кафтдек цемент. Лой ҳам юқмайди, сув ҳам. Ярим миллион сарф бўлибди шунга. Қўлимиз кўнглимиздагига етадиган бўлиб қолди, деб шунни айтдим-да, мулла. Қолхоз қилди-да шунни.

У тупроқ бағрига сингаётган жўякдаги сувга тикилиб қолди, бўз тупроқ эса онасини эмаётган қўзидек сув шимарди. У, аста-секин чўкаётган сувдан кўз олмай деди:

— Сувимиз шу — лойқа. Шунини тинитиб ичамиз. Боғ ўртасидаги катта ҳовуз энди қазилиб, сув тўлдирилган эди. Лимиллаб турибди, рангидан аксингиз кўринади — худди ойна. Ранс бир кунни сувга қараб турди-да, «шаҳар-

ли бола экан, шундай катта хўжаликни тебратаётибди, яхши тебратаётибди.

Меҳмонлар ҳам туришибди. Қани, чойга.

* * *

Социалистик мусобақа шартларининг бажарилишнини текширишга келган учқўрғонлик меҳмонлар тушган уч машина асфальт йўлдан охирини кўз илғамас ям-яшил пахтазорга бурилганда, қуёш ялғиланиб, уфқдан энди кўтарилган эди.

— Бу «Правда» участкаси,— деб тушунтирди рулни адил тутиб, машинани бир маромда ҳайдаб бораётган Мирзааҳмедов. Тикка, текис йўлнинг икки қаноти гўё охири уфқ билан ўпишган, мавждан тўхтаган яшил денгиз. Тун бўйи пчган сув танааларидан баргигача югуриб яшнаган шу пахтазор океанини эрталабки қуёшнинг олтин нури қучиб олган. Кўз узмай бораверасиз, қани энди шу яшил оламнинг баланд-пасти, бирор парча рангсиз, яйдоқ жойи кўринса — йўқ! Ҳамма туп гўза юкини зўрға кўтариб, бир-бирини суяб турибди. Рансинг буғдой ранг, қуёшда пишган юзи ёришди, манглайдаги икки қатор ингичка чизик ёзилди.

— ...Мана шу ерлар эллик биринчи йилда, колхоз бирлашмасдан олдин, йигирма икки центнердан пахта берган эди. Ўтган йили ўттиз беш центнердан ҳосил олинди,— деди у, пахтазорга бир зум тикилиб олди-да, кейин учқўрғонлик норғил, лўппи юз, қорачадан келган меҳмонга ўгирилиб, давом этди:— ер хоҳлабди, хоҳламабди, деган гап бор, полвон ака. Менимча эпсизликка баҳона бу. Сувини вақтида берманг, гўзани койитиб қўйинг-чи— ер хоҳламайди: озиғини вақтида тўйдириб едирманг-чи — хоҳламайди: парваришини сусайтириб кўринг-чи — хоҳламайди. Йўқ, ерни хоҳлатиш бизнинг қўлимизда. Гилсиз гўдакнинг кўнглидагини она билади, экин ҳам лунақа — унинг таъби нимани кўтариш-кўтармаслигини, ҳозир шу дамда кўнгли нима тусаганини, уни мурғаклигидан катта қилган деҳқон билади, агар у шу илмни билса...

Машиналар ариқ ёқасида, шохлари йўлга қуюқ соя ташлаган катта ўрик тагига келиб тўхтади. Кўз олдимизда ўн икки гектар келадиған, гўзалари бўлиқ қарта. Ҳар бири кичкина тухумдай кўсаклар. Бу гўзаларнинг таг

шоҳидаги дастлабки туккан кўсаклари илжайишиб, садафдек тишларини кўрсатиб турибди. Қарта четида, шохариқ бўйида новча, қотма, чўққи соқол, почаси тиззасигача шимарилган киши эгатларда жилдираётган сувга разм солиб турарди.

— Звено бошлиғи,— деди Мирзааҳмедов, унга томон юриб.— Ажойиб деҳқон! Утган йили шу ердан эллик центнердан пахта берди. Бу йилги маррам олтмиш, дейди. Виставкага кандидат. Бир ҳафтадан бери қистаймиз, сориб келинг, деймиз, қани унаса!— Унга яқин бориб, ҳазиломиз деди:

— Абдулла ака, кўсаклар ҳам етилиб илжайишиб қопти, саёҳатга қачон жўнайсиз, ижозат бўлган эди-ку?

— Сиз-ку, ижозат берасиз-а, раис, аммо мана булар ижозат бермаяпти-да,— деди у мулойим жилмайиб. Шу табассум бу миришкор деҳқоннинг жонкуярлигини, ҳар бир туп гўзани меҳр билан парваришлаганини айтиб турарди. У бояғндай табассум билан:— яна беш-олти кун фурсат сўрайман, раис,— деди.

— Терим бошланади-ку.

— Теримга уягураимиз.

Учқўргонлик меҳмонлар пайкал оралаб, гўза шохларини, кўсагини санашди.

Машиналар 33 та бригаданинг далаларини айланиб, кўп ерда тўхтаб борарди. Кун тиккага келди, ҳаво тапдирдай қизиди, 6-бригада ерининг четига келганда хушнуд раиснинг пешанасида тутунча пайдо бўлди. У машинани тақа-тақ тўхтатди. Кўзлари қарта этагига қадалди. Сувчини имлаб чақирди.

— Яхнанг борми, укам!

— Бор.

— Келтир-чи.

У тут тагидаги ариқдан пиёла билан кўзача олиб келди. Муздек кўк чойни пиёлага тўлдириб қуйди. Ҳамма бир-бир ичди.

— Ўзинг-чи, ичмайсанми?

— Ҳозир ичуведим.

— Ўзинг-ку ичибсан-а, укам. Анови-чи?— раис яшнаган гўзалар ичиде барглари қорайиб, сўлиб турган бир парча жойни кўрсатди.— Ҳанспрашини қара?! Унга ҳам ичир, йигит!

Машиналар жилди. Меҳмонлар кўз уриштириб олишди. Тонгда сув оғиштиряётган гўзанинг текис оёқланган-

чизациялаш, янги усулни дадил қўллаш натижасида планда кўрсатилган меҳнат кунлари анча кам сарфланди, натижада меҳнат кунининг қиммати ошди; шу беш йил ичида ҳар бир меҳнат кунига тақсимланган нақд пул даромади 8 сўмдан 16 сўмга етди. Йиллик тақсимотда, ғалладан ташқари, 10 минг сўмдан 44 минг сўмгача пул олган А. Исомиддинов, С. Қўзибоев, Ҳ. Набиева, М. Мусулмонқулова каби колхозчилар оз эмас.

Кўчада машина сигнал берди. Боғнинг темир дарвозаси ланг очилди. «Газ-69» машинаси кириб, катта сада тагида тўхтади.

— Мана, раис ҳам келди,— деди Ҳабибжон ака. Қовун косасини кириб ичди, чор атрофини кесиб ихчамлаштирди, пичоқ уч билан коса тагини икки қатор тилиб тешиди, уруғини солиб, четдаги ўрик айрисига қўйди.— Раисман деб кеккаймайди. Ўзингиз билгандирсиз, кечаси бир мизғиб олди-ю, жўнаб кетди,— дея давом этди у, кабинадан чиқиб сўри томон юрган раис Абдулла Мирзааҳмедовга тикилиб,— катта рўзор, тиниб-тинчимайди. У бормаса ҳам ғўза суғорилаверади-ю, йўқ, ҳар тун сувчилар ёнига бир-бир боради. Ҳар бир ҳосилотнинг, бригадирнинг кам-кўстини иш тепасида тузатишади, талабига ўша ерда жавоб қилади. Бировга ножўя, дағал гапи йўқ, кимки хато қилса, ётиғи билан тушунтиради. Элнинг тўй-томошасига бош бўлади, бирор кимнинг бошига мусибат тушса унга маслаҳатчи. Шу туфайли катта-кичик унинг гапини иккита қилмайди. Шу катта колхозда ҳамма уни ҳурмат қилади. Ҳа, баъзи раисларни биламан,— деди бир оз ўйланиб,— ўшалар билан бунинг ақли-ҳушини, тутган ишини солиштириб кўраман. Улар бунақа эмас. Баъзи раислар бор, майда гап. Бақириб чақириб юради, кўрганга ўшқиради, тутган ишида тартиб йўқ: эл ичида беҳурмат, бебурд бўлиб қолади: ишчи юришмайди, колхозчи орқага кетаверади.

— Баъзан боёқишга раҳмин келади,— дея давом этди боғбон,— кейинги уч-тўрт ой ичида яна ҳам камгад ўйчан бўлиб қолди. Бир куни ана ўша сўрида бошини ушлаб, маънос ўтирибди. Ниманинг ўйини қиялсиз десам, ҳа, сал хаёл олибди, деди-ю, айтмади. Қалласида пишмаган, хом гапни айтавермайди, режаларини ўлчаб, чамалаб, кейин ўртага солади. Дастлаб раис бўлган йиллари от чопишдан бошқа иши йўқ эди. От чопар раис дейишарди уни. Йўқ, ўзини босиб, ўнглаб олди. Идрок-

да ҳар ҳовлининг тозаланган суви бор,— дедн.— Борган-да ичгандирсиз водопроводидан. Биз қачонгача лойқасини чўктириб ичамиз! Аввал-ку, қурбимиз келмас эди — майда эдик. Энди-чи? Келади. Водопровод қиламиз»,— дедн у. Халқ маъқул кўрди. Мана энди ҳовузлари қазилиб, цементлаб қўйилди, қишлоққа қувур ўтказишяпти. Янаги келишингизга водопровод сувидан чой қайнатамиз, мулла. Тўкинчилиқдан-да, шулар...

Ҳабибжон ака ниманидир ўйлаб бир оз жим қолди. Кейин кўзини сувдан кўтарди-да, аста давом этди:

— Қўлимиз кўпчилигимиздагига етадиган бўлгунча, не-не баланд довларни ошмадик. Осон бўлмади. Колхоз бўлинглар, деб шаҳардан чиққанларга кўпимиз дастлаб бўй бермадик. Колхоз ҳам тузилди.

Қулоқларнинг гапига кирган баъзи бировларимиз нима бўларкин, деб уч-тўрт йил якка рўзғор бўлиб юрдик. Колхоз бўлса, ўлгандан кейин гўё шу тупроқдан ўзига жой топилмагандек туюлди баъзиларга бу иш. Баъзилар фурсат пойлади, оқибати бориб-бориб нима бўларкин, деб юрди. Нима бўлди оқибати? Шў бўлдики, кўпчилик бир рўзғор бўлиб, бирлашиб кетди. Колхоз енгди! Кейин ҳалиги тайсаллаб юрганлар ўз бўлтақларининг деворини ўзлари йиқитиб ичимизга кирди.

Мен ҳам шу қишлоқдаги «Октябрь» колхозига раис эдим. Муҳрни далада ҳам белбоғимга қистириб юардим. «Правда» колхозида Ҳасанов деган йнгит раис эди. Уқигап, жуда бамаъни, тадбирли одам эди. Биз ундан ибрат олардик. Кечаси мажлисдан чиқаётганда қулоқлар — колхоз душманлари ўлдириб кетишди, аммо унинг колхозини ўлдиришолмади. Орқага тисарилиб юрганлар шундан кейин тушунди...

Ўшанда қишлоғимизда бешта ёки олтита колхоз бор эди. Энди битта. Кўп экканимизда уч юз гектар пахта экар эдик. Энди бир минг беш юз гектар. Чамалаб қарасам, гектаридан олаётган ҳосилимиз дастлаб колхоз бўлган йилнимиздагидан тўрт бараварга яқин ошибди. Кенгайяпмиз, ўсяпмиз, мулла.

У яна жим қолди. Оқшом бухгалтер берган рақамлар кўз олдимдан ўта бошлади. Шаҳанд қишлоқ советидаги «Ўзбекистон» колхозининг пахтачиликни юксалтиришдаги муваффақиятларини тасдиқловчи бир неча рақамлар...

Шу ўтган йилн колхознинг умумий даромади 22 миллион 500 минг сўмга етди. Пахтачилик ишларини меха-

оёқланмаганига парвосизлик қилган сувчи йиғит мулзам бўлиб, бир қўлида кўзача, бир қўлида пилёла серрайиб қолди.

Бригадир Султон Қўзибоевнинг гўзаларини кўрганда меҳмонлар кўз узолмай қолишди. Ҳа, кўриб кўз қувонади! Эллик гектар яхлит қарта. Ғўза кўкракка уради, бир текис, худди тепасини қайчилаб қўйгандай... Қарта ора-лаб, ҳар ер-ҳар ердан энгашиб, ғўза бўғинларини, шох ва кўсақларини санаётган меҳмонлардан бири:

— Офарин, пешқадам деҳқонга!— деб юборди.

— Қойил, келинчакларининг сепини хўнам ёйдириб-ди-да, азамат!— деди иккинчиси, қўш туп ғўзаларнинг ерга тегиб, чапоқларидан оқ пахтаси кўриниб турган кў-сақларини ушлаб.

Қўзибоев бригадасида қизгин суҳбат бошланди.

— Чигит қачон экилган шу ерларга?

— Йиғирма еттинчи мартдан экилиб, учинчи апрелда тугаган.

— Бизда тартиб шу,— деди раис гап қўшиб,— йиғирма еттинчи мартда ерга чигит ташлаймиз, бешинчи апрелда экинчи тугатамиз. Шундан кечиксак, ютқиздик деб биламиз.

— Биринчи сувни қачон бера бошлайсиз?

— Биз Ҳайдар отанинг усулида суғорамиз,— деди бригадир меҳмонга қараб,— ҳаммамизнинг устозимиз, суғориш инструкторимиз — шу киши. Ғўза чинбарг чиқариши билан минерал ўғитни гўнг, тупроққа қорштириб соламиз, орқасидан қўшпарра қилиб суғорамиз. Кейин етилиши билан культивация, чопиқ. Ана шундан сўнг ғўзамизни бир оз қантарамиз, шоналагандан бошлаб яна ўғит берамиз. Якпарра қилиб суғорамиз, яна культивация, яна чопиқ. Сувдан кейин ерни ўтказиб юборсангиз, ғўзанинг чучала томирлари авж олиб, тармоқ отиб кетади. Уқ илдиз тупроққа чуқур кира олмайди. Биз бу чучала илдизларни қайта-қайта қирқиб турганимиздан, аввало, биринчи сувни вақтида ичирганимиздан, ғўзаларини калта бўғин, сершоҳ, серкўсак бўлади.

— Пахта етиштириш йўлини-ку, унча-мунча биламиз-а,— деди Мирзааҳмедов,— аммо чорвани унутган эканмиз. Агар чорвани ҳам маҳсулдор қилган бўлсак, даромадимиз бундан ҳам кўпроқ бўларди, янада кўпроқ қурилиш қила олган бўлардик.— Унинг бу сўзлари ҳам эътироф, ҳам ўқинч эди. У бир нафас ўйга толди, кейин

давом этди:— сигирхонани кўрдиларингиз, лекин бунда боғлаб боқадиган зотдор сигирларимиз кам-да, кўпи хашаки — кам сут. Партия Марказий Комитетининг Плениуми кўзимизни очди. Мол зотини яхшилаш тараддудига тушдик, анча кечикиб бўлса ҳам бу камчилигимизни тушундик,— деди у.

Қўшхонамизга — Ҳабибжон ака бошлиқ роҳатбахш колхоз дам олиш уйига қайтиб келганимизда, қуёш баланд тоғ тепасига минган, азим қайрағочлар, садалар, шохлари тарвақайлаган тераклар учига нур ёйган, уфқ устидаги паға-паға булутларни ҳақиқдай қизартирган эди.

* * *

— Ўсяпмиз, яна кенгайдик, мулла,— деди Ҳабибжон ака, эндигина дамланган чойни қайтариб.— Эсингиздами, ўша суҳбатимизда айтувдим, шундан бу ёққа ҳам икки йил ўтибди-я. Ўшанда, водопровод қуришга киришган эдик. Иккинчи келишингизда тозаланган, тиниқ сувдан қайнатилган чой ваъда қилувдим. Марҳамат,— шинамгина гулдор пиёлада кўк чой узатди.— Ҳаммамизнинг уйимизда водопровод. Жўмрагини бурасангиз бас, сув келаверади. Ичинга сув ташини, тинитини — рўзгорда майда, лекин тинкага тегадиган кундалик ташвини эди. Қутулдик бундан ҳам. Қизиқ,— деди у кулиб,— бирер кўчат ўтқазганимизда, шу неча йилда мевага кирди, меvasи қандақа бўлади, ҳатто рангини ҳам кўрасан. Шу водопроводни қуриш тўғрисида гап очилганда, битса тоза сувгина эмас, ҳаммом ҳам уйингизга кўчиб келади деса, қўйинг, бу чўпчагингизни, раис, дебман. Ўшанда тиниқ сув кўзимга лойқа кўрилган эканми дейман. Мана энди ҳаммом ҳам кўчиб келди уйимизга. Роҳат. Тўкинчиликдан-да шу, мулла.

...Мана буни кўринг, кўз қувонади,— деди у, асфальт кўчанинг икки ёқасидаги колхозчилар уйини кўрсатиб,— дастлаб, электр станция, отхона, сигирхона, идора, клуб, касалхона, болаларга мактаб, боғча қурила бошлаганда, баъзи бировлар: «Ингирини отга қумуш қошли эгар» дейишса, баъзи бировлар: «Ота-боболаримиз замонидан бери сигир оғилхонада ётарди, энди бошлиқларимиз тахтаполни уй солиб берди ҳайвонга» деб тўнғиллаган эди.

— Ҳозир шундай қилиш — тўкин кунларимизга, ойивонлик уйларимизга пойдевор деб эди раис. Тўғри айт-

ган экан у. Шу пойдевор қурилган уйларимизни кўтариб турибди, устига яна қанча қурсанг ҳам кўтаради. Битта колхозчи уч-тўрт хоналик уйда ўтирибди, олди боғ, гулзор. Илгари эшак сотиб олишга қурбн етмас эди, энди отни назари илмайди. Тагида учар машина, ўзи ҳайдайди. Ишга ҳам машина миниб бориб келадиған йигитларимиз битта-иккита эмас, мулла. Айтинг-чи, шаҳардан нимамиз кам? Ҳа, Шаҳанд шаҳар бўляпти — пахта шаҳри!

...Мундоқ ўйлаб қарасам, шу кунларимизнинг пойдевори пахта экан. Пахта обрўйимиз, қадр-қимматимиз, дейишса, бунинг замирига унча етмас эканман. Энди англадим. Диққат қилинг-а, мулла, ўша келганингизда, пахта 1500 гектар, кўтарган ҳосилимиз 6 минг тоннага яқин эди. Мана энди еримиз 2700 гектардан ошди, ҳосилимиз ўтган йили 10 минг тоннадан ошибди! Илгари бутун Тўрақўргон райониимиз шунча пахта бермас эди. Бухгалтеримизнинг айтишича, шу пахтани машиналарга юклаб, қатор тизилса, боши Намангандан ўтиб кетар экан. Ўсди, кенгайдик деганим шу, мулла.

...Шу пахтани етиштирган йигит-қизларимизни Партия ва Ҳукумат тақдирлади. Уларнинг кўкрагидаги Ленин ордени, Олтин Юлдуз биз қарияларга кўзги. Уларнинг мағрур кўкраги бизнинг кўзимизга нур. Илгари ўз уйимизни, қишлоғимизни кўрарди кўзимиз. Энди-чи? Энди ўзимиз шу ерда турсак ҳам, Москвани, шу катта юртимизнинг ҳаммасини кўриб турамиз. Инсон қалби қуёшдан ёруғ, мулла.

У гоз туриб, уфқ томон тикилиб қолди. Шишадек тиниқ кўк, ҳозир гўё унга оламни равшан кўрсатувчи кўзги эди.

Қишлоқ ўртасидан Машҳад деб ном олган катта сой ўтади. Баҳорда у ҳамма ёққа ҳайқириқ солиб оқади, кейин сув камая-камая баҳайбат харсанглар тагида жилдираб қолади. Ражаббойларнинг уйи шу сой бўйида. Қизиқ, кундузи-ку шовқини унча билинмайди, аммо тун бошландими, унинг «ашула»си авжига чиқади: гоҳ баландлайди, гоҳ пастлайди, гоҳ шердек ўкиради, бўрон тераклар бошини эгиб, шохларини бир-бирига ураётгандек бўлади: юракни ваҳм босади.

«Нимага шундай бўларкин-а?— дея ўзига савол беради Ражаббой. У бошини кўрпага маҳкам буркаб олар, лекин тезда нафас қисилиб, кўрпанинг бир четини хиёл кўтариб кўярди. Энди тошларнинг ғалати, қалдироқ товуши унинг болалик ақлида аллақандай савол туғдирарди:— Ёки тошлар кечаси сув тагида бир-бирп билан уришармикин-а?!»

Баҳор ўрталари эди. Қишлоқ болалари ўрик довуччасидан юлиб, сой бўйида еб ўтирар, оппоқ мағзини кафтларида юмшатар, кейин сўлқиллоқ мағзони бир-бирларининг пешаналарига уриб, сутми-қаймоқ ўйнашарди. Бирдан тоғ томонда момақалди роқ гулдуради, чақмоқ чақилиб, яшн қора тоғ чўққисига урилади, шундай қаттиқ гумбурладик, гўё тоғ қулади. Ҳаял ўтмай сув шовқини жуда ваҳимали бўлиб кетди. Қарашса, сойда баланд малла тепалар гўё бир-бирига мингашиб, бир-бирини босиб келаётибди. Болалар тепаликка зўрга чиқиб олишди. Шу қадар катта тошқин бўлдики, сув баланд жарлап олиб Ражаббойлар уйн деворининг ярмига кўтарилди. Пастқамликдаги уйларни сел босди, кўпини оқизиб кетди. Ҳатто сой лабидаги теракни илдизи билан қўйориб, пирпиратганича аллақаяёққа олиб кетди. Ражаббой бунақанги катта тошқинни умрида биринчи кўриши. Ахир, шох теварак-атрофга салом бериб турган

улкан теракни қўпорди, у гурсиллаб йиқилганда гўё ер қимирлаб кетди. Агар қўндалангига қулаб, жарга қўприк бўлиб қолмаганда, уни ҳам чиқалдакдай ўзи хоҳлаган томонига олиб кетарди-да!

Сел қайтди, сойдаги сув пасайди. Аммо унинг ваҳимасидан шу куни қишлоқ аҳолиси ярим тунгача тинчимади. Қанча одам уйсен қолди, ахир. Энди қаерда туришади улар?

Орадан сал ўтмай, қишлоқда сел воқеасидан ҳам ваҳимали нотинчлик юз берди. Уруш бошланди. Унинг узоқда отилиб ёнаётган вулқони Ражаббойлар қишлоғидан ҳам кўринди. Қишлоқдан кўп одамлар, улар қаторида Ражаббойнинг отаси Абил ака ҳам шу ёнар вулқонни ўчириншга кетишди.

Ражаббой ўшанда иккинчи ё учинчи синфда ўқирди. Лекин ўша даҳшатли сел, азим кўк теракнинг гумбурлаб йиқилгани, тўлқин сиртида чархпалак бўлиб келаётган харилар ва бешик унинг болалик хаёлидан сира нари кетмас, шу малла тўлқинлар ҳадеб кўз олдида тоғдек кўтарилиб ҳайқираверар, кўпинча, у шу ваҳима ичида ухлаб кетарди... Мана, у тўлқинлар устида қулоч отиб биридан иккинчисига сузиб ўтаётибди. Бир тўлқин уни шундай баланд кўтардики, боши булутга теккандай бўлди. Пастдан: «Ҳо, эҳтиёт бўл, болагинам!» деб қичқирган овоз эшитилди. У эса тобора баланд кўтариларди. Қаради, пастда қўрққанидан кўзлари қинидан чиққудек бўлиб онаси турибди. У қулочларини кенг ёйди, булут баваравар кўтарилган бургут қанот силкимай пастга қуйилгандек шўнғиди... «Қанотларинг бутунми, болам? Хайрият!» дерди онаси унинг бошини силаб. Ражаббойнинг кўзи очилиб кетди. Қараса, тонг отибди, онаси тепасида, кўзларидан маржон-маржон ёш тўкиб турибди.

— Нима бўлди? Нимага йиғлаяпсиз?— деб сўради у ҳайрон бўлиб.

— Ҳеч нима. Ёмон алаҳсидинг, болам,— деди-ю, онаси аста туриб ўчоқ бошига кетди. Лекин қуйилаётган кўз ёшлари тинмасди.

Ражаббой мактабга кетди. Ўқиди, бироқ онасининг сирли йиғиси кўз олдидан кетмади, хаёлини банд қилаверди, кўнгли ғаш тортаверди.

Уйда онаси ҳамон унсиз йиғларди, Ражаббой эса:

— Энди алаҳсиб сизни қўрқитмайман, ойижон, йиғ-

ламанг,— дер ва ойисининг кўз ёшларини аста артар, юзини силаб қўярди.

Ёнар вулқон ўчирилди. Кўп болаларнинг отаси, акалари қайтиб келди. Лекин Абил ака, яна бир неча киши дараксиз кетди. Мана, энди Ражаббойнинг онаси айтиб йиғлади. У энди билди: отасини ўша ёнар вулқон ютган, у етимча бўлиб қолган экан. Онаси эса Ражаббойни бағрига босар, бошини силар, энди менинг учар қанотим сенсан, дерди...

Ўн йил бўлди, Ражаббой колхоз правленнеси олдидан турганда йўгон, хушчақчақ бир одам келди. МТС директори Ориф ака шу, дейишди унга. Ўша киши Ражаббойни Чустга олиб кетди, механизаторлар мактабига кирптиб қўйди. Ражаббой мактабни битириб тракторга минди.

Баҳор ва ёз фаслларида, айни экни ва гўза парваринининг қисталаг пайтларида, Ражаббой кўпинча далада тунаб қоларди. лекин бундай кезларда меҳрибон онанинг қўнғли тинчмасди. Ўган оч, наҳор қолмаганимнинг? У гоҳ тонгда, гоҳ кун ботарда иссиққина нон ёниб, бирор лаззатли таом пишириб келар, яшил гўзаларга авж, гўё жон бағишлаб тракторини эгат оралатиб олиб кетган ўғлини кутиб тут тагида ўтирар эди. Ражаббой тракторини қайтариб қўяр, онаси ёнига келиб: «Бизни оч қўймайдилар, ўзингизни уриштирмай, ойижон» дерди. Онаси эса ўғлининг офтобда қорайган, чанг босган юзига қараб ҳам унга ачинар, ҳам ўғлининг шу «ақлли» машинаси (у тракторни ўзинча мўъжизали, ақлли машина деб биларди) купига гектар-гектар ернинг гўзасини чопиқдан чиқариб қўйгани учун жуда қувонарди. Илгарилари буни қанча одам неча кунда кетмон билан чопиб чиқарди, ахир! Тинкани қуритадиган шу оғир ишдан одамларни унинг Ражаббойи халос қиляпти, у нега қувонмасин!

Орадан икки ё уч йил ўтди. Кўзлик, пешқадам универсалчи бўлганидан МТС Ражаббойни механик-ҳайдовчиликка ўқитди. Унинг ҳамқишлоқлари жуда хурсанд бўлишди. Абил аканинг ўғли бу йил пахтани машинада терадиган бўлиб келармиш!

Тракторчиликда туртинмаган, туртки емаган йиғит янги касбда ҳам колхозчиларни хурсанд қиламан деб ўйлаган, шунга қаттиқ ишонган эди. У машинани пайкал тепасига дадил ҳайдаб келди-ю, эгат ўртасига бормаёқ қўли рулни тутолмай қолди. Шпинделлар нуқул бари ва

печак чайнади, устига-устак, машинаси текис йўлдаги сингари равон юрмади, эгат ўйдим-чуқурларида қалқиб, ҳақкалаб кетаверди. Орқасига қараса, бункерда бир неча килограмм пахта айланыпти, холос. Қолгани ер билан битта бўлиб тўкилиб ётибди. Унинг аъзойи баданини муздек тер босди, юраги орқасига тортиб кетди. Ҳушини йиғиб олиб, машинани пайкалдан зўрга чиқариб олди. Бригадир эса уни тутиб олиб уришига сал қолди.

— Бу пахта термайди, десам унашмади-я! Обор-э, пахта тўқарингни!

— Ҳайда, кўзимга кўрсатма бунингни!— деди бригадир ўшқириб.

Нима қилсин, айб машинадами, ўзидами ёки деҳқончиликнинг усун тартибдами, буни яхши билмаган йиғитча машинасини кенга изига қайтарди, бостирмага элтиб қўйди.

Ражаббой хафа, йиллагаудек бўлиб унга қайтиб келди. Эртасига «ҳорма» дегандек маъраб соқол силкиган серкага ҳам қарамади, оёғи тагига ўралишган чиноқ кучукни тепиб юборди-да, бориб айвондаги сўрига омонат ўтирди. Қулоғида ҳамон бригадирнинг «ҳайда, кўзимга кўрсатма бунингни» деган дағал ўшқирини шангилларди. «Мана бунинг отини шармандалик дейдилар! Нима қилиб қўйдим,— дея ўз эписизлигидан бўғилди у,— нахотки...»

Онаси ҳайрон бўлиб унга тикилиб қолди. Назарида ўғлининг қаноти қаттиқ лат еганга ўхшади.

— Ҳа, болам, нима бўлди? Носогмисан?

— Йўқ... Юрмади... Теролмадим...

Она ўғлини юпатгиси келди:

— Умидсиз бўлма, айланай. Янги нарса-да, бирор жойи эсингдан чиқиб қолгандир, ё бўлмаса, ўзи нобопдирки, юрмагандир, теролмагандирсан. Аста-секин тагига етасан. Ҳар қалай, эҳтиёт бўл, болам. Сенинг машинанг ҳам тилсиз нарса.

Ражаббой индамади, лекин онасининг бу ҳунарга алоқаси йўқдай гани унинг юрагига далда бўлди, жароҳатга малҳам суртилганда оғриқ тўхтагандай. Онаси тўғри айтди: нимасинидир эсидан чиқарган ёки билмаган, машинанинг юрмагани, дуруст термагани шундан-да. Ҳали унчалик оғир гап ўтгани йўқ, юраксизлик қилиб бу машинани ташлаб кетса, ўшанда шарманда бўлади. Бўл-

ганда ҳам терим машинаси у ёқда турсин, ўз измига солиб олган «универсал»нинг ҳам рулини тутолмайдиган бўлади. Йўқ, текшириш, ўрганиш керак... Машинанигиива эмас... Хўш, яна нимани?... Аммо энди унинг машинасини пайкалга яқин келтирармиканлар?

Шу-шу машина пахтазорни кўрмади, бостирмадан чиқмади. Лекин Ражаббой излашиш, ўрганишдан қолмади. У кун сайин гўё қанот ростлади, ростакам учишга чоғланди.

* * *

Дуркун йигит ҳар кунни тонгда сершовқин Машҳад сойи бўйлаб далага йўл олар, экишнинг тикилиш кунларида ҳам, авжи гўза парвариши пайтларида ҳам саройга бир кириб ўтарди. Бугун у машиналарга тикилиб, ўша ерда хийла вақт туриб қолди. Беш машина бостирма тагида ёнма-ён турарди. Қўп қисмларни йўқ, борларини занг босган, абгор. Улар гўё: бизни нега сотиб олишди-ю, нега қуш-қумурсқага уя қилиб, шу ерга ташлаб қўйишди, деб Ражаббойга савол берарди.

У ёнидаги харсанг устига ўтирди, юраги орқасига тортиб кетди, боши зирқираб огригандай бўлди: икки кафти билан чаккаларини маҳкам қисди.

Мана шу тош шу ерда неча йиллардан бери қимирламай ётибди. Зарурат бўлмаса, уни ҳеч ким ўрнидан қўзғатмайди. Аммо мана булар тош эмаски, умрбод бир ўринда ётаверса! Йўқ, булар зарур бўлганидан бунёд қилинган. Буларни машина ҳолига келтиргунча озмунча ақл ишлатилмаган, неча-неча инженер тунларни бедор ўтказиб, қоғоз бетига шакл чизган. Бунинг устида қанчадан-қанча ишчи бош қотирган, қанча қўллар толмаган, ахир! Булар мана шу бостирма тагида ўн йиллаб бекор ётсин, шу ерда ному пишонсиз чириб кетсин деб чиқарилмаган-ку, ахир!

Сой шовқиними, аниқ ажратолмади, ҳар қалай, Ражаббойнинг қулоғида гуриллаб юраётган машинанинг овози янгради. У ўрнидан даст турди, машина олдига бориб, унинг сиртини силади, кафтига қалин чанг ёпишди, шпиндель бетини тирнаб кўрди: бир парча жигар ранг занг кўчиб тушди.

— Увол!— деб юборди у.

— Ҳа, Ражаббой, тонгдан машиналар олдида айла-
ниб қопсиз?— деди унинг орқасида биров.

Ражаббой ўгирилди. Колхоз партия ташкилотининг
секретари Ражаб Назаров унга қараб жилмайиб ту-
рарди.

— Бекор ўзим,— деди Ражаббой ўйчан ҳолда.

Назаров унга қатланган газета берди.

— Ўқиб чиқинг. Сиз ўйлаб юрган гаплар мана шун-
да ёзилган,— деди ва илова қилди:— бугун кечқурун пар-
тия йиғилишида шунини муҳокама қиламиз, шерикларин-
гиз билан келинг.

Бригадирлар, колхознинг ҳамма активлари қатнаш-
ган очик партия йиғилиши катта йўл ёқасида, Янгиобод
қишлоғининг янги, кенг биноларидан бирида ўтди. Пар-
тия Марказий Комитетининг қарорини Назаров йиғилиш
аҳлига ўқиб берди: пахтани машинада теришга тайёр-
ликни экиш вақтидан бошлаш керак!

Ҳали ерга чигит ташланган йўқ-ку, пахтани машина-
да териш устида гап боряпти. Бу — баъзиларни ўйланти-
риб қўйган, айрим кишилар кўнглида ғашлик туғдирган
бўлса, баъзи бировларни гангиратди ҳам.

— Шунча кўп ерни текислаб экамиз деяпмиз. Маъ-
қул-ку, аммо қийин иш, экишдан кейинда қолиб ют-
қизиб қўймайлик тагин. Бу ёғини ҳам ўйлаб план қилин-
са, иш пухта бўлмасмикин,— деди бригадирлардан би-
ри.— Машинада теришга келганимизда, унга тўлиқ
ишонч йўқ. Теролмас экан, буни ҳаммамиз кўрганмиз.
Машинага юз гектарлаб ерни ҳозирдан ажратамиз де-
йиляпти. Аммо лекин бу пишмаган гап-да. Бунинг устига
улар уч-тўрт йилдан бери бузилиб ётганини тилга ҳам
олинмади. Ким тузатади-ю, ким юргизади?

Ражаббой ялт этиб унга қаради. «Ие, бунга нима
бўлди, тажрибакор бригадирдан чиққан гап шуми? На-
ҳот, шунча гапни уқмади, мағзини чақмади экан!»

— Биз тузатамиз, биз юргизамиз уларни,— деди Ра-
жаббой ҳатто йиғилиш раисидан сўз ҳам олмай. Брига-
дирга гўё ўқдай тикилди.— Ишлатмасак давлатдан нега
сотиб олдик уларни, эски ашулани бас қилиш керак эн-
ди. Мен ҳўп ўйлаб кўрдим... Ушанда машинада дуруст
теролмаган эканман. Биринчидан, бунга машина эмас,
мен айбланман. Немага десангиз, ушанда ҳунаримни ях-
ши билмаган эдим. Иккинчидан, эгат машина юришига
мос эмас эди. Билганимизми?!

— Очиғини айт-чи, энди ўзинг билиб олдингми?

— Билиб олдим. Билмаганим бўлса яна ўрганаман, биламан. Чунки энди битта эмас, беш кишимиз. Тушунтиролмадимми?

Ражаббой тўнгроқ бўлса ҳам, тўғри гапни лўнда қилиб, ишонч билан айтганидан тарадудда ўтирган баъзи кишилар кўнглидаги гапни ичидан чиқармади: «кузда маълум бўлади-да, ҳозир тортишиб, аччиқ-тирсик гап айтишиб ўтиришга вақт эрта» дегандек жим қола қолишди.

Пахтачиликнинг янги усулига қатъиян ўтишга, шу йўлдан боришга қарор қилинди. Шу йиғилишдап нейин иш ўзгарди.

Ражаббой бошлиқ механик-ҳайдовчилар — Қажом, Қурбон, Сотим ва Каримлар — ёз бўйи бешта бузуқ машинанинг йўқ қисмларини топиб, қўнларини ўзлари янгидан ясаб, теримгача заводдан чиққандай қилиб қўйдилар...

Ражаббойнинг кўнгли жуда ёришди, чунки ўшанда, дашном еб, пайкалдан машинасини зўрға олиб чиқиб кетганда, механизаторликда унинг ўзи ҳали энди темир қанот бўлган, пахтачиликнинг янги усули, колхоз раҳбарларининг томоғидан тиқилиб ўтаётган, улар бу усулдан, айниқса пахтани машинада теришдан чарс бедандек ҳуркиб юрган эди. Лекин бу йил аввал баҳордан бошлаб, гўза қатор қилиб ўстирилди, кетмон киритилмади. Ражаббойларнинг ўзлари уни икки томонлама парвариш қилишди, пайкалларда бегона ўт йўқ. Шуниси ҳам Ражаббойнинг кўнглини кўтардики, экишдан олдин ер яхши текисланди, сувчилар эса жуда эҳтиёт бўлишди, эгатни сувга ўйдим-чуқур қилиб юборишмади.

Сентябрнинг иккинчи ярми бошланганда машиналар пайкал тенасига олиб чиқилди. Қор кўрилагандай оппоқ пахтазор қуёш ёғдусида товланар, кўзни қамаштирарди. Буни кўриб Ражаббой ҳам қувонарди, ҳам ҳаяжонидан юраги дук-дук урарди.

Мана, Ражаббой ҳозир уни яна эгат томоғига келтириб қўйди, теримни у бошлаб беради: равон юрармикин, тўкмай терармики? Ёки элсизлигидан яна ўшандай кулгига сабаб бўлармикин? Машина яна ёмон отлиққа чиқармикин? Йўқ, Ражаббойнинг ўзи ҳам, пахтазор ҳам ўша эмас, тамом бошқача...

Ражаббой моторни ёқди, равон гуриллаган таниш

овоз унга аллақандай далда, куч ва ишонч бахш этди. Юргиздп: машина қалқимай ҳаққаламай, ҳатто силкинмай эгат оралаб юрди, унинг, пахтазор кемаси дарғасининг моҳир қўли рулни дадил тутиб борар, шпинделлар лўппи момиқни чаноқда қолдирмай тортар, оппоқ пахта бункерда айланарди. Эгат бошига етмай бункер тиқилиб қолди. Ражаббой машина устига чиқиб, пахтани тепиб босди, яна юргизди, лекин иложи бўлмади: бункерга бундан ортиги сиғмайди. Нима қилмоқ керак? Ярим йўлда қайтарса вақт бекор кетади. Иложи топилди, махсус арава тайинланди, бункер қаерда тўлса, ўша ердан пешма-пеш олиб келинадиган қилинди. Шу куни кечгача Ражаббой тўрт ярим тонна пахта терди. Одамлар энди: «Машинанг пахта терар эмас, пахта тўқари экан» деб ундан кулганимди, аксинча уни олқишлашди, у машинани бир маромада юргизиб кетганда, кетидан ҳавас билан қараб қолшди, баракалла Янгиободимизнинг шерига, дейишди.

Ражаббой дастлабки ютуқларга маҳлиё бўлиб қолмади, ҳунарини кун сайин ошириб, кунлик термини беш ярим тоннага етказди. «Хўш, яна нима қилсам кўпроқ тераман? Яна нима қилсам одамлар машинага яхши назар билан қарайдиган бўлишадими?»

У яна ўйлади, йўл, илож излади. Машинага автомобиль фарасини ўрнатиб, кечалари ҳам терди. Натижа ёмон бўлмади. Тунда ҳам бир ярим тоннагача терилди. Бу бир қаторли «48-М» машинасининг, билиб-билмай ёмон отлиққа чиқариб қўйилган машинанинг дастлабки катта галабаси эди. Ражаббой эса бу машинани, унинг ўз таъбирича, одамлар яхши кўриб қарайдиган қила олгани учун хурсанд. У уйга ана шундай ҳаяжон билан кириб келди. Онаси ўғли қийналиб-қийналиб охири баланд парвоз қилганини эшикдан кирганидаёқ кўзларидан билган эди.

— Хўп чарчагандирсан, айланиб кетай, дам ол,— деди у овқатни келтириб олдиға қўяр экан.

— Иш юришганда чарчаганинг ҳам билинмас экан. Икки соатдан кейин мени йўлга кузатасиз, тайёрланиб қўйинг, сий.

Кампир ишонқирамай, ҳайратда гиқилиб қолди. Ражаббой кулди.

Ҳа. Ражаббойни Ташкентга — партия Марказий Комитетига қаққиринган. У қаттиқ ҳаяжонда. Яқинда, пар-

тия йиғилишида, у партияга қабул қилинганда ҳаяжонидан ўзи ҳар кунни кўриб, бирга ишлаб юрадиган яқин кишилари олдида ўз ишини ҳам дуруст гапириб беролмаган, уни аллақандай улуғ салобат босган эди. Ҳозир ҳам худди шу ҳолатда.

Ражаббой Тошкентдан яна ҳам баланд руҳ билан, кўнгли тоғдек кўтарилиб қайтди. Шу кунни Янгиободга, собиқ Тошқўрғон қишлоғига терим машинасининг янги, мукаммал хили — «ХВС-1,2» келди. Ражаббой шу машинага минди. Янгиободда гўё катта тўй бўлди. Ҳаммининг кўзи унда эди. У партияга берган сўзининг устидан чиқди: унинг ҳисобига ёзилган пахта кунига ўн тоннага етди.

Навобий номли колхоз йил якунини чиқарди: мавсумда машиналар билан беш юз эллик тонна пахта терилибди. Шундан икки юз беш тоннаси Ражаббойники! Яна бир ҳисоб: колхоз машинада терилган пахтанинг бир тоннасига юз сўм, қўлда терилганига тўрт юз ўттиз сўм тўлади: фарқ оз эмас!

1960

Шўх зилол сув аллақандай хушовоз чиқариб, тошдан-тошга сакраб, жадал ўтиб кетмоқда. Майин шабадаси сой лабидаги майсаларни беозоргина эгиб ўтмоқда. Қуюқ баргли дарахтлар шехидаги қушлар нағмаси дилни қитиқлайди...

Қуёш баланд тоғнинг чўққисидан ўтиб кетди. Уфққа кип-қизил шафақ ёйилди. Қишлоқ кўчалари, майдонлар одамга лиҳ тўлди.

Сой бўйидаги кўкаламзор майдон бугун роса ясанган. Халқ шу томонга оқмоқда. Байрам шу ердан бошлади.

Ана бу хазинасининг кўркам, оппоқ биноси. У кўкаламзорнинг ҳуснини очиб турибди. ГЭС анҳорига боғланган сув цемент «тарнов»дан ҳайқириқ солиб тушмоқда. Электр станцияси қурилишида ишчи ўринлатган, ҳатто Фарҳод ГЭС қурилишида ҳаммаи қойил қолдирган Қоровой полвон бригадасининг йнгитлари, юзцентнерчи Маърифат звеносининг аъзолари, қишлоқнинг донгдор нахтакорлари шу ерда.

Йнгитлар, қиз-жувонлар сой бўйларида ГЭС анҳорининг ёқаларида сайр қилишмоқда. Баъзилар гуруҳ-гуруҳ бўлиб суҳбат қуради. Бир неча киши станция суғхонасини томоша қилмоқда. ГЭС «тарнов»идан зарб билан тушиётган сув пастда кўпик сочар, важиллаб қайнар эди. Пахтадек оппоқ соқолини тутамлаб бу манзарадан кўз узмай, чуқур ўйга талган чол бошини кўтариб инженерга боқди:

— Офарин, офарин, ўғлим. Илмга шак йўқ,— деди.— Бутун ҳикмат мана шунисида бўлсами дейман.— У генераторни кўрсатди.

— Ҳа, шунисида,— деди инженер.

— Шундан электр қандай чиқади, ўғлим?

— Мана бу «дарвозани» очиб, «тарнов»ни беркита-

миз. Сув тушгач, унинг зарбидан машина ҳаракатга келади. Ундан ток ҳосил бўлади.— Инженер Николай Иванович шабадада тўзғиб, пешанасига тушган сарғиш, юмшоқ сочларини юқорига кўтарди. Қўл соатига бир қараб давом этди:— Бунинг ҳикматини бир неча минутдан кейин кўрасиз. Энди қишда сув музлаб қолмаса бўлгани, қишлоқнинг чироғи ўчмайди, отахон.

— Музламасликка музламайди. Хотиржам бўлинг. Ёшимиз шу ерга етиб, биз ҳали унинг музлаганини билмаймиз.

Майдондаги гурунгда кулги кўтарилди. Йигит ва қизлар Содиқалини ўртага олган, у эса ердан бош кўтармай бир тола майсани ўйнар эди.

— Юзингиз шувутми Содиқали, одамга ботиниб қарамайсиз?— деди Қоровой полвон.

Уларни диққат билан кузатиб турган Назарали ота мийинида кулди-ю, яна инженерга қараб давом этди:

— Ҳа, музламайди. Сабаби, булоқ суви. Баъзи булоқлар борки,— деди Назарали ота,— суви минг газ пастдан чиқар экан. Ёз чилласида, кун роса исиган вақтларда муздек бўлиб кетади, баданингизни чақиб олади, аммо этингиз тез кўникади. Баданга хуш ёқиб, чиқиб кеткингиз келмайди. Қиш чилласида, туф десанг туфигинг яхлайдиган вақтда эса ялиб кетади, қуюқ ҳовур кўтарилиб туради, сувнинг нариги бетидаги одамни зўрға кўрасан.

Қош қорайиб, «тун қуёши» водийга нур сочадиган фурсат яқинлашмоқда...

Карнайчи, дўмбирачи ва сурнайчилар электр ёқилиши билан «Тўй келди»га чалиб, маъракаи бошлаб юборишга шайланиб туришибди; қизлар чирмандаларини қиздириб, боғичини бармоқларидан ўтказиб олишган; болалар бўлса, бошларидаги дўппиларини қўллари билан босиб осмонга тикилган ҳолда, «ура» деб қичқиришиб юборишмоқчи; чол-кампирлар бу мўъжизанинг қандай юз беришини томоша қилмоқ учун столбалар тагида лампочкаларга кўз тикиб турибдилар.

— Ота, қишлоқ ҳадемай ўзгариб кетади,— деди Николай Иванович.— Унинг қир-тепаларидаги бойликлари очила бошлади. Нефть борлиги ҳам аниқланди. Ҳали кўп ишлар қилинади. Буларга ўзингиз гувоҳ бўласиз.

Ота инженернинг сўзларини қониқиш билан эшитар-

ди. Инженер эса, саксон беш йил яшаган бўлса ҳам қадди букилмаган, кўп аччиқ-чучукни татиган, севинч ва шодликларни кўрган шу нуроний чолнинг кўкракларини эилаб турган оппоқ соқолига тикилиб турар эди.

Бир гурунгда қўлида кўк муқовали китоб тутган ўқитувчи Нишонов гап уқтирар эди:

— Электр ҳамма ишда мушкуллимизни осон қилади. Улуғ доҳиймиз Ленин машиналарнигина электр кучи билан юргизиб қолмаймиз, ерни ҳам электр қуввати билан ҳайдаймиз, экинни ўрпш-йиғиш, хашак босиш ва қирқишни, ҳатто сугир соғишни ҳам электр билан бажарамиз, деган эди. Бу гапларнинг айтилганига, биласизларми, роппа-роса эллик йил бўлди-я.

— Ҳали трактордан ҳам бошқаси чиқади денг,— деди ҳайратда қолган Қосим ота.

— Трактор электр қуввати билан юрадиган бўлади, ота,— деди Нишонов.

— Сиз нега индамайсиз, Содиқали? Огзингизда талқонингиз борми? Гап сотавериб ҳеч кимнинг кўзини очирмаган эдингиз-ку! Қани, гапирмайсизми, гапнинг хонаси энди келди, Содиқали,— деди сал қизишиб Қоравой полвон.

Содиқали бошини кўтарди. У «мунча бўгмасангиз, Қоравой ака, ҳадеб ўт қалайверасизми? Шусиз ҳам ўзим бўлганимча бўлиб ўтирибман-ку» демоқчи эди, лекин дея олмади. У яна ерга тикилди. Энди унинг бармоқлари қимирламас эди, ўйнаб ўтирган бир тола майсани ҳам сезмай эзиб юборди.

— Содиқали акам гаини роса дўндирадилару, аммо ишга келганда.

— Дангасалик қиладилар дегин, Маърифат,— деди Қаримберди.

Ҳамма ер қазиб тупроқ кўтарганда, шағал билан цемент қорганда, ГЭС анҳорини қазиганда Содиқали кўп вақт дангасалик қилган. Ҳатто бир купи «безгаги тутганини» баҳона қилиб уйига кетгану, томорқада картошка чопган.

— Раис, йўқ ишни топди-да. Яна долзарб қилиб, шу ой ичи битирамиз дейди-я! Хўш, ота, шусиз ошимизни ичолмай қолибмизми?— Содиқали Назарали отага шундоқ деб ҳасрат қилганида ота:

— Раиснинг долзарб қилгани ўринли, Содиқвой. Ҳадемай терим бошланади. Шунгача битсин дейди-да.

Тогни талқон қилгудек кучингиз бор. Уят эмасми!— деб уни койиб берган эди.

Содиқали тоза хижолат бўлди: қўли билан пешанасини бир сидириб ташлади-да, тенгқурларига тикилди:

— Хатога кетган эканмай. Шу маъракада юзингизга қарай олмай турибман. Бундан бу ёққа...— деди-ю, оғир нафас олиб жим қолди.

Ҳамманинг кўзи электр станцияси биноси қурилган томонга тикилди. Райиждоком раиси лентани кесиб юборди. ГЭСга сув очилди.

Ҳамма ёқ бирдан ялт этди: кўчалар, уйлар, майдонлар сутдек ёришди, қишлоқ чароғон бўлиб кетди.

Кенг кўкракли, тик қоматли, қорачадан келган раис Муҳиддинжон аста-секин юриб, майдон ўртасидаги стол ёнига келмоқда. Унинг эғнидаги сарғиш гимнастёркаси устидан командирлик қайиши маҳкам тортилган. Оёғида солдатча этик. У митингни очиб, халқни нур байрами билан табриклади. Ҳамманинг кўзи раисда. У салмоқ билан дона-дона гапирмоқда. Раиснинг сўзларини тинглар экан, одамлар кўз олдидан қишлоқнинг ўтмиш, ҳозирги ва келгуси манзаралари кечар эди.

...Ана, аҳолисининг кўпи эрта баҳорда иш, нон қидириб баъзилари Тошкентга, бировлари Ўзганга, бoshқалари Қайқига таралиб кетадиган, бу ерда қолганлари қишлоқ бойлари эшигида ёз-қиш меҳнат қиладиган ўша фақир қишлоқ...

— Ҳурматли кексаларимиз — Назарали ота, Отажон ста, Рустам оталар шу ерда, бугунги тўйимизда биз билан бир қаторда ўтиришибди. Булар ким эди? Ярим умрини бой эшигида ўтказган батраклар, ўша замоннинг ялангсёқлари эди.

— Ҳозир ким?— деди раис олдинги қаторда ўтирган кексаларни кўрсатиб.— Булар қишлоқ ерларига ўнга бой эмас, бутун қишлоқ халқи эга бўлган бадавлат колхозимизнинг пахтакорлари, бизнинг азиз оталаримиз... Қишлоқнинг ўтмиши шунақа эди. Бугун қанақачо, эртага қанақа бўлади?— Раис ГЭС деворидаги нарисанинг юзини очди.

...Мана, гуллаб-яшнаб турган гулистон қишлоқ, бундаги одамлар «бой»ни, «батрак»ни билмайдн, ҳамма тенг. Уларнинг куч-қуввати, фийр-афғи, ерам-жаваси бирга қўшилган. Ўзларининг аҳилликлари тўғрисида гапириб: «Ҳаммамиз бир паймиз, бизни билр ериманедан

узиб бўлмайди. Қани, узиб кўрсин-чи!»— дейди Назарали ота.

— Биз Ленин васиятларини бажармоқдамиз,— деди ранс сўзида давом этиб,— қишлоғимиз коммунизм чироқлари билан ёриди. Сувни ўт, нур беришга мажбур қилдик. Энди қишлоғимизни Наманган областидагина эмас, Фарғона vodiёсида олдинги, яшнаган қишлоқлардан бирига айлантирамиз.

Эртанги Олмос бугунгидан ҳам гўзал бўлади... Ана қишлоқ маркази. Катта майдон атрофида кўркем клуб, баланд, ёруғ ўрта мактаб, магазин ва чойхоналар... Соёнинг нариги ёқасидаги баҳаво жойда касалхона ва туғруқхоналар... Қишлоқнинг икки бети қуюқ дарахтлар билан қопланган кўчалари шу марказий майдонга келиб туташади. Кўчаларнинг икки юзида сермева дарахтлари, сўриси баланд кўтарилган узумзор боғлар билан гўзал уйлар қатор тизилишиб кетган...

— Булар хаёл эмас, бизнинг эртанги ҳаётимиз. Бугун электр нури билан қишлоғимизни, уйларимизни ёритдик, яқин йиллар ичида деҳқончилик, чорвачилик ишларимизни ҳам шу электр қуввати билан бажарадиган бўламиз.

Карнай, сўрнайлар чалинди, қизлар чирмандаларини чала кетди. Ҳамма барабарига: «Ура!» деб қичқириб юборди, баланд тепаларда акс садо янгради.

Ҳансдан кўз ўзмай ўтирган Назарали ота даст ўрнидан турди. Келиб қўлтиғидаги туғунини стол устига қўйди. Бир беқасам тўн олиб, ҳаяжонланиб Николай Ивановичга кийдирди. Қоровой полвоп бир чуст дўппи кийдирди. Маърифат шоҳи қийиқ боғлади. Гулшан мактаб болалари номидан катта гулдаста тақдим қилди.

Инженер Николай Ивановични ҳамма табриклар эди...

* * *

Қишлоқнинг ҳар хонадонида тўй.

Уч киши битта-битта қадам босиб гурунглашиб бормоқда. Кеча соқин, боғдаги гуллар ранг-баранг очилган. Музика чалинмоқда. Йигитлар ашула қилади. Баъзилар боғ айланиб, кўнгил очади. Ҳамма ёқ электр чироқлари билан безалган, нурга чўмган.

Богининг «Балиглик» деб аталган булоқлари кўзлари-

дан чиқаётган сув қум зарраларини астагина отиб турибди. Балиқлар ҳам нур сайилига чиққан. Улар сув бетида сакраб ўйнамоқда. Ана, катта сариқ балиқ лапанглаб келмоқда. У бир сапчиб, булоқ сувини чайқалтириб юборди. Назарали ота қўлтиғидан битта нонни олиб, иккига бўлди, майда-майда қилиб уватиб, ҳар икки булоққа сочиб ташлади. Балиқлар сакрашиб нонни талаша кетди.

Назарали отанинг хаёлини ўтмиш чулғаб олди.

...Азим тераклар осмонга бўй чўзган. Чор атрофга шох отган қайрағочлар, қападек босиб турган қуюқ сада-лар. Кеча қоронғи, зимистон... Ҳамма ёқ жимжит. Нима-дандир безовта бўлган чумчуқларнинг аҳён-аҳёнда чир-қиллаши эшитилади, ҳалос.

Катта сада тагидаги кичик ҳужра дарчасининг ёригидан липиллаб ёнаётган чироқ шуъласи ғира-шира сув бетига тушиб турмоқда. Одамнинг юрагини ваҳм бо-лади...

Назарали ота сесканиб кетди. Балиқлар ҳамон бири кўйиб, бири сакрамоқда. Ота ўрнидан турди.

— Ҳа, чиндан ҳам мўъжиза юз берди,— деди ота.

— Ота, айтнинг-чи, авваллари сувдан қувват олиб, чироқ ёқишни хаёл қилиб бўлармиди?— деди ранс.

— Йўқ, ақлга ҳам сиғмас эди. Аммо одам ақлига сиғмайдиган нарса йўқ экан. Доннишмандлар: «Қалови топилганда қор ёнар» деб бежиз айтмаган эканлар ўғлим,— деди ота.

— Отажон, энди хайрлашайлик. Бу қишлоқ мен учун унутилмас хотира бўлиб қолди. Сизлар доим кўз ўнгимда бўласизлар,— деди Николай Иванович ва отанинг қўлларини маҳкам қисди. Ота инженернинг елкасига қўл ташлаб:

— Ўғлим, сиз бебаҳо ёдгорлик қолдирдингиз,— деди,— бу туфайли қишлоқ абадий ёруғлик хазинасига эга бўлди. Бу хазина авлоддан-авлодга қолаверади, тугамайди. Болаларимизнинг ёдидан чиқмайсиз.

Улар хайрлашаркан, ранс Назарали отага янги хабар айтди.

— Ота, эртадан кейин янги каналга чиқамиз. Терим бошлангунча битказиб олмасак бўлмайди,— деди.

Ота сой ёқалаб борар экан: «Албатта битади»— деди. У ўнг қўлга, баланд ариқ томонга бурилди. Совуқ булоқ тепасига келиб, икки ҳовуч сув ичди: маза, баданингга мойдек сингади, тананг яйраб ҳузур қиласан.

«Ҳа, шу вақтгача бу сувларни маза қилиб ичибмиз-ку, лекин бундақанги ҳикматидан баҳраманд бўлолмабмиз,— деди ўз-ўзига.— Бу булоқларнинг сувини «дардга шифо» дейишар эди. Афсуски, кўп булоқлар кўмилиб йўқ бўлиб кетди. Қўриқ томондаги булоқлар қани? Қоратупроқдаги қоронғи булоқлар-чи? Қолхоз тузилмасдан олдинроқ эди. Кўп булоқларни қулоқлар кўмиб юборди. Йўлчи ранс бўлган йили ёт унсурларнинг гапига кириб, анчасини ўша кўмдирди... Ахир, шу булоқларнинг баъзиларидан чиққан сув «Безгактол» ариғидаги экинларни қондириб, яна сойга қўшилмасмиди? Ахир, бу сойнинг суви шугина эдими? Тупроқ тагида қолиб кетган булоқларнинг суви қаёққа кетди. Йўқ, буларни очмоқ керак».

Назарали ота хаёл суриб борар экан, юқори маҳалладан тушиб келган Отажон отани пайқамай қолди.

— Назарали ака, бир оз хаёлчан кўринасиз?

— Шундай, хаёл олибди.— Ота ўз дардини унга ёргиси келди.

— Ана шундай ишлар бўлиб турганда хаёл сураб экансиз, Отажон,— деди у.— Бизда баъзи йигитлар бор, бугун ранс бўлиб тагига от тушдими, бўлди, ундан беш-қа ақллик одам йўқ.

Отажон ота гапнинг таги қаёққа боришини кутар эди.

— Гап юқори маҳалладаги ранслар устида,— деди Назарали ота.— Ердан зах чиқиб кетди, деб нолишадди. Сабаби бундай десанг, «миясини еган чол» дейишадди.

— Ёшлик, ғурурлик қилишадди,— деди Отажон ота.

— Тўғри, ғурурлик бўлмайди эмас, ҳаммамизда ҳам бўлган. Айни йигит эдим,— деди давом этиб ота,— хат тортсам ўрга сув чиқараман, деб юрар эдим. Бир суҳбатда бошқаларнинг гапини эламабман. Отам раҳматлик ҳозир эдилар, кўп изза тортибдилар. Кечқурун насиҳат қилдилар. «Ўғлим,— деди у киши,— қанча билсанг ҳам кўндан эшит; билганинг камайиб қолмайди».

Шунда ана шу «Буватоғ»ни мисол қилган эдилар. У ўзи баланд бўлса ҳам «пастман» дер экан. Анови тоғлар

бўлса, «биз баландмиз» дер экан. Бир замонда тошқин бўлиб, бошқа тоғларнинг ҳаммасини сув босган экан. Аммо бу тоғнинг кифтига ҳам чиқолмаган экан. Шундан бери уни «Буватог» дейишар экан. Шу гап ҳали-ҳали қулоғимда. Ё катта, ё кичик бир гап айтса, «сен нима билар эдинг», демайман. Бу йигитларда ғурурлик ақлга эмас, ақл ғурурликка бош бўлса, дейманда, Отажон.

— Тўғри айтасиз, Назарали ака.

— Муҳиддинжон кўп бамаъни, мулоҳазали йигит чиқди. Кўп билади, аммо билганини пеш қилмайди. Маслаҳат билан иш тутади. Мана ҳозир канал қазиб ер очиш, боғ қилиш фикрида юрибди. Ревотдан бошлаб, Поппа етгунча катта даштнинг ҳаммасини пахтазор қилмоқчи. «Бу тепаларни битта қолдирмай бузамиз, текис ер қиламиз, ота, деяпти умрингдан барака топкур. Хўш, айтингчи, Мамадали ўн йил раис бўлдим, деб гердаяди. Битта сигир олиб қўшдими колхоз моллари қаторига, бир туп мева эктирдимики, мунча гердаяди?

— Ғўр йигит,— деди Отажон ота.

— Ғўр бўлса ўргансин, гапга қулоқ берсин,— деди ота,— ариқ-зоғурлар қазилмаган, бор булоқлар ҳам тозаланмаган. Булар қилинсами, зах йўқолади, экин қонади, ҳосил кўпаяди, сойдаги сув ҳам ортади. Ахир мана шу ерларнинг тагида булоқлар бор. Айтнинг, ахир сувнинг қадрини илгари билмасмидик? Билардик. Лекин мана бундақанги ишларни юзага чиқаришга қурбимиз етмаган эди. Энди-чи? Энди қўлингизни қаёққа узатсангиз етади.

Улар хайрлашди. Ота тўғри уйига келди. Ток сўриси-га илинган лампочка боғчани сутдек ёритиб турибди. Қора чареслар, шивиргони ва кишмишлар, ҳусайни ва каттақўрғони фарқ пишган, бир донаси ерга тушса, тарс ёрилади. Шафтолилар ширага тўлган, меваларини кўтаролмай шоҳлари синай-синай деб турибди...

Соҳибкер ота қизил узумдан бпр шингилни узиб олди. Сап-сарик пишиб турган рўпарадаги анжир отанинг кўзига ҳозир айниқса бошқача кўриниб кетди...

Айвонда Шўҳрат лампочкани паст тушириб китоб ўқир эди. Ота бир нафас набирасига тикилиб турди:

— Баракалла, отам, ўқинг. Биз ҳам эшитсак,— деди.

— Шоир Ғафур Ғуломнинг Ленинга бағишлаб ёзган шеъри,— деди Шўҳрат.— Эшитинг.

Ота диққат билан қулоқ солар эди...

Ёруғлик жаҳоннинг бошланғичидир,
Жонини бағишлар нурга парвоза.
Сен ёққан чироқнинг машъаласида,
Порлади асрлар замин, замона.

— Ҳа, балли, балли.

Назарали ота узоқ ухлаёлмади. Шеърнинг биринчи сатри унинг дилида такрорланар эди:

— Ёруғлик жаҳоннинг бошланғичидир...

1948

Трактор бригадаси бугун Ширинбулоқ участкасидаги сўнгги қарталарнинг шудгорини тамомлайди. Қолхоз раиси Файзулла Имомов билан ҳосилот Бўтабой ака бригадани, унинг моҳир механиги Оризгулни галаба билан қутлаш учун шу ёққа жўнашди.

Улар юқори участкадаги ерларни кўриб, катта йўлга чиқдилар. Биз уларга шу ерда қўшилдик. Йўлнинг икки ёқаси бир-бирига туташиб кетган пахта далалари.

— Оризгулнинг «рота»си дастлаб шу ерларнинг шудгорини кўтарган эди,— деди фронтча гапиришга одатланган Файзулла Имомов.

Далаларни кўздан кечириб келаётган Бўтабой ака негадир бир зум тўхтаб жилмайдди. Раис, Бўтабой аканинг жилмайишини ўзинча тушуниб:

— Жилмайиб қолднгиз, ўша гапнинг кайфини энди сурыяписми дейман?— деди.

— Ҳа,— деди Бўтабой ака, ҳамон хаёлчан кўзларини қарталардан узмай.— Мана бунга қаранг-а, семиряпти... Ўттиздан эмас, ўттиз беш центнердан тўкаман, деб турибди. Энди бу ёғи бизга боғлпқ,— деди у, кафтидаги бир сиқим тупроқни ёғжимлаб.— Олдингиларнинг кейингилардан фарқи ҳозироқ кўриниб турибди. Шудгорни эрта кўтардинг— ютдинг, кейинга қолдинг...

— Қолган ишга қор ёғар,— деди раис.

Бўтабой ака кулгусини яширолмади.

— Бу Оризгулнинг гапи. Раис шунн шама қилди,— деди ёнидагиларга у турган ўрнидан жиллиб.— Шудгорни аввало шу ердан бошлаган эдик. Оризгул икки тракторни икки томондан солди. Кеч кириб қолди. Ғўзапоя йиғиштиришга ажратилган одамлар шошиб қолди. «Шу қарталнинг ғўзапоясини эрта тонгда оласизлар» дедим мен. «Нега эртага?» деди Оризгул. «Қош қорайиб қолди,

ғўзапоядан тозаланганини ҳам зўрға ҳайдайсиз бугун» дедим. «Йўқ, ғўзапояни ҳозирнинг ўзида оласиз! Тунда бу ерни тугатиб, тракторлар эрта тонгда юқори участкага ўтади». — «Битта трактор ўтадим?» — «Йўқ, иккита, Сотиболди ҳам ўтади» — деди у. Ҳайрон бўлдим, бошим қотди. Юқори участкада бир тракторга ер очилган эди. «Ахир графигингизда шунақа-ку» дедим. — «Тўқ, графикни бузамиз, — деди у, менга тик боқиб. — Шундай қилмасак бўлмайдиганга ўхшайди. — Эсингиздами ўтган йилги воқеа: бир кун кечикканимиздан ўттиз гектар ернинг шудгорни қишга қолиб кетган эди. Бир кун, бир соат олдингиси ҳам олдин. Қолган ишга қор ёғар дейдилар. Бўтабой ака» деди-ю, гапни кесди. Мен унга тан бермай қололмадим.

— Тажрибали деҳқонлар ҳам адашса ундан туртки ейди, — деди кулимсираб раис.

— Адашганининг айби йўқ, қайтиб топса йўлини, укам Файзуллажон. Тўғри, Орзигул ўша кун: «Йўқ, бугун йиғиштириб оласиз ғўзапояни» деб туриб олмаганда, иш орқага кетарди-да. Шундай гаплашганингизда жуда мулойим, беозор. Аммо иш устида чақмоқ.

Орзигул ҳақидаги фикрлари таъсиридами, Бўтабой ака яна бепоён далаларга, баланд тоғларга тикилди. «Буватоғ»дан тортиб, қатма-қат тизилган анави пастки қоратоғларнинг чўққиларигача бари оқ либос кийган. Ботаётган қуёш тигида «Буватоғ» бағридаги қор кумушдай йилтирайди. Бўтабой ака гўё шу тоғлар ва кўпчиб ётган ерлар билан гаплашгандай:

— Ана сув, каналлар лиммо-лим. Тўйиб-тўйиб ич, — деди секингина ва участка агрономи Аҳмаджонга қаради. — Деҳқон бўлсанг ерни тўйдир дейишарди кексалар. Тўйдирдик уни. Қондир дейишарди-ю, лекин, — деди у тоғдаги қорни кўрсатиб, — сув келтира олмасдилар. Мана энди сув келтирилди. Чўл қонди. Бу йил ортиғини дарё ичади. Ишлат ерни, тишлайсан, дейишарди-ю, ишлатишга ожиз эдилар. Мана энди биргина бизнинг колхозимизда Орзигул бошлиқ саккиз трактор, ўн олти азамат йигит бизга ёрдамчи: ҳайдаб, экиб, чопиб, ҳатто машиналари билан теришиб, кўсагимизни ҳам чувиб берадилар. Шунда ҳам у ерларнинг ҳосилини ўттиз беш центнердан оширолмасак, қанақа деҳқонмиз биз!

— Сиз билан бизнинг қўлимизда бу. Жазм қилган эканмиз, албатта оширамиз, — деди Аҳмаджон унга.

Яқин орадан тракторларнинг гуриллаган овози эшитилди.

— Орзигулнинг қисми сўнгги ҳужумни тугаллапти,— деди Имомов,— офарин унга! Мен МТС ходимиман деб четда турмайди. Битта от сеялкаси ёки окучник, иш тамом бўлгач, далага ташлаб қўйилсин, ё очиқ ҳавода занглаб қолсин-чи, шу бригадир таъзирини ейди. Бизнинг қишлоқ хўжалик асбобларимизни трактор бригадаси ремонтдан чиқарган, ҳозир омборда.

Раис, Орзигул яқинда Москвадан, Совет Иттифоқи тинчликни ҳимоя қилиш Комитетининг конференциясидан қайтиб келгандан кейин трактор бригадаси қўшимча мажбурият олиб ишга киришганлигини, колхозчилар ҳам янги мажбурият олганини, колхоз 1953 йилда ҳар гектар ердан ўттиз центнердан ошириб пахта етказишга аҳд қилганини айтди.

Ширинбулоққа келдик. Ўнг қўлдаги ўттиз гектарлик жатта қартани уч трактор уч томондан қисиб келмоқда.

Ариқ бўйидаги якка қайрағоч тагида тракторлардан кўз узмай Орзигул турибди.

Сотиболди минган «С-80» тракторининг саккиз корпуси тупроқни ағдариб бормоқда. Ёз бўйи ғўзаларни тўйдирган серунум тупроқ кул ранг ўғит билан аралашиб пастга тушар, остки қатламнинг димиқиб ётган қора тупроғи юзага чиқиб товланарди. Орзигулнинг кўзлари плуглар кетида қора ипакдай ҳимарилиб оқаётган тупроқларда.

Раис мамнун жилмайиб, Орзигулга боқди.

— Қутлайман энди!

— Қутлашга ҳали эрта, Файзулла ака. Келаси кузда, янги ҳосилни йиғиб-терганда қутлашамиз... Ярим соатдан кейин тугайди,— деди Орзигул Тўрабоева.

Биз бригаданинг иш натижаларини билишга қизиқдик. Бригада йиллик трактор ишлари планини 110 процент бажарибди. Иш турларини айрим ҳисоблаганда: ер ҳайдаш — 100, чигит экиш — 100, эгат олиш — 100, культивация — 120, ўғит солиш — 110 процент.

Механик бригаданинг иш тажрибаларини ҳикоя қилиб деди:

— Бизда тартиб шундай: ҳар бир тракторчи ўз тракторини МТС ишхонасида ремонт қилгандан кейин, мен қабул қиламан. Ремонтдан чиққан тракторни синчиклаб текширамыз. Синовдан ўтказамиз. Нега десангиз, трактор

нозик механизм-да, эскирган ёки ишдан чиққан қисмларнинг биттаси чала қолса, ё бирорта винти нотўғри ўрнатилса ҳам ремонтнинг қиммати бир пул.

— Қасалнинг олди олинмаса даволаш қийинлашади, дейишади. Бизнинг тракторлар ҳам шунақа,— дейди Орзигул Тўрабоева,— иш устида, далада кун сайин қараб, майда нуқсонлар тугатилиб борилмаса, машинанинг «инжиқлиги» бешланади, простой кўпаяди, трактор тез ишдан чиқади.

Топилди Мадиев «НАТИ»ни қартанинг нариги бурчидаги бочка олдида тўхтатди. Ёнилғи олди. Челакада сув олиб уни кутиб турган сувчи дарров радиаторга сув тўлдирди. Трактор ҳайқирик солиб юриб кетди. Орзигул соатига қаради. Топилди заправка вақтидан уч минут тежабди. Механик тракторчига хурсанд қўл силкиди.

— Эсимда, бир вақтлари Эргашвой шу ерларни ҳайдаган эди,— деди тракторлар ҳаракатидан кўз узмай турган Имомов.

— Шунга ўн беш йил бўлди,— деди Орзигул.

Ушанда Орзигул ўн саккиз ёшда бўлиб, қишлоқ мактабини энди тамомлаган эди. Уни куёвга беришди. Орзигулнинг эри Эргашвой Йўлдошев қишлоқда биринчи бўлиб трактор минган йигит, биринчи механизатор эди. Шу йили қишлоққа норинлик тракторчи жувон келди. «Улфатой Худойбердиева,— деб эслайди уни Орзигул,— жуссаси келишган, қорачагина, дилкаш жувон эди».

Ўша жувон далада Эргашвой билан трактор ҳайдар, Орзигул тушда чой қайнатиб берар, кечқурунлари овқат пишириб келарди. Шу оқшомлари улар юлдузлари чарақлаган кўк тагида, шудторда ёнма-ён ўтиришарди. Улфатой кўкдаги юлдузларга тикилиб гап башларди: отасининг ўғли йўқ экан. Қишлоққа дастлаб трактор келганда отаси тупроқни ағдариб боришини кийла кўз узмай завқ билан томоша қилиб турибди, кейин ўзича: «Ўғлим бўлса тракторчи қилардим» дебди секингина. Шунда отасининг ёнида турган Улфатой бу гапни эшитиб қолган экан. Шу-шу бўлибди-ю, унинг юрагидан тракторчи бўлиш орзуси кетмабди...

Шу жувон Орзигуллариникига тез-тез келиб турадиган, уларникида ётиб қоладиган бўлди. Улфатойни жуда-жуда яхши кўриб қолганиданми, ёки унга ҳавас қилганиданми, нима бўлди-ю, Орзигулнинг юрагида: «Мен ҳам

тракторчи бўламан» деган кучли истак ўти ёнди. Ҳа, унинг юрагига бу ўтни ўша опаси Улфатой ёқди!

Бу истакни эрига айтишга маврид пойлади. Бир куни уйда шундай гаплашиб ўтирганларида гапдан гап чиқиб, секингина:

— Сизга бир гапим бор,— деди.

— Айт, нима гап экан,— деди эри.

— Мен ҳам тракторчи бўлсам, ёнингизда трактор ҳайдасам...

— Чиннингми?— деди ҳам қувониб, ҳам бу тасодифдан довдираб эри.

— Чин бўлмаса айтармидим! Улфатой опам сингари тракторчи бўлсам ёмонми?

— Ёмон эмас, яхши, жуда яхши, бироқ гапингга ишонмаяпман.

— Нимага ишонмайсиз гапимга? Бирор марта ёлғон гапириб, сизни алдаб эдимми?

— Йўқ,— деди Эргашвой хурсанд жилмайиб,— қани энди сен ҳам тракторчи бўлсанг, бу ерларин иккимиз бирга ҳайдасак...

Истаги эрига маъқул тушганидан, унинг «...бу ерларин қани иккимиз бирга ҳайдасак» деган сўзларидан Орзигул суюниб кетди, эрининг бўйнидан қучоқлади.

Тун бўйи Орзигулнинг кўзига уйқ келмади.

Орзигул Чуст МТСига ўқишга борди. Тракторчилар тайёрлаш курсини тамомлаб келгач, ўзи туғилиб ўсган Шоён-Боймоқ қишлоқ советидаги «Комсомол» колхозинда эри билан трактор ҳайдади. Кўп ўтмай, Худойбердиева сингари моҳир, донгдор механизатор бўлиб етишди.

Колхозчиларнинг ҳурматига сазовор бўлди, район, область пахтакорларининг слётларида унинг номи бот-бот тилга олинадиган бўлди. Газеталар уни мақтаб ёзишди.

У республика илғор пахтакорлари қурултойига бир неча марта колхозчилар, МТС ходимлари номидан вакил бўлиб борди. Орзигул республиканинг донгдор механизатори сарматқандлик Мастура Азизова билан пойтахтнинг кўркем биносида, илғор пахтакорлар қурултойида танишди, Мастура билан дўст тутиниб иккиси мусобақалашадиган бўлди.

Орзигул коммунистик партия аъзоси деган улуғ номга муносиб бўлиш учун ўз ихтисоси — механизаторлик касбини, билимини ошириш йўлида тинмай ишлади, ўз

ҳунарини камолга етказиб, бригада механиги даражасига кўтарилди.

* * *

Орадан роса ярим соат ўтди. Тракторлар бирин-кетин йўлга чиқди. Орзигул, Бўтабой ака, Файзулла Имомов тракторларга пешвоз чиқишди. Раис мўл ҳосилга кучли замин қўйган азамат тракторчиларни янги муваффақият билан табриклаб, Орзигулнинг қўлини қисди.

Тракторлар кўчани ларзага келтириб, қизил байроқни ёлибона ҳилпиратиб, қишлоқдан ўтаётганда, қош қорайган бўлса-да, кўча тракторчиларни қутлашга чиққан одамлар билан тўла эди.

1952

Ҳикоялар ва очерклар

Ошиқлар	11
Қоравой полвон нима дейди	25
Богбон	41
Пахтақайнар	51
* Табассум	66
* Мулла Кичкина	73
Қўзмунчоқ	80
Айгиз дарада	85
Тирик мадонна	92
Дарёлар	99
Қўнгил жаҳон кўради	126
* Сехргар қўл	133
* Байроқдор	147
Ҳамиша ер бошида	155
Қўшиқ	162
* Икки лавҳа	169
Садоқат	178
* Инсон ташаккур	214
Ишқ ўти	257
Кумуш пиёла	265
Улғайиш	275
Тўтихон	244
Инсон қалби қуёшдан ёруғ	201
Довруғ	302
Нур байрами	311
Орзигул	320

* © Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,
1978 й.

На узбекском языке

ЮЛДАШ ШАМШАРОВ

ОГОНЬ ЛЮБВИ

Рассказы и очерки

Редактор *Ж. Насриддинова*

Рассом *А. Пономарев*

Расмлар редактори *Н. Кириакиди*

Техн. редактор *В. Барсукова*

Корректор *Ш. Собирова*

ИБ № 463

Босмахонага берилди 18.VIII-1977 й. Босишга рухсат
этилди 23/XI-1977 й. Формати 84×108^{1/32}. Босма л.
10,25. Шартли босма л. 17,22. Нашр л. 17,11. Тиражи
65000 (7-муқовада—15000. 5-муқовада—45000). Р09721.
Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.
Тошкент, Навоий кўчаси 30. Шартнома № 123—77.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриёт-
лар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича
Давлат комитетининг 1-босмахонасидан 1-қосмага 65-
сидан. Тошкент, Ҳамза кўчаси 21. 1978 йил. 3-сентябр
№ 343. Бадоси 7-муқовада 1 с. 40 т. 5-муқовада 1 с. 20 т.

Шамшаров, Йўлдош.
Ишқ ўти. Ҳикоялар, очерклар. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти,
1978 ©.
328 б.

Қўлингиздаги ушбу китобда ёзувчи Йўлдош Шамшаровнинг тур-
ли йилларда ёзилган ҳикоя ва очерклари жамланди. Уларда респуб-
лика қишлоқлари қиёфасида юз берган ўзгаришлар, колхоз тузуми-
нинг ветеранлари, саҳроларга дарё етаклаган забардаст фидойилар,
янги қишлоқда туғилиб вояга етган зиёлилар, деҳқончиликнинг огир
ишларини техника елкасига ортган механизаторлар, тупроқшунос
агрономлар — бир сўз билан айтганда, замондошларимиз қаёти акс
этгандир.

Шамшаров, Юлдаш. Огонь любви. Рассказы и очерки.

Уз2